

Узб. 2
33
А-23

ҲАСАН АБУЛҚОСИМОВ
МУРОД АБУЛҚОСИМОВ

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



Узб, 2

33
А-23

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Ҳасан Абулқосимов, Мурод Абулқосимов

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

“Ноширлик ёғдуси” нашриёти
Тошкент-2019

УЎК338. (575.1)
КБК 65.011 (5Ў)
А32

Абулкосимов Ҳ.П.

Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт.
Ўқув кўлланма. Абулкосимов Ҳ.П., Абулкосимов
М.Х.// Махсус муҳаррир ва маслаҳатчи Абулкосимов
А.П.- Т., 2019 – 620-б.

Махсус муҳаррир ва маслаҳатчи:

Абулкосимов Абдусаттор Пирназарович, истеъфодаги полковник.

Такризчилар:

Жўраев Т.Т. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Асатуллаев Х.С. – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Мўминов Н.Ғ. – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Ўқув кўлланмада иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишларига бағишланган мавзулар ёритилган. Ушбу мавзуларда иқтисодий хавфсизлик ва таҳдид тушунчаларининг моҳияти, уларнинг намоён бўлиш шакллари, хавфсизликни таъминлаш механизмлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган. Ўқув кўлланмада баён қилинган ҳар бир мавзуда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари, устувор йўналишлари таҳлил қилинган.

Ўқув кўлланма муаллиф иштирок этган ПЗ-20170928187 рақамли “Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш йўллари”, ПЗ-20170929167 рақамли “Децентрализация механизмларини ишлаб чиқиш маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш омилли сифатида” мавзуларидаги илмий-амалий грантлар доирасида бажарилди.

Ўқув кўлланма профессор-ўқитувчилар, иқтисодиёт йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга, иқтисодий хавфсизлик соҳасида илмий иш олиб бораётган мутахассис ва тадқиқотчиларга ҳамда ушбу фанга қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Ўқув кўлланма Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети Кенгашининг 2019 йил 28 февралдаги мажлиси (7-сонли баённома), университет Услубий Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги мажлиси (4-сонли баённома) қарорларига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4742-6-0

© “Ноширлик ёғдуси”, 2019

© Абулкосимов Ҳ.П., 2019

*Абулқосимхўжа ва
Нуриддинхўжа боболаримиз,
Пирназархўжа отамиз,
Ойимгул ва Феруза бузиларимизнинг
хотираларига бағшиланади*

КИРИШ

Миллий, шу жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва мамлакатнинг миллий ҳамда иқтисодий манфаатининг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай мустақил давлат учун муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг долзарблиги миллий иқтисодиётнинг аҳоли учун нормал ҳаётини фаолият шароитларини, уни барқарор тарзда ресурслар билан таъминлаш, миллий давлат манфаатларини рўёбга чиқара олишга кодирлигини ифодалаши билан ҳам тавсифланади. Айниқса, ёш мустақил давлатлар иқтисодиётининг бирёқламалиги ва қарамлиги, аҳолининг паст турмуш даражаси ўзида ижтимоий таҳдидни ифодалаб, хавфсизликни сақлашга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида собик иттифоқдан мерос қолган мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, пахта яққаҳоқимлигига, ресурслардан аёвсиз фойдаланишга асосланган иқтисодиёт ўзида кўплаб ички ва ташқи таҳдидларни мужассам этган. Ўтиш даврида ишлаб чиқаришнинг қисқариши, инфляция даражасининг юқорилиги, аҳолининг бой ва камбағал гуруҳлари ўртасидаги фарқнинг ўсиб бориши, ишсизлик ва бошқа иқтисодий-ижтимоий таҳдидлар ҳам вужудга келади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар оқибатида 1996 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш тамойилига эришилди, иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда, иқтисодий ҳаёт эркинлашмоқда, тадбиркорлик ривожланмоқда. Аҳолининг реал даромадлари ҳам кейинги йилларда ошиб бормоқда. Аммо ушбу ижобий ўзгаришларга қарамасдан мамлакат иқтисодий хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар сакланиб қолган. Шу боисдан миллий иқтисодиётнинг турли ички ва ташқи таҳдидларга бардошлигини ошириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, мушоҳада қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишнинг 3.2.пунктида “Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” вазифалари белгиланган. “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланган бешинчи йўналишнинг 5.1.бўлимида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ҳаракатларни ташкил этиш; давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Куролли Кучларининг жанговар қудрати ва са-

лоҳиятини ошириш; атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида конли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу—замон талаби”²,—деб таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг қулай институционал асосларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий иқтисодиётнинг турли ички ва ташқи таҳдидларга бардошлигини ҳамда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, унинг жаҳон иқтисодий тизимида рақобатбардошлигини ошириш масалаларини таҳлил қилиш мазкур ўқув қўлланмасининг мақсади ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий иқтисодиётга, корхона (фирма) ва алоҳида шахсга нисбатан хавф туғдираётган таҳдидларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барчаси ўқув қўлланмада баён қилинган масалаларнинг объекти ҳисобланади. Зеро, бугунги риво-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль// Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр// Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

жланаётган бозор иқтисодиёти ҳар бир фуқаро, шахс иқтисодий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларнинг ўзи, оиласи ва мамлакат учун қай даражада таъсир этиши ҳақида мустақил фикрлашни, иқтисодий таҳдидларни аниқлаш ҳамда хавфсизликни микро ва макро даражада таъминлашдаги муаммолар ечимини излаб топиш йўл-йўриklarини ўрганиши лозим. Шу асосда иқтисодий таҳдид ва хавфсизлик, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масалаларига илмий-назарий жиҳатдан ёндашиб, уни ҳал этишда амалий кўникмалар ҳосил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам, ушбу ўқув қўлланмада шахс, корхона (фирма) ва бутун мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига таъсир этувчи таҳдидлар ҳамда уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмлари, восита ва усуллари баён этилган.

Шунингдек, ўқув қўлланмада тadbиркорлик, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг пул-молия соҳаси, ахборот, иқтисодиётнинг реал сектори, транспорт тармоқлари, энергетик, озиқ-овқат, экологик, минтақавий ҳамда ташқи иқтисодий фаолият хавфсизлигини таъминлаш масалалари баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ишларини янги bosқичга кўтариш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, миллий мудофаа саноати комплексини шакллантириш, ҳар қандай хавф-хатарга қарши доимо шай туриш, экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни давом эттириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чораларини кўришимиз зарурлиги каби муҳим вазифаларни белгилаб берди³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр.

Бу эса мамлакат, тadbиркорлик, ишлаб чиқариш, хўжалик-молиявий фаолиятлар, ҳар бир шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлат ҳокимияти муҳим роль ўйнаши лозимлигини такозо этади. Давлат халқ ишончини қозониши учун авваломбор, унинг хавфсизлигини таъминлаши лозим бўлади. Шу бонедан мазкур қўлланмада давлат ҳокимиятининг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмида тутган ўрни, мақсад ва вазифалари ҳам ёритилган.

«Иқтисодий хавфсизлик» фанининг мақсади талабаларда давлат ва шахснинг муҳим ҳаётий манфаатларини тан олган ҳолда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича назарий ва амалий билимлар беришдан иборат.

Ўқув курсининг вазифаси талабаларда бэзор иқтисодиёти шароитида шахс, корхона (фирма) ва миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш масалаларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида зарур билимлар ва кўникмаларни шакллантириш ҳисобланади.

«Иқтисодий хавфсизлик» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба ва тингловчи:

– иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва кўрсаткичларини, ташқи ва ички таҳдидларни, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми тўғрисидаги билимларга эга бўлиши;

– шахс, корхона (фирма) нинг, давлатнинг ички ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиши;

– хўжалик фаолиятининг молия, пул-кредит соҳасидаги, энергетик ва озик-овқат, экологик ва ахборот хавфсизлиги бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши;

– хуфёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши кураш, минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича билим,

тасаввур ҳамда кўникмаларга эга бўлиши ва улардан амалиётда фойдалана олиши;

– мамлакат ташқи иқтисодий хавфсизлигини ва жаҳон хўжалик тизимида рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий йўлига таъсир этувчи омилларни билиши керак.

– иқтисодий хавфсизлик бўйича олиб борилаётган фаолиятларни таҳлил қила олиши, бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича малакаларга эга бўлиши керак.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. “Хавфсизлик” тушунчасининг моҳияти

Хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир пайтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарт ҳисобланади.

“Хавфсизлик” тушунчаси Робер маълумотномасига кўра 1190 йилда пайдо бўлди. Бу тушунча ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолатини ифодалаган⁴. Ушбу маънода мазкур термин Ғарбий Европа халқлари лексиконида XVII асргача қўлланган. Тарихнинг кейинги давларида давлат тузилмаларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда хавфсизлик тушунчаси моддий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда давлат қурилиши, бошқариш органлари тенденцияларига мос келадиган реал хавф-хатар (жисмоний ва маънавий) нинг йўқлиги натижасида вужудга келадиган тинчлик ҳолати маъносини англатган⁵.

XX асрнинг охирига келиб, «хавфсизлик» ва « миллий хавфсизлик » тушунчалари бизнинг лексиконимизда тез-тез қўллана бошлади. Бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий қирғин қуролиларнинг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг оғирлиги, янги хавфли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум емирилганидан кейин

⁴ Основы экономической безопасности. – М., 1996. С.3.

⁵ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001.- С.8.

дунёнинг қарама-қарши кутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислохотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Дунёдаги бундай ўзгаришлар хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтирди.

“Хавфсизлик” тушунчаси кўп қиррали бўлиб, турли маъноларда талқин этилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хавф-қўрқинч, қўрқинш, ваҳима, ҳадиксираш, бирор хатарли ходиса ёки фалокат содир бўлиш эҳтимоли, хатар, хавотирланиш, хавфсираш, хавотир, ташвиш” маъносида, “хавфсизлик – хавф-хатарнинг йўқлиги; хавф бўлмаган ҳолат, хавфсизлик таъминланган”, деб таъриф берилган⁶.

Таъкидлаш лозимки, умуман хавфсизлик инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш, қафолатланиш маъносини англатади. Хавф-хатар эса давлат ва жамият ривожланишига, нормал амал қилишига таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил ҳисобланади. Хавф сабаб-оқибат нуктаи назардан шахснинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита зиён етказувчи ҳамда мамлакат ер майдонининг қисқариши ёки ёмонлашуви, ижтимоий ва маънавий турмуш тарзининг бузилиши, емирилиши билан боғлиқ хавф бўлиши мумкин. Вужудга келиши манбаларига кўра табиий, техноген, ижтимоий хавф турлари фарқланади. Эҳтимоллик даражасига кўра реал ва потенциал хавф мавжуд бўлади. Ўзининг вужудга келиши ҳамда оқибатларига кўра халқаро, миллий, локал (ҳудудий), хусусий (корхона ва шахсга доир) хавфларга ажратилади. Шунингдек, инсон ҳаёти соҳалари ва фаолияти турлари бўйича ҳам хавфнинг намоён бўлиш шакллари ўрганилади⁷.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ИВ. Тартибот-Шукр. Таҳрир хайъати. Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.: ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2008.-372-бет.

⁷ Қаранг: *Экономическая безопасность: учебник для вузов/под общ.ред. Л.П.*

Хавф-хатар намоён бўлишининг кескин шаклларига табиий, ижтимоий катаклизмалар, портлашлар ва ларзалар, кризислар, тангликлар, революция, кўзғолон, исён, уруш, қуролли тўқнашувлар киради (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Хавф-хатар намоён бўлишининг кескин шакллари⁸

Хавфсизлик кўп қиррали бўлиб, у бутун инсоният, давлат ёки иқтисодий тизимнинг нормал фаолият юритиши, ривожланиши учун ноҳуш, салбий, зарарли таъсирлардан, хавф-хатарлардан сақланиш, ҳимояланиш ҳолатини ифодалайди. Хавфсизлик умумий тарзда зиён етказиш учун потенциал шароитларнинг йўқлиги, хавфдан сақланиш, ҳимояланиш ва ишончлилиқни аниқлашади. Бу тушунча кишилар ва жамият ҳаёт фаолиятининг аниқ специфик соҳаларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Гончаренко.-2-е изд., перераб. и доп.-М.: Издательство Юрайт, 2018.-С.9.

⁸ Муаллиф томонидан тузилди.

Хавфсизлик қандай соҳада, қандай шакл ва қиёфада намоён бўлмасин уларнинг барчаси умумийлик хусусиятига эгадир. Умуман, хавфсизлик хавф-хатардан химояланиш шарти ва стратегияси сифатида ижтимоий тизим, шахс, жамият ва давлат ҳаёт фаолиятининг нормал амал қилишини таъминлашга йўналтирилган бўлади⁹.

Хавфсизликнинг субъектлари шахс, аҳоли ижтимоий гуруҳлари, кишилар уюшмалари ҳамда бирлашмалари, давлат ва жамият ҳисобланади. Хавфсизлик объекти инсон ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, шахсий-оилавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, табиий соҳа ва жабҳаларини ўз ичига қамраб олади (1.1.2-расм).

“Хавфсизлик” тушунчаси кенг қиррали бўлиб, ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ўз миллий хавфсизлик стратегияларини ишлаб чиқмоқдалар. Масалан, АҚШда президентнинг миллий хавфсизлик соҳасидаги конституцион мажбурияти ва бош вазифаси сифатида мамлакат аҳолиси, унинг территорияси ва америкаликларнинг турмуш тарзини химоя қилиш белгиланган.

Миллий хавфсизлик элементлари ичига армиянинг жанговарлиги, бошқа мамлакатларда демократияни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда Американинг иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш ҳам киритилган. Иқтисодиётни жонлантириш, миллий маҳсулотлар рақабатбардошлигини ошириш, янги хорижий бозорларни очиш, янги иш жойларини яратиш ҳам миллий хавфсизликнинг муҳим элементлари ҳисобланади¹⁰.

⁹ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. –М.: Изд-во РАГС, 2001. С.7.

¹⁰ Сеняков В.К. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие (книга четвертая).- М.: ЗАО «Финстатинформ». 2002.- С.6.



1.1.2-расм. Хавфсизлик субъектлари ва объектлари¹¹

Миллий хавфсизлик фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, шунингдек, миллий қадрият ва ҳаёт тарзининг кенг қўламдаги, турли-туман ташки ва ички таҳдидлардан ҳимояланганликни ифодалайди.

1.2. Миллий хавфсизлик ва унинг таркиби

“Миллий хавфсизлик” атамаси илмий ва амалий муомалага АҚШ президенти Теодор Рузвельт томонидан 1904 йилда киритилган. Миллий хавфсизлик манфаатларни ҳимоялашнинг умумий шакли ҳисобланади. Шунингдек, у мамлакат миллий манфаат эҳтиёжларининг намоён бўлиш

¹¹ Музалиф томонидан тузилган.

шакли ҳамдир. Бошқача айтганда, манфаат эҳтиёжларини қондириш ва моддий, маънавий, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлиш ва фаровонликка интилиш тўғрисидаги тасаввурларнинг жамини ифодалайди.

Миллий хавфсизлик фуқаролар, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шахс, фуқаро манфаатлари ўз ичига уларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари, яшаш хавфсизлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, жисмоний, маънавий, интеллектуал ривожланишини олади.

Жамият манфаатлари эса демократияни мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлаш, аҳолининг яратувчилик фаоллигини ошириш ва унинг барча ижтимоий ва этник гуруҳларининг маънавий ривожланиши таъминланишини ўз ичига олади.

Давлат манфаатлари эса конституцион тузум, мамлакат суверенитети ва территориял яхлитлигини ҳимоя қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни қарор топтириш, қонунларнинг сўзсиз амал қилишини таъминлаш, ҳуқуқ-тарғиботни қўллаб-қувватлаш ва тенг шериклик асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Ушбу манфаатлар бир-бирлари билан ўзаро боғланган бўлиб, улар жамият аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш, халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, унинг маданияти, маънавий кадриятларини сақлашга бўлган интилишларини ифодалайди. Шу боисдан ҳар қандай мамлакат манфаатлари учта муҳим мақсадга йўналтирилган бўлади: 1) халқ фаровонлигини ошириш; 2) мамлакат ҳаёт фаолияти ва ҳудудини ҳимоя қилиш ҳамда обод этиш; 3) миллий маданиятни ривожлантириш¹².

Ўзбекистонда миллий хавфсизлик миллий мафкура билан ҳамохангдир. Чунки «...миллий истиқлол мафкураси,

¹² Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001. – С. 29.

Ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳлар ва қатламларнинг – бутун халқимизнинг куйидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

– мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлар дахлсизлиги;

– юртнинг тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, инфор­мацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши;

– мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш;


– ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги;

– жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг амал қилиши»¹³.

Ушбу манфаатлар миллий давлат манфаатини ташкил этади. Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, инфор­мацион ва бошқа омиллар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шу боисдан миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий-мудо­фаа, ғоявий, иқтисодий, экологик, инфор­мацион хавфсизликларни ўз ичига олади (1.2.1- расм).

Сиёсий хавфсизлик мамлакатнинг миллий-давлат тузилиши ҳамда, конституцион тузумни ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Ҳарбий-мудо­фаа хавфсизлиги мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Ғоявий, мафкуравий хавфсизлик ҳозирги даврда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мафкура, ғоя ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Чунки мафкура **мавжуд** бўлмаса, ҳар қандай жамият ўзи танлаган йўлини йўқотиши мумкин. Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши барчага аён ҳақиқатдир.

¹³ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 45-бет.



1.2.1-расм. Миллий хавфсизлик таркиби¹⁴

Ҳозирги даврда турли хил эски ва янги мафкура, ғояларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Бунга сабаб социалистик тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг икки қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам толган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар, ғоялар кураши, тортишувлар ҳали ҳам давом этмоқда. Бу курашлардан мақсад инсон, шу жумладан, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онги ва тафаккурига таъсир ўтказиш, уни ўзига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликлардан ҳам кўра даҳшатлироқдир. Шу боисдан ҳам мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таҳдид, хавф-хатар, тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий, ғоявий хавфни, тазйикни тезда илғаб олиш, сезиш ниҳоятда қийин. Инсон ўз мустақил фидрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётгий

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

миллий кадриятларга, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, жамиятда халқни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий ғоя ва мафкура мавжуд бўлмаса, унинг турли зарарли ғоя ва мафкураларнинг тазйиқига бардош бериши амри маҳолдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда «...жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф тугдирадиган мафкуравий таҳдидлар куйидагилардан иборат:

– ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

– ёш мустақил давлатларни собиқ иттифокка бирлаштириш ғояси;

– тарихимизни, миллий кадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

– ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

– турли мафкуравий воситалар орқали минтакавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар»¹⁵.

Бундай ғоявий, мафкуравий таҳдидлар инсонлар ва халқнинг қалби, онгини забот этишга, уларни ўз миллий ва маънавий, маданий кадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада, мамлакатни ўзларига қарам қилиб олишга қаратилгандир. Шу боисдан ғоявий, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Экологик хавфсизлик табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатларидаги муайян қонуниятларнинг бузилиши оқибатида юзага келадиган экологик фалокатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Экологик хавф-хатар, фалокатлар инсоннинг табиат имкониятлари ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмасдан, табиий ва минерал хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта ҳаражатлар

¹⁵ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекистон, 2000. 41-бет.

ва исрофгарчиликлар билан фойдаланган ҳолда хўжалик фаолиятини юритиши оқибатида юзага келмоқда. Демак, экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлиши билан бир қаторда, глобал аҳамиятга ва тавсифга эгадир.

Иқтисодий хавфсизлик мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил, барқарор ривожланишга қодирлигини ифодалайди.

Информацион хавфсизлик юқорида тавсифланган миллий хавфсизликнинг барча шаклларини, айниқса, ғоявий, мафхуравий хавфсизликни таъминлашнинг воситаси сифатида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, “миллий хавфсизлик” тушувчаси кўп қиррали ва хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Аммо шунга қарамай, у қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, миллий хавфсизлик аниқ тарихий мазмунга эга, яъни жаҳмиётга қайси соҳаларда ва қандай даражада таҳдидларнинг вужудга келаётганлигини аниқлашга қаратилган аниқ ҳолатлардаги аниқ таҳлилларни талаб қилади.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик бир-бирига зид ўлчамлар, жаҳмиётга хавф солувчи таҳдидлар ва уларни бартараф этадиган ижтимоий-иқтисодий параметрлар ҳамда кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Учинчидан, миллий хавфсизлик муаммосининг аҳамияти ва кескинлиги жаҳон ҳамжаҳмиёти ҳамда айрим мамлакат, ҳудуд тараққиётининг бурилиш даврларида ғоятда ошади.

Тўртинчидан, миллий хавфсизлик томоёиллари ва параметрлари, кўрсаткичлари ўзгарувчан ҳамда турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аммо шунга қарамасдан, ҳар бир мамлакатнинг миллий хавфсизлиги инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг умумий тенденциялари билан боғлиқдир. Шунингдек, умумбашарий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар миллий хавфсизликка таъсир ўтказиб туради.

Бешинчидан, миллий хавфсизликка миллий давлат ман-

фаатлари ва миллий гоё, миллий мафкура ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Олтинчидан, миллий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий хавфсизлик муҳим ўрин тутди. Чунки миллий хавфсизликни, шу жумладан, мамлакатнинг сиёсий, конституцион тузумини, давлат мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш, харбий қудратини ошириш, экологик муаммоларни юмшатиш ва ҳал этиш, авваламбор, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратига, унинг иқтисодий хавфсизлигининг қай даражада таъминланганлигига боғлиқдир.

1.3. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти ва таркибий элементлари

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарти ёки омили, кўрсаткичи иқтисодий хавфсизликдир. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси энг умумий тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳиятини ифодалайди.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг мазмуни илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Бир гуруҳ олимлар мазкур иқтисодий тушунча мазмунини мамлакатнинг етарли муҳофаа салоҳияти, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг ҳолати сифатида таърифлайдилар¹⁶. Шунингдек, уни ҳокимият институтларининг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш механизмларини яратишга қодирлиги ва тайёрлиги деб ҳам талқин қиладилар¹⁷.

¹⁶ Экономическая безопасность. Производство, финансы, банки. -М.: ЗАО «Финстатинформ», 1998. -С.12.

¹⁷ Уша ерда

Иккинчи гуруҳ олимлар мазкур тушунчани халқнинг мустақил равишда ташқи кучларнинг аралашувисиз ва тазй-икисиз ўзининг иқтисодий тараққиёт йўли ва шакъларини белгилаб олишига имкон берадиган ҳолат сифатида тавсифлайдилар¹⁸.

Учинчи гуруҳ олимлар “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини иқтисодиётнинг иқтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга қодирлиги деб таърифлайдилар¹⁹.

Тўртинчи гуруҳ олимлар эса мазкур тушунчани иқтисодиётнинг прогрессив ривожланиши ва нормал даражада амал қилишининг муҳим шарти, иқтисодиёт соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланиши деб тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳаётий муҳим манфаатлар, шахс, жамият ва давлат мавжудлиги ҳамда уларнинг прогрессив ривожланиш имкониятларини илгончли тарзда таъминлайдиган эҳтиёжларнинг қондирилиши демакдир²⁰.

Т.Е.Кочергина “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасига иқтисодий тизимнинг ўзини-ўзи ўзгармас ҳажмларда, доимий миқдорий ва сифат тавсияларда такрор ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган ҳолати деб таъриф беради²¹.

Д.В.Гордиенконинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик миллий хўжаликнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ҳолати бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг изчил ривожланишини, ички ва ташқи салбий омиллар таъсир кўрсатаётган

¹⁸ Жаидаров А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность России: определения гипотезы, расчеты // Безопасность. 1994, №3, - С.8.

¹⁹ Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. №12, 1994.

²⁰ Прокожев А., Корнялов М. О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, №4, 2003.

²¹ Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д: Феникс, 2007. -С.6.

шароитда ҳам иктисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлайди²².

Таникли рус иктисодчиси Л.И.Абалкин ушбу тушунча моҳиятини очиб берувчи уч элементни кўрсатиб берган:

– иктисодий мустақиллик. Ҳозирги жаҳон ҳўжалиги шароитида иктисодий мустақиллик абсолют характерга эга эмас, чунки халқаро меҳнат тақсимоги миллий иктисодиётларни бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб қўяди. Бундай жараёнда иктисодий мустақиллик давлатнинг иктисодий ресурслар устидан назорат ўрната олиш имкониятини, жаҳон савдоси, кооперация алоқалари, илмий-техника ютуқларини айирбошлашда тенг иштирок этиш ва рақобатбардошликни таъминлайдиган ишлаб чиқариш, самарадорлик ва сифат даражасига эришишни англатади;

– миллий иктисодиётнинг барқарорлиги. Бу шаклидан қатъий назар мулкчиликнинг ҳимоя қилиниши, тадбиркорлик фаоллиги учун ишончли шароит ва қафолатларнинг яратилиши, мамлакатдаги ҳолатнинг ёмонлашувига, беқарорликка олиб келувчи омилларнинг жиловланишини (яъни иктисодиётдаги криминал тузилмаларга қарши кураш, даромадлар тақсимланишида жиддий фарқлар, табақаланишнинг келиб чиқиши, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймасликни) тақозо этади;

– ўз-ўзидан ривожланиш ва тараккий этишга қодирлик. Бу эса инвестициялар ва инновация учун қулай муҳитнинг яратилиши, ишлаб чиқаришнинг мунтазам модернизациялашуви, янгиланиши ва такомиллашиб бориши ҳамда ходимларнинг билим, касб-малака, умумий маданий даражаларининг ўсиб бориши миллий иктисодий барқарорлик мавжудлигининг зарурий шартига айланишини ифодалайди²³ (1.3.1-расм).

²² Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. –М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. –С.8.

²³ Спанов М. Экономическая безопасность: сущность, критерии, формы // Транзитная экономика, 1998. – С.3.



1.3.1-расм. Иқтисодий хавфсизлик мазмуни²⁴

Е.Бухвальд эса иқтисодий хавфсизликни иқтисодий тизимнинг аҳоли ҳаёт фаолиятининг нормал шароитларини яратиш, халқ кўжалигини ресурслар билан барқарор таъминлаш ҳамда миллий давлат манфаатларини амалга оширишга қодирлигини ифодаладиган сифат кўрсаткичи деб таърифлайди²⁵.

В.К.Сенчагов иқтисодий хавфсизлик тушунчасини нафақат миллий манфаатларнинг ҳимояланганлиги, шу билан бирга ҳокимият институтларининг мамлакат иқтисодий ривожланишининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш механизмларини вужудга келтириш қобилияти ва тайёрлиги деб таърифлайди²⁶.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг моҳиятини англаш учун, энг аввало, «ривожланиш», «барқарорлик» ва «хавфсизлик» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу тушунчалар иқтисодий хавфсизликнинг асосий атрибутлари, компонентлари ҳисобланади. Агар миллий иқтисодиёт ривожланмаса, у ҳолда унинг

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

²⁵ Спанов М. Экономическая безопасность: сущность, критерии, формы // Транзитная экономика, 1998. – С.3.

²⁶ Қарағ: Сенчагов В.К.Мировой финансовый кризис и экономическая безопасность России. Анализ, проблемы и перспективы.-М.: Экономика. 2010.-С.54.

амал килиш имкониятлари, ички ва ташқи таҳдидларга қаршилиги, турли ўзгаришларга мослашувчанлиги камаяди.

Барқарорлик ва хавфсизлик бир бутун тизимнинг муҳим элементлари бўлиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Барқарорлик иқтисодий тизимнинг, тизим ичидаги вертикал, горизонтал ва бошқа алоқаларнинг мустаҳкамлиги, ишончлилиги, ички ва ташқи «юклар», таҳдидларни кўтара олиш қобилиятини ифодалайди. Хавфсизлик эса тизимдаги объектнинг ички ва ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида яшай олиш ҳамда ривожланиш қобилиятига эгаллик, кўзда тутилмаган, аниқланиши кийин бўлган нохуш омилар таъсирига бардошлилик ҳолатини ифодалайди (1.3.2-расм).



1.3.2-расм. “Ривожланиш”, “барқарорлик” ва “хавфсизлик” тушунчаларининг ўзаро боғликлиги²⁷

Ушбу фикрларга асосланган ҳолда “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омилар йиғиндиси²⁸ деб таърифлаш мумкин.

²⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

²⁸ Экономическая теория. Учебник для студентов вузов. // Колл. Авт: К.Х.Абдурахманов и др./, -Т.: Шарк, 1999. - С.560.

Илмий иқтисодий адабиётларда ушбу таъриф энг тўғри таъриф сифатида эътироф этилмоқда. Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг шундай ҳолатидирки, бундай ҳолатда мамлакат миллий манфаатларининг кафолатли ҳимояланганлиги, мамлакат иқтисодий ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ички ва ташқи жараёнлар ривожланишининг энг нокулай шароитларида ҳам мудофаа салоҳиятининг етарли даражада таъминланганлигини ифодалайди.

Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиётнинг турли субъектларига тегишли бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: алоҳида фуқаролар; хусусий тадбиркорлик, бизнес; давлат корхоналари; миллий иқтисодиёт; давлат.

Ички иқтисодий соҳаларда хавфсизлик табий, техникавий-иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макроиқтисодий ривожланишнинг бошқа омиллари, шунингдек, бекарорлик, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир.

Ташқи иқтисодий соҳадаги хавфсизлик мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, миллий валютаси баркарорлиги, давлатнинг молиявий аҳволи билан тавсифланади.

Илгари икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тизим мавжуд бўлган даврда иқтисодий хавфсизлик ўз моҳиятига кўра “миллий хавфсизлик” тушунчасига тўлиқ мос келар эди. Эндиликда жаҳон социалистик лагери барбод бўлганидан сўнг бу тушунчаларнинг бир-биридан фаркланиш даражаси ортди. Жаҳон ҳўжалик тизимига кириб бораётган ёш мустақил давлатлар учун иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим муаммоси мамлакат иқтисодий мустақиллигига эришишдан иборат бўлиб қолди.

Ўтиш, яъни транзит иқтисодиётга эга бўлган, бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида ислохотларни амалга ошираётган мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш алоҳи-

да аҳамият касб этади. Уларда, шу жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини, унинг ҳозирги замон жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини тубдан ўзгартириб юборади.

Ислоҳотлар кишиларнинг, иқтисодиёт субъектларининг мотивация механизмлари, манфаатлари ҳамда иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ислоҳотлар ишлаб чиқаришнинг моддий асосларига, иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ўзгаришига, илмий-техникавий салоҳиятига, иқтисодий мувозанатликка ва ўсишга таъсир этади. Бундан ўз-ўзидан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоларининг иқтисодий ислоҳотлар мақсадлари, стратегияси ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

Ўтиш даврида давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегияси, авваламбор, аҳолининг нормал ҳаёт даражасини бир меъёрда ушлаб туриш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хавфсизлигини, миллатлараро тотувликни таъминлаш, давлатнинг конституцион тизими асосларини сақлаш ва мустаҳкам миллий кадриятлар ва манфаатлари тизимини шакллантиришга йўналтирилади.

Миллий иқтисодий хавфсизлик ички моддий-ашёвий асосга эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ишлаб чиқарувчи кучларнинг ялли миллий маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини таъминлашга қодир бўлган етарли ва юқори даражада ривожланганлиги;

– иқтисодий хавфсизликнинг ички ижтимоий-сиёсий асоси;

– мамлакатда ижтимоий келишувнинг, миллатлараро тотувликнинг юқори даражадалиги;

– аҳолининг кўпчилик қисми томонидан қўллаб-қувватланадиган ва давлат сиёсати орқали амалга ошириладиган узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг ишлаб чиқилиши²⁹.

²⁹ Қарағ: *Экономическая безопасность: учебник для вузов/под общ. ред. Л.П.Гон-*

Бундай жараёнда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш механизмлари зиддиятли тавсифга эга бўлиб, улар кагта иқтисодий харажатлар сарф қилишни такозо этади. Бу харажатлар миллий хўжалик ва табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ўрни қопланмайдиган сарфидан иборат бўлиб, унинг миқдори иқтисодий беқарорликнинг муҳим омилига айланиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам чуқур танглик ёки ўтиш давларида инсон, иқтисодиёт, жамиятга келтирилган зарарларни ва харажатларни минималлаштириш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим тамойили бўлиши мумкин. Иқтисодий хавфсизлик тамойиллари сифатида ижтимоий-иқтисодий тизим аҳолининг қуйи чегарасини ифодаловчи кўрсаткичлар қўлланади. Мазкур қуйи чегаралардан паст кўрсаткичларда иқтисодий тизим учун таҳдидлар вужудга келади, ҳатто бу тизимнинг бузилиши, деградацияси юз бера бошлайди. Ушбу қуйи чегара ва унинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш, белгилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- миллий иқтисодиёт ва иқтисодий тизим фаолиятининг асосий шароитларини ўрганиш ва уларни тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш;

- миллий иқтисодиётни танглик ва беқарорликка олиб келувчи омилларни аниқлаш;

- турли танглик, хавfli ҳолатлар юзага келишининг тартиби ва имкониятларини баҳолаш;

- хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга хавф солувчи таҳдидларнинг олдини олиш йўллари аниқлаш.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, “иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси риск категорияси билан узвий боғлиқдир. Узоқ йиллар давомида иқтисодиётни бошқариш назарияси ва амалиётида, айниқса, макроиқтисодиёт даражасида унинг ривожланишига катъий белгиланган жараён сифатида қаралган. Ушбу жараёнда хўжалик қарорларининг кўзда тутилмаган натижаларга олиб келиши, такрор ишлаб чиқариш жараёнига.

чарегко.-2-е изд., перераб. и доп.-М.: Издательство Юрайт, 2018.-С.16.

ёнлари бузилишининг у ёки бу салбий оқибатлари назарда тутилмас эди. Бу эса иқтисодий риск омилларига эътибор бермаслик оқибати эди. Zero, иқтисодий риск категориясидан фойдаланиш иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунда рискни баҳолаш билан уни бошқаришни бир-биридан фарқ қилиш лозим бўлади. Рискни баҳолаш эксперт, эҳтимоллик характерига эга, чунки иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи омиллар ва қабул қилинган хўжалик қарорлари оқибатларининг ноаниқлиги бунга сабаб бўлади. Рискни бошқариш фавқулодда содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни олдиндан пайқаб олиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш, кучсизлантириш ва бартараф этишни тақозо этади. Бунда у ёки бу танглик ҳолатининг пайдо бўлиш эҳтимоллигини баҳолаш билан бир каторда, у билан боғлиқ равишда кўриладиган зарар ва йўқотишларни ҳам олдиндан баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Бундан иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш риск омилларини таҳлил қилиш билан биргаликда йўқотиш (зарар) категориясидан фойдаланишни ҳам тақозо этади. Йўқотиш, зарар ҳақиқий, қутилган, потенциал, компенсация қилинмайдиган, яъни ўрни тўлдирилмайдиган ва тўлдирилмайдиган, бўлиши ҳам мумкин. Йўқотиш ва кўрилган зарарлар ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган ресурсларнинг вужудга келиши характерига кўра риск омиллари ёки уларнинг амал қилиши билан боғлиқ бўлган нохуш ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва ҳолатларнинг салбий оқибатлари қуйидаги даражаларда намоён бўлади:

- локал (алоҳида ҳудуд, аҳоли гуруҳи, корхона) даражасида;
- мезодаражада (халқ хўжалиги соҳалари, секторлари);
- макродаражада (миллий иқтисодиёт);
- глобал даражада (жаҳон иқтисодиёти).

Турли иқтисодий таҳдидлар, нохуш ҳолатлар оқибагида кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган ха-

ражатларни прогноз қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида фавқулоддаги ҳолатлар оқибатида кўриладиган зарарларни қоплаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга йўналтирилган ресурсларни баҳолаш ва ўз вақтида шакллантириш учун имконият яратилади. Шунга боғлиқ равишда компенсацион ресурслар ва компенсацион салоҳият (потенциал) тушунчаларини бир-биридан фарқ қилиш лозим бўлади.

Компенсацион ресурслар ўз мазмунига кўра сугурта, захира, резерв ресурсларини англатади. Компенсацион салоҳият (потенциал) мамлакат иқтисодиётининг танглик, нохуш ҳолатларга қайишқоклигини, унинг олдини олиш ва уни енгиб ўта олиш, хўжалик жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини тиклаш олиш қобилиятини англатади. Компенсацион салоҳият миллий иқтисодиёт, халқ хўжалигининг бирон-бир сектори ёки бирон-бир йирик ҳудудда нохушликлар вужудга келганида уларни тиклаш олишга қодирлигини ифодалайди.

Компенсацион салоҳият ўз ичига қуйидагиларни олади:

– ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги моддий захиралар;

– ҳудудлар бўйича жойлаштирилган махсус захиралар;

– танглик, нохуш ҳолатлар содир бўлган жойларга моддий ресурсларни етказиб бериш учун зарур бўлган қўшимча транспорт воситалари имкониятлари;

– йирик тиклаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча резерв қувватлари, айниқса, энергетика тармоқларида, шунингдек, техник воситалар;

– аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва аҳолининг ижтимоий кўникаш ҳосил қилиши учун резерв имкониятларни сақлаш (1.3.3-расм).

Компенсация салоҳияти, шунингдек, молиявий резервлар, сугурта тизимлари, халқаро ёрдам ва хайрия фондлари имкониятлари, соғлиқни сақлаш тизимининг мобиллиги ва компенсация функцияларининг ривожланиши, кадрларни

кайта тайёрлаш имкониятлари ва бошқалар билан ҳам тавсифланади.



1.3.3-расм. Компенсация салоҳияти компонентлари³⁰

Мамлакат иқтисодий тизимининг турли даражаларидаги иқтисодий муносабатлар иқтисодий хавфсизлик объектлари ҳисобланади:

- макроиқтисодий даражадаги мамлакат иқтисодиёти;
- ҳудудий ва тармоқ даражасидаги ҳудуд ва тармоқ иқтисодиёти;
- оила ва шахс даражасидаги мамлакат фуқароларининг ҳар бирининг иқтисодий манфаатлари.

Иқтисодий хавфсизликнинг субъектларига давлат, хўжалик субъектлари, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, аҳо-

³⁰ Муғллиф томонидан тузилган.

лининг ижтимоий гуруҳи, шахс ва оила киради. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат ўзининг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари орқали етакчи роль ўйнайди.

Юқорида билдирилган фикрларга асосан хулоса қилиб, кенг маънода иқтисодий хавфсизликни миллий иқтисодиётнинг самарали, динамик ўсишига, унинг жамият, давлат, шахс эҳтиёжларини қондиришнинг, ташқи бозорда рақобатга бардошлилигини таъминловчи, турли таҳдид ва йўқотишлардан қафолатловчи ички ва ташқи шароитлар йиғиндиси деб таърифлаш мумкин бўлади. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун, ўтиш даврида унга хавф солувчи ички ва ташқи таҳдидларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тоғувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш³¹.

³¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини”//“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. 1-илова.

Мазкур устувор йўналишлар бўйича белгиланган вазифалар мамлакатнинг миллий, шу жумладан, иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, миллий манфаатларга таҳдидларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Асосий таянч тушунчалар

Хавфсизлик, миллий хавфсизлик, мустақиллик, барқарорлик, ўз-ўзидан ривожланишга қодирлик, риск, компенсацион салоҳият, иқтисодий хавфсизлик.

Такрорлаш учун саволлар


1. Хавфсизлик нима ва у жамият ҳамда инсон ҳаётида қандай ўрин тутади?
2. “Миллий ва иқтисодий хавфсизлик” тушунчаларининг қандай ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари бор?
3. “Иқтисодий хавфсизлик”, “таҳдид ва риск” тушунчаларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини тушунтириб беринг.
4. Иқтисодий мустақиллик, барқарорлик деганда нимани тушунасиз?
5. Иқтисодий йўқотиш ва зарар нима?
6. Иқтисодий хавфсизликнинг объектлари ва субъектлари нималарда намоён бўлади?
7. Иқтисодий хавфсизлик қандай кўрсаткичлар орқали тавсифланади?
8. Иқтисодий хавфсизликни қандай баҳолаш мумкин?
9. Компенсацион салоҳият нима ва у қандай аҳамиятга эга?
10. Компенсацион салоҳият қандай таркибга эга?

2-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ШАКЛЛАРИ ВА АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2.1. Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари

Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари унинг субъектлари ва объектлари нуктаи назаридан туркумлаш мумкин. Иқтисодиёт субъектлари нуктаи назаридан иқтисодий хавфсизлик қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- шахснинг иқтисодий хавфсизлиги;
- корхона (фирма) нинг иқтисодий хавфсизлиги;
- давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Иқтисодиёт субъектларининг хавфсизлиги³²

³² Муаллиф томонидан тузилган.

Шахснинг иктисодий хавфсизлиги унинг ҳаётий манфаатларини, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётий истеъмол эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда ва меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг ҳимояланганлигини ифодалайди. Бунда шахснинг бозор иктисодиётида истеъмолчи ва ишчи, хизматчи, тадбиркор сифатидаги ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларининг ҳимояланганлиги, кафолатланганлиги нуктаи назаридан иктисодий хавфсизликнинг икки турини ажратиш кўрсатиш лозим.

Корхона (фирма) нинг иктисодий хавфсизлигини таҳлил қилганда уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий, савдо-ғижорат ҳамда нотижорат ва жамоатчилик ташкилотлари мавқеларида фаолият юритишлари нуктаи назаридан туркумлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Корхона (фирма) нинг ихтисослигига кўра хавфсизлигини таъминлашнинг хусусиятлари ҳам турлича бўлади.

Давлатнинг иктисодий хавфсизлиги унинг мамлакат ички муаммолари ва ташқи иктисодий фаолияти ҳамда халқаро молиявий ташкилот ва уюшмаларда ишгирок этиши билан боғлиқ хавф-хатарлар нуктаи назаридан таҳлил этилади.

Иктисодий адабиётларда хавфсизлик хўжалик фаолияти соҳаларида юзага келиши нуктаи назаридан асосан уч йўналиш, яъни ишлаб чиқариш-хўжалик, хўжалик-истеъмол ва молиявий соҳалар бўйича туркумланади³³ (2.1.2-расм). Бизнинг назаримизда ушбу уч йўналиш барча мамлакатлар учун умумий бўлгани билан, айримлари учун қўшимча йўналишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Ўзбекистон учун халқаро бозорларга чиқишда янги транспорт йўллари, коммуникациялари ҳам муҳим ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси, даромадлар бўйича табақала-

³³ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001. – С.39.

ниши билан боғлиқ ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, бизнинг фикримизча, иқтисодий хавфсизликни ишлаб чиқариш-хўжалик, хўжалик-истеъмол, молиявий, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий соҳалар бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир.



2.1.2-расм. Хўжалик фаолияти соҳаларида юзага келадиган иқтисодий хавфсизлик турлари³⁴

Ишлаб чиқариш-хўжалик соҳасида энергетик ва технологик хавфсизликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Энергетика ресурслари иқтисодий ресурслар ичида муҳим ўрин тутлади. Бу ресурслар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти учун стратегик ҳом ашё ҳисобланиб, унинг салоҳиятини, мустақил ривожланиш имкониятларини белгилаб беради.

Мамлакат иқтисодиёти энергетик ҳом ашё ресурсларининг импортига боғлиқ бўлиб қолса, у ҳолда иқтисодий мустақилликка эришиш мушкул муаммога айланади. Технологик хавфсизликнинг таъминланиши истикболда фан, техника

³⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

ва технология ютукларидан ўз вақтида ва тўлиқ фойдаланиш имкониятини, интеллектуал салоҳиятдан хўжалик фаолиятида фойдаланиш даражасини ифодалайди. Шу боисдан энергетик ва технологик хавфсизликнинг таъминланиши мамлакат иқтисодиётининг салоҳияти, қудрати ва мустақиллигини, рақобатбардошлилигини ифодалайди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун ёнилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни сотиш тизимини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади. Ёнилғи-энергетика ресурсларини қидириб топиш, қазиб олиш ва дастлабки қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳамда унинг хажмларини кўпайтириш орқали миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мумкин бўлади. Бунинг оқибатида энергия ресурсларини четдан ташиб келтиришга барҳам берилиб, энергетика мустақиллигига эришилади.

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришгунга қадар собиқ Иттифокнинг ягона халқ хўжалиги комплексининг хом ашё базаларидан бири эди. Республика ер ости бойликларига, шунингдек, энергетика ресурслари хом ашёсига эга бўлишига қарамасдан, улардан ўз эҳтиёжлари учун мустақил фойдалана олмади. Шунинг учун ҳам нефть маҳсулотлари ва бошқа энергия ресурсларини четдан, асосан, МДХ мамлакатларидан ташиб келишга мажбур эдик. 1990 йилда республикада истеъмол қилинадиган нефтнинг 70 фоиздан ортиги ва нефть маҳсулотларининг деярли ярми импорт қилинган³⁵. Бу эса мустақилликка эришилгандан сўнг республика иқтисодиётининг бошқа мамлакатларга қарамлиги муаммосини янада кескинлаштириб қўйиши мумкин эди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун нефть, газ ва бошқа ҳозирги даврда ишлатилаётган энергия ресурсларидан ташқари унинг янги турлари, манбаларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади. Шу боисдан республикамизда куёш ва шамол

³⁵ Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 64-бет.

энергияси, геотермал энергия, яъни ўртача температураси 45С° (градус) бўлган сувлардан, биомасса ва маиший қаттиқ чиқиндилардан, тўйинтирилган урандан (атом энергиясидан) кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш хажмларини ўстириш билан бирга улардан тежаб, самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ҳам қўриш лозим бўлади. Бунинг учун бу соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологияни янгилаш каби ишлар амалга оширилиши даркор.

Технологик хавфсизлик мамлакат иқтисодиётининг илғор техника ҳамда технология билан жиҳозланганлиги ва қуролланганлиги, бошқа мамлакатлардан келтириладиган технологияга қарам эмаслигини ифодалайди. Шунингдек, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш даражаси, интеллектуал, инновацион ва инженерлик салоҳиятининг ҳимояланганлигини ҳам акс эттиради. Технологик хавфсизлик мамлакат иқтисодий қудратини ифодалаб, ўзининг юқори технологиясига асосланган, жаҳон бозорларида ўхшаши йўқ, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз ифодасини топади³⁶.

Унинг асосий кўрсаткичлари илмталаб ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳисобланади. Ушбу хавфсизлик фан-техника соҳасидаги тадқиқотлар асосида янги техника ва технологияни ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Технологик хавфсизлик иқтисодиётда мукаммал технологик жараёни ўз ичига олган, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, миллий ва хорижий илғор замонавий технологиялардан, интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш асосида таъминланади.

³⁶ Кушлин Г. Мировые технологические тенденции и экономическое переустройство России // Экономист. 1998, №7; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник М., Изд-во РАГА. 2001-С.410.

Ўзбекистон учун технологик хавфсизликни таъминлаш гоят муҳимдир. Чунки республикамизга собиқ тоталитар тузумдан мўрт, заиф, бир ёклама ривожланган, асосан, хом ашё ва оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетишлар эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди. Шунга кўра ёқилғи, қора ва рангли металлургия каби хом ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши кескин ўсди. Машинасозлик саноати тармоқлари пахта комплексига бўйсундирилган бўлиб, унинг улуши атиги 16% ни ташкил этади³⁷. Бу албатта, республика иқтисодиётини марказга, бошқа собиқ иттифокдош республикаларга боғлиқ ва тобе бўлиб қолишига олиб келди. Айниқса, технологик жиҳатдан миллий иқтисодиётимиз импортга ўта боғлиқ, тобе қилиб қўйилган эди.

Бу эса мустақилликни мустаҳкамлашда технологик хавфсизликни таъминлашнинг ўта зарурлигидан далолат беради. Бунинг учун республикамизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва чуқур таркибий жиҳатдан ўзгартириш амалга оширилмоқда. Буларнинг натижаси ўларок, саноатда юксак технологияга асосланган ва истикболли тармоқларнинг, чунончи, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат қабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Шунингдек, республика учун тамомла янги бўлган автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан, радиоэлектроника ва электроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъмин-

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonаснда.-Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. – 167-бет.

ловчи бошқа истикболли тармоқлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бу эса ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, замонавий қувватларни ишга тушириш, истеъмом бозорини сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш асосида нафақат технологик, шу билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини ҳам таъминлаш имкониятини беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди.

Ҳар бир мамлакат аграр сектори ислоҳотидан кўзланган бош мақсад, озиқ-овқат таъминоти мустақиллигига эришиш бўлиб, бу катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарурияти мамлакатда мустақиллик, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш шартларидан бири ҳисобланади.

Собиқ Иттифок даврида Ўзбекистонга пахта толаси етказиб бериш вазифаси юклатилган эди. Бунинг натижасида сабзаёт, мевали боғ, узумзор, ем-хашак, дон экинлари майдонлари кескин қисқартирилди, ун маҳсулотларининг асосий турлари, картошка, шакар, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикалардан ташиб келтирилар эди. Масалан, республикага ун ва ун маҳсулотларини ўртача йиллик олиб кириш деярли 500 минг тонна, картошка – 450 минг тонна, шакар – 300 минг тонна, гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 6,5 минг тонна, сут ва сут маҳсулотлари 3,7 минг тоннани ташкил этарди³⁸. Аммо республикага олиб кирилатган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас эди. Уларнинг ассортименти бўйича тиббий меъёрларга риоя қилинмас эди.

³⁸ Ўзбекистон аграр иқтисодчи олимлари анжумани (форуми). –Т., 2001. 110-бет.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

– кишлок аҳолиси томорка майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

– кишлок хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Буларнинг оқибатида пахта майдонлари қисқартирилиб, дон экинлари, сабзавот, мевали боғ, узумзор ва ем-хашак экинлари майдонлари кўпайтирилди. Мамлакат дон мустақиллиги дастури қабул қилиниб, суғориладиган ерлардаги бугдой экишга ажратилган ер майдонлари кенгайтирилди. Бунинг натижасида тарихан қиска давр ичида Ўзбекистон дон мустақиллигига эришди.

Давлатнинг озик-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳажмини қисқартириб бориш қабилар ҳам озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Озик-овқат хавфсизлиги хўжалик фаолияти натижасида табиатга техноген таъсир этишнинг кучайиши муаммоси билан ҳам боғлиқдир. Ҳаёт фаолияти маконининг бузилиши, табиий ресурсларга истемол талабининг ўзгариши атроф-муҳитнинг, экологиянинг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Экологик хавфсизлик табиий муҳитга турли нохуш таъсирлардан, табиий офат ва ҳалокатлардан ҳамда инсонларнинг ва хўжалик субъектларининг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишидан ҳимояланганликни ифодалай-

ди. Атроф муҳитнинг шундай хусусиятлари мажмуи мавжуддирки, уларнинг инсон фаолияти натижасида ўзгаришига ҳеч йўл қўйиб бўлмайди. Бу хусусиятлар иқтисодий адабиётларда «экологик императив» деган тушунча билан изоҳланади³⁹. Мазкур тушунча табиий муҳит билан инсоннинг физиологик ва ижтимоий хусусиятлари ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Инсон ва табиий муҳит, табиат ва жамият ўртасидаги нисбатнинг бузилиши, авваламбор, инсон ҳаёт фаолиятига, жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан атроф-муҳит, экологияни сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳаётий заруратга айланади.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг иқтисодий механизми табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитга таъсир этиш бўйича белгиланган норма, нормативлар, квоталарга қатъий риоя этиш, уларга риоя этмаганлик учун иқтисодий санкцияларни қўллаш, экологик хавфсизлик даражасини оширишни рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлаш, бюджетдан молиялаштириш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар учун моддий ва материал ресурслар захираларини барпо этиш ва уларнинг ноҳуш оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, қурилиш қувватларини барпо этишни ўз ичига олади.

Муҳим иқтисодий хавфсизлик турларидан яна бири молиявий соҳадаги фаолият билан боғлиқ хавфсизлик ҳисобланади. Молиявий хавфсизлик мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши учун зарурий молиявий шароит ва ресурсларнинг яратилганлиги, молиявий тизимнинг яхлитлигини сақлаш ҳамда ички ва ташқи иқтисодий манфаатлар таҳдидига муваффақиятли қаршилиқ кўрсатишни ифодалайди. Бу хавфсизлик пул, бюджет, кредит, солиққа тортиш ва валюта тизимларида вужудга келадиган таҳдидларнинг олдини олиш, улардан муҳофазаланиш кабиларни ўз ичига олади.

³⁹ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. -М.: Изд-во РАГС, 2001. - С.49.

Ижтимоий тавсифдаги хавфсизлик аҳолининг энг бой ва энг қуйи табақалари даромадлари ўртасидаги фарқ, ишсизлик, камбағаллик ва қашшоқлик муаммоси, турли юқумли касалликлар кўлами кенгайишини олдини олиш зарураатида ўз ифодасини топади.

Мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувида ички ва ташқи транспорт-йўл ва алоқа коммуникациялари тизимининг яратилиши оқибатида транспорт йўл ва алоқа коммуникациялар хавфсизлиги таъминланади.

Иқтисодий хавфсизлик турларининг моҳияти, вужудга келиш сабабларини ўрганиш, миллий манфаатларга таҳдидларни аниқлаш уларнинг олдини олиш ва улардан муҳофазаланиш чора-тадбирлари, механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда вужудга келтиришга имкон беради. Бунинг учун ушбу хавф-хатарлар ва хавфсизлик даражасини аниқлаш, уларнинг кўрсаткич ва мезонларини ўрганиш лозим бўлади.

2.2. Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ҳеч бир иқтисодиёт ва жамият субъекти давлатчалик катта роль ўйнай олмайди. Давлатнинг энг муҳим вазифаси жамият барқарорлиги ва ривожланишини таъминлаш, мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этишдан иборатдир. Эндигина вужудга келаётган хавфнинг олдини олиш иқтисодий таҳдидларнинг чуқурлашиб кетишини пассив кузатиб туришга қараганда муҳим аҳамиятга эга. Бунда хатти-ҳаракат мантики ақлга мувофиқ ва самарали бўлиб, хавфнинг олдини олиш тамойили бўлиши мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида, аралаш иқтисодиёт шаклланаётган шароитда, давлат мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун барча хўжалик субъектлари фаолиятини илгаригидек директив усуллар билан тартибга

сола олмайди. Бундай жараёнда давлат ушбу мақсадларда хўжалик субъектлари фаолиятини, иқтисодиётни, ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнларини асосий иқтисодий усуллар ва воситалар кўмагида тартибга солиши лозим бўлади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун унинг индикаторлари мониторингини ташкил этиш зарур. Бундай жараёнда иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларнинг ўзгариш тенденциялари истиқболи аниқланади.

Иқтисодий хавфсизликнинг умумий кўрсаткичлари (индикаторлари) қуйидагилардан иборат:

- турмуш даражаси ва сифати;
- инфляция суръати;
- иқтисодий ўсиш;
- бюджет дефицити;
- давлат қарзи;
- жаҳон иқтисодиётига кириб борганлик;
- «хуфёна иқтисодиёт» фаолияти;
- мулк таркиби;
- солиқ тизими;
- бозор инфратузилмаларининг ривожланиши.

Худудий даражада умумий кўрсаткичлардан ташқари яна қуйидаги кўрсаткичлар иқтисодий хавфсизликни ифодалайди:

- аҳоли дарамадлари;
- чакана нархлар даражаси;
- уй-жой билан таъминланганлик;
- қочоқлар, эмигрантлар ва бошқалар сони;
- худуднинг мамлакат ЯИМдаги улуши;
- худуднинг тўлов баланси;
- экспорт-импорт сальдоси (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари⁴⁰

Юқоридаги кўрсаткичлар миқдорининг таҳликали қуйи (пороговая черта) чегарасини кўрсатиш ва аниқ белгилаш

⁴⁰ Муеллиф томонидан тузилган.

лозим бўлади. Бу кўрсаткич миқдори белгиланган қуйи чегарадан пастга тушганда иқтисодий таҳдид вужудга келади. Ушбу таҳликали қуйи чегара – иқтисодий манфаатлар нуктаи назаридан хўжалик фаолияти пропорцияларининг энг қуйи мақбул нисбатларини ифодаловчи миқдорий индикаторлар бўлиб, уларга риоя қилмаслик такрор ишлаб чиқариш турли элементларининг иқтисодий ривожланишига тўскинлик қилади ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солади.

Таҳликали қуйи чегаранинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш учун қуйидагиларга асосланиш лозим бўлади:

– миллий иқтисодиёт ҳолати ва ундаги мутаносибликлар ҳамда такрор ишлаб чиқариш элементлари ва омиллари ҳолатининг бирламчи, муҳим хусусиятларини тавсифлаш;

– иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларни тўлиқ ва кенг қамровди ифодалаш;

– иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларга хавф солувчи таҳдидларни тўлиқ ва ҳар томонлама ҳисобга олиш;

– иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегарасини ифодаловчи индикаторлардан ҳокимият органлари мамлакат иқтисодиёти ҳолатини аниқ баҳолашда ва бошқа мамлакатлар билан қиёслашда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

Ушбу индикаторларнинг мамлакат ҳисоб, статистика ва прогнозлаштириш тизими билан мувофиқ келиши.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегараси индикаторлари миллий иқтисодиёт соҳалари ва уларнинг ҳар қайсисидаги миллий манфаатлар нуктаи назаридан туркумланади. Жаҳон миқёсида қабул қилинган иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегаралари 2.2.1-жадвалда келтирилган.

Адабиётларда иқтисодий хавфсизлик қуйи таҳликали чегараси индикаторлари ўз ичига 50 та кўрсаткични олган ҳолда қуйидагича туркумланган⁴¹:

⁴¹ Қаранг: Илларианов А. Критерии экономической безопасности // Вопросы экономики, 1999. №10. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: геополити-

1) иқтисодийнинг барқарор ривожланишга қодирлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳга ялли ички маҳсулот ҳажми, саноат ишлаб чиқариш ва унинг таркиби, машинасозлик маҳсулотлари ҳажмида янги турдаги маҳсулотлар улуши, муҳофаа ва фан учун харажатлар улуши, инвестициялар, фойдали қазилма бойликларининг захиралари бўйича қуйи таҳликали чегарани ифодаловчи индикаторлар киради;

2.2.1-жадвал

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегаралари⁴²

Кўрсаткичлар	Қуйи ва юқори таҳликали чегара мазмуни	Даражаси %
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	16
Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	8
Монетизация даражаси	Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	25
Ташқи қарз	Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	40
Ички қарз	Ялли ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	30
Ташқи қарзлар бўйича тўловлар	Тўловларнинг йиллик экспорт ҳажмига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	25

ка, глобализация, самосохранение и развитие (книга четвертая) / Ин-т экономики РАН.- М., ЗАО «Финстатинформ», 2002.- С.72-78; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., Изд-во РАГС, 2001.- С.176-180; Прохожев А., М.Корнилов О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, № 4-5, 2003.- С. 232-233.

⁴² Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. –М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. –С.76,77, 78,79,81,82,83,85,86,87,88,89,90,91,92 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Мудофаага харажатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	3
Фуқаролик фанларига харажатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	1,5
Инновацион маҳсулотлар	Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	15
Саноат ишлаб чиқаришда машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш	Саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоиз (қуйи чегара)	25
Давлат бюджети дефицити	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	3,0
Давлат қарзини қоплаш харажатлари	Давлат бюджети харажатлари ҳажмига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	20
Яшаш минимумидан паст даражада даромад олувчи аҳоли	Аҳоли умумий сонидagi улуши, фоиз (юқори чегара)	7,0
Аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши	Децил коэффициенти (юқори чегара)	8,0

2) молиявий тизим барқарорлиги кўрсаткичларига давлат бюджети камомати, давлат қарзи, пул муомаласи, ўзаро ҳисоб-китоб ва солиқ интизомини ифодаловчи кўрсаткичлар киради;

3) ижтимоий соҳа кўрсаткичлари аҳоли даромадлари даражаси ва унинг мулкӣ жихатдан табақаланиши, ишсизлик ва ижтимоий соҳа харажатлари бўйича таҳликали чегараларни ўз ичига олади;

4) ташқи савдо ва иқтисодий фаолият кўрсаткичлари гуруҳига мамлакат ички истеъмолида импортнинг улуши ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмида экспортнинг улуши бўйича таҳликали чегараларни ифодаловчи индикаторлар киради.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари сифатида С.Ю.Глазьев томонидан тақлиф этилган туркумланишдан кўпроқ фойдаланилмоқда. Ушбу иқтисо-

дий хавфсизлик кўрсаткичлари туркумига қуйидагилар киради:⁴³

– ялпи ички маҳсулотнинг умумий ва аҳоли жон бошига ҳажми;

– саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида ишлаб берувчи саноат маҳсулотлари улуши;

– саноат ишлаб чиқаришида машинасозликнинг улуши;

– инвестициялар ҳажмининг ЯИМга фоиз ҳисобидаги нисбати;

– илмий тадқиқотлар учун харажатларнинг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);

– янги турдаги маҳсулотларнинг ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмидаги улуши;

– яшаш минимуми даражасидан паст даромад олувчи кишилар улуши;

– аҳолининг ўртача умр кўриш ёши;

– аҳолининг энг юқори даромад олувчи 10% гуруҳининг энг кам даромад олувчи 10 % гуруҳи даромадлари ўртасидаги фарк:

– кайд этилган жинойтлар ҳар 100000 киши ҳисобига;

– Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) методологияси бўйича ишсизлик даражаси (фоиз ҳисобида);

– йиллик инфляция даражаси (фоиз ҳисобида);

– ички қарзлар ҳажмининг ЯИМга нисбати, (фоиз ҳисобида, киёсний даврда);

– ички қарзларни коплан ва уларга хизмат кўрсатиш учун жорий эҳтиёжнинг бюджетга солиқ тушумлари ҳажмидаги улуши (фоиз ҳисобида);

– ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);

– ташқи қарзнинг ЯИМ камомадани коплашдаги улуши;

– хорижий валюталар миқдорининг миллий валюта массасига нисбати (фоиз ҳисобида);

⁴³ Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. – М., Изд. "Вла-Дор", 1997. С.107-110; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., Изд. РАГС, 2001. С.178-179.

- нақд хорижий валюта миқдорининг нақд миллий валюта ҳажмига нисбати (фоиз ҳисобида);
- (M2) пул массасининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);
- ички истеъмолда импортнинг ҳиссаси, шу жумладан, ички озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ҳажмида импорт озиқ-овқат маҳсулотлари улуши (фоиз ҳисобида);
- аҳоли яшаш даражалари бўйича мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фарқлар.

Ҳар бир мамлакатда расмий тарзда белгиланган қўйи ва юқори таҳликали чегара индикаторлари миллий ва жаҳон иқтисодиётидаги шароитларнинг ўзгариши натижалари билан таққосланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини турли нуқтаи назардан туркумлаш мумкин. Масалан, А.Иллариановнинг фикрича, иқтисодий ривожланишнинг таъминланиши нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари қуйидагича туркумланган:

- давлат секторининг (корхоналарининг) ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши (фоиз ҳисобида);
- давлат истеъмолининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);
- давлат харажатларининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);
- давлат бюджетининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);
- давлат қарзлари ўсишининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида);
- пул массасининг ўсиш суръати (фоиз ҳисобида);
- инфляция суръатлари (фоиз ҳисобида);
- валюта курсининг пасайиш суръатлари (фоиз ҳисобида);
- ташқи савдога солиқларнинг ташқи савдо айланмасига нисбати (фоиз ҳисобида) ⁴⁴.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини миллий иқти-

⁴⁴ Илларианов А. Критерии экономической безопасности. // Вопросы экономики. 1999. №10.

содиёт субъектларининг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам туркумлаш мумкин. Масалан, А.Прохожев ва М.Корниловлар шахснинг, яъни алоҳида индивид, фуқаронинг ҳаётий муҳим манфаатини рўёбга чиқариши нуктаи назаридан иқтисодий хавфсизликни ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичларни туркумлаган:

- жон бошига ойлик даромад миқдорининг расмий равишда белгиланган яшаш минимуми миқдорига нисбати;
- аҳоли озиқ-овқат харажатларининг йиллик жон бошига даромадлар ҳажмидаги улуши;
- аҳоли жон бошига кундалик истеъмол қилинаётган калориялар миқдори;
- аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромадида уй-жой ва коммунал тўловларга қилинган харажатлар улуши;
- аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромадидаги жамғармаларнинг улуши ва бошқалар⁴⁵.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларининг ўртача жаҳон ва МДХ мамлакатларининг айнан шундай кўрсаткичларига, шунингдек, расмий белгиланган қуйи таҳликали чегара индикаторларига таққослаш орқали миллий иқтисодиётнинг реал ҳолатини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг натижасида ҳукумат мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг максадлари ва уларни амалга ошириш йўналишларини белгилайди.

Асосий таянч тушунчалар

Шахс, корхона (фирма) ёки давлат миқёсидаги иқтисодий хавфсизлик; энергетик ва технологик хавфсизлик; озиқ-овқат ва молиявий хавфсизлик; транспорт-коммуникация соҳасидаги хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик; хавфсизлик мезони ва кўрсаткичлари, хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегараси.

⁴⁵ Прохожев А, Корнилов М. О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, № 4-5, 2003. -С. 233.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий хавфсизлик субъектлари нуктаи назаридан қандай шаклларда намоён бўлади?
2. Иқтисодий хавфсизликнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти бўйича намоён бўлиш шакллари қандай?
3. Истеъмол нуктаи назаридан иқтисодий хавфсизлик қандай шаклларда намоён бўлади?
4. Ижтимоий хавфсизлик шакллари нималарда намоён бўлади? Уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
5. Иқтисодий хавфсизликнинг транспорт-коммуникация-си соҳасидаги шакли қандай ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга?
6. Иқтисодий хавфсизлик қандай кўрсаткичлар орқали тавсифланади?
7. Иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегараси деганда нимани тушунасиз?
8. Иқтисодий хавфсизликнинг умумиқтисодий кўрсаткичлари нималардан иборат?
9. Микроиқтисодиёт даражасида қандай иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини биласиз?
10. Худудий иқтисодий хавфсизлик қандай кўрсаткичлар билан ифодаланади?

3-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАР

3.1. Иқтисодий манфаатлар ва таҳдидлар

Жамиятда инсон ва хўжалик субъектларининг фаолияти уларнинг эҳтиёжларини кондириш ва манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида амалга оширилади. Эҳтиёж кишиларнинг ҳаёт фаолиятини сақлаш, инсон организмни ва шахсни ривожлантириш учун унинг зарурий неъматларга ва нарсаларга бўлган объектив зарурати ҳисобланади.

Кишилар эҳтиёжлари хилма-хил бўлиб, уларнинг таркибида социал-иқтисодий эҳтиёжлар муҳим ўрин тутади. Умуман инсон эҳтиёжларини америкалик олим А.Маслоу куйидаги гуруҳларга ажратган:

1) физиологик, яъни овқатланиш, ичимлик ичиш, ухлаш ва бошқалар;

2) хавфсизлик эҳтиёжлари, яъни касаллик, кўркинчли вазиятлардан, қаҳр-ғазабдан, табиий офат ва бошқалардан ҳимояланиш эҳтиёжлари;

3) ижтимоий алоқаларга бўлган эҳтиёжлар, яъни меҳр-окибат, мухаббат, бирон-бир гуруҳга, оилага бирикиш ва бошқалар;

4) хурматга сазовар бўлиш (мақсадга эришиш, тан олиниш);

5) ўзини намоён этиш, юқори мавқега эришиш, яъни ўз қобилиятларини намоён этиш ва амалга ошириш ва ҳ.к.

Инсон ўз эҳтиёжлари ва уларни кондириш зарурлигини англаганида манфаат юзага келади. Манфаат эса меҳнатга, фаолиятга ундовчи мотивацияни вужудга келтиради.

Иқтисодий манфаат англаган ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шаклидир. Манфаатлар хўжалик юритишдан кўзланган наф ва ютуқни ифодалайди. Улар-

га эришилганда хўжалик субъекти мустакилликка ва ўзидан-ўзи ривожланиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга иқтисодий манфаатлар хўжалик фаолиятини юритишдан кўзланган иқтисодий мақсадларни ҳам ифода қилади. Иқтисодий мақсадлар умумий тарзда қуйидагича туркумланган:

1. Иқтисодий ўсиш. Кўпроқ миқдорда ва юқори сифатли маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш, яъни юқори турмуш даражасини таъминлаш.

2. Тўлик бандлик. Ишлашга қодир бўлган ва ишлашни хоҳлайдиган кишиларни ўзларига мос машғулот билан таъминлаш. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини тўлик ишга солиш, улардан етарли даражада максимал фойдаланиш ҳам бандликнинг муҳим тури ҳисобланади.

3. Иқтисодий самарадорлик. Чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини минимал даражада харажат қилиб, максимал натижа олишга интилиш.

4. Барқарор нарх даражаси. Умумий нарх даражасининг жиддий даражада кўтарилиши ёки пасайиши, яъни инфляция ёки дефляциянинг юқори даражада ўзгаришига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш.

5. Иқтисодий эркинлик. Корхона бошқарувчилари, ишчилар ва истеъмолчилар ўзларининг иқтисодий фаолиятларида юқори даражада эркин бўлишлари керак.

6. Даромадларнинг одилona тақсимланиши. Аҳолининг энг бой ва энг камбағал, яъни кам таъминланган қатламлари ўртасидаги фарқнинг ниҳоят даражада катта бўлиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш.

7. Иқтисодий таъминлаш. Меҳнатга лаёқатсиз, касал-манд, қари, майиб, мажруҳ ва бошқа кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аҳоли гуруҳларини ижтимоий химоялашни амалга ошириш.

5. Савдо баланси. Халқаро савдо ва халқаро молиявий битимларда оқилona балансини таъминлашга интилиш⁴⁶.

⁴⁶ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2Т. Пер. С. англ // -го изд Т. 1. -М.: Республика, 1992. - С. 23-24.

Ушбу умумий иктисодий мақсадлар ҳўжалик юретишнинг микро ва макро даражаларидаги, турли иктисодиёт субъектларининг иктисодий манфаатларини умумий тарзда ифодалайди.

Иктисодиёт субъектларининг кўплиги улар манфаатларининг хилма-хил шаклларда намоён бўлишини кўрсатади. Шунга мувофиқ иктисодиёт субъектлари нуктаи назаридан манфаатлар шахс, жамият, давлат, ҳудуд, маҳкама, гуруҳ, оила манфаатлари шаклида намоён бўлади.

Шунингдек, жорий ва истиқбол, рационал ва нораціонал, англаган ва англамаган, молиявий, меҳнат, маънавий-ахлоқий манфаатлар туркумлари ҳам мавжуддир.

Шахсий манфаатлар кишиларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, яшаш хавфсизлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахснинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлиги, ўзини судда ҳимоя қилиш, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлар, шахсий ҳаётига аралаштиридан ҳимояланиши ҳамда турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги қайд қилинган. Шунингдек, фуқаролар фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига ҳам эгадирлар. Шахснинг иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, яъни мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, қариганида ва меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг кафолатланиши Конституциямизда белгилаб қўйилган¹⁷. Бу эса шахс ижтимоий ва иктисодий манфаатларининг ҳуқуқ даражасида қонуний муҳофаза қилинишидан далолат беради.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - 7,8,9,10-бетлар.

Жамият манфаатлари ўз ичига демократияни мустаҳкамлаш, аҳоли, барча ижтимоий ва этник гуруҳларининг ижтимоий тотувлигини, яратувчилик фаоллигини ошириш ва маънавий ривожланишини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Ўзбекистон халқи «... республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади»⁴⁸, – деб таъкидланган.

Давлат манфаатлари конституцион тузумни, суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ва бўлинмаслигини ҳимоя қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни қарор топтириш, қонунларга қатъий риоя этиш, ҳуқуқ-тартиботнинг ўрнатилишини, тенг шериклик асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни ифодалайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, алоҳида шахслар манфаатларини рўёбга чиқариш орқали умумий манфаатлар рўёбга чиқарилади. Аммо бунга кишилар ва уларнинг ижтимоий гуруҳларининг бирлашиши, биргаликдаги ва ўзаро алоқдорликдаги фаолиятлари орқалигина эришиш мумкин бўлади.

Жамият аъзоларининг умумий манфаатлари уларнинг биргаликда давлат мустақиллиги, халқ фаровонлиги ва юқори турмуш даражасини таъминлаш ҳамда унинг маданияти ва маънавий қадриятларини сақлашга бўлган интилишини ифодалайди. Шу боисдан иқтисодий адабиётларда “миллий”, “миллий-давлат манфаатлари” каби тушунчалар қўлланади. Бу тушунча мамлакат фуқароларининг умумий иқтисодий манфаатларини акс эттиради. Миллий манфаат эса инсоннинг маънавий-маданий ривожланиши, унинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз фаолияти учун масъулиятини рағбатлантириш асосида халқ фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш демакдир.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 3-бет.

Иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг ички ва ташқи шарт-шароитлари мавжуд бўлиб, ички шароитларига шахснинг ривожланиши, конституцион тузумнинг мустақамланиши, мамлакат ҳудудларининг яхлитлиги ва бўлинмаслигини таъминлаш ҳамда хўжалик ва бошқа фаолиятлар, фавқулудда вазиятлар, табиий офатлар, фалокатлар таъсирида вужудга келадиган нохуш экологик ҳолатлардан кишилар саломатлигини сақлаш киради. Ташқи шароитларга эса шерикчилик ва ўзаро ҳамкорлик асосида халқаро алоқаларнинг самарали тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, ташқи агрессияларни қайтариш қобилятини таъминлаш, ўзининг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, интеллектуал салоҳиятига мос равишда халқаро ҳамжамиятда ўзига муносиб ўринга эга бўлиш киради. Ушбу иқтисодий манфаатларнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилувчи турли-туман таҳдидлар, хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш давлат зиммасига юклатилган.

Таҳдид жамият, давлат ва уларнинг субъектлари, алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи, зиён-заҳмат келтирувчи, хавф-хатар туғдирувчи омиллар, шарт-шароитлар ва воқеликларни ифодалайди. Л.П.Гончаренко бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрларига кўра таҳдид-хавф-хатарнинг аниқ ва бевосита шакли ёки давлат, жамият, корхона, шахс, шунингдек, миллий кадриятлар ва миллий турмуш тарзига хавф солувчи шароитлар ва омиллардир⁴⁹.

Иқтисодий манфаатларга таҳдидлар уларнинг таъсирида вужудга келадиган нохуш ва салбий оқибатлар билан боғлиқ равишда қаралиб, хавф-хатар манбаи сифатида изоҳланади. Уларни қўйидаги белгилар бўйича хилма-хил туркумларга ажратиш мумкин:

⁴⁹ Қаранг: Экономическая безопасность: учебник для вузов /под общ. ред. Л.П. Гончаренко.-2-е изд., перераб. и доп.-М.: Издательство Юрайт, 2018.-С.9.

– таҳдидларнинг манбалари, келиб чиқишига кўра: ички ва ташқи гуруҳларга ажратилади:

– инсон фаолияти соҳалари бўйича: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ҳарбий, миллатлараро муносабатлардаги, экологик, демографик, илмий-техникавий, технологик, интеллектуал, информацион, хом ашёвий таҳдидларга бўлинади;

– инсон фаолиятига нисбатан таҳдидлар: объектив, субъектив таҳдидлар гуруҳига ажратилади. Субъектив таҳдидларга ташкиллаштирилган ва онгли равишда амалга оширилладиган таҳдидлар киради. Масалан, разведка, шпионаж, айғоқчилик, ташкилий жиноятчилик:


– амалга ошиш эҳтимоли бўйича, яъни маълум шарт-шароитлар тақозоси билан вужудга келадиган таҳдидларга: кризис, қайта куриш, ислоҳ этиш, қарама-қаршилик, шерикчилик туфайли вужудга келадиган таҳдидлар киради;

– оқибатига кўра умумий, яъни мамлакат микёсига таъсир кўрсатувчи, локал, яъни маълум ҳудудга таъсир кўрсатувчи, хусусий, яъни айрим хўжалик субъектларига таъсир кўрсатувчи таҳдидлар туркумланади⁵⁰.

Иқтисодий таҳдидларни энг умумий тарзда ички ва ташқи гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Ташқи таҳдидлар геополитик, ташқи-иқтисодий, шунингдек, глобал экологик омиллар билан тавсифланади (3.1.1-рasm).

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишига ва жамият, давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига иқтисодий таҳдидлар бевосита хавф тугдиради. Бу таҳдидлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни издан чиқариб, жамият ҳаётида танглик ҳолатларини келтириб чиқаради.

⁵⁰ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд во РАСС. 2002. – С.63; Сенчагов В. Экономическая безопасность как основа обеспечения национальной безопасности России // Вопросы экономики, №8. 2001. – С.71-73.



3.1.1-расм. Иқтисодий таҳдидлар таркиби⁵¹

3.2. Иқтисодий хавфсизликка ички таҳдидлар

Мамлакатнинг ички иқтисодий соҳасидаги хавфсизлиги табиий, техник-технологик, инфратузилмавий, ижтимоий ҳамда бошқа макро ва микроиқтисодий ривожланиш омиллари, ички иммунитет ва турли беқарорлик, тангликлар таъсиридан ҳимояланиш орқали таъминланади.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ички омилларга хўйдагилар киради:

- илгариги тизимдан бирёклама, таркиби деформациялашган иқтисодиётнинг мерос қолганлиги;
- кўпчилик тармоқларнинг қолоқ технологик базага, юқори энергия ва ресурс сизимига эгаллиги сабабли миллий иқтисодиёт рақобат-бардошлигининг пастлиги;
- иқтисодиётнинг юқори даражада монополлашуви;
- юқори даражадаги инфляция;
- инфратузилма объектларининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва мустаҳкам эмаслиги;
- минерал-хом ашё базаларининг кам ўрганилганлиги ва хўжалик оборотига тортилиш имкониятларининг етарли эмаслиги;

⁵¹ Муаллиф томонидан тузилган.

– мамлакат илмий-техника салоҳиятининг ёмонлашуви, фан-техника ривожланишининг айрим йўналишларида илғор ўринларнинг бой берилиши, бошқа фаолият соҳаларида интеллектуал меҳнат обрўсининг (престижининг) тушиб кетиши;

– ички бозорлардан чет эл фирмалари томонидан ватанимиздаги товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг, шу жумладан, истеъмол товарларининг сиқиб чиқарилиши;

– ҳудудий сепаратизм тенденцияси ва бошқариш қарорларини қабул қилишда тармоқ лоббизмининг юқори даражадалиги;

– инвестицион фаолликнинг пастлиги;

– капитал харажатлар ўрнига жорий харажатларни афзал кўриш;

– социал конфликт (зиддият) ларнинг келиб чиқиш хавфининг мавжудлиги. Бундай ижтимоий зиддиятлар меҳнатга ҳақ тўлаш механизмининг такомиллашмаганлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, аҳоли ўртасидаги табақаланишнинг кескинлашиб кетиши, аҳоли билим даражаси ва сифатининг пасайиши туфайли вужудга келади;

– қонунчиликнинг ривожланмаганлиги, бир қанча иқтисодий субъектларнинг ички ва ташқи бозорда монопол ҳолатда эканлиги ва ғайриқонуний фаолият кўрсатиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий интизомларининг пастлиги;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий ва шартномавий интизомларининг пастлиги;

– иқтисодиётнинг криминаллашуви ва уни бошқаришда коррупциянинг кучайиши;

– даромадларни яшириш ва солиқ тўлашдан қочиб ҳолларининг кўпайиши;

– молиявий маблағларни чет элларга ноқонуний тарзда ўтказиш (3.2.1-расм).

Таҳдид ички омиллари, ўз навбатда, икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) иқтисодий тизимнинг циклик ривожланиш қонуниятларига боғлиқ таҳдид омиллари;

2) циклик ривожланиш қонуниятларига боғлиқ бўлмаган омиллар.

Биринчи гуруҳ омиллари ҳаракати оқибатида маълум шароитларда макроиқтисодиёт даражасида салбий оқибатлар келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин.



3.2.1-расм. Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ички омиллар⁵²

⁵² Муаллиф томонидан тузилган.

Иккинчи гуруҳ омиллари ҳаракати эса узоқ муддатли даврда ҳўжалик тизими муҳим элементларининг такрор ишлаб чиқарилиши шароитида тўпланган нохуш тенденциялар туфайли юзага келади. Бу нохуш тенденциялар кўйидагиларда намоён бўлади:

– мамлакатнинг ишлаб чиқариш, инновацион ва илмий-техникавий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва самардорлиги;

– ҳўжалик юритиш ва бошқаришнинг иқтисодий муносабатлари;

– ижтимоий соҳа;

– атроф муҳит ҳолати;

– мамлакат ҳудудларидаги аҳвол.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида танглик ҳолати чуқурлашиб, ишлаб чиқариш кескин қисқариб кетди. Бундай ҳолатнинг ўзиёқ иқтисодий хавф тугдирди. Чунки ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ички бозорда товар ва хизматлар миқдорининг камайиб кетиши оқибатида уларнинг ўрнига хориж товарлари, айниқса, арзон, сифатсиз товарлар кириб келди. Ички бозордан сиқиб чиқарилган миллий товарларнинг ўрнини тиклаш ниҳоятда оғир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Иқтисодийда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ҳояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб колмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдияган технологиялар, муқобил энергия манбаларини тағбиқ этишнинг сустлиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда”⁵³, -деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатида ҳозирги замондаги таҳлидлар сифатида “Ёқилғи-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат ишти-

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2017 йил 22 декабр//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабр.

роки юқори даражада сақланиб қолаётгани уларни бозор механизми асосида ривожлантириш, инвестициялар жалб этишга тўсқинлик қилмоқда. Айрим вазирликлар ўзи назорат қиладиган соҳадаги корхоналарда таъсисчи экани эркин ва соғлом рақобатга йўл бермаяпти, буням бугун очик айгиш керак. Бундай тизимни энди ўзгартирмасак, ушбу тармоқларда ҳам ва умуман, иқтисодиётда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Давлат активлари тартибсиз бошқарилаётгани ҳам самарадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда 972 та давлат корхонаси активларининг атиги 21 фоизи Давлат рақобат қўмитаси томонидан, қолган 79 фоизи вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан бошқарилмоқда. Бундай ёндашув сўнгги 27 йил давомида давлат корхоналарини қандай ахволга олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Авиасозлик саноати каби бутун бир соҳа йўқ бўлиб кетди³⁴-деб таъкидлаган.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги учун фундаментал тадқиқот ишларининг тўхтатилиб қўйилиши, жаҳон талабларига жавоб берадиган илмий-тадқиқот жамоалари ва конструкторлик бюроларининг тарқалиб кетиши, юқори технологик ва рақобатбардош маҳсулотларга буюртмаларининг кескин камайиб кетиши, мамлакатдан соҳанинг кучли мутахассисларининг кетиши (утечка мозгов) жиддий таҳдид солади. Юқори малакали мутахассис ва ишчиларнинг ўз соҳасидан чиқиб кетиши, нуфузли соҳалардан бошқа бундай билим, малака талаб қилмайдиган, айниқса, тижорат-воситачилик соҳаларига ўтиб кетишлари ҳам жиддий таҳдид бўлиб, хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, Россиялик экспертларнинг баҳолашларига кўра олимларнинг мамлакатдан чет элларга кетиб қолишлари туфайли жуда катта миқдорда маблағлар йўқотилади. Бу эса мамлакат учун жуда катта таҳдидга айланган (каранг: 3.2.2-жадвал)

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

**“Ақлларнинг четга чикиб кетиши” туфайли кўриладиган
иктисодий зарарларнинг эксперт баҳоланиши⁵⁵**

Эксперт	Баҳолаш
Академик В.Страхов	200 мингдан ортиқ олимлар чет элларга кетиб қолишди
ЮНЕСКО	Ўтган асрнинг 90-йиллар ўрталарида Россия олимлар эмиграцияси туфайли 30 млрд. доллар- дан ортиқ йўқотди.
Таълим ва фан ми- нистрлиги	Битта олимнинг кетиши Россия учун 300 минг. долл. йўқотишга олиб келади.
МДУ ректори, академик В. Садов- ничий	Москва университетида бир жаҳон даражасидаги мутахассисни тайёрлашга 400 минг долларгача маблаг сарфланади... МДУ битирувчилари йили- га чет элларга 120 млн. долл. “олиб кетдилар”.
Таълим ва фан бўй- ича кўмита аъзоси МДУ профессори И. Мельников	Ўтган асрнинг 90-йилларида “ақлларнинг четга чикиб кетиши” оқибатида кўрилган зарарлар йилига тахминан 50 миллиард долларни ташкил этган.
Россия янги уни- верситети ректори, Россия нодавлат олийгоҳлари Ассо- циацияси кенгаши раиси В. Зернов	Россиядан “ақлларнинг четга чикиб кетиши” оқибатида кўрилган зарарлар бир триллион дол- лардан ортиқни ташкил этди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Минг афсуски, мамлакатимизда катта илмий салоҳиятга эга бўлган айрим олимлар, истеъдодли ёшлар ўртасида хорижий давлатларга кетиб қолиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қанча-қанча ўзбек йигитлари, ўзбек кизлари бугун чет эллардаги йирик компания ва банкларда, нуфузли университетлар, халқаро ташкилотларда катта-катта лавозимларда хизмат қилмоқда. Мен шахсан ўзим хорижий мамлакатлар-

⁵⁵ Мирошни С. «Потери России от утечки мозгов» [электронный ресурс]. Режим доступа: <http://contr-tv.ru/print/2299/>

га сафарларим чоғида ўнлаб ана шундай ватандошларимиз билан учрашиб, мулоқотда бўлдим. Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-кетиши, мамлакатимизни тараққий эттиришда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтираемиз. Шу муносабат билан **чет элларда яшайтган ва ишлаётган ватандошларимиз билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқишни тақлиф этаман**⁵⁶, -деб таъкидлаган.

Иқтисодиёт таркибий тузилишида хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, ёқилғи-энергетика, металлургия тармоқлари улушининг ўсиб, машинасозлик, химия, енгил ва озиқ-овқат саноати улушининг камайиб кетиши ҳам жиддий хавф туғдиради. Россия Федерациясида XX аср 90-йилларининг биринчи ярмида бозор муносабатлари ўз-ўзидан иқтисодиёт таркибининг тузилишини ўзгартириб юборади деган қарашлар ўзини оқламади. Шунингдек, таркибий ўзгартиришларда фақат чет эл инвесторларига умид қилиш ҳам ўзини оқламади. Чунки уларнинг манфаатлари давлат иқтисодий сиёсати мақсадларига мос келмади.

Мавжуд хўжалик тузилиши ва алоқаларни шошилинч бузиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги диспропорцияни кучайтириб юбориш, миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ақлга мувофиқ патернализмдан бутунлай воз кечиш, амалда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари импортига тўлиқ очиб қўйиш мамлакатнинг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш базасининг барбод бўлиши ва заифлашиб қолишига олиб келади. Давлат мустақиллиги, суверенитети хавф остида қолади. Шунинг учун мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш учун мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларини самарали химоя қилиш, импорт маҳсулотлари билан миллий товарлар **нисбатини тартибга солиш** муҳим аҳамиятга эга бўлади.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

Ишсизликнинг ўсиши, айниқса, унинг оммавий ва турғун тус олиши мамлакатга жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин. Ишсизлик турли-туман жиноятлар, хусусан, экстремизмнинг кучайиши учун база ҳисобланади.

Ишбилармонлик, инвестиция фаоллигига тўсиқларнинг мавжудлиги давлатнинг молиявий қийинчиликларни чет эл кредитлари ҳисобига ҳал қилишга, “яшашга” интилизмини кучайтиради. Чет эл кредитларидан фойдаланиш ўзича хавфли эмас, балки иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи восита бўлади. Аммо чет эл кредитларидан самарасиз фойдаланиш, ҳаддан ташқари уни кўп миқдорда олиш, уни тўлаш имкониятларидан ортиқча бўлиб кетиши хавфлидир.

Иқтисодиётда коррупция ва “маъмурий рэкет” мамлакат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида “маъмурий рэкет” турли давлат ва назорат органларининг кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолиятига ноўрин аралашishi туфайли вужудга келган. У мамлакатда ўрта мулкдорлар синфининг амалда шаклланиши, қарор топишига, тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу боисдан Ўзбекистонда ҳозирги вақтда давлат хизмати институтини ислох қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш бўйича қадамлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилинди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда”,⁵⁷-деб таъкидлаган.

Иқтисодиётда криминал жараёнларнинг кучайиши жиноий ёки “хуфёна” иқтисодиётнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов бу борада тўхталиб, “Жиноий ёки кўп

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабр.

ҳолларда “хуфёна” деб аталаётган иктисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсди ва ривожланди: у ишлаб чиқариш соҳасидаги қонуларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон – ўзига бек бўлиб олган эди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иктисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди”³⁸, - деган эди.

Ички таҳдидлар ичида хуфёна иктисодиёт ўта хавфлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унга қарши кураш иктисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат иктисодий хавфсизлигини таъминлаш учун унга таҳдид солувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш билан бир қаторда, унинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда улар асосида хавфсизликни таъминлаш механизминини шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади.

3.3. Иктисодий хавфсизликка ташқи таҳдидлар

Бозор иктисодиёти шароитида мамлакат иктисодий хавфсизлигига иктисодиётнинг эркинлашуви ва очиклиги билан боғлиқ хавф-хатарлар ва таҳдидлар мавжуд бўлади. Очик иктисодиёт шароитида ташқи иктисодий хавфсизликни таъминлаш учун қуйидагилар тақозо этилади:

биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этиш билан миллий ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратиш;

иккинчидан, жаҳонда содир бўлаётган иктисодий, сиёсий ноҳуш ҳодисалар салбий оқибатларининг миллий иктисодиётга таъсирини камайтиришга эришиш. Алоҳида таъкидлаш жоизки, очик иктисодиёт шароитида ташқи таҳдидлар таъсирини бутунлай йўқ қилиш, унга барҳам бериш мумкин эмас. Аммо уларнинг таъсирини мақбул даражада камайти-

³⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва гаракчиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 87-бет.

риш лозим бўлади.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ташки омилларга қуйидагилар киради:

1) экспорт таркибида хом ашё товарларининг устуворлиги, анъанавий машинасозлик ва ҳарбий саноат товарлари бозорларининг йўқотилиши;

2) мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, стратегик аҳамиятдаги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлиги, боғлиқлиги;

3) ташқи қарзларнинг ўсиб бориши;

4) экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, божхона чегараларининг ёпиқ эмаслиги;


5) рақобатга бардошли экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий, ташкилий ва ахборот инфратузилмаларнинг ривожланмаганлиги ҳамда импорт таркибининг рационал эмаслиги;

6) экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривож топмаганлиги (3.3.1.-расм).

Экспорт товарларига нархларнинг кескин пасайиб кетиши ёки аксинча, импорт товарларига нархларнинг кескин кўтарилиб кетиши ташқи бозорга ғоятда боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ўта хавfli ҳисобланади.

Иқтисодиёт учун муҳим сотиш бозорлари ёки маҳсулот етказиб берувчи мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдога эмбарго киритилиши ҳам хавф туғдиради. Шунингдек, бир мамлакатдан ёки мамлакатлар гуруҳидан айрим турдаги маҳсулотларни келтиришда юқори даражадаги қарамликка, боғлиқликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу иқтисодий қарамликдан сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатишда фойдаланишлари мумкин. Хорижий мамлакатга молиявий жиҳатдан ўта юқори даражада боғлиқликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳолатдан қарздор мамлакат иқтисодий сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш шароитларига таъсир ўтказишда фойдаланишлари шубҳасиздир.

Миллий иқтисодиёт учун унинг экспорти таркибида икки-уч хил товарнинг устувор ўринни эгаллаши, ҳатто экспорт ҳажмининг ярмидан кўпини ташкил этиши ўта хавфли ҳолатларни туғдириши мумкин.



3.3.1-расм. Иқтисодий хавфсизликка ташқи таъдид омиллари таркиби⁵⁹.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, экспортнинг бундай таркиби жаҳон бозори конъюктурасининг ёмонлашган шароитида, уларга бўлган талабнинг камайиши оқибатида иқтисодиёт ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин.

⁵⁹ Муаллиф томонидан тузилди.

риш лозим бўлади.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради:

1) экспорт таркибида хом ашё товарларининг устуворлиги, анъанавий машинасозлик ва ҳарбий саноат товарлари бозорларининг йўқотилиши;

2) мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, стратегик аҳамиятдаги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлиги, боғлиқлиги;

3) ташқи қарзларнинг ўсиб бориши;

4) экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, божхона чегараларининг ёпиқ эмаслиги;


5) рақобатга бардошли экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий, ташкилий ва ахборот инфратузилмаларнинг ривожланмаганлиги ҳамда импорт таркибининг рационал эмаслиги;

б) экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривож топмаганлиги (3.3.1.-расм).

Экспорт товарларига нархларнинг кескин пасайиб кетиши ёки аксинча, импорт товарларига нархларнинг кескин кўтарилиб кетиши ташқи бозорга ғоятда боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ўта хавfli ҳисобланади.

Иқтисодиёт учун муҳим сотиш бозорлари ёки маҳсулот етказиб берувчи мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдога эмбарго киритилиши ҳам хавф туғдиради. Шунингдек, бир мамлакатдан ёки мамлакатлар гуруҳидан айрим турдаги маҳсулотларни келтиришда юқори даражадаги қарамликка, боғлиқликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу иқтисодий қарамликдан сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатишда фойдаланишлари мумкин. Хорижий мамлакатга молиявий жиҳатдан ўта юқори даражада боғлиқликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳолатдан қарздор мамлакат иқтисодий сиёсатига ва ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш шароитларига таъсир ўтказишда фойдаланишлари шубҳасиздир.

Миллий иктисодиёт учун унинг экспорти таркибида икки-уч хил товарнинг устувор ўринни эгаллаши, ҳатто экспорт ҳажмининг ярмидан кўпини ташкил этиши ўта хавфли ҳолатларни туғдириши мумкин.



3.3.1-расм. Иктисодий хавфсизликка ташқи таҳдид омиллари таркиби⁵⁹.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, экспортнинг бундай таркиби жаҳон бозори конъюктурасининг ёмонлашган шароитида, уларга бўлган талабнинг камайиши оқибатида иктисодиёт ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин.

⁵⁹ Муаллиф томонидан тузилди.

Мамлакат экспорт қилаётган хом ашё ресурсларининг жаҳон бозоридаги нархларининг тушиб кетиши оқибатида унинг ташқи савдо айланмаси пасайиб кетади. Натижада, валюта тушуми камаяди. Бу ҳол мамлакат учун зарур инвестиция лойиҳаларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳатто миллий валютаси қадрининг тушиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек, хом ашё ишлаб чиқарувчи миллий корхоналарнинг иқтисодий молиявий аҳволи ёмонлашади. Уларнинг бир қанчаси хонавайрон бўлади. кўпчилиги эса ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга мажбур бўладилар. Оқибатда, иш билан банд ходимлар сони қисқариб, ишсизлик кўпаяди. Давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратиладиган маблағ кўпайиб, ижтимоий муаммолар ҳам бирмунча кескинлашади, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари секинлашади ёки турғунликка, тангликка юз тутади.

Очиқ иқтисодиётга ўтиш кучли даражадаги протекционизмдан воз кечишни тақозо этади. Аммо мамлакатни жаҳон хўжалигига кириб бориши нуктаи назаридан истиқболли, стратегик аҳамиятга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳимоя қилиш, яъни селектив протекционизм зарурдир. Иқтисодий хавфсизлик нуктаи назаридан ватанимизда ишлаб чиқарилган товарлар сотиш бозорларини, импорт хом ашё ва саноат маҳсулотлари манбаларини диверсификациялаш, кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий алоқа қилиш, бир мамлакат билан ёмонлашган муносабатлар ўрнига бошқа мамлакатлар билан бўладиган илиқ муносабатлар ривожлантирилади.

Иқтисодиёт чуқур кризисга учраган ва капитал маблағларни унга жалб қилиш кескин камайиб кетаётган шароитда хорижий инвестициялар баъзи бир соҳаларда иқтисодий ўсиш катализатори бўлиши мумкин. Бу эса иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашга имкон беради. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизми хорижлик ҳамкорларнинг молиявий ва моддий ресурсларини миллий иқтисодиётга

реал киритишга ундаши лозим. Улар томонидан моддий бойликларни арзон-гаровга кўплаб сотиб олинishiга йўл қўйиш мумкин эмас. Шундай қилиб, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб қилиш чораларини кўриш билан бир қаторда бу жараёнларни тартибга солиш ҳам даркор. Бунда миллий манфаатларга риоя қилган ҳолда, хорижий компанияларнинг минимал маблағлари эвазига бутун бир тармоқлар устидан ўз назоратини ўрнатишларига йўл қўймаслик лозим бўлади.

Бутун дунёда миллий валюта кадри мамлакат иқтисодий аҳволининг индикатори ҳисобланади. Мамлакатдан молиявий маблағларнинг катта миқдорда чиқиб кетиши, яъни “капиталнинг қочиши” миллий иқтисодий хавфсизликка бўлган жиддий таҳдидлардан биридир. Маблағларнинг четга чиқиб кетишининг легал, яъни очикдан очик йўли тижорат банклари томонидан хорижий банклар ҳисоб счётларига катта миқдордаги маблағларнинг ўтказилиши ҳисобланади. Ноконуний, яъни яширин йўлларга эса қуйидагилар қиради:

– экспортда маҳсулот нархини пасайтириб, импортда ошириб кўрсатиш. Бунда фиктив ва ҳақиқий нарх ўртасидаги фарқ хорижий компаниялар томонидан ватанимиздаги ишбилармоннинг хориждаги банкдаги счётига ўтказилади;

– импорт учун “аванс” ўтказилади, аммо импорт содир бўлмайди ва ҳ.к.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили нолегал йўл, ҳуфёна фаолият орқали топилган 300 миллиард доллар ҳаром пуллар легаллаштирилади. 1990 йили Европа кенгаши томонидан жинояткорона йўл билан топилган даромадларни конфискация қилиш тўғрисида Конвенция қабул қилинган, аммо уни кам сонли давлатлар ратификация қилганлар.

Мамлакатнинг нафақат иқтисодий, шунингдек, сиёсий аҳволига ҳам жиддий хавф туғдирувчи таҳдидлардан бири ташқи қарз муаммосидир. Ташқи қарзнинг юқори даражадалигининг ўзиёқ миллий манфаатларга мос келадиган ташқи сиёсат юритишни шубҳа остига қўяди. Мамлакат қарз берган

йирик кредитор-мамлакатларга қарам бўлиб қолади. Ташқи қарзларни тўлаш учун мамлакат қарзлардан кредитларни белгиланган муддатларда тўлашни кафолатлайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштиришда фойдаланиш ҳамда янги объектларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини кенгайтириш ҳисобига ташқи қарзларни тўлаш мумкин.

Ташқи иқтисодий таҳдидларга мамлакатга инвестиция киритган хорижлик инвесторларнинг ноҳолис ва ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳам киради. Уларнинг мамлакатнинг стратегик аҳамиятга молик ресурс ва фойдали қазилма бойликларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишга бўлган фаолиятлари жиддий хавф туғдиради. Шу боисдан, хорижий инвестиция ва кредитлардан мамлакатнинг миллий иқтисодий манфаатлари йўлида фойдаланиш механизми яратилиши керак бўлади.

Шунингдек, мамлакатнинг халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ таҳдидлар ҳам мавжуд. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг мамлакат миллий манфаатларига зид қарорлари ва фаолияти миллий манфаатларга зид келган ҳолда давлат ўз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши зарур бўлади.

Давлат иқтисодий манфаат ва хавфсизликка таҳдидларни аниқлаб, уларнинг олдини олиш мақсадида иқтисодий сиёсат мақсадлари ва стратегияларини ишлаб чиқади. Бу билан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизминини яратади.

Ўзбекистонда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат бўлиб, республикада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизминини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Асосий таянч тушунчалар

Эҳтиёж, иқтисодий манфаат, шахс, корхона, жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари, таҳдид, ички таҳдид, ташқи таҳдид.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий манфаатнинг моҳияти нимада? Улар қандай шаклларда намоён бўлади?
2. Иқтисодий манфаатларга таҳдидлар деганда нимани тушунасан? Улар қандай вужудга келади?
3. Криминал иқтисодий таҳдидлар қандай турлардан иборат?
4. Иқтисодий таҳдидлар қандай турлардан иборат?
5. Ички таҳдидлар қандай шаклларда намоён бўлади? Улар қандай хавф туғдиради?
6. Ташқи таҳдидлар қандай шаклларда намоён бўлади?
7. Таҳдидларнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда кўринади ва уларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?
8. Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдиднинг қандай ички омиллари мавжуд?
9. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликка қандай ташқи таҳдидлар мавжуд?
10. Мамлакатимизда иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича қандай вазифалар белгиланган?

4-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ

4.1. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсади ва унинг институционал шароитларининг яратилиши

Хавфсизликни, шу жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг учун, авваламбор, унинг сиёсий ташкилий ва ҳуқуқий асослари яратилади. Ушбу мақсадда концепция ишлаб чиқилади. Уни ишлаб чиқиш эса иқтисодиёт ҳолатини объектив баҳолаш ҳамда унинг ривожланиш тамойили ва тенденцияларини прогноз қилишга асосланади. Бунинг учун иқтисодий хавфсизликни белгилловчи вазият ва ҳолатлардаги сабаб-оқибатлари аниқланади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга масъул, жавобгар давлат органлари, ташкилот ва муассасалар белгиланади.

Концепцияни ишлаб чиқишда иқтисодий хавфсизликнинг, таҳдидларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатдаги ҳақиқий иқтисодий аҳволни аниқлашга қаршилик қилувчи сиёсий кучлар ёки юқори мансабдор шахслар мавжуд бўлиши мумкин. Шу боисдан уларнинг бу борадаги қаршилиги ва тўсиқларини енгиб ўтишга тўғри келади.

Иқтисодий хавфсизлик концепциясида иқтисодиётда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, иқтисодиётнинг очиклиги, интеллектуал салоҳиятнинг ҳолати, инновацион даражаси, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш даражаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларининг истиқболли прогнозлари ва уларнинг асосий устувор томонлари ўз ифодасини топиши лозим.

Иқтисодий хавфсизлик концепцияси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- хавфсизликни таъминлашнинг мақсад ва вазифалари;
- уларни амалга ошириш йўллари ва усуллари;
- олий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимият органлари, иқтисодиёт тармоқлари бошқарув тизимлари, ҳуқуқ-тартибот, давлат хавфсизлик органларининг умумдавлат, ҳудудий даражадаги иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича вазифалари;
- мавжуд ва потенциал хавфсизликка таҳдидларни таҳлил қилиш;
- давлатнинг хавфсизликни таъминлашдаги имкониятлари, иқтисодий ресурслар, восита ва кучлардан рационал фойдаланиши назарда тутилади;
- иқтисодий таҳдидларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини юмшатиш йўллари, восита ва усуллари.

Хавфсизлик концепцияси асосида уни таъминлашнинг давлат стратегияси ишлаб чиқилади. Ушбу стратегия таҳдидларнинг моҳияти, объектлари индикаторини ва уларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш механизмларини белгилаб беради.

Иқтисодий адабиётларда давлат иқтисодий стратегиясининг уч жиҳати ва таркибий қисмлари ажратиб кўрсатилган:

1. Иқтисодий хавфсизлик ва мамлакат ҳаёт фаолияти муҳим соҳаларининг ҳимоясини таъминлайдиган миллий, давлат манфаатларини аниқлаш.

2. Шаҳс, жамият ва давлатнинг муҳим ҳаётий манфаатларига зиён келтирадиган иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар ва хавф-хатарларни тавсифлаш. Бунда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврларда давлат ва ижтимоий-иқтисодий тизим барқарорлигига зарарли, салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва шароитлар аниқланади.

3. Иқтисодий хавфсизликнинг турли таҳдидлар, хавф-хатарлардан барқарор ҳимояланишини таъминлашга қара-

тилган иқтисодий сиёсатни шакллантириш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш⁶⁰. Ушбу стратегияда иқтисодий хавфсизлик талабларига жавоб берадиган иқтисодиётнинг мезон ва параметрлари ҳам аниқланади⁶¹. Иқтисодий манфаатлар ва хавфсизликка бўлган таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда юмшатишнинг устувор мақсадларига куйидагилар киради:

- аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари ва табақаларининг турмуш даражасини ошириш орқали жамият барча аъзоларининг бирдамлигига эришиш;
- миллий иқтисодиётга хусусий инвестицияларни кiritишни рағбатлантириш, инвестицион жараёнларни фаоллаштириш;
- қатъий солиқ, пул-кредит сиёсатини юритиш, миллий валюта қадрини ошириш ва мустаҳкамлаш;
- ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва самарали боғхона назорат тизимини шакллантириш;
- мамлакат фани ва интеллектуал салоҳияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кучайтириш орқали ички иқтисодий маконни мустаҳкамлаш;
- хўжалик субъектларининг халқаро бозорларга чиқишдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий восита ва чора-тадбирлар билан бир каторда, коррупция, ташкилий жиҳатдан уюшган жиноятчилик, хуфёна иқтисодиётга қарши сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий тавсифдаги чора-тадбирлар, воситалардан

⁶⁰ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001.-С.96

⁶¹ Давлат стратегияси ва иқтисодий сиёсатнинг моҳияти, мезонлари классификацияси нафақат ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, шу билан бирга унинг хавфсизлигини ҳам таъминлаши лозим. Қаранг: Ведута Е.Н. Стратегия и экономическая политика государства. – М.: Акад. Проект, 2004. С.11-23.

хам фойдаланилади. Бунда иктисодий бошқарув органлари ҳуқуқ-тартибот, давлат хавфсизлик хизмати, чегара, божхона органлари билан биргаликда ўзаро алоқадорликда фаолият юритадилар.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал муҳитини яратиш муҳим ҳисобланади. Бунда институтлар деганда жамиятдаги турли тизимлар, субъектларнинг ўзаро алоқадорликдаги фаолиятлари қоидалари (ўйин қоидаларига) назарда тутилади. Улар маълум чеклашлар ҳамда стимул, рағбатларни ўз ичига олган, фаолиятга ундовчи мотивлар ва механизмларни шакллантирувчи қонун-қоидалар йиғиндисиدير. Институтлар формал ва ноформал чеклашлар асосида ҳаракат чегараларини белгилаш орқали бозор иқтисодиёти шароитидаги ноаниқликларни камайтиради, қабул қилинаётган қарорларнинг етарли даражада натижа беришини таъминлайди⁶² Ушбу институционал ёндашувга кўра иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун муассасалар, хўжалик тузилмалари белгиланган қонун-қоидалар, зарарли фаолиятларни чеклашлар орқали ўзаро боғлиқликда, бир-бирлари билан алоқадорликда фаолият қилишлари учун муҳит яратилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жамиятдаги ноформал чеклашлар, яъни анъана, одатлар, турли ижтимоий шартлар, нормал чеклашлар, яъни қонунлар, суд прецедентлари, маъмурий актлар ҳамда белгиланган фаолият қоидаларига риоя қилинишини таъминловчи суд, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа хавфсизлик органлари айрим хўжалик субъектлари, шахслар, гуруҳлар ва бошқа қучларнинг хавфсизликка таҳдид солувчи хатарли фаолиятларининг олдини олиш ва бартараф қилиш учун тегишли муҳит яратади. Бу эса маълум трансакцион харажатларни тақозо этади. Буларга ахборот излаш, тузилмалар ўртасида келишув ва музокаралар ўтказиш, шартномалар тузиш ҳамда уларнинг

⁶² Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. -М.: 1997. С. 70.

бажарилиши устидан назорат қилиш харажатлари киради.⁶³ Институционал ёндашув турли даражадаги хўжалик субъектларининг иқтисодий хавфсизлиги бўйича қарорлар қабул қилиш жараёnlари харажатларини оптималлаштириш, иқтисодий ўсишни таъминловчи механизмларни такомиллаштириш орқали самарали бошқариш тамойилларининг шаклланиши учун имкон яратади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун асосий шарт-шароитлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– аҳолининг цивилизацияон эҳтиёжлари меъёрида яшаш имкониятининг яратилиши. Бу кишилар учун танлаш эркинлиги ҳамда узоқ муддат меҳнат қобилиятини сақлаган ҳолда фаолият юритиш ҳукуки ва мажбуриятини ифодалайди. Бунинг учун бозорнинг ўз-ўзини тартиблаш ва иқтисодийётни давлат томонидан тартиблаш механизмлари уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи ресурс, энергетик, транспорт, ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктуралари шакллантирилади;

– хотиржам яшаш имкониятларининг яратилиши. Бунинг учун фавқулодда ноҳуш вазиятлар вужудга келишининг олдини олиш ҳамда ишончли ахборотга эга бўлиш учун иқтисодий шароитлар вужудга келтирилиши лозим бўлади. Бундан кўзланган мақсад, биринчидан, иқтисодий ва техноген хавф-хатарга қарши туриш, иккинчидан, иқтисодий жиноятчилик ва терроризмнинг кучайишига қарши турли имкониятларни яратиш ҳисобланади;

– мамлакатнинг ҳудудий ва иқтисодий яхлитлигига хавф солувчи омилларнинг олдини олиш. Бу омиллар мамлакат ҳудудларининг ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасидаги фарқларнинг катталашиб кетиши туфайли вужудга келади. Мамлакатнинг ҳудудий ва иқтисодий яхлитлигини таъминлаш учун, биринчидан, ягона иқтисодий мақонни ташкил этиш мақсадида пул ва банк тизимини мустаҳкам-

⁶³ Курс экономической теории. – 4-е доп. И перераб. Изд – Киров: "АСА", 1999. С.192-193.

лаш, молиявий ва савдо инфратузилмасини ривожлантириш; иккинчидан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштиришга қаратилган оқилона ҳудудий сиёсатни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу шарт-шароитларни яратиш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмнинг асосий элементлари ҳуқуқий база, бошқаришнинг иқтисодий услублари ҳамда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий базасини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлар ташкил этади. Эндиликда эса “Хавфсизлик тўғрисида” ги Қонунни қабул қилиш лозим бўлади.

Бошқаришнинг иқтисодий услублари таркиби тўлов, товар айрибошлаш ва нарх шаклланишини тартибга солиш, иқтисодий жавобгарлик, масъулият ҳамда молиявий ингиломни ўз ичига олади. Шунингдек, уларнинг таркибига турли суғуртавий ҳимояланиш, фаолият турларини лицензиялаш, хўжалик жараёнларини текшириш орқали улардаги қийинчилик ва тўскинлик қилувчи омилларнинг олдини олиш ва бартараф этиш воситаси сифатида аудит ҳамда ахборот киради.

4.2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг тартибга солувчилик вазифалари

Бозор муносабатлари шароитида давлат иқтисодиётга аралашиб, бозор механизмнинг амал қилишига кўмаклашади ва аҳолини унинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кўради. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад бозор муносабатларини муайян ва маълум йўналишда ривожлантириб, иқтисодий танглик, таҳдид ва хавф-хатардан ҳимоялаш ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл

кўймасликдан иборатдир. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўлами ва даражаси унинг имкониятларига мос равишда бўлиб, бозор механизмлари, хўжалик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун қулай иқтисодий муҳит яратилишига имкон бериши лозим бўлади. Шунингдек, давлат хўжалик тизимининг рақобатбардош-лилигини ошириш, бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Давлат иқтисодиётни тартибга солишнинг қуйидаги йўналишларида ҳам фаолият юритади:

– иқтисодиётдаги жараёнларни объектив, кенг қамровли мониторинги, шу жумладан, шахс, давлат ва жамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатларига ички ҳамда ташқи таҳдидларни аниқлаш ва прогнозлаштириш учун ахборотлар базасини яратиш;

– иқтисодий манфаатларга таҳдидларнинг олдини олиш, салбий оқибатларини енгиш ҳамда барҳам бериш бўйича жорий ва узоқ муддатли чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш. Бунда давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш чора-тадбирларининг натижалари баҳоланади.

Давлатнинг ушбу иқтисодиётга аралашуви дастакларини аниқлашда хўжалик субъектларининг ривожланиши ва ўз фаолиятини тартибга солиш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Давлат институционал ўзгаришлар, таркибий сиёсатни амалга ошириш орқали иқтисодиётнинг самарали амал қилиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида молиявий, пул-кредит, инвестициялаш ва ташқи иқтисодий соҳаларни фаол тартибга солади.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва давлатнинг барқарорлигига хавф туғдирувчи омилларни аниқлаш ва мониторинг қилиш;

– ушбу омилларнинг зарарли, салбий таъсирига барҳам бериш ёки юмшатишга қаратилган иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат ҳарбий-саноат базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини оширишда турли усуллардан фойдаланади:

- ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш;
- стратегик хом ашё ресурслари ва камёб воситалар захирасини яратиш;
- бир-бирини ўрнини босувчи ва тўлдирувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- ер ости иншоотлари ва омборларни қуриш;
- ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ишончли тизим ва манзилларини ривожлантириш ва ҳ.к.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда халқаро, минтақавий, ижтимоий ва давлат муассасалари (институтлари) дан ҳамда уларнинг фаолият услублари, ҳуқуқий, дипломатик, диний, ғоявий, маъмурий, иқтисодий, ҳарбий, информацион ва бошқа чора-тадбирлардан фойдаланади.

Иқтисодий хавфсизлик соҳасида қўлланивчи сиёсий воситалардан мамлакат иқтисодиётига бошқа мамлакат ёки бир неча мамлакатлар томонидан етказилиши мумкин бўлган зарар, иқтисодий ҳуруж, таҳдидлардан ҳимояланиш мақсадида фойдаланилади.

Бу сиёсий воситалар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- БМТ ва БМТнинг Хавфсизлик кенгашида мамлакат миллий-иқтисодий манфаатларига мос келадиган резолюциялар қабул қилинишига эришиш;
- халқаро арбитраж ёки гуд мамлакатга иқтисодий тазйик, таҳдидлар юзасидан мурожаат қилиш;
- музокаралар ўтказилишини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- халқаро иқтисодий ташкилотларда аъзо бўлиб ёки қузатувчи мақомида мамлакат миллий-иқтисодий манфаатларини амалга ошириш мақсадида фаолият юритиш;

– ўзаро манфаатли халқаро иқтисодий ҳамкорлик шартномаларини ратификация қилиш ва ҳ.к⁶⁴.

Давлат иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ички механизмида юқорида баён килинган воситалардан фойдаланган ҳолда мамлакатда бозор ўзгартиришлари, ислохотларини амалга ошириш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор ва давлат дастаклари, усулларидан фойдаланишни уйғунлаштириш, стратегик захираларни жамғаришга қаратилган тадбирларни амалга оширади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ички механизмининг амал қилиш самарадорлиги қуйидагилар билан тавсифланади:

– миллий иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга қодирлиги;

– мамлакат ичида маҳсулотлар асосий турларининг ишлаб чиқарилишига эришилганлиги;

– стратегик ресурслар устидан давлат назоратининг ўрнатилганлиги;

– молиявий-банк тизимининг барқарорлиги;

– илмий ва инновацион салоҳиятнинг қўллаб-қувватланиши;

– мамлакат иқтисодий яхлитлигининг сақланиши;

– бозор иқтисодиётининг нормал амал қилиши учун зарур ва маъбул даражада давлат томонидан иқтисодий жараёнларнинг тартибга солиниши.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи иқтисодий механизмини амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ва интеграциялашувини ривожлантириш;

– мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ўстириш. Иқти-

⁶⁴ Гордяенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. –М.: Финансы и статистика: ИНФРА-М, 2009. –С.203-205-210.

содий хавфсизликни таъминлашнинг ташки иқтисодий механизми амал қилиши натижасида миллий иқтисодиётнинг ташки таҳдидларга қарши туриш қобилияти ошади;

– асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бошқа мамлакатлар билан кооперацион алоқалар ўрнатиш;

– товар ва хизматлар экспорти ва импорти устидан давлат томонидан назорат ўрнатиш;

– мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини кўллаб-қувватлаш;

– бошқа мамлакатлар ҳамда халқаро иқтисодий ташкилотлар билан тузилган шартномалар барқарорлигини таъминлаш;

– халқаро ва минтакавий иқтисодий майдоннинг, интеграцион уюшмаларнинг шаклланишида иштирок этиш;

– халқаро иқтисодий муносабатлар, алоқаларни зарурий меъёردа давлат томонидан тартибга солиш.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари давлат раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигидаги Миллий хавфсизлик кенгаши томонидан амалга оширилади. Хавфсизлик кенгаши аъзолари мамлакат Президенти томонидан тайинланади. Унинг таркибига Бош вазир, Хавфсизлик кенгаши котиби, Ташқи ишлар вазири, давлат хавфсизлик хизмати раҳбари, мудофаа ва ички ишлар вазирликларининг раҳбарлари ва бошқалар киради. Кенгаш доирасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича идоралараро доимий комиссия фаолият юритади. Ушбу комиссия Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тегишли кўмиталари билан иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида ҳамкорлик қилади, шунингдек, Хавфсизлик кенгашига иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари бўйича таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда бу борадаги турли вазирлик ва муассасалар, худудий бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашади.

4.3. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари

Бозор муносабатларига ўтишга қаратилган иқтисодий ислохотлар шароитида давлат хўжалик субъектлари фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларга зиён келтирилишига йўл қўймаслиги керак. Ушбу мақсадларда давлат, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини қўпайтириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобатбардошлилигини ривожлантириш, фонд бозори, ер ва қўчмас мулк бозорларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, ҳокимиятнинг барча бўғинларида қонун лойиҳаларининг сифати ва асосланганлик даражасини ошириш ҳамда қонунга барчани, ҳатто давлат ҳокимияти органларининг ҳам қатъий риоя этишлари бўйича тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун давлат қуйидагиларни кўзда тутиши лозим:

– ижтимоий институтлар стратегиясини бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга имкон берадиган институционал ўзгаришларни амалга ошириш;

– хўжалик жараёнларининг барча иштирокчилари учун лоббизмни қонуний чеклаш, қонунчиликни максимал унификациялаш (яъни имтиёзларни ва турли преференцларни қисқартириш ва йўқотиш) учун иқтисодий ва ижтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш;

– иқтисодиёт субъектлари ва давлат бошқарув органлари томонидан қонунларга, фаолият тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

– иқтисодий муносабатлар соҳасида вужудга келадиган мунозара ва зиддиятларни ҳал қилиш механизминини яратиш;

– кадрларни корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг замонавий усулларига ўқитишни ташкил қилиш;

– жамиятда иқтисодий барқарорликни ошириш ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига йўл қўймаслик;

– мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш.

Шунга мувофиқ равишда собиқ тоталитар тизимдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар яқин истикболда қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари лозим бўлади:

1) самарали ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва истикболи йўқ, эскирган ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш;

2) таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш учун зарур бўлган иқтисодиёт инфратузилмаларини ривожлантириш;

3) иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

4) мавжуд илмий – техника салоҳиятининг энг қимматли элементларини сақлаш;

5) иқтисодиёт таркибининг деформациялашувига барҳам беришда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш таркибини тўловга кодир талаб билан уйғунлаштириш;

6) корхоналарнинг бозор шароитларига мослашувини тезлаштириш;

7) экспорт салоҳиятини диверсификациялаш;

8) экологик хавфсизликни оширишни таъминлаш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш миллий иқтисодиёт кўпчилиқ тармоқларининг рақобатга бардошли эмаслигини бартараф этишга имкон яратади. Бундан келиб чиққан ҳолда, таркибий сиёсат микро ва макро иқтисодиёт даражаларидаги асосий йўналишларда амалга оширилиши керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Бунинг учун давлат ҳокимият органлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун

маълум тармок ва соҳаларни селектив қўллаб-қувватлаши даркўр бўлади.

Макроиктисодиёт даражасида таркибий сиёсатни амалга ошириш жараёнларида қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши зарур:

- жами талабни ошириш;
- жамғариш нормасини ўстириш ва уни инвестицияга айланишини таъминлаш;
- ривожланишдан тўхтаб қолган секторлардаги барча турдаги ресурсларнинг ривожланаётган секторларга оқиб ўтишини рағбатлантириш;
- ялпи инвестицияларни қўпайтириш;
- экспортни рағбатлантириш;
- умум қабул қилинган тартиб-қоидалар доирасида миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида импортни тартибга солиш.

Микроиктисодиёт даражасида таркибий сиёсатни амалга ошириш жараёнларида қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- иқтисодий нуқтаи назардан самарали корхона ва ишлаб чиқаришларнинг ривожланишини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
- самарасиз ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни тугатиш ёки реорганизация, яъни қайта ташкил этиш;
- янги монополистик тузилмаларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- тармоқлараро капитал оқувчанлигини таъминлаш мақсадида фонд бозорининг ривожланишини тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- нарх ўсишини назорат қилиш чора-тадбирларини кўриш;
- иқтисодий субъектлар хатти-ҳаракатининг бозорга ҳос нормаларини жорий қилишни рағбатлантириш.

Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан энг муҳим тармоқлар қаторига ёқилғи энергетика, машинасозлик, қишлоқ

хўжалиги, сув хўжалиги, агросаноат мажмуасининг бошқа тармок ва соҳалари. шу жумладан, озиқ-овқат саноати, транспорт ва алоқа киради. Ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармокларни ривожлантириш орқали, биринчидан, энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигига эришилади, иккинчидан, жаҳон бозорларига, ресурсларнинг халқаро манбаларига чиқиш учун транспорт йўлларига эга бўлинади.

Илмий техника салоҳиятини сақлаш, қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш мамлакатнинг иқтисодий, харбий муҳофазавий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади. Шу боис, мамлакатни илмий-техникавий ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган давлат концепциясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, энг аввало, яқин истикболли давр учун давлат фан-техника сиёсатининг устуворликларини аниқлаши лозим бўлади. Фанни мамлакатнинг энг муҳим стратегик устуворлиги деб тан олиб, уни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш, олимларни моддий таъминлаш ва рағбатлантириш бўйича тегишли сиёсатни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган давлатнинг ижтимоий сиёсати муҳим аҳамиятга моликдир. Ижтимоий сиёсат аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун шароитлар яратиш, аҳолининг пул даромадларини кўпайтиришга ҳам йўналтирилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг турли табақаларга, яъни бой, ўртаҳол ва камбағал қатламларга ажралиши кучаяди. Бу жараённинг тез ва кескин юз бериши беқарорлик омилига, ижтимоий зиддият ва кескинликларни тугдирувчи таҳдидга айланади. Аҳолининг энг бой ва энг камбағал қатламлари ўртасидаги фаркнинг ниҳоятда катталашиб кетиши ўрта табақа, синф амалда мавжуд бўлмаган шароитда иқтисодий таҳдидни вужудга келтиради.

Ўтиш даврида давлат кам таъминланган аҳоли қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, даромадларни адолатли қайта тақсимлаш орқали жамиятнинг кескин қарама-қарши қутбларга ажралиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, банкротлик тўғрисидаги қонунчилик амал қиладиган шароитда оммавий ишсизликнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, банкротга учраган корхоналарнинг ишчи-ҳодимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий қийинчиликларни юмшатиш, иш жойидан бўшаб қолаётган ходимларни қайта ўқитишни ташкил этиш, янги ишчи ўринларини яратиш, нафақалар тўлаш, жамоат ишларига жалб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Буларнинг барчаси ижтимоий таҳдидларнинг салбий таъсирини юмшатишда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда баъзи ҳудудлар ривожланган, баъзилари эса унчалик ривожланмаган бўлади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларидаги фарқлар, уларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг номутаносиб жойлашуви оқибатида вужудга келади. Бу фарқлар оқибатида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаларида ҳам ҳудудий фарқлар вужудга келади. Натижада, аҳоли ўртасида мамлакат ички миграцияси юз беради. Ижтимоий-иқтисодий таҳдиднинг келиб чиқишини олдини олиш мақсадида аҳолининг ички миграцияси, яъни иқтисодий ночор ҳудудлардан аҳолининг аҳоли яхши ҳудудларга оқиб ўтишини чеклаш, тартибга солиш чора-тадбирлари амалга оширилади. Аҳолининг ички миграциясини тартибга солиш куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

– янги ўзлаштирилаётган, истиқболли ҳудудларга кўчиб боровчилар учун қўшимча имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар белгилаш, жорий қилиш, иқтисодий-ижтимоий ночор, қолоқ ҳудудлардан аҳолининг чиқиб кетишини тўхтатиш учун уларга ҳам қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериш;

– турли худудлардан кўчиб келган мигрантларни иш билан таъминлаш, жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш;

– қишлоқ жойларда аҳолининг мустақкам кўним топиб яшаши учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий база яратиш, саноатни қишлоққа олиб кириш орқали, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураларини ривожлантириш натижасида қишлоқ хўжалигида бўш қолган ортиқча ишчи кучи учун янги иш ўринларини яратиш.

Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш узок муддатли, стратегик вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлат стратегиясини, яъни доктринасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур бўлади. Ушбу давлат стратегияси олий миллий давлат манфаатларига жавоб бера олиши керак.

Иқтисодий хавфсизлик давлат стратегиясида эришила-диган пировард мақсад ва уни амалга ошириш бошқичлари ўз ифодасини топиши лозим. Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ўтиш даврида иқтисодий таҳдидларнинг кўплиги ва кескинлиги, биринчи навбатдаги, зарурий чора-тадбирларни амалга оширишга катта эътибор беришни таказо этади. Шу даврда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг қафолати бўлган давлатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

– хавфсизликни таъминлаш бўйича хўжалик ва сиёсий характердаги қарорларни қабул қилиш;

– ижтимоий жараёнларни бошқариш механизмига таҳдидларнинг пайдо бўлганлиги тўғрисида сигнал берувчи индикаторларни киритиш;

– иқтисодий таҳдидларни юмшатиш, бартараф этиш, нейтраллашга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни амалга ошириш.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доимо узок муддатли миллий давлат манфаатларига асосланади. Бошқача айтганда, мазкур концепция мамлакат-

нинг келажаги тўғрисидаги тасаввурга, ислохотлар натижа-сида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий моделга, шу-нингдек, барқарор, мустаҳкам ривожланиш стратегиясига боғлиқ бўлади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий хавфсизлик концепцияси, стратегияси, ин-ститутлар, институционал муҳит, трансакцион харажатлар, давлатнинг иқтисодиётга аралашув дастаклари, самарали ва рақобатбардош ишлаб чиқариш, таркибий сиёсат, илмий-тех-никавий салоҳият.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий хавфсизликнинг институционал шароитла-ри деганда нимани тушунасиз?
2. Трансакцион харажатлар ва хизматлар нима?
3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлат қандай вазифаларни бажаради?
4. Иқтисодий бошқаришнинг хавфсизликни таъмин-лашдаги ўрни қандай?
5. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?
6. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш кон-цепцияси қандай бўлиши керак?
7. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик сиёсатининг мак-сад ва вазифалари нималардан иборат?
8. Иқтисодий хавфсизлик механизми деганда нималарни тушунасиз?
9. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун нималарни амалга ошириш лозим, деб ўйлайсиз?
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мир-зиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида хавфсизликни таъминлаш борасида қандай вазифалар қўйилган?

5-БОБ. ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

5.1. Шахснинг эркинликлари ва иқтисодий мустақиллиги

Инсон ўзининг ҳаёт фаолиятини табиат ва жамият билан диалектик боғлиқликда олиб борадиган, табиат қонунлари ва ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти бўлган табиий-биологик мавжудот ва ижтимоий воқелиқдир⁶⁵. Инсонда табиий-моддий, ижтимоий, маданий ва маънавий хусусиятлар мавжуд бўлади.

Инсоннинг ҳаёт фаолияти турли объектив ва субъектив омилларга, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда маънавий ривожланишга, шунингдек, табиий-иқлимий таъсирга, экологияга, ижтимоий, миллатлараро ва геосиёсий шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Унинг хатти-ҳаракати шахснинг психологик ҳолатига, кизиқиши, одати, ўз олдига қўйган мақсади, ижтимоий ва миллий хусусиятларига, бошика кишилар билан ўзаро муносабати, ёши, жинси, жисмоний куч ва ақлий қобилиятлари ва ҳ.к. ларга боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида инсоннинг имкониятлари қуйидагилар билан белгиланади:

– шахсий мол-мулки, бойлигининг миқдори. Бу эса шахснинг кўчмас ва ҳаракатдаги мулки, шахсий капиталининг жамисидан иборат бўлади;

– шахс бошқарадиган капитал миқдори. Бу капитал кимники ва қандай шаклда бўлиши аҳамиятсиздир;

– шахсга маъмурий, ихтиёрий ёки мажбурий равишда

⁶⁵ Абулқосимов Х.П. Шақлланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. –Т: ТМИ нашриёти. 2005. 8-бет.

бўйсунувчи ёки унга қарам жисмоний шахслар сони. Буларга кишиларнинг онги ва кайфиятига таъсир кўрсата оладиган ҳамда билим, тарбия, ахборот олиш, диний ишларда маълум ижтимоий вазифани ўтайдиган шахслар ҳам киради.

Ушбу шахс имкониятини белгиловчи параметрлар, асосан, жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг амал қилишига ва ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Демократик жамиятда инсонга бўлган муносабатда қуйидаги тамойиллар амал қилади:

- жамият аъзоларининг барчаси қонун олдида тенгдир;
- жамиятнинг барча аъзолари ўз мақсадларини амалга оширишлари учун тенг имкониятларга эга;

- жамиятнинг ҳар бир аъзоси шахсан ўзига тегишли ҳар қандай масалаларни ҳал этишда танлаш ҳуқуқига эгадир. Мазкур эркинлик кишининг касб, фаолият тури ва соҳасини танлаш, даромадига мувофиқ истеъмол товарлари, хизмат турларини эркин танлаш ҳуқуқига ҳамда имкониятига эга эканлигида ўз ифодасини топади;

- қарор қабул қилиш кўп сонли кишиларга тегишли бўлганлиги сабабли бир шахс фаолияти, хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлолмайди;

- ҳокимият органлари ваколатларининг унинг турли поғоналари, бўғинлари ўртасида тақсимланиши тўғрисидаги қарорлар кўпчилик ва кўп томонлар иштироки билан қабул қилинади.

Шуни айтиш жоизки, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, экологик, сиёсий ва бошқа тизимлари инсон учун яшаш муҳити ҳисобланади. Шу боисдан уларнинг амал қилиш самарадорлигини фақат инсон манфаатларига қай даражада мослиги нуқтан назаридан баҳолаш мумкин бўлади.

Инсон ва унинг манфаатлари учун оила муҳим аҳамият касб этади. Оила қариндошлик алоқалари ва маиший ҳаёт умумийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кишиларнинг кичик гуруҳидан иборат. Oilанинг ҳаёт фаолияти шахснинг, у аъзо бўлган оила ва жамиятнинг ижтимоий,

иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш мақсадида амалга оширилади ҳамда ўзининг уй хўжалигини мустақил равишда юритади.

Оиланинг афзалликлари унинг қандай товар ва неъматлар яратиш қобилияти билан ифодаланади. Улар эса қуйидагилардан иборат:

– эр-хотиннинг оилада, никоҳда маҳсулот, неъмат яратиш, ишлаб чиқариш қобилиятидан келиб чиқадиган афзаллик. Уларга қонуний туғилган болалар, обрў-эътибор, оила мақоми киради;

– оила алоҳида уй хўжалиги сифатида фаолият юритиб, юқори унум ҳамда самарали тарзда товар ва хизматлар ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулот ва хизматларнинг кўпчилиги жамоат неъматлари ҳисобланади, чунки улар оиланинг барча аъзолари томонидан истеъмол қилинади.

Бозор муносабатлари тизимида оиланинг иқтисодий вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

– оиланинг янги эҳтиёжларини ва имкониятларини шакллантириш;

– оиланинг иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш ва ривожлантириш;

– оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини ошириш;

– оиланинг нормал маиший ҳаёт кечириш шароитларини ва ижтимоий кўллаб-қувватланишини таъминлаш⁶⁶.

Бозор иқтисодиёти шароитида оила, авваламбор, инсон капиталини шакллантириш ва жамғаришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан оиланинг вазифаларини уч босқичда, яъни моддий асосни яратиш, таълим, инсон капиталини ишлаб чиқариш ва реализация қилишда кўриш мумкин.

Биринчи босқичда оила бюджетини шакллантириш ва фойдаланиш, уй хўжалигини юритиш функциялари амалга оширилади.

⁶⁶ Абулқосимов Ҳ.П., Холмуратова Г.П., Жуманиёзова М. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёлини яхшилаш масалалари. –Т.: ТМИ, 2004. 7-8-бет.

Иккинчи босқичда оила фарзандни дунёга келтириш, тарбиялаш ва уни ижтимоий-иқтисодий ҳаёт кечириш шароитларига мослаштириш вазифаларини бажаради.

Учинчи босқичда тадбиркорлик фаолияти ва меҳнат қилиш орқали оила бозор хўжалигида ўз аъзоларининг яққа тартибда иштирок этиши, оилавий бизнесни ташкил этиш вазифаларини бажаради.

Барча оилаларга хос бўлган умумий вазифа истеъмол вазифаси бўлиб, у уй-рўзғор хўжалигини юритишни талаб қилади ва меҳнат ресурсларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлади. Бу хўжалик оиланинг умумий мулкига ва топган даромадига таянади.

Оила учун ташки ҳаёт кечириш муҳити бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- ижтимоий-сиёсий ҳаёт;
- табиат, иқлим, экология;
- маданият ва санъатнинг ривожланиши;
- таълим ва соғлиқни сақлашнинг ривожланиши, аҳолининг билим, саводхонлик даражаси ва саломатлиги;
- оила иқтисодиёти, уй-хўжалиги.

Аҳоли ҳаёт таъминоти ва оила иқтисодиётининг ривожланишини ифодалайдиган муҳим тамойил ва кўрсаткичларнинг баъзилари қуйидагилардан иборат:

- меҳнат шароити ва кишилар турмуш шароитининг яхшиланиши;
- жамиятнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этиш ҳисобига меҳнатнинг ижодий характерини ошириш;
- босқичма-босқич, оқилона моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилишига эришиш;
- кишилар ўртача умр кўриш даражасининг ўсиши ва иқтисодий фаол аҳолининг унумли меҳнат фаолияти билан шуғулланиш даврининг узайтирилиши.

Шуни айтиш жоизки, шахс, оила ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати, инсон фаолияти учун маконни белгилаб беради. Ушбу макон эса инсон фаолияти ва ҳатти-ҳаракати учун чегараларни белгилаб беради. Улар куйидагиларда намоён бўлади:

- инсоннинг жисмоний имкониятлари чегараси шахс ҳаёти, мавжудлигининг жисмоний шароитларини белгилаб беради;

- иқтисодий, инсонда мавжуд моддий неъматлар кадрлар миқдори ва инсоннинг иқтисодий соҳадаги имкониятлари билан белгиланади;

- ижтимоий ва ҳуқуқий чегаралар жамият томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳаёт кечириш меъёрлари ва қондалари орқали белгиланади;

- мафкуравий, ғоявий чегаралар инсоннинг ички эътиқоди ва ўзи учун қабул қилган ғоялар билан белгиланади;

- диний чегаралар, инсон амалга оширадиган ва риоя қиладиган диний қондалар орқали белгиланади;

- маъмурий чегаралар турли маъмурий органлар томонидан ўрнатилади ва инсон ҳаёт кечириш макони чегараларини белгилаб беради;

- инсоннинг билим, ҳаётий тажрибасининг чекланганлиги, ахборотларга эга эмаслиги туфайли вужудга келадиган чегаралар.

Инсоннинг ҳаёт кечириши ва фаолият юритиш макони жамиятда демократик йўл билан конституцион нормалар доирасида кенгайтириб борилиши керак. Бу маконни революцион йўл билан, ўрнатилган конституцион нормаларга зид йўллар билан ўзгартиришга уринишлар жамиятда вайронгарчилик, зўравонликларнинг вужудга келишига олиб келади. Инсон ҳаёти ва фаолияти ушбу маконда мустақиллик, эркинлик ҳамда жамият, давлат олдида ўз мажбуриятларига эга бўлади. Ушбу маконда инсон ҳаётий муҳим манфаатларига эга бўлиб, уларга нисбатан таҳдидларнинг вужудга келиши шахс хавфсизлигига путур етказилади.

5.2. Шахсининг ҳаётини муҳим манфаатлари ва унинг хавфсизлигига таҳдидлар

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инсон ўз келажаги, яхши яшаш, ўзининг турмуш даражасининг ошиб бориши, яшаш шароитларининг яхшиланишига, тинч, хавф-хатарсиз яшашга умид қилади ва бунга ишонч бўлишини истайди. Инсон хавфсизлиги концепцияси биринчи бўлиб покистонлик машҳур олим Махбуб ул- Ҳақ томонидан тақдим қилинган бўлиб, «муҳтожликдан ҳолилик» ва «қўркувдан ҳолилик» сифатида аниқланган ва «очарчилик, касаллик ва тушқунликдан сақланиш, шунингдек, одатдаги турмушда, яъни уйда, ишда ёки жамиятда қутилмаган ва ҳалокатли ҳодисалардан ҳимояланишдир», деб таърифланган (БМТ Тараққиёт Дастури, Инсон тараққиёти маърузаси, 1994). Маърузада инсон хавфсизлигининг еттига тоифаси санаб ўтилган: иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, саломатлик хавфсизлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, шахсий хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик ва сиёсий хавфсизлик. БМТТД таърифи асосан инсон хавфсизлиги «муҳтожликдан ҳолилик», «қўркувдан ҳолилик» ва «ўз кадр-қимматини ҳис қилиб турмуш кечириш» маъноларини англатади ва уларга асосланиб, хавфсизлик хатарлари билан бир қаторда ривожланиш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш муаммоларига асосий эътиборни қаратади⁶⁷.

Инсон хавфсизлиги куйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Қашшоқликдан ҳолилик, қўркувдан ҳолилик ва ўз кадр-қимматини ҳис қилиб турмуш кечириш.

2. Зулмнинг анъанавий услублари доирасидан чиқиб кетувчи янги таҳдидни бартараф қилиш.

3. Хавфсизликнинг янги тизими фақатгина мамлакат хавфсизлигига қаратилмаслиги (инсонларга урғу бериш билан).

⁶⁷ Абулқосимов М.Ҳ. Бозор иқтисодиёти шароитида шахсининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўллари // “Иқтисод ва молия / Экономика и финансы” 2017 й, 5-сон. -47-бет.

4. Ривожланиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўр-тасидаги ўзаро боғлиқлик.

5. Инсонлар учун хавф-хатар уларнинг тириклиги учун (жисмоний эксплуатация, жабр-зулм, таъқиб, ўлим), ҳаёт кечириш учун (ишсизлик, саломатлик, хавф-хатар, озик-овқат тақчиллиги ва ҳ.к.) ва ўз қадрини билиш учун (инсон ҳақ-ҳуқуқларининг чеклаб қўйилиши, тенгсизлик, сегрегация (иркий камситиш формаларидан бири), сиқиб чиқариш, камситиш ва ҳ.к.) га таҳдид ҳисобланиши мумкинлигини ан-глаш.

6. Одамларнинг имкониятларини таъминлайдиган ва кенгайтирадиган, уларнинг ҳимоясини кафолатлайдиган чо-ра-тадбирларни амалга ошириш йўли билан ушбу мақсад-ларга эришиш⁶⁸.

Инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган, уларни рўёбга чиқаришга тўскилик қилади-ган омиллардан ҳимояланганлиги шахс хавфсизлиги деб ата-лади. Шахс хавфсизлиги ўз ичига унинг ҳаёти, саломатлиги, эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига, кадр-киммати, шаъни ва обрўсига, мол-мулкига қилинган тажовузлардан ҳимояла-нишни олади.

Шахс манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдидлар кўпқир-рали бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадларни қўйиши;
- бошқа, ташқи ижтимоий тизимлар таҳдиди;
- ички ижтимоий тизимда вужудга келадиган таҳдид-лар;
- табиий таҳдидлар.

Инсон хавфсизлигига таҳдидлар мамлакат ижтимо-ий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг жамият эҳти-ёжлари ўсишига нисбатан орқада қолиши, ҳудудлар риво-жланишидаги номутаносибликнинг кучайиши, табиий ёки

⁶⁸ Қаранг: Абулқосимов М.Х. *Бозор иқтисодиёти шароитида шахснинг иқтисо-дий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўллари* // "Иқтисод ва молия" Экономика и финансы" 2017 й, 5-сон. -47-бет.

инсон, капитал ресурсларининг етарли эмаслиги, жамият-да урбанизация жараёнларининг кучайиши, ташки табиий муҳитнинг зарарланиши ёки ёмонлашуви ҳамда маълум ижтимоий ҳаракатлар туфайли вужудга келади. Таҳдидлар, шунингдек, турли давлатлар ҳамда улар билан ҳамкорлик қилувчи сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлик кучлари ўртасидаги низо, зиддият, қарама-қаршиликларнинг кучайиши сабабли ҳам вужудга келиши мумкин.

Таҳдидлар ичида шахсга тажовуз, зўравонлик алоҳида хусусиятга эга. Зўравонлик маълум ижтимоий гуруҳнинг бошқасига нисбатан иқтисодий ёки сиёсий ҳукмронликни сақлаш, ёки қўлга киритиш мақсадида қилинган тажовуз, мажбурлаш ҳамда жисмоний ёки психологик таъсир этишга уриниш ҳисобланади.

М.Х.Абулқосимовнинг фикрига кўра, шахс иқтисодий хавфсизлигининг таркибий элементлари (компонентлари) ва уларга хавф солувчи таҳдидларнинг бирмунча кенг қамровли классификацияси О.А.Степичева, В.В.Чернова, М.А.Котельниковалар томонидан ишлаб чиқилган⁶⁹. Улар шахснинг иқтисодий хавфсизлигининг озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминланиш, аҳолини такрор ишлаб чиқариш, ҳуқуқбузарлик, соғлиқни сақлаш, экология, меҳнат муносабатлари, маданият ва таълим, ахборот билан таъминланиш, даромадлар бўйича табақаланиш ва молиявий хавфсизлик соҳаларидаги шакллари ҳамда уларнинг ҳар бирига хавф солувчи таҳдидларни тавсифлаганлар (қаранг: 5.2.1-жадвал).

Ижтимоий жиҳатдан зўравонлик инсон шахсини камситиш, дискриминация қилиш, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини чеклаш орқали шахснинг ҳаёти ва нормал фаолиятига таҳдид солишда намоён бўлади.

⁶⁹ Абулқосимов М.Х. Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари // "Иқтисод ва молия / Экономика и финансы" 2017 й, 12-сон. - 21-бет.

**Шахснинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар
классификацияси⁷⁰**

Шахс иқтисодий хавфсизлигининг компонентлари	Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар
Озиқ-овқат билан таъминланишдаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ҳақиқий ва меъёрий истеъмол даражаларининг мос келмаслик таҳдиди; 2) Очарчилик таҳдиди (озиқ-овқатга иқтисодий жиҳатдан эриша олмаслик)
Уй-жой билан таъминланиш ва унда яхши шароитларда яшаш бўйича шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Уй-жойнинг етишмаслиги таҳдиди; 2) Яшаш учун ноқулай уй-жойлар улушининг кўпайиши таҳдиди.
Аҳолини такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Аҳоли сонининг камайиши таҳдиди; 2) Аҳоли умумий сонида боқимандалар улушининг кўпайиши таҳдиди; 3) Ажралишлар сонининг кўпайиши таҳдиди; 4) Абортлар сонининг кўпайиши таҳдиди; 5) Аҳоли алкоголизми таҳдиди.
Хуқуқбузарлик соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Жиноятчиликнинг оммавий тарзда тарқалиши таҳдиди.
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Врачлар сонининг камайиши ва малака даражаларининг пасайиши таҳдиди; 2) Аҳоли касалланишининг ўсиши таҳдиди.

⁷⁰ Степичева О.А., Чернова В.В., Котельникова М.А. Целевая функция и угрозы экономической безопасности личности // Социально-экономические явления и процессы. Т. 10, № 2. 2015-С.88.; Абулкосимов М.Х. Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари // "Иқтисод ва молия" Экономика ва финансы" 2017 й. 12-сон.-21-бет.

Экология соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Атмосферага чиқиндилар чиқарилиши оқибатида ҳавонинг захарланиши, инфослантрилиши таҳдиди.
Меҳнат муносабатлари соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Иқтисодий фаол аҳоли сонининг камайиши таҳдиди; 2) Ишсизликнинг кўпайиши таҳдиди.
Даромадлар бўйича табақаланиш ва молиявий хавфсизлик соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) ЯИМ қисқариши таҳдиди; 2) Жамиятда даромадлар бўйича табақаланишнинг кучайиши таҳдиди; 3) Аҳолининг камбағаллашуви таҳдиди; 4) Аҳолининг кредитга боғлиқлиги таҳдиди.
Ахборот билан таъминланиш соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Аҳолининг ахборот билан таъминланмаслик ("ахборот очлиги") таҳдиди.
Маданият ва таълим соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) Таълим олиш имкониятларининг камайиши таҳдиди; 2) Аҳолининг маданий неъматларга эришиш имкониятларининг камайиши таҳдиди.

Иқтисодий соҳадаги инсон шахсига нисбатан тажовуз рэкетда ўз ифодасини топади. Рэкет кишининг моддий аҳволига зарар келтирадиган товламачилик ҳисобланади. Унинг намоён бўлиш шакллари куйидагилардан иборат:

– шантаж, хизмат қилишнинг қулай шароитларини талаб қилиб, товламачилик қилиш, яъни ўз қурбони учун ноҳуш ахборотни бошқаларга ошкор қилиш билан кўрқитиб, уни ҳеч кимга айтмаслик учун ҳақ талаб қилиш. Масалан, йирик миқдордаги даромадини солиқдан яширганлиги тўғрисидаги маълумотни билиб қолиб, уни солиқ инспекциясига билдир-

маслик учун ўз қурбонидан ҳақ тўлашни талаб қилиш;

– инсон ҳаётига, саломатлигига, мол-мулки ва капиталига таҳдид солиш. Бунда жиноятчилар ўз қурбонларига зарар етказиш билан қўрқитиб, зиён етказмаслик учун пул талаб қиладилар;

– иктисодий терроризм-шахснинг ишончига кириб олиб, турли йўллар билан кўрсатаётган хизматлари учун тўланадиган ҳақ миқдорини ошириб бориш. Агар шахс қаршилик қилса, куч билан ёки психологик йўл билан таҳдид солиш. Бунга шахснинг мол-мулкига эга бўлиш мақсадида қилинган тажовуз, ўғрилик, тунаш, қароқчилик қилиш, қўрқитиш, таҳдид солиш ва бошқалар киради.

Жинорий мазмунга эга бўлган шахсга нисбатан таҳдидларнинг янги шакллари қуйидагиларда намўён бўлади:


– маълум ҳақ эвазига, буюртма асосида шахсни ўлдириш, қўрқитиш, зўравонлик қилиш. Бунда шахсга нисбатан қурол-яроғ, портловчи қурилмалар, радиоактив моддаларни ишлатишга ҳаракат қилинади;

– бойиш мақсадида иктисодий ташкилий жиноятчилик билан бирикиб кетиш;

– товламачилик мақсадида одамларни ўғирлаш;

– миллат ажратиш негизида шахсга нисбатан жиноят содир этиш.

Мамлакатимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оқибатида шахс хавфсизлигини таъминлашда муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотларига кўра 2017 йилда 73692 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 15,7% га камайган (қаранг: 5.2.1-расм).



5.2.1-расм. 1990-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони динамикаси⁷¹.

1990 йилда 88,2 минг жиноят рўйхатга олинган бўлиб, ҳар 10,0 минг аҳолига 43,2 та жиноят тўғри келган. 1995 йилда жиноятлар сони 67,0 минггага камайган бўлиб, 2010 йилда жиноятлар сони 90,1 минггагача ошган, ҳар 10,0 минг аҳолига жиноятлар сони 31,5 тани ташкил этган. 2017 йилда рўйхатга олинган жиноятлар сони 73,7 минггага камайган, рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига 22,8 тани ташкил этмоқда (қаранг: 5.2.2-расм).


2017 йилда содир этилган жиноятчиликнинг катта қисми иқтисодий характердаги жиноятлар бўлиб, шахснинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ҳисобланади. Мазкур тоифалардаги жиноятларнинг очилиши шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Жумладан, 2017 йилда безорилик жинояти (38,0% га), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон- тарож қилиш (29,9% га), иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркибига қарши жиноятлар (24,7% га).

⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси, 2017 йил.-Т.2018.// <http://stat.uz>

2017г.
2016г.



Жами жиноятлар



5.2.2-расм. 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноят турлари бўйича сони, бирликда⁷²

⁷² Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаи, 2017 йил.-Т.,2018.// <http://stat.uz>

босқинчилик жинояти (22,8% га), талончилик жинояти (21,0% га), гиёхванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомила қилишга оид (15,9% га), фирибгарлик (5,8% га) жиноятлари сони камайган. Транспорт воситаларини ўғирлаш жинояти қайд этилмаган. Шу билан бирга, порахўрлик 6,5% га, хонадонларни тунаш 3,3% га кўпайган, дўкон ва савдо нукталарини тунаш 5,7% га, велосипед ва мопедларни тунаш 9,6% га камайган.

Юқорида келтирилган тажовуз ва таҳдидлардан кишиларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини кучайтириш ва такомиллаштириш лозим бўлади. Шунингдек, мамлакатда турли хусусий кўрикчи ташкилотлари, фирмалари вужудга келиб, улар йирик ташкилот, муассаса ва корхоналарни маълум ҳақ эвазига кўриқлашни ўз зиммаларига олмақдалар. Шу билан бирга хусусий детектив ташкилотлари ҳам фаолият юритмоқда. Эндиликда «Хусусий детективлар ва кўрикчилик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим бўлади.

Шахс билан боғлиқ таҳдидлар ичида ижтимоий таҳдидлар ҳам мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

– ишсизлик. Ишсизлик келиб чиқилишининг уч хил сабаби ва шакли мавжуд. Фрикцион ишсизлик–кишининг бирон жойга кўчиши, юқори ҳақ тўланадиган, меҳнат шароитлари яхши бўлган бошқа ишга ўтиши ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишсиз қолиши. Бундай ишсизлик кўпинча ихтиёрий тавсифга эга бўлади. Бундай ишсизликка ўқишни битириб, биринчи марта иш ахтараётганлар ҳам киради. Таркибий (структуравий) ишсизлик–иқтисодиётда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар натижасида, маълум касбдаги ходимларга талаб камаяди ёки бу касб-корлар йўқ бўлиб кетганлиги учун уларга талаб бўлмайди. Ушбу икки ишсизлик шакли табиий бўлиб, уларнинг даражалари табиий ишсизлик даражаси ҳисобланади. Циклик ишсизлик эса иқтисодиётдаги циклик тебранишлар, кризис ва танглик, турғунлик ҳолатларининг кучайиши туфайли вужудга келади;

– камбағал бўлиб қолиш. Шахс ва оила иктисодий аҳволининг ёмонлашуви унинг ишсиз бўлиб қолганлиги, узок вақт иш топа олмаслиги ёки билим, касб-малака даражасининг пастлиги туфайли кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаганлиги сабабли, рақобат курашида синиш, касод бўлиш, даромади кам бўла туриб, болалари кўп бўлиши, қариганлиги ва турли касалликлар, травмалар сабабли меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, боқувчисидан айрилиб қолиш, омадсизлик туфайли содир бўлади;

– жамиятда аҳолининг ижтимоий ва мулкӣй табақаланиши, даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши, камбағал аҳоли қатламларининг кўпайиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши;

– меҳнат шароитларининг ёмонлашуви, ишчи кучи малакаси ва сифатининг пасайиши;

– аҳоли ўртача умр кўриш даражаси, давомийлигининг кискариши, туғилиш даражасининг пасайиши, ўлим даражасининг ўсиши, аҳоли табиӣй ўсиши суръатларининг ҳаддан ташқари пасайиб кетиши;

– оналар ва болалар ўлими ва касалланишининг ўсиши, турли инфекцион, юқумли касалликларнинг, жумладан, ОИВ/ОИТС ва туберкулез, гепатит, безгак касалликлари, норкомания тарқалишининг ўсиб бориши, майиб ва мажруҳлар сонининг кўпайиши;

– уйсиз ва ишсиз, дайди кишилар, гадоӣлар ҳамда қаровсиз болалар, люмпен пролетариатнинг кўпайиши;

– хуфёна иктисодиёт кўламининг кенгайиши, порахўрлик, коррупция, товламачилик, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши;

– соғликни сақлаш, таълим, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш нархларининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши ва сифатининг пасайиши, аҳоли кўпчилик қисмининг даволаниш ва таълим олиш имкониятларида маҳрум бўлиши;

– аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммавий ахборот воситалари, Интернетдаги маданий-оқартув тадбирларида

ахлоқсиз, бузгунчи, маънавий кашшок турмуш тарзининг зўр бериб тарғиб ва ташвиқот қилиниши жуда хавфли таҳдид ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларида, кино, театр, Интернетда маънавий бузук эшиттиришлар, кино ва телефильмлар, кўшиқ, клипларнинг кўрсатилиши, ана шундай руҳдаги китоб, рисола, мақолаларнинг чоп этилиши жамиятда аҳоли умумий маданий-маърифий савияси, маънавиятининг қашшоқланишига, тубан турмуш тарзи ва муҳитининг шаклланишига олиб келади. Бу эса жамият ва давлат асосларини емирадиган, ўта ҳолокатли оқибатларга олиб келиб, шахс хавфсизлигини таъминлаш шартлари, дастак ва воситалари, механизмни йўққа чиқаради.

Ишсизликнинг, кам таъминланган ва камбағал аҳоли қатламларининг купайиши жамиятда ижтимоий беқарорликнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли давлат янги иш жойларини яратиш, рағбатлантириш, меҳнат биржалари орқали ишсизларни ишга жойлаштириш, янги касб-корга ўқитиш, малакасини ошириш, ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб этиш, ишсизлик нафақаси тайинлаш орқали ишсизликни камайтиришга ҳаракат қилади.

М.Ҳ.Абулқосимовнинг фикрига кўра, шахснинг хавфсизлигига таҳдидлар ички ва ташқи таҳдидлардан иборат бўлади. Ташқи таҳдидлар инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмайди. улар жаҳондаги ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, табиий вазиятлардан келиб чиқади. Шахснинг ўзига боғлиқ бўлган таҳдидлар ички таҳдидлар ҳисобланади. Бу турдаги таҳдидларга шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадлар қўйганлиги; билим ва касб-малака даражасининг пастлиги ёки йўқлиги; кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаши; рақобат курашида сениши, бозори касод бўлиши; даромади кам бўла туриб болалари кўп бўлиши; тугма ногиронлик; инсоннинг жисмоний ва ақлий имкониятларининг чекланганлиги; қариганлиги ва касалликлари ҳамда травмалар сабабли меҳнат қобилиятини вақтинчалик ва бутунлай йўқотганлиги; боқувчисидан айрилиб қолиши; инсоннинг қатъиятсизлик,

сабрсизлик, жиззакилик, шошқалоклик, чидамсизлик, дангасалик, пассивлик, ва бошқа шу каби шахсий хусусиятлари; инсоннинг ёмон хулқ ва одатлар (ахлоқсизлик, ичкиликбозлик, киморбозлик ва носоғлом ҳаёт тарзи) га мойиллик; омадсизлик киради (қаранг: 5.2.2-жадвал).

5.2.2-жадвал

Шахс иктисодий хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар⁷³

Ташқи таҳдидлар	Ички таҳдидлар
мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг жамият эҳтиёжлари ўсишига нисбатан орқала қолиши	шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадларни қўйиши
бозор конъюнктурасидаги тебранишлар, шиклик ўзгаришлар, иктисодий инкирозлар	билим ва касб-малака даражасининг пастлиги ёки йўқлиги
ишсизлик ва инфляциянинг бошқариб бўлмайдиган даражаларда ўсиши	кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаши
ижтимоий соҳалар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалар ривожланишининг паст даражадалиги	ишсиз бўлиб қолиши, рақобат курашида синиши, бозори касод бўлиши
мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви	даромади кам бўла туриб болалари ва боқимандаларининг кўп бўлиши
табiiий муҳитнинг ёмонлашуви, табiiий офатлар, фавқулодда вазиятлар	туғма ногиронлик, инсоннинг жисмоний ва аклий имкониятларининг чекланганлиги
табiiий ёки инсон, капитал ресурсларининг етарли эмаслиги	боқувчисидан айрилиб қолиши
мамлакатда криминаллашув, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиши	қариганлиги ва касалликлари ҳамда травмалар сабабли меҳнат қобилиятини вақтинчалик ва бутунлай йўқотганлиги

⁷³ Абулқосимов М.Х. Шахс иктисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари // "Иқтисод ва молия / Экономика и финансы" 2017 й, 12-сон. - 21-22-бет.

мамлакат ташки қарзларининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши	инсоннинг қатъиятсизлик, сабрсизлик, чидамсизлик, дангасалик, пассивлик каби салбий шахсий хусусиятлари
жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли вазиятлар	инсоннинг ёмон ҳулқ ва одатлар (ахлоқсизлик, ичкиликбозлик, қиморбозлик ва носоғлом ҳаёт тарзи) га мойиллиги
турли давлатлар ўртасида низо, зиддият, қарама-қаршилиқларнинг кучайиши	Омадсизлик

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликнинг, камбағалларнинг бўлиши, аҳолининг даромадлари бўйича юқори, ўрта ва кам даромадли ижтимоий табақаларга бўлиниши табиий ҳол. Бу ҳол ўз-ўзича ижтимоий хавф туғдирмайди. Ижтимоий хавф энг юқори даромадли аҳоли билан энг паст даромадли аҳоли гуруҳи даромадлари ўртасида ҳаддан ташқари катта фарқ вужудга келгандагина юзага келади. Бунинг натижасида ижтимоий ларзалар вужудга келиши эҳтимоли ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун давлат аҳолининг меҳнат, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва кам таъминланган аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш орқали ушбу ижтимоий хавф-хатар, таҳдиднинг олдини олишга ҳаракат қилади.

5.3. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари ва воситалари

Шахснинг хавфсизлигини таъминлашда давлат муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг бу борадаги вазифалари Конституцияда ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат фуқароларнинг куйидаги муҳим ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган:

- яшаш ҳуқуқи; эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;

– ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқи;

– фикрлаш, сўз ва эътиқод, виждон эркинлиги ҳуқуқи;

– меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи;

– ёлланиб ишлаётган барча фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи;

– қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;

– малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи;

– билим олиш ҳуқуқи. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади;

– ҳар қимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

Шахс манфаатлари ва ҳавфсизлигига таҳдидларга муносабатда инсоннинг руҳий ҳолатини фаоллик, бағрикенглик (толерантлик), чидамлилиқ сифатида тавсифлаш мумкин.

Фаоллик инсоннинг ўз мақсадини танлаши ҳамда унга эришишида куч-қудрат, шижоат, жўшқинлик билан фаолият кўрсатиш ва меҳнат қилишга шайлиги ҳисобланади. Бу ҳол шахснинг маълум билим, касб-малака, маҳоратга эга бўлиб, ўзгарувчан вазиятлар ва ҳолатларда ҳам ўзига муносиб жойни эркин эгаллашга, юқори натижа ва самара билан ишлашга имкон беради. Бундай ҳолатдаги киши рақобатбардош, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, ўзининг меҳнати, маҳорати, ишбилармонлиги туфайли кўпгина эҳтиёжларини қондира олади.

Фаол инсон таваккал, таҳлика ва риск билан иш юритиб, ўзи учун ҳавфли, таҳликали ҳолатлардан чиқиб олиш имкониятига кўпроқ эга бўлади. Фаоллик, риск туфайли инсон хўжалиқ ташаббуси кўрсатиш, потенциал рақибларига нисбатан кўпроқ натижа ва нафга эга бўлиш, муаммоларни ҳал

қилишнинг самарали воситаларини излаб топиш ва қўллаш, ноанъанавий усуллар ва воситаларни қўллаш эвазига катта, жиддий ижобий натижаларни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади.

Бағрикенглик – инсоннинг ахлоқий-психологик хусусияти бўлиб, турли, унга ёт бўлган ғоя, одатлар, хатти-ҳаракатларга бағрикенглик билан қарайди, уларни йўқ қилишга, қарши туришга интирмайди.

Чидам – инсоннинг ўзига салбий таъсир этадиган ижтимоий, рухий, иқтисодий ҳолатларга бардошлилик, уларни қабул қилиш чегараси бўлиб, бу чегарадан ташқарида шахс ўзининг барқарорлигини, тинчлигини сақлашга бўлган интилишини тугатиб, қутилмаган тезкор ҳаракатлар қилиши мумкин бўлади.

Жамиятда мафкуравий, ғоявий, сиёсий ва иқтисодий плюрализмнинг ривожланиши, сўз эркинлигининг кенгайиши кишиларда ижтимоий назария ва хатти-ҳаракатларга нисбатан муносабатда бағрикенгликка олиб келади. Шу боисдан, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт, давлат қурилишини эркинлаштиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда кам таъминланган аҳоли гуруҳларини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш кўлами ва самарадорлигининг ўсиши, унда халқ томонидан анъана сифатида қабул қилинган адолат тамойилларига қатъий риоя этилиши натижасида аҳолининг ўз ижтимоий-иқтисодий аҳволига чидамини янада ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистонда аҳолининг ҳукумат органларига, амалга ошириляётган ислохотларнинг муваффақиятига ишончи юқоридир. Аҳоли ўз келажагининг, истиқболда ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг яхшиланишига, турмуш даражасининг ошиб боришига умид ва ишонч билан қарамокда. Шунинг учун акидапараст террорчилар ва айрим сиёсий кучларнинг мамлакатда ижтимоий ларзалар ва портлашларни уюштиришга бўлган уринишлари беҳудадир.

Шахснинг хавфсизлиги ҳозирги даврда қуйидагилар билан тавсифланади:

- аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллиги;
- меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, иқтисодий ўсишга эришиш;
- тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши;
- меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигининг ошиши ва ишсизликнинг камайиши;
- аҳоли даромадлари ва истеъмолининг, ўртача даромад даражасининг ўсиши;
- кишиларнинг билим, касб-малака ва маданият даражасининг ўсиши;
- маънавиятнинг ривожланиши;
- фаннинг ривожланиш даражаси;
- камбағаллик ва қашшоқликнинг камайиши;
- аҳоли ўлим даражасининг камайиши;
- аҳолининг ўртача умр кўриш даражасининг ўсиши.

Давлат шахс хавфсизлигини баҳолаш учун жамиятда ижтимоий беқарорликни вужудга келтириши мумкин бўлган қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиб бориши керак бўлади:

- жамиятда аҳолининг тор доирада ниҳоятда бой-бадавлат ва келажагига ишончини йўқотган ниҳоятда камбағал кишиларга ажралиши, уларнинг даромадлари ўртасидаги фарқнинг катталашиб бориши;
- ижтимоий низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган даражада ишсизликнинг ўсиши;
- камбағаллик ва қашшоқлик муаммосини келтириб чиқариши мумкин бўлган даражада аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетиши;
- шаҳарларда кишлоқлардагига нисбатан камбағал кишиларнинг кўпайиши, наркомания, фоҳишаллик, ташкилий жиҳатдан уюшган жиноятчиликнинг ўсиши учун шароитнинг вужудга келишини олдини олиш;

– жамиятда ва ҳўжалик фаолиятида коррупция ва криминаллашувнинг ўсиши.

Давлат ижтимоий аҳвол даражасини баҳолаш ва прогностлаштиришда, иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсатга тузатишлар киритиш мақсадида яна кўйидагиларга эътибор қаратиши лозим бўлади:

– ҳокимият органларида жамиятни ижтимоий ривожлантиришнинг йўллари, кутилаётган натижалари тўғрисида аниқ тасаввурнинг шаклланганлиги;

– аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва табақаларининг ахлоқий-психологик ҳолати мезонлари ва йўналтирилганлик меъёрлари (нормалари);

– ижтимоий барқарорлик ва унга таъсир этувчи омиллар тавсифи;

– давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбарлари фаолиятини ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилишда инсон капитали, меҳнат салоҳияти, турмуш даражаси ва сифати, ижтимоий барқарорлиги баҳоланиши керак. Шунингдек, шахснинг оилавий аҳоли, оила даромадлари ва харажатлари, мол-мулки ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиш даражаси ҳам таҳлил қилинади.

Фан-техника тараққиёти шароитида инсоннинг интеллектуал мулки ва унга бўлган ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилиниши лозим. Чунки шахснинг интеллектуал мулки ва унга бўлган ҳуқуқига қилинган тажовуз, таҳдид шахс хавфсизлиги путур етказди.

Кишиларнинг интеллектуал мулк объектлари таркибига нау-хау; маълумотлар базаси ва электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари (уларни расмий рўйхатга олинганлиги тўғрисида далолатнома берилди); саноат мулки, фойдали моделлар, ихтиролар, саноат намуналари (уларга патентлар берилди), товар белгилари қиради. Интеллектуал мулк объектлари қонунлар ҳамда патент идоралари томонидан ҳимоя қилинади.

Шахс хавфсизлиги қуйидаги шароитлар мавжуд бўлганда реал воқеаликка айланади:

– жамиятга, табиатга ва ўзига-ўзи зиён етказмайдиган инсонлар типининг оммавий тарзда шаклланиши;

– ҳар бир фуқарони халқ тинчлигини, уни қуролли тўқнашувлар ва турли хавф-хатарлардан сақлаш учун курашга жалб этиш; ўз фаолиятини, инсоният, жамият, халқ манфаатларига йўналтириши;

– ҳар бир оиланинг ўзини жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш учун моддий маблағлари ҳамда бўш вақти етарли бўлишига эришиш;

– халқнинг кучли, адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродасини мустаҳкамлаш;

– жамиятда ҳуқуқий давлат даражасида инсонни ҳурмат қилиш ва соғлом турмуш тарзига асосланган муҳитни шакллантириш;

– инсоният, жамият ва жаҳон тинчлигини сақлашга бўлган хоҳиш-ирода ҳамда интилиш ҳар бир шахс турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиши⁷⁴.

Шахснинг хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг ижтимоий сиёсати муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ижтимоий сиёсати, уни амалга ошириш механизмлари одамларнинг меҳнатдаги фаоллиги ва тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши лозим.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтиш даврида Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати қуйидагиларга қаратилган:

– фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат, касб турлари ҳамда соҳаларини эркин танлаш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

– меҳнат мотивациясининг кучли механизмини қириштириш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароитлар яратиш;

⁷⁴ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001. – С.245.

– аҳолини мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда кам таъминланган гуруҳларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– таълим, ижтимоий сугурта, соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилиш йўли билан аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган зарур кафолатни таъминлаш⁷⁵. Шунингдек, давлат ижтимоий сиёсати аҳолининг даромад ва мулкка эгалик даражаси бўйича кескин табақалашувининг олдини олиш ҳамда аҳолининг тўлов талабларини кенг миқдорда қондириш ва унинг ўсишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

Давлат ижтимоий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутadi. Давлатнинг бу соҳадаги сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– давлат ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш ва улардан жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фойдаланишини кафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш;

– давлатнинг марказлашган ижтимоий сугурта фондиди ташкил этиш;

– кўрсатилган хизматлар ва самарали меҳнатлари учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар;

– иш ҳақи ва пенсия минимумининг давлат томонидан кафолатланиши;

– кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар;

– кам таъминланган аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатиш;

– болаликдан ногирон ва бошқа меҳнат қобилиятини йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

– талабалар учун тўланадиган давлат стипендиялари;

– ишсизлик нафақаси;

– энг муҳим озик-овқат маҳсулотлари турларининг белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш;

⁷⁵ Абулқосимов Ҳ.П. Шақланаётган бозор иқтисодиётида инсон омилли ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т.: ТМИ, 2005. 182-бет.

– ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджет ҳисобидан қоплаш;

– ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим жисмоний тарбия, спорт ва маданият) моддий базасини кўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.

Ҳар бир шахс, фуқаро хавфсизлигини таъминлашда фуқаронинг ўзи, у ишлайдиган меҳнат жамоаси, давлат, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорликдаги фаолияти талаб этилади. Шу боисдан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича олдимизда улкан ва муҳим вазифалар турганини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Бу борада ҳар қандай ислохот конституциявий тамойил ва қондаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур. Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу – биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади – одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда. Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни «**Буюк келажагимиз бугундан бошланади**» деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”⁷⁶,-деб таъкидлади.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

Биринчидан, давлат органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт.

⁷⁶ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.* // <http://uza.uz/uz/documents/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017>

Иккинчидан, халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чуқур англаб етишимиз зарур. Бунинг учун турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари – парламент ва маҳаллий кенгашлар олдда ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш керак. Парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати механизмларини янада ривожлантиришимиз зарур.

Учинчидан, биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саноатчилигини сақлашга оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши лозим.

Тўртинчидан, бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.

Бешинчидан, фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.

Олтинчидан, бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни изчил амалга оширишдан иборат.

Еттинчидан, тadbиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, мамлакат таъқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қоида-нинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шарт⁷⁷.

⁷⁷ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир.//Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза //http://uza.uz/oz/documents/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanaad-08-12-2017

Асосий таянч тушунчалар

Шахс, шахс эркинликлари, шахснинг мустақиллиги, шахснинг эҳтиёжлари, шахснинг манфаатлари, шахс манфаатларига иктисодий таҳдидлар, иктисодий шантаж ва террор, ишсизлик, камбағаллик, ижтимоий сиёсат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳозирги замон шароитида шахснинг қандай салоҳияти ва имкониятлари мавжуд?

2. Шахснинг иктисодий эркинликлари нималарда намоён бўлади?

3. Шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик нималарда намоён бўлади?

4. Бу боғлиқликнинг қандай чегаралари бор?

5. Шахснинг ҳаётий манфаатларига қандай иктисодий таҳдидлар хавф солади?

6. Шахснинг иктисодий хавфсизлиги деганда нимани тушунасан?

7. Шахснинг иктисодий хавфсизлигини қандай таъминлаш мумкин?

8. Шахснинг иктисодий жихатдан ҳимояланишини давлат қандай таъминлайди?

9. Шахсга нисбатан иктисодий шантаж ва терроризмга қарши қандай чоралар кўриш мумкин?

10. Шахс ўзининг хавфсизлигини ўзи таъминлаши учун қандай қобилият ва салоҳиятини ривожлантириши лозим?

11. Шахснинг иктисодий хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий соҳанинг роли нималарда намоён бўлади?

6-БОБ. КОРХОНА (ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ) НИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

6.1. Корхонанинг иқтисодий манфаатлари ва фаолияти кондалари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона яхлит миллий иқтисодиётнинг узвий таркибий қисми ва айни пайтда, иқтисодий жиҳатдан алохидалашган бўғини ҳисобланади. Корхона ўз фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш, ўз харажатларини ўзи қоплаши асосида фойда (даромад) олиш мақсадида юри-тадиган бирламчи хўжалик субъектидир.

Корхоналар ишлаб чиқариш, савдо, тижорат – восита-чилик, транспорт, сугурта, банк, инжиниринг, молиявий-ин-вестиция, илмий-тадқиқот, инновация ва турли хизматлар кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатади. Иқтисодиёт тар-моқларидаги фаолият турлари бўйича корхона шакллари анча кенг бўлиб, улар монотармоқ (якка тармоқ) ёки дивер-сификациялашган корхона шаклларида намоён бўлади. Мо-нотармоқ корхоналарига саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларга тегишли корхоналар киради.

Диверсификациялашган корхоналар икки турга бўлина-ди. Биринчи тури қўп тармоқли ва фаолият соҳалари хил-ма-хил бўлиб, улар бирор-бир иқтисодиёт тармоғида устувор равишда фаолият кўрсатувчи корхона атрофида жипслаша-дилар. Етакчи тармоқдаги фаолият соҳасига бошқа соҳалар технологик жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Диверсификациялашган корхоналарнинг иккинчи тури бирлашма (ёки конгломерат) деб аталади. Унинг асосида устувор тармоқ ёки устувор соҳа мавжуд эмас. Шунингдек, унга бириккан корхоналар бир-бирлари билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмайди.

Корхоналар худудий жихатдан миллий, трансмиллий, халқаро компанияларга бўлинади. Миллий корхона мамлакат доирасида амал қилади. Трансмиллий компания чет элларда ўз филиалларига эга бўлган корхоналардир. Халқаро корхоналар эса бир неча мамлакатлар миллий компанияларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Бунинг натижасида кўшма корхоналар вужудга келади.⁷⁸

Корхона (фирма) фаолиятининг асосий мақсади фойда (даромад) олиш ҳисобланади. Шунингдек, корхонанинг манфаатларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, персоналнинг касбий маҳоратини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида технология ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган ва таклиф этилаётган маҳсулотнинг истеъмолчилари, мижозлари ва инсофли шерик, ҳамкорларнинг сонини кўпайтириш ҳам киради.

Маълумки, товар маҳсулотини шакллантиришда хўжалик субъектлари ва технологик жараён бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик вужудга келади. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳуқуқ ва масъулиятларнинг ўзгариши иктисодиётнинг барча даражаларида, хўжалик соҳаларида савдо-истеъмол шароитларининг тубдан ўзгаришига, рақобат муҳитининг кучайишига олиб келади. Шу боисдан корхоналар ўзларининг иктисодий келажаги учун қайғуриб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, фан-техника тараққиёти ва инвестицион фаолликни рағбатлантиришга эътиборни кучайтирадилар. Буларнинг мақсадли йўналишлари эндиликда миллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатини химоя қилиш, яъни уларнинг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш зарурати билан уйғунлашиб кетади.

Бозор муносабатлари шароитида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иктисодий жихатдан хўжалик субъектлари сифатида муваффақияти уларнинг иктисодий манфаатлари талабларини қандай бажаришларига боғлиқ бўлади.

⁷⁸ Абулқосимов Х.П., Ёқубова С. Полвонов Х. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДЮИ, 2004. 8-10-бет.

Корхонанинг муҳим иқтисодий манфаатлари ичида истеъмолчилар талаблари ва тадбиркорлик тавсифидаги ички омилларга боғлиқ ҳолда вужудга келадиган воқеаниқ қўтилмаган вазиятларга мослашиш қобилияти киради.

Корхона ўзининг фойда олиш мақсадини амалга ошириши учун мунтазам равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш технологиясини такомиллаштиришга, маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини оширишга, уларни сотиш жараёналарига кўпроқ эътиборни қаратишга мажбур бўлади. Шунингдек, ундан айланма маблағлар ҳаракатини тезлаштириш, барча турдаги захираларни камайтириш, реклама, ҳамкорлар билан икки томонлама шартномалар тузиш, келишув мажбуриятларига риоя этиш талаб этилади. Маҳсулотни реализация қилиш ва хизмат кўрсатиш процедураларида корхонанинг иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқади.

Рақобат кураши шароитида корхона бозордаги ўзгарувчан вазиятларга мослаша билиши, ўзининг ва потенциал рақобатчиларининг иқтисодий салоҳияти, ривожланиш истиқболлари, молиявий имкониятлари, маҳсулот сотиш ва моддий ресурслар билан таъминлаш даражаларини баҳолай билиши керак бўлади.

Иқтисодий манфаатлар корхонанинг барқарор, ишончли, молиявий-иқтисодий жиҳатдан самарали фаолият юритиши, персоналнинг шахсий хавфсизлиги ва фаоллигини ошириш, етарли даражада моддий, инфор­мацион ва интел­лектуал салоҳиятга эга бўлишидан ман­фаатдорлигидан ҳам юзага келади.

Иқтисодиёт назарияси фанида хўжалик субъектлари фаолияти тўғрисида бир қанча концепциялар илмий жиҳатдан асосланган. Уларда корхона иқтисодий ман­фаатларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ фаолият, хатти-ҳаракатларнинг хусусиятлари ёритилган⁷⁹.

⁷⁹ Экономическая теория. Учебник. колл. авт. К.Абдурахмонов и др. / -Т.: Шарк, 1999. - С.190-191.

Анъанавий фирма назарияси корхонанинг ягона иктисодий манфаати фойдани максималлаштиришга қаратилганини асослайди. Менежериял назарияга кўра фирманинг фаолиятини унинг эгалари эмас, балки менежерлари белгилаб беради. Уларнинг иктисодий манфаатлари ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар сотиш ҳажмини ҳамда даромадни максималлаштириш ҳисобланади. Фирма киска муддатли даврда товар сотиш ҳажмини максималлаштиришга, узоқ муддатли даврда эса фойдани максималлаштиришга ҳаракат қилади⁸⁰.

Фирма эгалари капитални ўстириш, шахсан бойишни хоҳлайдилар. Бундай хоҳиш чексиз бўлиб, менежерлар иш ҳақлари, обрў-эътибори, фирмадаги ўз мавқеини ўстиришни истайдилар.

Кўп мақсадлар концепциясига кўра фирма бир неча мақсадни, яъни фойда, сотиш ҳажми, иктисодий ўсиш ва бошқаларни кўзлайди.

Мураккаб корпоратив тизимга, тузилишга эга бўлган замонавий фирмада иерархияга мос равишда турли субъектларнинг манфаатлари ва мақсадлари иерархияси ҳам мавжуд бўлади. Фирма олий раҳбариятининг манфаати фирманинг нуфузини ошириш, унинг фаолият кўрсаткичларини яхшилаш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Менежерларнинг мақсади эса мансабини ошириш ҳамда юқори даромадга эга бўлишдан иборат. Акционерларнинг манфаати юқори дивиденд олиш билан изоҳланади. Ёлланма ишчи ва хизматчилар эса юқори иш ҳақи олиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, малакасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Технологик ёндашув концепциясига мувофиқ белгиланган техника ва технологиянинг ривожланиш даражасида, ишлаб чиқариш омиллари комбинациялашувининг барча вариантларида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг максимал

⁸⁰ Макконнелл К.Р. Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. В. 2-й. Пер. С.англ. 11-го изд. Т 1. –М.: Республика, 1992. – С. 145.

ҳажмини ифодаловчи функцияни аниқлаш имконияти ҳамма вақт мавжуд деган тасаввур ётади⁸¹.

Институционал ёндашувга кўра фирмани ўрганишнинг асосий муаммоси фойдани максималлаштириш эмас, балки фирманинг вужудга келиши, унинг ривожланиш қонуниятлари ва пировард натижасида йўқ бўлиб кетиши сабабини тушунтириб беришдан иборатдир. Фирмани ташкил этиш жараёнида тадбиркорлар харажатларни камайтириш мақсадида ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интиладилар. Р.Коуз фирмани тадбиркорга боғлиқ равишда ресурсларни йўналтиришга қаратилган муносабатлар тизими деб таърифлайди.⁸²

Неоинституционал фирма концепциясида «принципал – агент» муаммоси кўрилади. Принципал – бу ресурсларнинг, мулкнинг эгаси. Агент эса ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектдир. Принципал, яъни корхона эгаси кўп ахборотларга эга бўлмайди ва агент, яъни менежернинг фаолиятини тўлиқ назорат қила олмайди. Назоратдан четда қолган агент (менежер) эса ўзбошимчалик қилиши, ўз эгасига кўра оппортунистик ҳолатга ўтиши мумкин. Бу ерда энг муҳим масала улар ўртасида келишувчилик, манфаатлар уйғунлигини вужудга келтириш ҳисобланади. Корхона ноаникликлар шароитида ишлаб чиқаришнинг энг яхши, қулай усулини топишга қаратилган фаолият юритишга интилади. Бунда фирма бошқарувчилари трансакцион харажатларни камайтириб, фирма учун энг қулай фаолият шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.⁸³

Ушбу концепциялар асосида корхона вақт ва мақсадда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда ресурсларни тақрор ишлаб чиқариш жараёнларини ўзида мужассамлаштир-

⁸¹ Абулқосимов Х.П., Ёкубова С., Полвонов Х. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ДИОН нашр., 2004. 17-19-бет.

⁸² Коуз Р. Фирма, рынок и права. – М., 1993. – С. 38.

⁸³ Норт Д. Институти, институциональные изменения и функционирование экономики. – М., 1997. – С. 70.

ган ижтимоий-иқтисодий тизим деб карашга имкон берувчи омиллар ётади.

Корхонани бошқариш мақсади хўжалик фаолиятининг асосий манфаатларидан келиб чиқади. Бунда корхона ўз ходимларининг моддий ва интеллектуал даражасига салбий таъсир кўрсатувчи ички ва ташки таҳдидларни бартараф этиш, ривожланишнинг салбий тенденцияларига барҳам бериш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилади. Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

– хўжалик субъектларининг давлат, нодавлат ташкилотлари, мамлакат ичидаги ва хориждаги ҳамкорлари ҳамда рақобатчилари билан бўладиган ўзаро муносабатларда қонун билан белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

– корхонанинг моддий ва молиявий базасини сақлаш ва кўпайтириш, меҳнат жамоаси, тадбиркорнинг ижтимоий эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган ресурслардан самарали фойдаланиш;

– маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ички ва ташки бозорларда уларни сотиш учун қулай бозор конъюнктурасини яратиш;

– хўжалик тузилмалари фаолиятининг ички ва ташки ташкилий барқарорлиги, иқтисодий алоқаларнинг ишончлилигига эришиш ва тасодифий ҳамда ноинсоф, виждонсиз ҳамкор ва шерикларга қарам бўлиб қолишдан сақланиш;

– хўжалик тузилмалари фаолиятини тўлиқ, аниқ ахборотлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва тижорат сирлари ҳамда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаш;

– реклама ахборотидан фойдаланиш самарадорлиги ва корхона нуфузини ошириш.

Ушбу манфаатларни амалга ошириш учун уларга хавф соладиган таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга интилиш корхона фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

6.2. Корхонанинг иқтисодий манфаатлари ва хавфсизлиги

Корхонанинг иқтисодий манфаатлари фойдали ишни юритиш, турли эҳтиёжлар мавжуд шароитда талабни қондириш, яшаш ва ривожланиш учун рақобат кураши кучайган шароитда ҳимоя қилинади. Тадбиркор фаолиятининг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқдир:

- бозор конъюнктурасини билишга;
- унга наф келтирадиган, бозор талабларидан келиб чиқадиган қимматли ахборотлардан фойдаланишга;
- ўзининг ишлаб чиқариш сирларини сақлашга;
- интеллектуал салоҳияти ва технологиясига;
- рақобатчининг режаси ва технологик сири тўғрисидаги ахборотга эга бўлишига.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти турли таҳлика ва хавф-хатарлар таъсирида таваккалчилик асосида юз беради. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятида муваффақиятга эришиши учун турли таҳдидлардан ва хавф-хатарлардан ҳимояланиш лозим бўлади. Бу эса тадбиркорлик субъектларидан ўзларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маълум тизимли чора-тадбирларни талаб этади. Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлиги корхона иқтисодий хавфсизлиги масалаларини тадқиқ этишга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аммо тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлиги тушунчасига ягона таъриф ишлаб чиқилмаган.

Иқтисодий адабиётларда мазкур тушунчани таърифлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Айрим ёндашувларда бу тушунчанинг мазмунини ёритишда иқтисодий таҳдидлар тушунчаси қўлланилади. Иккинчи бир ёндашувда бу тушунчалар ўрнига белгиланган мақсадга эришиш, корхона фаолияти тушунчаларини қўллаган ҳолда таъриф берилади. Учинчи ёндашувда икки ёндашув уйғунлаштирилади.

Масалан, Е.Л.Олейников раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини корхонанинг ҳозирги ва келгуси даврларда барқарор фаолият кўрсатиши ва таҳдидларни бартараф этиш учун корпоратив ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳолати, деб таъриф берадилар⁸⁴. Бу таърифда корпоратив ресурслардан энг самарали фойдаланишнинг маъноси ноаниқдир. Г. Б. Клейнер таҳририда нашр қилинган луғатда корхона (фирма) нинг иқтисодий хавфсизлиги хўжалик субъектининг шундай ҳолатики, бунда корхона фаолияти ва унинг таркибининг ҳаётий муҳим соҳа ва бўлим (компонент) ларининг исталмаган ўзгаришлардан юкори даражада ҳимояланганлиги таъминланган бўлади⁸⁵. Бу таърифда исталмаган ўзгариш қандай маънони англатиши ноаниқдир.

О.А.Грунин ва С.О Грунинларнинг фикрига кўра, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини хўжалик субъектининг корпоратив ресурслардан энг самарали фойдаланиш асосида мавжуд хавф-хатар, таҳдид ва бошқа кўзда тутилмаган ҳолатларни бартараф этиш, уларни кучсизлантириш ва улардан ҳимояланган ҳолати бўлиб, бунинг натижасида корхона рақобат ва хўжалик таҳликалари шароитида ўзининг бизнес мақсадларига эришади⁸⁶. Бу таърифда хавфсизликнинг мезони бизнес мақсадларига эришиш ҳамда ташқи омил рақобат таҳлика эканлиги ва бизнес мақсадига эришишнинг шартли ресурслардан самарали фойдаланиш эканлиги кўрсатилган.

С.Л.Меламедов тадбиркорлик тузилмасининг иқтисодий хавфсизлиги деганда, унинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги, яъни тадбиркорлик тузилмаси таркибининг, унинг кадр ва интеллектуал салоҳияти, маълумотлари, технологияси ва фойдасининг

⁸⁴ Қараг: Основы экономической безопасности (Государство, регион, предприятие, личность) / Под ред. Е.Л. Олейникова. – М.: Интел-Синтез, 1997. – С. 138.

⁸⁵ Қараг: Стратегии бизнеса. Справочник / Под ред. Г. Б. Клейнер а. – М.: КОН-СЭКО, 1998. – С. 288.

⁸⁶ Қараг: Грунин О.А., Грунин С.О. Экономическая безопасность организации СПб: Питер, 2002. С. 37-38.

махсус ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, ахборот-технологик ва ижтимоий тавсифдаги чора-тадбирларни амалга ошириш асосида ҳимоя қилинишидир, деб таъриф беради⁸⁷. Бу таъриф анча кенг маънода корхона, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлиги тушунчасининг мазмунини очиб беради.

А.П.Судоплатов ва С.В.Пекаревлар корхона иқтисодий хавфсизлиги корxonанинг барқарор фаолият кўрсатиш қобилиятини ифодалайдиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари, шунингдек, моддий, интеллектуал ва ахборот ресурсларининг мавжудлик ҳолати деб таърифлайдилар⁸⁸. Бу таърифда иқтисодий таҳдид ва хавф-хатар мавжудлигига урғу берилмаган.

Юқорида келтирилган тадбиркорлик корхонаси ва тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига берилган таърифларни таҳлилий ўрганиш асосида, бизнинг фикримизга кўра, тадбиркорлик корхона (фирма) сининг иқтисодий хавфсизлиги – маъмурият ва персонал томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва инженер-техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларининг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Бозор иқтисодиёти шаронтида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва инженер-техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларининг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Тадбиркорлик корхонаси хавфсизлиги тизими ўз ичига қуйидагиларни олади⁸⁹:

⁸⁷ Қаранг: Меламедов С.Л. Формирования стратегии экономической безопасности предпринимательских структур. Дис... канд. эк. наук. СПб, 2002. – С. 11-12.

⁸⁸ Қаранг: Судоплатов А.П., Пекарев С.В. Безопасность предпринимательской деятельности. – М.: Олма-пресс, 2001. – С.3.

⁸⁹ Мак-Мак В.П. Служба безопасности предприятия. Организационно-управленческие и правовые аспекты деятельности. – М.: Мир безопасности, 1999. – С.

- Иқтисодий хавфсизлик;
- Техноген хавфсизлик;
- Экологик хавфсизлик;
- Информацион хавфсизлик (ахборот хавфсизлиги);
- Психологик хавфсизлик;
- Жисмоний хавфсизлик;
- Илмий-техникавий хавфсизлик;
- Ёнгин хавфсизлиги.

Ушбу хавфсизлик турларининг барчаси иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун моддий ва молиявий зарар ҳамда йўқотишларга олиб келади. Шунинг учун уларни ҳам иқтисодий хавфсизлик билан боғлаш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва инженер техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётний муҳим иқтисодий манфаатларининг ички ва ташки хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ва барқарор ривожланишга қодирлик ҳолатидир.

Тадбиркорлик корхонасига, унинг фаолиятига хавф соладиган, унинг мол-мулкани, моддий воситалари ва молиявий маблағларини алдамчилик, фирибгарлик, товламачилик, ўғирлик, талончилик йўли билан ўзлаштириб олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар иқтисодий жиноят ҳисобланади. Иқтисодий жиноятлар – миллий иқтисодиётга, унинг тармоқлари ёки соҳаларига, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқароларга зиён етказадиган ёйинки зиён етказиши мумкин бўлган, жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) дир. Бундай жиноятларнинг содир этилиши натижасида жамият, давлат, хўжалик субъектларига, айрим фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади. Уларга: 1) ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш; 2) ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган

жиноятлар; 3) иктисодиёт асосларига қарши жиноятлар; 4) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар киради.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларга алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан мулкни зарар етказиш, жиний йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, ахборотлаштириш қондаларини бузиш каби қилмишлар киради (ЎзР. Жиноят Кодексининг 170 – 174 – моддалари).

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ иқтисодий жиноятларга моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва меҳнат маҳсулоти бўлган бойликларни тақсимлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи жиноятлардан энг хавфлиси ҳисобланади. Ўзгалар мулкни ўзлаштириш усулига Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексиди талон-тарож қилишнинг: босқинчилик, товламачилик, ўзлаштириш (растрата), фирибгарлик, ўғрилик каби шакллари киритилган (164–169- моддалар). Талон-тарожнинг предмети моддий қиймат, пул баҳосига эга бўлган ва ўзгалар мулки ҳисобланган пул, қимматбаҳо қоғозлар ва шакллардир.

Бу ерда иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларга мамлакат манфаатларига ҳилоф равишда битимлар тузиш, қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, валюта билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш, чет эл валютасини яшириш, сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, банкротликни яшириш, божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш, рангли металллар, уларнинг парча ва резги чикитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда сотиш қондаларини бузиш қабилар киради.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги иқтисодий жиноятлар – сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга ҳилоф равишда шугулланиш, савдо ёки

хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, тадбиркорлик фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчиларни обрўсизлантириш кабилардан иборат.

Шунинг учун тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, корхона раҳбарияти, унинг ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотлари биргаликда, ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришлари лозим бўлади.

6.3. Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг турлари

Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига турли таҳдидлар мавжуд. Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар – бу жисмоний ёки юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳимояланиш ҳолатини бузувчи, унинг фаолиятини тўхтатиб қўйишга ёки иқтисодий ва бошқа йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган потенциал ёки реал хатти-ҳаракатидир. Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар онгли равишда қасдан ва хусуматли, тадбиркорлик субъектига зарар етказишга қаратилган ва қонунга зид ҳаракатлар шаклида намоён бўлади. Таҳдидлар келиб чиқиш манбаига кўра ташқи ва ички таҳдидлар шаклида юзага келади.

Ташқи таҳдидлар ўз ичига давлат ва текширувчи органлар, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноўрин ва ноқонуний аралashi, ишбилармонлик муҳитининг ёмонлиги, коррупция, корхонада ишламайдиган шахслар томонидан моддий воситалар ва шахсларнинг бойликларини ўғирлаш, саноат шпionaжи, рақобатчиларнинг ноқонуний ва ноҳалол ҳаракатлари, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан товлamачилик, рекэт шакллари олади.

Ички таҳдидлар эса ўз ходимлари томонидан махфий

маълумотларнинг ошкор қилиниши, ишга оид (молиявий, бухгалтерлик, шартномавий ва бошқа) ҳужжатларни тайёрловчи ходимлар малакасининг пастлиги ёки масъулиятсизлиги, иқтисодий хавфсизлик хизмати ва контрагентларни текширишга жавобгар шахслар фаолиятининг самарасизлиги шаклларида намоён бўлади.

Корхона иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ичида энг муҳимларидан бири иқтисодий шпионаж ва разведка ҳисобланади. Мутахассисларнинг ҳисоботларига кўра, АҚШда ҳар йили хусусий фирмалар иқтисодий разведка мақсадлари учун 1,5 млрд. доллардан ортиқ маблағ сарфлайдилар. Япония корпорациялари эса шпионаж орқали бошқа мамлакатларнинг техника ютуқлари тўғрисидаги ахборотларнинг 40%ига эга бўлишди⁹⁰. Ушбу йўл билан рақиблар бир-бирларининг бозор стратегиялари, битим (контракт) лар, ишлаб чиқариш режалари тўғрисидаги маълумотларни яширинча олишга ҳаракат қиладилар. Яширин тарзда сақланаётган маълумотларни, ҳужжатларни ўғирлаш, нусха кўчириш, алоқа каналларини яширинча эшитиш, тегишли ходимларни сотиб олиш, уларга таҳдид қилиш, компьютер, электрон ҳисоблаш техникаси тармоғига кириш ва бошқа усулларини қўллаш йўли билан иқтисодий шпионлик фаолиятини амалга оширадилар⁹¹.

Корхона иқтисодий манфаатига таҳдидлар ичида тижорат тавсифидаги жиноятлар, товламачиликлар ҳам жиддий таҳдид ҳисобланади. Ушбу жиноят қонунчиликдаги, молия тизимидаги камчиликлардан, бўшликлардан, савдо-иқтисодий алоқаларнинг мураккаблиги ва кўп босқичлиги, корхона раҳбарлари, масъул ходимлар, хусусий тадбиркорларнинг ўз ишини билмаслиги, масъулиятсизлиги, ҳаддан ташқари ишонувчанлигидан устамонлик билан фойдаланиш асосида

⁹⁰ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: РАГС. 2001. – С. 257.

⁹¹ Каранг; Захаров В. Промышленный шпионж в российском интерьере. // Служба кадров. 1998. №2. – С.13-17.

содир этилади. Юкорилардан келиб чиккан холда корхона иктисодий хавфсизлигига тахдидларни ички ва ташки тахдидлар гуруҳига туркумлаш мумкин (6.3.1-расм).



6.3.1-расм. Корхона иктисодий хавфсизлигига тахдидлар⁹².

Умумиқтисодий тавсифдаги тахдидларга қуйидагилар киради:

- иктисодий цикл, жаҳон молиявий ва иктисодий инкирози, рецессиялар;
- хом-ашё ресурсларига жаҳон бозорларидаги нархларнинг тушиб кетиши ёки кўтарилиб кетиши;
- халқаро молиявий муассасалар ва транснационал банкларнинг кредит ресурслари қийматининг ўсиши;
- ташки қарз бўйича давлат мажбуриятларининг бажарилмаслиги.

⁹² Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – С.164-167. асосида тузилган.

Ташқи халқаро савдодаги беқарорлик ташқи савдо битимларининг бажарилмаслиги, квоталашдаги салбий ўзгаришларда намоён бўлади. Халқаро рақобат билан боғлиқ таҳдидлар хори жий шериклар, ҳамкор корхоналарнинг банкрот бўлиши ёки халқаро бозорда кучли рақобатчилар тазйикининг кучайиши, рақобатбардошликнинг пасайиши оқибатида экспорт бозорларидан маҳрум бўлишида ўз ифодасини топади.

Миллий иқтисодиёт доирасидаги ташқи таҳдидлар ичида муҳим ўрин тутадиган сиёсий таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

– сиёсий таҳлика ва беқарорлик, ижтимоий низоларнинг кучайиши;

– қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги;

– иқтисодиётни тартибга солишда рағбатлантириш ўрнига ман қилувчи, чекловчи тавсифдаги усул ва воситаларнинг устуворлиги;

– давлат хариди ва буюртмаларининг қисқариши;

– давлатнинг ички қарзларининг кўпайиши, солиқ юкининг ошиши, монополизмнинг ҳимоя қилиниши ва рақобатнинг чекланиши;

– молия сиёсатидаги салбий ўзгаришлар, банklar сонининг қисқариши, молия тизими ҳолатининг ёмонлашуви, мулкни қайта тақсимлаш ва хусусий корхоналарни миллийлаштиришнинг кучайиши ва ҳ.к.

Ижтимоий-иқтисодий ва демографик тавсифдаги миллий иқтисодиёт доирасидаги ташқи таҳдидларга қуйидагилар кирди:

– аҳоли даромадлари ва жамғармалари даражасининг, унинг тўлов қобилиятининг пасайиши;

– тадбиркорлик, ишбилармонлик фаоллигининг пасайиши;

– бошқа корхоналар томонидан рақобат ва хонавайрон қилиш хавфининг кучайиши.

Бозор таҳдидлари илмий-техникавий ютуқларга эришган юкори ракобатлашиш қобилиятига эга бўлган товар ва корхоналарнинг пайдо бўлиши ҳамда ракобатнинг маркетинг, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш харажатлари, фаолият ва маҳсулотни диверсификациялаш даражаси бўйича кураш шакллари ва усулларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Ички эндоген таҳдидлар туркумига кирувчи корхонанинг ракобат ўрни, маркетинг стратегияси ва сиёсати билан боғлиқ таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

– корхонанинг мақсад ва ривожланиш стратегиясининг етарли даражада асосланмаганлиги ёки мавжуд эмаслиги;

– корхона анъаналарининг бузилиши ва имиджининг пасайиши, персонал ва раҳбариятнинг малакавий таркибининг ёмонлашуви, кадрлар қўнимсизлигининг кучайиши;

– сотиш бозорларининг қисқариши;

– корхона ривожланиш мақсадлари ва стратегияси, унинг ресурси, ишлаб чиқариш потенциалига номувофиқлиги, мос келмаслиги;

– маркетинг дастурларининг етарли даражада асосланмаганлиги, корхонанинг товар, нарх, сотиш, коммуникация сиёсатларининг асосланмаганлиги ёки ишлаб чиқилмаганлиги.

Корхонанинг менежмент даражаси билан боғлиқ таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

– ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари концентрациялашганлиги, маҳсулот номенклатура ва ассортиментининг чекланганлиги;

– бошқаришнинг ташкилий таркиби ва ишлаб чиқариш таркиби ҳамда ихтисослашув шаклининг нораціоналлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасининг пастлиги;

– корхонанинг бозор конъюнктураси ўзгаришларига мослашмаганлиги, инновацион фаолиятнинг чекланганлиги, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишларининг олиб борилмалиги, инвестиция киритишнинг паст даражадалиги;

– молиявий-хўжалик кўрсаткичларининг қоникарсизлиги, жумладан, рентабеллик, активларнинг айланиши, ликвидлик, мулкдан фойдаланиш, инвестицион фаолият кўрсаткичларининг пастлиги ёки салбийлиги.

Корхона ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ таҳдидларга куйидагилар киради:

– ишлаб чиқаришда қўлланилаётган воситалар, меҳнат предметлари, ишчи кучи миқдорининг қисқариши;

– ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, уларнинг сифат кўрсаткичларининг пасайиши;

– ишлаб чиқаришда жисмоний ва маънавий эскирган технологиялардан, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларининг эскирганлиги, ишлаб чиқариш фондларининг, жумладан оборот маблағлари айланиши тезлигининг секинлашиши.

Миллий иқтисодиёт, унинг тармоқларида ва ҳудудларида, микроиқтисодиёт даражасида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига ташқи ва ички таҳдидларни содда тарзда ифодалаш мумкин. Бунга кўра, ташқи таҳдидларга корхонада ишламайдиган шахслар томонидан моддий воситалар ва шахсларнинг бойликларини ўғирлаш, саноат шпионажи, рақобатчиларнинг ноқонуний ва ноҳалол ҳаракатлари, криминал тузилмалар томонидан товламачилик, рэкет киради (қаранг: 6.3.1-жадвал).

6.3.1-жадвал.

Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар⁹³

Ташқи таҳдидлар	Ички таҳдидлар:
Корхонада ишламайдиган шахслар томонидан моддий воситалар ва шахсларнинг бойликларини ўғирлаш	Ўз ходимлари томонидан махфий маълумотларнинг ошқор қилиниши

⁹³ Муаллиф томонидан тузилган.

саноат шпionaжи (жосуслиги)	Ишга оид (молиявий, бухгалтерлик, шартномавий ва бошқа) ҳужжатларни тайёрловчи ходимлар малакасининг пастиги ёки малакасизлиги
Рақобатчиларнинг ноқонуний ва ноҳалол ҳаракатлари	Иқтисодий хавфсизлик хизмати ва контрагентларни текширишга жавобгар шахслар фаолиятининг самасизлиги
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ва назорат органлари, мансабдор шахсларнинг тadbиркорлик субъекти фаолиятига ноўрин ва ноқонуний аралашув, коррупция	Корхона раҳбарлари ва ходимлари томонидан фирибгарлик
Криминал тузилмалар томонидан товламачилик, рэкет, чайқовчилик, контрабанда.	Корхона ходимлари томонидан моддий бойликларни ўғирлаш, ташмачилик

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, ички таҳдидларга тadbиркорлик корхонасининг ўз ходимлари томонидан махфий, тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш, ишга оид ҳужжатларни тайёрловчиларнинг малакасизлиги, хавфсизлик хизматининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, моддий бойликларнинг ўғирланиши, ташмачилик киради.

Иқтисодий таҳдидлардан бири тижорат сирини ошкор қилиниши ҳисобланади. Тижорат сирини бозор иқтисодиёти субъектларининг фақат ўзига аён бўлган, тарқатиши мумкин бўлмаган маълумотлар ҳисобланади. Корхоналарнинг тижорат сирларидан рақобат курашининг воситаси сифатида фойдаланадилар. Тижорат сирлари давлат томонидан ҳимоя қилинади. Тижорат сирини ишлаб чиқариш ва савдо-сотқининг бевосита иштирокчиларигагина маълум бўлган ва бошқаларга эълон қилинмайдиган маълумотлардир. Янги техника-технология, ишлаб чиқаришни янгиликка ташкил этиш, янги материалларни қўллаш, бошқаларда бўлмаган, ҳаётнинг цикли узун бўлган товарларни ўзлаштириш сир тугилади. Сир ишлаб чиқариш, технология, бошқариш, молиявий, янги материалларни қўллаш, бошқаларда бўлмаган,

ҳаётий цикли узун бўлган товарларни ўзлаштириш ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тижорат сири харидорлар, умуман, миқозлар билан бўлган алоқага ҳам тааллуқли. Келишилган битишувлар суммаси, сотиш шартлари ва нархлар ҳам сир сақланади. Тижорат сири ва уни ошкор этиш, ўғирлаш бўйича жавобгарлик қонун йўли билан амалга оширилади. Тижорат сирини сақлаш мақсадида корхона, фирма ва консорциумларда махсус хавфсизлик хизмати ташкил этилади. Бу хизмат корхона мулки бўлган янгиларни рақибларнинг иқтисодий жосуслигидан ҳимоя қилади.

Таъкидлаш жоизки, рақобатчиларнинг ноқонуний ва ноҳалол ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунида инсофсиз рақобат деб тавсифланади. Инсофсиз рақобат – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардир.

Қонунчиликда инсофсиз рақобат, шу жумладан: 1) бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар; 2) юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланган ҳолда товарни реализация қилиш; 3) товарнинг хусусияти, ишлаб чиқариш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (базарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни жалғитиш, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан ишлаб чиқарилаётган товарни унинг ташқи безатилишини, номини, тамғаланишини, товар белгисини ва юридик шахсни индивидуаллашти-

ришнинг бошқа воситасини такрорлаш, реклама материалларидан, товарнинг фирма ўрови ва шаклидан нусха кўчириш орқали калбакилаштириш; 4) фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни, шу жумладан, тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этиш; 5) товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг киришига тўсиқ қўйиш таъқиқланади⁹⁴.

Саноат жосуслиги – корхоналарнинг ички хизмат сирларини ташкил этувчи материалларни ва маълумотларни йиғиш, ўғирлаш каби жиноий хатти-ҳаракат бўлиб, тижорат сирини ҳисобланган маълумотларга эга бўлиш мақсадида содир этиладиган таҳдид ҳисобланади.

Рэкет (инг. racket – кўрkitиш, дўқ-пўписа) – гуруҳ таркибида зўрлик ишлатиш билан амалга оширилган жиноят, зўравонлик бўлиб, тадбиркорлик фаолиятига жиддий хавф солувчи таҳдид ҳисобланади. Рэкет – товламачилик, кўрkitиш, дўқ-пўписа, зўравонлик ва бошқа йўллар билан бирор нарса ундиришдир. Дастлаб АҚШда зўравон товламачи гангстерлар рэкетир дейилган. Собиқ СССР территориясида XX асрнинг 80-йилларининг 2-ярмидан бошлаб кооперативлар ва яқка тартибда ишловчилар, биржалар, савдо уйлари пайдо бўлиши билан рэкет вужудга келди. Рэкетирлар ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Улар ўз қурбонларига нисбатан шантаж, жисмоний ва молиявий босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик, кўрkitиш усулларидан фойдаланадилар.

Чайқовчилик ҳам тадбиркорлик фаолиятига жиддий хавф солувчи таҳдид ҳисобланади. Чайқовчилик – турли молларни арзон олиб, қиммат сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият, ман этилган тижорат иши; хуфёна инкисодиётнинг бир қисми ҳисобланади. Шунингдек, **чайқовчилик** – турли товарларни арзон сотиб олиб, уларга **технологик ишлов бермасдан қиммат сотиш билан даро-**

⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни.

мад топишни кўзлайдиган фаолият туридир. Чайқовчилик объекти тақчил (дефицит) товарлардир. Чайқовчилик, олиб сотарлик – 1) турли молларни арзон олиб, қимматга сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият, ман этилган тижорат иши, хуфиёна иқтисодиётнинг бир қисми. Соғлом бозор иқтисодиёти чайқовчилик билан сиғишмайди, чунки бундай бозор товарларнинг сероб бўлиши, харидор хоҳлаган товарини савдолашиб ола билиши демакдир; 2) нархлар тебранишидан факат фойда олиш мақсадини кўзлайдиган биржа келишувлари; 3) хежирлашга зид фаолият. Хежирлаш нақд товарлар бозори билан биржа ўртасида мувозанатга олиб келади, икки бозор ўртасида мувозанатни бузиш ҳам чайқовчиликдир. **Чайқовчилик соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади ҳамда хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.** Бу ҳол расмий, қонуний тадбиркорлик фаолияти юритаётган субъектларга салбий таъсир кўрсатувчи ташқи таҳдид ҳисобланади.

Контрабанда давлат чегарасидан моллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа нарсаларни қонунга ҳилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, таъқиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракат ҳисобланади. Контрабанда – мамлакатда олиб келиш ва олиб кетиш таъқиқланган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, валюта бойликлари ва бошқаларни давлат чегарасидан қонунга ҳилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, таъқиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилишдир. Божхонадан ўтказилмаган, хусусан, божхона назоратидан ташқари, яширинча, топиш қийин бўлган воситалар орқали ёки ҳужжатлар (декларация) да кўрсатилмаган моллар ноқонуний олиб ўтилган ҳисобланади. Контрабанда йўли билан мамлакатга олиб келинган товарлар миллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан анча арзон бўлганлиги учун уларнинг синишига, бозорининг касод бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан, контрабанда ҳам тадбиркорлик фаолияти учун жиддий хавф солувчи ташқи иқтисодий

таҳдид ҳисобланади. Контрабанда қонун билан жазоланади. Халқаро ва миллий қонунларга кўра контрабанда товарлари мусодара қилинади, айбдорлар жарима тўлайди ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Профессор В.И.Ярочкин тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигига таҳдидларни Россия иқтисодиёти бўйича баҳолаган. Унга кўра, иқтисодий жиҳатдан зарар етказиш билан боғлиқ таҳдидларнинг 48% келишув ва битимларни бузиш, 31% эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари ваколатидан фойдаланиб, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки қарахт ҳолатига тушириб қўйиш билан боғлиқ таҳдидлар ҳисобланади. Жисмоний босим ўтказиш билан боғлиқ таҳдидлар ичида мол-мулкни ўғирлаш ва корхона омборларига ва идорасига қарокчилик ҳужумини уюштириш каби таҳдидлар улуши 73%ни ташкил этади. Саноат шпionaжи гуруҳига кирувчи таҳдидларнинг 43%ни тадбиркорлик корхонаси ходимларини сотиб олиш, 24%ни маълумотлар ва дастурларни кўчириб олиш, 18%ни эса турли йўллар билан ахборот технологиялари коммуникацияларига кириш билан боғлиқ таҳдид ташкил этади (қarang: 6.3.2-жадвал).

6.3.2-жадвал

Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигига таҳдидларнинг баҳоланиши (В.И. Ярочкин томонидан Россия иқтисодиёти бўйича аниқланган) ⁹⁵

1.Иқтисодий жиҳатдан зарар етказиш		
	Келишув ва битимларни бузиш	48%
	Давлат органлари, оммавий ахборот воситалари ваколатидан фойдаланиб, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки қарахт ҳолатига тушириб қўйиш	31%

⁹⁵ Ярочкин В.И. Секьюритология – наука о безопасности жизнедеятельности. – М.: “Ось-89”, 2000. – С.92.

Корхона фаолиятини обрўсизлантириш	10%
шантаж, корхона раҳбарлари ва айрим ходимларни обрўсизлантириш.	11%
2. Жисмоний босим ўтказиш.	
Мол-мулкни ўғирлаш ва корхона оморларига ва идорасига қарокчилик ҳужумини уюштириш	73%
Жисмонан жазолаш ёки йўқотиш таҳдиди	22%
Ёлланма қотилларни ёллаш	5%
3. Саноат шпионажи	
Ходимларни сотиб олиш	43%
Ҳужжатларни ва шиланмаларни яширинча олиш	10%
Маълумотларни ва дастурларни кўчириб олиш	24%
ахборот технологиялари коммуникацияларига кириш	18%
музокараларни яширинча эшитиш	5%
4. Молиявий босим ўтказиш, зарар етказиш	
5. Психологик ва психик босим ўтказиш	

Тадбиркорлик корхонаси фаолиятига молиявий босим ўтказиш, зарар етказиш ҳамда психологик ва психик босим ўтказиш каби таҳдидлар ҳам жиддий хавф туғдиради.

Корхона иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи мазкур ички ва ташқи таҳдидларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этиш ёки мақбул доирада уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, иқтисодий хавфсизлик механизмини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

6.4. Фирибгарлик -тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдид

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг муҳим тури товламачилик бўлиб, у алдаш, лақиллатиш, кўркитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб кўйиш, ундан фойдаланиш; фирибгарликни англатади. *Товламачи* эса кишиларни товлаб, лақиллатиб, кўркитиб қун

кўрувчи, фирибгар шахсдир⁹⁶. Фирибгарлик – алдамчилик, хийлагарлик. Фирибгар – фириб берувчи, хийлагар, алдоқчи⁹⁷. *Фирибгарлик* – алдов ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан бегона мулк ёки мулкка нисбатан ҳуқуқни қўлга киритиш⁹⁸. *Фирибгарлик* корхона раҳбарияти ёки хизматчилари орасидан бир ёки бир нечта шахснинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини атайлаб нотўғри аке эттириши ва тақдим этишини, шу жумладан, ҳисоб ёзувларини қалбакилаштириш ва бошланғич ҳужжатларни сохталаштириш, ҳисоб ёзувларини қасддан ўзгартириш, хўжалик операциялари мазмунини ўзгартириш ва қонунчилик ҳамда корхона сиёсатида ўрнатилган қоидаларни бузиш ҳисобланади. Фирибгарлик – раҳбарият, бошқарувни амалга оширувчилар, ходимлар орасидан бир ёки бир нечта киши ёки учинчи шахслар томонидан ноқонуний ва адолатсиз манфаат олиш учун алдов ёрдамида атайлаб қилинган ҳаракатдир. “Фирибгарликка қўл урган одамлар одатда, ўз ҳаракатларини оқлашга арзийдиган ҳаракатлар, деб ишонадилар” (Америка Дипломли бухгалтерлар институти, 2003). Банк соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фирибгарлик қилган ходим одатда, ўзи алдаётган корхонада кўп йиллик стажига эга бўлади. Асосан, булар ваколатларга эга бўлиб, илгари ўз ишига нисбатан эътироз ва танбеҳлар олмаган муҳандис-техниклар сирасига кирувчи ходимлардир. Кўпинча улар фирибгарлик қилиш учун руҳсат этилган компьютер тизимларидан фойдаланадилар, қолаверса, бу ишни асосан, банкнинг оддий иш соатларида қиладилар (Trinkler, 2005).

Фирибгарлик содир этилиши тадбиркорлик корхонасидаги ишни ташкил этиш ва уни бошқариш, назорат қилишдаги, масъульятсизлик, боқибегамлик, сустқашлик,

⁹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ИВ. Тарғибот-шукр./ Таҳрир хайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.: ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 128-бет.

⁹⁷ Ўша манба, 348-бет.

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси.

интизомсизлик ва иш юритишдаги камчиликларга боғлиқдир. Фирибгарликка кўмак берувчи омишлар қуйидагилардан иборат:

1) ходимлар мажбуриятларининг аниқ ва катъий равишда тақсимланмаганлиги;

2) корхона активларига жисмоний жиҳатдан етишиш чекланмаганлиги;

3) ҳақиқий мавжуд активларни ушбу активлар ҳақидаги ёзувлари билан солиштиришга қодир бўлмаслик;

4) операцияларнинг зарур авторизациясиз бажарилиши (1-4 бандлар мажбуриятларнинг чегараларини ажратиш билан боғлиқ);

5) ходимлар сонининг етарли эмаслиги ёки малакали ходимларнинг етишмаслиги (бунинг натижасида назорат тадбирларининг номутаносиб равишда ижро этилиши);

6) ходимлар ўртасида ўзаро тил бириктирилиши;

7) кам миқдордаги қимматбаҳо юқори ликвидли активларнинг мавжудлиги;

8) менежерларда мавжуд назорат тадбирларини четлаб ўтиш ёки назарга илмаслик имкониятининг мавжудлиги.

Фирибгарликнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

1) фирибгарлик билан тузилган молиявий ҳисоботда юзага келадиган бузиб кўрсатишлар. Бундай ҳаракатлар молиявий ҳисоботда ахборотни тушириб қолдириш ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларини нотўғри қўллашни ўз ичига олади;

2) активларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши (ўғирланиши) натижасида юзага келадиган бузиб кўрсатишлар. Бундай ҳаракатларга талон-ғарож, камомад (ўзгалар мулкни ўзлаштириш) ва корхонани ўзига фойда келтирмайдиган бирон-бир нарсага алмаштириш учун пул маблағлари сарфлашга мажбур қиладиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлар киради;

3) коррупция. Коррупция – мамлакат иқтисодий ресурсларига, давлат мулкни тақсимлаш жараёнларида унинг бир қисмига эга бўлиш мақсадида уюшган жиноий гуруҳнинг

шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун кўювчи давлат хизмати амалдорларини ўз домига илинтириб, улардан фойдаланиши ва улар билан бирикиб, кўшилиб кетишидир⁹⁹. Коррупцияга ноқонуний мукофотлар, поралар, ноқонуний олинган пулларнинг бирон-бир қисмини ўзлаштириш, манфаатлар зиддияти, таъмагирлик киради.

Фирибгарлик мақсадида корхона ҳисоботларини бузиб кўрсатишларнинг иккита тури мавжуд:

- молиявий ҳисоботнинг ноҳалол тузилиши жараёнида бузиб кўрсатилиши;
- активларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши натижасида юзага келадиган бузиб кўрсатишлар.

Молиявий ҳисоботларнинг ноҳалол тузилиши куйидаги ҳолатлар ва усулларда амалга оширилади:

– алдамчилик, сохталаштириш, шунингдек, қалбакилаштириш асосида молиявий ҳисоботга асос бўладиган ҳисоб ёзувлари ёки ҳужжатларнинг ўзгартирилиши;

– хўжалик операциялари, ҳодисалар ва бошқа муҳим ахборотларнинг атайлаб яширилиши ёки тушириб қолдирилиши;

– бухгалтерия ҳисобининг ўлчаш, таснифлаш, тақдим этиш ёки очишга оид принципларининг атайлаб бузилиши.

Тадбиркорлик корхонасининг мол-мулки бўлган активларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши куйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин:

– пул маблағларининг ўзлаштирилиши;

– моддий активлар ва интеллектуал мулкнинг ўзлаштирилиши;

– тадбиркорлик корхонаси томонидан мавжуд бўлмаган товарлар ёки хизматлар учун ҳақ тўланишини уюштириш;

– корхонага тегишли активлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш¹⁰⁰.

⁹⁹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиёт: қисқача изоҳли дугат. – Т.: Ноширлик ёғдуси, 2015. 208-209-бетлар.

¹⁰⁰ Ички аудит. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – 88-бет.

Тадбиркорлик корхонасида фирибгарлик (ўғирлик) ларнинг энг кенг тарқалган турлари иктисодий фаолиятининг барча жараёнларида қуйидагиларда намоён бўлади:

1) *харидлар жараёнида:* а) сотувчилардан “чўтал” олиш учун нархни ошириб қўйиш; б) харидларнинг сифати ва ҳажми билан боғлиқ ҳийлалар қилиш; в) ресурслардан (транспорт, коммуникация, идора ашёлари) дан шахсий мақсадларда фойдаланиш;

2) *ишлаб чиқариш жараёнида:* а) тайёр маҳсулотни олиб чиқиб кетиш; б) ҳисобга олинмаган маҳсулотни “чапга” етказиб бериш; в) хом-ашё, материаллар, эҳтиёт қисмларни ўғирлаш;

3) *сотувлар жараёнида* а) маҳсулотни навларга ажратиш, сотув ҳажми билан боғлиқ ҳийлалар қилиш; б) инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш; в) харидорлардан “чўтал” олиш учун нархни камайтириб қўйиш;

4) *маркетинг ва реклама жараёнида:* а) реклама тарқатувчи корхоналар билан яширин келишувлар; б) инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш; в) реклама нархлари ва ставкалари билан боғлиқ ҳийлалар;

5) *бошиқарув ва назорат жараёнида:* а) активларни “чўнтак” фирмаларига олиб чиқиб кетиш; б) инсайдерлик ахборотини рақобатчиларга сотиш; в) асосланмаган шартномалар тузиш ва нақд пулларни олиб кетиш; г) ҳисобот билан боғлиқ ҳийлалар қилиш (қаранг: б.4.1-жадвал).

Иктисодий жиноят субъектлари корхонада ишлаётган мансабдор шахслар, бухгалтерлар, буюртма, иктисодий хужжатларни тақдим этиш, расмийлаштириш билан шуғулланувчилар, компьютер техникасида ишловчи шахслар бўлиши мумкин. Шунингдек, улар жумласига собиқ ходимлар, штатда бўлмаган, лекин амалда ишлаётган шахслар, собиқ раҳбарлар ва бошқа тоифадаги ходимлар ҳамда корхонага бегона шахслар киради¹⁰¹.

¹⁰¹ Қаранг: Экономическая безопасность предприятия (фирмы). / В.Б.Зубиц,

Фирибгарлик/ўғирликларнинг кенг тарқалган турлари¹⁰²

Иқтисодий фаолият жараёnlари	Фирибгарлик/ўғирликларнинг турлари
Харидлар	<ul style="list-style-type: none"> – сотувчилардан “чўтал” олиш учун нархни ошириб қўйиш; – харидларнинг сифати ва ҳажми билан боғлиқ хийлалар қилиш; – ресурслардан (транспорт, коммуникация, идора ашёлари) дан шахсий мақсадларда фойдаланиш.
Ишлаб чиқариш	<ul style="list-style-type: none"> – тайёр маҳсулотни олиб чиқиб кетиш; – ҳисобга олинмаган маҳсулотни “чапга” етказиб бериш; – хом-ашё, материаллар, эҳтиёт қисмларни ўғирлаш;
Сотувлар	<ul style="list-style-type: none"> – маҳсулотни навларга ажратиш, сотув ҳажми билан боғлиқ хийлалар қилиш; – инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш; – харидорлардан “чўтал” олиш учун нархни камайтириб қўйиш.
Маркетинг ва реклама	<ul style="list-style-type: none"> – реклама тарқатувчи корхоналар билан яширин келишувлар; – инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш; – реклама нархлари ва ставкалари билан боғлиқ хийлалар.
Бошқарув ва назорат	<ul style="list-style-type: none"> – активларни “чўнтак” фирмаларига олиб чиқиб кетиш; – инсайдерлик ахборотини рақобатчиларга сотиш; – асосланмаган шартномалар тузиш ва нақд пулларни олиб кетиш; – ҳисобот билан боғлиқ хийлалар қилиш.

Таъкидлаш лозимки, раҳбарлар ёки бошқарув учун маъсул шахслар орасидан бир ёки бир неча киши қилган фирибгарлик “раҳбариятнинг фирибгарлиги” деб аталади. Корхона ходимлари ҳисобланган шахсларнинг қилган фирибгарликлари “ходимларнинг фирибгарлиги” атамаси билан номланади. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида тил бириктириш мавжуд бўлиб, бу ҳолат корхона ходимлари орасида ҳам, корхонада ишламайдиган бошқа кишилар орасида ҳам мавжуд бўлади.

Д.В.Зубик, Р.С.Седегов, А.С.Головачева. Под ред. Р.С.Седегова, М.И.Плотницкого, А.С.Головачева – М., Высш. Шк., 1998. – С. 10.

¹⁰² Ички аудит. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – 88-89-бетлар.

Корхона ходимлари томонидан амалга ошириладиган жиноятлар ташқи савдо битимлари бўйича ҳисоб-китобларда, масалан, хорижий валютани ёпиқ валюта ҳисоб варақасига ўтказиш, жисмоний шахсларнинг чет элдан келадиган пул ўтказишларини амалга оширмаслик ва кейинчалик бу маблағларни ҳисоб варақаларидан олиш усулларида содир этилади. Шунингдек, тўлов ҳужжатларини сохталаштириб, бирон-бир чет элдаги ўзининг ёки ҳамтавоғининг ҳисобига кўчиради. Бундай жиноятларнинг содир бўлишига имзо чекилган ва муҳр босилган тоза бланкаларнинг берилиши, касса, бухгалтерия ҳужжатлари, муҳр, штамп, ҳисоб бланкаларни сақлаш тартиб-қоидаларига катъий риоя қилинмаслик сабаб бўлади.

Собиқ ходимлар, штатсиз ходимлар томонидан қилинадиган жиноятларда жинорий мақсадлардан беҳабар кишилардан фойдаланади. Инқирозга учраган корхона раҳбарлари ўзларида қолган бланка ва муҳр, штамплардан фойдаланиб, жинорий ишга қўл урадилар. Улар жавобгарликдан қочиб, корхона раҳбарлик лавозимларига илгари судланган ёки нокомпетент кишиларни ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Бегона шахслар, субъектлар корхона ходимлари кўмагида музокаралар ўтказиш, моддий неъматлар, товар пул маблағлар ресурслар олиш учун тўлов ҳужжатлар, чекларни қўлга киритиб, бирон-бир қурбон (шерик) билан товар олиш бўйича шартнома тузадилар.

Расмий равишда рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган корхона раҳбарлари томонидан жиноят, товламачилик касддан банкрот қилиш, мол-мулкка эга бўлиб, бунга ҳамкорлардан яшириш йўли билан амалга оширилади. Бундай жиноятда қуйидаги усуллар қўлланилади:

– товар етказиб бериш, иш бажариш учун бошқа ташкилотдан келадиган предоплатани (олдиндан пул ўтказиш) ноқонуний тарзда ушлаб қолади. Мақсади шартномани бажармаслик. Ёки шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ишларга харажат қилиш.

Айрим ҳолларда бўнак пулини (предоплатани) олиб, корхона ўз фаолиятини тўхтатади, аммо шартномани бажармайди. Товламачилар корхонани ташкил этиб, бирон-бир корхона билан шартномалар тузадилар. Пул маблағларини ёки товарни олгач, улар яширинадилар ёки бошқа мамлакатларга кочиб кетадилар.

Қасддан банкротга учраш қуйидагича амалга оширилади. Корхона озгина миқдорда бошқа корхонадан товар олиб, унинг учун тезда тўловни амалга оширади. Бу билан ҳамкорлар ишончига киради, сўнгра катта миқдорда товарни кредитга, насияга харид қилиб, уни сотиб, нақд пулга айлантирадилар. Шундан сўнг қарздор ёки фирма эгалари судга муурожаат этиб корхонани банкрот деб эълон қилдиришга эришадилар, охир оқибатда корхона тугатилади. Қолган мулк сотилиб, қарзнинг бир қисмигина тўланади.¹⁰³

Ҳозирги даврда чет эл тажрибасида кўп учрайдиган уч босқичли инқирозга учраш усулини кўллаш ҳам кучаймоқда. Ушбу усулда янги корпорация ташкил этилиб, унга обрўга, нуфузга эга бўлган таникли раҳбар тайинланади. Дастлабки босқичда кичик ҳажмда товар етказиб бериш бўйича бошқа компаниялар билан шартномалар, буюртмалар тузилади. Кейинги босқичда катта ҳажмда буюртма берилади, аммо унинг қиймати қисман, 25% миқдорида тўланади. Учинчи босқичда эса ҳамкорнинг ишончидан фойдаланиб, яна катта миқдорда товар олиш бўйича шартнома тузилади.

Ушбу товарнинг катта қисмини сотиш осон бўлган товарлар, масалан, ювелир буюмлари, ҳисоблаш техникаси қабилар ташкил этади. Шу даврлардан бошлаб товламачилар ёки воситачилар томонидан товарлар нақд пулга айлантиради. Шундан сўнг корпорация кредиторларнинг тазйиқи билан ўзини банкрот деб эълон қилади¹⁰⁴. Шунинг учун ҳар

¹⁰³ Экономическая безопасность предприятия (фирмы). / В.Б.Зубик, Р.С.Седегов, А.Абдулла; Под ред. Р.С.Седегова, М.И.Плотнишского, А.С.Головачева // Вып. Шк., 1998. – С. 13-17.

¹⁰⁴ Қаранг: Ларичев В.Д. Как уберечься от мошенничества в сфере бизнеса: Прак-

бир корхона бошқалар билан шартнома тузишда потенциал ҳамкорнинг банкрот бўлиш эҳтимоллигини жиддий ўрганишлари керак бўлади.

Сохта ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳам фирибгарликнинг муҳим шакллари билан бирдир. Бунда товламачи, фирибгарлар сохта (фиктив) корхона тузиш йўли билан жиноий ҳатти-ҳаракатларни амалга оширадilar. Сохта (фиктив) корхона тузиш йўли билан жиноят содир этишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– сохта ҳужжатлар асосида сохта корхона ташкил этилади;

– оммавий ахборот воситаларида турли товарлар арзон нархларда, қисқа муддатда етказиб бериш шarti билан сотиш тўғрисида эълонлар бериллади;

– эълонга жавоб берган корхона билан олдиндан пул ўтказиш ёки аванс тўлаш шarti билан савдо-сотиқ шартномаси тузилади;

– шу йўл билан олинган пул товламачилар томонидан ўзлаштирилади.

Ушбу хавф-хатарнинг олдини олиш учун корхона раҳбарлари шартнома тузмоқчи бўлган корхонани ўрганишлари, ўзлари бориб кўришлари ҳамда шартнома шартларини пухта таҳлил қилишлари керак бўлади.

6.5. Тадбиркорлик корхона (фирма) си иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси

Тадбиркорлик корхонаси ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли йўналишдаги иқтисодий хавфсизлик стратегияларини ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг бош стратегияси тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг кенг қамровли тизимининг умумий концепцияси орқали ифодаланади. Хавфсизликнинг бош

стратегиясидан ташкари тадбиркорлик фаолияти боскичларига боғлиқ равишда махсус стратегиялар ҳам ишлаб чиқилади. Шунингдек, хавфсизликнинг функционал стратегиялари ҳам ишлаб чиқиши мумкин:

1. Превентив хавфсизлик стратегияси, авваламбор, хавфнинг олдини олиш чора-тадбирларини ўз ичига олади. Бу чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг барча бўлиmlарининг контрагентлар, яъни бизнес бўйича ҳамкорларни текшириш, кутилаётган шартнома ва келишувларни таҳлил қилиш, ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, махфий ахборот ва маълумотлар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш бўйича кундалик, мунтазам ишлар орқали амалга оширилади. Бунда корхонанинг хавфсизлик хизмати назорат қилиш вазифасини бажаради.

2. Тезкор, реактив чора-тадбирлар стратегияси тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига бирон-бир таҳдид вужудга келганида ёки бу таҳдид бевосита хавф солаётган ҳолатда қўлланилади. Бу стратегия мавжуд вазиятга биноан, барча ташки ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг раҳбарияти ва хавфсизлик хизмати томонидан вазиятга мос келадиган махсус чора-тадбирларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тактикаси тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар, хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ўз ифодасини топади. Хавфсизликка таҳдидларнинг тавсифи ва салбий оқибатларининг қай даражада оғирлигига боғлиқ равишда қуйидаги ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин, масалан:

– тадбиркорлик корхонаси юридик (ҳуқуқшунослик) хизматини кенгайтириш;

– тижорат сирни ҳисобланган маълумотларни сақлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш ва амалга ошириш;

– компьютер хавфсизлиги бўлимини ташкил этиш;
– шартнома ва келишув шартларини бузган бизнес бўйича ҳамкорга ўзининг норозилигини, штрафга тортиш юзасидан билдиришномасини тақдим этиш;

– суд органларига шартнома шартларини бузган ҳамкорга нисбатан иш кўзгатиш бўйича тақдимнома киритиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўзининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мурожаат қилиш.

Иқтисодий стратегияларнинг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

– мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган иқтисодий таҳдидларни бартараф этиш ёки олдини олишга йўналтирилган, масалан, ахборот оқимларига;

– хавфсизлик объектларига ноҳуш, салбий таъсирларни чекловчи, масалан, тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларга;

– таҳликаларни ҳисобга олган ҳолда инновацион ва инвестицион сиёсатларни амалга ошириш оқибатида корхонага етказилган зарар ёки йўқотишларнинг ўрнини қоплашга, уларни тиклашга қаратилган хавфсизлик стратегиялари¹⁰⁵.

Корхона хавфсизлигини таъминлаш учун хўжалик фаолиятининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўли билан унинг турли таҳдидларга барқарорлиги ҳамда хавфсизлик даражаси баҳоланади. Ушбу таҳлил қуйидагиларни ўз ичига олади:

– иқтисодий манфаатларга таҳдидлар бўйича корхонанинг заиф томонлари, таҳдидларнинг салбий таъсири баҳоланади;

– иқтисодий таҳдидларнинг салбий таъсирини бартараф этиш бўйича шу дамгача кўрилган чора-тадбирларни хўжалик субъектларини бошқариш элементларининг фаолияти билан боғлиқ равишда қайта кўриб чиқиш;

¹⁰⁵ Абулқосимов Х.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.- Т.: Илмий-Техника Аxboroti-Press, 2017. – 148- бет.

– хўжалик субъектини бошқаришнинг функционал элементлари таҳдидларининг салбий таъсирини бартараф этишдаги ролини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлаш ва баҳолаш;

– иқтисодий хавфсизлик даражасини интеграл баҳолашни шакллантириш;

– хавфсизлик даражасини баҳолашнинг жорий натижаларини илгариги даврда олинган натижалар билан солиштириш ва такқослаш;

– иқтисодий манфаатларга таҳдидларни бартараф этиш ёки нейтраллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарли даражада натижалар бермаганлигининг сабабларини аниқлаш;

– иқтисодий хавфсизликни таъминлашда хўжалик субъектини бошқаришнинг функционал элементлари фаолиятини яхшилаш бўйича қўшимча тавсиялар тайёрлаш.

Ушбу бошқаришнинг функционал элементларини молиявий, интеллектуал, кадр, техника-технологик, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ахборот, куч элементлари ташкил этади¹⁰⁶.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг корхона хўжалик-молиявий фаолияти билан боғлиқ жиҳатларини активларни бошқариш, капитал қўйилмалар таркибини назорат қилиш, молиявий портфель қисмларининг таҳлика ва даромадлилик бўйича нисбатлари, рентабелликнинг ўсиши, маркетинг тизимининг ривожланиши, корхонанинг қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва тартибга солиш, бошқаришнинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш ҳисобига харажатларни камайтириш, шунингдек, рақобатчи корхона фаолиятини ва товарлар бозоридаги аҳволни чуқур таҳлил қилиш ташкил этади.

Иқтисодий хавфсизликнинг интеллектуал ва кадрлар жиҳати персонал билан ишлаш, ходимларни ўқитиш ва

¹⁰⁶ Қарағ: Основы экономической безопасности. – М., 1997. – С. 139; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: РАГС, 2001 – С. 285.

меҳнат мотивациясини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни сақлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Бунда кадрлар малакасининг етишмаслиги, уларнинг корхонага наф келтиришга қодир эмасликлари ёки буни истамасликлари, корхонанинг турли бўлимлари меҳнат унумдорлиги ва иш сифатининг пасайиши иқтисодий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ишлаб чиқаришнинг техник даражаси, сотилаётган ва харид қилинаётган лицензиялар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва қўлланилаётган технологиянинг жаҳоннинг энг яхши андозаларига мослиги, маҳсулотнинг илм талаблиги ва инновация даражаси муҳим ҳисобланади.

Хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши, меҳнат жамоасидаги ишбилармонлик кайфияти ва ижтимоий муҳитни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирларни баҳолашни ўз ичига олади. Ахборотлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уни ҳимоя қилиш корхона учун иқтисодий жиҳатдан муваффақият келтиради. Жисмоний шахсларнинг саломатлиги ва ҳаётига етказиладиган моддий ҳамда маънавий зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг элементлари ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда – хўжалик субъектининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда қуйидаги ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланилади:

– корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти, ўзининг айланма активларининг умумий активлар суммасига нисбати;

– жорий ликвидлик кўрсаткичи;

– ўз капиталининг рентабеллиги;

– умумий тўловга қодирлик кўрсаткичи, активлар бозор қийматининг хўжалик субъектининг барча мажбуриятларига нисбати;

- капиталлаштириш коэффициенти, ўз капитални бозор кийматининг қарз маблағларини баланс кийматига нисбати;
- менежмент коэффициенти, сотишдан олинган пул тушумининг жорий мажбуриятлар микдорига нисбати.¹⁶⁷

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги бозор иктисодиётига ўтиш даврида корхоналар ўзининг иктисодий хавфсизлигини кўпроқ ўзи таъминлашга мажбур бўлмоқдалар. Корхона хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий, ташкилий, техник тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш лозим. Бунда хавфсизликни таъминлашнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат бўлади: қонунийлик; шахсий ва корхона манфаатларининг уйғунлиги; персонал ва раҳбарларнинг ўзаро биргалиқдаги масъулияти; давлат хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш. Шундан келиб чиқиб, корхонада иктисодий хавфсизликни таъминлашнинг ягона тизимини яратиш куйидаги тамойиллар асосида амалга ошириладигани, улар ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик фаолияти вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг муҳим талаблари ҳам ҳисобланади:

Қонунийлик хавфсизлик чоралари мамлакатда амал қилаётган қонунлар доирасида ишлаб чиқилади.

Иктисодий максадга мувофиқлик ва фойдалилик. Кўрилаётган иктисодий хавфсизлик чоралари хўжалик фаолиятининг ёмонлашувига, фойдасининг камайиб кетишига олиб келмаслиги керак.

Дастурли-мақсадли режалаштириш, мустақиллик ва масъулият. Корхонанинг хавфсизлик хизмати ўз фаолияти учун зарур бўлган маблағ, ресурс, моддий техника анжомлари билан таъминланган бўлишлари лозим.

¹⁶⁷ Каранг: Вешняков Я.Д., Колосов А.В., Шемякин В.Л. *Оценки и анализ финансовых рисков предприятия в условиях враждебной среды бизнеса // Менеджмент в России и за рубежом.* 2000. №3; *Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов.* 2-е изд.-СПб.: Питер, 2004. – С.169-171.

Ўзаро ҳамкорлик ва фаолиятларини мувофиқлаштириш. Корхонанинг турли бўлимлари ушбу тамойил асосида фаолият юритишлари керак бўлади.

Ихтисослашув ва профессионализм. Хавфсизлик хизматининг кадрлар таркиби бу йўналишда маълум тайёргарликдан ўтган ва шундай ихтисосликда касбкорликка эга бўлиши керак.

Ишни ташкил этиш. Хавфсизликни таъминлашда химоянинг замонавий воситаларидан фойдаланиш, илғор тажриба ва илмий ишланмаларга таянган ҳолда ишни ташкил қилиш лозим.

Талабчанлик ва назоратнинг очиқлиги. Корхона фаолиятида маъмурий-ҳуқуқий режимни қўллаш ва унга риоя қилиш устидан назорат маълум шароитларда консператив тавсифга эга бўлади.

Тадбиркорлик субъекти ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу концепция тадбиркорлик корхонаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган расмий ҳужжат мақомига эга бўлади. Тадбиркорлик корхонаси иқтисодий хавфсизлик концепцияси бозор конъюнктураси ўзгаришларининг ноаниқлиги ҳамда ташқи ва ички таҳдидлар мавжудлиги шароитида бизнес мақсадларига эришиш мақсадида корхона хавфсизлигининг асосий объектларини ишончли химоялашга қаратилган чора-тадбирлар тизими, мажмуасидан иборат бўлади¹⁰⁸.

Тадбиркорлик корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.

¹⁰⁸ Қараг: Абулкасимов Х.П., Саидахмедова Н.И., Абулкасимов М.Х. Экономическая безопасность предпринимательской безопасности. Учебное пособие. – Т.: Ўлий техника ахбороти-пресс нашриёти, 2016. – С.78-79; Абулкасимов Х.П. Ўзбекистонда илбидармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. - Т.: Ўлий-Техника Ахбороти-Press, 2017. – 151-152- бетлар.

1. Тадбиркорлик корхонаси хавфсизлиги соҳасидаги муаммоли ҳолатларнинг баёни:

а) ташки муҳит ҳолатининг аниқланиши;

б) корхона ҳолатининг таҳлили, унинг ресурслари соҳа-соҳага, корхона объектларининг ҳимояланганлиги даражаси, кадрлар соҳа-соҳага ишончлилиги, унинг молиявий, кадр ва интеллектуал, ҳуқуқий, инфор-мацион, техник-технологик, экологик ва бошқа функционал бўлимларининг ҳолатининг тавсифи;

в) корхона учун потенциал ва реал хавф-хатар ҳамда таҳдидларни аниқлаш, уларни аҳамияти, вужудга келиши муддати ёки келтириши мумкин бўлган зарар миқдори нуқтаи назардан тизимлаштириш;

г) хавф-хатар ва таҳдидларнинг вужудга келиши сабаблари ва омилларини аниқлаш;

д) алоҳида хавф-хатар ва таҳдидларнинг келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларини прогноз қилиш ва қўрилиши мумкин бўлган зарарларнинг ҳисоб-китобини қилиш;

е) муаммоли ҳолатларни тавсифлаш.

2. Иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини шакллантириш:

а) хавфсизлик стратегияси ва сиёсатини шакллантириш;

б) хавфсизликни таъминлаш мақсадларини аниқлаш;

в) шакллантирилган хавфсизлик стратегияси ва сиёсатини амалга ошириш, унинг мақсадларига эришишни таъминлайдиган вазифаларни белгилаш.

3. Тадбиркорлик корхонаси иқтисодий хавфсизлиги тизимини шакллантириш:

а) корхона хавфсизлиги тизимининг функциялари ва унинг асосий принципларини белгилаш;

б) хавфсизлик объектларини аниқлаш ва уларнинг ҳимоялаш ҳолатларининг таҳлили;

в) корхонада хавфсизликни таъминлаш органлари (субъектларини) ташкил қилиш;

г) иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;

д) корхона хавфсизлигини таъминлаш тизимини бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини ташкил қилиш.

4. Тадбиркорлик корхонаси иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашнинг методологик дастакларини ишлаб чиқиш:

а) иқтисодий хавфсизлик ҳолатини ифодаловчи асосий мезон ва кўрсаткичларни аниқлаш;

б) корхона иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш методларини танлаш;

в) хўжалик фаолияти рискларини таҳлил қилиш методлари тизимини шакллантириш.

5. Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган куч ва воситаларни ҳисоб-китоб қилиш:

а) хавфсизлик объектларини кўриклаш ва ҳимоялаш воситалари, зарурий моддий-техника, энергетик ва бошқа ресурслар ҳисоб-китобини қилиш;

б) хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган инсон ресурслари сони ва уларнинг таъминоти, меҳнатини рағбатлантириш учун харажатлар ва ресурсларни аниқлаш;

в) корхона хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий харажатларни аниқлаш;

г) хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган харажатларни эҳтимолли хавф-хатар ва таҳдидлар таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган зарарлар миқдори билан таққослаш.

6. Корхона хавфсизлигини таъминлаш концепциясининг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш:

а) концепцияни амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган шарт-шароитларни аниқлаш;

б) концепцияни ресурс таъминлаш манбаларини топиш;

в) концепцияни амалга ошириш учун молиявий маблағларни ажратиш;

г) концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича хавфсизлик хизматининг ташкилий бўлинмаларининг стратегик ва иш режаларини ишлаб чиқиш;

д) хавфсизлик хизмати учун профессионал кадрларни тайёрлаш, шунингдек, корхона ходимларини хавфсизлик, фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш, иш режими, ҳужжатлар билан ишлаш, тижорат сирини саклаш қондаларига риоя қилиш бўйича ўқитиш ва бошқалар;

е) корхонанинг имкониятига мос бўлган хавфсизлик хизматининг маълум турини ташкил этиш ва уни бошқариш;

ж) хавф-хатардан ҳимояланишнинг техник воситаларини ва бошқаларни ўрнатиш;

з) иқтисодий хавфсизлик концепциясининг асосий вазифаларини бажариш самарадорлигини назорат қилиш;

и) корхона хавфсизлик тизимини доимий равишда ривожлантириб бориш, унинг ўзгариб боровчи вазиятга мослашиб боришини таъминлаш ҳамда иш услуги ва шаклларини такомиллаштириб бориш.

7. Корхона иқтисодий хавфсизлиги концепциясини амалга ошириш ва самарали қўллаш:

а) концепция ва унинг мақсадларининг ҳамда ташкил этилган хавфсизлик тизимининг мавжуд ва потенциал хавф-хатар ва таҳдидларга мослигини таъминлаш;

б) концепцияни амалга ошириш учун ажратилаётган ресурсларнинг етарли даражада бўлишини таъминлаш;

в) хавфсизлик хизматининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодирлигини таъминлаш;

г) корхона иқтисодий хавфсизлиги концепциясини амалга оширишининг иқтисодий, ишлаб чиқариш-техник, экологик самарадорлигини таъминлаш¹⁰⁹.

¹⁰⁹ Қаранг: www.superinf.ru (Понятия экономической безопасности предприятия); Абулкасимов Х.П., Саидахмедова Н.И., Абулкасимов М.Х. Экономическая безопасность предпринимательской безопасности. Учебное пособие. – Т.: ИИИ ТЕХНИКА АХВОРОТИ-PRESS NASHRIYOTI, 2016. – С.79-82; Абулкасимов Х.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.- Т.: ИИИ-Техника

Бундай тизимнинг мақсади иқтисодий-ҳуқуқий, ташкилий-ижтимоий тавсифдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида тадбиркорлик корхонаси иқтисодий аҳволига, унинг молиявий, моддий, кадрлар ресурсига хавф солувчи ташқи ва ички таҳдидларнинг салбий таъсирини минималлаштириш ёки уларнинг олдини олишдан иборатдир. Таъкидлаш лозимки, корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хавфсизлик тизимининг асосини ташкил этувчи бирламчи иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларга устуворлик бериш лозим бўлади.

6.6. Тадбиркорлик корхонасида хавфсизлик хизматини шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун хавфсизлик тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу тизим ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

– тадбиркорлик субъектига тегишли ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик объектларини, бошқарувчи раҳбарларнинг шахсий дахлсизлигини ҳамда пул маблағларини сақлаш учун кўрикчи-қоровуллик хизматини ташкил этиш;

– тадбиркорлик субъектининг инфор­мацион ва ижтимоий жihatдан химояланишини таъминлайдиган аналитик хизматни ташкил этиш. Унинг вазифалари ичида разведка ва контрразведка билан шугулланишни ташкил этиш учун стратегик муҳим субъектлар билан ишлаш ҳам муҳим ўрин тутди;

– ташқи экспертлар ва ички консултантлар гуруҳининг стратегик муҳим масалалар бўйича таклифларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича фаолиятини ташкил этиш.

Бу тизимни ташкиллаштиришда тадбиркорлик корхонасида фаолият юритадиган махсус иқтисодий хавфсизлик хиз-

матининг ўрни ва роли катта бўлади. Хавфсизлик хизматини ташкил этиш тадбиркорлик корхонасининг молиявий маънафақти микдорига, фаолияти кўламининг кенглигига боғлиқдир. Хавфсизлик хизмати деганда тадбиркорлик корхонасининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари билан амалда доимий асосда шуғулланадиган ва бунинг учун зарурий имконият ва малакага эга бўлган шахс ёки шахслар гуруҳи фаолияти тушунилади.

В.П.Мак-Макнинг фикрича, хавфсизлик хизматининг тадбиркорлик корхонасига кўрсатадиган хизмат турлари куйидагилардан иборат:

- бошқа тадбиркорлик корхоналари томонидан ноинсоф рақобат ҳолатини аниқлаш;
- жинсий ишлар бўйича маълумотларни йиғиш, тўплаш;
- корхонанинг тижорат сирини бўлган маълумотларнинг ошкор қилиниши билан боғлиқ вазиятни текшириш;
- тадбиркорлик корхонасини билан шартнома тузган шахслар ва корхоналар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;
- йўқолган корхона мол-мулкни кидириш;
- корхонанинг товар (фирма) белгиларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини текшириш;
- бедарак йўқолган ёки алоқаси узилган корхона ходимини кидириш, излаш;
- бизнес бўйича ҳамкорнинг тўловга қодирсизлигини, бурдсизлигини аниқлаш;
- бизнес бўйича ишончсиз ҳамкорларни аниқлаш;
- фуқаролик иши бўйича маълумотларни тўплаш;
- бозорнинг криминал ва салбий жиҳатларини ўрганиш;
- бизнес бўйича музокаралар олиб бориш учун маълумотларни тўплаш;
- корхона раҳбарияти ва ходимларнинг соғлиғи ва ҳаётини криминал тузилма вакилларининг тазйиқидан ҳимоя қилиш;
- корхона мол-мулкни қўриқлаш;

– тадбиркорлик корхонаси томонидан ташкил этиладиган расмий, маданий, ижтимоий, конфиденциал тадбирлар ўтказиладиган жойларда тартибни таъминлаш;

– тадбиркорлик корхонаси раҳбариятига ва ходимларга хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар бериш;

– корхонада қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси воситаларини ўрнатишни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, яъни эксплуатация қилиш¹¹⁰.

Корхонада ташкил этиладиган хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини қуйидагиларга қаратади:

– корхонанинг мол-мулки ва интеллектуал мулкига қилинган тажовузкорона таҳдид ёки улардан нораціонал фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш;

– ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги технологик жараёнлар мунтазамлигининг бузилишига ҳамда малакали кадрларнинг кетиб қолишига олиб келувчи нохуш, салбий тенденцияларнинг олдини олиш;

– иқтисодий дастурлар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсирини камайтириш чораларини амалга ошириш. Бундай омиллар махсулотнинг сифат ва рақобатбардошлилиги кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

– ҳамкорлар ва рақобатчиларнинг молиявий аҳволи, ишбилармонлар доирасидаги нуфузи тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида уларга муносабат масалаларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш¹¹¹.

Амалиётда тадбиркорлик корхонасининг ўз хавфсизлик хизматини ташкил этиши анча қийин иш ҳисобланади, чунки

¹¹⁰ Мак-Мак В.П. Служба безопасности предприятия. – М.: Баярд, 2003. – С. 203-204.

¹¹¹ Қараи: Экономическая безопасность предприятия (фирмы) / В.Б.Зубик, Д.В.Зубик, Р.С.Седегов, А.Абдула; Под ред. Р.С.Седегова, М.И.Плотницкого, А.С.Головачева. – М.: Высш. шк., 1998. – С. 40-41. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд.-СПб.: – Питер, 2004. – С. 76-109.

хар бир тадбиркорлик субъектининг фаолияти ўзининг хусусиятига ва имкониятларига эга. Тадбиркорлик корхонасида иқтисодий хавфсизлик хизматини ташкил этиш жараёни бир неча боскичлардан иборат.

1. Ўзининг иқтисодий хавфсизлик хизматини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Хавфсизлик хизматини ташкил этиш масаласи корхона ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдаёқ кўтарилади. Хавфсизлик хизматини ташкил этиш тадбиркорлик фаолияти турига, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кутилаётган ҳажмига, йиллик айланма капитал ва кутилаётган фойда ҳажмига, ишлаб чиқариш сирларидан фойдаланиш хусусиятига, ишчи-ҳодимлар сонига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Корхона муассислари олдиндан иқтисодий хавфсизлик хизматини ташкил этиш заруратини кўзда тутишлари лозим. Тадбиркорлик корхонасини давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг муассислар иқтисодий хавфсизлик хизматини ташкил этиш тўғрисида пировард қарор қабул қиладилар. Шундай ижобий қарор қабул қилингандан сўнг бевосита иқтисодий хавфсизлик билан шуғулланувчи шахс ёки шахслар гуруҳи аниқланади.

2. Иқтисодий хавфсизлик хизматининг умумий вазифалари, яъни таҳдидларнинг олдини олиш, вужудга келган таҳдидга жавобан чора-тадбирлар кўриш ва ҳимоя қилиш зарур бўлган объектларни (ҳодимлар, ахборотлар, компьютерлар, бино-иншоатлар) аниқлаш.

3. Корхонада иқтисодий хавфсизлик хизмати низоми ишлаб чиқилади, унинг таркибий тузилмаси белгиланади ва штати тасдиқланади. Мамлакатда амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмий хавфсизлик хизмати ташкил этилиши керак.

4. Кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш. Иқтисодий хавфсизлик хизматига корхонада доимий ишловчи асосий ходим ва ташқаридан жалб қилинган мутахассислар олинади. Ушбу хизматга бош бухгалтер, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизлик хизматига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, яъни ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура. Давлат солиқ органларининг солиқ ходимларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда уларнинг иш тажрибаси, ақлий, жисмоний, касбий ва маънавий-ахлоқий сифат ва қобилиятлари эътиборга олинади.

5. Иқтисодий хавфсизлик хизматини бевосита ташкил этиш ва унинг фаолият юритиши. Мазкур хизматни ташкил этиш учун мамлакатда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ тегишли давлат органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– ариза;

– хавфсизлик хизмати низоми;

– хавфсизлик хизмати раҳбари ва ходимларнинг кўриклаш-кидирув фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия;

– хавфсизлик хизмати фаолиятининг тавсифи, йўналишлари, таркибий тузилмаси, ходимлар сони, махсус, техник ва бошқа воситалар бўйича маълумотлар тақдим этилади.

Шунингдек, Хавфсизлик хизмати ўзининг молиялаштириш манбаига ҳамда баъзи ҳолларда ҳисоб вароғига эга бўлади.

6. Иқтисодий хавфсизлик хизмати фаолиятини назорат қилиш. Ушбу хизмат корхона раҳбариятига мунтазам равишда жорий ва йиллик ҳисоботлар, аниқ таҳдидларнинг олдини олганлик ёки унинг оқибатларини тугатганлик, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот беради. Шунингдек, корхона раҳбарияти Иқтисодий хавфсизлик хизмати ҳисоботларини таҳлил қилиб, унинг ишига тегишли баҳо беради¹¹².

¹¹² Қаранг: Абулкасимов Х.П., Саидахмедова Н.И., Абулкасимов М.Х. Экономическая безопасность предпринимательской безопасности. Учебное пособие. – Т.: Илмий техника ахбороти-пресс нашриёти, 2016. – С.102-104; Абулкасимов Х.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. – Т.: Илмий-техника ахбороти-пресс, 2017. – 157-158 -бетлар.

Тадбиркорлик корхонасининг иқтисодий хавфсизлик хизмати ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан мунтазам алоқада бўлиб, ҳамкорликда фаолият юритишлари шарт. Иқтисодий хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда йўлга қўйилиши мумкин:

1. Кадрлар масаласида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари корхонанинг иқтисодий хавфсизлик хизматига ишга олинаётган ходимларни текшириш, тадбиркорларга ходим томонидан ҳуқуқ бузилиши тўғрисидаги маълумотларни бериш, кадрларни тайёрлашда ёрдам беради.

2. Ўзаро ахборот алмашиш. Расмий органлар корхона хавфсизлик хизматига қидирилаётган шахслар, потенциал хавфли шахслар ва бошқалар ҳақида маълумотларни беради. Хавфсизлик хизмати ҳам корхона фаолиятига хавф солган ва унга нисбатан жиноий хатти-ҳаракат қилган шахслар ва товарламачи-фирибгарлар, таъмагирлар, рэкет ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

3. Ташкилий ўзаро фаолият юритиш. Улар жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилган ноқонуний ҳаракатларга қарши биргаликда чоралар кўрадилар. Шунингдек, корхонада кўриклаш ишларини ташкил этишда, сигнализация ўрнатишда, жиноий ҳаракатлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш бўйича ҳамкорлик қиладилар.

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муштарак ҳўжалик субъектлари сифатида фаолият юритувчи хавфсизлик тадбиркорлик фирмалари муҳим роль ўйнайди. Ўзининг хавфсизлик хизмати бўлимини ташкил этиш имкониятига эга бўлмаган корхоналар хусусий хавфсизлик хизмати ҳамда объектларни кўриклаш бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари билан шартномалар тузиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизлик хизмати ўзининг амалий фаолиятида намунавий ҳаракат схемасига, процедурасига, ҳаракатлар алгоритмига эга бўлиши керак. Иқтисодий хавфсиз-

лик хизматининг умумий ҳаракатлари алгоритми куйидаги босқичларни ўз ичига олиши мумкин (қаранг: 6.6.1-жадвал).

Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигига таҳдидларнинг кучайиб бориши ва бунинг оқибатида корхона ривожланишида турғунлик, инқироз ҳолатининг вужудга келиши эҳтимолининг мавжудлиги турли хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик корхонаси ҳолатини ва ривожланиш динамикасини мониторинг қилиш ҳамда химояланиш ва таҳдидларга қарши чора-тадбирларни кўриш заруратини туғдиради.

6.6.1-жадвал.

Корхона иқтисодий хавфсизлик хизмати фаолияти алгоритми¹¹³

Босқичлар	Ҳаракат тавсифи
1	Хавфнинг олдини олиш чоралари тизимини ишлаб чиқиш.
2	Хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва мониторинг қилиш.
3	Вужудга келган таҳдидни таҳлил қилиш ва баҳолаш.
4	Таҳдидни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.
5	Хавфсизликка таҳдидни бартараф этиш бўйича ҳаракатни (фаолиятни) амалга ошириш.

Корхона иқтисодий аҳволини мониторинг қилишнинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- тадбиркорлик корхонаси ҳолатини ва ривожланиш динамикасини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш салоҳиятининг ривожланиши жараёнларини ва ундаги салбий тенденцияларни ўрганиш;

¹¹³ Қаранг: Абулкасимов Х.П., Саидахмедова Н.И., Абулкасимов М.Х. Экономическая безопасность предпринимательской безопасности. Учебное пособие. – Т.: ИЛМИҲ ТЕХНИКА АХБОРОТИ-ПРЕСС НАШРИЙОТИ, 2016. – С.108; Абулкасимов Х.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.- Т.: Илмий-Техника Аxboroti-Press, 2017. – 160- бет.

– ишлаб чиқариш салоҳиятига хавф солувчи омиллар таъсирининг интенсивлигини, сабаблари, манбалари ва тавсифини аниқлаш;

– ишлаб чиқариш салоҳиятига, унинг фаолият соҳалари-га, маҳсулот ишлаб чиқаришга хавф солувчи омиллар таъсирининг оқибатларини прогноз (башорат) қилиш;

– вужудга келган вазиятни ва унинг ривожланиш тенденцияларини тизимли-аналитик ўрганиш, корхонага таҳдидларга қарши мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мониторинг тадбиркорлик корхонасининг барча бўлимларининг ўзаро биргаликдаги фаолияти натижаси бўлиши керак. Мониторингни амалга оширишда ўрганилаётган объектнинг ҳолатини кузатишнинг узлуксизлиги принципига асосланади. Бунда ишлаб чиқариш ҳолати ва унинг ривожланиш тенденцияларини, миллий иқтисодиётнинг умумий ривожланиши омиллари, сиёсий вазият ва бошқа умумий тизимли омиллар ҳисобга олинishi лозим. Мониторингни амалга ошириш учун ташкилий, методик, ахборот, техник воситалар таъминоти бўлиши керак. Мониторингни амалга ошириш мазмуни ва босқичлари 6.6.2-жадвалда тасвирланган.

6.6.2-жадвал

Мониторингни амалга ошириш босқичларининг мазмуни¹¹⁴

Босқичлар	Мониторинг босқичларининг мазмуни
1	Мониторинг объекти бўлган хўжалик субъектини тавсифлаш.
2	Корхона иқтисодий хавфсизлигини унинг фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, баҳолашнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари тизимини шакллантириш.
3	Мониторинг объекти ҳолатини тавсифловчи ахборот ва маълумотларни тайёрлаш ва тўплаш.
4	Корхона ривожланишининг истикболли йўналишларини ифодаловчи омилларни аниқлаш.

¹¹⁴ Бендиков М.А. Экономическая безопасность промышленного предприятия в условиях кризисного развития // Менеджмент в России и за рубежом. №2, 2000.

5	Корхонанинг ривожланиш стратегиясини ёки сценарийсини шакллантириш ва моделлаштириш.
6	Прогнознинг бутун даври учун корхонанинг иктисодий – техник кўрсаткичлар ҳисоб-китобини қилиш.
7	Корхона иктисодий хавфсизлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш.
8	Корхона иктисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадбиркорлик корхонасининг ҳолатини таҳлил қилиш асосида унинг хавфсизлигига таҳдид омилларини ўрганиш, ўзгарувчи ижтимоий-иктисодий вазиятларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда самарали ҳимоявий тизимни шакллантириш имкониятини яратади.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари билан хусусий хавфсизлик фирмалари ва ҳуқуқ-тартибот органлари бирга-ликда иктисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий-ташқилий, иктисодий асосларини яратиш, “Хусусий корхона” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлар тижорат сирларини саноат шпионажидан, ошқора бўлишдан ҳимоялаш учун қуйидагиларни амалга оширадилар:


- илмий-техникавий янгилик ва ахборотларни ҳимоя қилиш учун уларни патентлаштириш, муаллифлик ҳуқуқини олиш, тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни аниқлаш;

- ҳужжатлар билан ишлайдиган ходимларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, уларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиш, ахборот ва маълумотлар билан ишлаш тартибини белгилаш ҳамда унинг устидан назорат ўрнатиш;

- тижорат маълумотлари ва ахборотларини махсус ҳисобга олиш, уларни сақлаш тартибини ўрнатиш, назорат остида қўпайтириш ҳамда махсус шахслар кузатувида ҳужжатларни йўқ қилиш;

- ходимларни ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни ҳимоялаш бўйича ўқитиш, машғулотлар ўтказиш, инструкция,

тавсиялар бериш, кундалик эслатмалар килиш (қаранг: 6.6.1-расм).



6.6.1-расм. Корхонанинг тижорат сирларини ҳимоялаши¹¹⁵

Тадбиркорлар тижорат сирларини саноат шпionaжидан, ошқора бўлишдан ҳимоялаш мақсадида илмий-техникавий янгилик ва ахборотларни ҳимоя қилиш учун уларни патентлаштириш, муаллифлик ҳуқуқини олиш, тижорат сири ҳисобланган маълумотларни аниқлаш ҳамда тижорат маълумотлари ва ахборотини махсус ҳисобга олиш, уларни сақлаш тартибини ўрнатиш, назорат остида кўпайтириш ёки махсус шахслар кузатувида ҳужжатларни йўқ қилиш, ходимларни ҳужжатлар билан ишлашга ўргатиш керак бўлади.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари билан хусусий хавфсизлик фирмалари ва ҳуқуқ-тартибот органлари биргаликда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий-ташқилий, иқтисодий асосларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

¹¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

Фирибгарликнинг олдини олиш учун тадбиркорлик корхонасида қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1) корхонадаги ички назоратнинг ишончли тизимини шакллантириш. Бу тизим қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) тўла ва ҳар томонлама назорат, аниқ йўлга қўйилган бухгалтерия ҳисоботи тизими ва мунтазам равишда ўтказиладиган назорат тадбирлари уйғунлиги;

б) корхона ходимларининг шахсий сифатлари ва билимлари, менежерларнинг иш принциплари ва иш усуллари;

в) ички аудит хизматининг фаолиятини ташкил этиш;

г) мунтазам равишда инвентаризация ўтказиш;

д) назорат мажбуриятларининг тақсимланиши;

е) мустақил текширувларнинг ўтказилиши;

ё) ҳужжат айланмаси қондаларига қаттиқ риоя этилиши;

2) *ходимлар ва чет шериклар билан тил бириктиришининг олдини олиш*. Бу каби найрангларни тайёрлаш узок вақт талаб қилгани учун профилактика воситаси сифатида кадрлар ротацияси (ўрин алмаштириб туриш) ва уларнинг эгаллаб турган хизмат лавозимлари бўйича жойларини ўзгартириб туриш таклиф қилинади;

3) корхонанинг барча шерикларини корхонанинг хизматдаги суистеъмол ҳолатларига нисбатан тутган сиёсати ҳақида аниқ хабардор қилиш. Шерикларни сизнинг корхонангиз ходимларига иш ҳамкорларидан совғалар ва мукофотлар қабул қилишлари таъқиқланади, деган расмий хат йўллаш, шунингдек, бланкаларнинг орқа томонига “Аудиторлик текширувидан ўтказилади” деган муҳр босиб қўйилиши иккала томонга норасмий муносабатларнинг тахминий оқибатини эслатиб туради;

4) ходимларни текшириш. Одатда, ўгирланган маблағлар “ялло қилиб яшаш”га сарфланади. Шу сабабли корхона ходимларининг ҳаёт тарзидаги ўзгаришларни кузатиб бориш лозим бўлади;

5) аноним ахборотдан фойдаланиш. Бунинг учун “ишонч телефони” ташкил этиш ва унинг мавжудлиги тўғрисида

хамма ходимлар хабардор бўлишлари лозим;

6) *фаол ички аудит сиёсати*. Ички аудитдан фирибгарликнинг олдини олиш мақсадида фойдаланиш ходимларга ишлари ва ҳаракатлари исталган пайтда, ходимларга қулай бўлмаган вақтларда текширилиши мумкинлигини эслатиб туради¹¹⁶.

Асосий таянч тушунчалар

Корхона, тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, корхона иктисодий хавфсизлиги, тадбиркорлик фаолияти иктисодий хавфсизлиги, таҳдидлар, саноат шпионажи, тижорат сири, фирибгарлик, товламачилик, хавфсизлик хизмати.

Такрорлаш учун саволлар

1. Корхонанинг иктисодий манфаатлари нималарда намоён бўлади?
2. Корхона фаолиятига қандай ноаникликлар, рисклар таъсир кўрсатади?
3. Корхона фаолиятининг хавфсизлиги қандай аниқланади?
4. Саноат-иктисодий шпионаж нима ва у корхона фаолиятига қандай хавф солади?
5. Корхона иктисодий манфаати ва хавфсизлигига қандай таҳдидлар мавжуд?
6. Фирибгарлик нима ва унга қарши қандай чораларни кўриш керак?
7. Корхонада қандай хавфсизлик чора-тадбирлари кўрилади?
8. Ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият хавфсизлиги қандай таъминланади?
9. Корхонанинг тижорат сири ва ахборот объектлари қандай ҳимоя қилинади?
10. Корхонадаги хавфсизлик хизмати қандай вазифаларни бажариши керак?

¹¹⁶ Абулқосимов Х.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иктисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. - Т.: *Итйу-Техника* Аxboroti-Press, 2017. - 166-167- бетлар.

7-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

7.1. Иқтисодиёт реал сектори ва унинг ижтимоий- иқтисодий аҳамияти.

Иқтисодиёт – бу иқтисодий неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳамда уларни тартибга солувчи механизмлар ва турли даражадаги муассасаларнинг маълум даражада тартибга солинган тизимидир. Бошқача айтганда иқтисодиёт – бу зарурий ҳаётий неъматлар яратиш йўли билан жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи хўжалик тизимлари мажмуасидир. Ҳар қандай иқтисодиёт бир қатор зарурий бўғинлар ва умумий таркибий тузилмалардан иборат бўлади.

Булар ичидан ишлаб чиқаришнинг технологик усули, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий меҳнат тақсимоли ва ихтисослашиш, жамиятнинг иқтисодий ресурс салоҳияти ва усткурмавий тузилмаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётни шартли равишда икки йирик секторга ажратиш мумкин: реал ва молиявий (пул) секторларига. Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг реал секторига турлича таъриф берилди. Р.Р.Ҳасанов, Х.Асадуллаев, А.Сувонқулов, Х.Ҳакимовларнинг фикрига кўра “иқтисодиётнинг реал сектори (инглизча-real sector of economy) – иқтисодий ва қонуний белгиланмаган иқтисодий атама ҳисобланади ва маълум ҳудудда фаолияти ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик, ўрта ва йирик (индустриал) корхоналарни бирлаштирадиган иқтисодиёт соҳасидир. Иқтисодиётнинг реал сектори – бу иқтисодиётнинг муҳим сектори бўлиб, тўғри-

дан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш, даромад олиш ва бюджет даромадлари тушумини таъминлайди. Ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаси унинг иқтисодий атама синонимлари ҳисобланади”, - деб таъриф берадилар¹¹⁷. Бошқа бир таърифга кўра иқтисодиётнинг реал сектори – хом ашё ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи, ер ва капитал) ёки ишлаб чиқариш жараёни орқали товар ва хизматлар ишлаб чиқариш тушунилади. Бозор жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш омиллини бирлаштиришни англатади¹¹⁸.

А.Комовнинг фикрича, иқтисодиётнинг реал сектори – бу иқтисодиётда моддий буюм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, моддий бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳа. Реал секторга молия-кредит ва биржа фаолияти кирмайди¹¹⁹. Яна бир таърифга кўра “иқтисодиётнинг реал сектори – корхоналар (номолиявий корпорациялар), уй хўжаликлари ва уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи нотижорат институтларни ўз ичига олади. Фискал (монетар) нуқтаи назардан қараганда, уй хўжалиқлари ва уларга хизмат кўрсатувчи нотижорат институтлар маълум ҳолатларда “бошқа ижтимоий секторлар” номи остидаги ягона субсекторларга бирлашади¹²⁰.

Демак, иқтисодиётнинг реал сектори моддий ва номоддий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланувчи тармоқлар тизимидан иборат, яъни иқтисодиётнинг реал сектори моддий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат. Моддий ишлаб чиқариш – моддий шаклдаги маҳсулотларни, масалан, ишлаб чиқариш воситалари, озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари, кий-

¹¹⁷ Хасанов Р., Асатуллаев Х., Сувоикулов А., Хакимов Х. Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогноزلаштириш. Ўқув қўлланма. –Т, ТМИ “Iqtisod-moliya”, 2013.-192-бет.

¹¹⁸ <http://www.asianinsider.com/economic/definition.asp>.

¹¹⁹ Комов А. Анализ системы кредитования реального сектора экономики России в I полугодии 2004г.// русское экономическое общество, 2004г., №141, -С.7-8.

¹²⁰ File // F:/REAL %20SEKTOR/sektors.pdf.

им-кечак, турар жой ва бошқаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматларни яратиш, масалан, юк ташиш, йўл хизмати кўрсатиш, ишлаб чиқариш ахборотини узатиш ва ҳоказолар. мазкур соҳага саноат, транспорт, алоқа қурилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги кабилар киради. Номоддий ишлаб чиқариш – моддий шаклга эга бўлмаган ва аҳоли учун зарур хизматларни ишлаб чиқариш. мазкур соҳага аҳолига маданий-маиший, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт-жисмоний тарбия, уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш кабилар киради.

Моддий ишлаб чиқариш бирламчи, унга қараб хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади. Моддий ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш соҳаси учун иш кучини бўшатиб беради, уни иқтисодий-моддий ресурслар билан таъминлайди, бу соҳада ишловчиларга маҳсулот беради. Унинг даражаси қанча юқори бўлса, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам шунчалик ривож топади. Демак, икки соҳа тўғри мутаносибликда туради, аммо уларнинг нисбати иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Яратиладиган маҳсулот ва хизматлар қайси мақсадни қўзлашига қараб истемол буюмлари ва хизматларига, шунингдек, яратиладиган ресурсларга бўлинади. Ишлаб чиқариш учун истемол неъматларини қўпайтириш бирламчи аҳамиятга эга, аммо бунинг учун ишлаб чиқаришга қўшимча жалб этиладиган ресурсларни ҳам яратиш талаб қилинади ва бунга уларни қўплаб ишлаб чиқариш орқали эришилади. Яратиладиган (кўрсатиладиган) хизматлар ҳам бир ҳил бўлмайди. Уларнинг бир қисми кишиларнинг ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий хизматлар бўлса, бошқа қисми ишлаб чиқариш хизматларидирки, буларга транспорт, энергетика, сув хўжалиги, алоқа хизматлари киради.

Ишлаб чиқаришда яратилган неъматлар иқтисодий неъматларни ташкил этади. Биринчиси индивидуал неъматлар, яъни айрим кишилар ёки оиланинг эҳтиёжига хизмат қилувчи неъматлар. Иккинчиси ижтимоий неъматлар кишиларнинг биргаликдаги эҳтиёжини қондирувчи неъматлардир.

Эҳтиёжни кондиришнинг бош воситаси ишлаб чиқариш ҳисобланади. Аммо иқтисодиёт бу билан чекланмайди, чунки яратилган маҳсулот ва хизматларни истемолга етказиб бериш керак бўлади. ишлаб чиқариш турлари ихтисослашган, яъни муайян маҳсулот ва хизматларни муайян миқдорда яратишга мосланган бўлади. Эҳтиёжлар эса ғоят ҳилма ҳил, уларни муайян бир турдаги ишлаб чиқариш билан кондириб бўлмайди. шу сабабли турли соҳалардаги маҳсулот ва хизматлар бир-бирига айрибошланиб, уларни эҳтиёж учун зарур тўпламлари пайдо бўлади, сўнгра эса улар истеъмол қилинади. Айрибошлаш жараёнида кишилар зарур бўлган ноз-неъматлар эга бўладилар.

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ҳамда иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Иқтисодиётнинг асосий муаммоси – бу иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қандай қилиб тўлароқ кондириб бориш мумкинлиги тўғрисидаги масаладир.

Иқтисодиётнинг асосий муаммосини ҳал қилиш йўллари:

- иқтисодий ресурслар миқдорини кўпайтириш;
- ресурслар унумдорлигини ошириш;
- ресурслардан фойдаланишнинг турли ҳил муқобил вариантларидан энг самаралисини танлаш;
- жамият эҳтиёжларини оқилонлаштириш.

Миллий иқтисодиётни мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилишга эга бўлиши, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари ўсишига мос равишда унинг таркибини такомиллаштириб бориш ва диверсификация қилиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мамлакат тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

7.2. Иқтисодийёт реал сектори иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий методологияси

Мамлакат иқтисодиёти реал секторида иқтисодий хавфсизлик методологиясининг асосий жиҳатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- реал сектор иқтисодий хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш методлари;
- реал секторнинг иқтисодий хавфсизлик ҳолати;
- иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг таҳликали чегараларини танлаш;
- реал сектор иқтисодий хавфсизлик тизимини давлат томонидан бошқариш.

Иқтисодийёт реал сектори хавфсизлиги методологиясининг асосий жиҳатларини амалга ошириш механизми ва дастаклари 7.2.1-жадвалда берилган.

7.2.1-жадвал.

Мамлакат иқтисодиёти реал секторида иқтисодий хавфсизлик методологиясининг асослари¹²¹

Реал сектор иқтисодий хавфсизлигининг методологик жиҳатлар	Методологиянинг асосий тушунчалари. Мақсад ва вазифалар. Мақсадга эришиш механизмлари ва дастаклари
Ҳал этишнинг асосий методлари	Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегияси моделини шакллантириш. Хавфсизликка таҳдидларни нейтраллаштириш методларини тизимлаштириш
Реал секторнинг иқтисодий хавфсизлик ҳолати	Реал сектор алоҳида тармоқларининг ҳолатини вазиятли-тизимли таҳлил қилиш. Реал секторни ривожланиш динамикасини эксперт-аналитик баҳолаш.
Реал сектор хавфсизлиги индикаторларининг таҳликали чегараларини танлаш	Хавфсизлик индикаторларининг умумий классификацияси. Асосий параметрларни танлаш. Параметрларнинг методологик ҳисоблари.

¹²¹ Қаранг: Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник./Под ред. В.К. Сенчагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.107.

Иқтисодий хавфсизлик
тизимини давлат томонидан
бошқариш

Давлатнинг ролини асослаш. Давлат бошқарув органлари функциялари мазмуни ва қўламларини белгилаш. Давлат мақсадли дастур ва лойиҳалари. Хавфсизликнинг ҳудудий прогнозлари, стратегия, бюджет сиёсати. Ҳуқуқий таъминоти.

Жадвалдан кўриниб турибдики, хавфсизликни таъминлаш масаласини ҳал этиш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегияси моделини шакллантириш ва хавфсизликка таҳдидларни нейтраллаштириш, яъни таъсирини камайтириш ҳатто бартараф этиш методларини тизимлаштириш лозим бўлади. Шунингдек, реал сектор алоҳида тармоқларининг ҳолатини вазиятли-тизимли таҳлил қилиш, реал секторнинг ривожланиш динамикасини эксперт-аналитик баҳолаш жараёнлари амалга оширилади. Кейинги босқичда реал сектор хавфсизлиги индикаторларининг таҳликали чегараларини танлаш амалга оширилади. Бунинг учун хавфсизлик индикаторларининг умумий классификацияси тузилиб, асосий параметрларни танлаш ҳамда уларнинг методологик ҳисоблари амалга оширилади.

Иқтисодий хавфсизлик тизимини давлат томонидан бошқаришни ташкил этиш мақсадида давлатнинг роли асослаиб, давлат бошқарув органлари функциялари мазмуни ва қўламлари белгиланади. Шундан сўнг давлат мақсадли дастур ва лойиҳалари ишлаб чиқилади. Хавфсизликнинг ҳудудий прогнозлари, стратегияси, бюджет сиёсати амалга оширилади, уларнинг ҳуқуқий таъминоти шакллантирилади ҳамда вазиятлар ўзгариши тақозосига биноан такомиллаштирилиб борилади.

Реал сектор иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси реал сектор тармоқларининг барқарорлиги, рақобатбардошлиги, потенциалидан самарали фойдаланиш, иқтисодий юксалиш динамикасига эришишга қодирлиги, мамлакатнинг иқтисодий суверенитетини таъминловчи шарт-шароит ва омиллар ма-


жмуасини ифодалайди. Реал сектор иктисодий хавфсизлиги тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у ўз ичига реал секторнинг ташки ва ички хавфсизлиги ҳамда функционал-тармоқ соҳаларидаги хавфсизлигини олади.

Реал секторнинг ташки иктисодий хавфсизлиги унда фаолият юритувчи иктисодий субъектларнинг жаҳон бозорларидаги хавфсизлигини ва ишлаб чиқаришда хорижий ҳамкорлар билан бўладиган мулкний муносабатлар соҳасидаги хавфсизликни ўз ичига олади. Ички иктисодий хавфсизлик эса таркибий сиёсат, инвестиция, илмий-техникавий соҳалардаги хавфсизликни ҳамда хавфсизликнинг техноген жиҳатларини ифодалайди (қаранг: 7.2.1-расм).

Реал секторнинг функционал-тармоқ соҳаларидаги хавфсизлиги энергетика, озиқ-овқат ва ахборот хавфсизлиги шаклларида намоён бўлади.

Реал сектор иктисодий хавфсизлиги моҳиятини аниқлашда ва унинг объект томонларини баҳолаш учун асос бўладиган қуйидаги ёндашувлар таҳлил қилиниши лозим бўлади:

- Мамлакат иктисодиётидаги ҳолатни сифатли аниқлаш, жамият нуқтаи назаридан мавжуд ҳолатни саклаш ёки ривожлантириш;
- Иктисодиётнинг кишилар учун мақбул турмуш шароитларини, шахсни ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга тайёрлиги ва имкониятлари;
- Ташки ва ички таҳдидларга қарши туришга тайёрлиги ва имкониятлари;
- Иктисодиёт ривожланишининг нормал шароитларини қўллаб-қувватлашга кодирлиги;
- Нокулай омиллар таъсири шароитида иктисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга кодир бўлган иктисодиёт ривожланиш даражаси;
- Иктисодиётнинг ривожланишининг ўзгарувчан шароитларига самарали мослашишга кодирлиги.



7.2.1-расм. Иқтисодиёт реал секторининг иқтисодий хавфсизлиги шакллари¹²²

¹²² Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник/Под ред. В.К. Сеичагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.108 асосида муаллиф томонидан тузилган.

7.3. Реал сектор хавфсизлиги тизимининг концептуал асослари ва тахдидлар

Реал сектор иқтисодий хавфсизлиги тизимининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш кўп қиррали ва мураккаб жараён ҳисобланади. Бунда аввалом бор иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг функционал мақсадларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Реал сектор иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадли функциялари иерархияли бўлиб, қуйидаги даражалардан иборат:

- Мақсадли функцияларни вазифаларнинг йўналишлари ва уларни чекловчи шароитларни ҳисобга олган ҳолда концептуал баён қилиш;
- Хусусий дастурлар тизими (тармоқ ва функционал даражаларда);
- Аниқ лойиҳа ва дастурлар;
- Хавфсизликни таъминлашнинг территориал дастурларини амалга оширишнинг ҳудудий даражалари.

Реал сектор иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепциясини самарали амалга ошириш механизми унинг барча тармоқ ва соҳалари учун умумий ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- устувор тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими;
- билвосита рағбатлантиришнинг турли-туман шакл ва усуллари;
- реал секторнинг инновацион-инвестицион салоҳиятини максимал равишда рағбатлантириш.

Таъкидлаш лозимки, реал сектор хавфсизлигини таъминлаш сиёсати давлат иқтисодий стратегияси ва сиёсатининг таркибий қисмларидаридан бири бўлиб, унинг солиқ-бюджет, пул-кредит, ижтимоий, ҳудудий, инвестицион-таркибий, илмий-техникавий ва инновацион сиёсатлари билан ўзвий боғлиқликда амалга оширилади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда авваломбор, реал

сектор тармоқларида юзага келган вазиятлар таҳлил қилиниб, хавфсизликка таҳдидлар аниқланади. Шунингдек, иқтисодийтадаги жорий таҳликали жараёнлар аниқланади. Реал секторда такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг алоҳида элементлари хавфсизлигига таҳдидларнинг қисқа муддатли прогнозлари амалга оширилади. Миллий иқтисодиёт ривожланишидаги тенденциялар ва жаҳон иқтисодиётида вужудга келган ҳолатлардан келиб чиқадиган хавфсизликка потенциал таҳдидлар стратегик жиҳатдан баҳоланади.

Реал сектор иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи инқирозли циклни таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Умуммиллий экспертиза қилиш босқичи:

- эҳтимолли ривожланиш режимларини таҳлил қилиш;
- дастлабки хулосалар чиқариш;
- вазиятни баҳолашнинг вариантлари (1-вариант, 2-вариант ва ҳ.к.);
- молиявий-иқтисодий экспертизани амалга ошириш учун маълумотларни тайёрлаш. Бунда йўқотиш ва зарарлар баҳоланади, умумий параметрларнинг ёмонлашуви ва йўқотиш ва зарарларнинг сабаблари баён этилади.

2. Молиявий-иқтисодий экспертизалар босқичи:

- инқирозли ўзгаришларнинг молиявий параметрларини ҳисоблаш;
- молиявий ҳолат ривожланишининг сабаблари аниқлаш;
- инқирозли ҳолатларнинг интеграл индикаторлари ҳисоблаш;
- таъсирчанликни таҳлил қилиш.

3. Комплексе (кенг камровли) экспертизалар босқичи:

- хавфсизликка реал таҳдидларни аниқлаш;
- таҳдидларнинг иқтисодиётга салбий таъсир даражасини пасайтириш бўйича хулосалар чиқариш ва қарорлар қабул қилиш¹²³.

¹²³ Карант: Экономическая безопасность. Россия: Обзор курс: Учебник./Под ред.

Реал сектор иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ички таҳдидлар;
- ташқи таҳдидлар;
- объектив таҳдидлар;
- субъектив таҳдидлар;
- бозорларнинг резонансли бекарорлиги туфайли вужудга келган таҳдидлар;
- салбий иқтисодий ривожланиш тенденциялари туфайли вужудга келган таҳдидлар (каранг: 7.3.1-расм).



7.3.1-расм. Реал сектор иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар¹²⁴

Ташқи иқтисодий таҳдидларга иқтисодий ва сиёсий бекарорликлар, қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги, ноҳалол ва ноҳолис корхона ва фирмаларнинг диверсион салбий фаолияти, инвесторлар учун бозорларнинг ҳолати бўйича ахборотларнинг мавжуд эмаслиги, ноқулай бизнес муҳити, жаҳон иқтисодиёти ва бозорларидаги иқтисодий пасайиш, ноҳуш тенденциялар ва бошқалар киреди.

В.К. Сенчагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.112.

¹²⁴ Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник/Под ред. В.К. Сенчагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.113 маълумотлари асосида тузилди.

Ички таҳдидларга рискларни суғурта қилиш имкониятларининг чекланганлиги, бозор ишгирокчилар ўртасида аниқ ўзаро алоқадорликнинг йўқлиги; бозор иқтисодиётининг институционал жиҳатдан етарли даражада ривожланмаганлиги, иқтисодиётнинг энергия сифимкорлигининг юқорилиги; яширин иқтисодиёт кўламининг катталиги; асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибида жисмоний ва маънавий эскирган фондлар улушининг катталиги ва бошқалар киради.

Иқтисодий таҳдидларни реал секторга тўғридан-тўғри, яъни бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишлари нуктаи назардан ҳам таснифлаш мумкин (қаранг: 7.3.1-жадвал).

7.3.1-жадвал

Иқтисодиётнинг реал сектори хавфсизлигига асосий таҳдидлар классификацияси¹²⁵

Тўғридан-тўғри (бевосита) таъсир этувчи таҳдидлар	Билвосита таъсир этувчи таҳдидлар
Ишлаб чиқаришнинг пасайиши (стагнация)	Маҳсулот рақобатдошлигининг паслиги
Санат таркибининг деформациялашуви	Экспортда хомашё улушининг устуворлиги
Асосий фондлар ёшининг катталиги	Техника ва технология импортига боғлиқлик (карамлик)
Ишлаб чиқаришнинг паст техник-технологик даражаси	Инвестицияларни жалб этишда фонд бозорининг самарасизлиги, суетлиги
Кўпгина тармоқларда инновацион фаолликнинг паслиги; инновацион потенциални кризисли ёмонлашуви	Давлатнинг валюта, солиқ, божхона сиёсатининг самарасизлиги
Материал ва энергия хажмкорлигининг ўсиши	Реал секторни кредит-банк қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги

¹²⁵ Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник/Под ред. В.К. Сенчагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.115 маълумотлари асосида тузилди

Ишсизликнинг ўсиши, кадрлар касб-малака даражасининг пасайиши	Капиталнинг мамлакатдан кочиши
Табийий-ресурс потенциалининг кучсиз фойдаланиш	Тармоқлараро нарх диспаратетининг мавжудлиги
Корпоратив муносабатларнинг криминаллашуви, коррупция	Миллий ишлаб чиқарувчиларга протекционистик давлат сиёсатининг мавжуд эмаслиги

Иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши (стагнация), саноат таркибининг деформациялашуви, асосий фондлар ёшининг катталиги, ишлаб чиқаришнинг паст технологик даражага эгалиги, инновацион фаолликнинг пастлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар материал ва энергия ҳажмкорлигининг ўсиши ва шу кабилар тўғридан-тўғри таҳдидлар ҳисобланади. Маҳсулот рақобатдошлигининг пастлиги, экспорт умумий ҳажмида хомашё улшининг устуворлиги, техника ва технология импортига боғлиқлик (қарамлик), давлатнинг валюта, солиқ, божхона сиёсатининг самарасизлиги, кредитлаш тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалар билвосита таҳдидларни ташкил этади.

Иқтисодиётнинг реал сектори иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг салбий таъсирини пасайтириш, уларнинг олдини олиш мақсадида самарали саноат сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. *Саноат сиёсати* –бу хўжалик субъектлари фаолиятини ва улар маҳсулотларининг ҳаёти циклининг барча фазаларини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирлари йиғиндисиدير. Саноат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Инновация сиёсати. Бу сиёсат давлат томонидан иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш моделининг белгиланиши, тадбиркорлик ва илмий-инновацион тузилмалар ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш, хўжалик субъектларининг инновацияга бўлган интилишларини рағбатлантириш тизимини шакллантиришни ўз ичига олади.

2. Саноат сиёсати мақсадларига мувофиқ саноатнинг тармок ва худудий таркибини тубдан ўзгартириш, такомиллаштириш ва диверсификация қилишни молиявий таъминлаш ҳамда кўллаб-қувватлаш учун капиталнинг иқтисодиёт секторлариаро, тармоклараро ва худудлараро оқувчанлигини рағбатлантиришга қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш.

3. Ишлаб чиқаришни ва инфратузилмаларни ривожлантиришга капитал қўйилмаларни таъминлашга ва рағбатлантиришга йўналтирилган инвестиция сиёсатини юритиш¹²⁶.

Саноат сиёсати қуйидаги асосий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади:

1) қонунчиликни, шу жумладан, ижтимоий, меҳнат ва саноат қонунчилигини такомиллаштириш;

2) саноатнинг аниқ секторларидаги сиёсат (саноатнинг устувор тармоқларини ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни, кичик, ўрта ва йирик корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш);

3) аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишини рағбатлантириш;

4) моддий активларни (саноат, транспорт инфратузилмаси, алоқа) инвестициялаш;

5) саноатда илмий тадқиқот ва ишланмаларга, янги технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, сифатни оширишга, экологик соф технологияларга, стандартизацияни ривожлантиришга инвестициялар киритиш;

6) рақобатбардошликни таъминлаш ва рақобатни ривожлантириш, ички бозорларни ва экспортни ривожлантириш, савдони эркинлаштириш соҳасидаги сиёсат;

7) хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

¹²⁶ Горячева Т.В. Инновационная деятельность как главный фактор промышленного роста / Т.В. Горячева // Инновационная деятельность. - М., 2010. - №3. С.34-35.

8) экологик сиёсат ва саноат экологиясини муҳофаза қилиш;

9) энергетик сиёсатнинг саноат жиҳатлари;

10) ҳудудларни ривожлантириш сиёсати;

11) ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан саноат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

12) бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатнинг индустриал ривожланишини таъминлаш.

Умуман иқтисодиётнинг реал секторига хавфсизликни таъминлаш ва таҳдидларнинг салбий таъсирини пасайтириш, олдини олиш ҳамда баргараф этиш учун узоқ муддатли даврга мўлжаллаб қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

– саноат сиёсатини такомиллаштириб бориш, бу борада узоқ муддатли дастурларни қабул қилиш ва амалга ошириш;

– ишлаб чиқаришга молия-банк хизмат кўрсатишини барқарорлаштириш ва яхшилаш;

– жаҳон бозорларида миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича фаол ташқи иқтисодий сиёсат юритиш;

– реал сектор тармоқларининг ресурс потенциалини қўллаб-қувватлаш сиёсатини юритиш;

– акционерлик жамиятларида давлат мулкларини фаол бошқариш;

– малакали кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш.

Реал сектор тармоқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича жорий даврда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириб бориш лозим бўлади:

– йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантириш;

– амортизация ажратмаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш;

- импорт ўрнини босиш бўйича технологик занжирни қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқаришни тарифлар ва нарх бўйича қўллаб-қувватлаш;
- лицензиялаш жараёнларини фаоллаштириш;
- стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулот ва хизматларга давлат буюртмалари тизимини оқилонлаштириш.

7.4. Ўзбекистонда реал сектор иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг мустақилликка эришган дастлабки даврдаги макроиқтисодий аҳволининг ўзига хослиги Ўзбекистонга тоталитар тузумдан заиф, бир ёклама ривожланган, хом ашёга ихтисослашган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолганлиги билан изоҳланади. Собик Иттифокнинг инкйрози туфайли республикалар ўртасида рўй берган иқтисодий алоқаларнинг бузилиши XX аср 90-йиллари бошида ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакат иқтисодиётини чуқур таназзулдан чиқариш, унинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг ҳолатини ифода қиладиган кўрсаткичларни яхшилашга, шу билан бирга мамлакатни тангликка олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганиш, чалғишлар ва номутаносибликлар бўлиши мумкинлигига ўз вақтида эътибор қаратиш, танглик ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олиш тадбирларини фаол амалга ошириш ғоят муҳим эканлиги белгилаб олинди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов "Барқарорлашти-

риш сиёсати – энг аввало, бу макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аник мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир. Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ҳам ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат¹²⁷, -деб таъкилаган.

Барқарорлаштириш сиёсатни ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг икки ёндашуви таҳлил қилиниб, каттиқ монетаризмга таянмаслик кераклиги асоаланди.

Ўзбекистонда бундай сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида ислохотларнинг биринчи босқичида 1991 йилга нисбатан иқтисодий пасайиш бошқа МДХ давлатларидек оғир кечмади. Ялпи ички маҳсулот 1995 йилда 1991 йилга нисбатан 18,8%га камайди. Макроиктисодий барқарорлаштириш сиёсатининг асоси сифатида каттиқ монетар ёндашувни қабул қилган бошқа МДХ давлатларида ЯИМ ҳажми 40-60%, шу жумладан, Россияда 53%, Украинада 52 %гача, Белоруссияда -54,6%, Қозоғистонда 75,4%га пасайди. Ўзбекистонда ЯИМнинг энг катта пасайиши 1992 йилда кузатилаган. Шу йили ЯИМ 11 %га камайган. 1995 йилда эса 1,2 %га пасайган, холос.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясини намойиш қила бошлади. ЯИМ нинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 1996-2003 йилларда 4%ни ташкил этди. 2004 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш натижасида мамлакат иқтисодиёти йи-

¹²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т: Ўзбекистон. 1995-197-бет.

лига 7-8% даражасидаги юкори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш қилди¹²⁸ (қаранг: 7.4.1-жадвал).

7.4.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари (ўтган йилга нисбатан %ҳисобида)¹²⁹

Кўрсаткичлар	1991	1995	2000	2005	2010	2016	2017
ЯИМ (ишлаб чиқариш)	99,5	99,1	103,8	107,0	108,5	107,8	105,3
ЯИМ аҳоли жон бошига	96,7	97,3	102,4	105,7	106,7	105,9	103,6
Саноат ишлаб чиқариши	101,5	100,1	105,9	107,2	108,3	106,2	107,0
Қишлоқ ҳўжалиги	98,9	102,2	103,1	105,4	106,8	106,6	102,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	105,0	104,0	101,0	105,7	109,2	107,7	107,1
Қуриш	96,6	95,8	103,0	110,7	105,1	110,2	105,6
Юк ташуш	101,7	99,5	100,2	105,5	110,3	105,0	102,5
Йўловчи ташуш	99,5	92,3	102,5	114,0	106,3	104,6	103,3
Чакана савдо	82,3	95,7	107,6	105,1	113,6	114,4	102,4
Пуллиқ хизматлар	84,2	73,0	115,7	116,3	112,5	109,3	108,9
инфляция (ўтган йилнинг декабрига%да)				107,8	107,3	105,7	111,4

¹²⁸ Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Стат. Сб. – Т.: Узбекистан, 2011. С. 13; Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг.) // www.stat.uz.

¹²⁹ «Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Статсборник – Т.: Узбекистан 2011. – С. 14, 15, 18.; Альманах Узбекистана -2013.-Г., ЦЭИ, 2013г.-С.82; Альманах Узбекистана-2017г.-Т., 2017.-С.22.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2017 года.-Т., Госкомстат РУ, 2018.-С.14.маълумотлари асосида тузилди.

Давлат бюджети ижроси даражаси (ЯИМ га %да)			-1,0	1,1	0,3	0,1	0,1
Ташқи савдо айлан- маси	60,2	124,8	97,9	109,6	104,7	97,5	111,0
Экспорт	67,5	138,3	100,9	111,5	110,6	97,4	114,9
Импорт	57,9	110,9	94,8	107,2	97,2	97,7	107,2

Ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга доир дастурларнинг амалга оширилиши туфайли 2007-2016 йилларда ЯИМ 2,2 мартадан зиёдга ўсди. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ва манбалари тахлили шуни кўрсатмоқдаки, юқори, барқарор иқтисодий ўсish суръатлари шу даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 1,9 баробарга (ўртacha ўсиш суръати 6,5%), саноат-1,7 баробарга (5,6%), қурилиш – 3,9 баробарга (15,0%), хизмат кўрсатиш соҳаси- 2,5 баробарга (9,7%) ўсиши ҳисобига эришилди¹³⁰. 2017 йилда ЯИМ нинг йиллик ўсиш суръати 5,3%ни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,0%га, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 2%га, асосий капиталга киритилган инвестициялар 7,1%га, ташқи савдо айланмаси 11,0% га, экспорт 14,9%га, импорт 7,2%га ўсди. Ташқи савдонинг ижобий сальдоси 880,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.


Ўзбекистон Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми 2018 йилда 407,5 трлн сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 5,1 фоизга ўсди. Йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ 12,3 млн сўмни ташкил этди. Бу 2017 йилга нисбатан 3,3 фоизга кўпроқ демакдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 88,8 фоизини ташкил этди ва 5,1 фоизга ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,5 фоиз пунктни таш-

¹³⁰ Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг //Госком статистики Республики Узбекистан.//www.stat.uz.

кыл этди).

Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 11,2 фоизни ташкил этди ва 5,5 фоиз даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,6 ф.п.). ЯИМ ўсиш суръатига саноат тармоғи энг катта таъсир кўрсатди (2,1 ф.п.) ва ўтган йилга нисбатан 10,6 фоизга ўсди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 28,2 фоизга, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 6,4 фоизга ва бошқа саноат тармоқларининг 4,7 фоизга ўсиши исобига таъминланди¹³¹.

2018 yilda
YalM ning iqtisodiy faoliyat turi
bo'yicha o'sish sur'atlari



iqtisodiy faoliyat turi

2018 йилда ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 128,1 фоизни ташкил этди. ЯИМ дефлятори индексининг энг юкори кўрсаткичлари саноат тармоғида – 144,3 фоиз ва кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 128,6 фоиз қайд этилди¹³².

¹³¹ Ўзбекистон ЯИМ 2018 йилда 5,1 фоизга ўсди.// <https://www.gazeta.uz/uz/2019/01/23/yalim/>

¹³² Ўзбекистон ЯИМ 2018 йилда 5,1 фоизга ўсди.// <https://www.gazeta.uz/>

Мамлакатимизда амалга оширилган иктисодий ислохотлар натижасида иктисодий хавфсизлик асосан таъминланди. Аммо ҳозир ҳам реал сектор тармоқларида хавфсизликка таҳдидлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йилнинг II чорагида иктисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иктисодий ҳолати ва истикболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан ўтказилган сўровнома натижалари унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган таҳдидларни аниқлашга имкон берди.

Сўровнома натижалари иктисодиётнинг реал секторидан ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш имкониятлари мавжудлигини ҳамда республикамиз иктисодиётининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланилишига тўсқинлик қилаётган омилларнинг сакланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотларнинг қарийб 40 фоизи сўнгги чорақда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (кийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) сакланиб қолаётганини маълум қилган. Респондент корхона ва ташкилотларнинг 60 фоизида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80 фоиздан, қарийб 20 фоизида эса 50 фоиздан паст бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг амалдаги ҳажмининг унинг потенциал ҳажмидан паст эканлиги аниқлади. Хусусан, сўровда қатнашган кимё саноати корхоналарининг 83 фоизида, автомобиль саноати корхоналарининг 80 фоизида, енгил саноат корхоналарининг 74 фоизида, озиқ-овқат саноати корхоналарининг 73 фоизида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80 фоиздан паст даражада шаклланган. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаётган корхона ва ташкилотлар бундай ҳолатнинг асосий сабаблари сифатида хом-ашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни, электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги муаммоларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга (ишлар, хизматларга) талабнинг пастлигини ҳамда айланма маблағлар танқислигини кўрсатган

Бундан ташқари респондент корхона ва ташкилотларнинг 32 фоизи табиий газ таъминотида, 39 фоизи электр энергияси таъминотида ҳамда 45 фоизи инфратузилма объектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланиш борасида муаммоларнинг мавжудлигини маълум қилган. Тармоқлар кесимида қурилиш материаллари саноатида корхона ва ташкилотларнинг 44 фоизи табиий газ таъминотида ва 47 фоизи электр энергияси таъминотида, енгил саноат корхоналарининг 35 фоизи табиий газ таъминотида ва 31 фоизи электр энергияси таъминотида ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарининг 33фоизи электр энергияси таъминотида муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу ҳолат иқтисодиётда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилишига ҳамда ишлаб чиқаришнинг янада кенгайтирилишига тўскинлик қилаётган хатарлардан деб баҳолаш мумкин¹³³.

2018 йилнинг II чораги мобайнида респондент корхона ва ташкилотларнинг фақатгина 43 фоизи ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга оширганлиги иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг нисбатан суст даражада шаклланганлигини англатади. Сўровнома доирасида реал сектор корхоналари маҳсулотлари (иш, хизматлари) нархларининг ўзгариши ҳам ўрганилган бўлиб, сўровнома натижалари респондент корхона ва ташкилотларнинг қарийб 40 фоизида нархларининг ўтган чоракка нисбатан оширилганлигини кўрсатди. Бунда, респондентларнинг 31 фоизида нархларнинг 1-5 фоиз оралиғида ва 39 фоизида 6-10 фоиз оралиғида оширилганлиги иқтисодиётда маълум даражадаги инфляцияни босимнинг сақланиб турганлигини кўрсатмоқда.

Инвестицион фаолият 2018 йилнинг II чораги мобай-

¹³³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодиёт реал сектори корхоналари билан ўтказилган сўровнома натижалари 2018 йил II чорак.-Тошкент 2018 й.// https://trustbank.uz/oz/press_center/news/i-tisodiyetning-real-sektori-korkhonalari-bilan-tkazilgan-s-rovnorma-natizhalari/

нида корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллиги (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) нисбатан сует даражада бўлиб, жами респондентларнинг факатгина 43 фоизи ҳисобот даврида инвестицион харажатларни амалга оширган. Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг нефть-газ саноатида 67 фоизида, озиқ-овқат саноатида 52 фоизида, енгил саноатда 49 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 45 фоизида, кимё саноатида 42 фоизида, электроэнергетика тармоғида 22 фоизида, транспорт хизмати соҳасида 59 фоизида, қурилиш ишлари соҳасида 48 фоизида ҳамда туризм соҳасида факатгина 22 фоизида инвестициялар амалга оширилган. Инвестицияларнинг 34 фоизи бино ва иншоотлар қуриш ҳамда реконструкция қилишга, 53 фоизи ускуналар ва бошқа асосий воситалар харид қилиш ва ўрнатишга йўналтирилган¹³⁴.

Сўровнома натижалари 2018 йилнинг II чорағи давомида корхона ва ташкилотларнинг 40 фоизи томонидан тижорат банкларида кредит маблағлари жалб қилинганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг нефть-газ саноатида 30 фоизи, тоғ-кон саноатида 60 фоизи, кимё саноатида 27 фоизи, қурилиш материаллари саноатида 48 фоизи, озиқ-овқат саноатида 40 фоизи ва енгил саноатда 36 фоизи ҳисобот даврида тижорат банклари кредит маблағларини жалб қилган. Респондентларнинг кредит олиш шартлари ва улар билан боғлиқ муаммолар бўйича фикрлари ўрганилганда, уларнинг 37 фоизи ҳисобот даврида кредит олиш шартларининг яхшилانганлигини, 27 фоизи ўзгармаганлигини, 15 фоизи эса талабларнинг кучайганлигини кўрсатиб ўтган. Шунингдек, сўровнома натижаларига кўра, айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини юкори даражада деб баҳолаган корхона ва ташкилотларнинг улуши 24 фо-

¹³⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иктисодиёт реал сектори корхоналари билан ўтказилган сўровнома натижалари 2018 йил II чорак.-Тошкент 2018 й.// https://trustbank.uz/oz/press_center/news/i-usodiyetning-real-sektori-korkhonalari-bilan-ikazilgan-s-rovnomana-natizhalari/

изни, кониқарли даражада деб баҳолаган респондентларнинг улуши эса 68 фоизни ташкил этди.

Сўровнома давомида мамлакатдаги иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши бўйича олинган ижобий натижаларга мос равишда, респондентларнинг 46 фоизи 2018 йилнинг II чораги давомида ўз корхона ва ташкилотларида иш ўринлари сонининг қўлайганлигини маълум қилган. Тармоқлар кесимида, иш ўринлари сонининг ортиши корхона ва ташкилотларнинг тоғкон саноатида 80 фоизида, қурилиш соҳасида 67 фоизида, тиббий хизмат соҳасида 60 фоизида, транспорт соҳасида 59 фоизида, енгил саноатда 50 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 45 фоизида, озиқ-овқат саноатида 38 фоизида, кимё саноатида 33 фоизида, туризм соҳаси корхона ва ташкилотларининг 29 фоизида кузатилган. Шу билан бирга, сўровномада қатнашган нефть-газ саноати корхоналарининг 50 фоизида иш ўринлари сони қисқарган бўлса, электрэнергетика тармоғида иш ўринлари сони ўзгаришсиз қолган. Бунда, ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларининг 50 фоизида иш ҳақи миқдорлари оширилган бўлса, 49 фоизида иш ҳақи миқдорлари ўзгармаган¹³⁵.

Бу муаммоларни ҳал этиш реал сектор иқтисодий ҳавфсизлигига таҳдидларни камайтиришга имкон беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизида қўйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этган:

– очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодиёт реал сектори корхоналари билан ўтказилган сўровнома натижалари 2018 йил II чорак.-Тошкент 2018 й.// https://trustbank.uz/oz/press_center/news/i-tisodiyetning-real-sektori-korkhonalari-bilan-otkazilgan-s-rovnom-a-natizhalari/

– иқтисодиётда давлат ишгироқини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажминини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш¹³⁶.

Мазкур мақсадларга эришиш учун давлат раҳбари қуйидаги устувор вазифаларни белгилаб берди:

Биринчидан, биз макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашимиз шарт.

Иккинчидан, иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шартини бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Учинчидан, банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенгжорий этиш зарур.

Тўртинчидан, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак.

Бешинчидан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар жадал давом эттирилади.

Олтинчидан, иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш лозим.

Еттинчидан, биз эркин бозор тамойилларини ўрнатмоқчи эканмиз, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислох қилиш ва ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратишимиз шарт.

Саккизинчидан, иқтисодиётимизни жаҳон бозорига ин-

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи. 2018 йил 29-декабр.

теграция қилиш ва экспортни кўллаб-қувватлаш устувор вазифадир.

Тўққизинчидан, ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозим.

Ўнинчидан, кишлок хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислох қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир¹³⁷.

Истикболда мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши иктисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида, шу жумладан, реал секторда иктисодий хавфсизликни таъминлаш, таҳдидларнинг салбий таъсирини камайтириш, нейтраллаштириш, олдини олишга ишончли ва барқарор шарт-шароитлар яратади.

Асосий таянч тушунчалар

Иктисодиёт, иктисодиётнинг реал сектори, реал сектор иктисодий хавфсизлиги, ички хавфсизлик, ташқи хавфсизлик, функционал-тармоқ хавфсизлиги, иктисодий таҳдидлар, иктисодий хавфсизликнинг методологик асослари, иктисодий хавфсизликнинг концептуал асослари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иктисодиётнинг реал сектори нима ва унинг иктисодиётдаги ўрни қандай?
2. Иктисодиёт реал сектори хавфсизлиги тушунчасининг мазмуни нима?
3. Реал сектор ички иктисодий хавфсизлиги деганда нима тушунасиз?
4. Реал сектор ташқи иктисодий хавфсизлиги деганда нима тушунасиз?

¹³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29-декабр.

5. Реал сектор функционал-тармоқ иқтисодий хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Реал сектор иқтисодий хавфсизлигининг методологик асослари нималардан иборат?
7. Реал сектор иқтисодий хавфсизлигининг концептуал асосларини тушунтириб беринг.
8. Реал сектор иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар нималардан иборат?
9. Реал сектор иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналиш ва усуллари нималардан иборат?
10. Ўзбекистонда реал сектор иқтисодий хавфсизлигига қандай таҳдидлар мавжуд?
11. Ўзбекистонда реал секторни янада ривожлантириш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун нималарни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади?

8-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТИШИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ШАРТЛАРИ

8.1. Инновация ва инновацион иқтисодиёт тушунчаларининг моҳияти

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация инсоният тараккиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда. Инновация жараёнининг доимий ривожланиб бориши инсоният ва ижтимоий ҳаёт ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Инновацияларга турлича таърифлар мавжуд. Жумладан, Й.Шумпетер: “Инновация – бу мавжуд жараёнга янгича қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт ва ишланмани ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни маълум бўлган қандайдир жараёнга қўллашдир”¹³⁸, – дея таъкидлаган.

Инновация – жамият ривожланиши билан ўзгариб боровчи инсон эҳтиёжларини қондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнининг мажмуаси. Инновация – янги киритилган тартиб-қоида, усул, расм-рўсум ва янгилик, янги кўринишдаги буюмларни, технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва оммалаштиришга қаратилган ижодий фаолият натижаси. Инновация (инглизча “innovations”- киритилган янгилик, ихтиро сўзидан олинган) – фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибага асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилишидир. **Инновация деб** янги кўринишда маҳсулот (товар, иш, хизмат) яратилишини ёки такомиллаштирилишини, ишлаб чиқариш жараё-

¹³⁸ Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: ЭКМО, 2007.-С.278.

нининг янги кўриниши жорий килинишини ёки ушбу жараённинг такомиллаштирилишини, бизнесни юритишда янги маркетинг ёки ташкилий усулларнинг жорий килинишини, иш ўринлари ташкил этишни ёки ташқи алоқалар ўрнатилишини ўзида мужассамлаштирган инновациявий фаолиятнинг якуний натижаси тушунилади. Кенг маънода инновация дейилганда янги технологиялар, маҳсулот ва хизматлар турлари сифатидаги янгиликлар, ишлаб чиқариш, молия, тижорат, маъмурий ёки бошқа хусусиятларга эга ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий қарорлардан самарали фойдаланиш тушунилади. Янгилик ғоясининг тугилиши, яратилиши ва оммалашидан бошлаб фойдаланишгача бўлган вақтни инновациянинг ҳаётий цикли деб аташади. Ана шулар билан боғлиқ ишларни олиб бориш тартиби ҳисобга олинган ҳолда инновациянинг ҳаётий циклига инновация жараёни сифатида қаралади. Халқаро стандартларга кўра инновация бозорда жорий этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд ижтимоий хизматларга янгича ёндашув кўринишидаги инновация фаолиятининг пировард натижаси сифатида баҳоланади¹³⁹.

Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол килинишгача бўлган маънавий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд – янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш¹⁴⁰.

Инновация турлари қуйидагилардан иборат: 1. Технологик инновацияларнинг иккита тури мавжуд: **маҳсулотлар**

¹³⁹ Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид ағама ва тушуниқларнинг изоҳли дугати.-Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT",2017.-203-204-бетлар.

¹⁴⁰ Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид ағама ва тушуниқларнинг изоҳли дугати.-Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT",2017.- 204-бет.

бўйича инновациялар ва жараёнлар бўйича инновациялар. 2. Маркетинг инновациялар. 3.Ташкилий инновациялар. **Технологик инновациялар** деганда юридик шахснинг технологик янги маҳсулотлар ва жараёнларни, шунингдек маҳсулотлар ва жараёнларда сезиларли даражада такомиллаштиришларни, технологик янги ва сезиларли даражада такомиллаштирилган хизматларни, хизматлар ишлаб чиқарилиши (етказиб берилиши) бўйича янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ фаолияти назарда тутилади. **Маркетинг инновациялари** деганда янги ёки сезиларли яхшиланган маркетинг услубларини жорий этиш тушунилади. Булар ўз ичига: маҳсулотларнинг дизайни ва қадокланишида жиддий ўзгартиришлар; маҳсулотларни сотиш ва тақдимоти бўйича, шунингдек уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги услублардан фойдаланиш; янги нарх стратегияларини шакллантиришни олади. **Ташкилий инновациялар** – бу бизнесни юритишда, иш ўринларини ёки ташки алоқаларни ташкил этишда янги услубларни ишлаб чиқишдир. Бундай инновациялар бошқарув ва трансакцион харажатларни қисқартириш, ташкилот томонидан ишчиларнинг иш ўринлари (иш вактлари) билан таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, бозорда мавжуд бўлмаган активларга йўл топиш ёки етказиб бериш нархини камайтириш йўли билан ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлади¹⁴¹.

Инновацион фаолият йўналишлари ўз ичига технологик, ишлаб чиқариш, иктисодий, ижтимоий, савдо-сотик, бошқарувдаги инновацион фаолиятларни олади (қarang: 8.1.1-расм).

¹⁴¹ Қarang: Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иктисодиётга оид агама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати.-Т.: Т.: – "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.- 206-бет.

Инновацион фаолият йўналишлари



8.1.1-расм. Инновацион фаолият йўналишлари.

Инновацион иқтисодиёт (билимлар иқтисодиёти, интеллектуал иқтисодиёт) иқтисодиётнинг инновациялар оқимиغا, ишлаб чиқаришнинг доимий равишда технологик такомиллашиб боришига ва жуда юқори қўшилган қийматли юқори технологик маҳсулот ва технологиялар экспортига асосланган туридир¹⁴². Инновацион иқтисодиёт-мамлакатнинг кўплаб корхона ва ташкилотлари инновацион фаолият билан шуғулланадиган, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва ундан фойдаланадиган, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажмининг жами маҳсулотлар умумий ҳажмининг ярмидан кўпини ташкил этадиган иқтисодиётдир. Инновацион иқтисодиёт жамият учун фойдали бўлган ҳар қандай патент, лицензия, ноу-хау, ташқаридан келтирилган ва ўзида ишлаб чиқарилган янги технологи-

¹⁴² Инновационная экономика-Википедия.

ялардан самарали фойдаланадиган иктисодиётдир¹⁴³.

Билимга асосланган иктисодиёт атамаси “инновацион иктисодиёт” атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Аммо билимга асосланган иктисодиёт – саноат ривожланишидан кейинги инновацион иктисодиётнинг олий босқичи ҳисобланади. Жаҳон банки экспертларининг таърифига кўра билимга асосланган иктисодиёт – ўзининг ўсиши ва рақобатдошлигини ошириш учун билимларни яратадиган, таркатадиган ва улардан фойдаланадиган иктисодиётдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мутахассислари томонидан билимга асосланган иктисодиёт – бу билимлар барча тармоқлар, барча секторлар, иктисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитадиган иктисодиётдир, айти пайтда бундай иктисодиёт турли шакллардаги билимлардан фойдаланибгина колмасдан, балки мазкур билимларни юкори технологияли маҳсулотлар, юкори малакали хизматлар, илмий маҳсулот ва таълим сифатида яратади, деб таъриф берилган. Билимга асосланган иктисодиёт “моддий иктисодиёт”-дан “интеллектуал иктисодиёт”га ўтишни назарда тутадиган, бу билимлар ва ноёб кўникмаларнинг баркарор иктисодий ўсишнинг асосий манбаи ва ҳал қилувчи омилига айланганини ифодалайди. Билимларга асосланган иктисодиёт – билимлардан ўзининг ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун фойдаланаётган иктисодиётдир. Бундай иктисодиётда билимлар иктисодиёт барча тармоқларини, иктисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитиб боради. Билимларга асосланган иктисодиёт улкан ижтимоий аҳамиятга эга, у турмуш сифатини яхшилаш принципларига асосланади¹⁴⁴.

Билимга асосланган иктисодиётнинг таркибий қисмлари таълим, инновацион инфратузилма ва институционал тар-

¹⁴³ Корчагин Ю.А. Инновационная экономика и экономика знаний //http://www.icsc.ru/?part=articles&art=11&page=37

¹⁴⁴ Қаранг: Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов тахрири остида.-Т.: Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.-441-бет; Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иктисодиётга оид ағам ва тушунчаларнинг изоҳли лугати.-Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”,2017.- 54-55-бетлар.

кибдан иборатдир. Таълим билимларни яратиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишга қодир бўлган билимли ва касбий тайёргарликка эга аҳолининг мавжудлигидир. Инновацион инфратузилма ахборот алмашиш, тарқатиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган ресурслар (оммавий ахборот воситалари, интернет ва бошқаларни ўз ичига олади). Институционал таркиб – билимлар эркин ҳаракатланиши, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва талбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган умумиктисодий муҳит.

Билимга асосланган иктисодиёт инфратузилмаси омиллари. Билимга асосланган иктисодиёт инфратузилмасига иктисодий ўсишни таъминлайдиган куйидаги омиллар киради: 1) юксак турмуш сифатини амалга оширадиган самарали давлат институтлари (муассасалари); 2) юқори сифатли таълим; 3) самарали илм – фан; 4) самарали илмий-техникавий венчур бизнеси; 5) юқори сифатли инсон капитали; 6) билимлар ва юқори технологияларнинг яратилиши; 7) ахборот жамияти ёки билимлар жамияти¹⁴⁵.

Инновацион иктисодиётга ўтиш билимга асосланган инфратузилмани шакллантиришни, бунинг учун, таълим, фан ва технологияларга, инсон капиталига инвестицияларни катта ҳажмларда йўналтиришни ва улардан самарали, оқилона фойдаланишни, шунингдек, иктисодий хавфсизлик шартларига риоя этишни тақозо қилади.

8.2. Инновацион иктисодиётга ўтиш шароитида инвестицион хавфсизликни таъминлаш йўллари

Инвестициялар иктисодиётни ривожлантириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда, инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланишда, инновацион иктисодиётга ўтишда муҳим роль ўйнайди.

¹⁴⁵ Инсон тараккиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. К.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.: Т.: "Fan va texnologiya", 2013.-442-бет; Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иктисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изохли лугати.- Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.- 55-бет.

Инвестиция (лот. кийинтирмок) – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида миллий ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига капитал киритиш (кўйиш). **Инвестиция (капитал киритиш)** – хусусий сектор, давлат ичида ва хорижда турли иқтисодиёт тармоқларига ёки қимматбаҳо қоғозларига капитал маблағларнинг узоқ муддатга киритилиши. Молиявий инвестиция, акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; реал инвестиция мамлакат ичкарасида ва чет элларда ишлаб чиқаришга капитал киритиш (кўйиш), шунингдек, ёш мустақил давлатларга қарз ва субсидиялар бериш шаклларида амалга оширилади. Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўриниши. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар, техника ва технологиялар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади¹⁴⁶.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш йўлидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири инвестицион хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади. Инвестицион рискларнинг кучайиши, инвестиция муҳитининг ёмонлашуви ва инвестиция манбаларининг қисқариши, камайиши янги инвестицион хавф-хатарларнинг вужудга келишига олиб келади. Бу эса иқтисодий пасайиш ва инкирозли ҳолатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Инвестицион хавфсизлик инвестицион рискларнинг кучайишининг, инвестиция муҳитининг ёмонлашуви ва манбаларининг камайишининг олдини олиш асосида инвеляриинг илмҳажмкор тармоқларга йўналтириш йўли билан иннова-

¹⁴⁶ Қаранг: Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли дугали.-Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT",2017.-195-196-бетлар.

цион иқтисодийётга ўтишни таъминлаш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси мақсадларини амалга оширишга қаратилгандир.

Инновацион иқтисодийётга ўтиш шароитида инвестиция хавфсизлигини таъминлашда аввалом бор унинг муҳим индикаторлари аниқлаб олинади. Иқтисодий ва инвестицион хавфсизликнинг умумлашган, комплекс индикатори- ЯИМ да жами инвестицияга йўналтириладиган жамғарманинг улуши ҳисобланади.

Инвестицион хавфсизликнинг макроиқтисодий индикатори – инвестиция ўсиш суръатининг ЯИМ ўсиш суръатига нисбатидир. Инвестицион хавфсизликнинг микроиқтисодий индикатори сифатида корхоналардаги асосий капиталнинг чиқиб кетишини инвестициялаш йўли билан асосий капитални янгилашни даражаси олинади.

Инвестицион хавфсизлик инвестицион риск билан боғлиқдир. Инвестицион риск иқтисодий категория бўлиб, инвесторларнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлидаги инвестициянинг потенциал объектнинг назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган омиллар таъсирида юз берадиган фаолиятини яққол намоён этади, шунингдек, унинг молиявий ҳолатини ифодалайди. Инвестицион риск капитал қўйилмалар киритилиши туфайли юз бериш эҳтимоли бўлган нохуш натижадир. Бу капиталнинг йўқотилиши, ташкилот ва корхона ривожланиши суръатларининг пасайиши, бозорда ўз ўрни ва позициясини рақобатчига бериб қўйиш бўлиши мумкин.

Инвестицион рискларнинг қуйидаги турлари мавжуд:
– *жаҳон иқтисодийётдаги ҳолатдан келиб чиқадиган тизимли инвестицион риск.* Бу риск жаҳон ҳўжалигида юз берадиган инқирозли вазиятлар, хом ашё, молиявий активлар нархидаги ўзгаришлар ва бошқа нохуш ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Уларни баҳолашда фоиз савкалари, инфляция даражаси ва молиявий активларнинг пасайиши ҳисобга олинади;

– тизимли бўлмаган инвестицион рисклар. Улар инвестицияларнинг аниқ объектнинг молиявий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, алоҳида иқтисодий тармоқдаги рискларни ифодалайди. Бунда бизнес ҳамкорларнинг ишбилармонлик муносабатларидаги ва кредит рисклари ҳисобга олинади. Нотизимий рисклар деганда, етказиб берувчилар ҳақини тўлаш, истеъмолчилар тўлов қобилиятининг паслиги ёки йўқлиги, ҳамкорларнинг банкрот бўлиши билан боғлиқ рисклар тушунилади;

– молиявий инвестицион риск капитал қўйилма объектнинг банкротлиги туфайли молиявий йўқотишлари ёки рентабелли эмаслиги билан боғлиқ;

– инвестицион ликвидлик rischi инвесторнинг ноқулай шароитларда ўзининг инвестиция объектини тез сота олмаслиги riskидир;

– тармоқ инвестицион rischi—алоҳида олинган тармоқдаги вазиятларнинг, яъни ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва кўтарилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг тез ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рисклардир.

Инвестицион рискларнинг ишлаб чиқариш фондлари, асбоб-ускуналарнинг ҳолати, эскириши даражаси билан боғлиқ технологик риск ва экология ва ташқи атроф-муҳит билан боғлиқ экологик риск шакллари ҳам мавжуд. Шунингдек, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат йўналишларининг ўзгариши билан боғлиқ иқтисодий ҳамда сиёсий вазият билан сиёсий инвестицион риск, жамиятдаги ижтимоий вазият билан боғлиқ инвестицион социал риск ва қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ инвестицион риск шакллари мавжуд.

Инвестицион хавфсизликнинг рискларини ҳисобга олган ҳолдаги асосий мезон (критерий) лари қуйидагилардан иборат бўлади:

- иқтисодий ўсишнинг динамикаси ва сифати;
- иқтисодий ривожланиш ва мувозанатли бозор алоқалари;

– даромадлар (рентабеллик) ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши.

Ўз навбатида ушбу мезонлар тегишли иқтисодий индикаторлар билан ўлчанади. Масалан, иқтисодий ўсишнинг динамикаси ва сифати 1) ЯИМ ва ЯҲМда ялпи инвестиция жамғармасининг улуши; 2) инвестициялар йиллик ўртача ўсиш суръатларининг ЯИМ, тармоқ ва ҳудуд маҳсулотлари ўсиш суръатларига нисбати; 3) асосий капиталнинг янгиланиш ва модернизация қилиш даражаси; 4) қўшимча индикаторлар орқали аниқланади.

Иқтисодий ривожланиш ва мувозанатли бозор алоқалари 1) илмталаб ишлаб чиқаришларни инвестициялашнинг тармоқ устуворликлари; 2) хўжалик объектларини жойлаштириш ва инвестициялашнинг ҳудудий устуворликлари ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш; 3) ҳудудлараро ва тармоқлараро бозор алоқаларини ривожлантириш устуворликлари; 4) қўшимча индикаторлар орқали ифодаланди (қаранг: 8.2.1-жадвал).

8.2.1-жадвал

Инвестицион хавфсизликнинг риск омилларини ҳисобга олган ҳолдаги асосий индикаторлари¹⁴⁷

Мезон (критерий)лар	Индикаторлар	Риск омиллари
Иқтисодий ўсишнинг динамикаси ва сифати	1) ЯИМ ва ЯҲМда ялпи инвестиция жамғармасининг улуши	Макроиқтисодий
	2) Инвестициялар ва ЯИМ, тармоқ ва ҳудуд маҳсулотлари ўсиш суръатлари нисбати	макроиқтисодий
	3) Асосий капиталнинг янгиланиш ва модернизация қилиш даражаси	Макроиқтисодий
	4) Қўшимча индикаторлар	

¹⁴⁷ Қаранг: Экономическая безопасность России: Общий курс; Учебник. Под ред. В.К. Сенчагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.174.

Иқтисодий ривожланиш ва мувозанатли бозор алоқалари	1) Илмгалаб ишлаб чиқаришлари: инвестициялашнинг тармоқ устворликлари	Мезоиктисодий (худудий ва тармоқлар)
	2) Хўжалик объектларини жойлаштириш ва инвестициялашнинг худудий устворликлари ва ижтимоий сохаларни ривожлантириш	Мезоиктисодий
	3) Худудлараро ва тармоқлараро бозор алоқаларини ривожлантириш устворликлари	Мезоиктисодий
	4) Кўшимча индикаторлар	
даромадлар (рентабеллик) ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши устворликлари	1) Инвестицион лойиҳалар копланиши ва рентабеллиги	Микроиктисодий (корхона, компания, корпорация)
	2) ЯИМ ўсиши ва бюджет самарадорлигига улуш кўшиш	Микроиктисодий
	3) Махсулотнинг илмҳажм-корлиги ва рақобатбардошлигининг ўсиши	Микроиктисодий
	4) Кўшимча индикаторлар	

Мазкур инвестицион хавфсизлик индикаторларини баҳолашда инвестициявий рискнинг макроиктисодий, инвестиция объектининг жойлашиш жойини танлаш билан боғлиқ риск омилларини ҳамда алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик бошқаруви ва молиялаштириш риск омилларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади (қаранг: 8.2.2-жадвал).

Ушбулардан келиб чиққан ҳолда инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида инвестицион хавфсизликни тазминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– истиқболли инвестициялаш йўналишларини танлаш ва иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини хавфсиз амалга ошириш;

Инвестицион хавфсизлик индикаторларини баҳолашдаги
инвестиция рисклари омиллари¹⁴⁸

Рискларнинг макро-иктисодий омиллари (макродаража)	Объектнинг жойлашиш жойини танлаш билан боғлиқ риск омиллари (мезодаража)	Хўжалик бошқаруви ва молиялаштириш рисклари омиллари (микродаража)
Давлат-сиёсий рисклари ва иктисодий механизм бекарорлиги (контунчилик)	Хўжалик фаолияти ва тармоқ рискларининг устувор йўналишлари	Капиталнинг ўта концентратсиялашуви ёки инвестицияларнинг сочилиши
Ижтимоий-иктисодий стратегия устуворликлари ва ижтимоий шароитларнинг бекарорлиги	Объектларни жойлаштириш ва маҳаллий ҳудудий рисклар	Турли инвесторларни жалб этишда молиявий ресурсларнинг баланслашмаганлиги
Ташқи иктисодий алоқалар ва тармоқлараро хўжалик тузилмаларидаги кўзда тутилмаган ўзгаришлар	Ички ҳудудий ва тармоқ ичидаги риск омиллари	Инвестицион ва қурилиш лағлари ўзгариши (вакт rischi)
Бозор конъюктурасининг бекарорлиги ва иктисодий ва молиявий ҳолатнинг даги кўзда тутилмаган ўзгаришлар	Ҳудудлараро ва мамлакатлараро алоқалар	Ликвидлик ва асосий капитал сифати; эмиссион рисклар
Инфляцион рисклар, ишлаб чиқаришнинг монополлашуви, базавий иктисодий вазиятнинг бекарорлиги	Тармоқлараро алоқалар ва уларнинг баркарорлигини таъминлаш	Операцион рисклар
Экологик ва форс-мажор рисклар	Хизмат кўрсатувчи инфратузилма	Кредит маблағларини жалб этиш

¹⁴⁸ Қаранг: Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник. Под ред. В.К. Сенчагова. 2-изд.-М.: Дело, 2005.-С.174.

– асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва модернизация қилишни ҳамда асосий капитални инновацион жамғаришни хавфсиз инвестициялаш учун бозор ва иқтисодий шароитларини вужудга келтириш;

– ташкилий-бошқариш функцияларини барқарор ва хавфсиз бажариш шароитларини таъминлайдиган барқарор институционал тузилмаларни вужудга келтириш;

– инновацион жараёнлар хавфсизлигини ва уларнинг самарадорлигини ишончли даражада таъминлашга қодир бўлган юқори профессионал илмий-ташкилий иқтисодиёт тузилмаларини яратиш;

– хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион фаолият самарадорлигини комплекс баҳолаш ва таҳлил қилишнинг методологик тизимини илмий асослаш;

– новацияларни инвестициялаш учун кредит маблағларини жалб қилишнинг хавфсизлигини ва ҳимоялаш тизимини шакллантириш;

– инновацияларга инвестиция киритган хусусий ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан ишончли ҳимоялаш усулларини таълаш;

– инвестицион фаолиятни ишончли сугурталаш тизимини шакллантириш;

– инновацион иқтисодиётга ўтишда солиққа тортиш тизимини оқилонлаштириш;

– ижтимоий соҳа объектларини устувор равишда қуришни таъминлаш мақсадида ижтимоий йўналтирилган инвестицион фаолиятни рағбатлантириш;

– экологик хавфсизликни таъминлаш учун табиатни асрашга қаратилган махсус инвестицион тадбирларни амалга ошириш.

8.3. Инновацион хавфсизликни таъминлаш йўналишлари

Инновацион иқтисодиётга ўтиш заруратини иқтисодиётда даврийлик тавсифига эга бўлган иқтисодий инкирозларнинг вақти-вақти билан содир бўлиб туриши, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг молиявий мустақиллигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, табиий, иқтисодий ва минерал ресурсларнинг чекланганлиги, аҳоли сонининг узлуксиз равишда ошиб бориши, миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги асосий фондларнинг эскириш даражасининг юқорилиги каби омиллар киряди. Ушбу омилларнинг ҳар бири муайян функционал вазифани бажаради. Мазкур омиллар ҳар бир миллий давлатни инновацион ривожланиш йўлини танлашга мажбур этадиган ва мамлакатда эса барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган омиллар ҳисобланади.

Инновацион ривожланиш ўтишда турли стратегиялардан фойдаланилади. Инновацион иқтисодиётга ўтишда асосан “ўстириш”, “олиб келиш” ва “танлов – селекция” стратегияларидан бирини ёки бир нечасидан бир вақтнинг ўзида фойдаланилади.

“Ўстириш” стратегияси – маҳаллий илмий-техник салоҳиятга таянган ҳолда, чет эл мутахассисларини жалб қилиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида, доимий равишда янги турдаги илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, яратилган илгор технологиялар саноатда ва ижтимоий соҳаларда ўзлаштирилади.

“Олиб келиш” стратегияси – чет давлатларда мавжуд, иқтисодиётда самара кўрсатган технологияларга лицензия сотиб олинади ва ташиқи бозорда эҳтиёж сезилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Келажакда, маҳаллий шароитларга мослашган, ишлаб чиқариши жараёнларининг барча босқичларини камраб олган, фундаментал

тадқиқотлардан то ишлаб чиқаришгача булган даврни ўз ичига олган худди шундай технология яратилади.

“Танлов–селекция” стратегияси – мамлакат фанини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланади. Мавжуд интеллектаул салоҳият ва иқтисодийнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб давлат бюджетидан молиялаштириладиган илмий-техника дастурлари шаллантирилади. Давлат бошқаруви ва бозор иқтисодийти элементларининг уйғунлашуви асосида инновация жараёнлари фаоллаштирилади¹⁴⁹.

Мамлакатнинг инновацион ривожланишини бир неча гуруҳ индикаторлари орқали баҳолаш мумкин. Жумладан, инновацион ривожланиш индикаторларини иқтисодий, ижтимоий ва фаол инвестиция соҳалари бўйича гуруҳлаш мумкин. Иқтисодий соҳадаги инновацион ривожланиш индикаторлари ичида иқтисодий эркинлик индекси юқорилиги, капитал жойлашуви ва оқимининг жўшиқчилиги, самарали инвестицион сиёсат, рақобат муҳитининг мавжудлиги индикаторлари муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий соҳада инновацион ривожланиш индикаторлар таркибига инсон капитали ва унинг сифатини, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини ифодаловчи, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун тегишли социал инфратузилманинг мавжудлигини ифодаловчи индикаторлар киради.

Фаол инновацион фаолият соҳасида мамлакатнинг глобал инновацион рейтингдаги ўрни, индексининг даражаси, ЯИМ таркибида ИТТКИ га ажратилаётган маблағнинг улуши, инновацион фаолият субъектларига қўлланилаётган кенг қамровли турли имтиёзлар тизимининг мавжудлигини ифодаловчи индикаторлар қўлланилади (қаранг: 8.3.1-расм).

¹⁴⁹ Қаранг: Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодийга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли дугати.-Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”.2017.- 203-бет.

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишини ифодаловчи мезонларнинг асосийлари саноатнинг ривожланганлик даражаси, юкори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ЯИМда ИТТКИга қилинган харажатлар салмоғи, ЯИМ таркибида инновацион маҳсулотлар улуши, мамлакатда қилинган ва рўйхатга олинган ихтиролар, кашфиётлар, патентлар сони ва уларнинг ти-жоратлашув даражаси ҳисобланади.



8.3.1.-расм. Инновацион ривожланиш индикаторлари¹⁵⁰

Инновацион иқтисодиётни барпо этишда давлатнинг ва хусусий бўғиннинг катта миқдордаги молиявий маблағларини сафарбар этиш зарур бўлади.

Инновацион хавфсизликнинг индикаторларини аниқлашда қуйидаги мезон (критерия) лар асос қилиб олинади:

- инновациялар натижасида ЯИМ суръатининг ўсиши;
- инновациялар натижасида илмҳажмкор маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши;

¹⁵⁰ Шокирова Ф. томонидан ишлаб чиқилган

- инновациялар натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқаришнинг ресурс ва энергия сифимининг ўсишини чегаралаш (камайтириш);
- экологик хавфсизликни ошириш (қarang: 8.3.1-жадвал).

Инновацион ривожланишни ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида инновацион сиёсат амалга оширилади.

8.3.1-жадвал

Инновацион хавфсизликнинг муҳим мезон ва индикаторлари¹⁵¹

Мезон (критерия) лар	Индикаторлар
Инновациялар натижасида ЯИМ суръатининг ўсиши	Инновациялар натижасида ЯИМнинг умумий ва аҳоли жон бошига ҳажмининг ва улушининг ўсиши
Инновациялар натижасида илмҳажмкор маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ошиши	ЯИМда илмҳажмкор маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши
Инновациялар натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши	1. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши
	2. Фондлар тушумининг ўсиши
	3. Материаллар тушумининг ўсиши
Ишлаб чиқаришнинг ресурс ва энергия сифимининг ўсишини чегаралаш (камайтириш)	1. Маҳсулотларнинг энергия сифimini пасайтириш
	2. Маҳсулот бирлигига муҳим материаллар турлари харажатини камайтириш.
Экологик хавфсизликни ошириш	Экологиянинг яхшилаши; экологик соф маҳсулотларнинг ЯИМдаги улушининг ўсиши.

Инновация сиёсати – бу давлат тузилмаларининг инновация жараёнларини фаоллаштириш ва улар ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда иқти-

¹⁵¹ Муаллиф томонидан тузилган.

содиёт ва умуман жамиятга таъсир кўрсатишга қаратилган мақсад ҳамда усуллар мажмуасидир.

Ҳозирги вақтда инновация сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

а) миллий маҳсулот рақобатбардошлиги ортишини таъминлайдиган инновация фаоллигини кучайтириш;

б) замонавий технологиялар асосини ташкил этадиган инновацияларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш;

в) янги маҳсулотлар ва илғор техникавий ишланмаларга асосланган технология яратиш ҳамда кейинчалик уларни моддий ишлаб чиқариш соҳасида жорий этиш учун илмий-тадқиқот ва конструкторлик лойиҳаларини молиялаштириш;

г) инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни рақобатбардош бозор инновация механизми самарали амал қилиши ва интеллектуал мулкни химоялаш билан қўшиб олиб бориш;

д) инновацияларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётнинг техникавий даражасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қонунчилик ва ахборот асосини яратиш;

е) технологияларнинг халқаро ва минтакалараро трансферти, халқаро инвестициявий ҳамкорлик, миллий инновация тадбиркорлиги манфаатларини химоя қилишга қўмаклашиш¹⁵².

Инновацион иқтисодиётга ўтишда куйидаги индикаторларнинг зарурий чегарасини киритиш лозим бўлади:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши иқтисодий натижа (соф даромад) ўсишининг бирлигига нисбатан камида 1,5 мартага, машинасозликнинг илмҳажмкор тармоқларда 2 мартадан кам бўлмаган ўсишига эришиш;

- фондлар тушумининг ўсиши иқтисодий натижа ўси-

¹⁵² Қарағ: Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. Учебное пособие. - Т., ТашГИВ, 2017.380 с.

шининг бирлигига илмҳажмкор тармоқлар учун 5%, иктисодиётнинг бошқа соҳалари учун минимум 10%дан кам бўлмаслиги лозим;

• Ресурслар сизимининг пасайиши иктисодий натижа ўсишининг бирлигига иктисодиёт реал секторининг барча тармоқлари учун 10%дан кам бўлмаслиги керак.

8.4. Ўзбекистонда инвестицион ва инновацион хавфсизликни таъминлаш йўллари

Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизими яратилган. Мамлакатимизда инновацион фаолият давлат томонидан (конунчилик ва ўзгарувчан солиқ тизими, давлат ва идора жамғармалари, давлат томонидан молиялаштирилган йирик дастурлар ва бошқалар орқали) тартибга солинади.

Мамлакатимизда инновацион ривожланиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш куйидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширилмоқда:

– илмий-техникавий ривожланишни бошқаришининг маъмурий усуллари ва босқичма-босқич илмий-техник ижодкорликни, креативликни рағбатлантиришга қаратилган иктисодий тартибга солишининг бозор усуллари билан алмаштириш;

– амалдаги фан ва илмий тадқиқот тизимини қайта ташкил этиш ва замонавий моделлар ва илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда илмий-тадқиқот тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

– фан ва таълим, ишлаб чиқариш ва бозорнинг ўзар боғлиқ ҳаракати механизмни вужудга келтириш учун замонавий инновацион ривожланиш инфратузилмасини шакллантириш.

Ўзбекистонда илмий-техникавий ва инновацион фаолиятни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2002

йил 29 августдаги “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги (янги тахрир), 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги, 1996 йил 30 августда қабул қилинган ва 2002 йил 29 августда янги тахрирдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинган. **Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Р-3557-сонли Фармойишига биноан №1 –сонли Эксперт гуруҳи ташкил этилган ва “Инновациялар ва инновацион фаолияти ҳақида”ги янги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоат муҳокамасига қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 241-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 15 октярдаги “Технологиялар Трансфери Агентлиги» Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 228-сон Қарори қабул қилинган. 2016 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралда “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил**

этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 мартда “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлда “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорлари ва 2017 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида қуйидагилар **Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари** этиб белгилабган:

– мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узок муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегияк режалаштириш тизимини яратиш;

– давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

– худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

– инновацион гоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

– мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истикболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан, чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

– табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан, муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуклаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

– соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

– аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

– иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

– инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш¹⁵³.

Ўзбекистонда илмий потенциал мавжуд бўлиб, мазкур йўналишларни амалга ошириш имкониятига эгадир. Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан шуғулланувчи ташкилотлар сони 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра 437 тани ташкил этди, 2010 йилга таққослаганда уларнинг сони 136 тага кўпайди¹⁵⁴.

Ўзбекистонда 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 36,8 мингга яқин кишилар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари шуғулланмоқдалар, бу 2010 йилга нисбатан 3,5% га кўпайган. Тадқиқотчи-мутахассислар сони 2010 йилдаги 30043 нафардан 2017 йилда 33320 нафарга етган, яъни 10,9%га кўпайган (қаранг: 8.4.1-жадвал).

8.4.1-жадвал.

Илмий-тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони (олий таълим муассасаларининг илмий-педагог ходимларини қўшган ҳолда)¹⁵⁵

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2016	2017
Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар билан банд ходимлар сони, киши	36837	34094	35550	36839	36984	36785

¹⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 29.11.2017 й.ДФ-5264-сон фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 30 ноябр.

¹⁵⁴ Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар сони // НАУКА/stat.uz.

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам 2010-2016 йиллар.-Т., 2017.-91-бет; НАУКА/stat.uz.:Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. 2017 йил.-Т., 2018.-55-бет.

Шу жумладан, тадқиқотчи-мутахассислар, киши	25083	26685	30043	31689	31966	33320
Улардан илмий даражага эга бўлганлар:						
Фан докторлари	2009	2333	2526	2111	2242	2291
Фан номзодлари	8192	8363	9218	8360	8210	7891

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, илмий даражага эга бўлганлар сони 2010-2016 йилларда камайган. Жумладан, фан докторлари сони шу даврида 11,3%га, фан номзодлари эса 11,1%га камайган.

Таъкидлаш лозимки, 2017 йилда фан соҳалари бўйича тадқиқотчилар сони 31860 кишини ташкил этган. Уларнинг 24,5% (7800 киши) табиий фанлар соҳасида, 20,6% (6574 киши) гуманитар фанлар соҳасида, 17,4% (5526 киши) ижтимоий фанлар соҳасида, 37,5% (11960 киши) техника, медицина, қишлоқ хўжалиги соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини бажарганлар¹⁵⁶.

Инновацион тараққиётни таъминлашда олий таълим тизимининг роли бекиёсдир. Ўзбекистонда 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 72 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган, улар таркибида 4 таси академия, 27 та университет, улар қошида 19 та филиал, 7 та хорижий давлатлар олий ўқув юр்தларининг филиаллари, 4 та олий диний таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари бор. Уларда 2017 йилда 25107 нафар профессор-ўқитувчилар ишлаган. Улардан 1470 нафари фан доктори (умумий сонига нисбатан 5,8%), 6011 нафари (23,9%) фан номзоди илмий даражасига эга бўлган. Шунингдек, 1078 киши профессор, 4091 киши доцент лавозимларида ишлаган¹⁵⁷. Бу кўрсаткичлар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан шуғулланувчи ташкилотлар ва олий таълим муассасалари илмий салоҳия-

¹⁵⁶ НАУКА/stat.uz: Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. 2017 йил.-Т., 2018.-57-58-бетлар.

¹⁵⁷ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. Статистический сборник.-Т., 2018.-С. 173, 186.

тининг кейинги йилларда бирмунча пасайганлигидан далолат беради.

Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш инновацион ривожланишни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Докторантлар тайёрлаш бўйича фаолият олиб боровчи муассасалар сони 2016 йилда 2000 йилга нисбатан 1,6 мартага кўпайиб, 128 тани ташкил этди. Улардан 65 таси илмий институтлар, 63 таси олий ўқув юртлиридир. Докторантурада ўқиётган сони 2000 йилдаги 331 нафардан 2016 йилда 1370 нафарга, яъни 4 мартадан зиёдга кўпайди. Табиий, техника, медицина ва қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида докторантлар сони юқори суръатларда ўсди (қаранг: 8.4.2-жадвал).

8.4.2-жадвал.

Докторантурада 2000-2016 йилларда фан тармоқлари бўйича таҳсил олаётганлар динамикаси (киши)¹⁵⁸

	2000й.	2005й.	2010й.	2016й.	2016 йилда 2000 йилга нисба- тан%да.
Жами	334	183	217	1370	410,2
<i>Шу жумладан, фан тармоқлари бўйича:</i>					
Табиий фанлар	82	51	50	309	376,8
Техника фанлари	26	12	21	167	642,3
Медицина фанлари	83	45	30	113	136,1
Қишлоқ хўжалиги фанлари	11	8	10	154	1400
Ижтимоий фанлар	93	47	70	348	374,2
Гуманитар фанлар	39	20	36	279	715,4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациадан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»

¹⁵⁸ НАУКА//stat.uz. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456 фармони қабул қилингандан сўнг докторатурада ўқиётганлар сони кескин ўсди. Аммо химоя қилганлар сони кўпаймади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига асосан икки босқичли докторантура қайта ташкил этилди.

Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми 2017 йилда 2010 йилга нисбатан 15,7 баробарга, шу жумладан ташкилотнинг ўз маблағлари 16,04 баробарга, хорижий капитал 16,5 баробарга, тижорат банклари кредитлари 2,9 баробарга ошди (қаранг: 8.4.3-жадвал)

8.4.3-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар (млрд. сўм)¹⁵⁹

	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	5528,3	2571,4	4162,3
<i>Шу жумладан:</i>				
Ташкилотнинг ўз маблағлари	184,3	1251,8	1180,0	2956,0
Хорижий капитал	48,3	156,6	314,9	799,0
Тижорат банк кредитлари	30,0	280,1	157,3	88,4
Бошқа манбалар	1,8	3839,7	919,1	318,8

Инновацион иқтисодиётга ўтиш йўлида Ўзбекистонда қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

– республикадаги инновацион фаолият субъектлари (Фанлар академияси, илмий-текшириш институтлари, таълим, олий таълим муассасалари, илмий ишлаб чиқариш мар-

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь. /Қорхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти //stat.uz. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

казлари ва бошқалар) нинг инновацион иқтисодий шакллантиришдаги ҳаракатларининг сустиги, замон талабига жавоб бермаслиги;

– инновацион иқтисодий ўтишда талаб этиладиган инфратузилманинг ҳудудлар кесимида номутаносиб, нотекис ривожланганлиги;

– республикада фан-техника тараққиёти соҳасида эришилган илмий натижалар, янгиликлар, ихтиролар, техника ва технологияларни иқтисодий амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмини ҳанузгача яратилмаган;

– миллий иқтисодий инновацион ривожланиш релсига ўтказишнинг стратегик режаси, дастурининг ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда ҳўжалик амалиётида истиқболли прогнозлаш, режалаштириш, моделлаштириш ва дастурлаш усуллариининг қўлланилмаётганлиги;

– инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга кам маблағнинг ажратилиши, моддий, илмий-техникавий базанинг заифлиги ва ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги;

– ходимлар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришларга қаршилиқ кўрсатиш ҳолатининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармонида мувофиқ мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Стратегиянинг бош мақсади килиб белгиланган.

Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланган:

– Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илгор мамлакати қаторига киришига эришиш;

– барча даражада таълим сифати ва камровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

– илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

– инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар қиритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

– бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

– мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, ракобат-бардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

– барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

Мазкур стратегияни амалга ошириш натижасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига давлат харажатлари ҳажмини ЯИМга нисбатан 0,8 фоизга, ахборот –коммуникация соҳасидаги хизматларнинг умумий экспорт ҳажмидаги улушини 4фоизга етказиш мўлжалланмоқда¹⁶⁰.

Инновацион иқтисодиётга ўтишда рақамли иқтисодиёт тамойилларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзи-

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

ёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт янги ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам бунни тасдиқламоқда”¹⁶¹, -деб таъкидлади.

Мамлакатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтишида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳам долзарб ҳисобланади. Шу бондан, давлат раҳбари томонидан 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб ном бериш таклиф қилинди. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан иқтисодиётимиз ривожланишининг муҳим шарт бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифаси белгиланди. Шунинг учун 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга nisbatan 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланган. Бу борада тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори 2018 йилга nisbatan 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади¹⁶².

Инновацион иқтисодиётга ўтиш ва бу соҳадаги иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1.Хавфсиз, ишончли инвестиция жараёнларини амалга ошириш стратегияси ва методологиясини асослаш.

2.Хавфсиз инвестицион сиёсат механизми илмҳажмкор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун иқти-

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29-декабр.

¹⁶² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр //Халқ сўзи, 2018 йил 29-декабр.

соднётнинг институционал тузилмаларини такомиллаштиришнинг устуворликларига йўналтирилиши керак.

3. Инвестицияларнинг барқарор ва ишончли манбаларини шакллантириш механизмини яратиш мақсадга мувофикдир.

4. Инвестицион хавфсизликни рағбатлантирувчи солиқ-бюджет, пул-кредит тизимини шакллантириш.

5. Ижтимоий йўналтирилган инвестицион сиёсатни амалга ошириш.

Бунинг учун давлатнинг инвестиция ва инновацион сиёсатларини инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириши учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1) инновацион ривожланиш фондлари учун имтиёзларни кенгайтириш;

2) илмий-амалий лойиҳалар, ишланмаларга, илмий тадқиқот ишларига имтиёзларни кенгайтириш;

3) инновацион инфратузилмаларни, инновациялар ва илмий ютуқлар бозорини ривожлантириш;

4) кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни давлат томонидан рағбатлантириш;

5) миллий фан хавфсизлигини таъминлаш ва илмий ғоя ва интеллектуал салоҳиятни давлат томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш.

Асосий таянч тушунчалар

Инвестиция, инновация, инновацион иқтисодиёт, билимларга асосланган иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, инвестицион хавфсизлик, инновацион ривожланиш, инновацион ривожланиш мезонлари ва индикаторлари, инновацион хавфсизлик, инновацион хавфсизлик индикаторлари, иқтисодий таҳдидлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инновация, инновацион иқтисодиёт тушунчаларининг мазмунини тушунтириб беринг.

2. Инвестицион хавфсизлик нима?
3. Инновацион хавфсизлик нима ва инвестицион хавфсизлик тушунчаси билан қандай алоқадорлиги бор?
4. Инвестицион хавфсизликка қандай таҳдидлар мавжуд?
5. Инвестицион хавфсизликни таъминлашнинг асосий вазифаси ва усуллари тушунтириб беринг.
6. Инновацион хавфсизликка қандай таҳдидлар таъсир кўрсатади?
7. Инновацион хавфсизликни таъминлашнинг қандай йўллари мавжуд?
8. Ўзбекистонда инвестицион хавфсизликни таъминлаш учун нималар амалга оширилмоқда?
9. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётга ўтишда қандай муаммолар бор?
10. Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётга ўтиш истикболларини айтиб беринг.
11. Ўзбекистонда инновацияларни ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қандай рағбатлантилади?

9-БОБ. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПУЛ – МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК

9.1. Молия муассасаларининг иқтисодий манфаатлари, молиявий оқимларга таҳдидлар

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тижорат ҳисоби асосида фаолият юритувчи молиявий муассасалар тизими шаклланади. Улар жумласига банклар, биржалар, суғурта компаниялари, инвестицион фондлар ва бошқа иқтисодий-молиявий муассасалар киради. Молия иқтисодий сиёсатнинг ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг дастурига айланади. Молиявий муассасаларнинг иқтисодий манфаатлари пул муомаласининг барқарорлигига, миллий пул бирлигининг қадридлигига, ҳисоб ва солиқ интизомига риоя қилишга, молиявий операцияларнинг даромадлигига, инфляциянинг қаноатлантирувчи даражасига, инвестицион талаб ва мижозларнинг кредитларни тўлаш қобилиятига йўналтирилган бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида институционал ўзгаришларнинг, давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг амалга оширилиши натижасида нодавлат, шу жумладан, хусусий тадбиркорлик субъектлари, молиявий муассасалар ҳам вужудга келади. Хўжалик субъектларига молиявий хизмат кўрсатиш фаолияти ҳам ривожлана борди. Уларнинг қўлида бошқариш дастақларидан бири бўлган молия такрор ишлаб чиқариш жараёнларида пул маблағлари тўплamlарининг вужудга келиши ва тақсимланиши ҳамда ишлатилишини ифодалайдиган иқтисодий муносабатлардир. Бошқача айтилганда молия-иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган му-

носабатлар тизимидир¹⁶³. Ушбу муносабатларнинг моддий асосини молиявий ресурслар ташкил этади. Молиявий ресурслар пул маблағлари харакатининг ўзига хос шаклидир. Улар хўжалик субъектлари ва давлат кўлида турли пул даромадлари, ажратмалари ва тушумлари ҳисобидан тўпланади. Сўнгра такрор ишлаб чиқариш, ходимларни рағбатлантириш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини кондириш учун ишлатилади.

Давлат ва хўжалик субъектлари пул маблағлари фондларининг вужудга келиши, тақсимланиши ва ишлатилиш шакллари ҳамда усуллари тизими молиявий тизимни ташкил этади. Бу тизимнинг инфраструктурасини банклар, биржалар, коммуникация воситалари, ахборот-аналитик ва маслаҳат (консалтинг) хизматлари ташкил этади. Улар пул муомаласини, молиявий оқимларни кўплаб инструмент (дастак) лардан фойдаланиш орқали тартибга соладилар.

Шу боисдан молия соҳасини мустаҳкамлаш манфаатлари куйидаги вазифаларда ўз ифодасини топган:

- умумдавлат устуворликларидан келиб чикиб молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш самарадорлигини ошириш;
- ҳисоб китоб интизомини мустаҳкамлаш ва солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқлар сонини камайтириб, унинг йигилишини ошириш;
- пул массасидан фойдаланиш устидан назорат қилишнинг самарали механизмини яратиш;
- банк тизимининг ишончли амал қилишини таъминлаш.

Молиявий ташкилотларнинг ишончлидигини икки муҳим тамойил белгилаб беради:

1) оқилна молия-кредит сиёсати;

¹⁶³ Каранг: Шодмонов Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т., Молия, 2002.-323-324-бетлар; Экономическая теория. Учебник, колл. авт. К.Х. Абдурахмонов и др. – Т., Шарқ Ташкилотининг ўз маблағлари, 1999. С. 473-474.; Иқтисодий билим асослари. /Х.П.Абдулқосимов тахрири остида. Ўқув қўлланма. –Т.: Akademiya,2010.- 229-234-бетлар; Шодмонов Ш.Ш., Мамароҳимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси: Маърузалар мағни.-Т.: "Iqtisod-Moliya", 2016.-404-бет.

2) самарали хавфсизлик тизими.

Молия тизимида банк хизматлари кўрсатиш муҳим ўрин тутади. Банк тизимининг самарали ишлаши кўп жихатдан ташқи ва ички омиллар, муҳит таъсирига адекват жавоб беришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишга боғлиқдир. Банкларнинг самарали фаолият юритишининг муҳим шартлари, яъни кўзлаган манфаатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– молиявий бозорда банк хизматлари рентабельлигини таъминлаш. Бунинг учун миқозлар ва фойдали инвестицион лойиҳалар учун рақобат кураши олиб борилади;

– ликвидликни таъминлаш;

– миқозларнинг кўрсатилаётган хизмат кўлами, таркиби ва сифати бўйича эҳтиёжи ҳамда талабини максимал тарзда қондириш. Бу унинг бизнес алоқаларини мустаҳкамлаш манфаатига мос келади;

– банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш. Бунда албатта мажбурий нормативлар ва тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиниши лозим бўлади;

– иқтисодий хавфсизлик талабларига риоя қилиш.

Молиявий муассасалар товар, фонд ва валюта биржаларида, корхоналарнинг молиявий аҳволи, бозор конъюнктураси ҳамда маркетинг усуллари тўғрисидаги ахборотларни олиш учун ўзаро рақобатлашадилар. Молиявий ресурсларни инвестицияларга йўналтириш, умуман, инвестицион фаолликни рағбатлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– инвесторлар фаолияти учун барқарор ҳуқуқий база яратиш;

– ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва янгилашга инвестицияларни йўналтириш бўйича солиқ имтиёзларини кенгайтириш;

– корхоналарнинг инвестицион салоҳиятини асосий фондларни баҳолашнинг бозор усуллари ва жадаллаштирилган амортизациядан фойдаланиш асосида мустаҳкамлаш;

- иктисодиётнинг реал секторидаги корхоналарни кредитлаш учун ички ва ташқи манбалар маблағларини жамлаш;
- лизингни ривожлантириш;
- суғурталашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш¹⁶⁴.

Молиявий муассасалар баркарорлиги асосий манфаатларнинг амалга оширилиши, иктисодий хавфсизлик шартларининг бажарилиши, уларнинг фаолиятига ташқи аралашувлардан, ички ахборотларнинг рухсатсиз ёки санкциясиз чиқиб кетишидан ҳимояланганлиги, иммунитетининг мавжудлиги билан белгиланади.

Молия тизими молиявий ресурслар оқими билан тавсифланади. Бозорлардаги товар ва хизматлар оқимлари пул муомаласи воситасида содир бўлади ҳамда молиявий муносабатларнинг субъектларини бир-бирлари билан боғлайди.

Молиявий оқимлар иктисодий муносабатларнинг ҳукукий-меъёрий базасига асосланган иктисодий восита ва молиявий дастаклар тизими орқали амал қилади. Молиявий муносабатлар шароитида кийматларнинг таксимланиши ва қайта таксимланиши жараёнида турли молиявий ресурс шакллари намоён бўлади. Бунда молия ресурслари иш ҳақи, жамғариш, кредит, инвестициялар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш, кўчириш, пул ўтказиш жараёнлари шаклларида намоён бўлади. Молиявий ресурслардан фойдаланиш пул фондлари, яъни бюджетлар, нобюджет фондлар, банк операциялари орқали амалга оширилади.

Молиявий оқимлар ҳўжалик субъектлари жамғармаларининг инвестицияларга айланиши жараёнини ифодалайди. Аммо капиталнинг оқувчанлиги ошқора, қонуний ёки яширин, яъни ноқонуний шаклларда намоён бўлади. Бу молиявий оқимлар ҳаракатида икки хил ноҳуш, салбий жиҳатлар ҳам содир бўлиши мумкин. Бир томондан, мамлакатда инвестиция ресурслари етишмаган бир шароитда капиталнинг қочиб, чет эл мамлакати иктисодиётини инвестициялаш ман-

¹⁶⁴ Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д: Феникс, 2007. С.260-273.

баиға айланиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг ички молиялаштириш, инвестициялаш имкониятларини заифлаштиради. Иккинчи томондан, номаълум манбалар ҳисобига капитал тўпланиб, иқтисодийнинг реал ва хуфёна секторларида муомалага тортлади, яъни «харом» пуллар оқланади, «отмывания грязных денег» деб аталувчи жараён содир бўлади. Капитал «қочиш»нинг сабаблари тижорат фойдаси олиш эмас, балки уни сақлашга, ундан фойдаланишнинг ишончли шароитларга эга бўлишига интилиши билан изоҳланади.

Бозор иқтисодийтига ўтиш шароитида капитал «қочиш» унинг келиб чиқишининг ноқонуний, яширин тавсифга эгаллиги, миллий пул бирлигига, банкларга ишончнинг сустлиги билан изоҳланади. Мамлакатдан капитал қочишининг усуллари қуйидагилардан иборат:

– ташқи савдо операцияларини амалга оширишда товар ва хизматларнинг реал қийматини сохталаштириш йўли билан чет элга маблағлар ўтказилади. Экспорт операцияларида шартнома нархлари амалдаги нархларга нисбатан паясайтириб кўрсатилади. Импорт операцияларида эса юқори нархлар белгиланади. Шундай йўл билан ҳисобга олинмаган валюта тушуми чет эл банкларига, хорижий шерикларнинг қўшма ёки оффшор компанияларига ўтказилади;

– илгари белгиланган ҳисоблар бўйича импорт товарларини етарли бўлмаган даражада ёки илгари белгиланмаган бошқа нархларда етказиб бериш. Айрим ҳолларда сохта ҳисоблар кўрсатилади, аммо товарлар етказиб берилмайди;

– «толлинг» операцияларини амалга ошириш. Бунда хом ашёни экспорт қилиш бўйича шартнома тузилади. Аммо хом ашё четга олиб кетилмасдан ўз жойида хорижий даваль хом ашё сифатида қайта ишланади. Тайёр маҳсулот эса чет элга тегишли солиқ ва бож тўловларисиз олиб кетилади;

– эркин алмаштириладиган валютани қўлламасдан валютасиз ҳисоб – китоб бўйича товар айрибошлаш. Бундай келишувларда шартнома нархлари ўртача жаҳон нархларидан кескин фарқ қилади. Ушбу операциялар бартер, клиринг,

чегара олди, параллель ва компенсацион битимлар шаклида амалга оширилади;

– «челнок», яъни ташмачилик савдоси;

– контрабанда экспорт, яъни валюта, қимматбаҳо буюмлар, антиквариатлар, қурол, ҳарбий техника ва ўқ-дорилар, рангли ва қимматбаҳо металллар, нефть ва нефть маҳсулотларини, газ, кўмир, прокат, қурилиши материалларини ва бошқа маҳсулотларни ноқонуний тарзда, яширинча сотиб фойда олиш мақсадида чет элларга олиб чиқиб кетиш;

– резидент ва норезидентлар ўртасида расмий шартнома тузмасдан, ўзаро келишув асосида товарлар, кўрсатилган хизмат ҳамда мол-мулкка эгаллик ҳуқуқини сотиш ва сотиб олиш бўйича ўзаро хорижий валютада, миллий валютада ҳисоб-китоб қилиш;

– чет элларда оффшор компаниялар ташкил этиш.¹⁶⁵

Мамлакатдан капиталнинг қочиш ҳажмлари Россиядан капитал чиқариш ҳажмининг 75%ини ташкил қилади. Бу ички капитал қўйилмаларга нисбатан 15-20 % ни, экспортдан олинган валюта тушумларининг 25% ини ташкил этади. Унинг миқдори 90-200 млрд доллар деб баҳоланади¹⁶⁶

Мамлакатдан капиталнинг қочишига валютавий тартибга солишдаги тартиббузарликлар ҳам сабаб бўлади. Уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

– рухсат этилган банкларни четлаб, резидентлар ва норезидентлар ўртасида ҳисоб-китоблар қилиш, хорижий валюта сотиш ва сотиб олиш бўйича валюта операцияларини амалга оширишдаги қонунбузарликлар;

– марказий банкнинг лицензиясиз валюта операцияларини амалга ошириш бўйича тартиб ва қонунбузарликлар;

¹⁶⁵ Каранг: Бурцев В. Основные условия государственной финансовой безопасности // Экономист, №9, 2011.- С.70-72; Дронов Р. Подходы к обеспечению экономической безопасности. // Экономист, №2 2001.-С. 43; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник – М. изд-во РАГС, 2001. – С. 311-313.

¹⁶⁶ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., Изд РАГС, 2001. –С.313; Дронов Р. Подходы к обеспечению экономической безопасности. // Экономист. №2, 2001г. – С. 43.

– молиявий кредитлар олиш ва бериш, экспорт – импорт операциялари бўйича тўлов муддатларини чўзиш билан боғлиқ қонунбузарликлар;

– резидент ва норезидентлар ўртасидаги валюта операцияларини тўлиқ ва объектив ҳисобга олишнинг йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқ қонунбузарликлар.

Мамлакатдан капитал қочишининг олдини олиш ва молиявий муҳитни соғломлаштириш учун қуйидаги ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилади:

– мамлакатда инвестицион муҳитни яхшилаш, инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишни рағбатлантириш тизimini такомиллаштириш орқали инвестицион жозибадорлик юксалтириш. Оқибатда капитални четга чиқариш камайиб, хориждаги ватандошлар ҳисобидаги маблағларнинг юртга қайтиш жараёни юз беради;

– аҳолининг банкларга ишончини тиклаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– миллий валютадаги жамғармаларнинг кўпайишини ҳамда уларни инвестицияларга айланишини рағбатлантириш тизимини яратиш;

– молиявий оқимларни божхона, валюта, банк назоратининг шакл ва воситаларини, усулларини такомиллаштириш;

– капитални экспорт ва импортини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш ва кенгайтириш.

9.2. Пул муомаласи соҳасидаги иқтисодий таҳдидлар

Пул муомаласи товарлар ва хизматлар айланмасига воситачи сифатидаги пул ҳаракатини ифодалайди. Пул айланмаси товарлар реализациясига ҳамда капитал ҳаракатига хизмат қилади. Пул тизимининг энг муҳим компонентлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– миллий пул бирликлари бўлиб, уларда товар ва хизматларнинг нархлари ифодаланади;

– кредит ва қоғоз пуллар, монеталар қонуний тўлов воситалари ҳисобланади;

– пул эмиссияси тизими, яъни пулни муомалага чиқаришнинг қонуний ўриятилган тартиби;

– пул муомаласини тартибга солувчи давлат бошқаруви органлари¹⁶⁷

Пул муомаласи тизими ҳозирги даврда олтин асосга эга эмас. Пул тизими қоғоз ва кредит пуллар, монеталар айланмаси шаклида бўлиб, унда нақд пуллар муомаласи жисмоний шахслар ўртасида, нақдсиз пул муомаласи тижорат мақсадларида ҳуқуқий шахслар ўртасида амал қилади.

Пул муомаласидаги қонубузарлик, жиноий, ўғирлик ҳолатларининг вужудга келишига қуйидагилар қулай шароит яратади:

– инфляцион жараёнларнинг кучайиши;

– даромадларни декларация қилиш тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

– хорижий валюталар муомаласининг тартибга солинмаганлиги;

– банк ва молиявий муассасалар томонидан пул маблағларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг бўшлиги;

– ҳисоб-касса операцияларининг такомиллашмагани ҳамда пул тўловлари муддатларининг атайин чўзиб юборилиши ҳолатлари.

Молиявий товламачилик ўзга шахсларнинг пулини ўзлаштириш, уларни сохта фирма ҳисобига ўтказиш, тўпланган пулларни нақд пулларга айлантириш ҳамда кейинчалик яшириш, тўловсизлик кризисини юзага келтиришда намоён бўлади. Одатда товламачилар тўловсизликнинг сабаблари сифатида умумий танглик инфляция ҳамда харил қобилиятининг пасайишини баҳона қилиб кўрсатадилар. Аслида дебиторлик қарзлари кўринишидаги ноқонуний товар қарзи ва товар билан кредитлаш тўловсизликни келтириб чиқарадиган сабаб ҳисобланади. Бу билан мулкдорнинг, ҳамкорнинг

¹⁶⁷ Курс: экономической теории: учебник. – 4-е доп. и перераб. изд. – Киров: «АСА», 1999 – С. 413-414.; Иқтисодий билим асослари/Ҳ.П.Абдуқссимов таҳрири остида. Ўқув кўланма. –Т.: Akademiya, 2010. 240-245-бетлар.

ва банкларнинг капиталига ҳамда бюджетнинг молиявий талабларига ва солиқ тизим субъектларига зарар етказилади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда нодавлат банк тизими ва фонд биржалари, инвестицион фондларнинг ривожланиши ҳамда давлат назоратининг етарли даражада эмаслиги турли криминоген омишларни вужудга келтиради:

– давлатнинг пул-кредит сисъатидаги зиддиятлар, молиявий муносабатларни тартибга солишдаги узилиш ва камчиликлар;

– пул-кредит тузилмаларини ташкил этиш ва уларни тугатишга бўлган талабларнинг ҳамда хўжалик субъектлари билан ўзаро муносабатлари тартиб-қоидаларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги;

– дастлабки банк капитали манбаининг қонунийлигини ҳуқуқий жиҳатдан назорат қилишнинг мавжуд эмаслиги;

– жиноий йўллар билан топилган маблағларни легаллаштиришга тўсқинлик қилувчи механизмнинг мавжуд эмаслиги;

– банклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг такомиллашмаганлиги.

Бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида илгариги криминал, ташкилий жиноий гуруҳлар савдо соҳасидан пул-кредит муносабатлари соҳасига ўта бошладилар. Сохта тўлов ҳужжатлари, сохта банк кафолатларидан фойдаланиш орқали пул маблағларини ўтириш оммавий тус олди. Шунингдек, имтиёзли кредитларни ноқонуний олиш ва мақсадсиз ишлатиш, капиталнинг хуфёна иқтисодиётга, хорижий банкларга назоратсиз оқиб ўтиши, криминал пулларнинг легаллаштирилиши, шунингдек, молиявий ҳужжатлар ўтишини тезлаштириш, нақд пул ва кредитлар бериш билан боғлиқ порахўрлик ҳолатлари ўтиш даврида анча кенгайди¹⁶⁸.

¹⁶⁸ Қаранг: Чалыгин В.М. Секреты коммерческой безопасности. -М., 1993; Миллин Г.К. Проблема экономической преступности (опыт междисциплинарного

Айрим товламачиларнинг жиноий йўл билан топилган пуллари хорижий валюталарни катта миқдорда сотиб олишлари натижасида миллий валюталарнинг айрибошлаш курслари кўтарилиб кетишига олиб келди. Товламачилар сотиб олинган валютани хориждаги банкларга, компанияларга ўтказадилар ҳамда мол-мулк, кимматбаҳо товарлар сотиб олишга ишлатадилар.

Товламачилик, жиноий ҳаракатларга сабаб бўлувчи ташкилий-хўжалик омиллари ва шарт-шароитлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни баъзилари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

– тўлов ҳужжатларидан фойдаланадиган банкларни сақлаш устидан назоратнинг йўқлиги;

– банкларнинг сохта муҳр, штамп ва ҳужжат нусхаларини компьютер усулида тайёрлаш имкониятларининг мавжудлиги;

– банкнинг мансабдор шахслари томонидан нақд пуллар беришни чекловчи қоидаларнинг бузилиши, авизоларни олдиндан текширмасдан тушган маблағларнинг имтиёзли конвертация қилиниши;

– тижорат банкларининг айрим раҳбарлари томонидан ноқонуний операцияларни яшириш, кейинчалик тушган пул маблағларини ҳуқуқий шахс мақомидаги мижозларнинг ҳисоб рақамларига кўчириш ҳоллари;

– тижорат банкларининг айрим раҳбарларининг ўз ҳисобларига тўлов ҳужжатларини ҳақиқий ёки сохталигидан қатъий назар катта миқдорда пул маблағларининг келиб тушишидан манфаатдор бўладилар. Чунки пул кўчирганлик ёки узатилганлиги учун улар катта миқдорда комиссия ҳақ оладилар.

Банк соҳасида кредитлар олиш ва фойдаланишдаги суистеъмолликлар, ҳисоб ва депозит ҳисоб рақамларидан пул ўғирлаш, кредит карточкаларидан фойдаланиб пул ўғирлаш, яъни «компьютер орқали ўғирлик» содир этиш, валюта опе-

изучения). М., 1994.; Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д.: Феникс, 2007. С.294-299.

рацияларини амалга оширишдаги тартиб бузарликлар бу соҳадаги жиноятчиликнинг кенг тарқалган шакллари ҳисобланади. Бундай жиноий хатти-ҳаракатларга қарши курашиш учун янги банк технологияларини жорий этиш лозим бўлади.

Тижорат банкларининг ахборот тизимига кириб, пул маблағларини ноқонуний тарзда махсус ҳисоб рақамларига кўчириш жиноятчиликнинг энг янги турларидан биридир. Кредитларни қасддан қайтармаслик, уларни махсус ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ҳисоб рақамига ўтказиб, нақд пулга айлантириб ёки конвертация қилиб, сўнгра язиришиш ҳоллари ҳам сўнгги йилларда кўп учрайдиган жиноий ҳаракатдир¹⁶⁹

Асоссиз равишда кредит олиш ва уни мақсадсиз ишлатишга тижорат банклари томонидан кредит шартномалари тузишда етарли даражада назорат йўқлиги, қарз олувчи ҳужжатларнинг синчиклаб текширилмаслиги, унинг тўлов қобилиятининг ўрганилмаганлиги, кредитлаштириладиган лойиҳаларнинг иқтисодий экспертизадан ўтказилмаслиги ёки бу ишларни амалга оширишда айрим мутасадди ходимлар томонидан совуққонлик, суистеъмолликларга йўл қўйилганлиги сабаби бўлади.

Жиноий гуруҳлар ўз жиноий хатти-ҳаракатларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг айрим ходимларини пора бериш, сотиб олиш, қўрқитиш орқали ўзларига шерик қилиб оладилар. Шунингдек, ўзларининг яширин агентларини ишга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Қонун асосида ишлайдиган молиявий муассасаларда оғир иқтисодий, маънавий – психологик вазиятларни вужудга келтиришга интиладилар. Мисол учун улар тижорат банкида сунъий равишда кредитларни қайтармаслик ҳолатини вужудга келтиришади. Сўнгра уни қайтаришда ёрдам берилишини таклиф қилиша-

¹⁶⁹ Қаранг: Волженкин Б.В. Экономические преступления. СПб., 1999. С.28-41.; Кочергина Г.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д.: Феникс, 2007. С.260-273.

ди. Кўпинча банк раҳбарлари улар билан умидсиз кредитни қайтариш бўйича маълум ҳақ эвазига келишадилар.

Жиноий гуруҳ кредитни қайтаришда ёрдамлашиб, банк ишончига киради ҳамда унга ўзининг таъсирини ўтказиш имкониятига эга бўлади. Улар тижорат банки акционерлари реестрига ҳамда улар тўғрисидаги ахборотга эга бўлиб олгач, акцияларни, пай улушларини ўзларига арзон акция курслари бўйича сотишга кўндиршади. Шу йўл билан акционерлик тижорат банкининг назорат пакетини сотиб олишга ҳам интиладилар¹⁷⁰. Шунингдек, улар банкларнинг раҳбарлари ва мансабдор ходимларининг шахсий ҳаёти, иши, камчиликлари тўғрисида ахборот тўплайдилар. Хуллас уларни обрўсизлантирадиган маълумотларни йиғадиладар ёки компроматни сунъий равишда тузадилар.

Жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш учун махсус хавфсизлик хизматларини ташкил этиш ҳамда хавфсизликни таъминлашга катта эътибор қаратиш лозим бўлади.

9.3. Молия, пул-кредит тизимида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш дастаклари

Иқтисодиёт нормал амал қилиши учун молиявий маблағлар унинг соҳалари, тармоқлари, ҳудудлари бўйича тақсимланади. Буларнинг барчаси ҳужжатлар айланмаси, ҳисоботлар ва иқтисодий ахборотларда қайд этилади ҳамда ўз ифодасини топади. Шу билан молия соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш учун, авваламбор, молиявий ҳужжатларнинг умумўрнатилган ҳуқуқий-меъёрий талабларга мувофиқлигини текшириш лозим бўлади. Ушбу умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

¹⁷⁰ Қаранг: Савинская Н.А. Устойчивость и экономическая безопасность банковской системы России. - СПб., 1994. С. 25-32; Экономическая безопасность - производство-финансы - банки // Под. Ред. Сенчагова В. К. - М., ЗАО «Фин статин форм», 1998 - С. 131-143; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. - М., Изд-во РАГС, 2001. С. 319-324.

– зарурий реквизи́тларни, яъни ҳужжатлар учун қонун, амалдаги тартиб – қоидаларга мувофиқ мажбурий маълумотлар бўлишини белгилаш;

– муҳр ва штампларнинг аниқлиги;

– ҳужжатларда тузатиш, қўшимча ёзувлар, бузилишлар, унинг турли экземплярлари мазмунининг турлича бўлишига йўл қўймаслик;

– мансабдор шахслар имзосининг мослиги ва бошқалар;

– барча ҳужжатлар синчиклаб ўрганилиши, таҳлил қилиниши, текширилиши керак.

Бизнес бўйича ҳамкорлик қилувчи хўжалик субъектларини, шерикларни, мижозларни ўрганиш, улар тўғрисида қуйидаги объектив маълумотларга эга бўлиш лозим:

– хўжалик субъектининг рўйхатдан ўтганлигини, солиқ ва бошқа органларда рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни текшириш;

– ташкилотнинг қайси уюшмага, холдинг компанияга кириши, шўъба компанияга, ширкатга эга ёки эга эмаслиги, устав капитал, хўжалик фаолияти, реквизи́тлари, раҳбарлари, бошқарув тизими тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши, уларнинг тўғрилигини текшириш;

– ташкилот, мижознинг манзилини аниқлаш, агар ижарада турган бўлса, ижара ҳақини тўлаган ёки тўламаганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;

– муассасаларнинг мулкдорлар – арендаторлар билан ўзаро муносабатини ўрганиш;

– мижознинг обрў-эътиборини, нуфузини, мол-мулки ҳолати, қарзи бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотлар тўплаш;

– мажбуриятларнинг таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш, бухгалтерлик маълумотларини солиқ инспекциясидаги маълумотлар билан таққослаш;

– кафил бўлган ташкилотнинг кредитини тўлаш қобилияти, банк кафолатининг ҳаққонийлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш;

– қарз олувчи фойдаланиши мумкин бўлган ҳисоб рақамларини, турдош корхоналар ҳисоб рақамларини, миқозга яқин муносабатда бўлган корхона ва шахсларни ўрганиш;

– ташкилот муассасалари ва раҳбарларининг фаолияти, ўзаро муносабатларини аниқлаш. Уларнинг «кредит тарихини» ўрганиш¹⁷¹.

Ушбу маълумотларга эга бўлиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш учун унинг ишончли тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим бўлади. Бунинг учун эса қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

– банк ва унинг ҳар бир бўлими (филиал) ларида хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий тузилмаларини вужудга келтириш;

– ахборотларни ўғирлаш, йўқ қилиш мақсадида уни олишнинг потенциал имкониятларини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш;

– ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича услубий, ташкилий- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг талабларини бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини қабул қилиш;

– ахборотларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-техник, дастурий чора-тадбирларини, воситаларини махсус ташкилотлар ёрдамида ишлаб чиқиб, жорий этиш;

– ахборотларни ҳимоялаш тизимини аттестация қилиш, унинг амал қилинишини мунтазам назорат қилиш;

– ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича банк мутахассисларини тайёрлаш;

– ҳужжатлар, бланкалар, муҳр, штампларни сақлашнинг ҳимоя чораларини кўриш, расмийлаштирилмаган шартнома лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш;

– молиявий ҳужжатларни ички ва ташқи аудиторлар томонидан текширишлар ўтказиш;

¹⁷¹ Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д.: Феникс, 2007. С.260-273.

– банк операциялари бўйича рискларни аниқлаш ва баҳолаш¹⁷².

Капиталнинг етарлилик кўрсаткичини ва ҳар бир қарз олувчи учун рискни максимал миқдорини аниқлаш муҳим ҳисобланади¹⁷³. Алоҳида миқдорнинг рискини аниқлаш учун банк томонидан хўжалик субъектларининг кредит котировкаси тузилади. Шунингдек, банклар рискларни бошқаришлари керак бўлади.

9.4. Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва банклар фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари

Ўзбекистонда валюта тизимининг асосини ўзбек сўми ташкил этади. У 1994 йил 1 июлдан ягона қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Миллий валюта сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг қадрини ошириш, халқ фаровонлигини ҳамда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. «Миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинуви, – деган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов, – етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулётлар, зарур резервлар орқали таъминланади»¹⁷⁴. Бунга эришиш учун Ўзбекистонда аниқ вазифаларни хал этишга қаратилган тўртта алоҳида дастурлар қабул қилиниб, амалга оширилди.

Ушбу дастурлар тўплами қуйидагилардан иборат:

1. Сўмнинг ҳарид қувватини ошириш учун республика ички бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш чора-тадбирларини кўриш. Бунинг учун мулкчилик шаклидан қатъий назар, истеъмол товарларини ишлаб

¹⁷² Қаранг: Курс экономической теории: учебник. - 4-е доп. Перераб. Изд. – Киров: «АСА», 1999. – С. 179-186

¹⁷³ Балтроп К., Макногон Д. Банки на развивающихся рынках. Т.2. Интерпретирование финансовой отчетности. – М., Финансы и статистика. 1994. - С. 204.

¹⁷⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. – Т., Ўзбекистон. 1995. 218-бет.

чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, бу соҳага инвестицияни биринчи навбатда йўллаш, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари кўриш. Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш, миллий товарларга кишиларда фахрланиш ҳиссини уйғотиш. Миллий товарларнинг эса сифатли ва харидоргир бўлишини таъминлаш.

2. Валютанинг барқарор амал қилиши, унинг етарли валюта захирасини вужудга келтириш. Бунинг учун ташқи иқтисодий сиёсатни тубдан қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Шу боисдан республика экспорт имкониятларини кенгайтириш, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтираётган корхоналарни хом ашё, инвестициялар билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама имтиёзли воситалар орқали қўллаб-қуватлаш.

3. Ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмни кадрлаштини, ҳурматлаш, фахрланиши учун шарт-шароит яратиш. Бунинг учун катъий молиявий-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш лозим бўлади.

4. Миллий валютани мустаҳкамлаш учун инфляцияга қарши пухта ўйланган сиёсат ўтказиш. Бунинг учун пул миқдорининг товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан мустаҳкамлаш, уларнинг мутаносиблигини вужудга келтириш. Шунингдек, аҳолининг харид учун товарлар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча пул даромадларининг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик лозим бўлади. Яна нақд пул ва кредит эмиссиясининг ҳаддан ташқари ўсиб кетишининг олдини олиш керак бўлади.

Республикамизда пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади инфляцияни паст даражада ушлаб туриш ва сўмнинг барқарор айрибошлаш курсини таъминлашга қаратилган. Бу вазифалар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган умумиқтисодий сиёсат билан узвий боғланган. Марказий банк

пул-кредит сиёсатининг воситалари сифатида очик бозорда қимматли қоғозлар операцияси, ички валюта бозоридаги операциялар, қайта молиялаштириш ставкаси ва тижорат банкларига мажбурий захира талаблари воситаларини ишга солмоқда.

Мамлакатимизда тижорат банклари ялпи капиталининг барқарор ўсиши ва банк активлари портфелини бошқариш соҳасида юритилаётган муаносиб сиёсат натижасида, банк тизимида банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан уч баробар кўп бўлган капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичини таъминлади.

Ўзбекистонда Марказий банкнинг тижорат банкларини назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари қонун билан мустақкамланди:

– банк тизимининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва самардорлигини таъминлаш;

– банклар фаолиятини лицензиялаш жараёнида банк соҳасига фақатгина ишончли банкларнинг кириб келишини таъминлаш;

– тижорат банкларининг Марказий банка ҳисобот беришини ва назорат жараёнида зарур маълумотларни очик тақдим этишини йўлга қўйиш;

– муаммоли банклар фаолиятига ўз вақтида таъсир ўтказиш ва уларнинг муаммоларини тезлик билан ҳал этиш;

– банк тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш;

– зарур ҳолатда, банк тизимига минимал даражада салбий таъсир кўрсатган ҳолда алоҳида банкларни тугатиш чораларини кўриш.

Республикаимизда банк назорати учта услубда-лицензиялаш, масофадан назорат қилиш ва жойларга чиқиб текшириш орқали амалга оширилади¹⁷⁵.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда монетар сиёсатнинг: очик бозордаги опера-

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси банк тизими / Муаллиф: Ф.М.Муллажонов (ва бошқа). Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Т.: Ўзбекистон. 2011. -154-бет.

циялари; Марказий банкнинг ҳисоб операциялари; Марказий банкнинг операциялари бўйича фоиз ставкалари; мажбурий резерв талаблари ва Марказий банкнинг қайта молиявий таъминлаш каби воситалари қайд этилган.

Давлатнинг пул-кредит сиёсатининг воситалари – Марказий банк томонидан пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизмидир. Ўз навбатида, ушбу воситалар бевосита ва билвосита турларга бўлинади. Бевосита воситалар – Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан фоиз ставкалари ёки кредит миқдорини белгилаш ва чеклашдан иборат бўлган маъмурий усуллардир. Билвосита воситалар эса – Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида ихтиёрий равишда фойдаланиладиган, яъни бозор орқали пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш, муомаладаги пул массаси миқдори ва банкларнинг тўловга қобилиятлилигини тартибга солиш усулидир.

Бевосита воситаларга – фоиз ставкаларини чегаралаш, мақсадли кредитлар, ҳар бир банк учун кредитнинг юқори чегарасини белгилаш каби маъмурий усул ва чоралар киряди. Улар бир қатор камчиликларга эга бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайди. Хусусан, улар ҳар бир банкка нисбатан қўлланувчи яқка тартибдаги назорат қилиш чораси бўлиб, молия бозорида рақобатни бўғиб қўяди, молия соҳасининг ривожланишини сусайтиради ва банкларнинг молиявий воситачилик ролини пасайтиради. Шунингдек, бир қатор банклар устидан назоратнинг ўрнатилиши натижасида алоҳида тармок ва ҳудудларда кредитлаштириш самарасини пасайтиради, катта миқдордаги молиявий маблағларнинг назорат қилиб бўлмайдиган соҳага, яъни хуфиёна иқтисодиётга ёки хорижга чиқиб кетишига олиб келади.

Билвосита воситаларга – очик бозордаги операциялар (давлатнинг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларини бирламчи бозорларда сотиш), иккиламчи бозордаги операциялар (бевосита олди-сотди ёки РЕПО операциялари), қай-

та молиялаш сиёсати, мажбурий захира талаблари, валюта сиёсати, кредит аукционлари, валюта своплари, векселларни қайта ҳисобга олиш механизми, ломбард ёки овердрафт механизмлари ва бошқалар қиради. Улар бозор иқтисодиёти талабларига мос келади ва бевосита воситаларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, Марказий банкка пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш, пул массаси, молия бозорини самарали тартибга солиш, давлатнинг кредитни таксимлаш ва пул-кредит орқали бошқариш жараёнларига аралашувини камайтириш, молия бозорининг ривожланиши ва кенгайишига, банкларнинг воситачилик ролини ошириш, капитал қўйиш ва молиявий жамғармалар ҳажмининг кўпайишига қўшимча қулайликлар яратади.

Марказий банк ўзининг ва давлатнинг қимматли қоғозларини, хорижий валюталарни эркин сотиш ва сотиб олиш, маблағларни депозитларга жалб қилиш ва қайтариш, мажбурий захира талаблари меъёрини ва қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш орқали банкларнинг молиявий ҳолатига таъсир қилади (9.4.1-жадвал).

9.4.1-жадвал.

Монетар сиёсат воситаларининг турлари

Бевосита воситалар	Билвосита воситалар
Фонд ставкаларини чегаралаш	Очик бозордаги операциялар
Мақсадли кредитлар	Мажбурий захиралар
Ҳар бир банк учун кредитлаш миқдорини белгилаш	Векселларни қайта ҳисобга олиш механизми
Ҳар бир банк учун ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш ва бошқалар	Қисқа муддатли депозитлар механизми
	Кредит аукционлари
	Ломбард ва овердрафт механизмлари
	Валюта своплари ва бевосита олди-сотди операциялари

Манба: жадвал Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Марказий банк юкорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш оркали муомаладаги ортиқча пул массаси ҳажмини иктисодиёт учун зарур бўлган миқдоргача камайтиради. Пул массасининг камайтиши ҳисобига инфляция даражаси пасаяди ва миллий валюта курсининг барқарорлиги ошади. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг тобора ошишига, мамлакатда жамғармалар ва иктисодий фаолликнинг ўсиши, иктисодиётнинг барқарор ривожланиши ва макроиктисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишига қулай шарт-шароитлар яратади.

Юкоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда билвосита воситалар ихтиёрий равишда қўлланилиши ва сонининг кўплиги жиҳатидан бозор иктисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бевосита воситаларга нисбатан афзаллиги яққол кўринмоқда. Шу боис ҳозирги пайтда жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларида ҳам пул-кредит сиёсатининг билвосита воситаларини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Молия-кредит соҳасида иктисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида қарздорларнинг кредитлари ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш билан шугулланадиган кредит маълумотлари миллий институтини ташкил этиш бўйича низом қабул қилиниб, кредит маълумотлари банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига тақдим этилган. Кредит маълумотларининг ягона реестри тижорат банкларининг кредит, лизинг ва факторинг шартномалари, гаровга қўйилган мол-мулк ва кафолатлар (кафолат бериш, сугурта полислари) ҳамда давлат статистика идоралари, нодавлат ташкилотлар ва хўжалик субъектларидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади. Қарз олувчиларнинг кредити ҳақидаги маълумотлардан самарали фойдаланиш банк назорати сифатини оширишга ва кредит хатарларининг, рискларининг камайтишига, бу соҳадаги жинсий ҳатти-ҳаракатларининг бирмунча олдини олишга, пировардида пул-кредит соҳасидаги

хавфсизликни оширишга олиб келади. Барқарор пул муомаласининг қарор топиши уни долларлаштириш муаммосини ҳал этишга, капиталнинг мамлакатдан «қочини» жараёнларини жиловлашга имконият яратади.

Молия-кредит соҳасида иктисодий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг валюта сиёсати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг валюта сиёсати қуйидагиларга қаратилган:

– мамлакатнинг валюта – молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг тўлов қобилиятига ва кредитга лаёқатлигига эришиш;

– инфляцияни «жиловлаш»;

– чет эл капиталини жалб этиш;

– иктисодиётнинг «долларлашуви»га йўл кўймаслик;

– ўзбек сўмининг мавқеини мустаҳкамлаш ва унинг тўлиқ конвертациясига эришиш.

Бу сиёсат валютавий чеклашлар, валюта курсини тартибга солиш, олтин-валюта захираларини ошириш, сўмининг конвертацияланиш жараёнларини бошқариш қабиларда намойиш бўлади¹⁷⁶.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган валюта сиёсатининг асосий эътибори айрибошлаш курсининг барқарорлигини таъминлашга ва конвертация қилинган сўмининг жорий тўловларини амалга ошириш бўйича мажбуриятларини бажаришга қаратилган.

Молия-кредит соҳасида иктисодий хавфсизликни таъминлашда банклар хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-бошқариш чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– банкларнинг манфаат ва ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш;

– банк билан боғлиқ вазиятларни тавсифловчи маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилиш;

¹⁷⁶ Бозор иктисодиёти назарияси ва амалиёти. Олий ўқув юрглари магистрантлари учун дарслик. – Т., Ўқитувчи, 2000. – 180-бет.

- шерикларни, миждоз ва ракобатларни ўрганиш;
- хавфсизликка тахдид солувчи манбаларни, субъектларни ифодаловчи шахслар томонидан банкка ва унинг ходимларига бўлган кизиқишни ўз вақтида аниқлаш. Улардан ҳимояланиш чораларини кўриш лозим;
- банкка иктисодий шпидонаж, ташкилий жиндий гуруҳ вакилларининг кириб олишига йўл қўймаслик;
- банкка жиндий мақсадларда техник, яъни алоқа компьютер тармоғи орқали кириб олишга тўсқинлик қилиш;
- банк ходимларини турли тажовузулардан ҳимоя қилиш;
- молиявий ва моддий мол-мулкни, тижорат сирини ҳисобланган ахборотларни, маълумотларни кўриқлаш;
- бино, иншоат, банк территориясини ва транспорт воситаларини кўриқлаш;
- молиявий фаолият стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- оммавий ахборот воситаларида, ҳамкорларда ва миждозларда банк тўғрисида иждобий фикр, тасаввур уйғотиш;
- банк ва унинг ходимларига айрим ташкилот ва шахслар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун шароитлар яратиш;
- хавфсизлик тизимининг самарали фаолият юритишини мунтазам назорат қилиш.¹⁷⁷

Умуман банкларда унинг хавфсизлигини таъминлаш хизматини ҳамда кенг қамровли режими кўриқлаш тизимини яратиш ва кадрларни танлаш, текшириш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириш, хавфсизликни таъминлаш кўникмасини ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, банк хавфсизлигини таъминлаш механизминини такомиллаштиришда банк назорати тизимидаги

¹⁷⁷ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. -М., Изд-во РАГС. 2001. с. 364- 365. Қаранг: Савинская Н.А. Устойчивость и экономическая безопасность банковской системы России. СПб., 1999; Экономическая безопасность: производства финансы-банки. под. Ред. Сенчагова В.К. – М., ЗАО, Финститинформ, 1998.

нуқсонларни бартараф этиш, банклар фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида Базель қўмитасининг 2010 йил сентябрь ойида катта йиғирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланган банк капитали янги стандартларига ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банк капитали етарлилигига минимал талабларнинг тобора кучайтиришни нанарда тутади. Бу янги стандартларга катта йиғирмалик давлатларда 2013-2019 йилларда босқичма-босқич ўтилиши белгиланган эди.

Янги талабларга кўра, 1-даражали капиталининг етарлилик даражаси 6 %ни, шу жумладан, тўланган оддий акциялар ёки 1-даражали асосий капитал кўрсаткичи (чегирмалардан кийин) 4,5 % миқдорда бўлиши лозим. Бунда 1-даражали асосий капитал кўрсаткичи 2013 йилгача 2%, 2013 йилдан 3,5%, 2014 йилдан 4% ва 2015 йилдан 4,5% миқдорда бўлиши лозимлиги белгиланган¹⁷⁸.

Шунингдек, Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар киритилмоқда. Шу жумласида “Буфер капитали” деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали воситалари киритилмоқда.

Консервацион капитал иқтисодий ва молиявий инқирозлар даврида банклар зарарини қоплаш учун ўзига хос қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда. Контрциклик капитал эга ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда 0%-2,5 % доирасида белгиланади. Банклар контрциклик капитал даражасини 2016 йилдан 0,625%, 2017 йилдан 1,25%, 2018 йилдан 1,875% ва 2019 йилдан 2,5% даражасида таъминлашлари белгиланган. Контрциклик капиталини 2,5% даражасига етказмаган банкларга дивидендлар тўлаш, ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш ҳамда бонуслар тўлашга чекловлар ўрнатилади.

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси банк тизими / Муаллиф: Ф.М.Муллажонов (ва бошқа). Ф.М.Муллажаоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган 2-нашри.-Т.: Ўзбекистон, 2011. -150-бет.

Базель III даги яна бир янги восита-бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларнинг таназзулга учраши бутун молия тизими инкирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади¹⁷⁹. Бундай банкларга қўшимча талабларнинг белгиланиши банк-молия тизими хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тавсияларнинг Ўзбекистонда жорий қилиш масалалари мустақиллигимизнинг илк йилларидан республика раҳбарияти ҳамда банк тизими мутасаддиларининг диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, дунёдаги нуфузли “Fitch Ratings” ва “Standart & Poo’rs” рейтинг агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. Ана шу рейтинг баҳолари “Барқарор” прогнозига эга бўлиб, бу яқин 12-18 ой давомида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради. Ўзбекистон эришаётган бундай рейтинг баҳолари кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини қайд этиш лозим. Ушбу рейтинг агентликлари Ўзбекистонда валюта, савдо ва нарх сиёсати эркинлашгани, давлат бошқарувидаги институционал ўзгаришлар, мамлакат олтин-валюта ва бюджет захираси етарли экани, давлат қарзининг камлиги сингари омилларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Келгуси йилнинг биринчи чорагида

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси банк тизими / Муаллиф: Ф.М.Муллажонов (ва бошқа). Ф.М.Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган 2-нашри.-Т.: Ўзбекистон. 2011. -150-151-бетлар.

юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистоннинг суверен давлат облигацияларини халқаро молия бозорларига чиқарамиз. Бу борада биз “J.P.Morgan”, “Citibank”, “Deutsche Bank” каби етакчи халқаро инвестиция банклари билан ҳамкорлик олиб бормокдамиз”¹⁸⁰, -деб таъкидлади.

9.5. Ўзбекистонда пул-кредит тизимини такомиллаштириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 сентябрь куни “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарор билан Марказий банкнинг ўрта муддатли истикболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришиш механизмлари ва принциплари, жаҳондаги марказий банклар томонидан ички нархлар барқарорлигини таъминлашда қўлланилувчи инфляциян таргетлаш тартибига (Инфляциян таргетлаш – бу ўрта муддатли истикболда инфляция мақсадини белгилаш ва унга эришишга қаратилган пул сиёсати режими) қайта кўриб чиқиш бўйича таклифи тасдиқланди.

Марказий банк, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари томонидан 2017-2021 йиллар даврида пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва инфляциян таргет режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди. Марказий банкка 2018 йил 1 мартгача пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва ривожлантириш ўрта муддатли Концепциясини ҳамда концепцияни 2018-2021 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитасини» ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Унда инфляциян таргет режимига қуйидаги йўллар билан босқичма-босқич ўтиш назарда тутилган:

– умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, иқтисодий ўсиш мақсадлари, давлат бюджети баланси ва

¹⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

иктисодиётдаги нарх даражасининг барқарорлиги бўйича мақсадлар мувофиқлиги ҳамда ўзаро алоқаларини таъминлашга алоҳида эътибор бериш;

– ликвидликни тақдим этиш ва жалб қилиш операциялари бўйича самарали фойдаланадиган фоизли пул-кредит сиёсати воситаларини кенгайтириш; – тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантириш учун бозор механизмларини, шу жумладан, кредитлар бўйича кенг қўллаш; – макроиктисодий таҳлил ва прогнозларнинг энг яхши хорижий тажриба моделларига мувофиқ такомиллаштириш;

– пул-кредит сиёсатининг шаффофлиги ва олдиндан тахмин қилиниш имкониятини ошириш, жумладан, қўлланиладиган воситалар ва олиб бориладиган сиёсатнинг асосий мақсадлари тўғрисида ахборот бериш мақсадида жамоатчилик билан муносабатларни мустаҳкамлаш¹⁸¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 ноябрда бўлиб ўтган очик йиғилишида монетар сиёсатнинг 2019-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсатининг муҳим вазифалари сифатида инфляция даражасини пасайтириш ва инфляция таргетлаш режимига ўтиш учун асос яратиш, шу жумладан, пул-кредит сиёсати инструментлари ва трансмиссион механизмларини ривожлантириш чоралари муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари келгуси уч йиллик давр учун ишлаб чиқилиб, унда иктисодиётнинг ривожланиши сценарийлар асосида кўриб чиқилди. Бунга кўра, 2019-2021 йилларда иктисодий ривожланиш тенденцияларининг давом этиши ва ташқи шароитларнинг сезиларли даражада ўзгармаслиги ҳамда солиқ соҳасида ва таркибий ислохотлар борасида босқичма-босқич қўтилган натижаларга эришиш назарда тутилган.

¹⁸¹ <https://kun.uz/news/2017/09/15/azbekistonda-inflacion-targetlas-tartibi-zorijetiladi>

Иқтисодиёт ривожланишининг асосий сценарийсига асосан ЯИМ ўсиш суръати 2019 йил якунига кўра, 5,4 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. Йиллик инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари 2019 йилда 13,5-15,5 фоизни ва 2020 йилда 10-12 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. 2021 йилдан бошлаб йиллик инфляция даражаси бир хонали кўрсаткичгача пасайиши мумкин.

Бундан ташқари, сценарийда солиқ ислохотларининг самарали амалга оширилиши, “бюджет қондаси”нинг амалиётга жорий этилиши, фискал ва монетар сиёсатларнинг мувофиқлигини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажми ўсиш суръатларининг мақбуллаштирилиши (2019 йилда 25 фоиз) кўзда тутилган.

Муқобил сценарийда эса, ташқи ва ички шароитларнинг ёмонлашуви ҳамда таркибий ислохотларнинг қутилган натижа бермаслиги ҳисобига 2019 йилда инфляция даражасининг 17-18 фоизгача ўсиши кутилмоқда.

Иккала сценарийда ҳам Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувдан фойдаланиб, пул-кредит шароитларини бир маромда қатъийлаштириб боришни кўзда тутмоқда. Бунда, муқобил сценарийда янада қатъийроқ чоралардан фойдаланилади.

Ўрта муддатли истикболда пул-кредит соҳасида қарорлар қабул қилишда Марказий банк жорий иқтисодий шарт-шароитлар таҳлили ва макроиқтисодий прогнозларга асосланади. 2019 йилдан бошлаб Марказий банк фаолиятига макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашнинг замонавий тизими (FPAS) жорий этила бошлайди. Прогнозларни шакллантиришда макроиқтисодий ривожланишнинг ташқи ва ички омиллари, мамлакатимизда келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган чоралар инobatга олинади. Шунингдек, Марказий банк томонидан кўриладиган чораларда юзага келган қўшимча ликвидликни тартибга солиш ва унинг таъсирини мувозанатлаштириш масалалари ҳам ўз аксини топади¹⁸².

¹⁸² <https://kun.uz/75848864>

Мамлакатимизда 2019 йилдан бошлаб давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида «бюджет қоидалари» ва «йиғма бюджет» ҳамда фискал чекловларни белгилаш назарда тутилмоқда. 2019-2021 йилларда давлат корхоналари ислохотларини асосий тармоқ корхоналари, жумладан, энергетика, нефть-газ саноати, кимё саноати, ҳаво йўллари, темир йўллари, донни қайта ишлаш ва пахта саноати каби соҳаларда амалга ошириш режалаштирилмоқда. Ушбу ислохотлар доирасида корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимини татбиқ этиш, назорат функцияларини ихтисослашган давлат идораларига ўтказиш, шунингдек, рақобатни чекловчи тартибга солувчи қоидаларни бекор қилиш каби чоралар амалга оширилади.

Келгусида ички валюта бозоридаги турли хил спекулятив омилларнинг миллий валюта алмашув курси динамикасига таъсирини камайтириш мақсадида Марказий банк иқтисодиётда долларлашув ҳажмини камайтириш ва сўм алмашув курсининг эркин бозор шароитида талаб ва таклиф доирасида шаклланишини сақлаб қолиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўришни давом эттириб, миллий валютадаги активларнинг жозибадорлигини сақлаб қолиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, ўрта муддатли истиқболда ички нархлар ва алмашув курси орасидаги боғлиқликни пасайтириш бўйича ҳукуматга таклифлар киритиб борилади¹⁸³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **“Учинчидан, банк ва молния тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенгжорий этиш зарур.** Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсик бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига

¹⁸³ <https://kun.uz/75848864>

салбий таъсир қилмоқда”¹⁸⁴,-деб таъкидлади. Ушбу устувор вазифани амалга ошириш учун куйидагилар белгиланди:

– ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиш;

– банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан давлат банклари улущини босқичма-босқич камайтириб бориш;

– соҳада рақобат муҳитини яхшилаш, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама ошириш;

– молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш;

– янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш¹⁸⁵.

Мазкур вазифаларнинг, чора-тадбирларнинг амалга оширилиши молия, пул-кредит тизими хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Асосий таянч тушунчалари:

Молия, молия тизими, молия ресурслари, молия оқимлари, пул, пул муомаласи, инфляция, кредит, банк, банк кредити, инвестицион ресурслар, капитал, капиталнинг қочиши, қалбаки пул чиқариш, иқтисодий тевламачилик, асоссиз кредит бериш, пул-кредит сиёсати, валюта сиёсати.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Молиявий муассасаларнинг иқтисодий манфаатлари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари нималардан иборат?
2. Молиявий облигация нима?

¹⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста муножаазномаси //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

¹⁸⁵ Ўша ерда

3. Молиявий муассасалар манфаатларига қандай иқтисодий таҳдидлар хавф солади?

4. Мижозлар томонидан молиявий муассасаларга қанчалик ишонч билдиришини аниқлашга имкон берувчи мезонларни айтиб беринг.

5. Молиявий оқимлар нима?

6. Капиталнинг қочиши сабаблари нималарда ифодаланади?

7. Капитал қочишнинг олдини олиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

8. Молия, пул муомаласи ва кредит соҳасидаги товламачилик нималарда намоён бўлади?

9. Пул муомаласи соҳасида хавфсизликни қандай таъминлаш лозим?

10. Ўзбекистонда миллий валюта – сўмнинг қадрини ошириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш учун нималар қилиш зарур?

11. Валюта сиёсатининг мазмуни ва мақсадларини айтиб беринг?

12. Банкларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қандай амалий чора-тадбирлар амалга оширилади?

10-БОБ. ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

10.1. Энергетика ва энергия ташувчиларнинг иқтисодий ресурсе сифатидаги моҳияти ва аҳамияти

Энергия (юнонча “energia”–харакат, фаолият) – ҳар қандай кўринишдаги материя, хусусан, жисм ёки жисмлар тизимини ташкил этувчи зарралар ҳаракатининг ҳамда бу зарраларнинг ўзаро ва бошқа зарралар билан таъсирларининг миқдорий ўлчови. Халқаро бирликлар тизимида энергия худди иш каби жоулда, атом физикаси, ядро физикаси ва элементар зарралар физикасида эса электрон вольт билан ўлчанади. Энергия йўқдан бор бўлмайди ва мавжуд энергия йўқолмайди, фақат у бир турдан иккинчи турга ўтади. Материянинг ҳаракатларига мос ҳолда энергия шартли равишда механик, ички электромагнит, кимёвий ва бошқа турларга ажратиб текширилади.

Барча табиат ҳодисалари, инсоннинг бутун ҳаёт ва фаолияти энергия билан боғлиқ. Кенг кўламли энергетика соҳаси “энергия” тушунчасига асосланган. Энергия шаклларини ўзаро алмаштириш, энергияни узоқ масофаларга узатиш, унинг маълум манбаларидан фойдаланиш, янги энергия манбаларини кидириш каби масалалар фан ва техника учун асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Сув, шамол, ўрмон, кўмир, нефть, газ, қуёш, атом ядроси энергия манбаи ёки энергия ташувчилари ҳисобланади.


Сув, шамол, ўрмон, кўмир, нефть, газ каби чекланган ер бойликларидан катта суръатлар билан фойдаланилиши натижасида улар тобора камайиб бормоқда. Бинобарин, кишилиқ жамияти олдида турган долзарб масала янги энергия манбалари-қуёш ва атом ядроси ҳисобланади. Оғир элемент ядроларининг парчаланишидан ҳосил бўладиган энергиядан халқ

хўжалигида тобора кенг фойдаланилмоқда (атом реактори, атом электр станцияси). Енгил элемент ядролари кўшилишидан оғирроқ элемент ядролари пайдо бўлишида ажралиб чиқадиган энергиядан фойдаланиш энг мухим масалалардан бири ҳисобланади¹⁸⁶.

Энергетика – энергиянинг ҳар хил турларини ҳосил қилиш, уларни бир турдан иккинчи турга ўзгартириш, муаяин масофага узатиш ва етказиб бериш, улардан барча соҳаларда фойдаланиш ҳамда шулар билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олган халқ хўжалиги, фан ва техника соҳасидир. Энергетиканинг тараққиёти кўп жиҳатдан мамлакат энергия ресурслари билан канчалик таъминланганлигига чамбарчас боғлиқ. Кўмир, нефть, табиий газ, торф, ўтин, сланец, сув, электр ва ядро энергияси, шамол ва қуёш энергияси энергия ресурслари ҳисобланади. Энергия ресурслари ёқилғи (кўмир, нефть, газ, ядро, торф, сланец, ўтин) ва ёқилғи бўлмаган воситаларга (сув, шамол, қуёш энергияси) бўлинади (10.1.1-расм).

Жаҳон микёсидаги турли ёқилғи энергия ресурсларини миқдорий таққослаш учун шартли ёқилғи бирлиги, яъни 1 кг ёқилғи ёнганда 7000 ккал иссиқлик ажралиши қабул қилинган. Жаҳондаги барча ёқилғи ресурсларининг (ядро энергиясидан ташқари) потенциал захиралари 25000 миллрд тонна шартли ёқилғига тенг. Унинг 95%и ёқилғининг каттиқ турларига тўғри келади. Ядро энергиясининг асосий манбаи бўлган уран ва торийнинг захиралари дунё океани сувларидаги захиралар билан бирга 69000 млрд. тонна шартли ёқилғига тенг. Энг кўп ишлатиладиган энергиянинг табиий ресурслари (кўмир, нефть, газ) жаҳон мамлакатлари бўйича нотекис тақсимланган. Энергетика халқ хўжалигининг база соҳаси ҳисобланиб, у гидроэнергетика ва иссиқлик энергетикасига ажралади.

¹⁸⁶ Нуъмонхўжаев А. Энергия. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси илмий давлат нашриёти. 2005. 222-223-бетлар.




10.1.1-расм. Энергия ресурслари ва уларнинг турлари¹⁸⁷

Ёқилғи билан боғлиқ энергия ресурслари тикланмайдиган, ёқилғи билан боғлиқ бўлмаганлари эса тикланадиган ресурслар ҳисобланади.

Гидроэнергетика энергиянинг сув ресурслари энергиясидан фойдаланишга доир бўлиmdir. Сув ресурслари энергиясидан фойдаланиш учун сув оқими махсус қурилган иншоотлар ва жиҳозлар мажмуи – гидроэлектр станциялар (ГЭС) ёрдамида электр энергиясига айлантирилади. Мамлакат гидроэнергетикасининг истиқболдаги тараққиёти, асосан, ки-

¹⁸⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

чик сув хавзалари гидроресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ (10.1.2-расм).



10.1.2-расм. Энергетика турлари¹⁸⁸

Энергия истеъмоли миқдори – бу ривожланган давлатнинг белгиси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ёқилғи–энергетик комплекс бугунги кунда ҳар бир давлат иқтисодиётининг асоси бўлиб қолади. Энергетик ресурсларни ишлаб чиқариш кўлами, унинг самарадорлиги, истеъмоли–ишлаб чиқариш кучлари миқдори ва, шундан келиб чиқаётган иқтисодиёт соҳалари ривожланишини таъминлайди. Замонавий глобал дунёда ҳар бир давлат учун энг муҳим бўлган муаммо бу ўз энергоресурслари билан ўзини таъминланиши.

“Энергетик хавфсизлик” ва “энергетик мустақиллик” тушунчалари ҳар бир мамлакат учун ўта муҳим бўлиб, аҳоли-

¹⁸⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

сининг яшаш тарзига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун баъзи саволлар пайдо бўлиши табиий: замонавий дунё ва ҳар бир давлатни бирламчи энергия манбаи захираси қай миқдорда, бу захираларнинг қанча вақтга етиши, уларнинг оқилана ишлатилиниши, энергетикани атроф муҳитга таъсири ва ҳ.к.

Ҳар бир энергия манбаини қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмол қилиш муаммолари бор. Бутун дунёда энергетик хавфсизлик муаммоси турган пайтда, жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши, қоида бўйича, айрим бир регионларда, давлатларда энергетик хавфсизликка таҳдид солиши мумкин.

Дунё саноат кўтарилишининг бошланғич босқичларида цивилизация ривожланиш стратегиясида энергоресурслар тугалланмас бойлик деб ҳисобланган. Охириги икки асрда аҳоли сони 6 баробар кўпайиб, олти миллиардан ошиб кетди, энергия истеъмоли эса ҳар бир аҳоли бошига 5 (беш) баробарга кўпайди.

10.1.1-жадвал

Дунёда энергоресурсларнинг истеъмол қилиниши, %

Йиллар	1850	1900	1950	2001	2010	2030
Энергоресурс						
Ўтин ёғоч	90	20	18	-	-	-
Нефть	-	10	24	35	35,3	35,4
Кўмир	10	70	44,5	23,3	22,3	22,1
Табиий газ	-	-	7,4	21,2	23,1	25,8
АЭС	-	-	2,7	6,9	6,2	4,3
ГЭС	-	-	3,4	2,2	2,3	2,2
КТЭМ	-	-	-	11,4	10,8	10,2
Дунё	100	100	100	100	100	100

10.1.1-жадвалда бирламчи энергия ташувчиларнинг 2001 йил давомида дунёда истеъмол қилиниш баланси

келтирилган (МЭА тахминига кўра), энерготашувчиларни абсолют кўрсаткичлари: 1900 йил – 700 млн т.ш.ё., 2030 йил – 23276 млн. т.ш.ё. Тикланаётган энергия манбаига, асосан, биоёқилги (ўтин, ёғоч), шамол, геотермал, қуёш энергия манбалари киради.

Дунё энергетикаси ўз ривожланиш тарихида уч катта даврни ўтаган: кўмир, нефть ва ўтувчи давр, бунда табиий газ белгилаб берувчи энергия ташувчига айланади. Инсоният нефтни топгандан сўнг, уни энергоресурс сифатида аниқлаб, кескин катта ҳажмда казиб олиш ишларини бошлаб юбориб, аста-секинлик билан кўмир ўрнига ишлатишни бошлаб юборди.

Лекин 1973 йилда дунёни нефть инкирозлари ларзага солди. «Қора олтин» экспорт қилувчи давлатлар бир кунда нефть нархини ўн баробарга ошириб юборди. Йирик истеъмолчилар қийин аҳволга тушиб, нефть ўрнини босувчи ёқилги излашга тушдилар. Бундай кризисдан чиқишнинг бир нечта йўли мавжуд эди: кўмирга қайтиш, нефтни газга алмаштириш, АЭСни ривожлантириш ва альтернатив энергия манбаларини излаш.

Кўплаб Европа, Америка ва Мексика давлатлари айтиб ўтилган ҳамма йўлларни танладилар. Биринчи босқичда кўмир ҳиссасини ошириб, газга ўтиш йўлларини излашди. Баъзи бир давлатлар (Франция, Швейцария) атом энергетикасига урғу беришди. Агар АЭСларнинг дунё бўйлаб жойлашиш манзилларига қарайдиган бўлсак, энг кўп АЭС Европа китъасида (Россия билан бирга) жойлашган.

Иккинчи ўринда Шимолий Америка жойлашган.

Учинчи ўринда Осиё китъаси туради. Экспертларнинг фикрича, яқин келажакда Осиё китъаси АЭСлар сони бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олади. Чунки дунёнинг иккинчи иқтисодиёти мақомига кўтарилган Хитойда йилдан-йил электр энергиясига бўлган талаб кескин ошиб борапти ва ҳукумат эскиларини эксплуатация қилиш билан бирга, янги

АЭСлар куриш йўли билан бу муаммонинг ечимини хохлаяпти. Шунингдек Ҳиндистон ҳам ошиб бораётган электр энергия талабларини янгидан-янги АЭСлар куриш йўли билан қондирмоқчи. Шунингдек, Вьетнам давлати ўзининг илк АЭСини 2019 йилда ишга туширишни мўлжаллаяпти. Осиёнинг бошқа айрим мамлакатлари ҳам келажакда ўз давлатларида АЭСлар куриш истикболларини хомчўт қилмоқдалар.

Тўртинчи ўринда эса Аргентина ва Бразилияда жойлашган бир неча АЭСлари билан Жанубий Америка турибди¹⁸⁹.

Бешинчи ўринда Африка қитъаси жойлашган. Бу қитъада АЭСлар ҳозирча фақатгина ЖАРда бор. Аммо қитъанинг бир неча мамлакатлари яқин келажакда АЭСлар куриб, ўзларидаги электр энергияси тақчиллиги муаммосини йўқотишни режалаштиряптилар. Бу йўлда Судан илк қадамларни ташлади. 2017 йилнинг 26 декабр куни «РосАтом» ва Судан ҳукумати ўртасида Суданда АЭС куриш ҳақида шартнома имзоланди.

АЭСларнинг мамлакатлар бўйлаб тақсимланишида эса АҚШ мутлақ биринчи ўринда. Бу мамлакатда юзга яқин атом реактори ишламоқда. Кейинги ўриндаги Францияда 58 та реактор ишляпти. Учинчи ўринда эса ҳозирча реакторлари вақтинчалик тўхтатилиб ишламай турган бўлса-да, Япония туради – 43 та атом реактори бор¹⁹⁰.

Атом электр станциялари сони бўйича дунёда биринчи ўнталikka кирадиган мамлакатлар қуйидалардан иборат:

1. АҚШ. 99 реактор ишляпти, 4 таси қурилмоқда.
2. Франция. 58 реактор ишляпти, 4 таси қуриляпти.
3. Япония. 43 та бор ва уларнинг ҳаммаси ҳозир тўхтатилган.
4. Хитой. 35 реактор ишляпти, 22 таси қуриляпти.
5. Россия. 35 реактор ишляпти, 7 таси қурилмоқда.

¹⁸⁹ Ўзбекистон атом энергетикаси орқали электр энергиясига эҳтиёжини тўлиқ таъминлай оладими?// <https://www.xabar.uz/mualliflar/gayrat-yoldosh/ozbekiston-atom-energetikasi>

¹⁹⁰ Ўша манба.

6. Жанубий Корея. 25 реактор ишляпти, 3 таси қурилмапти.

7. Хиндистон. 22 реактор ишляпти, 5 таси қурилмоқда.

8. Канада. 19 реактор ишляпти. Янгилари ҳозирча қурилмапти.

9. Украина. 19 реактор ишляпти.

10. Буёқ Британия. 15 реактор ишляпти¹⁹¹.

Янги технологияларнинг жорий этилиши, энергия истеъмоли ва ер юзида аҳоли сонинг ошиб бориши бевосита боғлиқ ҳодисалардир. Ривожланган мамлакатларда саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ва ўз навбатида, истеъмолнинг ўсиши (аҳоли сон бошига) кузатилди, секин ривожланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда эса аҳоли сонинг кескин ўсиб бориши кузатилди.

10.1.2-жадвал

Дунё бирламчи энергоресурслари истеъмолининг динамикаси


Йиллар Энергия ташувчилар	2001		2010		2030	
	Мли т.ш.ё.	%	Мли т.ш.ё.	%	Мли т.ш.ё.	%
Нефть	5112	35,7	6048	35,0	8077	34,7
Қўмир	3380	23,6	3853	22,3	5144	22,1
Табий газ	3122	21,8	3991	23,1	6005	25,8
АЭС	988	6,9	1123	6,5	1001	4,3
ГЭС	315	2,2	397	2,3	512	2,2
ҚТЭМ	1403	9,8	1866	10,8	2537	10,9
Дунё	14321	100	17279	100	23276	100

У ёки бу энергоресурс турларини, истеъмол миқдорини белгилаб беришда, икки асосий омилни таъкидлаш жоиз. Биринчиси-технологиянинг ривожланиши оқибатида, иккинчиси-энергоресурснинг мавжудлиги. Жами энергия истеъмоли ўша маънода.

теъмолининг даражаси, альтернатив энерго манбаалари мавжудлиги ва жамиятнинг ижтимоий тизими энергоресурслар истеъмолига таъсир ўтказди.

10.2. Энергетика хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти

Миллий, шу жумладан, иқтисодий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири энергетик хавфсизликдир. Энергетик хавфсизлик бутун жаҳон, жамият, мамлакат ва фуқароларнинг ҳамда улар иқтисодиётининг ички ва ташқи таҳдид омиллари таъсирида иқтисодий жихатдан олиши мумкин бўлган миқдор ва маълум сифат даражасидаги ёқилғи-энергетик ресурсларининг камёб бўлиб, етишмай қолишидан ҳимояланган ҳолатидир. Нормал шароитда энергетик хавфсизлик фуқаролар, давлат ва жамият ёқилғи-энергетик ресурсларига бўлган мавжуд ва асосли эҳтиёжларининг тўлиқ ҳажмда ва сифат даражасида таъминланганини англатади (10.2.1-расм).



10.2.1-расм. “Энергетик хавфсизлик” тушунчаси моҳияти¹⁹²

¹⁹² Муаллиф томонидан тузилган.

Фавкулудда вазиятдаги энергетик хавфсизлик фуқаролар, давлат ва жамиятнинг энг муҳим ва зарурий минимал ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга етарли миқдорда ёқилғи-энергетик ресурслар билан таъминланганлик ҳолатидир.

Энергетик хавфсизлик, шунингдек, энергетик ресурслар ва энергия ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши, улар билан мамлакатни ўзини-ўзи таъминлашга қодирлиги ҳамда энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш самарадорлигини ифодалайди (10.2.2-расм).



10.2.2-расм. Энергетик хавфсизлик компонентлари¹⁰³

Энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг барқарор ривожланиши атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутун жаҳон комиссиясининг тавсиясига биноан ҳозирги авлод талабларига (эҳтиёжларига) жавоб берадиган, лекин бўлғуси авлоднинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини чекламайдиган ривожланиш деб тавсифланади. Аммо энергоресурслар захиралари чекланган ва маълум муддатда улар айримларининг тугаши мумкинлиги сабабли ҳам бўлғуси авлодга қайси энергия ресурси турининг қанча миқдорда

¹⁰³ Муғлиф томонидан тузилган.

кондирилишини прогноз қилиш қийин. Шу боисдан ҳар бир авлод энергия ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб, самарали даражада ишлаб чиқариши ва истеъмол қилиши лозим бўлади. Шунингдек, бўлгуси авлод учун энергия ресурслари ва энергиянинг янгидан-янги манбаларини ишлаб топилга интилиши зарур бўлади.

Энергия ресурслари ва энергия билан ўзини ўзи таъминлашга қодир бўлган мамлакат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўз мустақиллигини таъминлайди ҳамда бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолиш хавфидан химояланган бўлади.

Энергоресурслари ва энергия ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш самарадорлигига эришилса, энергоресурсларнинг қатга қисмини бўлгуси авлодларга қолдириш, мамлакатни узоқ истикбол даврида ҳам мустақил, барқарор ривожланиши, шу боисдан, унинг миллий, иқтисодий, энергетик хавфсизлигини таъминлашга қодирлиги кучайтирилган бўлади. Энергоресурслар ва энергия ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш самарадорлигини ошириш учун техника ва технологиялар унумдорлиги юқори, кам материал сарфланадиган, энергия тежамкор бўлиши, уларни бошқарувчи ишчи-ҳодимлар юқори билим, касб маҳорати ва малака даражасига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида энергетик хавфсизликка таҳдидлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ёқилги энергетика комплекси тармоқларида асосий асбоб-ускуналар эскиришининг юқори даражадалиги;
- минтақа мамлакатларида ёқилги-энергетика соҳасида энергоресурсларни ишлаб чиқиш (қазиб олиш) марказлари билан уларни истеъмол қилувчилар ўртасида ўзаро алоқадорликнинг сустлиги;
- иқтисодий ва энергетик тежамкорлик ривожланиш йўлига ўтказилмаганлиги;
- энергетика тармоқларида инвестиция етишмаслиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги;

– ички энергия истеъмолчиларининг ва энергия ташувчилари импорт килувчиларининг харид қобилиятининг пастлиги;

– энергия ва энергия ресурслари истеъмоли учун ҳақ тўламаслик ҳолатларининг кенг миқёсда эканлиги;

– Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энергия ташувчи ресурс эгалари билан улардан энергия ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи мамлакатлар ўртасида ўзаро мустаҳкам манфаатли келишувнинг йўқлиги.

Кейинги йилларда нефть, табиий газ, автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиб бориши энергетика хавфсизлигига таҳдидлар ҳисобланади (қаранг: 10.2.1-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2000йилда 1991 йилга нисбатан кўмир қазиб чиқариш 2 мартадан зиёдга камайди. Аммо кейинги йилларда кўмир қазиб чиқариш ошиб борди. 2017 йилда 2000йилга нисбатан 1,6 баробарга кўлайди. Нефть қазиб чиқариш 2000 йилда 1991 йилга нисбатан 2,7 мартага ошди. Аммо 2017 йилда 2000 йилга нисбатан 10,6 мартага камайди.

10.2.1-жадвал.

Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика соҳасининг асосий турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми¹⁹⁴

	1991й	2000й	2010й	2017й	2018й
Кўмир, минг т	5900	2500	3600	4038,6	4174,4
Нефть, минг т	2800	7600	4000	806,0	746,4
Табиий газ, млн куб метр	41900	56400	66000	56417,6	59842,2
Автомобиль бензини, минг т	1791,2	1709,0	1727,9	1106,2	1146,9

¹⁹⁴ Альманах Узбекистан -2013г.Т., ЦЭИ, 2013г.-С.95; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т., 2018.-С.40,41; Ўзбекистон Республикасининг иқтисомий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСИ, 2019.-68, 70-бетлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Дизель ёкилгиси, минг т	2200	1972,0	1127,9	962,9	1080,7
Электр энергияси, млн квт соат	54164,0	46864,0	51976,3	60092,3	60182,3
Иссиклик энергияси, Гкал	59600	39600	27700	27365,0	27684,0

Табиий газ ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилда 2010 йилга нисбатан 14,6%га қисқарди. Кейинги йилларда автомобиль бензини, дизель ёкилгиси ишлаб чиқариш ҳам кескин камайиб бормоқда. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан табиий газ-6,1%га, кўмир казиб олиш ҳажми 3,7%га ошди. Нефть казиб олиш эса 8,2%га камайди.

Электр энергия ишлаб чиқариш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Аммо 85% ишлаб чиқарилган электр энергия газ ва кўмир, мазут ёқиш ҳисобидан олинмоқда. Ўзбекистоннинг электр энергияга бўлган йиллик эҳтиёжи 69 миллиард квт/соатни ташкил этади. Бу миқдордаги электр энергияни ишлаб чиқариш учун 16,5 миллиард кубметр табиий газни, 86минг тонна мазутни, 2,3 миллион тонна кўмирни ёқишга тўғри келмоқда¹⁹⁵. Шу билан уни ишлаб чиқариш таннари Тожикистон ва Қирғизистондагига нисбатан анча юқоридир. Мамлакатимизда кўмир, газ захиралари ҳам камайиб бормоқда. Бу эса энергетик хавфсизликни таъминлаш муаммосининг долзарблигидан далолат беради.

Ушбу энергетик таҳдидлар нуктаи назаридан Ўзбекистон ва Марказий Осиё энергетик хавфсизлигининг компонентлари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- мамлакат (минтақа) иқтисодиёти ва аҳолиси эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдаги энергия ресурсларини (ташувчиларни) кафолатли ва иқтисодий жиҳатдан қулай шартларда етказиб бериш;

- ёкилги конларини кидирув ва казиб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари, янги гидростанциялар қуриш, мав-

¹⁹⁵ Садиқов И. Атомная энергия в мирных целях станет основой для новых достижений в социально-экономическом развитии Узбекистане // <https://podrobno.uz/cat/economic/razvitie-energeticheskoy-otrasli-uzbekistana/>

жуд қувватларни модернизация қилиш, энергия ташувчи ва энергия ресурсларини ташишнинг янги йўналишларини белгилаш ҳамда ташкил этиш бўйича биргаликда ҳамкорлик қилиш;

– ёқилғи ва энергия ресурсларини ички минтақавий ва ташқи истеъмолчилар учун минтақадаги давлатлар ҳудудлари орқали тўсиксиз, дискриминациясиз транзит қилишни таъминлаш;

– энергия ташувчи ресурсларни минтақа ичида айирбошлашни самарали ташкил этиш, мамлакат энергия салоҳиятидан фойдаланишнинг юқори самарадорлигига эришиш;

– Марказий Осиё мамлакатлари энергия тизимининг параллел ва синхрон, яъни ўзаро мувофиқлаштирилган ривожланиши ҳамда мамлакат, минтақа даражасида ишончли энергия таъминотини таъминлаш;

– энергия ресурслар (ташувчилар) ташқи бозорида ўзаро келишилган, мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқариш ва юритиш;

– ҳар бир мамлакатда ва Марказий Осиё ҳудудида энергияни тежаш сиёсатини амалга ошириш; ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш, ахборот ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш.

Ўзбекистонда энергетик хавфсизликни таъминлаш учун ички имкониятларни ишга солиб, қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– кўнгир кўмирни очик усулда казиб чиқаришни янада ривожлантириш;

– табиий газ казиб чиқаришни маълум даражада ўстириш ва барқарорлаштириш;

– суюқ углеводлар казиб чиқаришнинг эришилган даражасини ушлаб қолиш;

– кўмирни ер ости газлаштиришни ривожлантириш;

– углеводлар хом ашёсини чуқур қайта ишлаш жараёнларини кенгайтириш;

– ишлаб чиқарилаётган энергия маҳсулотлари сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш;

- электроэнергия бўйича эришилган балансни саклаш;
- энергияресурс тежамкорлигига эришиш;
- энергетика соҳасида ўзаро манфаатли, ишончли ҳамкорликка эришиш.

Мамлакат иқтисодийёти энергетик хом ашё ресурсларининг импортга боғлиқ бўлиб қолса, иқтисодий мустақилликка эришиш мушкул муаммога айланади. Ҳар бир мамлакат энергетика тармоғининг ривожланишига қараб унинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан қай даражада тараққий этганлигини аниқлаш мумкин. Мамлакат энергетика саноатининг ривожланганлиги электр энергияси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва мамлакат аҳолиси жон бошига истеъмол қилинадиган электр энергиясининг миқдори билан белгиланади. Энергетиканинг ривожланиши, бир томондан, арзон ва қулай табиий энергетик ресурсларнинг мавжудлигига, иккинчи томондан, уни истеъмол қилувчиларнинг электр энергиядан фойдаланиш самарадорлигига ҳам боғлиқ.

10.3. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришиш, унинг энергетика мустақиллигини таъминлаш билан бирга, республиканинг бирмунча узоқ истикболда электр энергиянинг йирик экспортчисига айланиши имконини беради. Энергетика секторида мужассамлашган барча потенциал афзалликларга эришиш учун бир қатор принципиал жиҳатдан муҳим тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Биринчидан: кўмир захираларининг кўпчилигини инобатга олган ҳолда, у асосий ресурс сифатида шакланмоғи лозим. **Ўзбекистонда кўмирнинг тасдиқланган захиралари** 1,95 млрд. тонна миқдоридадир. Прогноз ресурслари 5,7 млрд. тоннадан ортиқ миқдори ташкил қилади. Ўзбекистонда барча кўмир захираларининг 70 %ини кўнгир кўмир ва лингит

ташқил қилади. Тошқўмир захиралари жанубий ҳудудларда, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жамланган. Ҳозирги вақтда кўмир учта конда: Ангрэн конида (кўнғир кўмир, 1,9 млрд.т), Шарғун ва Бойсун конларида (тош кўмир, тахминан 50 млн.т атропоиди) казиб олинади.

Иккинчидан: энергетика саноатига ташқаридан капитал маблағлари жалб этилиши учун инвестиция базаси ташқил этилиши ва бу соҳада солиққа тортиш тартиби хақида қонунлар ишлаб чиқилиши керак.

Учинчидан: энергетика секторида корхоналарни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида муассасавий ислоҳотлар ўтказилиши тақозо этилади.

Тўртинчидан: ҳудудларда энергетика тизимининг потекис жойлашганлиги Республика ҳудудларининг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Вазият яна шу билан чуқурлашадики, янги электрстанциялар жойлаштирилаётган майдонлар қисқариб бормоқда ва 220-500 кВгли тармоқларнинг жуда кенг майдонни эгаллаши уларни ўрнатишни мушқуллаштиради.

Ҳудудларда молиялаштириш, моддий техника таъминоти соҳасидаги мураккабликлар энергетика ва электротехника дастгоҳларини олиб келиш ва ишга тушириш муддатларининг чўзилиб кетишига, кўзда тутилган объектларда қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми пасайиб кетишига олиб келади. Энергияни максимал тежаш шароитида ва электр энергиясини ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш талаби ҳам тармоқни етарлича юқори даражада ривожланишини сақлаб қолишни тақозо қилади. Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги ва соҳанинг техник хавфсизлигини таъминлаш талаблари ҳам мутлақо янги иқтисодий ва техник талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон энергетикасини ривожлантириш дастурини ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишни зарур қилиб қўяди.

Мамлакатимизда энергетикани янада ривожлантириш, қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишга ўтиш мақсадида Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги кўмагида 2014 йилнинг декабрь ойида қуввати 130 кВт бўлган қуёш фотоэлектрик станцияси қурилди ва ишга туширилди. Ушбу станция ягона электр энергетикаси тармоғига уланган ва йилга 234,3 минг кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида йирик қуёш фотоэлектрик станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда. Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистон Республикасининг шамоллар Атласи ишлаб чиқилди, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида қуввати 750 кВт бўлган тажрибавий шамол энергоқурилмасини қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари якуновчи босқичига кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг¹⁹⁶ 2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида¹⁹⁶ги 2017 йил 26 майдаги қарорига мувофиқ қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 2025 йилга келиб электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда, жумладан, гидроэлектростанциялар бўйича 12,7 фоиздан 15,8 фоизга, қуёш энергетикаси бўйича 2,3 фоизга, шамол энергетикаси бўйича 1,6 фоизга; қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати, бунда 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 810 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда¹⁹⁶.

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг¹⁹⁶ 2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида¹⁹⁶ги 2017 йил 26 майдаги қарори// *Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 30 май*

Ўзбекистонда йиллик электр энергияга бўлган эhtiёжи 69 млрд квт/с бўлиб, уни ишлаб чиқариш учун 16.5 млрд куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут, 2,3 млн тонна кўмир сарфланади. Экспертларнинг баҳолашига кўра 2030 йилда электр энергия истеъмоли 117 млрд квт/соатни ташкил этади. Шу боисдан мамлакатимизда Атом электр станцияси қуриш бошланди¹⁹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПФ-5484-сонли “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. «Ўзатом» агентлигининг атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атом энергетикаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда саноат ва экология хавфсизлигининг халқаро талабларига жавоб берадиган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этган ҳолда, атом энергетикаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича битимлар ва шартномалар тузиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика гармонияни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5646-сон Фармониға му-

¹⁹⁷ Садиков И. Атомная энергетика в мирных целях станет основой для новых достижений в социально-экономическом развитии Узбекистана // <https://podrobno.uz/cat/economic/razvitiie-energeticheskoy-strasli-uzbekistana/>

вофиқ Ўзбекистон Республикасининг энергетика вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзбекэнерго” АЖни қайта ташкил этиш асосида иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти, “Ўзбекэнерго” АЖнинг тугатилаётган “Ўзэлектртармок” УК ва “Энергосотиш” филиали негизида республиканинг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, улар орқали электр энергияни етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш, экспорт ва импорт қилиш билан шугулланувчи “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ҳамда электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ташкил этилади. “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари устав капиталаридаги давлат акциялари пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишсини жадаллаштириш шароитида энергетика дастури олдида куйидаги вазифалар қўйилиши керак:

– халқ хўжалигида меҳнатнинг электр энергияси билан қуроллантиришни ошириш билан оммавий ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш;

– энергияни тежаш сиёсатини жадал олиб бориш орқали ялпи ички маҳсулотнинг электр сифимини камайтиришга эришиш;

– энергетика саноатида ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштириш ва тўлиқ техникавий қайта қуроллантириш асосида тармок маҳсулотнинг капитал сифимини камай-тиришни таъминлаш;

– электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини бутун иккисодиётнинг ривожланишидан илгарилиб бориши ва истиқболда республика аҳолисининг юқори сифатли электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондиришга эришиш;

– энергетика объектларида хавфсизлик талабларига риоя этиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, атмосферага зарарли чиқиндиларни ҳамда зарарли оқова сувларни чиқаришни иложи бориचा камайтиришга эришиш.

Электр энергетикани ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва энергетика соҳасидаги тизимий ўзгаришлар орқали амалга оширилади.

Энергетика мажмуасини ривожлантиришнинг асосий мақсади – халқ хўжалиги ва республика аҳолисини электр энергияси ҳамда иссиқлик энергияси билан самарали ва ишончли таъминлаш, бунда энергетиканинг атроф муҳитга салбий таъсирини иложи бориचा камайтириш ҳисобланади. Шу сабабли, республика энергетика тизимини ривожлантириш концепциясида қуйидаги асосий йўналишларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ:

1. Фаол энергияни танлаш ва энергиядан оқилона фойдаланиш. Бу фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасидаги қўйилган вазифаларни ҳал қилиб, электр ва иссиқлик энергияси истеъмолини камайтиради ҳамда бирламчи ёқилгини тиклашга олиб келади.

2. Энергия ишлаб чиқариш тизимини реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш. Тармокни тубдан реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш ўтказиш орқали ўз ресурсларини тугатган дастгоҳлар ўрнига янгиларини қиритишга замин яратилади. Янги восита ва технологиялар-

дан фойдаланиш, энергия объектлари фаолият кўрсатаётган худудларнинг экологик ифлосланишини кескин камайтириш имконини беради.

3.Тармоқда электр станцияларини ёқилғи билан таъминлашда узок муддатли кўмир стратегиясига ўтиш. Республикада табиий газ захираларини чекланганлиги, бу кимматли маҳсулотдан ўта оқилона фойдаланишни уни тежашни рағбатлантиришни ва электр энергияни ишлаб чиқаришда кўмир улушини ошириб боришини тақозо қилади.

4.Худудларни электр қуввати ва электр энергияси билан таъминлашни барқарорлаштириш. Экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш ва унинг атроф муҳитга кўрсатилган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган кўшимча харажатлар узатилаётган электрси энергия тарифлари даражасининг кескин ошишига олиб келади. Шу сабабли электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни узатишни худудий барқарорлаштириш республика энергетика мустақиллигини таъминлайди ва бу юқори иқтисодий самара беради. Жойлардаги бошланғич энергия ресурсларидан унумли фойдаланиш ва энергиянинг кичик корхоналарини ривожлантиришга энергиянинг ноанъанавий манбаларини татбиқ қилиш орқали эришилади.

5.Кичик энергетика тизимини ривожлантиришнинг аҳамиятини иқтисодий ва экологик омиллар билан тушунтириш мумкин, чунки бундай корхоналар қурилишида инвестицион циклнинг қисқариши, нафақат энергия, балки молиявий ресурслардан ҳам иложи борича самарали фойдаланиш имкониятини беради.

6.Энергиянинг қайта тикланадиган ноанъанавий манбаларини кенгроқ татбиқ қилиш. Республика аҳолиси ва халқ хўжалигини электр иссиқлик энергияси билан таъминлаш ва энергия ишлаб чиқаришнинг экологик омиллари, энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланиш янги технологияларни татбиқ қилишни тақозо қилади. Бу, биринчи

навбатда, куёш энергияси ва гидро энергетика салоҳиятидан фойдаланишга тааллуқлидир.

7. Энергетика тизимида инвестиция сиёсатини оқилона олиб бориш. Тармоқнинг ўзини-ўзи молиявий жиҳатдан таъминлашига эришиш ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда тарифлар даражасини белгилашнинг янги қоидаларини шакллантириш, энергияни тақсимлаш ва энергетика корхоналарининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун зарур миқдорда фойда олиш имконини беради.

8. Республика энергетика тизими фан-техника тарққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш. Бу ишончли, хавфсиз, экологик тоза электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш, дастгоҳларнинг коррозияси, емирилиши ва атмосферага захарли чиқиндиларни чиқишини камайтириш ҳамда босқичма-босқич ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва АСКУЭ дастурлари билан таъминлаб бориш учун шарт-шароит ҳисобланади.

9. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш. Бу атроф муҳитга энергия ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирини камайтириш борасида комплекс тадбирлар ишлаб чиқиб, тизимга татбиқ этишни тақозо қилади.

Иссиқлик электр станцияларининг атмосфера учун асосий зарарли чиқиндиси золнинг қаттиқ заррачаси олтингургурт оксиди ва азотдир. Бунда азот оксидлари чиқишини камайтиришга ёқилғи камералари ёки алоҳида печларда ёқилгини поғонали ёқишни татбиқ этиш орқали эришилади. Газлар тутунни рецеркуляция қилиш тизимини татбиқ этиш орқали азот оксид чиқиндилари чиқишини 50% гача камайтиришга имкон яратилади.

Ёқилгини поғонали ёқиш тизими ҳозирда Тошкент, Навоий, Таҳиатош, Сирдарё ИЭСлари ва Тошкент, Фарғона, Муборак ИЭМлари қозонларида қўлланмоқда. Иссиқлик электр станцияларида зол чиқиндилари чиқишини камайтириш учун Ангрен ИЭСида электр филтърларини модернизациялаш ва алмаштириш кўзда тутилган. Фарғона ИЭМда ат-

мосферага чиқаётган золни тутиш учун фильтрларни махсус коплама билан ёриш йўлга қўйилган.

- Металларни коррозиядан саклаш.

- Энергетик дастгоҳлар ишлаши ишончилигини оширишнинг самарали йўлларида бири улар юзасини актив коплама – октадециламина билан коплашдир. Октадециани қўллаш металларнинг емирилиши, уларда ёпишиб қолган чиқиндилар ва коррозия махсулотлари камайишига ва гидрофобли ҳимоя қобилиги ҳосил бўлишига имкон беради. Ҳозирги кунда Тошкент, Навоий, Сирдарё, Янги Ангрен ва Тахياتош ИЭС энергия блокларида октидециламинани қўллаш орқали коррозия бўладиган қисмларни ҳимоя қилиш ва консервация қилиш усуллари ишлаб чиқиш амалиётга татбиқ қилинган.

- Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматик бошқариш тизимини, телемеханика ва технологияларни автоматлаштиришни татбиқ қилиш. Ҳозирги кунда бу соҳада бир нечта янги дастурларни амалиётга татбиқ қилиш мўлжалланган бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- янги ўрнатилган 300-800 мВт энергия блоклари учун Автоматлашган бошқарув тизими (АБТ);

- электр энергияси истеъмоли ва уни сотишни ҳисоб-китоб қилишнинг автоматлашган тизими, электр энергияни информатика орқали ўлчаш тизими.

Ҳозирда Республикада иссиқлик электр станцияларининг ишлаб чиқариш жараёни ва гидроэлектр станцияларда технологик жараёнларни автоматлаштириш даражаси 100 фоизни ташкил қилади. Республикада яқин истиқболда энергетика тизимида бир қанча амалий ишларни бажариш қўзда тутилган. Булар қуйидагилар: энергия ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришни ташкил қилиш, электр станция ва электр тармоқларини бирламчи ахборот йиғиш тизими билан таъминлаш, қозон агрегатларда технологик жараёнларни тўғрилашнинг автоматик схемасини такомиллаштириш, қаттиқ ёқилғиларни ёқиш, азондан тозаловчи ва олтин-гурутни тутувчи ускуналар, электр станция, нимстанциялар

ва иссиқлик тармоқларида автоматик бошқаришнинг интеграллашган тизимларини ишлаб чиқишни ва татбиқ қилиш.

Ҳар қандай товар ва иктисодий ресурслар каби электр энергияси нархи (тарифи) ошганда ишлаб чиқарувчилар, пасайганда эса, истеъмолчилар учун самарадорлиги юқори бўлади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқурувчилар учун республика электр таъминоти самарадорлигини оширишга салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд. Булар электр тармоқлари-га ўзбошимчалик билан уланиб, ундан ноқонуний равишда фойдаланиш, истеъмолчилар томонидан стандарт талаблар-га жавоб бермайдиган электр жиҳозларидан фойдаланиш, электр ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини камайтиришга уриниш, маънавий эскирган электр ҳисоблагичларининг ха-толик коэффицентининг юқорилиги ва шу каби омиллардир.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун аҳоли электр ускуналари ва чироқларини лойиҳа-пешҳисоблари бўйича кўрилиши ва ўрнатилиши, Давлат стандарт талабларига жавоб беришини таъминлаш, электр энергия истеъмоли устидан назоратни кучайтириш, истеъмолчиларнинг электр ҳисоблагичларга бир марталик номерланган пломбалар ўрнатиш ва уларнинг сақланишини доимий назорат қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида куйидаги кў-шимча чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга муво-фик бўлади:

– истеъмолчиларнинг электр энергияси сарфини ҳисоб-лаш ускуналарини тегишли таъминот корхоналари балан-сига қабул қилиш, уларни белгиланган муддатларда кўрик-дан ўтказиш, таъмирлаш ёки замонавий ҳисоблагичларга алмаштириш;

– мавжуд қонун ҳужжатларида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги ва ундан фойдаланиш қоидала-рини кўпол равишда бузганлиги учун жавобгарлик ёки жазо чораларини кучайтириш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, давлат назорат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари ва электр таъминоти корхоналари мутасадди ходимларининг истеъмолчилар ўртасида доимий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича ҳамкорликда ишларини ташкил этиш;

– ўсиб келаётган ёш авлоднинг табиий бойликлар ва энергия ресурсларига бўлган муносабатини ўзгартириш, бунинг учун мактаб ўқув дастурларига уларни асраш ва оқилона фойдаланиш бўйича махсус ўқув курсларини киритиш.

Республика бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг турар жой-коммунал тармоғини ислоҳ қилиш мақсадида эҳтиёжларнинг, ҳамда ёқилғи ва электр энергияси кийматининг жадал ўсиб бориши ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган эътиборни зудлик билан кучайтирилиши талаб қилинади. Шунингдек, муқобил ёқилғи турларидан (кўмир, қуёш энергиясидан) фойдаланиш, номарказлашган (локал) электр таъминотига ўтишни жорий қилиш ҳам зарур.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳақида гап юритар эканмиз, республика энергетика соҳасида инновацияларни қўллаш, яъни бу борада мамлакатимиз потенциалдан тўлақонли фойдаланган ҳолда энергиянинг муқобил манбаларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу масалада шамол, қуёш энергияси, биоэнергия, сув энергиясидан фойдаланишимиз мумкин. Жумладан, иқтисодий тадқиқотлар марказининг таҳлилига кўра республикада мавжуд бўлган энергиянинг муқобил манбалари гидроресурслар 88,5 млрд.кВт/с, шамол энергияси -2,2миллион тонна нефт эквивалентига, қуёш энергияси -51 млрд.т.н.э.га тенг. Энергиянинг муқобил манбаларининг қайта тикланиш хусусиятига эга эканлиги, экологик тозаллиги, захиралари кўплиги туфайли келажакда нисбатан арзон бўлиши каби афзалликлари мавжуд бўлиб, бу, ўз навбатида, анъанавий энергия манбаларини тежаш имкониятини беради.

Техникадан фойдаланишда инсон омили билан бoғлик хатоликлар ва бунинг оқибатида режалаштирилмаган электр энергияси йўқотишларини бартараф этиш учун электр таъминоти соҳасида ишлаётган муҳандис техник ходимлар ва ишчиларни доимий равишда малакасини ошириб бoриш, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши учун ўқув машғулотлари ташкил қилиш зарур. Электр станциялари ва ундаги қурилмаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мазкур ресурс туридан тежамли ва оқилона фойдаланиш, самарадорлигини ўстириш бўйича малакасини ошириш, энергияни тежаш бўйича ишларни амалга оширишни моддий рағбатлантириш катта аҳамиятга эга.

Асосий таянч тушунчалар

Энергия, энергетика, энергетика хавфсизлиги, “энергетика хавфсизлиги” тушунчасининг таркибий элементлари, энергетика хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, энергетика хавфсизлигини таъминлаш усуллари, энергетика манбаларининг янги турлари, қуёш энергиясидан фойдаланиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Энергетика миллий иқтисодиётда қандай ўрин тутди?
2. “Энергетика хавфсизлиги” тушунчасининг моҳияти нима?
3. Энергетика хавфсизлигига таҳдидлар нималардан иборат?
4. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун нима қилиш керак?
5. Ўзбекистонда энергетика соҳасида қандай муаммолар мавжуд?
6. Мамлакатимизда энергетика хавфсизлига таҳдидларни айтиб беринг.
7. Ўзбекистонда энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун нималар амалга оширилган?
8. Энергетикани ривожлантиришнинг истиқбол йўналиши.

лари нималардан иборат?

9. Энергия олишнинг истикболдаги мукобил манбалари нималардан иборат?

10. Ўзбекистонда атом электр станцияси куриш ним учун долзарб ҳисобланади?

11. Ватанимизда атом энергиясидан фойдаланишда қандай хавфсизлик чораларини кўриш керак?

11-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

11.1. Озиқ-овқат хавфсизлигининг моҳияти ва аҳамияти

Озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади. Бунга жаҳоннинг 54 мамлакатада оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол далилидир¹⁹⁸. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият бериләди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари 1996 йилда Рим шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон озиқ-овқат форумида муҳокама қилинган. Ушбу Форумда 130 мамлакат иштирок этди. Унда кам ривожланган мамлакатларга озиқ-овқат ёрдами беришга оид масалалар кўриб чиқилди. Форумнинг диққат-марказида асосан, Ер шари аҳолисини қандай боқиш керак? деган савол кўйилган. Чунки маълумотларга кўра дунёда кишшюклар шу қадар кўпки, улар қундалик егулик овқатга ҳам эга эмас, очликдан азоб чекмоқда. Кўпинча, саводсиз, тўрттадан ортиқ фарзанди бор, ишсиз, кам иш ҳақи оладиган, қисман иш билан банд ёки меҳнатга лаёқатсиз кишилар қашшюк бўлиб қолмоқда. Жаҳонда ҳар 7 дақиқада бир бола очлик ёки у билан боғлиқ сабаблар туфайли нобуд бўлади. Беш ёшгача бўлган барча болаларнинг учдан бир қисми тўйиб овқатланмасликдан азоб чекади. Ҳар йили 5 ёшгача бўлган болаларнинг 6 миллиондан ортиғи тўйиб овқат емаслик туфайли дунёдан

¹⁹⁸ Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодийёт барқарорлиги ва фаровонлиқнинг мустаҳкам асоси.//Халқ сўзи, 2014йил 7июнь.

кўз юммоқда. 1,3 миллиард киши кунига 1 АҚШ долларидан кам маблағ ҳисобидан кун кўради. Қашшоқ кишиларнинг асосий қисми Жанубий Осиёда яшайди. Улардан 522 миллион киши кунига 1 доллардан кам маблағга ҳаёт кечирмоқда. Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубида бутун минтақа аҳолисининг деярли ярми – 46,3 фоизи қашшоқликда яшайди. Асосий хизматлардан фойдаланиш ва қашшоқликни камайтириш учун атиги 80 миллиард доллар кифоя. Бу жаҳондаги умумий даромаднинг 0,5 фоизидан ҳам камроғини ташкил этади. Жаҳондаги энг бадавлат уч олигархнинг маблағи – энг қашшоқ 48 мамлакатнинг жами яппи ички маҳсулотидан анча юқори. Бу эса, жаҳонда, жумладан, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини-ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунинг учун озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бора-сидаги сиёсатида, асосан, ўзининг кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий

равишда янгилашиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади¹⁹⁹.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ўз ичига озиқ-овқат билан жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан таъминланганликни ҳамда овқатланиш хавфсизлигини олади (II.1.1-жадвал).

II.1.1-жадвал.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг таркибий қисмлари²⁰⁰.

Озиқ-овқат билан жисмоний таъминланиш	Озиқ-овқат билан иқтисодий таъминланиш	Хавфсиз овқатланиш
Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатининг самарали фаолият юритиши	Аҳоли даромадларининг барқарор даражасини кўллаб-қувватлаш	Маҳсулот ва хомашё сифатини назорат қилиш
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё бозорларининг ривожланиши	Мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш	Сифатни бошқариш тизимини яратиш ва сертификациялаш
Савдо тармоқларининг ривожланиши	Нарх даражасини тартибга солиш	Аҳоли саломатлигини яхшилаш
Янги иш ўринларининг яратилиши	Ер участкаларини Хавфсиз олиш учун шароит яратиш	Соғлом турмуш тарзини шакллантириш
Аҳоли иш билан бандлигини кўллаб-қувватлаш	Бюджет тўловларининг ўсиши	


Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, озиқ-овқат билан жисмонан таъминланганлик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини миқдоран кўлайтиришни ифода қилади. Озиқ-овқат билан иқтисодий жиҳатдан таъминланганлик аҳоли даромадларини ўстириш, инфляция даражасини мақбул даражада ушлаб туриш орқали аҳолининг озиқ-овқат

¹⁹⁹ Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия, 2012.- 162-бет.

²⁰⁰ Ғудомов С.С. "Иновация ва озиқ-овқат хавфсизлиги" мавзусидаги ИИВ академиясида 2014 йил 24 апрелда қилган маърузаси.

махсулотларини харид қилиш қобилиятини ўстиришни ифодалайди. Хавфсиз овқатланиш эса аҳолининг соғлом овқатланиш сифатини ошириш компонентларини ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир одам учун озиқ-овқат хавфсизлиги инновациялар орқали чиқиндиларни камайтиришни, овқатлар ва овқатланиш сифатини оширишни, инсоннинг ҳаддан ортиқча овқатлатдан сақланишни. Овқатлардаги макро ва микро элементларнинг етарли бўлишини, энергия ва калориянинг баланслигини ўз ичига олади (11.1.1-расм).



11.1.1-расм. Инсон учун озиқ-овқат хавфсизлиги элементлари²⁰¹.

²⁰¹ Гуломов С.С. “Инновация ва озиқ-овқат хавфсизлиги” мавзусидаги ИИВ академиясида 2014йил 24апрелда қилган маърузаси.

Озиқ-овқат турлари ва овқатланиш хусусиятларига аҳолининг дини, урф-одатлари, шунингдек, реклама ва психологик ҳолати таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш коэффициенти ҳисобланади. Бу коэффициент мамлакат ичида яратилган ва истеъмол қилинган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматлари нисбатининг фойдадаги ифодаси сифатида ҳисобланади. Ушбу коэффициент ҳар бир кишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун нархларнинг ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Барча ҳисоб-китоблар ўзгармас нархларда олиб борилади. Бу нархлар улгуржи нархларни қайта ҳисоблаш асосида аниқланади.

Дунё мамлакатлари аҳолисининг озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш коэффициентининг пасайишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши;
- аҳоли сонининг ўсиши;
- аҳоли жон бошига истеъмолнинг ўсиши;
- турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг номутаносиблиги. Бунинг натижасида ҳосилдорлик даражаси, баъзи маҳсулот турлари ҳажми камайиши юз беради;
- урбанизация жараёнларининг жадаллашуви туфайли ерларнинг бир қисми саноат объектлари, уй-жойлар, йўллар қурилишига банд этилади. Бунинг оқибатида кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари қисқариб боради. Шунинг учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли даражада юқори суръатларда ўсмаслиги;
- ишланадиган ер майдонларидан фойдаланиш коэффициентининг пасайиб бориши;
- ишчи кучининг етишмаслиги;
- мамлакатга четдан арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотларининг киритилиши;

– айрим кишлок хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ўсиш суръатларининг пасайиши;

– кишлок хўжалигида кимёвий ўғит ва моддаларнинг хаддан ташқари кўп ишлатилиши ҳамда ирригация ва мелиорация ишларининг етарли даражада, ўз вақтида бажарилмаслиги, агротехника қондаларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли ерлар сифатининг ёмонлашиб, ер унумдорлигининг пасайиши юз беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини аниқлашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ҳар бир мамлакатнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан белгиланган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг рационал истеъмол меъёрлари қўлланилади. Бунда мамлакатдаги ҳақиқий истеъмол даражалари рационал истеъмол меъёрларига нисбатан таққосланади (қarang: 11.1.2-жадвал).

11.1.2-жадвал.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг рационал меъёрлари кг/йил/киши²⁰²

Маҳсулот турлари	ХССТ меъёрлари	РФ да қўлланиладиган меъёрлар	Беларусда қўлланиладиган меъёрлар	ЎзРес. да қўлланиладиган меъёрлар
Нон ва нон маҳсулотлари	120,5	94	94,3	129
Картошка	96,7	90	122,6	97
Полиз ва сабзавотлар	140,3	140	136,5	134,1

²⁰² sisupr.mrsu.ru/2010-4-ARK/PDF/Makushkin.pdf, <http://news.21.by/other-news/2011/11/17/410324.html>, http://www.gnicpm.ru/UserFiles/norma_2010_d_et.pdf, <http://journals.kantiana.ru/upload/iblock/43f/jpynidkqtzbyrnc.pdf>; Соттиқулова Г.А. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ва уни мустаҳкамлаш йўналишлари//“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг озиқ-овқат захираларини оширишдаги ўрни ва роли: муаммо ва имкониятлар” Олий таълим муассасаларинро илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами (2018 йил 19 май) -Т.: “ИМПРЕСС МЕДИА”, 2018.-197-198-бетлар.

Мева ва резаворлар	80,3	100	81,2	82,8
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	70,1	76	68,9	73
Сут ва сут маҳсулотлари	404	340	350,9	413
Тухум, дона	243	270	256	274
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	8,4	24	21,3	18,2
Шакар	36,5	24	30,6	40,5
Ўсимлик ёғи	13,1	7	11,4	9,1

Инсон озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолнинг хавфсизлик меъёрлари озуқа маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва инсон организмга зарур моддаларга бўлган нозластик талабини тўлиқ билган тақдирдагина тўғри танланиши мумкин. Маҳсулотлар таркибий жihatдан оқсил, углевод, ёғ, озуқа кислоталари, витаминлар, ферментлардан ва яна бир группа минерал ашёлардан ташкил топган. Инсоннинг озуқа маҳсулотларига истеъмол талаби инсон жинси, ёши, меҳнат фаолияти турларига қараб ўзгариши мумкин. Ўрта ёшли инсон суткасига 800 грамм озиқ-овқат ва 2 литр сув истеъмол қилиши керак. Оғир меҳнат билан шуғулланувчиларга 4500 ккал, ўқувчи-талабаларга 3300 ккал, қолган меҳнат фаолияти туридаги инсонларга ўртача 2800–4000 ккал озуқа маҳсулотлари истеъмол талаби зарурияти мовжуд.

Шунинг учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– кишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлаш, тегишли тадбирларни амалга ошириш;

– кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

– кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш;

– уруғчилик ва наслчиликнинг сифатини ошириш;

– илмий ва ахборот таъминотини яхшилаш;

– кадрлар салоҳиятини ошириш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш механизмини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, хўжалик юритишнинг илгўр усулларида фойдаланиш;

– озик-овқат маҳсулотларига ички ҳамда ташқи бозорларда талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ва ҳ.к.

Мустақиллик остонасида республикада озик-овқат хавфсизлигига кучли таҳдидлар мавжуд бўлган, республика озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзи қодир бўлмай қолган эди. Шунинг учун ҳам мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳаёт-мамот масаласига айланди.

11.2. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари

Давлат томонидан кишлок хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш, қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат аграр сиёсат деб аталади. **Аграр сиёсат** – бу умумиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, кишлок хўжалиги тармоғи олдига қўйилган вазифаларга эришишни таъминлашга қаратилган ер билан боғлиқ муносабатларни ислоҳ қилиш асосида иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солинган аграр муносабатларни шакллантириш ҳамда шу муносабатларни ижросини таъминлашга қаратилган агротехнологик, ташкилий ва иқтисодий тамойил ва воситалар мажмуи ҳисо-

бланади. Аграр сиёсатнинг мақсади – мамлакат аҳолисининг асосий туридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни тўлароқ қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини етарли хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, шаклланган аграр ресурслар салоҳиятидан мақсадли ва мақбул фойдаланишга эришиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва аҳолиси яшаш фаровонлигини яхшилашдир.

Ўзбекистонда амалга ошириладиган давлатнинг аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустақкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт-шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;
- қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;
- қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;
- қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– кишлок хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;

– кишлок хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

Ўзбекистон Республикасида кишлок хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;

– кишлок хўжалигининг моддий-техника базасининг эскириб қолганлиги;

– кишлокда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;

– кишлок хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг кишлок хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;

– кишлок хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;

– кишлок аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;

– кишлок хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ҳамда техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;

– кишлок хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқариш) нинг камайиши;

– мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;

– ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Ўзбекистонда кишлок хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш бораеида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳукукий негизини такомиллаштириш;
- конунда кўрсатилган ҳукуклари бузилишига йўл қўймаслик;
- уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;
- кишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда кишлоқ хўжалиги ва саноат товарлари орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;
- даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;
- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
- фуқораларнинг тadbиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда конуний ҳукуклари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;
- молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;
- улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;
- кишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
- пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун сугурта тизими аҳамиятини ошириш;

– ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмини шакллантириш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб – қувватлаш ишлари билан тегишли давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари, Фермерлар Кенгаши ҳамда бошқа тузилмалар шуғулланадилар. Дехкон ва фермер хўжаликларини қўллаб –қувватлаш жамғармаси, Бандликка қўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари, “Мадад”, “Биржасавдосуғурта”, “Агросуғурта” суғурта агентликлари ва бошқа институционал тузилмалар корхоналарга бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш ва уларни амалга оширишга қўмаклашадилар. Бунда тижорат банклари, турли жамғармалар имтиёзли кредит ажратиш билан ёрдам берса, суғурта агентликлари кредит хатари ва бошқа фавқулодда ҳолатлардан суғурталайди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларнинг ҳуқуқий – меъёрий базасини яратиш кархоналарнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний бизнес билан шуғулланишларига имкон берувчи ҳуқуқлари ва имтиёзларини кафолатлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мустақкам ҳуқуқий–меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқоралик Кодекси”, “Ер кодекси”, “Солиқ Кодекси”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ширкат хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Дехкон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикамизда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар-

нинг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувиغا йўл қўйилмайди. Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаб туради.

Республикамиз кишлок хўжалигида хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 29- моддаси: “Давлат кишлок хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди”, — деб эътироф этилган.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйидаги механизмлардан ташкил топади:

- молия – кредит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт- шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фойзаларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафолатланган баҳолар белгилаш, экспорт-импорт операция-

ларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар кирди.

Давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликларига моддий – техник ресурсларини етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташини, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярмаркалар, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутди. Давлат бу йўл билан фермерликни ривожини билвосита қўллаб-қувватлайди.

11.3. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши тенденциялари

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг олиб борилган аграр сиёсат туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида ўтган асрнинг 90-йилларининг охириларида бошлаб, унинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 6-7 фозни ташкил этмоқда (қarang: 11.3.1-жадвал).

11.3.1-жадвал маълумотлари кўрсатмоқдаки, 1991-2017 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 48,2%дан 19,2%га, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлганларнинг миллий иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сонидagi улуши эса 41,7%дан 27,3%га қисқарди. Аммо 2018 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилга нисбатан 100,3%га ўсди, унинг ЯИМдаги улуши 32,4%ни ташкил этди. Умуман мустақиллик йилларида

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми икки баробардан зиёдга ўсди.

11.3.1-жадвал.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари²⁰³

	1991	1995	2000	2010	2015	2017	2018
Яли ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари (ўтган даврга нисбатан % да)	99,5	99,1	103,8	108,5	107,8	105,3	105,1
Қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалиги яли маҳсулотининг ўсиш суръати (ўтган даврга нисбатан % да).	98,5	102,2	103,1	106,9	106,6	102,0	100,3
ЯИМ да қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши (%)	48,2	41,1	30,4	18,0	16,8	19,2	32,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида бандларнинг иш билан банд аҳоли умумий сонидagi улуши, %	41,7	36,9	34,1	25,2	27,1	27,3	27,3

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижа-сида қишлоқ хўжалигида давлат секторининг улуши бугун-ги кунга келиб атига 1%ни ташкил этмоқда. Янги хўжалик юритиш шакли бўлган фермер хўжаликларининг қишлоқ хў-жалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш умумий ҳажмида-

²⁰³ Статистический ежегодник Республики Узбекистан. – Ташкент: «Ўзбекистан» 2011. – С.14, 37, 42; Статистический ежегодник Республики Узбекистан. – Таш-кент, 2013. – С.28, 29, 35, 36, 38, 61, 62 с.; Государственный комитет статистики Узбекистана. Труд и занятость. – Т., 2015. – С.34, 35; Ўзбекистон рақамларда. Статтўплам 2016 йил. – Т., 2016. –24-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.15,17,157; Ўз-бекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-де-кабрь.-Т., ДСК, 2019.-13,18-бетлар маълумотлари асосида тузилди.

ги улуши 1991 йилдаги 0,1% дан 2017 йилда 34,7% га ўсди. Аммо 2018 йилда бу кўрсаткич 27,3%ни ташкил этди. 1991-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши 69,7% дан 2,7% гача камайди (кўранг: 11.3.2-жадвал).

11.3.2-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг хўжалик турлари бўйича таркибининг ўзгариши (жамига нисбатан % да)²⁰⁴

	1991	2000	2010	2015	2017	2018
Барча хўжалик турлари, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Фермер хўжаликлари	0,1	5,5	33,9	32,6	34,7	27,3
Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	30,2	66,7	62,4	65,4	63,6	70,0
Қишлоқ хўжалиги корхоналари	69,7	27,8	2,0	2,0	1,7	2,7

Жадвал маълумотлари дехқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши таҳлил даврида 30,2%дан 70,0% га ўсганлигини кўрсатмоқда.

Республикада фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳосилдорлиги ҳамда ернинг сифати, балл бонитети жиҳатидан нисбатан паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида давлат бюджетидан субсидиялар берилди. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида 2008 йилда 60 миллиард сўм субсидия берилган бўлса, 2014 йилда уларнинг миқдори 226 миллиард сўмни, 2015 йилда эса 253 мил-

²⁰⁴ Альманах Узбекистана 2013 год. -Т.2013 -С.103; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2016 йил. Стат.ўплами. -Т., 2016.-19-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.15,17,157; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т. ДСҚ, 2019.-84-бет маълумотлари асосида тузилди.

лиард сўми ташкил этди. яъни таҳлил даврида 4,2 баробарга ошди.

Юкоридаги таҳлилларга асосланиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши оқибатида пахта ер майдонлари камайтирилиб, бошқа озуқабоп маҳсулотлар экин майдонлари ҳамда ялпи ҳосил ҳажми кескин кўпайтирилмоқда. Му-стакиллик йилларида картошка етиштириш 2017 йилда 1991 йилга нисбатан 847,5%га, мевалар 595,5%га, узум 363,9%га, сабзавот маҳсулотлари 343,9 %га, полиз экинлари 226,3 %га кўпайди (11.3.3- жадвал).

11.3.3- жадвал.

Ўзбекистон Республикасида айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (минг тонна)²⁰⁵

Маҳсулотлар тури	Йиллар					
	1991	2000	2010	2015	2017	2018
Дон	1908	3915	7391,0	7500,1	8116,5	6375,4
Пахта хом ашёси	4645,8	3002,4	3404,0	3350,0	2900,2	2300,0
Мева ва резаворлар	516,6	801,0	1710,3	2731,0	3076,3	2589,7
Узум	480,5	573,0	997,5	1556,0	1748,9	1564,5
Сабзавотлар	3324,1	2643,1	6346,4	9923,0	11433,6	9635,1
Картошка	355,7	730,7	1692,9	2670,0	3014,6	2750,1
Полиз	925,8	359,1	1182,4	1850,0	2094,8	1904,9

Мазкур жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таҳлил даврида пахта хомашёси етиштириш 2 мартага камайган. Натижада пахта хомашёсининг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 47,7% дан 11% га қисқарди.

Бошқа озуқабоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг
²⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013.-227-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т.,2014. 87-88-бетлар; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.51; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСҚ, 2019.-86-бет маълумотлари асосида тузилди.

Ўсиши улар ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигининг ошиши эвазига эришилди.

Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 1990 йилдаги 2038,2 минг тоннадан 2017 йилда 8116,5 минг тоннага, яъни 4,2 баробарга ўсиши бошқли дон экинлари майдонлари ва ҳосилдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилди. Аммо 2018 йилда барча кишлок хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари 2017 йилга нисбатан камайди. Бу ҳол асосан табиий-иқлим шароитларининг ноқулай келганлиги билан изоҳланади.

Кишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонлари камайишига қарамадан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик ўсиб бориш тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳол кишлок хўжалигида фермер хўжалиқларининг тобора кўпайиб, мавқеининг ошиб бораётганлиги, шунингдек, уларда ерга хўжайинлик ҳиссининг шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизда бугўдойдан гектаридан ўртача 47,9 центнер ҳосил олинган, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этган (қаранг: 11.3.4-жадвал).

11.3.4-жадвал

Кишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (ц/га)²⁰⁵

Маҳсулотлар тури	Йиллар					
	1991	2000	2010	2015	2016	2017
Дон маҳсулотлари	17,3	27,0	43,6	45,3	45,0	39,7
Шу жумладан, бугўдой	11,8	27,6	45,9	48,2	47,9	42,2
Картошка	87,0	129,3	194,9	219,1	225,1	217,9
Сабзавотлар	188,0	183,8	252,5	271,0	271,1	253,6
Полиз озукабон экинлари	106,0	132,4	192,6	203,6	209,4	197,9
Мева ва резаворлар	36,7	56,9	92,6	128,1	134,1	118,3
Ўзум	50,9	63,1	90,8	133,1	141,9	157,0
Пахта хом ашёси	27,0	21,8	25,4	25,9	23,4	...

²⁰⁵ Альманах Ўзбекистана 2013 год. – Т., 2013.-С.113; Ўзбекистон кишлок хўжалиги 2016 йил. Стат.гўндам. –Т.,2016. –27-28-бетлар; Статистический анализ основных показателей отрасли сельского хозяйства республики в 2000-2016 годах// stat.uz.; Ўзбекистон кишлок хўжалиги. 2014-2017 йиллар.-Т., 2018.-28-29-бетлар маълумотлари асосида тузилди.

2016 йилда 1991 йилга нисбатан дон маҳсулотларининг ҳосилдорлиги 2,8 баробарга, бугдой ҳосилдорлиги 4 марта, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлиги салкам 2 мартага, мева ва резоварлар ҳосилдорлиги 3 мартадан ортиққа ошди. Пахта хомашёсининг ҳосилдорлиги 2000 йилгача бўлган даврда 21,8 центнерга камайиб, сўнгра ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2018 йилда кўпгина кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳосилдорлиги камайди. Аммо узум етиштириш ҳосилдорлиги 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўсди.

“Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги кўшма қарорга асосан Республика бўйича 40 центнер ва ундан ортиқ ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarига Низомда белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш бўйича жойларда Кенгашлар томонидан мониторинг олиб борилмоқда.

Аммо, кишлоқ хўжалигида сугориладиган экин майдонларининг камайиб бораётганлиги қаровсиз, экилмаган ер майдонлари улушининг ўсиб бораётганлиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини янада ошириш, хўжалик субъектлари фаолияти рентабеллигини ошириш зарурияти муҳим иктисодий ресурс (омил) бўлган чекланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, бу масалаларни тадқиқ этиш, ўрганиш табиий-иқлимий, экологик шароити нисбатан оғир бўлган Қорақалпоғистон Республикаси учун долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон минтақаларида асосий деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлигидаги фарқлар уларда ерлардан фойдаланишдаги фарқларни, увумлилик даражаларини кўрсатади. Таҳлил маълумотларига кўра Қорақалпоғистон Республикасида дон экинларининг ҳосилдорлиги 25,6 центнер ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Жиззах вилоятидан салгина ортиқдир. Аммо бошқа ҳудудлардагига қараганда анча пастдир. Дон экинлари ҳосилдорлиги Андижон (63,4 ц/га), Бухоро (60,7 ц/

га) ва Фарғона (59,8 ц/га) вилоятларида энг юқоридир. Буғдой ҳосилдорлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (25,6 ц/га) мамлакатимизда (республикада ўртача 47,4 ц/га) энг паст кўрсаткичга эга. Картошка етиштириш ҳосилдорлиги бўйича ҳам мазкур минтақа (80,0ц/га) энг паст кўрсаткичга эга. Бу кўрсаткич Самарканд (276,5 ц/га), Навоий (274,1 ц/га), Бухоро (243,3 ц/га), Тошкент (232,4 ц/га) ва Фарғона (230,7 ц/га) вилоятларида энг юқоридир²⁰⁷.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. Аҳоли жон бошига мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришнинг ўсиб бориши аҳолини қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Чорвачилик соҳасида ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Йирик шохли қарамоллар сони 1995 йилда 5,2 млн. бош бўлган бўлса, 2005 йилда уларнинг сони 6,5 млн. бошга, 2019 йил бошида эса 12726,6 минг бошга етди. Қўй ва эчкилар сони 1995 йилда 9,3 миллион бошни ташкил этган. Уларнинг сони 2005 йилда 11,3 млн. бошга, 2019 йил бошида эса 31538,9минг бошга етди (11.3.5-жадвал).

Қорамоллар сони 93,7% га, шу жумладан, сизирлар сони 60,3%га, **паррандалар сони эса салкам 3,9 баробарга кўнайд**. 2016-йилда чорвачилик сектори салоҳиятини янада ошириш мақсадида тижорат банкларининг киймати 464 миллиард сўмдан зиёд кредитлари ҳисобидан қорамол боқиш, паррандачилик, асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича 5,2 мингта лойиҳа амалга оширилди²⁰⁸.

²⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

²⁰⁸ Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

11.3.5- жадвал

Ўзбекистон Республикасида чорва моллари ва паррандалар сонининг ўсиши динамикаси²⁰⁹ (йил бошида, минг бош).

Чорва моллари турлари	2005	2018	2019	2019 йилда 2005 йилга нисбатан %
Қорамоллар	6571	12414,7	12726,6	193,7
Шу жумладан, сизирлар	2821,3	4418,3	4522,2	160,3
Қўй ва эчкилар	11351,9	20680,5	21287,4	187,5
Парранда	20540,4	71343,4	81538,9	396,9

Чорва моллари туёғи кўпайиши натижасида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормокда, 1991-2018 йилларда гўшт (тирик вазнда) ишлаб чиқариш 3 мартадан зиёдга ўсди. Сут етиштириш эса шу даврда 3 баробардан зиёдга ўсди (11.3.6-жадвал).

11.3.6- жадвал

Ўзбекистонда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (минг тонна)²¹⁰

Маҳсулот турлари	1991	2000	2010	2015	2017	2018	2018 йилда 1991 йилга нисбатан %
Гўшт (тирик вазнда)	792	841	1461,4	2033,4	2281,1	2417,4	305,2
Сут	3331	3636,2	6169,0	9027,8	10083,2	10480,7	314,6
Тухум (млн. дона)	2347	1252,9	3058,8	5535,4	6605,5	7300,5	311,0

²⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.2013.-238-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.- Т.2014.-92-93-бетлар; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С. 57; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т. ДСК. 2019.-93-бет маълумотлари асосида тузилган.

²¹⁰ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.2013.-240-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т. 2014.-91-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.54-55; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т. ДСК. 2019.-91-бет маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлил даврида тухум етиштириш 2.8 баробардан зиёдга ўсди. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. Аҳоли жон бошига мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришнинг ўсиб бориши аҳолини қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади (11.3.7-жадвал).

11.3.7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий истеъмол
маҳсулотларининг истеъмол қилиниши
(аҳоли жон бошига, кг ҳисобида)²¹¹

	1990й	2000й	2010й	2014й	2016й	2017 й
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	173	177,6	177,6
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	42	44,4	43,2
Сут ва сут маҳсулотлари	183	162	239	248	279,6	270,0
Тухум (дона)	97	47	138	215	219,6	214,8
Сабзавот-полиз маҳсулотлари	107	128	238	281	277,2	277,2
Картошка	29	36	45	55	56,4	55,2
Ўсимлик ёғи ва бошқа ёғлар	12	12	13	22	24,0	24,0
Шакар, кондитер маҳсулотларини қўшганда	12	16	17	28	38,4	31,2
Мева, узум	23	42	83	142	148,8	145,2

Таҳлил даврида, яъни 2017 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли 2,6 баробарга, картошка 90,0 фоизга, мева ва узум 6,3 баро-

²¹¹ Ўзбекистонда иқтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. 2014-2017 йиллар. -Т., 208.-68-бет; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

барга ўсган. Шу даврда бир кишига тўғри келадиган меъёрга нисбатан эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ҳажми узум маҳсулотлари бўйича 3,1 баробардан ортиқ бўлган.

Проф. Б.Б.Беркинов ва мустақил тадқиқотчи У.Қ.Ахмедовлар томонидан уй хўжалиқларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби икки хил меъёрлар, яъни минимал истеъмол бюджетини ҳисоблаш меъёрлари ҳамда рационал тиббий меъёрлардан фойдаланган ҳолда ҳисобланган (11.3.8-жадвал).

11.3.8-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг
оziқ-овқат маҳсулотларига талабининг
прогноз вариантлари (кг)²¹²

Маҳсулотлар гуруҳи	Минимал истеъмол бюджети меъёрлари бўйича		Рационал тиббий меъёрлар бўйича		Маҳсулотларнинг бозор баҳосидаги қиймати, минг сўм	
	5	7	5	7	5	7
Ун ва ун маҳсулотлари	607,5	850,5	807,5	991,2	1155,6	1620,7
Гуруч	46	64,4	55	77	115,0	161,0
Картошка	317,5	444,5	319,5	447,5	270,0	377,8
Сабзавот	857,6	1200,5	566,5	793,1	1072,0	1500,6
Полиэкинлари	87,5	122,5	493	690,2	74,4	104,1
Мевалар	338	473,2	438	613,2	1014,0	1420,5
Узум	77	107,8	127,5	178,5	192,5	269,5
Мол гўшти	74,8	130,9	137	164,4	1346,4	2356,2
Қуй гўшти	53,2	93,1	182,5	255,5	1117,2	1955,1
Парранда гўшти	42,8	74,9	36,5	51,1	513,6	898,8
Балиқ	52,8	92,4	55	77	316,8	554,4
Сут	596,2	935,1	1750	2450	894,3	1252,6

²¹² Беркинов Б.Б., У.Қ.Ахмедов Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларининг таҳлили // <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/24951-aholini-oziq-ovqat-mahsulotlariga-bolgan-istmol-talablarining-tahlili>.

Тухум (дона)	1028,5	1440	912,5	1277,5	360,0	504,0
Шакар	71,5	100	164,5	230,3	321,7	450,0
Ўсимлик ёғи	41,5	58,1	47,5	66,5	207,5	290,5

Ўзбекистонда оилаларнинг минимал истеъмол бюджетини ҳисоблаш учун озиқ-овқатларга талаб 42 турдаги маҳсулотларни ўз ичига олади. Сони 5 ва 7 кишидан иборат бўлган оила учун бир йилга 607,5 килограммдан 850,5 килограммгача ун ва ун маҳсулотлари, шундан 55 фоизи бугдой нони талаб этилади. Шунингдек, 5 кишидан иборат оила учун йилига 857 кг, 7 кишига 1200 кг сабзавот; картошка эса мос равишда 317,5 ва 444,5 кг талаб этилади. Ушбу кўрсаткичлар оила аъзолари сони ошиб бориши билан кўпайиб боради.

Бу эса мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошганлигидан, шу туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлигининг ошганлигидан ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигининг барқарор таъминланганлигидан далолат беради. Шу боисдан 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш бўйича эришилган катта ютуқларга қарамадан ердан фойдаланиш борасида ҳамон муаммолар мавжуд. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳосилдорлигининг республика ўртача даражасидан анча камлиги ушбу минтақа ерлари табиий туپроқ унумдорлиги даражасининг нисбатан пастлиги, оғир экологик вазиятнинг

вужудга келганлиги ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигининг бошқа минтакаларга нисбатан бирмунча пастлиги билан изоҳланади.

Умуман, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигига ва қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда:

– минтақадаги сув танкиелигининг кескинлиги. Сув ресурсларини бошқариш тизимидаги камчиликлар ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли сув етказиб бериш имкониятининг тўлиқ яратилмаганлиги, суғориш тармоқларининг техник ҳолатининг етарли даражада эмаслиги, суғориш тармоқларидаги техник ва филътрацияга йўқотишларнинг кўплиги;

– минтақада экологик вазиятнинг йилдан-йилга ёмонлашиб бораётганлиги;

– мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги;

– ерлар сифатини, унумдорлигини ифодаловчи ер бонитет балларининг пасайиб бораётганлиги;

– қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосланган ҳолда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб жойлаштириш масаласининг етарли даражада ҳал этилмаганлиги;

– ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ерга оид муносабатларни тартибга солиш, ер ажратишда, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ҳамда ҳақиқий ҳолати бўйича мониторингини юритиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда камчиликларнинг рўй бераётганлиги, ердан самарали ва интенсив фойдаланиш учун техник воситаларнинг камайганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда;

– ерга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг агротехник коидаларига тўлиқ риоя этилмалиги. Қишлоқ хўжалиги экинларини ўз муддатларида си-

фатли экилиши, парвариланиши, агротехник тадбирларни бажарилиши, ёзги ва кузги шудгорлаш тадбирларини белгиланган муддатларида амалга оширилишини таъминлашда ҳамон катта камчиликлар мавжуддир.

Шу бондан сув танқислиги кучаяётган шароитда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

11.4. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш истиқболлари

Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг йил сайин ошириб бориши, биринчи навбатда, у ерда мавжуд бўлган ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш қатор омиллар мажмуаси билан аниқланади, қайсики, булар ичида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экинлар структурасини яхшилаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Бу борадаги стратегик вазифалардан бири пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириб бориш эвазига унинг ўрнида озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириб боришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, яқин ўтган йиллар мобайнида пахта майдонларини қисқартириш юзасидан маълум чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги фармонларига мувофиқ 2009 йил ҳосилидан бошлаб 75,8 минг гектар пахта майдони қисқартирилиб, унинг ўрнида озиқ-овқат экинлари экилиши белгилаб берилган бўлса, 2012 йил ҳосилидан бошлаб яна 30,1 минг гектарга қисқартирилди. Худди шу йилдан бошлаб 3 та туман, яъни Асака, Жомбой ва Янгийўл туманларида пахта тўлиқ чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарорига мувофиқ пахта майдонларини 2016 йил ҳосилидан бошлаб 5 йил давомида 170,5 минг гектарга, пахта хомашёси етиштириш миқдори эса 350 минг тоннага камайиб бориши режалаштирилган эди.

Пахта ва бошоқли дон экинлари оптималлашадиган майдонларга жойлаштириш белгиланган сабзавот, картошка, мойли ва озуқабоп экинларни экиш, янги боғ ва токзорларни барпо қилишни ҳар бир фермер хўжалиги бўйича назоратга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича куйидаги вазифалар белгиланган:

– таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

– пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинadиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

– фермер хўжаликлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш,

фатли экилиши, парваришланиши, агротехник тадбирларни бажарилиши, ёзги ва кузги шудгорлаш тадбирларини белгиланган муддатларида амалга оширилишини таъминлашда ҳамон катта камчиликлар mavжуддир.

Шу боисдан сув танқислиги кучаяётган шароитда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

11.4. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш истиқболлари

Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг йил сайин ошириб бориши, биринчи навбатда, у ерда mavжуд бўлган ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш қатор омиллар мажмуаси билан аниқланади, қайсики, булар ичида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экинлар структурасини яхшилаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Бу борадаги стратегик вазибалардан бири пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириб бориш эвазига унинг ўрнида озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириб боришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, яқин ўтган йиллар мобайнида пахта майдонларини қисқартириш юзасидан маълум чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги фармонларига мувофиқ 2009 йил ҳосилидан бошлаб 75,8 минг гектар пахта майдони қисқартирилиб, унинг ўрнида озиқ-овқат экинлари экилиши белгилаб берилган бўлса, 2012 йил ҳосилидан бошлаб яна 30,1 минг гектарга қисқартирилди. Худди шу йилдан бошлаб 3 та туман, яъни Асака, Жомбой ва Янгийўл туманларида пахта тўлиқ чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарорига мувофиқ пахта майдонларини 2016 йил ҳосилидан бошлаб 5 йил давомида 170,5 минг гектарга, пахта хомашёси етиштириш миқдори эса 350 минг тоннага камайиб бориши режалаштирилган эди.

Пахта ва бошоқли дон экинлари оптималлашгаётган майдонларга жойлаштириш белгиланган сабзавот, картошка, мойли ва озуқабоп экинларни экиш, янги боғ ва тоқзорларни барпо қилишни ҳар бир фермер хўжалиги бўйича назоратга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

– таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

– пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинadиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

– фермер хўжаликлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш,

тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш²¹³.

Таъкидлаш керакки, ҳали ҳамон жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва соҳада маҳсулотлар таркибининг диверсификациялашиб бориши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигини истиқболли ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш;

²¹³ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”// Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 1-қилова.

– замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиш, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг махсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш;

– қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва сугурта тизимини такомиллаштириш;

– аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “**Ўнинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир**”²¹⁴, – деб таъкидлади.

Ушбу устувор вазифани амалга ошириш учун давлат раҳбари томонидан куйидагилар белгилаб берилди:

– 2019 йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта тўқимачилик кластерини ташкил этиш;

– шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш. Бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш

²¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш;

– уруғчиликда асл навларни яратиш мақсадида тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш. Бунинг учун уруғчилик ва селекция билан шуғулланадиган институтларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ташкил қилиш талаб этилади;

– қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик бўйича янги тармоқларни ривожлантириш. Бугунги кунда фермер хўжалиklarининг йиллик чорва озуқасига бўлган эҳтиёжининг фақат 35 фоизи маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда. Шу сабабли янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш эвазига чорванинг озука базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кескин кўпайтиришимиз керак;

– сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўллаш;

– қишлоқ хўжалиги мақсадларида ер бериш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш. Ердан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил олаётган кўп тармоқли фермер хўжалиklarига ўз фаолиятини кенгайтириши учун қўшимча ер майдонларини ажратиш;

– Фермерлар кенгаши Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги, Инновацион ривожланиш вазирликлари билан ҳамкорликни кучайтириши, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиши лозим²¹⁵.

Президент Ш.М.Мирзиёев озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи бўйича Вазирлар Маҳкамасига **“2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури”**ни қабул қилиш ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мамлакатимизда мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизими қандай ҳолатда эканини

²¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр.

чукур таҳлил қилиб, 2019 йил 1 мартга қадар бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишга доир таклифларни қиритиш топширигини берди²¹⁶.

11.5. Озиқ-овқат маҳсулотлари импорти хавфсизлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати тармоқларининг импорт озуқавий хом ашё захираларига бўлган талабидан маълумки, ҳозирги кунда қандолатчилик, яхна ширин ичимликлар, хамиртуруш патокаси, пиво хом ашёси, консерва, сутли, гўшти маҳсулотлар, озуқавий қўшимчалар таъминотида танқислик сезилмоқда, шу туфайли импорт қилинаётган турдош маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошлик савияси паст бўлмоқда. 1997-2017 йиллар мобайнида озиқ-овқат саноати тармоқларида қўшма корхоналар сони ортди, сунъий озуқавий қўшимча хом ашёларни четдан қиритиш оқибатида бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари тури кўпайибгина қолмай, уларни рақобатбардошлик кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ўзгара бошлади, лекин афсуски, уларнинг ижтимоий ҳимоя ва истеъмол хавфсизлиги масаласи шу қунига талаб даражасида эмас.

Юқорида кўрсатилган камчиликларнинг юзага келиши сабаблари қуйидагилардан иборат:

- табиий соф озуқа маҳсулотлари хариди учун эркин молиявий маблағларнинг етишмаслиги (эркин валюта);
- сифатли бирламчи озуқавий қўшимчалар захирасининг етишмаслиги;
- божхона тизимида озуқавий қўшимча, озуқа маҳсулотлари истеъмоли хавфсизлигини аниқлаш лабораторияларида малакали мутахассис ва замонавий текшириш техник анжомларнинг етишмаслиги;
- маҳсулот дизайнининг талаб даражасига етказиш устида илмий-амалий изланишлар сустлиги;

²¹⁶ Ўша ерда.

– экологик соф маҳсулот талаб ва таклифга нисбатан технологик эгилувчанликнинг пастлиги;

– меҳнат ресурсларида ишлаб чиқариш маданияти савиясининг пастлиги;

– маҳсулот савдосида маркетинг амалиёти савияси пастлиги.

Халқаро “Гринпис” ташкилоти озик-овқат маҳсулотлари таҳлилий натижаларида келтирган истеъмол хавфсизлигини огоҳлантирувчи маълумотларига кўра дунёга машҳур “Кокка-кола” ва “Сникерс” компаниялар ишлаб чиқарган маҳсулотлари таркибида инсон саломатлигига зарарли экологик ифлосланган озука маҳсулотлари мавжудлиги ҳақида маълумот беради; АҚШда шу кунга қадар генетик ифлослаган маҳсулотлар маркировкасида истеъмолчига маҳсулот генетик ифлосланганлиги, инсон саломатлигига қай даражада зарарли эканлиги ҳақида маълумот берилмайди. Ушбу ҳолатда “Гринпис” ташкилоти АҚШлик истеъмолчилар учун ягона, қайси маҳсулотлар генетик ифлосланган таркибида ГМ – ингридиентлари бўлган маҳсулотлар истеъмолидан сакланиш кераклиги ҳақида халқни огоҳлантирувчи ва маълумот етказиб гурувчи ташкилотдир.

Европанинг кўпчилик давлатлари озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ГМ – ингридиентлардан воз кечилган. Япония, Австралия, Италия, Британия давлатларида таркибида ГМ – ингридиентлар бўлган маҳсулотларни, албатта, маркировкаси бу ҳақида маълумот бўлиши қонуний катъий мажбурият даражасига етказилган.

Ишлаб чиқараётган озука маҳсулотлари таркибида ГМ – ингридиент озуқавий қўшимчалар бўлган қуйидаги машҳур компаниялар рўйхатини келтириш мумкин. “Coco-Cola” (“Coco-Cola”, “Sphit”, “Fanta” яхна ичимликлари), “Pepsi co” (Pepsi ва 7 UP ичимликлари), “Nestle” (“Nestle”, шоколадли Nestle) ичимлиги, болалар озуқаси “Abbot Labs”, “Similas”, “Mars”, гуручли “Uncle Bens”, курук нонушта “Kellogg’s”, суюқ овқат “Campbell”, “Knorr”, “Lipton”, печенье

“Parmalat”, “Hellman’s”, “Hershey’s”, компания дориворлари салатга Cadbury (шоколади Fruit & Nut), Mars (шоколадли маҳсулотлар; M&M’s, Snickers, Twix, Milky Way).

Англия давлати озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги комиссияси болалар истеъмол қиладиган озик-овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказганда, экспертиза натижасида инсон учун ҳайратланарли маълумотлар олинган. Текширувга олинган ўнта озуқа маҳсулотидан тўққизтаси ахлатга ташлаб юбориладиган маҳсулот эканлиги аниқланган, бу инглизчасига – “джанк” дейилади.

Текширилган озуқа маҳсулотларининг 3/1 қисми маркировка талабларига жавоб бермаган, маҳсулотнинг озукавий киймати ва қувватини аниқлаб бўлмаган. Қолган 3/2 қисмида инсон саломатлигига унчалик зарарли бўлмаган 7% маҳсулотлар аниқланган. 77 фоизининг таркиби эса зарарли моддалар билан нормадан ортиқ тўлдириб ташлангани аниқланган.

Текширувчи Комиссия аъзоларидан бири агарда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар болалар соғлигига зарар келтиришини режалаштирган бўлсалар, бундан-да самарали зарар етказиш услубини ўйлаб топиш кийин эди. – деган фикрни билдирган.

Афсуски, шундай кишилар саломатлигига хавф солувчи озуқа маҳсулотлари чегарадан ўтиб Ўзбекистон савдо пештахталарида бемалол сотилмоқда. Мисол учун, “Тутти-Фрутти” деб номланувчи (финларнинг “Лиф” фирмаси) мевали ширинликлар. Уларнинг таркиби текширилганда ҳўл мевага яқин бирор-бир нарса топилмаган. Таркибида фақат шакар, глюкоза, желатин, крахмал, сунъий озуқа кислоталари, воск, таъм берувчилар ва уч турдаги озуқа бўёғи аниқланган.

Желе сифат ширин чувалчанглар “Джелли Вормс” (Испания маҳсулоти) рекламасида болалар учун фойдали деб ваъда берилади. “Таркибида холестерини йўқ”, “Таркиби мева шарбати” деб реклама қилинади. Ушбу айтилган маҳсулотлар конфетларда бор, лекин уларнинг маҳсулот таркибидаги хиссаси жуда кам миқдорда, улар инсон организмига бошқа

сунъий кимёвий қўшимча ва бўёқлар билан кириб келади. Энг хавфлиси – Е 102 (тартразин). Гап шундаки, уни истеъмол қилган баъзи инсонларда бронхиал астманинг кўзғалиши хавфи бор.

Қайд этилган камчиликлардан холи бўлмаган таблетка–конфетлар ҳам инсон учун хавфлидир. Уларнинг савдода кенг тарқалган тури–Австрия “Пец”лари, оғзи очилганда битта-битта тушадиган пластмасс идишларга қадокланган маҳсулот. “Ожерелья конфетлари” (Candy Neckiace), “Ван Мелле” фирмаси (резинкага ўхшаш узукча) ва “Любимые ценки” (Precious Purries) Ирланд фирмаси Хитой филиали “Топпс” (кичкина суякча ва илова сифатида кучукча, картонли уйи ва наклеяка) шулар жумласидандир. Шимиладиган ўйинчоқлари билан “Чула-Чулс” алоҳида ажралиб туради. Таркиби жуда содда – шакар ва сунъий озуқавий қўшимчалар. Қадоклаш этикеткасида кўрсатилган ҳўл мева аралашмалари таркибида умуман йўқ. Ажабланарлиси, шундайин ёлғон реклама уюштирилганки, у истеъмолчини доғда қолдирилган.

Бу ерда гап фақат шакар тўғрисида эмас, балки маҳсулот таркибидаги инсон саломатлигига зарарли бўлган сунъий ингредиентларнинг ошириб юборилганлигидадир. Шунинг учун қайд этилган маҳсулотлар харид этилганда этикеткасидаги ёзувлар мазмуни билан диққат билан танишиб чиқиш лозим бўлади.

Доимо таркиби табиий ҳўл мева, цитрус озуқавий қўшимчалардан иборат бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш керак. Хозирги кунда таркиби мавҳум бўлган маҳсулотлар хариди ва истеъмолига эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ зарур. Ширинликлар ранги – ҳам сифат, ҳам кимёвий моддалар кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотга эга. Сунъий ранг берувчи аралашмалар қўшилган ширинликлар истеъмоли натижасида улар аста-секин йиғилиб, келажакда атросклероз, канд диабет, карнес, гипертония, модда алмашинуви бузилиши каби касалликларнинг келтириб чиқаради. Ушбу муаммоларни

келтириб чиқарувча асосий сабабчи Е – индексли соғлиққа зарар бўлган сунъий қўшимчаларнинг маҳсулот таркибида мавжудлигидир.

Сақланиш муддати узайтирилган торт маҳсулот ҳам соғлиққа зарарлидир. Сақланиш муддати 120 соат кўрсатирилган торт маҳсулотни харид қилиш хавфлидир, чунки Мосгоринспекция ўтказган текширувларнинг 70%ида улар инсон саломатлигига зарарли экани аниқланган. Шу каби маҳсулотларнинг сақланиш муддатини узайтириш учун сорбин кислотаси қўшилиши ҳоллари аниқланган. Лекин унинг қўлланилиши таркибида шакар 60 % дан ортиқ бўлган сливочний кремларни тайёрлашда рухсат берилган. Торт маҳсулотда эса шакар моддаси 40% бўлиши маълум. Шу сабабли уларнинг сақлаш муддати белгиланган 36 соат эмас, 120 соатга узайтирилиши табиийки маҳсулотнинг, биологик таркиби бузилишига сабаб бўлади.

Болалар бўтқаси озукасини ишлаб чиқарувчи АҚШ нинг “Нестле” компанияси кўп йиллар мобайнида Европа давлатлари учун таркибида GM маҳсулоти бўлган, лекин улар GM маркировкасидан бош тортиб келган. Ниҳоят, 1999 йилдан таркибида GM бўлган маҳсулотларни маҳсулот маркировкасида кўрсатилиши катъийлиги ҳақидаги истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонун талабига кўра “Нестле” компанияси шартномага имзо чеккан. Маҳсулотнинг истеъмол хавфсизлигини таъминлашда ушбу чекловни ҳар бир давлат ўз зиммасига олиши муҳимдир.

Ер юзида санокли давлатларгина ўз қонунлари асосида маҳсулотларни генний инженерия асосида етиштиришни таъқиқлаб қўйишган. Истеъмолчи ҳуқуқи асослари шаклланмаган кўпгина ривожланаётган давлатлар шу сабабли тажриба синов майдонларига айланиб қолиши мумкин. Германия Экология федерал хизматининг 20 та ривожланаётган давлатда ўтказган истеъмол хавфсизлиги бўйича тадқиқотлари шуни кўрсатдики, фақат Мексика, Бразилия, Коста Рика ва

Филиппинда генний инженериядан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Халқаро “Гринпис” ташкилотининг тадқиқотларидан бири шуни кўрсатдики, “Ривожланаётган давлатлардаги транс генетик усулда етиштириб олинган ҳосиллар” ривожланаётган давлатларда очлик, касаллик, камбағалликни енгишга сезиларли фойда келтиролмапти.

Ривожланаётган учинчи гуруҳга мансуб давлатларнинг озуқа маҳсулотлари етиштиришда биотехнологик ва генетик услубларни қўллаш имконияти чекланган. Мисол учун ўсимликшунослик ёки доришунослик учун етиштирилаётган доривор ўсимликларни етиштириш.

Расман трансген озиқ-овқат маҳсулотларининг фақат бир неча турлари савдосига рухсат берилган. Булар—картошка ва соя. Лекин бозордаги маълум тур ва сортиментдаги маҳсулот структураси, барча такрорий ишланган озуқа маҳсулотлари ташқи кўринишидан трансген маҳсулотлар иштирокини фарқлаш қийин бўлган озуқа маҳсулотлари таркиби сирлилигича (аноним) қолмоқда. Жумладан, қалбаса, шоколад, болалар озуқаси ва музқаймоқ ҳам ашёси қуруқ сўтлар бўлиб, уларни тайёрлашда баъзида трансген етиштирилган соя унидан фойдаланилади. Баъзи озуқа маҳсулотлари маълум давлатлар чегарасидан норасмий йўллар билан ҳам кириб келмоқда. Бундай трансген маҳсулотларни етиштириш, бир томондан, қулай, ўсимлик касалikka деярли чалинмайди, аммо инсон организмига салбий таъсири мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ўсимлик етиштиришда уни чанглангириш жараёнида гени модификациялашган ўсимлик биологик таркиби зарарқуранда ва қуртларни қириб юбориши тўғрисида асоли фактлар деярли йўқ. Лекин шундай ўсимликларни чанглатган асалари ошқозонида мутацион бактериялар пайдо бўлгани ҳақида асосли маълумотлар етарли даражада келтирилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли хавфсиз рақобатбардош турларини такрорий ишлаб чиқаришни йўлга

кўйиш учун хом ашё сифати ва озуқавий қўшимчалар табиий софлигини таъминлаш ниҳоятда муҳимдир.

Мамлакатимиз аҳолиси учун истеъмол маҳсулотларидан донли ўсимликлар (галла, нохот, мош, ловия, гуруч, ёғли техник уруғликлар, зираворлар), ҳўл мева, сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун генетик сараланган уруғлик захирасини яратиш долзарб вазифага айланди. Ушбу вазифа иқтисодий ечимларини амалга ошириш мақсадида 1991 йилдан уруғлик картошка, пиёз, чеснок, помидор, бодринг, кўкат уруғликлари чет мамлакатларнинг ваколатли фирмалари ёки чакана савдо йўли билан кириб кела бошлади. Ўша йилларда уруғлик сифати, унинг таркиби соғломлиги ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган воситачилар ушбу ниҳоятда назик масалага фақат тижорат, яъни фойда олиш мақсадида ёндашдилар.

1999-2000 йиллардан деҳқонларимиз ва истеъмолчилар чет элдан келтирилган ва мамлакатимизда етиштирилган полиз ва сабзавот уруғликлари, ҳўл меваларнинг салбий ва ижобий турларини кескин фарқлай бошладилар. Кўпчилик деҳқонлар табиий, соф, истеъмоли хавфсиз маҳсулот етиштириш учун яна ўзимизда тайёрланган уруғлик навларига қайтдилар. Баъзи деҳқонлар эса даромад олишни кучайтириш мақсадида ҳозирги кунга қадар четдан келтирилган уруғлик навларидан фойдаланишда давом этмоқдалар.

Республикаимиз ҳудудида фермерлар ва деҳқон хўжаликлари етиштираётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғи 2010 йилга келиб 11,0 млн. тоннага етди. Ҳўл мева, боғдорчилик, полизчилик, узум, етиштирилаётган зиравор, доривор ўсимликлар нав ва турлари такрорий ишлаб чиқаришда саноат потенциалидан унумли фойдаланиш эвазига, истеъмол хавфсизлигига эга табиий соф озуқавий қўшимча хом ашё аралашмаларини мамлакатимизда кенг ассортимент туркуминини яратиш бўйича иқтисодий механизмлар мавжуд бўлиб, шу кунга қадар ушбу йўналишда камчиликлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол хавфсизлигини таъминлаш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси, “Ёғ-мой озиқ-овқат-саноат”, “Ўздонмаҳсулот” уюшмалари, “Узумсаноат” холдинг компанияси, “Ўзгўштеусаноат” АК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Ўсимлик экспериментал биологияси ва генетикаси институти”, Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитаси тармоқлари ва ҳудудий тармоқлар уйғунлашган ҳолда ягона озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол хавфсизлигини таъминлашнинг норматив ҳуқуқий, техник, иктисодий, молиявий, биотехнологик амалий механизмини такомиллаштириш муҳимдир. Ҳусусан:

1. Республика озуқа захиралари ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда табиий, соф, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш истеъмол талаби мувозанати-га эришил.

2. Табиий соф озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун, табиий соф ассортимент туркумдаги озукавий қўшимчалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

3. Турдош озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озукавий қўшимчаларни мамлакатимизга расмий ва норасмий кириб келишини ҳуқуқий нормативлар билан қатъий тартибга солиш.

4. Қисқа давр мобайнида сунъий озукавий қўшимчалар:

– қандолатчиликда;

– сунъий ҳид, таъм ва ранг берувчилар, патока, крахмал, ингредиентлар ва бошқалар;

– яхна ичимликлар ишлаб чиқаришда сунъий таъм, ҳид ва ранг берувчи концентратлар (кока-кола, фанта, фиеста, пепси-кола, оранж, лимон, папая, кива, ананас, олма, нок, малина, олхўри, олча) ва бошқалар;

– колбаса, сосиска, дудланган гўшт, балиқ ва сабзавот консервалари ишлаб чиқаришда сунъий зиравор аралашма ҳажмида бойитувчи қўшимчалар (соя, уни крахмал) таъми, турли озуқа ва уксус кислоталари қўлланилишини ҳуқуқий

меёрлар асосида таъкиклашга эришиш.

Озиқ-овқат иктисодий-ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга концептуал ёндашув эса қуйидаги амалиётларга боғлиқ:

– маҳаллий ресурсларни жалб этган ҳолда, импорт ўрнини босувчи табиий соф маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

– импорт ўрнини босувчи маҳаллий хом ашёдан истеъмоли хавфсиз табиий соф озукавий хом ашёларни ишлаб чиқариш стратегиясини ривожлантириш асосида, сунъий озукавий хом ашёлар импортини камайтириш;

– божхона тизими ва озиқ-овқат саноати тармоқларида малакали ишчи-хизматчиларни тайёрлаш экспериментал ўқув базаларини яратиш;

– озиқ-овқат саноати тармоқлари билан узвий боғлиқ бўлган бошқа соҳаларни мутаносиб ривожлантиришни йўлга қўйиш.

Аграр соҳа ва озиқ-овқат саноати тармоқлари билан бевосита боғлиқ импорт ўрнини босувчи, истеъмоли хавфсиз рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– яхна ичимликлар ишлаб чиқариш учун мавжуд ресурслардан табиий концентратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга зарур озукавий қўшимчаларни етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш;

– гўштли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зиравор аралашмалар тайёрлашни ташкил этиш;

– нон ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашё, узум чиқиндисидан, ҳамиртуруш патока меласасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– боғдорчилик маҳсулотлари, мева-узумдан қандолатчилик учун керакли озукавий қўшимча хом ашёси—пектин, па-

тока, пектин, витаминлар, эссенциялар, таъм-хил берувчилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Асосий таянч тушунчалар

Озиқ-овқат, очлик ва тўйиб овқатланмасликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлиги, давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати, озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш коэффициенти, қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини ўзгартириш, озиқ-овқат саноати.

Такрорлаш учун саволлар

1. Озиқ-овқат хавфсизлигининг моҳияти ва аҳамияти қандай?
2. Очлик, тўйиб овқатланмаслик инсониятга қандай таъсир кўрсатади?
3. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги сиёсатининг моҳияти нима?
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш коэффициенти нима учун ҳисобланади ва у қандай аҳамиятга эга?
5. Озиқ-овқат истеъмолининг рационал меъёрлари нима учун ишлаб чиқилади?
6. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қандай тадбирлар амалга оширилди?
7. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларининг таркибини ўзгартириш нималарга қаратилган?
8. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлат бошқарув органлари қандай вазифаларни бажаради?
9. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фермер ва деҳқон хўжаликлари қандай рол ўйнайди?
10. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда озиқ-овқат саноатининг роли ва ўрни қандай?
11. Хавфсиз овқатланиш учун нима қилиш лозим?
12. Истиқболда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

12-БОБ. МАМЛАКАТНИНГ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

12.1. Транспортнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги роли.

Транспорт халқ хўжалигининг юк ва кишиларни ташишга бўлган эҳтиёжини қондиради, минтакаларни бир-бири билан боғлайди, товарлар, маҳсулотлар, хизматлар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини боғловчи звено бўлиб, буларсиз бозор муносабатлари содир бўлмайди.

Транспорт йўловчи ва юк ташишни амалга оширувчи моддий ишлаб чиқариш ва айна пайтда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Транспорт мажмуаси кўп тармокли соҳа бўлиб, ўз ичига юк ва йўловчи транспортининг барча турларини олади: темир йўл, автомобил, денгиз, дарё, трубопровод, ҳаво йўллари, саноат ва шаҳар транспорти.

Шунингдек, транспортни ер устки, сув ва ҳаво транспорти турларига ҳам ажратиш амалиёти мавжуд. Ер устки транспортга темир йўл ва автомобил транспорти киради. Сув транспортга денгиз ва ички дарё транспорти киради. Ҳаво транспорти ўз навбатида самолёт ва вертолёт транспортга бўлинади.

Сув транспорти юқорида санаб ўтилган транспорт турларига нисбатан анча олдин пайдо бўлган. Сув транспорти бошқа транспорт турларидан ўзининг юқори ҳажмкорлиги, узок масофага юк ташиш таянқининг пастлиги, шунингдек, қитъалараро катта габаритли юкларни ташиш қулайлиги билан ажралиб туради. Сув транспортининг пассажир ташишдаги роли ҳозирги пайтга келиб анча камайган. Лекин юқори тезликда ҳаракатланувчи кема, круиз лайнер-

ларининг пайдо бўлиши билан йўловчиларни ўзига яна жалб эта бошлади. Сув транспортда паромларда юк ва йўловчи ташиш ҳам ўз ўрнига эга.

Автомобиль транспорти ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган транспорт тури ҳисобланади. Ушбу транспорт турига талаб ошгани билан, ёқилғи, мойлаш материаллари кийма-тининг ва хизмат кўрсатиш нархининг юқорилиги, атмосферага зарарли тўтун чиқариб, ифлослантириши унинг салбий жиҳатлари ҳисобланади.

Темир йўл транспорти XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб стратегик муҳим транспорт турига айланди. Ҳозирги вақтда темир йўл транспорти деб рельс йўллари орқали локомотив ва моторвагон воситаси ёрдамида вагонларда юк ва йўловчи ташишни амалга оширадиган транспорт турига айтилади.

Ҳаво транспорти энг қиммат ва юқори тезликда узок ҳудудларга юк ва йўловчиларни ишончли тарзда ташийдиган транспорт туридир. Унинг асосий фаолият тури йўловчи ташиш ҳисобланади. Бу транспорт турида тез бузилиш хусусиятига эга бўлган маҳсулотлар ва қимматли юклар, почта ташилади.

Трубопровод транспортининг авзаллиги шундаки, унинг ўтказиш хусусияти юқори, таннарни арзон, юкнинг сақланувчанлиги юқори, капиталҳажмкорлиги ва меҳнат сарфлари паст даражада бўлади. Бу транспорт тури орқали газ, нефть маҳсулотлари ва ҳам ашё материаллари эмульсияси ташилади. Трубопровод транспортининг қундалик тури водопровод ва оқова сув (канализация) қувурлари ҳисобланади.

Транспортни категория (тоифа) лар нуқтаи назардан умумфойдаланиш транспорти, махсус транспорт ва шахсий ёки индивидуал транспортга ажратиш мумкин. Умумфойдаланиш транспорти тушунчаси кўпинча жамоат транспорти тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади. Бу турдаги транспорт товарларни ташийдиган савдога хизмат қилади ва йўловчи ташиш шаклида намоён бўлади. Махсус транспорт тоифасига ички ишлаб чиқариш ва ички маъмурият транс-

порти киради. Шахсий транспортга хусусий шахслар фойдаланадиган барча транспорт воситалари, яъни велосипед, мотоцикл, Б категориядаги автомобиллар, хусусий самолёт, вертолёт ва яхта, кайик, катерлар киради.

Мамлакатнинг миллий, шу жумладан иктисодий хавфсизлигини таъминлашда транспорт тизимининг ривожланиши муҳим роль ўйнайди. Транспортнинг ривожланиши жўғрофий нуқтаи назаридан мамлакатнинг барча ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни таъминлайди. Шунингдек, транспортнинг алоҳида турларининг техник ва технологик ривожланиш даражаларининг ўсиши, уларнинг ўзаро боғлиқликдаги фаолиятини ташкил этилиши мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишини таъминлайди.

Транспортнинг ривожланиши, мамлакат иктисодий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ва долзарблиги кўпгина омиллар билан белгиланади. Аввалом бор, транспортнинг ҳар хил турлари мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини, миллий даромадини ва турли даражадаги бюджетларни шакллантиришда иштирок этади. Транспорт тизими мамлакатнинг ресурсларини ҳамда маҳсулотларни ҳудудлар ва иктисодиёт тармоқлари ҳамда соҳалари ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминлашда иштирок этиши билан ҳам ички ва ташқи савдо алоқаларига, иктисодий ўсиш суръатлари ва ривожланишга таъсир кўрсатади. Агар транспорт ресурслар ва маҳсулотларни бундай тақсимланишини таъминлашга кодир бўлмаса, тадбиркорлик ривожланмайди, савдо айланмасининг ва мамлакат иктисодиётининг ўсиш суръатлари, ривожланиши сусаяди. Транспорт инфратузилмасининг ривожланиши мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги даражасига ижобий таъсир қилади. Шунингдек, транспорт ходимларини ижтимоий жиҳатдан муҳоза қилиш орқали транспорт тизимининг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга таъсир қилади. Йўловчи ташиш соҳасида тарифлар мақбул даражасининг белгиланиши, ташиш хавфсизлиги ва қулайлиги аҳолининг мамлакат ичидаги мигра-

ция жараёнларини нормал даражада таъминлаш имкониятини яратади. Бу билан иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлайди.

Транспорт тизимида иқтисодий хавфсизликни таъминлашни бошқаришнинг объектлари бўлиб, транспорт тизими ходимлари, унинг моддий, молиявий, ахборот ресурслари, интеллектуал салоҳияти ва мулки, инвестиция лойиҳалари, реклама ва бошқа фаолият турлари ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимини бошқариш дастаклари бўлиб, соҳа фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси, ички назорат ва аудит тизимининг амал қилиши, ҳуқуқ бузилишини профилактикаси, рискларни бошқариш, тармоқни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга ошириш ҳисобланади.

12.2. Мамлакат транспорт тизимида хавфсизликка таҳдидлар

Ташиш соҳасидаги таҳдидлар ичида темир йўл, автомобил, ҳаво, сув, трубопровод транспорт воститалари ҳамда йўлларида юк ва йўловчи ташишга салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар киради.

Темир йўлларнинг зарур ҳажмдаги юкларни ташиш қобилияти унинг фаолиятининг мезони ҳисобланади. Бунга қуйидаги таҳдид омиллари таъсир қилади:

- ташиш ва ўтказиш қувватларининг паст даражадалиги,
- ҳаракатланувчи таркибнинг техник даражасининг пастлиги,
- темир йўллардаги, бекатлардаги ўғирлик ва ташмачилик, коррупция;
- кадр потенциалининг касбий ва малакавий даражасининг пастлиги ёки етарли эмаслиги.

Автомобил йўлларида юк ва йўловчи ташишга салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидларга қуйидагилар киради: .

- автомобил йўлларининг етарли эмаслиги;

- автомобил йўллари ҳолатининг кониқарсизлиги;
- йўллардаги тирбандликларнинг мавжудлиги;
- автомобил паркиннинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги;

- автомобил йўлларида ҳаракатланиш конда бузарликлар, авариялар;

- ёқилғи ва мойлаш воситалари нархининг ўсиши.

Мамлакатнинг жаҳон бозорларига чиқишидаги таҳдидларга қуйидагилар киради:

- ташқи бозорларга чиқишда 2 ва 3 мамлакатлар орқали чиқишнинг зарурлиги;

- ташқи бозорларга чиқиш учун темир йўл ва автомобил йўлларининг етарли эмаслиги.

Иқтисодий адабиётларда транспортда юк ва пассажир ташиш жараёнларига таҳдидлар ҳам алоҳида таҳлил қилинади. Улар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) эксплуатация қилинаётган техника ишончлилигининг пастлиги натижасида ташиш жараёнлари хавфсизлиги даражасининг пасайиши;

- 2) техниканинг янгиланиши ва инвестициявий фаоллик суръатларининг пасайиши туфайли моддий-техника базасининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиришининг юқори даражадалиги;

- 3) замонавий технологик уклад элементларини, шу жумладан, ахборот технологияларини жорий этишнинг етарли даражада эмаслиги натижасида ташиш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигининг пасайиши.

Транспорт тизимининг ижтимоий соҳасидаги таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

- транспорт тизими учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги камчиликлар;

- транспорт тизимидаги айрим тоифадаги ходимлар иш ҳақидаги асоссиз табақаланиш;

- иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўсиши ўртасидаги нисбат;

- транспорт тизимида пенсия таъминотининг етарли эмаслиги;
 - транспорт корхоналарида иш шароитларининг яхши эмаслиги;
 - рағбатлантириш тизимининг самарали эмаслиги.
- Транспорт тизимининг молиявий соҳасидаги таҳдидлар ҳам мавжуд бўлиб, улар таркибига куйидагилар киради:
- транспорт тарифларининг пастлиги;
 - аҳоли учун номақбул даражадаги тарифлар;
 - транспорт воситалари эҳтиёт қисмлари, ёқилги ва мойлаш воситалари нархининг кўтарилиши;
 - йўловчи ташишдаги кўриладиган зарарлар;
 - инфляция даражаси ўсиши суръатлари ва тарифларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқлар.

12.3. Транспорт тизимида хавфсизликни таъминлаш йўллари

Транспорт соҳасидаги иктисодий хавфсизликни а) йўловчи ташиш, б) юк ташиш, в) транспорт паркинни янгилаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари, г) транспорт инфратузилмаси элементларини сақлаш ва таъмирлаш бўйича ишлар, д) ишлаб чиқариш ва бошқариш персоналани тайёрлаш кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали, уларнинг амалда эришилган миқдор даражаларини меъёردа бўлиши шарт даражадаги миқдорлар билан таққослаш орқали баҳолаш мумкин.

Транспорт тармоғидаги салбий тенденцияларни, яъни юқорида таъкидлаб ўтилган кўрсаткичларнинг пасайиши, транспорт соҳасидаги авариялар, ташиш ҳажмлари ва суръатларининг пасайиши, йўллардаги тирбандликларни иктисодий хавфсизликка таҳдидлар сифатида кузатиб бориш ва баҳолаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун транспорт мажмуасини монито-

ринг қилишни ташкил этиш, унинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ролини, таъсирини баҳолаш механизмини, шунингдек, соҳада иқтисодий хавфсизлик механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт соҳасида иқтисодий хавфсизликни бошқариш механизми тармоқдаги иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини кенг камровли баҳолаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни аниқлашга, соҳанинг фаолияти кўрсаткичларини уларнинг таҳликали чегараларини мониторинг қилиш ҳамда таққослашга асосланади. Мониторинг натижалари бўйича тармоқни стратегик ривожлантириш, унинг иқтисодий хавфсизлиги даражасини ошириш, таҳдидларнинг салбий оқибатларини камайтириш, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Транспорт корхоналарининг иқтисодий хавфсизлиги даражаси унинг қуйидаги барча иқтисодий, техник, молиявий, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги билан белгиланади:

– капитал ресурси-акционерлик капитали, қарзга олинган, ташқаридан жалб қилинган молиявий маблағлари;

– техник-технологик ресурси – ишлаб чиқариш технологияси, асосий ишлаб чиқариш фондлари таркиби ва технологик даражаси;

– интеллектуал-кадрлар ресурси – менежерлар, инженерлар персонали, ишлаб чиқариш ишчилари ва ходимлари, уларнинг фаолият ва бизнес мақсадларига эришишни таъминлайдиган билим ва иш кўникмалари;

– ахборот ресурси – корхонанинг барча фаолият соҳаларига тегишли бўлган иқтисодий-молиявий, илмий-техникавий, технологик, ижтимоий тавсифдаги ва тижорат сифатидаги маълумотлар;

– корхонанинг тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш усулларига уни ташқи ўзгарувчан муҳитга мослашишга, ўзининг хўжалик фаолиятини сама-

рали режалаштириш ва юритишга имкон берадиган янгиликлар киритиш;

–корхона фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайдиган, ўз ичига патент, лицензия, квоталардан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам оладиган ҳуқуқий ресурс.

Транспорт корхонасининг юқорида қайд қилиб ўтилган ресурслардан самарали фойдаланиши у кўрсатаётган транспорт ташиш хизматининг юқори сифат даражасида ва рақобатдош бўлишини, иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар таъсирини камайтириш, уларнинг олдини олишни таъминлайди. Транспорт корхонаси (компанияси) иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни нейтраллаштириш учун ўзининг фаолиятининг барча йўналишларида самарадорликни оширишга интилиши лозим бўлади. Компания (корхона) ўзининг техник-технологик, молиявий-иқтисодий, маркетинг, кадрлар ва бошқариш фаолияти йўналишларини кенг қамровли таҳлил қилиши, иқтисодий хавфсизлик ҳолатини баҳолаши асосида таҳдид ва хавф-хатарларни нейтраллаштириш, олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

Транспорт корхонаси иқтисодий хавфсизлигининг молиявий жиҳатлари унинг тўловга қодирлигини кафалатлайдиган, ҳисоварақаларининг ҳолатини белгилайдиган молиявий барқарорлигини ифодалайди. Корхонанинг ўз молиявий мажбуриятларини бажармаслиги, тўловсизлиги унинг банкрот бўлишига ва бутунлай тугатилишига олиб келади. Шу боисдан иқтисодий хавфсизликни баҳолаш тизимида унинг молиявий барқарорлигини баҳолаш биринчи устувор йўналиш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида транспорт корхоналари ўртасидаги рақобат кураши асосан йўловчи ва юк ташиш сифати борасида содир бўлади. Юк ва йўловчи ташиш сифати ва уларнинг рақобатдошлиги корхонанинг техник ва технологик қуролланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу эса иқтисодий хавфсизликни таъминлашда техник ва технологик омилларнинг катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Транс-

порт соҳасида ҳаракатланувчи парк таркиби ва тузилиши, унинг унумдорлиги, вагон ва автомобил ҳаракати окимини, юк ва йўловчи ташиш оборотини тартибга солиш имкони-ятлари, ташиш ва ортқиш-тушириш жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш даражаси, транспорт тармоқларининг ўтказиш ва ташиш қобилиятлари иқтисодий хавфсизликни баҳолашда ҳисобга олинади.

Транспорт корхоналари учун ҳам асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиришининг юқори даражадалиги, амортизация фондларидан самарасиз фойдаланиш, эскирган асосий фондларни янгилаш жараёнларининг сустлиги юқори даражадаги таҳдиддир. Шу боисдан иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг техник-технологик жиҳатларини таъминлашнинг муҳим йўналиши инвестициявий ва инновациявий фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим дастаги бўлиб, у корхона бўйича ва ҳар бир инновацион лойиҳа бўйича алоҳида баҳоланади. Транспортнинг барча турларида ҳаракатланувчи парк таркибини янгилаш, ташиш жараёнларига янги инновацион технологияларни жорий этиш учун илмий-тадқиқот марказлари, лойиҳа институтлари, тегишли олий ўқув юрглари, транспорт корхоналаридаги конструкторлик бюро ва бўлимларнинг, рационализатор ва ихтирочи ишчи-ҳодимларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Транспорт корхоналарида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили унинг меҳнат ресурслари ҳисобланади. Корхоналарнинг зарур касбкорлик ва малака даражасига, иш тажрибаси ва кўникмасига эга бўлган ишчи ва инженер-техник ходимлар билан таъминланганлиги, улардан оқилова фойдаланиш, уларнинг юқори меҳнат унумдорлиги иқтисодий хавфсизлик даражасига ва таҳдидларни нейтраллаштиришга бевосита таъсир кўрсатади.

Транспорт корхоналарининг иқтисодий хавфсизлиги уларнинг бошқариш тузилмаларининг ҳамда ташкилий ва ишлаб чиқариш таркибларининг оқилона ташкил этилганлигига, уларнинг фаолиятига, бошқариш қарорларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ҳамда бажарилиши процедураларига, иш юритиш ва ҳужжатлаштириш жараёнларининг юқори даражада амалга оширилишига, раҳбар ходимлари ва менежерларнинг компетентлигига, уларнинг корхонасига садокатлигига, инсоний ҳислатларига боғлиқдир.

Иқтисодий хавфсизликни самарали бошқариш транспорт корхоналарида ички ва ташқи таҳдидларни мунтазам мониторинг қилишни такозо этади. Шунингдек, транспорт соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг нафақат иқтисодий самарадорлиги, шу билан бирга юк ва йўловчи ташиш хавфсизлиги ва меҳнат шароитларини, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ва ишончилигини, магистрал ва ички темир ҳамда автомобил йўллари ҳолатини яхшилаш, шунингдек, йўлларда ҳаракатланиш қондаларига қатъий амал қилиш масалалари ҳисобга олиниши лозим бўлади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда транспорт корхоналарида уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, замонавий бухгалтерия ҳисобини ҳамда ички ва ташқи аудитни, ревизия назоратини ташкил этиш механизмини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Транспорт корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, юк ва йўловчи ташиш самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий техника базасини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, автомобил ва темир йўлларни халқаро стандартлар асосида қуриш, таъмирлаш ҳамда эксплуатация қилиш, соҳада инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда тегишли транспорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишларини ташкил этиш ва рағбатлантириш механизмини шакллантириш керак.

12.4. Ўзбекистонда транспорт соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўллари

Ўзбекистонда мустиқликнинг дастлабки йилларида-ноқ транспорт соҳасини ривожлантириш, соҳада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида мустиқ тоталитар тузумдан қолган муаммоларни ҳал этиш, мамлакатнинг барча ҳудудларини боғловчи яхлит транспорт ва коммуникация тизимини шакллантиришга киришилди. Бунинг учун, авваломбор, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига олиб борадиган темир йўлларнинг қўшни Туркменистон ҳудуди орқали ўтишига барҳам бериш лозим эди. Шунинг учун жаҳон талабларига жавоб берадиган темир ва автомобил йўлларини қуриш, мавжудларини такомиллаштиришга, жаҳон бозорларига чиқиш йўлларини кўпайтиришга, ягона ва яхлит транспорт тизимини яратиш, унинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган стратегия белгилаб олинди ҳамда амалга оширила бошланди.

Мазкур стратегия асосида Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг 1995-2010 йилларга мўлжалланган миллий дастурига асосан 1996 йилда “Тошкент-Андижон-Ўш” магистралининг 100 километрдан ортиқ тоғли участкаларида “Қамчиқ ва Резак” туннелини қуриш ишлари бошланди. “Олма-ота-Бишкек-Тошкент-Гермиз” ва “Самарқанд-Бухор-Ашхабад-Туркманбоши” автомобил йўлининг республика ҳудудидан ўтадиган қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистонни Қозоғистон орқали Россия Федерацияси билан боғлайдиган 340 километрли “Қўнғирот-Бейнов” автомобил йўли қурилиши якунланди.

Ўзбекистон Республикасида 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилишини жадал ривожлантириш дастурига мувофиқ қарийб 500 километрлик тўрт йўлакли замонавий автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди.

Умуман, мустақиллик йилларида республикада йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиши натижасида умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларининг ҳолати тубдан яхшиланиб республика, вилоят ва туман марказларини ҳавфсиз транспорт алоқаси билан таъминлашга эришилди.

Мухим транзит артериялари бўлмиш – Қамчиқ доводидан ўтган, иккита туннел қурилишини ўз ичига олган «Тошкент-Ўш», «Тошкент-Термиз», «Самарқанд-Бухоро-Олот», «Қўнғирот-Бейнов», «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» каби автомобил йўллари, бундан ташқари шу йўллардаги йирик аҳоли пунктлари бўлмиш – Жиззах, Гулистон, Қўқон, Каттақўрғон, Бўка, Олот ва Сайроб шаҳарларини айланиб ўтиш йўллари янгидан қурилди.»Гулистон-Оҳангарон» янги автомобил йўлининг қурилиши эса Республиканинг Фарғона водийсини жанубий, шимолий-ғарбий минтақалар билан қисқа муддатда боғлаш баробарида уларга пойтахтни айланиб ўтиш имконини берди.

2700 км дан иборат «Ўзбек Миллий магистрали»ни реконструкция қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Бунда «Бейнов-Қўнғирот-Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Андижон», «Бухоро-Олот», «Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз» ва «Самарқанд-Ғузор» каби йўналишлардаги 2 тасмали йўллар биринчи категория ҳисобланган – 4 тасмалига ўтказилиб, тегишли геометрик талабларга жавоб берган ҳолда бир ўққа тушадиган юк оғирлиги 10 тоннадан 13 тоннага ўтказилишига эътибор қаратилмоқда. 500 километрдан ортиқ йўллар эса цемент-бетон қатламликка ўтказилмоқда²¹⁷.

²¹⁷ Автомобил йўллари давлат қўмитаси раиси А.Абдуваллиевнинг «Йўл-транспорт ва муҳандислик коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги 2017 йил 24 ноябрда халқаро илмий-техникавий анжумандаги маърузаси // <http://www.uzavtoyul.uz/cy/post/avtomobil-yollari-davlat-qomitasi-raisi>

Дастурлар доирасида, шунингдек, Бухоро, Қарши, Бери-ний, Тўрткўл шаҳарларини айланиб ўтиш йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичлар барпо қилинмоқда. Автомобил йўллари қурилиши ва реконструкциясини жадаллаштириш мақсадида халқаро молия институтларининг 2,04 млрд. АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағлари жалб этилган. Жумладан:

– Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан- А-380 автомобил йўлининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларидаги 40 км қисми асфалт-бетон қопламалига ўтказилиб, 141 км йўл эса цемент-бетон қопламали тарзда реконструкция қилинди, «Қамчик» довонида – Тошкент ва Наманган вилоятларидаги тоғли ҳудудлардан ўтган 58 км автомобил йўли, Бухоро вилояти ҳудудидаги 125 км автомобил йўллари цемент-бетон қоришмали қопламага ўтказилмоқда;

– Ислон тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан–Сурхондарё вилоятидаги 100 км асфалт-бетон қопламали йўллар реконструкция қилинмоқда; –Жаҳон банки маблағлари ҳисобига Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги маҳаллий аҳамиятга эса автомобил йўлларини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилмоқда;

–Саулия ривожланиш жамғармаси ва араб иқтисодий ривожланиши Қувайт жамғармаси маблағлари ҳисобига Қашқадарё вилоятидаги 35 км автомобил йўллари реконструкция қилинмоқда²¹⁸.

Кейинги йилларда йўловчилар ташийдиган автомобиль транспортининг янги мунтазам йўналишлари ҳамма жойда

aabduvalievning-yol-transporti-va-muxandislik-kommunikatsiya-infiratzilmasini-rivojlantirish-istiqbollari-mavzusi-dagi-xalqaro-ilmiytexnikaviy-anjumandagi-marazasi.html

²¹⁸ Автомобил йўллари давлат қўмитаси раиси А.Абдувалиевнинг «Йўл транспор-ти ва муҳандислик коммуникация инфрақурилмасини ривожлантириш истиқбол-лари» мавзусидаги 2017 йил 24 ноябрда халқаро илмий-техникавий анжумалдаги маърузаси //http://www.uzavtoyul.uz/cy/post/avtomobil-yollari-davlat-qomitasi-raisi-aabduvalievning-yol-transporti-va-muxandislik-kommunikatsiya-infiratzilmasini-rivojlantirish-istiqbollari-mavzusi-dagi-xalqaro-ilmiytexnikaviy-anjumandagi-marazasi.html

очилмоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 4.3 минггадан ошди. 2014-2016 йилларда асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3 мингта яқин автобус ва 12 мингта микроавтобус фойдаланишга топширилди. Янги автовокзаллар ва автостанциялар барпо этилмоқда, эскилари реконструкция қилинмоқда.

Ҳозирги вақтга келиб, автомобил йўллари орқали ташувлар энг юқори ўринларда туриб, юкларнинг 91 фоизи, йўловчиларнинг эса 98 фоиз ҳиссаи айнан мазкур йўлларга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ва йўлларига дахлдор бўлган 30дан ортиқ халқаро конвенциялар, келишувлар ва шартномаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган, миллий транспорт коммуникацияларни ривожлантириш, миллий тизимларни халқаро транспорт тизимлари билан уйғунлаштиришга қаратилган қатор дастурлар иштирокчиси саналади. Республика худуди орқали 20дан ортиқ халқаро транспорт маршрутлари ва йўналишлари ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январда қабул қилинган «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда автотransпорт хизматлари билан таъминлашни янада яхшилаш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш мўлжалланган. 2017-2021 йилларда 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 тасини (79,2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очиш назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очиш билан биргаликда, асосан автобуслар етишмаслиги туфайли қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланади. Келгуси беш йилда 8,6 мингта йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади. Автостанциялар, тўхташ бекатлари

енгил конструкциялардан ва асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган арзон материаллардан (металл конструкциялар, сэндвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилади. Келгуси 5 йил мобайнида Дастурни молиялаштиришга 840 миллиард сўмдан зиёд, асосан “Ўзавтосаноат-лизинг” ва бошқа лизинг компанияларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хусусий инвесторларнинг ўз маблағлари, шунингдек, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар йўналтирилади²¹⁹.

Соҳадаги бошқарув тизимининг шу пайтгача бўлган ҳолати баъзи бир ташкилий масалаларни ҳал этишни талаб қиларди. Шу пайтгача автомобил йўлларини бошқариш, уларни яхши ҳолатдаги транспорт-эксплуатациясини таъминлаб туриш учун ягона давлат бошқаруви мавжуд эмас эди. Масалан, 42654 км узунликдаги умумий фойдаланувдаги автомобил йўллари, яъни умумий автомобил йўлининг 23 фоизи – собиқ «Ўзавтойўл» ДАК балансида бўлган бўлса, қолган 142 минг км автомобил йўллари (умумий тизимнинг 77 фоизи) – маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги коммунал хўжалик бўлимлари ва ободончилик бошқармалари ихтиёрида эди.

Автомобил йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида 2017 йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва қатор қарорлари қабул қилинди. Уларга асосан Автомобил йўлла-

²¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташини тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2017 йил 10 январь.

ри қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтоёул» ДАК) негизда Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитасини ташкил этилди. Йўл хўжалигини бошқаришнинг янги тизими ташкил этилди. Давлат қўмитаси – автомобил йўлларини бошқариш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган давлат органи сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон автомобил транспорти агентлиги қайта ташкил этилди. Унга биноан 2018-2021 йилларда автомобил транспорти инфратузилмасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастур ижроси доирасида 50дан ортиқ йўловчи ташиш йўналиши очилди, 9 автостанция қурилди, 82 янги автобус сотиб олинди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 5 халқаро автобус қатнови йўлга қўйилди.

“Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018йил 27 ноябрдаги қарорига мувофиқ йўл қурилишини ривожлантириш Стратегияси етакчи хорижий консалтинг компаниялари иштирокида ишлаб чиқилади. Ушбу Ривожлантириш стратегияси автомобиль йўллари соҳасига замонавий стандартлар ва технологияларни жорий этиш, 2020–2040 йилларда йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурларини ишлаб чиқишга йўналтирилади²²⁰.

Мустақиллик йилларида транспорт соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ягона ва яхлит темир йўл транспортини шакллантириш бўйича ҳам стратегик йўналишлар амалга оширилди. Бу борада 1994-2001 –йилларда узунлиги 700 километрга яқин “Навоий –Учкудук – Нукус – Султонувайстоғ” темир йўли ва Амударё узра қурилган кўприк қуриб битказилди. 2007 йил август ойида узунлиги 223

²²⁰ <https://daryo.uz/k/2018/11/29/ozbekistonda-avtomobil-yollari-xorij-tajribasi-asosida-quriladi>

километрдан иборат бўлган “Тошгузар-Бойсун-Қумкўрғон” темир йўли қурилиб, ишга туширилди. Ушбу йўналишда 6 та станция, 9 та бекат барпо этилди. Ушбу магистрал темир йўлини қуриш жараёнида 43 та кўприк қурилган бўлиб, улардан 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилди.

Бу йўл республикамизнинг чет давлатларга, аввало, Трансавғон темир йўли коридори орқали яқин келажакда тўғридан-тўғри Хинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, мамлакатимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширди.

2016 йил июнь ойида 123,1 километрлик Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда 19,2 километрлик Қамчик туннели расман ишга туширилди. Ушбу темир йўл Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг қолган ҳудудлари билан мустақам боғлади, шунингдек, бу йўл Хитой – Марказий Осиё –Европа янги темир йўл транзит йўлагининг ажралмас ва муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ва инфратузилмасини янада ривожлантиришга 7,5 миллиард долларлик капитал қўйилмалар, шу жумладан, 2,4 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестициялар йўналтирилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан янги темир йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган инновация лойиҳаларини тармоққа жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш, соҳа учун замонавий билимли кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда²²¹.

²²¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 2 август. // http://uza.uz/uz/documents/zbekiston-respublikasi-temir-y-l-transporti-khodimlari-kunin-02-08-2017?month=7&year=2017&ELEMENT_CODE=zbekiston-

Мустақиллик йилларида ҳаво транспортини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида янгиланиш билан бирга, аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш ишлари ҳам амалга оширилди. Қисқа муддатда юксак малакали учувчи ва техник ходимлар тайёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган база яратилди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” самолётлари турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнай бошлади.

Авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга оширишни таъминлаш, авиация техникасига хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг жорий этиш ишлари амалга оширилди. Авиакомпания замонавий ҳаво кемалари билан таъминланди. Жумладан, авиакомпания “Boing-757”, “Boing-764”, “А-310”, “RJ-85” каби энг замонавий самолётлар билан тўлдирилди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси йилига қарийб 75 минг транзит йўналишининг ҳаво ҳаракатини бошқармоқда. Авиакомпания таркибида сўнги авлод авиация техникасига хизмат кўрсатадиган ва уларни таъмирлаш маркази томонидан 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатилмоқда.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси таркибидаги Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон, Фарғона, Навоий шаҳарларида замонавий аэропортлар жаҳон андозалари даражасида модернизация қилинган. Ватанимизда Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортлари халқаро аэропорт мақомига эга. Республикамизда “Навоий” халқаро интермодал логистика маркази ва “Ангрен” логистика марказининг имкониятлари анча кенгдир. Жумладан, “Навоий” халқаро интермодал логистика марказида турли-туман товарларни юклаш ва тушириш, уларни тарқатиш ҳамда оморларга жойлаш ишлари тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси қайта ташкил этилиб, парвозларни амалга ошириш, аэропортларни бошқариш ва аэронавигация хизматлари бир-биридан ажратилди. Ушбу қарорга биноан **Миллий Авиакомпанияни қайта ташкил қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:**

– “Ўзбекистон Ҳаво йўллари” МАК дирекцияси асосида “Uzbekistan Airways” АЖ ташкил қилинади.

– Иккинчи навбатда “Учиш мажмуаси” ДУК, “Ҳаво алоқалари бош агентлиги” ва “Ўзавиатехснаб” асосида “Uzbekistan Airports” АЖ ташкил қилинади.

– Ундан ташқари, “Махсус авиаташишлар авиакомпанияси” асосида “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ ташкил қилинади.

– “Ўзээронавигация” давлат корхонаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига топширилади.

Қарорда айтилишига кўра янги тузилган компанияларнинг ҳар бири ўз соҳасида турли вазифалари бажариши керак бўлади.

“Uzbekistan Airways” АЖ вазифалари қўйидагилардан иборат:

• Мавжуд ҳаво кемаларидан самарали фойдаланиш, жумладан янги йўналишлар очиш;

• Авиапаркни янгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш;

• Йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

• Йўловчи, юклар ва почта ташишда мослашувчан тарифлар таклиф қилиш;

• Тўғридан тўғри хорижий сармояларни жалб этиш;

• Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш;

• Авиакомпанияни халқаро авиаташувчилар жамиятига интеграция қилиш;

• Худудий миқёсда етқиликка эришиш;

“Uzbekistan Airports” АЖ асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Аэропортлар ривожанишининг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Аэропортлар инфратузилмаларини яхшилаш учун сармоялар жалб қилиш;
- Йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг юкори сифатини сақлаб туриш;
- Аэропорт барча хизматларининг самарали фаолиятини ташкил этиш;
- Аэропортларда парвозлар хавфсизлиги таъминлаш;
- Аэропортларни замонавий даржада таъмирлаш ва ҳаво кемаларига юкори даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш;
- Аэропортлар ҳудудида замонавий овқатланиш тармоқлари, банк хизматлари ва бошқа хизматларни давлат хусусий ҳамкорлиги асосида ташкил этиш²²².

Янги ташкил қилинаётган акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари таркибига керакли малакага эга бўлган, ушбу соҳаларда салмокли тажрибага эга бўлган мутахассислар таклиф қилинади. 2020 йилдан бошлаб ушбу компанияларнинг молиявий ҳисоботи халқаро стандартлар асосида олиб борилади ва ҳар йили ҳолис аудит ёрдамида текширилади. “Ўзбекистон ҳаво йуллари” компаниясига берилган барча имтиёзлар янги компаниялар учун ҳам сақланиб қолади. Ундан ташқари янги ташкил қилинаётган маҳаллий авиакомпаниялар 2023 йилнинг 1 январига қадар самлётларни ва хизмат инвентарлари олиб келишда божхона тўловларидан озод қилинади. (код ТН ВЭД 8802, 8803 ва 8805)²²³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республи-

²²² <https://sputniknews-uz.com/economy/20181129/10115080/zbekiston-avo-yllar-ikkiga-blinadi.html>

²²³ <https://sputniknews-uz.com/economy/20181129/10115080/zbekiston-avo-yllar-ikkiga-blinadi.html>

каси Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Умуман олганда мустақиллик йилларида транспорт тизимини ислоҳ этиш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мамлакат бўйича ягона ва яхлит транспорт тизими яратилди, транспорт мустақиллиги ва хавфсизлиги таъминланди.

Асосий таянч тушунчалар

Транспорт, транспорт тизими, автомобил транспорти, темир йўл транспорти, ҳаво транспорти, қувур транспорти, жамоат транспорти, транспорт соҳасидаги иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий таҳдидлар, иқтисодий хавфсизликни мониторинг қилиш, иқтисодий хавфсизлик индикаторлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Транспорт тизими деганда нимани тушунаси?
2. Транспорт тизимининг мамлакат иқтисодиётида қандай ўрин тутади?
3. Транспорт соҳасида иқтисодий хавфсизлик деганда нимани тушунаси?
4. Транспорт тизимида иқтисодий хавфсизликка қандай таҳдидлар мавжуд?
5. Транспорт соҳасида иқтисодий хавфсизлик индикаторларини санаб ва асослаб беринг.
6. Транспорт соҳасида иқтисодий хавфсизликни мониторинг қилиш қандай амалга оширилади?
7. Автомобил транспорти соҳасидаги иқтисодий хавфсизлик деганда нимани тушунаси?
8. Темир йўл транспортидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
9. Ҳаво транспортидаги иқтисодий хавфсизлик қандай таъминланади?
10. Ўзбекистонда автомобил транспорти ва коммуникациялари соҳасини ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилган?

11. Темир йўллар транспортини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилган?

12. Ҳаво транспорти соҳасини ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун республикамизда қандай ишлар амалга оширилган?

13-БОБ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

13.1. Экология муаммолар ва экологик хавфсизликка таҳдидлар

Экология – тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити билан бўладиган муносабати ҳақидаги фан деб тан олинади. Ушбу таъриф унинг грекча атамасидан келиб чиққан бўлиб, грекчада “oikos”- уй, яшаш жойи, яшаш муҳити, “logos” – таълимот деган маънони англатади. Уни биринчи бўлиб фанга немис табиатшунос олими Эрнест Геккель, 1866 йилда чоп этилган ўзининг “Организмларнинг умумий марфологияси” деган китоби орқали олиб қирган. Китобда: “Экология – табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг, органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антагонистик ва ноантагонистик алоқадорликдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларини очиб бериши”, – деб таъкидланган.

Фан ва таълим ривожлангани сари экология нафақат мустақил фан соҳаси, балки фанлар тизимига айланиб, ҳозирги кунда мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, экологик соҳасига оид 60га яқин фан мавжуд. Шунингдек, экологик билимлар қадимги Юнонистон, Рим, Шарқ ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида ҳам ривож топган. Жумладан, Гиппократ, Аристотель каби юнон файласуфлари асарларида экология ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Экология фанининг тарихи табиий фанларнинг тараққиёт босқичлари билан узвий боғлиқдир. Қадимги юнон олими Афлотун (Аристотель, эрализгача бўлган 384-322 йиллар) дунёнинг

пайдо бўлиши хақида фикр юритиб, табиатдаги барча мавжудот бир-бири билан боғлиқдир, деган. Афлотуннинг шогирди Теофраст Эрезийкий (эрамиздан олдинги 378-280 йиллар) ўсимликлар дунёсини ўрганиб, уларнинг турли шароитда ҳар хил шаклда (дарахтсимон, бутасимон ва ўтсимон) бўлишларини қайд қилиб, уларнинг инсон ҳаётидаги ролини алоҳида таъкидлаган. Гипократ (эрамизгача 460-370 йиллар) инсон саломатлигига сув, ҳаво ва у яшаб турган муҳит ниҳоятда катта таъсир кўрсатишини алоҳида қайд этган.

Экологиянинг кейинги таракқиёти Европада XVIII асрга тўғри келади. Бу даврда К.Линней ва Ж.Бюффонлар кинматли экологик кузатишлар олиб боришган. Жумладан, Карл Линнейнинг (1707-1778 йиллар) “Табиат системаси” (1735), “Ботаника фалсафаси”, (1751) ва “Ўсимлик турлари” (1753) каби илмий асарларида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг суъвий системасига оид мавзулар ёритилган. У табиатда уч нарса: минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб ўтган. Француз табиатшунос олими Ж.Бюффон эса бир турнинг иккинчи турга айланишига ташқи муҳит, иқлим ҳарорати, овқатланиш сифати ва бошқа омиллар сабабчи бўлишини исботлаб берган.

Кейинчалик, Марказий Осиё ва Ўзбекистонда ҳам экология фанини ривожлантириш соҳасига бир қанча олимлар ўз хиссаларини қўшиб муайян йўналишларни шакллантирганлар.

Эътиборли томони шундаки, 1930 йилларда экология йўналишларига асосланган Марказий Осиё мактаби ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий давлат университети қошида шаклланган. Мактаб ўлканинг биологик жамоаларини, уларнинг таркибий қисмларини ўрганиш билан бирга, эколог мутахассислар тайёрлашда, экология фанининг ривожланишида ҳам муҳим тurtки бўлган.

Демак, экология фанининг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодлар учун экологик хавфсиз муҳитни яратиш ва таъминлашдан иборатдир. Экологик хавфсиз муҳит–организмлар-

нинг барқарор ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай табиий муҳит.

Бугунги кунда экология фани соф биологик фанлар тизимидан чиқиб унинг мазмун доираси янада кенгайиб бормоқда. Атроф-муҳитга замонавий фан ва техника тараққиётининг таъсири натижасида “экология” тушунчаси кенгайиб, “инсон экологияси” деган тушунча пайдо бўлди²²⁴.

Табиий ва минерал-хом ашё бойликларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта ҳаражатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланиш ҳамда инсоннинг табиат имкониятлари ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти ер юзасида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, баликларнинг, ҳайвонларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилишига олиб келди.

Урбанизация жараёнларининг жадал суръатлари билан содир бўлаётганлиги оқибатида шаҳарларнинг ифлосланиши кучайди. Таркибида олтингугурт қўшқоқсиди ва азот оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши кўпайди.

Дунёда тўхтовсиз давом этаётган қуроқланиш пойғаси, атом, турли хил кимёвий ва оммавий қирғин қуроқларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш, бир қанча мамлакатларда содир бўлиб турган қуроқли низолар, фуқаролар урушлари, қуроқли можаро ва урушлар инсоният яшайдиган муҳит учун катта хавф туғдирмоқда.

Дунё аҳолиси сонининг ўсиб бориши оқибатида одамлар учун озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, ўрмонларнинг қисқариб кетиши, чўл-сахроларнинг бостириб келиши, тупроқнинг бу-

²²⁴ Қаранг: Холмўминов. Экология ва экология ҳукуки фанларини ўқитиши тақомиллаштириш масалалари// Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – “ёш олимлар илмий тадқиқотларини юксалтириш асоси” мавзусидаги Республика назария, илмий-амалий конференцияси (мартузалар тўплами). –Т.: Akademiya, 2011. 15-бет.

зилиши, атмосферанинг юкорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетиши, ер хавоси ўртача хароратининг ошиб бориши каби нохуш ҳолатларнинг юзага келиши кучайиб бормокда. Экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони янада ўсиб бормокда.

Экологик муаммоларнинг кучайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ишлаб чиқариш чиқиндиларининг кўпайиши, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқаришнинг жадал ўсиши, ер ва сув ресурслари камайиши, сифатининг, унумдорлигининг пасайиши экологик хавфсизлик муаммосини келтириб чиқарди.

13.2.Ўзбекистонда экологик вазият ва хавф-хатарлар.

Ўзбекистон Республикасидаги экологик вазият унинг географик жойлашуви ҳамда иқлим шароитига боғлиқдир. Ўзбекистон Амударё ва Сирдарё дарёларининг оралиғида, Евроосиё китъасининг марказий қисмида, ярим шарнинг субтропик ҳудудида жойлашган. Унинг майдони 448,9 минг кв.км бўлиб, ҳудудининг ғарбдан шарккача бўлган узунлиги 1400 километрни, шимолдан жанубгача эса 925 километрни ташкил қилади. Давлат чегараларининг умумий узунлиги—6621 километр.

Ўзбекистон табиий-географик шароитлари бўйича тоғ, текислик ва саҳро рельефи ўзига хос уйғунлашган энг қулай минтакалардан биридир. Мамлакат ҳудудининг 64 фоизини саҳро майдонлари ташкил этади. Қумлик саҳролар, шарк ва жануби-шаркда қир-адирлар ҳамда тоғ ёнбағирларига айланади. Республика тоғларининг энг юкори чўққиси — Қисор чўққисининг баландлиги денгиз сатҳидан 4643 метр бўлиб, энг қуйи Нуктаси — Мингбулоқ пастлиги — денгиз сатҳидан 12 метр пастдир. Тоғлар минтақанинг энг йирик экотизми бўлиб, табиий-экологик мувозанат ва табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамият касб этади. Улар ер, иқлим, сув, биологик, энергетик, минералогик ва ландшафт хилма-хиллигининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Фойдали қазилмаларнинг асосий конлари (нефть ва газдан ташқари) тоғларда жойлашган. Тоғлар ўртасида Фарғона vodiysi, Тошкент-Мирзачўл, Сангзор-Нурота текисликлари, Амударёнинг альювиал текисликлари жойлашган.

Ўзбекистоннинг ва бутун Марказий Осиёнинг энг йирик дарёлари – Амударё (1415 км) ва Сирдарёдир (2122 км). Мамлакатнинг иқлими – субтропик, кескин минтакавий бўлиб, унга кургоқчилик, иссиқлик ва ёруғликнинг мўл бўлиши, кундузги ва тунги, кишки ва ёзги ҳароратларнинг кескин амплитудаси хосдир. Республикада энг совуқ январь ойида шимолда ҳарорат ўртача -10°C даража, жанубда $+2,-3^{\circ}\text{C}$ бўлганда, Термиз шаҳри атрофида ҳарорат ўртача $+18^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Ўзбекистон учта асосий иқлим зоналари – чўллар ва қуруқ даштлар, тоғ ёнбағирлари ва тоғларга бўлинади. Чўл ва қуруқ дашт ҳудудларининг деярли барчаси, шу жумладан, Қизилқум саҳроси, Устюрт платоси, Қарши ва Далварзин чўллари денгиз сатҳидан 400 метр баландликда ва ундан пастда ётади.

Собиқ шўро ҳокимияти даврида табиат конунларига зид равишда республикамиз иқлим шароитлари ҳисобга олинмай иқтисодиётнинг бир томонлама, хом ашё, оралик маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, халқ хўжалигида пахта яққаҳоқимлиги, сув ва ўрмон ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиш чўл майдонларининг кенгайиши, тупроқ қатламнинг шўрланиши, экологиянинг бузилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Қаримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари” китобида 1997 йилдаёқ республикамизда вужудга келган экологик вазиятни тавсифлаб берган²²⁵. Бу вазият қуйидагилардан иборат:

²²⁵ Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 116-130-бетлар.

Биринчидан: ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу хавф ерларнинг одамларнинг муносабати туфайли, илгари нурашга қарши чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги, шамол ва сув таъсирида эмирилишнинг тупрок унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши, тупрок нураши, шўрланиши, ер устки ва ер ости сувлари сатхи пасайишида намоён бўлмоқда. Шунингдек, тупроқнинг ҳар хил sanoat чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши, айниқса, уран ва бошқа фойдали қазилма бойликларини қазиб чиқариш жараёнида радиактив қолдиқлар сақланадиган жойлар экологик жиҳатдан хавфли ифлослангириш ўчоғи ҳисобланади.

Иккинчидан, сув захираларнинг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги жиддий экологик хавфдир. Ўзбекистондаги дарёлар, асосан, Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув ресурсларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини сугориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан мавжуд трансчегаравий дарё сув захираларини биргалашиб, келишган ҳолда бошқариш муаммосини амалий ҳал қилиш талаб қилинади.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи кучли экологик хавф-хатар, таҳдиддир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланган. Қўрқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баровар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баробар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшashi учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўл-

ди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Ҳозирги вақтда Орол фожiasi туфайли 5,5 миллион гектардан ортик майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Ҳар йили 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилмоқда. Бу эса Орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда”²²⁶, -деб таъкидлаган.

Тўртинчидан, ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарралар кўшилмоқда. Шуларнинг ярми углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт кўшуксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига ҳос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади. Атмосферада углеводород йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига ҳос кенг қўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Экологик хавф-ҳатар ва таҳдиднинг кучайиши экологик хавфсизликни таъминлаш механизмини шакллантириш ва ривожлантириб боришни тақозо этади. Экологик вазиятни баҳолаш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси институтлари (НИПТИ “Атмосфера” ва НПХЦ “Сув ҳўжалиги экологияси”) томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудини экологик районлаштириш методологияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилган. Районлаштириш республиканинг маъмурий-ҳудудий тақсимотига асосланган; районлаштириладиган энг кичик ҳудудий бирлик (таксон) сифатида маъмурий туман, республика ёки вилоятга бўйсунувчи шаҳар қабул қилинган. Ҳар бир таксоннинг экологик вазияти 18 та экологик индикатор (мезон) бўйича баҳоланган, улар ҳудудларнинг экологик танглик даражаси (руҳсат берилган,

²²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.// Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр.

критик, фавкулудда, экологик фалокат) бўйича анъанавий таксимоти билан бир қаторда, балли баҳоларга ҳам эга бўлиб, ўртача солиштирма балли баҳони ҳисобга олган ҳолда хавфли ва ўта хавфли тоифаларга бўлинади.

Худудни экологик танглик даражасига кўра районлаштириш (вилоятлар бўйича) қуйидагича амалга оширилади: 400 ва ундан юқори балл – фавкулудда танг, 205-400 – кучли танглик, 150-250 – ўртача танглик, 120-150 – суест танглик ва 120 балл нормал (танглик йўқ).

Экологик жиҳатдан энг оғир аҳволда турган худуд Қорақалпоғистон Республикаси бўлиб, бу ердаги экологик вазият фавкулудда танг бўлган ҳолда аҳвол янада оғирлашмоқди.

Хоразм, Фарғона ва Навоий вилоятларида экологик вазият кучли танглик даражасида. Самарканд ва Бухоро вилоятларидаги экологик вазиятни ўртача тангликда деб тавсифлаш мумкин. Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги вазиятни суест тангликда, Наманган, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги аҳвол эса меъёрий шароитдадир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, худудларни экологик танглик даражаси бўйича юқоридагидек саралашда нобатан “меъёрий” вилоятларда ҳам фавкулудда оғир ҳолатлар кузатилаётган “қайнок нуқталар” бўлиши мумкин. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Термиз ва Музрабод туманлари, Бухоро вилоятидаги Ғиждувон, Тошкент вилоятидаги Янгийўл шаҳарлари фавкулудда экологик вазият зонасига киради.

Районлаштириш натижаларидан экологик офат худудларида яшовчи аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунчиликни ишлаб чиқиш шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини экологик таъминлашнинг Миллий ва худудий режаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

13.3. Давлатнинг экологик сиёсати ва табиатдан фойдаланиш вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида иқтисодий механизмнинг асосий концепцияси шакллантирилган, табиий ресурслардан фойдаланишга лимитлар аниқланган, табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширувчи ишлар учун солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилган. Сувдан фойдаланиш Республикамизда 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Экологик сиёсат авваломбор инсон саломатлигини таъминлаш учун қулай муҳит яратишга қаратилгандир. Инсон саломатлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири – экологик соғлом муҳитдир. Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу қаторда соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Шу маънода инсон саломатлигининг барқарорлигини таъминлашда экологик хавфсизликни таъминлаш ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Экологик хавфсизлик давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини, жамият ва шахсий ҳимоя қилишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати Конституция, қонунчилик, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро конвенция ва келишувлардан келиб чиқувчи мажбуриятларимиз, ҳамда илғор мамлакатларнинг қонунчилик тажрибасини ҳисобга олиб Рио-де Жанейро ва Йоханнесбург Декларациялари тамойиллари асосида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг муҳим стратегик вазифаси билан соғлом авлоднинг шаклланишини аниқлаб олди. Бу эса барқарор ривожланишни таъминлашга йўналтирилган давлатнинг экологик сиёсати асосини белгилаб берди. Ўзбеки-

стоннинг экология соҳасидаги сиёсати барқарор ривожланишнинг куйидаги тамойилларига асосланади:

1. Экотизимларнинг маълум барқарорлигини сақлаб қолиш учун табиатдан фойдаланиш жараёнларининг мувозанатига эришиш.

2. Антропоген таъсир кучлар юкори бўлган туманларда барқарор ривожланишни янгилаш.

3. Экологик муаммоларнинг иқтисодий муаммолар устидан устунлигини кенг омма олдида тасдиқлаш, шу билан бирга давлат бoshқаруви жараёнларини экологизация қилиш.

Давлатнинг экологик тартиблашни иқтисодий механизми элементлари куйидагилардан иборат:

•табiiй кадастрлар;

•табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни молиялаштириш;

•табиатдан фойдаланганлик ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар;

•экологик тадбирларни имтиёзли кредитлаш ва солиққа тортишдаги имтиёзлар, шунингдек, экологик суғурта, режалаштириш (прогноزلаштириш), иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари (қаранг: 13.3.1-жадвал).

13.3.1-жадвал

Давлатнинг экологик тартиблаш иқтисодий механизми элементлари²²⁷

Молиявий-кредит механизми	Экологик суғурта	Иқтисодий рағбатлантириш
Бюджетдан молиялаштириш тизими	Техноген аварияларни суғурталаш фондлари	Имтиёзлар (солиқ, кредит ва бош.)
Экологик фондлар тизими	Табiiй офатлардан суғурталаш фонди	Экологик зарарли маҳсулот ва технологияларга махсус солиқлар

²²⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

Экологик банклар тизими. Имтиёзли экологик инвестицион кредитлар тизими	Қайта сугурталаш фондлари	Экологик тоза маҳсулотларга рағбатлантирувчи нарх ва устама-лар
экологик сугурта фон-ди		Чикинди, изарали молдалар чиқариш ҳуқуқини олди-сотди механизми
Хорижий инвестициялар		Экологик сертификация
Корхонанинг ўз ма-благлари		Табиатни химоялаш ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаш

Бозор муносабатлари шариғатида барқарор ривожланишнинг экологик хавфсизлигини таъминлашда фаолиятнинг қуйидаги асосий йўналишларини инобатга олиш керак:

- ишлаб чиқарувчи кучларни экологик асосланган ҳолда тақсимлаш;

- кишлок хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт ва коммунал хўжалигининг экологик хавфсиз ривожланиши;

- атроф-муҳит ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги бошқарувни янги поғонага кўтариш;

- табиат ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

- чикиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш.

Республиканинг экологик сиёсати табиатнинг айрим унсурларини **химоя** қилишдан барча умумий экотизимни химоя қилишни амалга оширишга **ўтишга**, инсоннинг яшаши **учун** керак бўлган ҳаётвий муҳитнинг энг мақбул параметрларини кафолатлашга қаратилган.

Бундай экологик сиёсатни ҳаётга тадбиқ қилиш ижтимоий-иқтисодий ва жамиятни тўлиғича барқарор ривожланишнинг шартларидан бири бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ва инсониятни ташвишга солиб келаётган **экологик муаммолар** глобал, минтақавий, миллий ҳамда маҳаллий миқёсларга бўлиниб ўрғанилади. Кейинги йилларда асосий глобал муаммолардан – иқлим ўзгариши, озон туйнугининг ҳосил бўлиши ва Орол денгизи муаммоларини таъкидлаб ўтиш **жониз**. Минтақавий муаммоларга эса глобал муаммолар билан бир қаторда сув ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши, чўлланиш, юқумли ва ўта хавfli касалликларнинг тарқалиши, табиий ва техноген тусдаги катаклизмларни, маҳаллий миқёсда – муайян ҳудудларнинг радиацион ифлосланиши, ер ости сувларининг ифлосланиши, чиқиндиларнинг тўпланишини келтириш мумкин.

Маълумки **республикамизда** аҳоли зичлиги 1980-йилда бир квадрат километрга 35,6 киши тўғри келган бўлса, 2006-йилда бир квадрат километрга 57 кишига ортди. Шу тарзда 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра республика аҳолиси 32653,9 минг кишини ташкил этди. Арид зона шароитларида, аҳоли сони ўсиши билан антропоген тазйик (сувга ва ҳаёт учун зарур бошқа воситаларга нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши) ортади. Бу республикамиз аҳолиси зич яшайдиган ҳудудларда кўшимча экологик, иктисодий ва ижтимоий тазйикларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон ҳудудида глобал минтақавий иқлимнинг ўзгариши оқибатларини баҳолаш 2030 йилларга келиб, шимолий ҳудудларда ўртача йиллик ҳароратнинг ўсиши 2-3 даражага ва республика жанубий қисмида 1 даражага ўсиши, тоғли ҳудудларда анча камроқ таъсир кўрсатилиши кутилмоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ёғингарчиликлар миқдорининг 5фоизгача, Фарғона водийсида 15 фоизгача, республикамиз шимолий қисмида 15-20фоизгача ортиши кутилмоқда.

Жаҳон экспертларининг фикрига кўра, иқлим ўзгариши бўйича Антарктида ва Гренландия музликларининг фаол

эриши натижасида 2100 йилга келиб дунё океанининг сатҳи 18-59 см.га кўтарилади. Бу эса, худудида ороллар жойлашган айрим мамлакатлар ва қирғоқ бўйи шаҳарларида мисли кўрилмаган даражада сув босишига олиб келиши мумкин. БМТнинг ҳукуматлараро комиссияси томонидан тайёрланган «Иқлим ўзгариши – 2007» маърузасида инсоният фаолияти натижасида глобал ҳароратнинг кўтарилишига оид инкор этиб бўлмас далиллар келтирилган. 100 йиллик учун берилган глобал башоратларга кўра, бугли газларни қисқартириш чора-тадбирларни амалга оширганнинг ўзида ҳарорат 1.4 дан 5.8 Сга кўтарилиши мумкин. Бу эса, албатта, атроф-муҳит, инсон саломатлигига салбий таъсирини ўтказди.

Жаҳонда чучук сувни ишлатиш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда, айти пайтда кўп мамлакатлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш ва экотизимларнинг барқарорлигини сақлаш учун зарур даражадаги сув таъминотида кийинчиликлар сезилмоқда. Сувга оид далилларга кўра, чучук сув захирасининг 70-90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда экинларни етиштириш учун ишлатилади. Қундалик эҳтиёжни қондириш учун эса аҳоли жон бошига кунига 50литр сув зарур²²⁸. Сувга нисбатан ортиб бораётган талабларни ҳисобга олиш юзага келадиган муаммолар ва таҳдидларнинг нечоғлик кенг қўламга эга эканидан ва «ўзгариб бораётган дунё ҳаёти»га теран нигоҳ билан қараш лозимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ишончли қафолат ҳамда чораларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичида давлат сиёсатининг энг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш орқали иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини (СФУ) ривожлантириш, қишлоқ

²²⁸ Манба: IWRM

хўжалик махсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилишга оид сиёсати ва сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлари қуйидаги асосий тамойилларга асосланган:

- атроф-муҳитни аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида сақлаш ва қайта тиклаш бўйича иқтисодий ҳамда экологик сиёсатни мувофиқлаштириш;

- табиатнинг айрим таркибий қисмларини муҳофаза қилишдан экотизимларни умумий ва мажмуавий равишда ҳимоялашга ўтиш;

- жамиятнинг барча аъзоларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг хилма-хиллигини сақлаш ва вазиятни яхшилаш, аҳоли ҳаёти учун қулай шароитларини яратиш бора-сидаги жавобгарлиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан оқиб ўтувчи 8та дарёлар, жумладан, Қашқадарё, Чирчиқ, Сурхондарё ҳамда Зарафшон, Қораларё, Норин, Амударё ва Сирдарё трансчегаравий ҳисобланган дарёлар ва республика ахамиятига эга бўлган 11та ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг жами 11та қарорлари, шу жумладан 3та қарор – ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган 11та ҳудуд бўйича (Тошкент вилоятидаги 2та, Фарғона вилоятидаги 2та, Самарқанд вилоятидаги 1та, Андижон вилоятидаги 1та, Наманган вилоятидаги 1та, Қашқадарё вилоятидаги 1та, Жиззах вилоятидаги 2та ва Сурхондарё вилоятидаги 1та манба бўйича), 8таси – дарёлар бўйича қабул қилиниб амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 августдаги 444-ф-сонли Фармойишига асосан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакилларида иборат Ўзбекистон делегацияси, 2008 йилнинг 1-4 сентябрь кунлари Франциянинг Монпелье шаҳрида ўтказилган 13-Бутунжаҳон сув конгрес-

сида иштирок этдилар. Конгресснинг махсус сессиясида Ўзбекистон вакиллари томонидан «Марказий Осиёда сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш, БМТ “Минг йиллик тараққиёт мақсадларига эришиш чоралари” мавзуида тақдимот ҳамда “Орол денгизи мисолида Марказий Осиё минтақасида экологик хавфсизлик муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари” мавзуида маъруза қилинди. Махсус сессия якуни бўйича резолюция қабул қилиниб, унда Марказий Осиёда барқарорликка эришиш учун минтақадаги бта давлатлар томонидан трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилиши зарурлиги кайд этилди.

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг оғир ва мураккаб ижтимоий, иктисодий ва экологик муаммолардан бири ҳисобланган Орол денгизи, уни кутқариш – бутун инсониятнинг умум вазифасидир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон Орол денгизини кутқариш ишида биргалашиб, муаммоларни ҳал қилиш йўллари кидирмоқдалар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда анжуманлар минбаридан бу масалани қайта-қайта ўрғага ташламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72- сессиясида қилган нутқида “Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси аке эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортикча изохга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро микёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдорими”²²⁹, – деб таъкидлаган.

²²⁹ <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида “Траст фонди”нинг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди. Биз Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтларидан, ҳамкор давлатлардан миннатдормиз”²³⁰, – деб таъкидлади.

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғун баркамоллиги Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Бу борада Орол фожиасини унутмаган ҳолда, сув ва ерга бўлган тафаккурни ўзгартириш ҳамда ушбу заминдан азалдан қарор топган оби ҳаётга энг улуғ неъматлардан деб, қараш борасидаги муносабатни қайта тиклаш зарур.

13.4.Ўзбекистонда экологик хавфсизликни кучайтиришнинг йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” асарида экологик хавфсизликни кучайтиришнинг куйидаги асосий йўналишларини белгилаб берган эди:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар ифлослантиришни тўхтатиш, қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

2. Қайта тикланадиган заҳираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда

²³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

қайта тикланмайдиган заҳираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий заҳираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий заҳиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг намини қочириш, сувчи қарши тадбирларини ва бошқаларни амалга ошириш).

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўлайитириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш.

6. Экологик муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш, халқаро тузилмаларнинг заҳиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш²³¹.

Экологик муаммоларни ҳал қилиш экологик хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистонда сиёсат ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Марказий Осиё ҳудуди хавфли табиий жараёнлар ва **ҳодисалар** кенг доираси ичидадир. Улардан энг катта хавф тугдирувчилари **зи. тзилалар**, сув **тошқинлари**, сел оқимлари ва ер кўчишлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иклими ва геологик хусусиятлари ҳамда халқ хўжалик **соҳаларининг** ин-

²³¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 131-134-бет.

фраструктураси фавкулудда ҳолатлар юзага келиши юксак эҳтимоликларига (табiiй офатлар, ишлаб чиқаришдаги фавкулудда ҳолатлар бахтеиз ҳодисалар ва фалокатлар) сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ярмидан ортиқ ҳудудлари сейсмик фаол зоналарда жойлашган, бу ерларда 7 баллик кучга эга ер силқинишлари содир бўлиши мумкин. Саноат потенциалининг 87,5% ушбу ҳудудларда жамланган. Лекин шу билан бирга охириги 15-20 йиллар давомида нисбатан сейсмик осойишталик кузатилмоқда, бу **ортиқча сейсмик энергиянинг** тўпланиши билан ифодаланадиган хавотирли белги ҳисобланади.

Чорвоқ, Андижон (Ўзбекистон), Токтогул (Қирғизистон), Қайроқум, (Тожикистон), Каттақўрғон, Жанубий Сурхондарё сув омборлари тўғонлари зарарланишида, айниқса, хавотирли вазиятлар юзага келиши, буларнинг оқибатида республика ҳудудида сув босиш зоналари келиб чиқиши мумкин. Тожикистон тоғларида Усой уюми нағижасида юзага келган Сарез кўли алоҳида хавфли ҳисобланади. Бу уюм **тўсиғини ёриб ўтилган** ҳолда Бартоғ, Пяндж ва Амударё дарёлари водийларида ҳалокатли тошқинлар юзага келиши мумкин.

Мамлакатимизнинг тоғ ён бағри ҳудудларининг барчаси, Фарғона водийси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари сел хавфи кучли районлар ҳисобланади. Қорлар эрий бошлайдиган, узок вақт давом этадиган ёмғирлар даври апрель – июнь ойларида селлар юзага келиши фаоллашиши кузатилади. Ҳозирги вақтда республикада атиги 5 та сел омборлари фаолият юритмоқда, холос.

Марказий Осиёда XXI асрда сув манбаларининг чекланганлиги сабабли сув муаммолари билан боғлиқ вазиятнинг кескинлашиши мумкин. Сув манбалари билан таъминланганлик хусусида Ўзбекистон энг ноқулай табiiй ҳудудда жойлашган. Марказий Осиёда гидрографик сув манбалари объектларининг нотекис таксимланган. Сир-

дарё дарёси хавзаси бўйича кўп йиллик ўртача дарё оқими йилига 37,9 км³ни ташкил этади. Шу билан бирга кўп йиллар давомида ўртача Қирғизистонда йилига 28,0 км³ (73,8 %), Ўзбекистонда – 5,59 км³ (14,8 %) ва Қозоғистонда – 4,08 км³ (10,8) дарё ресурслари шаклланади. Амударё дарёси бассейни бўйича ўртача кўп йиллик ресурслари 78 км³ дан ортикни ташкил этади, улардан 62,9 км³ (80 % дан ортиги) Тожикистон ҳудудида, Ўзбекистонда 4,7 км³~ (6%) қисми шаклланади.

Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда чўлга айланиш жараёналари тезлашиши алоҳида ташвишли ҳолатдир. Бу фақатгина чўл ҳудудининг ўсиб боришидагина эмас, балки биологик маҳсулдорлиги ўзгариши даражасида ҳам намоён бўлади. Чўлга айланиб бориш ер сатҳи биологик маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади ва унинг оқибати -аҳоли учун экологик ноқулайликларнинг келиб чиқишига, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси турлари насли бузилишига сабаб бўлади. Охириги йилларда Марказий Осиёда янги чўллар майдони деярли 100 минг км² га ортган, баъзи районларнинг маҳсулдорлиги эса 50 % гача қисқарган.

Чўлга айланиб бориш маълум даражада ижтимоий-иқтисодий кескинликка (чорвачилик маҳсулдорлигини камайишига ва касалликлар келиб чиқишининг ўсишига) сабаб бўлади.

Чўллашишнинг асосий сабаби-сувдан нотўғри фойдаланиш ва маълум даражада – иқлим ўзгариши сабабли ҳудудлар ва акватория сув режимининг ўзгариши ҳисобланади. Орол, Устюрт тизими, Қорақум ва Қизилқум чўлларида, Тянь-Шан ва Помир тоғ ён бағирларида айниқса чўлга айланиш жараёнлари фаолдир.

Ер ресурслари доимий равишда турли хилдаги эрозиялардан зарарланмоқда, шу жумладан сув эрозияси – 2790 минг га (суғориладиган – 359 минг гектар), шамол эрозиясига – 20478 минг га (суғориладиган – 2262 минг гектар), 2005 минг га (суғориладиган – 341 минг гектарда) бир вақтнинг ўзида ҳам сув, ҳам шамол эрозиясидан зарарланади

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида мамлакатда экологик вазиятни, ҳамда хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш, соғломлаштиришга қаратилган атроф-муҳитни муҳофазаси борасида қонунчиликка риоя қилиш назоратини таъминлаш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маълум ижобий натижаларга эришилди. Олиб борилган фаолият натижасида табиий муҳитнинг аҳволи яхшиланди, атмосферага зарарли ташламаларни ташлаш ва ифлосланган оқова сувларни ташлаш қисқарди, чиқиндиларни хом-ашё сифатида иккинчи бор ишлатиш ошди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қабул қилинган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий Дастури асосида Бухоро вилоятида автотранспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддаларни камайтириш мақсадида, қатор транспорт воситалари газ ва дизель ёқилгисига ўтказилди. Тошкент вилояти Олмалиқ тоғ-маталлургия комбинатида экологик тоза КБП-2 (кислород-барботаж эритув) ва СК-2 (олтингугурт кислотаси) мажмуаси қурилди, “Янги-Ангрен ИЭС”да электрфилтрларни қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилди. “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” унитар корхонасида ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ҳисобига этилсиз бензин ишлаб чиқариш ҳажмини юқори фойзга етказиш ишлари амалга оширилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш ишлари янги босқичга чиқди. Бухоро вилоятида жойлашган “Жайрон” экологик парваришхонаси майдони қарийб 4,7 баробарга кенгайди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ва қўмиш жойлари бўйича давлат кадастрини аниқ таҳлилий материаллари асосида юритиш ишлари ташкил этилди.

“2008-2015 йилларда Айдар-Арнасой қўллари тизимидан самарали фойдаланиш ва унинг экологик ҳолати барқарор-

лигини таъминлаш ҳаракатлар Дастури”нинг бажарилиши, ўз амалий натижасини берди. Айдар-Арнасой кўллар тизимига Рамсар Конвенцияси доирасида Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар мақоми берилиб, мазкур кўллар тизими Конвенция Котибияти томонидан 2008йил 20 октябрда 1841-сон билан расман рўйхатга олинди.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги, Кувайт ҳукуматлари ўртасида, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Мазкур меморандум доирасида Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган йўрга-тувалоқни сунъий кўпайтириш шароитларини яратиш, уларнинг генофондини сақлаб қолиш ва турларини кўпайтириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бирлашган Араб Амирликларининг тувалоқларини сақлаш маркази билан ҳамкорликда Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларида парваришхоналар қурилиши якунига етказилди, жўжаларни парваришлаш учун тўлик таркибдаги хорижий жиҳозлик 14 та контейнерларнинг монтажи якунланди (инкубаторлар, озуқаларни тайёрлаш учун махсус хоналар, ветеринария шифохоналари, вольерлар), ташки электр, сув, газ ва иссиқлик таъминоти тармоқлари қурилди.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

2. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.

3. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

4. Қайта тикланадиган заҳираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда

кайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

13.5. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг экологик сиёсатини такомиллаштириш йўллари

Давлатнинг экологик сиёсатини амалга оширишда экологик назоратни ташкил этиш бўйича давлат ваколатли органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунида белгилаб берилган. Ўзбекистонда экологик сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири экологик назоратнинг самарали тизимини ташкил этиш ҳисобланади. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Экологик назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

– атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

– мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фой-

даланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига
риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарили-
шини таъминлаш;

– атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаёт-
ган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрила-
ётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилот-
лари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор
қилиш;

– табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадор-
лигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа
экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқаролар-
нинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат
ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокчини таъминлаш.

Экологик назоратнинг асосий принциплари қонунийлик,
ҳолислик, мустақиллик, ошқоралик, шахс, жамият ҳамда
давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қи-
лишдан иборатдир.

Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий
йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– экологик назорат тизимини шакллантириш ва риво-
жлантириш;

– фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф
муҳитни яратиш;

– экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат
органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат
ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъ-
ектлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, но-
давлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан атроф
муҳитнинг муҳофаза қилиниши ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланилишини таъминлаш борасида ҳамкорлик
қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомил-
лаштириш;

– экологик назорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ри-
вожлантириш.

Экологик назорат объектлари ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси; атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар, атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан ноокилонга фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборатдир. Экологик назорат субъектлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- махсус ваколатли давлат органлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;
- хўжалик юритувчи субъектлар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- нодавлат нотажорат ташкилотлари;
- фуқаролар.

Экологик назоратнинг турлари давлат экологик назорати; идоравий экологик назорат; ишлаб чиқариш экологик назорати; жамоатчилик экологик назоратидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- экологик назорат соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
- давлат экологик дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;
- давлат экологик назоратини, шунингдек атроф муҳитнинг давлат мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди;
- идоравий, ишлаб чиқариш, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, экологик хизмат ҳақидаги, шунингдек экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлайди;
- экологик назорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органлари куйидаги соҳаларда давлат экологик назоратини амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси—атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги — атроф муҳитнинг радиоактив, кимёвий, биологик моддалар билан ифлосланиши, ичимлик суви таъминоти, атмосфера ҳавосига физик омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси— саноат хавфсизлигига ва радиациявий хавфсизликка риоя этилиши, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қавлаб олиш, минерал хом ашёни қайта ишлашда ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шунингдек қончилик ишларини геологик-маркшейдерлик жиҳатидан таъминлаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги— автотранспорт воситаларининг ишлатилишида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари—сунъий сув объектларининг сувидан фойдаланилиши ва истеъмол қилиниши, ўсимлик ва ҳайвотот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича давлат карантин қоидаларининг бажарилиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси — ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан, ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда бошқа чиқиндилар, радиоактив, кимёвий, биологик моддалар ва оқова сувлар билан ифлосланиши бундан мустасно.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотларнинг атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида келгусидаги устувор вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

– табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал хом ашё, биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, республиканинг бутун ҳудуди бўйича атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини санитария-гигиена нормаларигача **пасайтириш**;

– экологик талофат зонаси Оролбўйида, шунингдек мамлакатнинг экологик жиҳатдан ноқулай бўлган бошқа ҳудудларида экологик ҳолатни маҳаллийлаштириш, қайта тиклаш ва **соғломлаштиришни** таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

– муҳофаза этиладиган янги табиий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш;

– республика аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш;

– экологик жиҳатдан тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича технологияларни жорий этиш;

– экология соҳасида илмий-техника салоҳиятини ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

– экологик мониторинг, прогноз ва ахборотларнинг комплекс тизимини амалга ошириш;

– республика ҳудудларини атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишини назорат қилиш ва ундан муҳофаза этишнинг ягона хизматини шакллантириш;

– экологик қонунчилик, таълим маданият ва аҳолини экологик руҳда тарбиялаш, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш тизимларини такомиллаштириш;

– экологик муаммоларни ҳал этишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни чуқурлаштириш.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш вазифаси устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида экологик хавфсизлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эътиборимиз марказида туриши зарурлигини устувор вазифа этиб белгиланди. Орол денгизининг сувсиз қолган ҳудудида яшил ўрмонлар барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 миллион 200 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудида барпо этилган. 2019 йилда бу ҳудудда яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади. Давлат раҳбари ушбу рақамларни келтириб, аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва қишлоқларида янги қурилишлар амалга ошириш, хусусан Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмаларга эга бўлган замонавий шаҳарча бунёд этилиши вазифасини кўйди²³².

Асосий таянч тушунчалар

Атроф табиий муҳит, атроф муҳитнинг ифлосланиши, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, ишлаб чиқариш чиқиндилари хавфли чиқиндилар, экология, экологик хавфсизлик, экологик хавфсизликка таҳдидлар.

²³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Атроф табиий муҳит” ва “экология” тушунчаларининг мазмуни, фарқли ҳамда ўхшаш томонлари нималарда ифодаланади?
2. Экологик муаммоларнинг умумий келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?
3. Давлатнинг экологик сиёсатининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. Давлатнинг экологик вазиятни тартиблашнинг иқтисодий механизмини тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистондаги экологик вазиятни тавсифлаб беринг?
6. Ўзбекистондаги экологик муаммолар нималардан иборат?
7. Орол фожиясининг вужудга келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?
8. Орол бўйида вужудга келган экологик вазиятни тавсифлаб беринг?
9. Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал қилиш учун нималар амалга оширилган?
10. Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш учун нима қилиш керак?
11. Экологик назорат нима учун керак?
12. Экологик назорат қандай амалга оширилади?

14-БОБ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

14.1. Хизматлар бозори ва унинг хавфсизлигини таъминлаш

Хизматлар бозорида хизматларни айирбошлаш бўйича содир бўладиган бозор муносабатлари моддий неъматлар шаклидаги товарлар айирбошлашдан фарк қилувчи хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

– хизматлар юқори капитал ҳажмкорликка эга ва илмга-лаб бўлиб, саноат ёки шахсий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилади;

– хизматлар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва кўрсатилади (яъни истеъмол қилинади), шу билан бирга уларни сақлаб бўлмайди;

– товарлар билан бўладиган операциялардан фаркли ўлароқ хизматларни божхона назоратидан ўтказиб бўлмайди;

– баъзи, шу жумладан уй-жой коммунал ва маиший хизматлар турларини халқаро савдо муомаласига киритиб бўлмайди;

– хизматлар соҳаси моддий ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан кўпроқ давлат томонидан хорижий рақобатдан ҳимоя қилинади.

БМТ классификаторига биноан хизматлар 12 туркумдаги 160 турга бўлинади:

1. Ишбилармонлик хизмат турлари -46 турда.
2. Алоқа хизматлари -25 турда.
3. Қурилиш ва инжиниринг хизматлари 5-турда.
4. Дистрибьютерлик хизматлари – 5 турда.
5. Умумтаълим хизматлари – 5 турда.

6. Ташки муҳитни ҳимоя қилиш бўйича – 4 турда.
7. Молиявий, шу жумладан сугурта хизматлари – 17 турда.
8. Солиқни саклаш, ижтимоий хизматлари – 4 турда.
9. Туризм, саёҳат хизматлари – 4 турда.
10. Дам олишни ташкил этиш, маданият, спорт хизматлари – 5 турда.
11. Транспорт хизматлари – 33 турда.
12. Бошқа хизмат турлари.

Жаҳон банки барча хизматларни икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга капитал ва ишчи кучининг халқаро микёсдаги ҳаракати билан боғлиқ хизмат турлари, иккинчи гуруҳга эса инвестициялар ва савдо билан боғлиқ хизматларни киритган. Жаҳон савдо ташкилоти классификациясига мувофиқ хизматларнинг 600 га яқин турлари туркумланган.

Бундан ташқари хизматлар асосий ва улардан келиб чиқувчи логистик хизматлар гуруҳига ажратилади (қаранг: 14.1.1-расм).



14.1.1-расм. Хизматлар турлари²³³

²³³ Қаранг: Качергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов н/Д: Феникс, 2007. – С.237.

Ҳозирги замонавий ишлаб чиқариш турлари кўпайиб, унда қўлланиладиган техника ва технологиялар, ҳам ашё, бутловчи материаллар жадал янгиланиб бораётгани туфайли интеллектуал фаолият натижалари бозорлари ҳам юқори суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу соҳада хўжалик фаолияти субъектлари ўртасида илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, янгиланганни яратиш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривож топмоқда.

Ушбу жараёнлар билан боғлиқ равишда ноу-хау шаклидаги илмий-техник ахборотларини, лицензия, патентларни айрибошлаш ҳамда халқаро инжиниринг ва шу каби замонавий хизмат турлари ҳам жадал ривожланмоқда.

Хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши бу соҳада ҳам иқтисодий хавфсизликни таъминлаш заруратини кучайтирди. Аммо хизмат кўрсатиш соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга бўлгани учун ҳам хавфсизликни таъминлаш ўз хусусиятларига эгадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш тадбиркорлиги фаолиятига таҳдидлар иқтисодий, ижтимоий, ахборот, сиёсий, криминал, ҳуқуқий, коррупция ва бошқа таснифларга эга бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари ҳуқуқий, ташкилий, техник-муҳандислик ҳимоя чора-тадбирларини ўз ичига олади.

Ҳимоялаш объектларига қуйидагилар киради:

– корхона, ташкилот ходимлари, молиявий маблағлар, валюта, қимматли буюмлар, моддий воситалари (бино-иншоот, техник асбоб-ускуналар);

– хизмат ва тижорат сирини ҳисобланган ахборот ресурслари, маълумотлар базаси таъминот дастурлари;

– ахборотлаштириш воситалари ва тизимлари.

Хизматлар соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бир томондан соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини ҳимо-

ялашни, иккинчи томондан эса рақобат устунлигини, рақобатдошликни оширишни тақозо этади.

Хизматлар соҳасида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби бизнес разведка ва контрразведка, рақобат разведкаси вужудга келди. “Бизнес-разведка корхона (фирма) томонидан ўзидан яхшироқ ва самарали фаолият юритаётган бошқа корхона (ташкилот) тажрибасини, тижорат сирини ўрганишга, рақобат курашини олиб боришга йўналтирилади”²³⁴.

Бизнес-разведканинг учта асосий тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- бенчмаркинг жараёнлари;
- бенчмаркинг натижалари;
- стратегик бенчмаркинг.

Бенчмаркинг деганда ўзининг фаолиятини ўз соҳасида яхши фаолият юритаётган корхона (фирма) фаолиятига таққослаб, қиёслаб чуқур таҳлил қилиши тушунилади. Бунда корхона таққосланаётган корхонага мос келишни ёки ундан ўзиб кетишни мақсад қилиб кўяди. Бенчмаркинг тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, юқоридагиларга қўшимча тарзда етуклик стандартини ёки таққосланаётган кўрсаткичлар даражасига эришишни, шунингдек тармоқда энг юқори натижаларга эришишга имкон берадиган илғор тажрибаларни излашни ҳам англатади.

Бизнес-разведка қўлланиладиган соҳалар ва унинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- корхона стратегиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Бошқа корхона (фирма) ларнинг рақобат стратегиясини ва тажрибасини чуқур ўрганиш кам харажатлар сарфлаб янгиликлар яратишга, ситуацияларни режалаштиришни тезроқ ўзлаштиришга имкон беради;
- иш жараёнларини ва бизнес-тизимларни реинжиниринг қилиш. Бенчмаркинг ташкилий жараён ва тимларни

²³⁴ Қаранг: Боган К. Бизнес-разведка. Внедрение передовых технологий: пер. с англ./ Кристофер Боган, Майкл Инглиш; под общ. Ред. Б.Л.Резниченко –М.: Вершина, 2006.- С.10-28.

реструктуризация қилиш (қайта таркиблаш) га, вокелик ва ходисаларга турли томондан ёндашишга имкон беради;

- иш жараёнларини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- стратегик режалаштириш ва мақсадни белгилаш. Бу бозор ўзгаришларини прогнозлаштиришга ва ушбу ўзгаришларга мос вазифаларни тўғри белгилашга имкон беради;
- муаммоларни ҳал қилиш;
- таълим ва гоаяларни бойитиш. Ҳар бир бенчмаркинг тадқиқоти ўқиш, ўрганиш бўлиб, бунинг натижасида янги гоаялар яратилади ҳамда мавжуд муаммолар ечими топилади;
- бозор натижаларини баҳолаш ва таққослаш;
- ўзгаришлар катализатори²³⁵;
- хизматлар соҳасида иктисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим жабҳаси ахборот хавфсизлиги бўлиб, уни таъминлашда бизнес-разведкадан кенг фойдаланилади.

14.2. Ахборот хавфсизлигининг мөҳияти ва унга таҳдидлар

Тадбиркорлик ресурслари ичида ахборот ресурси муҳим аҳамиятига эга. Чунки кучли рақобат кураши шароитида ҳаққоний ахборотга эга бўлган тадбиркорлик субъектларигина мувоффақиятга эга бўлади.

Ахборот (арабча ахбор-хабарлар, маълумотлар) – муайян воқеа-ходисалар тўғрисидаги хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишда қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно қасб этаётган тушунча. Оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинадиган кўрсатув ва эшиттиришларнинг номи, журналистика соҳасидаги махсус жанр ҳам шундай аталади. Бирон воқеа ҳақидаги батафсил маълумот, давлатлар ўртаси-

²³⁵ Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов н/Д.: Феникс, 200.- С.239-240.

даги музокаралар натижасида тузилган битим ёки шартнома-лар тўғрисидаги расмий хабар ҳам ахборот дейилади²³⁶.

Ахборот воситаларининг жадал ривожланиши XXI аср-нинг ахборот асри деб аталишига сабаб бўлди. Ахборот тех-нологиялари ахборотлашган жамиятнинг интеллектуал са-лоҳиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ахборотлашган жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга ишлов бериш, сақлаш ва жамият аъзоларига етказишга боғлиқ эканини ан-глатадиган тушунчадир.

Ахборот ресурслари маълумотлар базалари ва банклари, турли хил архивлар, кутубхоналар, музейлар фонди ва бо-шқаларни ўз ичига олади.

Ресурс-бирор нарса ёки ҳодисанинг захирасини белги-лайди, айни вақтда у ахборот тизимидаги алоҳида ҳужжат-лар ва уларнинг бутун бир можмуидир. Ахборот ресурс маркази (АРМ) ихтисослашган муассасада тўпланган ҳамда марказлаштирилган босма ва аудио-визуал материаллар ма-жмуасидир. АРМ компьютер ва алоқа воситалари ёрдамида қўшимча алоқа манбалари ва материалларига кириш имко-нини беради²³⁷.

Ахборот ресурсларига таҳдидлар қуйидагиларда ўз ифо-дасини топади:

- турли йўллар билан махфий ахборотлар билан тани-шишга ингилиш;
- бузғунчилик мақсадида ахборотларни ўзгартириш;
- ахборот тизимини ишдан чиқариш, бузиш ва бошқа-лар.

Ахборот хавфсизлиги ахборот ресурсларининг яхлитли-гини, бошқарувчанлигини, моҳияти таснифларининг барқа-рорлигини, шунингдек, объектнинг потенциал ресурслари-

²³⁶ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров –Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2009. – 46-бет.

²³⁷ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2009.-46-бет

нинг рейтингини ички ва ташқи таҳдидлар, хавф-хатарлар ҳамда нохуш ахборот омиллари таъсиридан сақланишига имкон берадиган ҳолати ва ривожланиш йўналишларини ифодалайдиган хусусият ва сифатлари йиғиндисини англатади. Умуман ахборот хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатидир.

Ҳар бир шахс ахборот олиш эркинлигига эга. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги- ҳар бир шахснинг ўзи исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга ҳақли эканлигидир²³⁸.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳлдор бўлган ҳужжат, қарор ва бошқа хил материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Иқтисодий адабиётларда шахснинг ахборот олишдаги манфаати-инсон ва фуқаронинг ахборот олиш, ахборотдан қонунда ман қилинмаган фаолиятда, ўзини жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек, шахсий хавфсизлигини таъминловчи ахборотни ҳимоялаш ўзининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш деб таърифланади.

Ахборот соҳасида жамият манфаатлари – бу соҳада шахс манфаатларини таъминлаш, демократияни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кучли демократик, ҳуқуқий давлатни қарор топтириш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тоғувлик ва бирдамликни маънавий юксалишни таъминлаш ҳисобланади.

Ахборот соҳасидаги давлат манфаатлари шахс ва фуқароларнинг ахборот олиш ва фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва

²³⁸ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-жилд.Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2000.- 529-бет.

эркинликларини таъминлаш, мамлакатда конституциявий тузумни, мамлакат суверинетети ва сарҳадларининг яхлитлигини сақлаш, мамлакатда сиёсий, иктисодий ва ижтимоий барқарорликни, қонуний ва ҳуқуқ-тартиботни, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида миллий ахборот инфратузилмасини ривожлантириш учун шароитлар яратишдан иборат²³⁹.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур манфаатларига зарар етказиш имкониятларини изохловчи омил ёки омиллар мажмуидир. Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, ахборот хавфсизлигининг долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлган. Чунки, бугун замонавий дунёга эгаллик қилиш учун курашнинг асосий воситаси сифатида ахборот тилга олинмоқда. Бундай вазиятда ахборот технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада тараккий этган давлатлар ўзидаги бу устунликдан ижтимоий онга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан том маънода манфаатдор ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташқи манбалари:

- чет эл жосуслик ва махсус хизматларининг фаолияти;
- чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;
- халқаро гуруҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;
- ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши;
- табиий офатлар ва фожеалар.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари:

- сиёсий, иктисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш

²³⁹ Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов на Дону.; Феникс. 2007.- С.241-242.

ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;

– ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;

– ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги.

Мамлакат ахборот хавфсизлигига таҳдидлар давлат статистика тизими, молия-кредит тизими, корхона, муассаса ва ташкилотларда мулк шаклидан қатъий назар бухгалтерлик ҳисоби тизими ҳамда давлат ижроия ҳокимият ва бошқарув органларининг ахборот ва ҳисоб тизимларига кўпроқ таъсир кўрсатади. Иқтисодиётнинг нормал амал қилишига компьютер жиноятлари кўпроқ таҳдид солади. Энг кўп тарқалган таҳдид маълумотлардан руҳсатсиз фойдаланиш ҳисобланиб, у ахборотни олиш қоидаларини бузган ҳолда олишда намоён бўлади.

Ахборот хавфсизлиги таҳдидлари объектлари умумда давлат ахборот ва телекоммуникация тизимлари ҳисобланади, жумладан:

– давлат сирлари ва махфий ахборот ҳисобланадиган ахборотларга эга ахборот ресурслари;

– фойдаланиш чекланган ахборотларни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлашни амалга оширувчи ахборот тизимлари, техник воситалар, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, алоқа ва маълумотлар узатиш тизимлари;

– фойдаланиш чекланган ахборотларни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш амалга ошириладиган техник воситалар ва бинолар мажмуаси.

Ахборот хавфсизлиги объектларини давлат, ташкилот (корхона) ва алоҳида шахс даражасида туркумлаш мумкин (қаранг: 14.2.1-расм).

Давлат АХО	Ташкилот АХО	Шахс АХО
Миллий маданий кадрият ва анъаналар. Ахборот ресурслари. Ахборот ресурсларининг шаклланиши, тарқатилиши, фойдаланилиши. Ахборот технологиялари Ахборот инфратузилмаси. Фукараларнинг ахборотларни олиш, тарқатиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, чекланган ахборотларни ва интеллектуал мулкни ҳимоялаш	Ташкилотнинг корпоратив маданияти. Тижорат сирини. Касб сирини. Хизмат сирини ва бошқа чекланган ахборот. Интеллектуал мулк. Имиж. Ташкилотнинг ахборот инфратузилмаси.	Шахс психикаси, рухияти. Интеллектуал мулк. Шахсий, оилавий сирини. Касбий сирини. Шахсий маълумотларини. Ишбилармонлик нуфузи.

14.2.1-расм. Ахборот хавфсизлиги объектлари (АХО) ²⁴⁰

Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ичида ахборот хуружи муҳим роль ўйнайди. Ахборот хуружи иқтисодий жihatдан миллий иқтисодиёт беқарорлигини келтириб чиқаришга қорхона фаолиятини издан чиқаришга, рақобат курашида мағлуб бўлишга, унинг бозорининг касод бўлиши, банкрот бўлишига, шахс иқтисодий хавфсизлигига путур етказилга қаратилган ва ахборот усуллари ёрдамида давлат монополистик бирлашмалари, трансмиллий корпорациялар таъсир доирасини кенгайтиришга интилишдир.

Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг бир қисми сифатида иқтисодий, молиявий, ҳарбий, экологик ва бошқа барча турдаги хавфсизликлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Иқтисодий хавфсизликни тўғри ва ҳаққоний баҳо-

²⁴⁰ Кечергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов на Дону: Феникс, 2007.- С.243; Боган К. Бизнес-разведка. Внедрения передовых технологий: пер с англ под ред. Б.Л.Резниченко – М.: Вершина, 2006.- С. 28-37.

лаш ўз вақтида олинган, ишончли ахборотга асосланади²⁴¹.

Мамлакат ахборот хавфсизлиги ахборот соҳасида унинг миллий манфаатларининг ҳимояланиши ҳолатини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ахборот хавфсизлиги деганда ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланиши тушунилади. Ахборот хавфсизлиги масаласи ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган субъектларга ҳам, бундай ҳимояни таъминлайдиган субъектларга ҳам бирдай тааллуқлидир. Булар жумласига:

- ахборот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар;

- ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқарадиган, қўллайдиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар;

- ахборот ресурсларини юзага келтирадиган ва улардан истеъмолчиларга ахборот тақдим этадиган ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар қиради.

Ахборотни яратиш (ишлаб чиқариш) соҳасида, биринчи навбатда, қуйидагилар ҳимоя қилиниши зарур:

- интеллектуал мулк объекти бўлган ахборот;

- интеллектуал ва буюм кўринишидаги мулк объекти бўлган ахборот.

Ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларининг яратилиш ҳамда қўлланиш соҳасида, аввало, ахборот хавфсизлиги борасида туғиладиган талаблардан келиб чиқиб, барча техник, ташкилий, ҳуқуқий ва дастурий ҳимоя воситалари ишлаб чиқилиши лозим. Бунда, биринчи навбатда, қуйидагилар ҳимоя қилиниши зарур:

²⁴¹ Қаранг: Одинцов А.А. Экономическая и информационная безопасность: Справочник. –М.: Изд. «Экзамен», 2005. – С 14-37.

– ахборотли, масалан, электрон рақамли имзо воситалари машина етказувчилари;

– автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва уларнинг тармоклари таркибидаги маълумот (билим) базалари;

– ЭХМ ва уларнинг тармоклари таркибидаги дастурий воситалар.

Миллий манфаатларни химоя қилиш анъанавий куч ишлатиш усулларида ахборот усулларига ўтмоқда. Шу боисдан ахборот мамлакатларнинг ўзаро рақобатлашиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш қуролига айланмоқда. Ахборот қуроли-ҳарбий, мафкуравий потенциалнинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ахборот қуроли сифатида ахборот вируслари, электрон қопқонлари, икки ёқлама фойдаланишга мўлжалланган дастурлар, интеллектуал дастурий тизимлар вужудга келди.

Иқтисодиётда ахборот қуроли инфратузилма, компьютер тармоклари, алоқа линиялари транспорт оқимларини, коммуникация каналлари ва воситаларини, технологик ва молиявий операцияларни, оммавий ахборот воситаларини бошқариш тизимларига таъсир кўрсатади. Ахборот қуроллари таъсирида давлат, хўжалик бошқаруви ёки унинг алоҳида томонларини ишдан чиқариши мумкин.

Ахборот хуружлари ва қуроллари орқали аҳоли ёки унинг айрим табақа ва қатламлари, асосан ёшлар онгига таъсир кўрсатилади. Бу йўл билан уларнинг онгини назорат қилиш ҳамда бошқаришга интиладилар. Аҳоли онгида ўз манфаатларига мос онгни шакллантириб, сўнгра мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётига, пировардида худудига кириб келинади.

Ахборот хуружлари ва қуроллари орқали инсон онгини назорат қилиш ва бошқариш унинг мафкурасига, маънавиятига, руҳиятига таъсир кўрсатишдан бошланади. Инсоннинг маънавий ҳаёти ахборот-ташвиқот, мафкуравий, ғоявий таъсирига учраб, таъсир кўрсатувчи кўзлаган мақсад томон ўзгаради.

Ахборот хуружи ва қуроли мафкуравий тажовуз, хуруж воситасига айланади. Мафкуравий тажовуз-муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қартилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид соловчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуидир. Мафкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилади²⁴².

Бунинг оқибатида мамлакатда ижтимоий низолар, қарма-қаршиликлар юз бериб, ижтимоий сиёсий беқарорлик, фуқаролар уруши каби энг нохуш ва зиятлар юзага келиши мумкин. Иқтисодий ҳаётда ахборот хуружлари, қуроллари таъсирида хўжалик субъекти ўз товарларини бозорларда сота олмасдан қасодга учраши ва банкрот бўлиши мумкин. Шу боисдан ахборот хавфсизлигини таъминлаш жамият, давлат шаҳе хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмига, заруратга айланди.

14.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизми

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш моддий ва интеллектуал харажатлар қилишни тақозо қилади. Шунингдек, давлат ўзининг миллий манфаатлари доирасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга соловчи демократик ҳуқуқий таъсир воситаларининг шакл ва усулларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

²⁴² Маънавият: асосий тушунчалар изохди зугати. / Тузуви ва масъул муҳаррир Қ.Назаров –Т.: Гофур Ғулом номидати ИМПУ, 2009. -296-бет.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ахборот жараёнларининг глобаллашуви шароитида ахборот тармоқларининг шаклланишида миллий манфаатларини ҳимоя қилиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилот, корхона ва фуқароларни ҳаққоний, тўлоқ маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш. Бу эса улар учун қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади;

– давлат, жамият, шахс ахборот хавфсизлигига зиён келтирадиган даражада ахборот ресурсларининг бутунлигининг бузулиши олдини олиш;

– фуқаро, ташкилот ва корхоналарнинг ахборот фаолияти соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва амалга ошириш;

– мамлакат ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш;

– халқаро ахборот муҳитига, майдонига қўшилишини таъминлаш;

– ахборот соҳасидаги таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши ҳаракат қилиш.

Мамлакатда ахборот хавфсизлигини иктисодиёт соҳасида таъминлашнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

– статистик, молиявий, биржа, солиқ, бошхона маълумотларини яратиш, йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва химоялаш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ахборотларни химоя қилишнинг сертификатлашган миллий воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни статистик, молиявий биржа, солиқ, бошхона маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш тизими ва воситаларига жорий этиш;

– электрон савдо ва электрон пуллар ҳамда уларнинг стандартлашган тизимлари базасида химояланган мил-

лий электрон тўловлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, улардан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий-норматив базасини ишлаб чиқиш;

– иктисодиётда ахборот муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий норматив базани мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

– иктисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш тизимларида ишлаш учун ходимларни тайёрлаш ва танлаш усулларини такомиллаштириш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари ичида энг муҳимлари куйидагилардан иборат:

– ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат сиёсатини ва тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш учун ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва прогнозлаштириш шакллари, усулларини ва воситаларини такомиллаштириб бориш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизим ва воситаларининг самарадорлигини баҳолаш тамойиллари, мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш;

– ахборот технологиялари хавфсизлигини таъминлаш, ахборотларни химоялашнинг замонавий усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот технологиялар соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона тизимини яратиш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари умумий ва хусусий усулларга бўлинади. Умумий усуллар ўз навбатида ҳуқуқий, ташкилий-техник ва иктисодий усуллардан иборат.

Ҳуқуқий химоя-ҳуқуқий асосда ахборотни химоялашни таъминловчи махсус қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий актлар, қоидалар, жараёнлар ва тадбирлар мажмуидир.

Ташкилий-химоя-ижрочиларга қандайдир зарар етказишни камайтирадиган ёки олдини оладиган меъёрий-ҳуқуқий асосдаги ижрочиларнинг ҳамкорлиги ва ишлаб чиқариш фаолиятини регламентлаштириш ҳисобланади.

Мухандислик-техник ҳимоя – тижорат фаолиятига зарар етказилишига тўсқинлик қилувчи турли техник воситалардан фойдаланишни ифодалайди.

Ахборотни ҳимоялашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тузилмаси:

- конституциявий қонунчилик;
- умумий қонунчилик (шахс, фуқаро, антимонопол фаолият ва бошқалар тўғрисида);
- махсус қонунчилик (иқтисоднинг алоҳида соҳалари, давлат қурилиши соҳасида, банк, ҳарбий, мудофиа соҳаларида ва х.к.);
- ахборотни ҳимоялашга тегишли қонунчилик (“Давлат сирларини ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун);
- ахборотни ҳимоялаш бўйича қонуности меъёрий ҳужжатлар;
- ахборотлаштириш соҳасида ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик меъёрларини ўз ичига олган ҳуқуқни муҳофаза қилиш қонунчилиги²⁴⁵.

Асосий ташкилий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

– ҳудудга ва бинога бегона шахсларнинг махсус уланиш тизимлари орқали яширин киришининг олдини олиш мақсадида иш режимни ва қўриқлашни ташкил этиш, объектга кирувчиларнинг кириш-чиқиш вақтини назоратга олиш, рухсатнома режимини ташкил этиш;

– махфий ахборотлар билан ишлаш учун махсус уланиш тизимли алоҳида биналар ажратиш, объектга кирувчиларнинг кириш-чиқиш вақтини назоратга олиш, рухсатнома режимини ташкил этиш;

– шахсий таркиб билан ишлашни ташкил қилиш, саралаб олиш ва жой-жойига қўйиш, ходимларни ўрганиш, махфий ахборот билан ишлаш қоидаларига ўргатиш, ахборотни ҳимоялаш қоидалари бузилиши учун жавобгарлик чоралари билан таништириш;

²⁴⁵ Қараг: Крысин А. Информационная безопасность. Практические руководства. – М.: СППРК, К.: ВЕК, 2003. – С 217-231; 232-250; 266-280.

– ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш, ахборотдан фойдаланиш билан биргаликда, уни ҳисобга олиш, фойдаланиш, қайтариш, сақлаш ва йўқ қилиш;

– махфий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш ва сақлаш техник воситаларини ишлатишни ташкил этиш;

– ахборот хавфсизлигининг ички ва ташқи таҳдидларини таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, унинг ҳимоясини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

– ҳужжатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилишнинг ўрнатилган тартиблари бўйича шахсий таркибнинг махфий ахборот билан ишлашнинг тизимли назоратга олиш бўйича ишларни ташкил этиш.

Муҳандислик-техник ҳимояда қуйидагилар ишлатилади:

– махфий ахборот ташувчиларига бегона шахсларнинг жисмоний киришига тўсқинлик қилувчи қурилма воситаларини ўз ичига олувчи жисмоний воситалар;

– аппарат воситалари чидамли ахборот ҳимоялашни таъминлаш учун техник воситалар орқали ноқонуний уланиш, вирус тарқалиши тўғрисида ахборот берувчи, ахборотни ҳимоялаш учун ишлатиладиган қурилмалар, ускуналар, жиҳозлар ва бошқа техника (телефон аппаратлар, махсус қурилмалар, автоматлаштирилган телефон станцияси ва бошқалар);

– махсус дастурлар, дастурий жамламалар ва ахборотни ҳимоялаш тизимлари ва дастурий воситалар, ахборот тизимлари ва қайта ишлаш воситалари;

– криптографик воситалар – турли шифрлаш усуллари-дан фойдаланиб, ЭХМда сақланадиган ва қайта ишланадиган, алоқа тизимлари ва тармоқлари орқали узатиладиган ахборотни ҳимоялашнинг махсус математик ёки алгоритмик воситалари.

Иқтисодий усуллар ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг молиялаштириш тартибини, ахборотларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник, муҳандислик-техник усуллари-ни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, ахборот рискларини сугурта қилишни ўз ичига олади.

Иқтисодий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат сиёсати барча усулларни мувофиқлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

14.4. Ўзбекистонда ахборотни ҳимоялаш давлат тизими

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим қисмидир. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдид сифатида қаралади:

– фуқароларнинг маънавий турмушига, ахборот соҳасидаги конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига, индивидуал, жамоавий, ижтимоий онга ҳамда Ўзбекистоннинг маънавий тикланишига таҳдидлар;

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот таъминотига оид давлат сиёсати таҳдидлар;

– республика ахборот саноати, жумладан, ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа воситалари саноатининг ривожланиши, ички бозорнинг ушбу маҳсулотларга бўлган талабининг қондирилиши ҳамда уларнинг жаҳон бозорига чиқиши, шунингдек, республикада ахборот ресурсларининг тўпланиши, сақланиши ва улардан самарали фойдаланилишига бўлган таҳдидлар;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яратилган ахборот-телекоммуникация восита ва тизимларининг хавфсизлигига таҳдидлар.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг хавфсизлиги қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

– шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

– ахборот ресурсларини қалбакилаштириш, ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, тўсиб қўйиш ва бошқа рухсат этилмаган фойдаланишларнинг олдини олиш;

– ахборотни бузиб кўрсатиш, кўчириш, тўсиб қўйиш бўйича ноқонуний ҳаракатларни ва ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларига бошқа таъсир шаклларининг олдини олиш;

– давлат сирлари ва махфий ахборотлари мавжуд бўлган ахборот ресурсларини сақлаш (11.12.2003й N 560 – II “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрир) 19-моддаси “Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ҳимоялаш”).

Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг умумий усуллари ҳуқуқий, ташкилий-техник ва иқтисодий гуруҳга бўлинади.

Республика ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари жумласига ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир норматив методик ҳужжатларни ишлаб чиқишни киритиш мумкин. Ушбу фаолиятнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардир:

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш, республика қонунчилигидаги ички зиддиятларни, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро битимлар билан боғлиқ зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган республика қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида жамоат уюшмалари, ташкилотлар ва фуқароларнинг иштирок этиш механизмлари ҳамда мақсад-вазифаларини белгилаш;

– ахборотдан ноқонуний нусха кўчирганлик, бузганлик ва ноқонуний фойдаланганлик, нотўғри ахборотни касддан тарқатганлик, махфий ахборотни ноқонуний ошкор этганлик, хизмат ахбороти ёки тижорат сирини бўлган ахборотдан жино-

ий ва ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш:

– чет эл ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг, шунингдек, Ўзбекистон ахборот инфратузилмасини ривожлантириш учун чет эл инвестициялари жалб қилинганида инвесторларнинг мақомини аниқлаштириш;

– миллий алоқа тармоқларини ривожлантириш ҳамда космик алоқа йўлдошларини республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг устуворлигини қонуан белгилаб қўйиш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дунё микёсидаги ахборот ва телекоммуникация тизимлари хизматларини кўрсатадиган ташкилотларнинг мақомини белгилаш ҳамда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;

– Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш минтақавий тузилмаларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-техник усуллари қўйидагилардир:

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш;

– Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органларининг ахборот соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, бу соҳада жиноят ва бошқа қонунбузарликлар содир этган шахсларни фош қилиш, жавобгарликка тортишга қаратилган фаолиятини кучайтириш;

– ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда бу воситаларнинг самарали ишлашини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш, ҳимояланган телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, махсус дастурий воситаларнинг ишончлилиқ даражасини ошириш;

– қайта ишланаётган ахборотнинг бузилиши ва йўқ бўлиши, шунингдек, ахборотлаштириш ва алоқа, тизим ва воситаларининг белгиланган иш тартибининг ўзгаришига олиб келадиган махсус таъсирларнинг олдини олиш тизими ҳамда воситаларини яратиш;

– ахборот ва телекоммуникация тизимларининг бир маромда ишлашига хавф соладиган техник мослама ва дастурларни аниклаш, техник каналларда ахборотнинг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўймаслик, ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва алоқа каналлари орқали узатишда криптографик химоя воситаларидан фойдаланиш, ахборотни химоялаш борасидаги махсус талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

– ахборотни химоя қилиш воситаларини сертификатлаштириш, давлат сирини химоя қилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, ахборотни химоя қилиш усуллари ва воситаларини стандартлаштириш;

– телекоммуникация ускуналари ва автоматлаштирилган ахборотга ишлов бериш тизимларининг дастурий воситаларини сертификатлаштириш тизимини ахборот хавфсизлиги талабларига кўра такомиллаштириш;

– химояланган ахборот тизимларида ишлайдиган ходимларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасига кадрларни тайёрлаш;

– жамият, давлат ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим соҳаларида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги кўрсаткичлари ва хусусиятлари мониторинг тизимини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий усулларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни моддий таъминлаш тартибини белгилаш; ахборотни химоя қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник усуллари амалга ошириш билан боғлиқ ишларни моддий таъминлаш тизимини такомиллаштириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг

ахборот билан боғлиқ таваккал ҳаракатларини суғурта қилиш тизимини яратиш киради.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширишда Конституция, қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига амал қилиш;

– давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошқоралиқни таъминлаш;

– ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнлари барча иштирокчиларининг, қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотни қонуний тарзда эркин қидириш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш борасидаги конституцион ҳуқуқига асосланган ҳуқуқий тенглигини таъминлаш;

– республикада замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, миллий телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва уларни дунё миқёсидаги ахборот тизимларига улаш имконини берадиган техник ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш.


“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига кўра:

– ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

– давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, юридик ва жисмоний шах-

слар томонидан ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, уларга компьютер хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ва таъсирини йўқотиш масалаларида кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 сентябрдаги «Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг компьютер хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида»ги ПҚ-167-сон қарори асосида “Узинфоком” маркази қошида **Компьютер ҳодисаларига қарши чора кўриш хизмати (UZ-CERT)** ташкил қилинган.



UZ-CERT хизматининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

– миллий ахборот тармоғи операторлари, провайдерлари ва бошқа субъектларининг компьютер хавфсизлиги бўлини-

маларининг компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш масалалари бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

– компьютер хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро тажрибасини инобатга олиб, миллий фойдаланувчиларга, самарали дастурий-аппарат воситаларидан фойдаланган ҳолда, ахборот тизимларига ноқонуний кириш ҳолатларини бартараф этишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш, миллий фойдаланувчиларга маслаҳат бериш хизматларини ва техник қўмақ кўрсатиш;

– компьютер тизимларига қаратилган ҳакерлик ҳужумлари юзасидан хабарларни тезкор қабул қилиш ва зудлик билан ёрдам кўрсатиш, Интернет тармоғи ва бошқа ахборот тизимлари, шу жумладан маҳаллий ва корпоратив компьютер тармоқлари фойдаланувчиларига юзага келган ахборот хавфсизлиги таҳдидлари тўғрисида ўз вақтида хабар қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги ЎРҚ 222-II-сон Қарори билан амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 июлдаги ЎРҚ-102-сон Қонунига кўра Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолияти лицензиялаштириш талаби қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 614-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ва маҳсулотлар (хизматлар) ни сертификатлашни таъминловчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ахборотни криптографик муҳофаза воситаларини ишлаб чиқишда:

- лицензион дастурий маҳсулотлар ишлатилиши;
- талабларнинг ваколатли орган билан келишилиши;
- ахборотнинг криптографик муҳофаза воситаларининг илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши йўллари билан ишлаб чиқилиши ва бошқа талаблар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарори билан Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ тасдиқланди.

Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар қиради:

- лицензиат ахборотнинг криптографик ҳимояси соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиши;

- лицензияланадиган фаолиятнинг аризада кўрсатилган тури бўйича ахборотнинг криптографик ҳимояси соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи техник ва методик ҳужжатларнинг, шу жумладан ички низимлар, йўриқномалар, методикаларнинг мавжуд бўлиши;

- ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари ҳисобланадиган криптографик алгоритмларни ёхуд ахборотнинг криптографик ҳимоя воситалари соҳасидаги ваколатли орган томонидан тавсия қилинадиган стандартларни қўлланиш;

- мувофиқлик сертификатига эга бўлган ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш воситаларидан, шунингдек ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда фойдаланиладиган криптограммалардан фойдаланиш;

— давлат сирларига тегишли деб топилган маълумотларга эга бўлган ахборотни, шунингдек ҳимоя қилиниши қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни криптографик ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда давлат сирларидан фойдаланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга расмийлаштирилган рухсатномага эга бўлган му- тахассисларнинг лицензия талабгорида мавжуд бўлиши;

— норматив талабларга мувофиқ бўлган техник ўлчаш ва назорат қилиш воситаларининг, асбоблар ва қурilmаларнинг мавжуд бўлиши.

Компьютер жиноятлари (computer crime) — бу компьютер ахборотидан фойдаланиб амалга оширилган жиноят. Бунда, компьютер ахбороти жиноят содир қилиш воситаси ҳисобланади. Қуйидагилар жиний ҳаракатлар ҳисобланади:

1. Қонун билан ҳимояланган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш.

2. ЭХМ (Электрон Ҳисоблаш Машинаси) ёки шундай дастурли тизимлар учун зарарли дастурларни яратиш, ишла- тиш ва тарқатиш.

3. ЭХМни, ЭХМ тизими ёки уларнинг тармоғидан фой- даланиш қоидаларини бузиш. Одатга кўра, бу жиноятлар бошқа жамиятга хавфли фаолият билан бирга амалга оли- рилади. Бунга сабаб, компьютер ахборотидан бошқа жино- ятни содир этишда фойдаланилади, унинг ўзи жамият учун хавфли предметга айланади. Компьютер ахборотидан унинг ҳуқуқий ҳимоясини бузмасдан ноқонуний фойдаланиш мум- кин эмас, айниқса, ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, қалбакилашти- риш, йўқ қилиш, ўзгартириш, кўчириш, тўсиб қўйиш.

Қўпинча компьютер ахбороти қуйидаги жиноятлар- ни содир этиш учун ишлатилади:

1) муаллифлик ва аралаш ҳуқуқларни бузиш;

2) фирибгарлик;

3) қалбакилаштириш, қалбаки ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар ва бланкларни тайёрлаш ёки чиқариш;

4) қалбаки кредит ёки ҳисоб карталарини ва бошқа тўлов ҳужжатларини тайёрлаш ёки чиқариш;

5) қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ёки чиқариш;

6) ЭХМ тармоғи “Интернет” га уланишда бегона логин ва паролдан ноқонуний фойдаланиб – ишончни суистеъмор қилиб ёки алдов йўли билан мўлдат зарар етказиш;

7) солиқ тўловларидан бўйин товлаш;

8) телефон суҳбатлари, почта, телеграф ёки бошқа хабарлар яширин ёзишмалари сирларини бузиш;

9) тижорат ёки банк сирларини ташкил этувчи ахборотларни ноқонуний олиш ва тарқатиш.

Жамиятда ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларнинг кенгайиши билан бир қаторда, мамлакатимизда ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратишган янги ижтимоий муносабатлар – ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази” давлат муассасаси Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузурида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлар тўғрисида” 2013 йил 16 сентябрдаги 250-сонли қарорларига мувофиқ ташкил қилинган.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази компьютер ходисалари бўйича ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга техник ва консултантив ёрдам бериш бўйича Ўзбекистонда ягона давлат муассасаси ҳисобланади. Марказ фаолиятининг асосий мақсади –

иктисодийнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ахборотни муҳофаза қилишнинг замонавий воситалари ва методларини янада ривожлантириш ва кенг жорий қилишни таъминлаш, шуниингдек, Интернет миллий фойдаланувчиларини ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ахборот хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида огоҳлантиришдан иборат.

Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг N ЎРҚ -137-сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига XX-I боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар.

- 278-1-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш.
- 278-2-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш.
- 278-3-модда. Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш.
- 278-4-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш.
- 278-5-модда. Компьютер сабогажи.
- 278-6-модда. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

- 155-1-модда. Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

Ушбу қонун ҳужжатларида ахборот тизимидаги жиноят ва қонунбузарликларга қарши тегишли жазо чоралари белгиланган. Эндиликда, турли компьютер техникаларига, корхоналарнинг тижорат сирларини олиш мақсадида кибер хуруж

килувчи, интернет фирибгарликларга қарши замонавий химоялаш тизимларини яратиш ҳамда ташкилот ва тадбиркорлик субъектларида хавфсизлик хизматларини ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Асосий таянч тушунчалар

Хизматлар, хизматлар бозори, хизматлар соҳасидаги хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, бизнес разведка, бенчмаркинг, ахборот хавфсизлиги объектлари, ахборот хуружи, ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ахборот ахборот хизмати ва унинг турлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ахборот хавфсизлигининг моҳияти нима?
3. Бизнес-разведка нима? У қандай мақсадда амалга оширилади?
4. Бенчмаркинг нима?
5. Бенчмаркингни қўллашдан мақсад нималардан иборат?
6. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қандай усуллардан фойдаланилади?
7. Компьютер жиноятлари қандай мақсадларда амалга оширилади?
8. Компьютер жиноятларидан қандай химояланиш мумкин?
9. Ахборот хуружи ва мафкуравий тажовуздан қандай химояланиш мумкин?
10. Тижорат сирларини қандай сақламоқ керак?
11. Тадбиркорлик субъектларида турли кибер ҳужумлардан, ахборот хуружларидан химоя қилиш бўйича қандай хавфсизлик хизматларини ташкил этиш мумкин?
12. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?

15-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

15.1. Ижтимоий хавфсизлик ва таҳдид тушунчаларининг мөҳияти

Ижтимоий соҳа инсон ҳаётини ташкиллаштириш, ижтимоий истеъмолга бўлган талабларни, жумладан, турар-жой, билим олиш, касб-корликка ва малакага эга бўлиш, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, дам олиш, маданий ва маънавий етук бўлишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга бевосита хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари мажмуидир. Ижтимоий соҳа (сектор) – давлат ва жамоат ташкилотлари (шу жумладан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) ихтиёрида бўлган иқтисодиёт ресурслари мажмуаси бўлиб, иқтисодий муҳим майдоннинг шундай қисмики, унда қуйидаги хусусиятлар мужассам бўлади:

1. Иқтисодий фаолиятни айирбошланишини ташкил этишнинг нобозор тури устувор бўлади, бозор амал қилмайди ёки қисман амал қилади;

2. Ижтимоий (жамоат) неъматлар ишлаб чиқарилади, тақсимланади ва истеъмоладиланади;

3. Жамоат (ижтимоий) неъматга талаб ва таклиф ўрта-сидаги иқтисодий мувозанат давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, кўнгилли- жамоат ташкилотлари томонидан тегишли ижтимоий дастаклар, биринчи навбатда бюджет-молия сисъати ёрдамида таъминланади.

Ижтимоий соҳа ижтимоий ёрдам, ижтимоий суғурта ва ижтимоий хизматларни ўз ичига олади (15.1.1-расм).



15.1.1-расм. Ижтимоий соҳанинг таркиби.²⁴⁴

Ижтимоий ёрдам меҳнатга лаёқатсиз ёки қарамоғида болалар бўлганлиги учун ишлаб олмайдиганларга ёрдам кўрсатишни ифодалайди. Ижтимоий ёрдам асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади ва хайрия, яъни социал трансфертлар ҳисобланади. Ижтимоий ёрдамнинг намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

- ◆ кам таъминланган oilаларга нафақалар;
- ◆ болали oilаларга нафақалар;
- ◆ ногиронларга нафақалар;
- ◆ озик-овқат талонлари;
- ◆ уй-жой хўжалигига дотациялар.

Ижтимоий суғурта пенсияга чиқиш, вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотиш ва ишсизлик билан боғлиқ бўлган иш хақини йўқотишларни қоплашни ифодалайди. Ижтимоий суғурта иш хақидан ижтимоий ажратмалар ҳисобидан молиялаштирилади ва топилган ҳуқуқ ҳисобланади. Унинг намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

- ◆ пенсия;
- ◆ ишсизлик бўйича нафақа;
- ◆ тиббий суғурта.

²⁴⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Ижтимоий хизматлар соҳаси инсон капитални шакллантириш ва инвестициялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий хизматлар ўз ичига қуйидаги соҳаларни олади:

- ◆ таълим;
- ◆ соғлиқни сақлаш;
- ◆ маданият, спорт;
- ◆ уй-жой коммунал хизматлар;
- ◆ меҳнат биржаси хизматлари.

Ижтимоий соҳа амал қилишининг мақсади тақсимлаш функцияларини амалга ошириш механизмлари ёрдамида маълум бир минтақа (ҳудуд) да инсоннинг ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришнинг ягона ижтимоий-иқтисодий майдонни шакллантиришдан иборатдир. Ижтимоий соҳада иқтисодий фаолият таркиби давлат, ижтимоий, аралаш, хусусий секторлардан иборат.

Ижтимоий хавфсизликнинг мумтоз мазмуни- мамлакат ва аҳолининг ижтимоий соҳадаги манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий гузилмалар ва муносабатларни, ҳаёт таъминоти тизимлари ва кишиларни ижтимоийлаштиришни, ҳозирги ва келажак авлодлар эҳтиёжлари тараққиётига мувофиқ турмуш тарзини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар йиғиндиси деб таърифланади.

Ижтимоий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг бир қисми сифатида шахс, аҳоли ижтимоий гуруҳлари ва жамоаларининг ҳаётини муҳим манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши таҳдидларидан ҳимояланганлик ҳолатидир. Демак, ижтимоий хавфсизлик – бу пировард натижада давлатнинг ўзининг бош бойлиги бўлган инсонга гамхўрлик муносабатидир.

Мазкур атама халқаро ва миллий илмий муомалага яқинда кириб келди. 1995 йилда бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Умумжаҳон ижтимоий декларациясида ижтимоий хавфсизлик атамаси қўлланилган. Унда хусусан “Биз шундай жамият

қуришни таклиф этамизки, унда овқатга бўлган ҳуқуқ овоз ҳуқуқи каби муқаддасдир, унда бошланғич таълим олиш ҳуқуқи нашр эркинлиги ҳуқуқи каби ҳурматга лойиқдир, унда ривожланиш ҳуқуқи инсоннинг асосий фундаментал ҳуқуқларидан бири сифатида қаралади²⁴⁵, дейилган.

Декларацияда ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги минимал вазифалари белгиланган:

= ўғил болалар ва қизлар учун умумий бошланғич таълим;

= катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни икки баробарга қискартириш, шунингдек, аёллар саводсизлиги эркалар саводсизлиги даражасидан ошмаслиги керак;

= барча учун элементар тиббий ёрдам, болаларни вакцинациялаш устуворлигини таъминлаш;

= ўткир тўйиб овқатланмаслик (ярим очлик) ҳолатларини бартараф этиш;

= барча ҳоҳловчилар учун оилани режалаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;

= барча учун хавфсиз ичимлик суви ва санитария;

= барча учун ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини таъминлаш учун кредит²⁴⁶.

Давлатнинг бош вазифаси аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар қўриш орқали ижтимоий ҳимоялаш, ҳар бир фуқаронинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, соғлигини ва мулкни ҳимоя қилишдан иборат.

Ижтимоий ҳимоя – жамиятнинг ҳар бир аъзосининг энг муҳим ижтимоий ҳуқуқларини амалга оширишни таъминловчи қонунчиликда мустақамлаб қўйилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий қаролатлар бўйича давлатнинг ижтимоий сиёсатининг устувор вазифасини ҳаётга тадбиқ этиш.

²⁴⁵ Социальная безопасность.// <https://textbooks.studio/uchebnik-mejdunarodnie-otnosheniya/sotsialnaya-bezopasnost-24614.html>

²⁴⁶ Уша ерда.

Ижтимоий хавфсизлик таркиби куйидагилардан иборат:

- камбағаллик ва қашшоқликнинг олдини олиш, улар кўламини қисқартириш;

- ишсизликдан химоялаш;
- аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини кўтариш;
- аҳолининг даромадлар ва мулк бўйича табақалари ўртасидаги фарқларнинг кагталашиб кетишининг олдини олиш;

- ҳар бир иш ўрнида ишлаб чиқариш ва меҳнат хавфсизлиги;

- хизмат кўрсатиш ва истеъмол хавфсизлиги;

- экологик хавфсизлик;

- жамоат тартибини ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш;

- хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлаш.

Ижтимоий соҳа ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

- иқтисодий, мамлакат, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси, ижтимоий инфратузилма ривожланиши хусусиятлари, корхоналардаги мулк тури ва тавсифи, тақсимот муносабатлари билан боғлиқ омиллар;

- сиёсий, ижтимоий соҳа салоҳиятини оширишга давлат ижтимоий сиёсатининг таъсирини, аҳолини ижтимоий такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳуқуқий кафолатларни амалга ошириш, кам таъминланган аҳоли гуруҳларини кўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ омиллар;

- ҳуқуқий, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик нормалари ва ҳуқуқий муносабатлар, аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси билан боғлиқ омиллар;

- маданий, жамиятда ҳукмрон бўлган ахлоқий, маданий-маънавий қадриятлар, нормалар ва анъаналар, уларнинг ҳудудлардаги хусусиятларининг ижтимоий муносабатларга таъсир қилиши билан боғлиқ омиллар;

- табиий-иклимий, аҳолининг ҳаёт тарзи ва стандартларига таъсир этувчи табиий муҳит, экологик вазият билан боғлиқ омиллар;

- ижтимоий-демографик, аҳоли ижтимоий гуруҳлари ва жинси сони ва таркиби, туғилиш, ўлим, миграция, бандлик, касб-малака таркиби билан боғлиқ омиллар;

- миллий-этник, миллий менталитет, манфаатлар, анъаналар ва одатларнинг ижтимоий жараёнларга таъсирини белгилаб берувчи омиллар;

- ижтимоий- психологик, ижтимоий муносабатларда намоён бўлувчи аҳолининг кайфияти, кутиши, уларнинг интилиши, шахс ва гуруҳларнинг қарашлари²⁴⁷.

Ушбу кўрсаткичлардаги ўзгаришлар нафақат ижтимоий соҳага, шу билан бирга ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга ҳам таъсир қилади. Бу омилларнинг ёмонлашуви ёки уларнинг ижтимоий соҳа ривожланишига салбий таъсири ижтимоий хавфсизликка таҳдидлар ҳисобланади.

Ижтимоий хавфсизликка таҳдид деганда, кимнингдир манфаатларига зарар етказувчи юз бераётган ёки юз бериши мумкин бўлган потенциал воқеликлар, ҳаракат, жараён ёки ҳодиса тушунилади. Таҳдид деганда хавфсизликни бузувчи сабаб тушунилади.

Миллий ижтимоий хавфсизликнинг (социетал хавфсизлик) куйидаги асосий турлари мавжуд:

- 1) ташки (бир мамлакатнинг бошқасининг рақобатдошлигини кучсизлантириш, ўзига бўйсундиришга, вайрон қилишга интилиши туфайли вужудга келади) ва ички (жамиyat ва давлатнинг ўзининг ҳолатига боғлиқ);

- 2) реал ва потенциал;

- 3) глобал, миллий, регионал ва локал.

Ижтимоий хавфсизликка таҳдидлар асосан куйидагилардан иборат:

- жамиyatдаги ижтимоий барқарорликни, аҳоли гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий тотувлик ва келишувни бузадиган

²⁴⁷ Осадчая, Г. И. Социология социальной сферы: учеб. пособие для высш. шк. / Г. И. Осадчая. – М.: Академический Проект. 2003. – С.45-46.

даражада камбағал ва қашшоқ кишиларнинг аҳоли умумий сонигаги улушининг ўсиши;

- аҳолининг даромадлар ва мулк бўйича табақаланишининг кучайиши;

- ишсизликнинг ўсиши;

- уй-жой билан таъминлашнинг паст даражадалиги;

- ижтимоий хизматларга эришиш даражаси бўйича жамиятнинг табақаланиши;

- *ноқонуний миграциянинг кенгайиши.*

Бу таҳдидлар қуйидаги кўринишдаги негатив оқибатларга олиб келиши мумкин:

- йирик ижтимоий низоларнинг вужудга келиши;

- аҳолининг депопуляцияга учраши;

- жамиятнинг криминаллашуви;

- наркомания;

- фоҳишабозликнинг кучайиши ва ҳ.к.

Мазкур таҳдидларни жамиятда ичкиликбоз, наркоман, фоҳиша ва фоҳишабоз, майиб-мажруҳ, турли касалликка чалинган, жиноятчи кишилар гуруҳининг вужудга келиши ҳамда улар сонининг кўпайиб боришида кўришимиз мумкин. Масалан, Россия Федерациясида расман жамиятда ижтимоий хавфни келтириб чиқарувчи кишиларнинг қуйидаги гуруҳлари қайд қилинган:

- инвалидлар – 12 миллиондан ортиқ киши;

- алкоголиклар – 4,6 млн. киши;

- наркоманлар – 2,4 млн. киши;

- психик касаллар – 978 минг киши;

- сил касали билан оғриганлар – 570 минг киши;

- гипертониклар – 22,5 млн. киши;

- ВИЧ- касалига дучор бўлганлар – 960 минг киши.

Расмий маълумотларга кўра ҳар йили 250 минг киши ташки сабаблар туфайли ўлмоқда. Бу совет даврига нисбатан 3 мартага кўп. Улардан 25 минг киши қотиллик туфайлик ҳалок бўлган, 41 мингтаси ўзини ўзи ўлдирган, 25 мингтаси

алкогол туфайли, 40 мингтадан ортиги транспорт бахтсиз ҳодисалари туфайли вафот этмокдалар²⁴⁸.

15.2. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг мақсади ва вазифалари

Ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг ижтимоий сиёсати муҳим аҳамиятга эга. Давлатнинг ижтимоий сиёсати деганда давлатнинг жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишига бўлган муносабати, ижтимоий инфратузилмалар самарали ва бир маромда амал қилишни таъминлашга қаратилган кундалик давлат фаолияти, ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларнинг бажарилишини таъминлашдаги стратегия ва тактик ёндашув назарда тутилади. Давлатнинг ижтимоий сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишга ва унинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати шу соҳадаги бозор ва бозор механизми қондира олмайдиган муҳим ижтимоий эҳтиёжлар мавжудлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, бозор пенсия ёшидаги кишиларнинг ижтимоий химоясига, ишсизларга, меҳнат ногиронларига, тугилгандан ногиронларга, кўп болали оилаларга ёрдам бериш каби жамият харажатларига бефарқдир. Бозор ҳаттоки, аҳоли даромадлари даражасини кескин табақалашувининг ўсишига сабаб бўлади ва мавжуд тарихий маданий кадриятларга бозор бефарқлик билан қарайди. Аҳоли табақаланишининг кучайиши эса турли ижтимоий беқарорликларни, ларзаларни келтириб чиқариши мумкин.

Давлат ижтимоий сиёсати воситасида ижтимоий соҳани тартибга солиш орқали ижтимоий таҳдидлар ва хавф-хатар, ларзаларнинг келиб чиқишининг олдини олади. Бу сиёсатда

²⁴⁸ Угрозы в социальной сфере//<http://www.oboznik.ru/?p=14803>

асосий қонунчилик актлари, бюджет-кредит ва солиқ воситалари, ижтимоий соҳанинг бир қисмини, яъни давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотларни тўғридан-тўғри бошқариш каби усуллардан фойдаланилади. МДХ мамлакатларида ва шу қатори Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳани тартибга солишнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

1) мулкчилик шаклидан қатъий назар ишчилар учун энг кам иш ҳақи ва пенсия даражасини, иш кунининг ва меҳнат таътилининг давомийлигини қонунда белгилаш йўли билан тартибга солиш;

2) бюджет ходимлари учун ва давлат ташкилотларидаги ишчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш тизими тарифларини ўрнатиш;

3) пенсия, нафақалар, стипендиялар даражасини ўрнатиш, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари учун имтиёзлар тизимини ўрнатиш;

4) ишчилар учун оқилона солиқ ставкаларини ўрнатиш;

5) ижтимоий соҳа тармоқлари ўртасида давлат бюджети харажатларининг энг оптимал пропорциясини ўрнатиш;

6) кўпроқ ижтимоий-зарурий маҳсулот ва хизматларнинг юқори нархларини ўрнатиш орқали аҳоли даромадларини тартибга солиш, инфляция жараёнида эса пенсионерлар, давлат ижтимоий соҳа иштирокчилари, ишчиларининг даромадларини индексациялаш.

Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингандан сўнг аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш, инсон манфаатларини рўёбга чиқариш ва уни ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиёти, очик ташкиётга эга кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширила бошланди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки давридаёқ давлат ижтимоий сиёсатининг асослари яратилиб, амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат

устувор йўналиш ҳисобланади ва у босқичма-босқич амалга оширилади. *Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:*

- ◆ ижтимоий сиёсатни ўтказишда давлатнинг бошқариш функциясига эгаллиги;

- ◆ ижтимоий ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги;

- ◆ аҳолининг яшаш даражасини кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик;

- ◆ маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари маҳаллалар орқали аҳолига аниқ манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

- ◆ ижтимоий ислоҳотларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг, шу жумладан, ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- ◆ аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш;

- ◆ маҳсулот, хизмат ва уй-жойнинг кучли ички истеъмол бозорини шакллантириш;

- ◆ аҳолининг тўлов талабларини кенг миқёсда қондириш ва унинг ўсишини таъминлаш;

- ◆ аҳолининг даромад ва мулкка эгаллик даражасининг кескин табақалашувининг олдини олиш;

- ◆ ижтимоий хизматларга бўлган зарур қафолатни таъминлаш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат ижтимоий сиёсати қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

- ◆ давлат ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш ва улардан жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фойдаланишини қафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш;

- ◆ давлатнинг марказлашган ижтимоий суғурта фондини ташкил этиш;

- ◆ кўрсатилган хизматлар ва самарали меҳнатлари учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар;
- ◆ иш ҳаки ва пенсия минимумининг давлат томонидан кафолатланиши;
- ◆ кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар;
- ◆ кам таъминланган аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатиш;
- ◆ болалиқдан ногирон ва бешқа меҳнат қobiliятини йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- ◆ талабалар учун тўланадиган давлат стипендиялари;
- ◆ ишсизлик нафақаси;
- ◆ энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларини белги-ланган нархларда сотилишини таъминлаш;
- ◆ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳолари-даги фарқларни бюджет ҳисобидан қоплаш;
- ◆ ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия, спорт ва маданият) мод-дий базасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва му-стаҳкамлаш.

Давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишла-ри ўз навбатида ижтимоий таҳдидларнинг олдини олиш, уларни нейтраллаштириш, ижтимоий хавфсизликни таъ-минлаш йўналишлари ҳам ҳисобланади. Бунга сабаб ҳар қандай жамиятнинг ривожланганлик даражаси, ундаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик мамлакатда ижтимоий хавфсизликнинг таъминланганлигига, ижтимоий масалаларнинг қай даражада ҳал этилаётганига боғлиқ. Ижтимоий масалалар мамлакат тараққиётининг муҳим омили сифатида иқтисодий ривожланишга таъсир эта-ди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида дав-лат ижтимоий сиёсати ижтимоий ислохотларни давомли амалга ошириб бориш орқали аҳоли турмуш даражасини барқарор ўстириб боришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан-

тириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида “ги Фармонида “ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” вазифалари белгиланган²⁴⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаб, 2019 йил – **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”**да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб берди:

- аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш;
- пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш;
- илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш;
- хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб тулар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш;

²⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида “ги Фармони, 1-илова.

– жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш;

– туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўриш;

– олдимишга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантириш²⁵⁰.

Мазкур вазифалар давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишлари бўлиб, ижтимоий таҳдидларнинг олдини олиш, уларнинг салбий таъсирини камайтиришга ва ижтимоий соҳада хавфсизликни ишончли тарзда таъминлашга ҳам йўналтирилгандир.

15.3. Давлатнинг бандлик сиёсати ва ишсизлик таҳдидини камайтириш йўллари

Меҳнат бозори иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмидир. Меҳнат бозорида меҳнат сотилмайди, ишловчиларнинг меҳнат қилиш қобилияти, меҳнат хизмати сотилади²⁵¹, чунки меҳнат кишиларнинг маълум мақсадга йўналтирилган фаолияти жараёни бўлиб, унда ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари қўшилиши натижасида кишиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маҳсулот яратилади ва хизмат кўрсатилади²⁵². Унинг субъектлари қуйидагилардан иборат:

– ишлаб чиқариш воситалари эгалари, иш берувчилар ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи уюшмалар (Савдо саноат палатаси, тадбиркорларнинг уюшмалари);

– ёлланма ишчи, ходимлар, яъни ишчи кучи эгалари ва

²⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

²⁵¹ Курс экономической теории: Учебник. 4-е доп и перераб изд. Киров: "АСА" 1999.– С.231.

²⁵² Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. / Маъруза матни/ -Т. 2007, 23-бет.

уларнинг манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар, касаба уюшмалари;

– давлат. Давлат ўзининг турли бошқариш органлари орқали иш берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасида воситачи бўлиб, улар ўртасидаги ишга ёллаш бўйича бўладиган меҳнат муносабатларини тартибга солади.

Меҳнат муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

– ишга ёллашнинг минимал стандартларини қонуний белгилаш;

– иш вақтининг узунлиги, иш ҳақи, бошқа тўлов ва имтиёзлар;

– меҳнат шароити ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норма (меъёр) ларни қонуний белгилаш;

– шахсларни маълум турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига қонуний рухсат бериш ва чеклаш;

– иш берувчи ва ходимларнинг фаолиятини фуқаролик ҳуқуқи ҳамда меҳнат қонунчилиги асосида тартибга солиш (қаранг: 15.3.1-расм).

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш стратегияси қуйидагиларни амалга оширишни кўзда тутади:

– фуқароларнинг меҳнат қилиш, тадбиркорлик, иқтисодий фаолият соҳаси ва турини ҳамда касбни танлаш эркинлиги каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

– меҳнат фаолияти мотивациясининг кучли механизминини жорий этиш, аҳоли иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароитлар яратиш;

– амалда меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият соҳалари бўйича эркин тақсимланиши ва қайта тақсимланиши учун шароитлар яратиш²⁵³.

²⁵³ Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1997 г. –Т., 1998. – С 55-56.



15.3.1-расм. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари²⁵⁴

Давлат меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланиши даражасига ҳамда меҳнат, яъни ишчи кучи бозорига фаол ёки пассив таъсир кўрсатади. Пассив таъсир чораларига ишсизлик бўйича турли нафақа ва тўловлар киради. Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга оширишнинг асосий чоралар тадбири эса қуйидагилар:

- иш изловчиларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- ишловчи ва ишсизларни ўқитиш, касбга қайта тайёрлаш;

²⁵⁴ Обидов О.О. Меҳнат бозори ва унинг шаклланиши // Аграр соҳада ишловчиларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. –Т., “Меҳнат”, 2002. 157-бет.

- бевосита иш жойларини яратиш;
- доимий иш билан бандликни субсидиялаштириш;
- тадбиркорликни, шу жумладан, ўз корхоналарини, иш-билармонлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларни қўллаб-қувватлаш;

- жамоат ишларини ташкил этиш.

Ушбу умумқабул қилинган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда 1992 йил 31 январда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Қонун қабул қилинган бўлиб, унга 1993-1995 йиллар давомида қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. 1996-1998 йилларда қабул қилинган Меҳнат кодекси, “Таълим тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқлаштириш мақсадида 1998 йил 1 майда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучи ортиқчалиги мавжуд ва ишчи кучи бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни хоҳловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишлари ва мустақил иш билан таъминланишлари учун давлат фуқароларга бир қанча қўлдошларни назарда тутади. Яъни давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

- ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланиш;

- мақбул ишни таялаш ва ишга жойлаштиришга бепул ёрдам бериш;

- ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратиш;

- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитиш, маҳаллий меҳнат органлари ёки уларнинг йўлланмаси билан бо-

ишқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини ошириш;
 – бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлаш;

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2000 йилдаги 72,3фоиздан 2017 йилда 72,4 фоизга ўсди. Ишсизлик даражаси 5,4% дан 5,8% га ўсди. Шу даврда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 72,0 % дан 76,9% га ошди. Аҳолининг иқтисодий нофаоллик даражаси 25,5% дан 23,1% га тушди (қаранг: 15.3.1-жадвал).

15.3.1-жадвал.

Меҳнат бозорининг асосий индикаторлари
 (йиллик ўртача)²⁵⁵

Кўрсаткичлар	2000	2010	2015	2017
Меҳнат ресурслари, минг киши	12594,0	16504,2	17663,1	18672,5
Иқтисодий фаол аҳоли сони, минг киши	9018,4	12286,6	12850,1	14357,3
Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси, % да	72,3	70,7	70,0	76,9
Иқтисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	8983,0	11628,4	12223,8	13520,3
Бандлик даражаси, % да	72,0	66,9	66,6	72,4
Ишсизлар сони, минг киши	658,2	658,2	626,3	837,0
Ишсизлик даражаси, % да	5,4	5,4	4,9	5,8
Иқтисодий нофаол аҳоли, минг киши	3575,6	4439,4	4714,2	4315,2
Иқтисодий нофаоллик (пассивлик) даражаси, % да	27,7	25,5	25,7	23,1

²⁵⁵ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам.-Т., 2014.-43-бет; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т.: ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 2017.-52-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.155, 156 маълумотлари асосида тузилди.

Мазкур жадвал маълумотларига кўра иқтисодиётда иш билан банд меҳнат ресурслари иқтисодиёт тармоклари таркибини таҳлил қилиш шунини кўрсатмоқдаки, саноатда банд бўлганларнинг улуши 2010-2017 йилларда 13,8 % дан 13,6% га тушди, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида банд бўлганлар улуши эса 26,8 % дан 27,3% га кўтарилди.

Қурилиш ҳамда ташиш ва сақлаш, савдода банд бўлганларнинг улуши ошди. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида иш билан бандларнинг иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улушлари таҳлил даврида пасайиш тенденциясига эга бўлди (15.3.2-жадвал).

15.3.2-жадвал.

Иқтисодиёт тармоклари бўйича банд аҳоли сони
(фонзда)²⁵⁶

Тармоқлар	2010	2015	2016	2017
Иқтисодиётда жами бандлар	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан тармоқларда:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	26,8	27,6	27,4	27,3
Саноат	13,8	13,6	13,6	13,5
Қурилиш	8,9	9,3	9,5	9,5
Савдо	10,6	10,8	10,9	11,0
Ташиш ва сақлаш	4,4	4,7	4,8	4,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,1	2,3	2,3	2,3
Ахборот ва алоқа	0,5	0,5	0,5	0,5
Молия ва сугурта фаолияти	0,6	0,5	0,5	0,5
Таълим	9,5	8,5	8,3	8,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5,1	4,6	4,5	4,5
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,6	0,5	0,5	0,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	17,1	17,1	17,3	17,4

²⁵⁶ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам.-Т., 2014.-47-бет; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т.: Ўз Р Давлат статистика қўмитаси, 2017.-52-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.155, 156 маълумотлари асосида тузилди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат ресурсларининг 24.5 фоизини иктисодий нофаол аҳоли, ишсизлик даражасининг 5.8 фоизга яқинни ташкил этиши меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш борасида фойдаланилмаётган заҳиралар ҳамда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Шу билан меҳнат ресурсларидан тўлиқ, оқилона ва самарали фойдаланиш омилларидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни (Қонуннинг 7-моддасида белгиланган) ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ва айрим турдаги ишларни (касбларни) эҳтиёт тариқасида сақлаб туриш, меҳнат бозоридаги аҳвол барқарорлашувига кўмаклашувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат:

➤ Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;

➤ Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш;

➤ Яқка тадбиркорликни ривожлантириш;

➤ Касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;

➤ Ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

➤ Фермер ва аҳоли хўжаликлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

➤ Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштиришдан иборатдир.

Меҳнат бозорида аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар эса қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

➤ Ёшлар, аёллар ва бошқа тоифадаги ишсизларни аниқ рўйхатини олиш, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш чора-тадбирла-

рини амалга ошириш, ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш;

- Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш;
- Касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш;
- Ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш;
- Бўш иш ўринлари ва иш кидирувчилар ҳақидаги янгиланиб турувчи электрон маълумотлар банки имкониятларидан кенг фойдаланиш;

➤ Рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифаларига эътиборни кучайтириш.

Меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифаларининг иш билан бандлигини таъминлаш чоралари (иш ўринларини захира қилиш ва бошқа аниқ чоралар) ни амалга ошириш бандлик сиёсатининг муҳим вазифаларидан иборадир. Эндиликда, янги иш ўринларини яратишга реал ёндашув ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида **аҳоли ўртасида ишсизликни камайитириш, бу борада ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам усуллари**дан кенг фойдаланиш кераклигини таъкидлаган²⁵⁷.

15.4. Давлатнинг даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат:

– даромадлар, иш ҳақи минимуми; бандлик, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

– солиқлар, нархлар; ижтимоий кафолатлар, ижтимоий муносабатлар (шу жумладан, иш берувчи ва ёлланиб ишловчилар ўртасидаги муносабатлар), ижтимоий таъминот;

– ҳуқуқий таъминот (хавфсизлик, ҳаёт, мулк ва жамғармаларни химоялаш).

²⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг бош мақсади уларни давлат бюджети орқали қайта тақсимлашдан иборатдир. Шу билан бирга, кам таъминланганларнинг даромадларини ошириш, уларнинг ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омилларининг турлича экани туфайли юзага келган диспропорцияни бартараф этиш, иш билан бандликни тартибга солиш ва ижтимоий тангликнинг олдини олиш каби муаммолар ҳам ҳал этилади. Кўрилатган доирада давлатнинг фаоллиги марказий ва маҳаллий бюджетдан қилинган ижтимоий харажатлар ҳажми билан ўлчанади. Миллий даромадни қайта тақсимлашда давлатнинг имкониятлари бюджет тушумлари билан чекланади.

Даромадлар сиёсати конституция ва унга тенглаштирилган қонуний ҳужжатларда белгиланган маълум тамойиллар асосида юритилади. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий адолат;
- ижтимоий ҳамкорлик ва аҳоли барча қатламларининг бирдамлиги;
- ўз моддий аҳволи учун шахсий масъулият;
- меҳнат ҳуқуқи ва уни муносиб рағбатлантириш;
- касаба уюшмалари ҳуқуқи;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва бошқалар.

Маълумки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг юқори шакли иқтисодий дастурлашдир. Унинг вазифаси иқтисодий сиёсатнинг барча элементларидан глобал мақсадларда ҳар томонлама фойдаланишдир. Бундай дастурларнинг объектлари сифатида тармоқлар, ҳудудлар, ижтимоий соҳа, илмий тадқиқотларнинг турли йўналишлари ва шу қабилар таянч олиниши мумкин. Мазкур дастурларнинг барчаси (бевосита ва билвосита) аҳоли даромадларига боғлиқ ва уларга таъсир кўрсади.

Давлатнинг даромадлар сиёсатида ёлланма ишчиларни ҳимоя қилиш воситаларидан бири сифатида энг кам иш ҳақини белгилаш ҳисобланади. Энг кам миқдордаги иш ҳақи ишчи кучининг жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаб

қолмасдан, шу билан бирга унинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаши ва ривожлантириши учун у истеъмол саватчасига мувофиқ келиши лозим, бу саватча энг зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар турини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда давлат томонидан белгиланаётган энг кам иш ҳақи миқдори ҳозирги вақтда истеъмол саватчасига мувофиқ эмас. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Биз илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси” тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизмларини яратишимиз лозим. Айни вақтда аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, стипендия, пенсия ва ижтимоий нафақаларни босқичма-босқич ошириш бўйича ҳам амалий чоралар кўрилади”²⁵⁸, - деб таъкидлаган.

Мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида, аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади (қarang: 15.4.1-жадвал).

15.4.1-жадвал.

Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари,
иш ҳақи ва пенсияларнинг 2000-2018 йилларда ўсиши
динамикаси²⁵⁹

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2016	2017	2018
I. Аҳоли жон бошига даромадлар, жамининг сўмда	96,4	371,8	1668,1	4565,2	5750,2	7963,3

²⁵⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

²⁵⁹ Анализ развития уровня жизни и благосостояния населения в Республике Узбекистан // stat.uz; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т.: Госкомстат РУз., 2018. - С.158, 164, 166; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. - Т.: ДСК. 2019. - 266, 282, 292-бетлар маълумотлари асосида тузилди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	124,7	117,4	120,1	110,0	110,3	107,3
II. Ўртача йиллик ҳисобланган ойлик иш ҳақи, минг сўмда	13,5	81,5	504,8	1293,8	1453,2	1822,2
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	146,0	138,7	129,4	110,2	112,3	125,0
III. Ўртача белгиланган ойлик пенсия миқдори, минг сўмда	7,4	31,7	171,9	494,2	567,3	695,5
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	152,0	143,5	125,9	112,8	114,8	122,6

2017 йилда 2006 йилнинг мос даври даражасига нисбатан ўртача аҳоли жон бошига даромадларнинг ҳақиқий ўсиши 13,2 мартани, ўртача иш ҳақининг ҳақиқий ўсиши 24,3 мартани ва пенсия миқдорининг ҳақиқий ўсиши 18,6 мартани ташкил этди²⁶⁰.

Аҳолининг даромадлар таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши 2010-2018 йилларда 45,0% дан 34,5% га камайди, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши 25,0% дан 36,6% га ўсди (15.4.2-жадвал).

²⁶⁰ Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ривожланиши таҳлили. 2017 йил январь-декабрь. 4-5-бетлар. //stat.uz

15.4.2-жадвал

Аҳолининг умумий даромади таркиби (% да) ²⁶¹

	2010	2015	2016	2017	2018
Умумий даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:					
Бирламчи даромадлар	74,2	78,2	79,7	75,2	76,5
Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	71,8	75,1	75,7	71,0	72,9
Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар	70,0	72,8	73,3	68,8	71,1
Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	45,0	41,2	38,9	34,3	34,5
Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	25,0	31,6	34,4	34,5	36,6
Шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,8	2,3	2,4	2,2	1,8
Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,4	3,1	4,0	4,2	3,5
Трансфертлардан олинган даромадлар	25,8	21,8	20,3	24,8	23,5
Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	47,1	52,4	55,2

²⁶¹ Анализ развития уровня жизни и благосостояния населения в Республике Узбекистан // stat.uz: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар. - Т.: Ўз Р Давлат статистика қўмитаси, 2017.-56-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.162; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСК, 2019.-274-бет маълумотлари асосида тузилди.

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан, музки ва му-
стақил равишда бандликдан олинган даромадлари тез
суръатлар билан ўсмокда. Бунинг оқибатида ўрта синф кўла-
ми тобора кенгайиб бормокда. Ўзбекистонда аҳоли гуруҳла-
ри даромадларининг тенг тақсимланишини ифодаловчи
Жини коэффициенти 2000 йилдаги 0,39 дан 2016 йилда 0,26
га пасайди. Шунингдек, 2000-2016 йилларда дециль коэффи-
циенти 21,1 дан 6,4 гача, квинтиль коэффициенти эса 9,9 дан
4,1 гача камайди. Бу кўрсаткичлар аҳоли даромадлари бўйича
табақаланиши даражасининг жиддий равишда камайганли-
гини билдиради.

Аҳоли даромадларининг ўсиши истеъмол харажатлари-
нинг ҳам ўсишига олиб келди. Аҳолининг харажатлар тар-
кибида озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши
камайиб, ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун ха-
ражатлар ҳиссаси ўсиб бормокда (қаранг: 15.4.3-жадвал).

15.4.3-жадвал

Аҳоли умумий харажатлари таркиби (% да) ²⁶²

	2000	2005	2010	2016
Жами истеъмол харажатлари	100	100	100	100
Шу жумладан,				
Озиқ-овқат маҳсулотлари учун	61,4	58,2	53,2	47,3
Ноозик-овқат маҳсулотлари учун	25,8	25,7	26,9	32,3
Хизматлар учун тўловлар	12,8	16,1	19,9	20,4

Мамлакатимизда 2000-2016 йилларда аҳолининг узок
муддат фойдаланиладиган товарлар билан ҳам миқдор, ҳам
сифат жиҳатдан таъминланганлиги даражаси ўсиб бормокда.
Бу товарларнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарил-
мокда. Жумладан, 2016 йилда ҳар 100 уй хўжалиги ҳисоби-
га 43 та автомобиль, 153 та телевизорлар тўғри келмокда ва

²⁶² Анализ развития уровня жизни и благосостояния населения в Республике Узбекистан //stat.luz.uz маълумотлари асосида тузилди.

бу миқдор 2000 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошди (қаранг: 15.4.4-жадвал).

15.4.4-жадвал.

Ўзбекистонда аҳолининг узок муддат
фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлиги
(ҳар 100 уй хўжалиги ҳисобига)²⁶³

	2000.	2005.	2010.	2016.	2016 йилда 2000 йилга нисбатан %да
Енгил автомобиллар	21	22	27	43	204,7
Телевизорлар	88	109	132	153	173,8
Музлатгич ва совут- гичлар	86	91	99	102	118,6
Кондиционерлар	11	14	19	34	309,1
Электрчангюткичлар	30	33	37	54	180,0
Қир ювиш машинала- ри	69	71	75	80	115,9
Шахсий компьютер- лар	0,2	5	12	49	245 м.
Мобиль телефонлар	18	79	145	246	13,7 м.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш-
нинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стра-
тегиясида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини куйидаги
йўналишларда изчил ошириш кўзда тутилган:**

– аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилия-
тини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳоли-
нинг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада ка-
майтириш;

– бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пен-
сия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция
суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш;

²⁶³ Анализ развития уровня жизни и благосостояния населения в Республике Уз-
бекистан //stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

– янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг муганосиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ тўлиқ амалга учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга мухтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш²⁶⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш керак²⁶⁵,”-деб муҳим вазифаларни белгилаб берган.

15.5. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодиёт ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини ижтимоий йўналтириш зарурияти, албатта, инсон манфаатидан келиб чиқади. Бозорнинг шундай оқибатлари борки, бунда аҳолининг маълум тоифаси ҳимояга мухтож бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам цивилизация ижтимоий ҳимоя тизимини талаб қилади.

Ижтимоий ҳимоялашдаги муҳим масала аҳолини бозор баҳосининг тез ўсиши, инфляция таъсиридан ҳимоя этиш ва

²⁶⁴ 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бефта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 2017 йил 7 феврал, 1-илова.

²⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

бунинг олдини олиш билан боғлиқдир. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида моллар нархининг кўтарилиши тўхтатиб бўлмайдиган ҳолатдир. Бунда ойлик иш ҳақи ва белгиланган даромадга эга бўлганларни ўсиб бораётган товарлар ва хизматлар нархининг салбий таъсиридан муҳофаза этиш йирик ижтимоий муаммодир. Айниқса, нафақахўрлар, талабалар ижтимоий химояга муҳтож бўлади.

Бунда вақти-вақти билан маош, стипендия, нафақалар миқдорини бир оз ошириш масалани ҳал қилмайди. Шунинг учун индексация усулини қўллаш юз берадиган оғирликни бироз юмшатиб, турмуш даражасига бўлган оғир таъсирни енгилаштиради. Чунки қабул қилинадиган индекслар тўфайли даромад нарх-наво даражасига қараб ўзгариб туради ҳамда кўтарилаётган баҳолар келтирадиган зарарларнинг асосий қисмини қоплаб боради.

Бундан ташқари, бозор нархларидан химоя қилишда таъминотнинг алоҳида усуллари қўллаш аҳволни юмшатишга ёрдам беради. Масалан, аҳолининг айрим табақалари учун махсус таъминот тайинлаш ёки вақти-вақти билан озиқ-овқат ва саноат моллари тарқатиш каби усуллардан ривожланган мамлакатларда фойдаланилади.

Ижтимоий химоя юқорида кайд қилинган усуллар билан чегараланмайди, шароитга қараб аниқ шаклларни топиб, уларни қўллаб боради. Айниқса, кам даромадлиларни бозорнинг салбий таъсиридан асраш ва турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик давлатнинг муҳим вазифасидир. Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилишга бешта муҳим тамойиллар асос қилиб олинганди. Улардан бири демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий химоялаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Эндиликда кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, ишончли, аниқ манзилли, яъни шунга муҳтож аҳоли гуруҳларини ижтимоий химоя қилишга қаратилади.

Бунинг учун аҳоли даромадлари ва меҳнат ҳақларининг фаол иктисодий фаолиятни рағбатлантиришдаги ролини ошириш лозим бўлади. Шунингдек, аҳолининг оқилона, самарали иш билан бандлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, иктисодиётнинг аниқ секторида янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори инфратузилмалари, шу жумладан, меҳнат биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш лозим бўлади. Кам таъминланган аҳолини мақсадли, ишончли ижтимоий ҳимоялаш учун, авваламбор, аниқ эҳтиёжлардан ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муҳтож оилаларга субсидия, микрокредитлар бериш, уларга микрофирма, кичик корхона, фермер хўжаликларини ташкил этишлари учун шароитлар яратиш керак бўлади.

Давлат турли солиқ, кредит имтиёзлари тизимини яратиш орқали фуқароларнинг, жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик субъектларининг ҳомийлик, хайрия ишларига маблағлар ажратишларини рағбатлантириш чора-тадбирларини кучайтириши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳимоя тизимида меҳнат жамоалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Меҳнат жамоалари ўз ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ◆ меҳнат жамоаси томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий шароитларнинг яратилиши;
- ◆ иктисодий аҳволи ночор ходимларга вақтинчалик ёрдам кўрсатиш;
- ◆ яхши ишлаган ходимларга турли имтиёзлар яратиш;
- ◆ ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш;
- ◆ ходимларни имтиёзли асосда уй-жой билан таъминлаш;
- ◆ ходимларнинг малакасини ошириш, янги ихтисосликка ўқитиш билан боғлиқ харажатлар;

◆ корхона ходимларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш:

а) тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш ёки тиббий суғурта қилиш;

б) оғир меҳнат шароитда ишлайдиганларга турли имтиёзлар яратиш;

в) ходимларнинг дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қилиш.

Эндиликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, унинг самарасини оширишнинг қўйидаги муҳим вазифаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

◆ иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш асосида барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш;

◆ давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини кенг жалб қилиш;

◆ одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш;

◆ хусусий мулк миқдосларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш;

◆ аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш;

◆ камбағалликка, қашшоқликка қарши кураш. Аҳолининг энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Айни вақтда ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши керак.

Умрини ногирон фарзандига караш, уни парвариш килишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этамиз”²⁶⁶,-деб таъкидлаган.

15.6. Ижтимоий хизматлар соҳаларининг ривожланиши.

Иқтисодийнинг жадал ривожланиши мамлакатда туб ижтимоий ислохотларни амалга оширишга ва ижтимоий соҳада катта ютуқларга эришишга замин яратди.

1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда таълим тизимида ислохотлар амалга оширила бошланди. 1997-2010 йилларда кенг миқёсда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилди. Ушбу дастур доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, касб-ҳунар таълимига босқичма- босқич ўтилди.

Таълим тизимининг бошланғич бўғини мактабгача таълим ҳисобланиб, 2017 йилда унга 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг жалб қилинганлик даражаси шу ёшдаги болаларнинг 25,4% ни ташкил этади. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра мактабгача таълим муассасалари сони 5186 тани ташкил этди, уларда 732,9 минг болалар тарбияланмоқда. Бу муассасаларда ишлаётган педагог кадрлар сони 63,3 минг кишини, улардан 21,3% – олий маълумотли, 76,9% – ўрта махсус маълумотлиларни ташкил этади²⁶⁷. Мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилди. Ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш вазифаси белгиланган²⁶⁸.

²⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

²⁶⁷ Статистика образования.//stat. Uz; Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам 2017 йил.-Т, 2018.-133-134, 137-бетлар.

²⁶⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

2018/2019 ўқув йилида 9648 та умумтаълим мактабларида 5819,7 минг нафар ўқувчилар таҳсил олдилар. Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 1 йиллик таълим қайта тикланди. Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди²⁶⁹.

Республикада академик лицейлар сони 2000 йилдаги 46 тадан 2018 йилда 123 тага, касб ҳунар коллежлари сони эса мос равишда 241 тадан 1414 тага етди. 2018/2019 ўқув йили бошида 123 академик лицейларда 70,8 минг ўқувчилар таҳсил олаётган бўлиб, 31,6 минг нафар ўқувчи таълим муассасаларини битирган. Касб-ҳунар коллежларида шу ўқув йили бошида 656,3 нафар ўқувчилар таҳсил олаётган бўлиб, 454,9 минг нафар ўқувчи таълим муассасасини битирган²⁷⁰.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимида сифат ва миқдор жиҳатдан туб ислохотлар юз бермоқда. Агар 1991 йилда олий таълим муассасаларининг сони 52 та бўлган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 72 тани ташкил этди (15.6.1-жадвал).

²⁶⁹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр.//Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

²⁷⁰ Статистика образования.//stat. Uz: Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам 2017 йил.-Т., 2018.-147-151-бетлар; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., 2019.-326-327-бетлар.

Олий таълимнинг асосий кўрсаткичлари
(1991-2017йиллар)²⁷¹

	Олий таълим муассасаларининг сони	Талабалар сони (минг киши)	Профессор-ўқитувчилар сони (минг киши)	Бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони
1991й.	52	340,9
1995 й.	58	192,1	19,9	9,6
2000 й.	61	183,6	18,4	10,0
2005 й.	62	278,7	23,1	12,1
2010 й.	65	274,5	23,0	11,9
2016 й.	70	268,3	24,0	11,2
2017й	72	297,7	25,1	11,8

Мамлакатимизда 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига 72 та (олий ҳарбий таълим муассасаларидан ташқари) олий таълим муассасалари, шу жумладан, 4 та академия, 27 та университет ва уларнинг 19 та филиали, 7 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари ҳамда 4 та олий диний таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари фаолият кўрсатди²⁷². 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида 78та (олий ҳарбий таълим муассасаларидан ташқари) олий таълим муассасалари ва 20 та филиал фаолият кўрсатган.

Мамлакатимизда 2017 йилда янги таълим муассасаларини куриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди²⁷³.

²⁷¹ Статистика образования.//stat. Uz; Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам 2017 йил.-Т., 2018.-157-158, 161-бетлардан и маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди..

²⁷² Статистика образования.//stat. Uz; Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам 2017 йил.-Т., 2018.-157-158, 161-бетлар.

²⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар каторида Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим. Олий таълим муассасаларида иктисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди²⁷⁴.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўйича куйидаги асосий йўналишлар белгиланган:

– узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш асосида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

– таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

– мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг мактабгача таълим билан камраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

– умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

муурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

²⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга муурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

– болаларни спорт билан оммавий гарзда шугулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъатга жалб қилишни кучайтириш;

– касб-хунар коллежлари ўқувчиларини тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

– таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш²⁷⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга 2018йил 28декабрда қилган мурожаатномасида “Халқимизда **“таълим ва тарбия бешикдан бошланади”** деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”²⁷⁶-деб таъкидлаган. Ушбулардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:

– болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказиш;

– умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол

²⁷⁵ 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 7феврал, 1-илова.

²⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

топиши учун барча шароитларни яратиш;

– хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш;

– олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш;

– 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш;

– олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш;

– ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини бериш;

– олий таълим муассасаларига реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қабул квоталарини мустакил белгилаш тизимини жорий этиш;

– бакалаврият йўналишида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятларини янада кенгайтириш;

– олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш;

– ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлишини таъминлаш;

– мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иктисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилиш²⁷⁷.

Ўзбекистон Республикасида 1998 йилда Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури, Оналар ва болалар скрининги (1998 й.), Соғлом авлод (2000 й.), Оналик ва болалиқни сақлаш (2001 й.), Ҳомийлар ва шифокорлар йили

²⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

(2006 й.), Ёшлар йили (2008 й.), Баркамол авлод йили (2010 й.), Мустаҳкам оила йили (2012 й.). Обод турмуш йили каби давлат дастурлари. Саломатлик дастурлари, шунингдек, аёллар ва ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар қабул қилиниб, амалга оширилди ва амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида кўп сарф-харажат талаб этадиган ва ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаган стационар тиббий ёрдамдан амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият берилмоқда. Қишлоқ жойларда яхши самара бермаётган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди. Республикаимизда барча вилоят, шаҳар, туманларини қамраб олган шошилинич тиббий ёрдам ташкил этиш тизими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилди. Натижада 1991-2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистанда 5296 амбулатория-поликлиника муассасалари фаолият юритмоқда. Уларнинг сони 1991 йилга (3027) нисбатан 1,7 баробардан зиёдга ўсди. Қасалхоналар они эса 1991 йилдаги 1388 тадан 2017 йилда 1135 тага камайди. 2016 йилда амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати 1991 йилдагига нисбатан 46%га ошди. Агар 1991 йилда амбулатория-поликлиника муассасалари бир сменада 282,2 минг кишини қабул қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 405,3 минг кишига етди. Самарасиз қасалхона қойкаларини оқилоналаштириш натижасида уларнинг сони 1991 йилдагига нисбатан 49%га, ҳар 10000 киши ҳисобига эса 67%га қисқарди. Таҳлил даврида врачлар сони 75 минг нафардан 85,4 минг кишига, яъни

12,7%га, ўрта тиббиёт ходимлар сони эса 242,2 минг кишидан 348,2 минг кишига, яъни 43,7%га кўпайди²⁷⁸.

Бунинг натижасида кўпга хавфли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, энг муҳими оналар ва гўдаклар ўлими камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида қуйидаги йўналишлар белгиланган:

– соғлиқни сақлаш соҳасини, тез ва шошиливч тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

– оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чакалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенг амалга ошириш;

– пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш;

– аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш²⁷⁹.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп

²⁷⁸ Система здравоохранения в Республике Узбекистан // stat.uz; Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистика: тўплам 2017 йил.-Т., 2018.-99-100-бетлар.

²⁷⁹ 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 7 февраль. 1-илова.

тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони-га биноан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб белгиланган:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг «кластер» моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш;

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабонлигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва

диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзиниқўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш. «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида;

«электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш²⁸⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва қўламини кенгайтириш борасида қуйидаги

²⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармони. 2018 йил 7 декабрь.//Халқ сўзи, 2018 йил 7 декабрь.

вазифаларни амалга ошириш вазифаларини белгилаб берди:

– тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш. Давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси белгиланиб, пуллик ва бепул даволаниш ўртасида аниқ чегара ўрнатиш;

– давлат шифохоналарини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

– нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш; 2019йилда Россия, Жанубий Корея, Германия, Италия тиббиёт институтлари билан қўшма факультет ва филиаллар очиш бўйича амалий чораларни кўриш;

– аҳоли ўртасида онкологик касалликка қарши кураш тизимини такомиллаштириш;

– кўпайиб бораётган бир қатор жиддий касалликлар профилактикаси бўйича халқаро институтлар, нуфузли хорижий шифохоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– халқимиз генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационали бўйича амалдаги меъёрларни халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш²⁸¹.

Мустақиллик йилларида уй-жой коммунал хўжалик соҳаси ҳам ривож топди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган “Кичик” хусусийлаштириш натижасида 96 фоиздан зиёд оила илгари давлат тасарруфида бўлган уй-жойларни шахсий мулк қилиб олишди.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси 1990 йилда ҳар бир кишига 12,1 квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу рақам 15,7 квадрат метрга етди ёки 29,7%га ортди. Республикадаги оилаларнинг қарийб 77,4 фоизи алоҳида уй ва кotteжларда истиқомат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, уларни шаҳар ҳаёт шароитларига яқин-

²⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2018 йил 28 декабр.//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

лаштириш мақсадида кейинги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур амалга оширилмоқда. 2017 йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақам 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуриш бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир²⁸².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш борасида қуйидаги вазифаларни белгилаб берди:

– арзон уй-жойлар қуриш дастурини изчил давом эттириш. Намунавий уйларнинг лойиҳаларини такомиллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш;

– айти пайтда юртимиздаги 34 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларнинг аниқ ҳолатини яна бир бор ўрганиб, бу масала бўйича амалий чоралар кўриш;

– кўп қаватли уй-жой фондини тўлиқ хатловдан ўтказишни таъминлаш. Дунёдаги йирик мегаполисларнинг бу бо-

²⁸² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабр.

радаги тажрибасини ўрганган ҳолда, реновация дастурини, яъни, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш;

– 2019 йилдан бошлаб коммунал хўжалик тармоғида давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда ишлашни бошлаш. Уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

– 2019 йилда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ҳозирги 65 фоиздан 75 фоизга етказиш;

– Вазирлар Маҳкамаси томонидан ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш²⁸³.

Ижтимоий соҳанинг ривожланиши кўп жиҳатдан уни молиялаштиришга боғлиқдир. Ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг олтмиш фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Аҳоли ҳаёт шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий соҳанинг истикболдаги ривожлантирилиши макроиктисодий барқарорликни ва изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Асосий таянч тушунчалар

Ижтимоий соҳа, ижтимоий хавфсизлик, ижтимоий таҳдид, давлатнинг ижтимоий сиёсати, ижтимоий-маданий мақсадларга давлат харажатлари, аҳолини ижтимоий ҳимоясига харажатлар, ҳаёт кечирish минимуми, энг кам иш ҳақи.

²⁸³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

юкори нарх, ишсизлик, энг кам пенсия, соғлиқни сақлашга харажатлар, камбағаллик, кашшоклик.

Мустақкамлаш учун саволлар

1. Ижтимоий соҳа нима ва у қандай таркибий тузилишга эга?
2. Ижтимоий хавфсизлик деганда нимани тушунаси?
3. Ижтимоий таҳдид нима ва у қандай таркибга эга?
4. Давлат ижтимоий сиёсатининг моҳияти нимадан иборат ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашда қандай рол ўйнайди?
5. Ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати нималар билан боғлиқ?
6. Ўзбекистонда давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
7. Давлатнинг бандлик сиёсатининг мақсади ва амалга ошириш йўналишларини тушунтириб беринг?
8. Меҳнат бозори давлат томонидан қандай тартибга солинади?
9. Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
10. Давлатнинг даромадлар сиёсати деганда нимани тушунаси ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашда қандай аҳамиятга эга?
11. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш хавфсизликни таъминлашда қандай аҳамиятга эга?
12. Ижтимоий хизматлар соҳаларини ривожлантиришнинг ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти ва ролини тушунтириб беринг.
13. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланишни таъминлашнинг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.

16-БОБ. МИНТАҚА (ХУДУД) ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

16.1. Минтақа иқтисодиёти ва минтақавий сиёсат

Минтақа тушунчаси жаҳон ёки мамлакат территориясининг бир қисмига нисбатан қўлланилади. Минтақа жаҳон территориясининг бир қисми сифатида ўз ичига географик, сиёсий, иқтисодий, экологик, этномаданий ахборот, ҳарбий ва бошқа мезонлар ҳамда ёндашувлар асосида бир неча мамлакатларни олади. Масалан, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Жануби – Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлар туркуми минтақалари мавжуд. Бир алоҳида олинган мамлакат ичида вилоятлар, туман ва шаҳарлар географик, иқтисодий сиёсий, этномаданий, экологик, ахборот ва бошқа мезонлар бўйича маъмурий территориал бирлик сифатида унинг минтақаларини ташкил этади.

Минтақа иқтисодиётининг шундай тизимлари мавжудки, улар ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётида, мустакил хўжалик ёритишда алоҳида ўрин тутди ва ўзининг табиий иқлим, географик жойлашуви, табиий-минерал ва хом-ашё ресурсларининг захиралари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, тармоқлари ва соҳаларининг ҳам инфратузилмасининг микёси, аҳолисининг урф-одатлари ва анъаналари, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимогидаги ҳиссаси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарган ҳудудий ялли маҳсулот кабилар билан фаркланади.

Булар макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт ўртаси, улар фаолиятини иқтисодиёт назарияси мезоиқтисодиёт (юнонча “mesos” оралик) бўлими сифатидаги фан – минтақа иқтисодиёти ўрганади. Мезоиқтисодиёт таркибига минтақада (ҳудудда) ги саноат тармоқлари, ёқилғи-энергетика комплекси,

қишлоқ ва сув хўжаликлари комплекси, қурилиш, транспорт ва алоқа коммуникацияси, уй-жой коммунал хўжаликлари, мактабгача таълим, умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш, уй хўжаликлари, ўзига хос кичик. ўрта ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритувчи хунарманд, касаначилик кабилар киради.

Шу билан бирга, ҳудуд (минтақа) тармоқлари ва тармоқлараро микёсидаги иқтисодий ва экологик муаммоларни тадқиқ қилиш, ўрганиш ҳам мезоиктисодиёт (минтақа иқтисодиёти) таркибига кириб, алоҳида ўрин тутати. Минтақа иқтисодиёти бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида ажралмас умумиктисодиёт сиёсати таъсирида ягона бир яхлит шаклда хўжалик фаолиятини юритади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш орқали жаҳон хўжалигига янада чуқурроқ ва самарали шаклда минтақаларни интеграциялаштиришдан иборат давлатнинг тартибга солиш сиёсатидир.

Инсонга муносиб ҳаёт шароити, ўзини ўзи, Ватанида, минтақасида ва уйда намоён қила олиш учун имкониятлар яратиш – минтақавий иқтисодиётимизнинг ва бутун мамлакатимиз, жамиятимизни ривожлантиришнинг олий мақсадидир. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

1. Минтақадаги барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва муносивлигини таъминлаш ҳамда шу асосда унинг самардорлигини ошириш кўзда тутилади.

2. Минтақаларнинг истиқболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш. Бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш.

3. Илмий-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш. Бунинг учун минтақада илмий-техника тараққиёти жадаллашишини таъминловчи иқтисодий механизмни яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш лозим бўлади. Бунинг учун корхоналарга, минтақавий бирликларга индикатив (тавсиявий) режаларни тузиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали ракобат бўлишини, бозор конъюнктурасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш лозим:

а) ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва конъюнктурасига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш;

б) валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;

в) бозор талаби асосида тез ўзгарувчи янги технологияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар.

г) ташқи иқтисодий муносабатларни марказий Давлат бошқаруви органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб ривожлантириш.

Минтақаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари қошидаги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси шуғулланади. Ҳокимликлар қошида иқтисодиёт билан шуғулланувчи барча идоралар истиқболдаги муаммоларни режалаштириш бошқармаси билан мувофиқлаштиради. Минтақалардаги молия, иқтисодиёт ташкилотлари ўз фаолиятини республиканинг тегишли компаниялари ва вазирликлари билан маҳаллий ҳокимият органлари тасдиқлаган низом асосида олиб боради. Низомда иқтисодиёт бошқармасининг фаолиятлари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган бўлади.

Вилоят ҳокимликлари қошидаги иқтисодиёт бош бошқармасининг қуйидаги асосий вазифалари белгиланган:

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режасини тузиш ва ундан ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳала-

рини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

2) вилоят аҳолисининг халқ истеъмоли товарларига бўлган талабини тўла қондириш, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш;

3) маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг даромадлари ҳисобига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойили асосида йиллар мобайнида иккинчи даражали бўлиб келган, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

4) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш. Вилоят ҳудудидаги барча корхоналарни, шаҳар ва туманларнинг бизнес-режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

5) республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини тузишда, минтақавий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ҳамда таклифлар бериш;

6) иш жойини ташкил этиш, меҳнат ва моддий баланслар тузиш, режаларнинг бажаралишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг минтақавий сиёсати иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликларининг молиявий-хўжалик мустақиллигини мустаҳкамлаш, республика марказий ҳокимият органлари билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистонда юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда давлатнинг минтақавий сиёсатининг бош мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

– мамлакатнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқларнинг таъминланиши учун тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;

– республика барча аҳолисининг ижтимоий кафолатларини ҳамда тенг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши куйидагиларни тақозо этади:

– минтақа (ҳудуд) ларда янги иқтисодий муносабатларни ва умумиқтисодий шароитларни қарор топтириш. Бунинг оқибатида турли мулкчилик шаклларига эга бўлган хўжалик субъектларининг фаолияти учун қулай шароитлар яратилади;

– минтақа (ҳудуд) ларда аҳолининг манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар шакллантирилади;

– маҳаллий ҳокимлик ва ўз-ўзини бошқариш органларининг минтақа (ҳудуд) ларни бошқаришдаги роли ва фаоллиги ортади;

– минтақа (ҳудуд) лараро инфратузилмани тиклаш, кайта тиклаш. Бунинг оқибатида мамлакат миқёсида ягона иқтисодий мақоң, халқ хўжалик комплекси шакллантирилади. Шунингдек, ҳудудий самарали меҳнат тақсимоти ва ижтимоий меҳнат интеграциялашуви вужудга келтирилади ҳамда бозор муносабатлари ривожлантирилади;

– кам ривожланган ҳудудларнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, истиқболли ҳудудларни устувор равишда ривожлантириш.

Ушбулардан келиб чиқиб, давлат минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

– республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек *Ўзбекистон Республикаси* субъектларининг ўзаро тенг ҳуқуқлигининг конституцион тамойилларини таъминлаш;

– *Ўзбекистон Республикаси*ни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг прогноз (истяқбол) кўрсаткичларини ва мақсадли дастурларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини услубий ва меъёрий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;

– мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлинишини зарур ҳолатларда ўзгартириб туриш. Бу мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инъикоси сифатида амалга оширилиб турилади.

Мамлакатда давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим шартлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

– мамлакат микёсида ягона иқтисодий маконни таъминлаш. Бунинг учун давлат бошқарувининг умумийлигининг шarti бўлган яхлит пул, солиқ, бюджет ва молия тизимининг, яхлит ахборот маконининг мавжудлиги, асосий инсти-туционал, яъни маъмурий бошқарув тузилмалар ривожланишининг тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга;

– ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, республиканинг ҳар бир ҳудудида иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳолининг барча табақалари турмуш даражасини оширишга эришиш;

– раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам ошириб бориш, раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш;

– давлат хизматчилари малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар, марказлар фаолиятини бошқариш.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб минтақавий сиёсатга – минтақалар (худудлар) ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мутаносибликни таъминлаш ва улар ўртасидаги энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги фарқларни, ному-таносибликларни бартараф этишга қаратилган умуммиллий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмидир, деб таъриф бериш мумкин. Минтақавий сиёсат кенг маънода мамлакат худудларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини бошқариш бўйича ҳокимият органларининг мақсад ва вази-

фалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ифода-
лайди.

Давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг
муҳим дастаклари қуйидагилардан иборатдир:

– ривожланаётган ёки давлат дастурига кўра ижти-
мой-иқтисодий ривожлантириш учун айрим ҳудудларда
ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга мола-
явий имтиёзлар ёки рағбатлар, яъни инвестициявий грант-
лар, паст фонздаги кредитлар берилди, солиқлардан, ижара
тўловларидан озод қилинади;

– ривожланаётган ҳудудлардаги корхона ва фирмалар-
нинг ўз офис, идора, ишлаб чиқариш объектларини бошқа
ҳудудларга олиб кетмасликлари учун улар фаолиятини назо-
рат қилиш;

– ривожланаётган ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқа-
риш инфратузилмасини ривожлантириш учун инвестиция-
лар қилиш, айниқса, йўллар қуриш, аҳоли ҳаёт шароитини
яқшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақавий иқтисодий сиёсат мақсадлари минтақавий
(ҳудудий) ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқдир.
Иқтисодий соҳадаги минтақавий сиёсатнинг мақсади ҳудуд
салоҳияти, унинг чекланган иқтисодий ресурсларидан, ҳу-
дудлараро меҳнат тақсимооти ва кооперацияси афзалликла-
ридан оқилона фойдаланиш асосида аҳоли турмуш даражаси
ва сифатини ошириш ҳисобланади.

Ижтимоий соҳадаги минтақавий сиёсатнинг мақсади ҳар
бир ҳудуддаги барча аҳоли катламлари учун муносиб тур-
муш даражасини, шароитларини ва тенг яшаш кафолатлари-
ни таъминлаш, кишиларнинг яшаш ва меҳнат қилиш жойини,
турини танлаш ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини
яратиш, ички ижтимоий муҳитнинг кескинлашишига йўл
қўймасликдан иборатдир.

Шу билан бирга шаклланаётган бозор иқтисодиёти ша-
роитида давлатнинг иқтисодий минтақавий сиёсатининг
мақсадлари юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидагилар-
дан иборат:

– худудларда баркарор иктисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш шароитларини таъминлаш;

– худудлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш технологик усулларини жорий этиш;

– худудларда мақсадли таркибий, инвестициявий, илмий-техникавий сиёсатни амалга ошириш, иктисодиёт реал секторида тадбиркорликни, ижтимоий муаммоларини хал этишга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш;

– худуднинг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш. Худуднинг иктисодий хавфсизлиги унинг иктисодиёти баркарорлигини ва ривожланишини ифодаловчи шарт-шароитлар, омиллар ҳамда мавжуд ҳолатлар йиғиндисини ифодалайди.

Давлатнинг худудий иктисодиётга бевосита, тўғридан-тўғри аралashiши маъмурий воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу усуллар давлат ҳокимияти кучига таяниш, руҳсат бериш, ман қилиш, мажбурлаш чораларини ўз ичига олади.

Билвосита тартиблаш турли иктисодий чора-тадбирлар, восита ва дастаклар орқали амалга оширилади.

Худудий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини маъмурий услублар орқали тартибга солиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

– худудий такрор ишлаб чиқариш субъектларига давлат бошқарувининг юқори органлари томонидан мавжуд ҳолат, вазиятга таъсир кўрсатувчи маъмурий фармойишлар ва қарорлар қабул қилиш;

– худуддаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш;

– тавсиялар, тафтиш, масалан молиявий-бюджет текширишлар, назорат, масалан, санитар-эпидемиологик назоратни амалга ошириш.

Маъмурий усуллар ўрнатилган тартиб, қоидаларни бузган айрим корхоналарга нисбатан мажбурлаш имкониятла-

рини ҳам кўзда тутади. Маъмурий усуллар ёрдамида маҳаллий бошқарув органлари давлат мулкани хусусийлаштириш ва бошқариш жараёнларини тартибга солади, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳудуддий табиий ресурсларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади (қarang: 16.1.1-жадвал).

Минтақавий (худудий) такрор ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солишнинг иқтисодий усуллари хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари орқали, солиқ имтиёзлари, кредитлар ва субвенциялар ҳамда бошқа даставлар ёрдамида қўлланилади.

16.1.1-жадвал

Минтақавий (худудий) такрор ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллар²⁸⁴

Маъмурий усуллар	Иқтисодий усуллар
Бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган аниқ манзилли топшириқлар беришга асосланади	Умумий иқтисодий қонун-қондаларга, тамойилларга таянади
Бошқариладиган объектларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишда, бошқариш органининг манфаатини устувор равишда кўзлашда фойдаланади	Бошқариладиган объектларга билвосита таъсир кўрсатилади, турли мулкчилик шакллардаги қорхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади
Қабул қилинадиган қарорлар учун асосий масъулият бошқариш органи зиммасида бўлиб, бошқариладиган объектнинг ҳуқуқлари чекланган	Хўжалик субъектлари тўлиқ мустақилликка эга бўлиши, ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун юқори масъулиятли бўлиши тақозо этилади

²⁸⁴ Абдурахмонов К.Х., Абдуллаев А.М., Далабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление. Учебник. / Под ред. Акад. С.С. Гулямова – Т.: Изд-во "Fan va technology", 2007. – 425-427-бет. асосида тузилди.

Маъмурий фармойишлар, режалар директив характерга эга бўлиб, уларни бажариш мажбурий ҳисобланиб, ундан четланишга йўл қўйилмайди

Хўжалик субъектларини ўзининг иктисодий манфаати нуктаи назаридан ва иктисодий рискни эътиборга олган ҳолда муқобил қарорлар тайёрлашга ва оқилона ечимлар топишга ундайди

Юқори бошқариш органлари белгилаган ва тасдиқлаган қоидалар, низомлар доирасида хўжалик субъектлари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига билвосита таъсир кўрсатиб, уларга кенг ваколатлар берилади.


16.2. Минтақа (худуд) иктисодий хавфсизлиги

Миллий хавфсизлик жамиятнинг барча бўғин ва даражаларидаги хавфсизликни ифодалаганидек, иктисодий хавфсизлик мамлакат ҳамда унинг минтақа (худуд) лар иктисодий хавфсизлигини ҳам ўз ичига олади.

Минтақавий (худудий) хавфсизлик мамлакат вилоятлари (туманлари) манфаатларига ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Минтақавий хавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озик-овқат, умумиктисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий (шахсий ва мулкӣ) хавфсизликларни олади (16.2.1-расм.)

Минтақа (худуд) иктисодий хавфсизлиги минтақа (худуд) нинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши, иктисодиёт билан минтақанинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви муассасалари ўртасидаги мувозанатли ҳолат бўлиб, бу ҳолат минтақада миллий манфаатларнинг ҳимояланганлиги ҳамда сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигини ифодалайди. Минтақавий хавфсизлик минтақа (худуд) да шахс, жамият ва давлат, минтақа иктисодий манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан қанчалик даражада ҳимояланганлигини, минтақанинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланиши барқарорлигининг таъминланганлигини ифо-

далайди. Бу борада таъкидлаш жоизки, мамлакатда мавжуд нохуш ҳолатлар, турли инқирозли ҳолатлар минтақа хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



16.2.1-расм. Минтақавий (худудий) хавфсизлик таркиби²⁸⁵

Минтақа хавфсизлигини таъминлашда минтақа (худуд) да мавжуд бўлган нохуш, танглик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш лозим бўлади. Минтақадаги нохуш танглик ҳолати деганда, уни яхшилаш учун марказий ҳукумат органлари томонидан минтақа иқтисодиётига аралашувни ва уни тартибга солишнинг фавқулодда усулларини қўллашни тақозо этадиган ҳолат тушунилади.

Минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни кузатиб боришда Давлат статистика қўмитаси олти гуруҳдаги индикатив кўрсаткичлардан фойдаланади: ижтимоий ва иқтисодий индикаторлар; қишлоқ хўжалиги индикаторлар; инвестиция ва молиявий индикаторлар; институционал ўзгаришлар натижаларини ифодаловчи индикаторлар.

²⁸⁵ Қаранг: Общая теория национальной безопасности Учебник/ Под общ ред. А.А.Прохожева. – Изд 2 доп. –М.: Изво. РАГС, 2005. –С 227.

Минтақа (ҳудуд) иқтисодий хавфсизликни аниқлашда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий индикаторлардан фойдаланилади:

- аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот;
- яшаш минимуми;
- иш ҳақи;
- иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорлик;
- ишсизлик даражаси;
- ишсизлар сонининг бўш иш ўринларига нисбати;
- аҳолининг саводхонлик даражаси;
- аҳоли даромадлар бўйича табақаланиши ва бошқалар.

Ушбу индикаторлар орқали мамлакат минтақа (ҳудуд) лари ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар аниқланади ва гуруҳланади. Шу асосда минтақа (ҳудуд) лар ривожланган, ўртача ривожланган ва ривожланишдан орқада қолганлар гуруҳига ажратилади.

Минтақа иқтисодий хавфсизлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакат ривожланишининг ўртача даражасидан фарқланиши даражасига боғлиқдир.

Минтақа иқтисодий хавфсизлиги объектларига қуйидагилар киради:

- минтақа аҳолисининг иш билан бандлиги;
- аҳоли турмуш даражаси;
- меҳнат мотивацияси;
- аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабати;
- ички минтақавий (ҳудудий) бозор;
- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги;
- минтақа ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлиги;
- минтақа (ҳудуд) нинг экологик ҳолати;
- минтақа (ҳудуд) саноат ишлаб чиқаришининг таркиби ва бошқалар²⁸⁶.

Минтақа хавфсизлигига таҳдидлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

²⁸⁶ Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник СПб.: Питер 2007. Глава 8.

– ижтимоий-сиёсий таҳдидлар. Уларга ишсизлик даражаси ва динамикаси; меҳнат мотивациясининг кучсизланиши; ижтимоий боқимандаликнинг кўпайиши туфайли иш билан бандларнинг меҳнат юклагасининг ўсиши; минтақа аҳолиси турмуш даражаси ва динамикаси; аҳоли даромадларининг табақаланиши, озик-овқатлар билан таъминланганлиги ва х.к. киради;

– тизимли бошқариш тавсифидаги таҳдидлар. Улар таркибига ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши; ишлаб чиқариш қувватлари бандлигининг паст даражадалиги, айрим ишлаб чиқаришларнинг ёпилиши, тўхтатилиши, илмий-техникавий потенциалнинг пасайиши, минтақа маҳсулоти рақобатбардошлигининг пасайиши, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишларининг тўхтатилиши, минтақада молиявий барқарорлигининг бузилиши ва шу каби кўрсаткичлар киради;

– ташқи иқтисодий таҳдидлар. Улар таркибига экспортга товар чиқаруви тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши, ташқи бозор ҳажмининг, ташқи савдо айланмаси ҳажмларининг қисқариши ва пасайиши, экспорт таркибида илм талаб, юқори технологик, истеъмолга тайёр маҳсулотлар улушининг камайиши, экспорт таркибида ҳам ашё товарлари улушининг катталиги, минтақавий бозорларнинг инвестициявий жозибдорлигининг пасайиши, озик-овқат мустақиллигининг йўқотилиши ва озик-овқат импортига боғлиқликнинг ўсиши, минтақа ички бозорида четдан келтириладиган импорт маҳсулотлари улушининг ўсиши кабилар киради²⁸⁷.

Минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатувчи таҳдид ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича минтақалар ўртасидаги табақаланишнинг кучайиши, айрим минтақа (ҳудуд)

²⁸⁷ Қарн: Безопасность экономического пространства хозяйствующего субъекта / Петренко И.Н. –М.: Анкил, 2005 Глова 2,4; Внешнеэкономическая деятельность региона: содержание и проблемы развития; Сборник статей. –Ростов Н/Дону: РИО Ростовского филиала РТА, 2005-С. 28-53; Внешне экономический комплекс региона: содержание и особенности формирования; Сб. научных трудов. –Ростов Н/Д: РИО Ростовского филиала РТА, 2007; С 14-43.

ривожланишидаги турғунлик ва танглик ҳолатининг юзага келиши ҳисобланади.

Минтақа (ҳудуд) иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– хавфсизлик ва химоя объектлари;

– хавф-хатар ва таҳдид субъектлари;

– хавф-хатар ва таҳдидлар юзага келиши ва тарқалиши хусусиятлари;

– юзага келиш мумкин бўлган зарарлар;

– хавфсизликни таъминловчи тизимларнинг мақсади, вазибалари ва амал қилиш механизмлари.

Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда минтақа (ҳудуд) ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

– мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексининг бузилиши, барҳам топиши. Бунинг натижасида тармоқлараро ва минтақа (ҳудуд) лараро алоқалар узилади, ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқаради ва асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши жадаллашади;

– мамлакат агросаноат комплексидаги узилишларнинг юзага келиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларининг камайишига, давлат томонидан тармоқни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қисқариши минтақа ривожланишига салбий таъсир кўрсатади;

– минтақада зарар кўриб ишлайдиган корхоналар сонининг кўлаيши, маҳсулот сотиш бозоридан маҳрум бўлиш, жаҳон ва мамлакат ички бозорларида ҳудудий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пасайиши, асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг кучайиши минтақа иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади;

– аҳоли турмуш даражасида минтақавий табақаланишнинг кучайиши, ижтимоий инфратузилма объектларининг эскириши ва ишдан чиқиши, туғилишнинг қисқариши, она-

лар ва болалар ўлимининг кўпайиши, кутилаётган умр узоклигининг қисқариши каби омиллар минтака ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасининг пасайишига, унинг хавфсизлигига таҳдидларнинг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги даврда минтакалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги табақаланишининг кучайиши, ундаги фарқларнинг катталашиб бориши минтакалар рақобатбардошлигининг пасайишига, хавф-хатарларнинг кучайишига, минтака иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда жиддий муаммолар туғдиради.

Минтака хавфсизлиги даражаси унинг рақобатбардошлиги даражасига боғлиқдир. Минтака иқтисодиётининг рақобатбардошлигини баҳолашда эса қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳларидан фойдаланилади:

- 1) аҳоли турмуш даражаси;
- 2) меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги;
- 3) демографик ҳолат;
- 4) ишлаб чиқариш салоҳияти;
- 5) илмий-техникавий салоҳият;
- 6) бюджет-молия соҳаси;
- 7) инвестициявий муҳит;
- 8) экологик ҳолат;
- 9) ҳуқуқ тартибот.

Ушбу гуруҳлар кўрсаткичлари асосида минтақавий ривожланиш тўғрисидаги маълумотларни мамлакат ривожланишининг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланади. Бунинг оқибатида минтака хавфсизлигини ифодаловчи мезонлар тизими аниқланади. Шунингдек, минтакаларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишининг ўртача кўрсаткичларига нисбатан қай даражада фарқланиши ҳам аниқланади.

Минтака хавфсизлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар умум мамлакат кўрсаткичлари билан таққосланади:

— ҳудудий ялпи маҳсулот ҳажми ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши;

– ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми;

– саноат ишлаб чиқаришида ишлаб берувчи саноат ва машинасозликнинг улуши;

– ички истеъмол ҳажмида импорт улуши;

– экспорт ҳажмининг минтақавий ишлаб чиқаришдаги улуши;

– умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси;

– ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми, яъни ҳиссаси;

– инфляция даражаси;

– ишсизлик кўрсаткичлари;

– замонавий технологияларнинг минтақавий иқтисодиётга жорий қилиниши;

– илмий тадқиқот ишларига қилинган ҳаражатларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши.

Ушбу кўрсаткичлар орқали минтақа иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлиги ҳолати ва даражаси, ҳамда унга таҳдидлар аниқланади. Бунинг натижасида ушбу таҳлиллар асосида минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва уни амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқилади.

16.3. Минтақа (ҳудуд) иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми

Минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш минтақавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада кўзланган асосий мақсад мамлакат ва унинг минтақа (ҳудуд) лари рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш қуйидагиларга йўналтирилади:

– мамлакат ва унинг минтақа (ҳудуд) ларини халқаро бозорлар билан интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва ҳудудлар бўйича

оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, ихтисослашуви ва кооперациялашувини таъминлаш орқали мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишга эришиш;

– минтақа (худуд) лар инфратузилмаларини ривожлантириш;


– минтақаларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

– минтақа (худуд) лар ривожланишидаги фарқларни қисқартириш.

Ўзбекистонда мишлий иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришида ҳудудларнинг роли сезиларли даражада ошди. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган мақсадли ҳудудий дастурлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот 2016 йилда 2000 йилга нисбатан Тошкент шаҳрида 4,3 мартага, Қорақалпоғистон Республикасида 3,5 мартага, Жиззах вилоятида 3,9 мартага, Самарқанд вилоятида 3,8 мартага, Андижон вилоятида 3,3 мартага, Сурхондарё вилоятида 3,3 мартага ўсди²⁸⁸.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотекисликни уларнинг республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаларидаги фарқларни таҳлил қилиш орқали ифодалаш мумкин. Республика ЯИМини ишлаб чиқаришда 2017 йилда Тошкент шаҳри 15,5%, Тошкент вилояти 9,4%, Самарқанд вилояти 7,4%, Қашқадарё вилояти 7,0% улушга эга бўлди (16.3.1-расм)

²⁸⁸ Mustaqillik yillarida (1991-2016 yillar) O'zbekiston Respublikasining makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili// stat.uz/uz



16.3.1-расм. 2017 йилда ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки (ЯИМга нисбатан%да) ²⁸⁹

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ЯИМни шакллантиришда ЯҲМ нинг улуши Қорақалпоғистон Республикасининг, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг энг паст даражададир. Бу ҳол мазкур ҳудудларнинг катта-кичиклиги, улардаги ЯҲМ ҳажми ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг бошқа ҳудудлардагига қараганда бирмунча орқада қолаётганлиги билан изоҳланади. Аммо бу кўрсаткич улар ўртасидаги фарқларни тўлиқ ифода қила олмайди. Ўзбекистонда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқланиш даражасини ЯҲМ, саноат ва бошқа тармоқларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган

²⁸⁹ Mustaqillik yillarida (1991-2016 yillar) O'zbekiston Respublikasining makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili //stat.uz/uz.

маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг ўртача республика даражасига нисбатан ҳисобланган индекс бўйича таҳлил қилиш мумкин. Таҳлиллар шунки кўрсатмоқдаки, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республика ҳудудлари ўртасидаги фарқланиш вариацияси 2010 йилдаги 5,1 мартадан 2016 йилда 3,6 мартага камайган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори даражада ривожланган ҳудуд билан энг қуйи поғонадаги ҳудуд ўртасидаги фарқ 2010 йилда 16,5 мартадан 2016 йилда 12,8 мартага, шу даврга мос равишда аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги фарқ 12,6 мартадан 11,8 мартага, пуллик хизмат кўрсатиш бўйича 14,1 мартадан 7,8 мартага камайган (қаранг: 16.3.1-жадвал).

16.3.1-жадвал.

Ўзбекистонда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фарқланиш даражаси (аҳоли жон бошига индекс бўйича) ²⁹⁰

Ҳудудлар	Ялпи ҳудудий маҳсулот		Саноат маҳсулоти		Истеъмол маҳсулотлари		Пуллик хизматлар	
	2010	2016	2010	2010	2010	2016	2010	2016
Қорақалпоғистон Республикаси	0,387	0,577	0,209	0,685	0,235	0,430	0,451	0,566
Андижон в.	0,654	0,613	1,377	0,762	2,952	1,278	0,999	0,605
Бухоро в.	0,999	0,954	0,713	0,895	0,862	1,025	1,924	0,798
Жиззах в.	0,592	0,608	0,291	0,431	0,413	0,614	0,542	0,551
Қашқадарё в.	0,842	0,778	1,265	0,903	0,325	0,564	0,510	0,522
Навоий в.	1,744	1,801	3,445	3,269	0,676	1,541	1,083	1,016
Наманган в.	0,487	0,536	0,276	0,370	0,487	0,558	1,253	0,518
Самарқанд в.	0,553	0,621	0,421	0,622	0,938	0,954	1,570	0,583
Сурхондарё в.	0,486	0,601	0,247	0,255	0,243	0,256	0,404	0,553
Сирдарё в.	0,638	0,840	0,451	1,250	0,528	1,228	0,695	0,520
Тошкент в.	0,977	1,167	1,359	1,717	1,074	1,398	0,825	1,050

²⁹⁰ Ўзбекистон иқтисодийоти: ахборот-таҳлилий бюллетени январь-декабрь 2016 йил-Т.: ИТМ, 2017.-90,91,93-бетлар маълумотлари асосида тузилди.

Фаргона в.	0,603	0,629	0,735	0,656	0,643	0,623	1,463	0,535
Хоразм в.	0,564	0,643	0,256	0,453	0,431	0,648	1,463	0,535
Тошкент ш.	1,985	2,088	2,227	1,682	2,896	3,013	5,702	4,033
Ўзбекистон республикаси	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Вариация даражаси (марта)	5,1	3,6	16,5	12,8	12,6	11,8	14,1	7,8
Навий вилоятини ҳисобга олмаганда			10,6	10,5				

Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш дастури-ни ишлаб чиқишда куйидагилар амалга оширилади:

1. Миллий ва минтакавий иқтисодиёт доирасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

2. Ҳар бир минтақа (худуд) нинг мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари классификациясидаги ўрни аниқланади.

3. Минтақа (худуд) даги ижтимоий-иқтисодий аҳвол таҳлил қилинади.

4. Минтақа (худуд) нинг асосий иқтисодий манфаатлари аниқланади.

5. Минтақа (худуд) иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар классификацияси ишлаб чиқилади.

6. Минтақа иқтисодий хавфсизлигига реал ва потенциал таҳдидлар аниқланади.

7. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш индикаторлари, усуллари белгиланади.

8. Минтақаларда ҳаёт фаолияти соҳалари бўйича турғунлик ва танглик ҳолатлари баҳоланади.

9. Минтақа иқтисодий хавфсизлиги максадлари белгиланади.

10. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган минтакавий сиёсатнинг устувор вазифалари ишлаб чиқилади.

11. Минтақа (худуд) ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади.

12. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуи ишлаб чиқилади ва белгиланади.

13. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг вазифалари, ваколатлари белгиланади.

14. Минтақа иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиб бориш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади.

Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун мамлакатда локомотив ва таянч минтақаларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Локомотив минтақа деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган минтақага айтилади:

– минтақада юк ва йўловчи ташиш оқимлари барқарор ўсиши кузатилади;

– минтақада мамлакат учун аҳамиятли бўлган нуфузли илғор илмий-таълим маркази фаолият юритади;

– бутун мамлакат учун аҳамиятга эга бўлган стратегик таъаббус шаклланади;

– юқори илмий-техникавий, интеллектуал, кадрлар ва ижтимоий потенциалга эга бўлиш;

– мамлакат иқтисодий ривожланишида салмоқли улушга эга, яъни ЯИМдаги улуши юқори бўлиши лозим;

– минтақада давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ўртасида стратегик ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши;

– 10-15 йиллик истиқболда ушбу минтақа қўшни минтақа ва худудлар ривожланишига туртки бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатни территориал ривожлантириш бош схемасига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, уни янада ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

– мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш. Ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи оқимларини, инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш марказларини тўплашга мувофиқ бўлинади;

– бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади. бошқа минтақа (ҳудуд) лар учун янгиликлар яратиш манбасига айлантирилади. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг буюртмаларини бериш, айрим ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

– мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

– мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда территориал-тармоқ кластерлар муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи ҳудудларда айрим товарлар, бутловчи қисмларни, хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Асакадаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганлиги ҳамда ҳозирги вақтда мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилаётган пахтачилик-текстиль кластерлари мисол бўлади.

Кластер ҳудуд манфаатини корхоналар манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер терриориал-ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиб, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда мазкур ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилайдди, ҳудудни ҳар томонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер

иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлигини, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш ишларини биргаликда амалга ошириш, тажриба, билим ва асосий фондлардан биргаликда фойдаланиш, рискларни камайтиришда, жаҳон бозорларига чиқишда, ҳудудни ривожлантириш ва ободанлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа (ҳудуд) иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепциясида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот таъминотларига асосланилади.

Бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақа, ҳудуднинг кучсиз ва кучли томонлари, имкониётлари ва таҳдид, хавф-хатарлар аниқланади. Минтақани ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади.

Инерцион ривожланиш сценарийсида барча тенденциялар амалда сақланади.

Экспортга йўналтирилган ривожланиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилади.

Мобилизацион ривожлантириш сценарийсида ички захираларни, ресурсларни, иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобга олинади ва ривожланиши мақсадида фойдаланишга йўналтирилади.

Мутаносиб ўсиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ва ички ресурсларни мобилизация қилиш вариантлари синтез қилинади, яъни уйғунлаштирилади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини прогнозлаштириш ва асослашда минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳам

ҳал этиш кўзда тутилади. Умуман ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда куйидаги вазифалар белгиланади ва ҳал қилинади:

– ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва кўламлари асосланади;

– ривожланишнинг объектив қонуниятлари ва тенденциялари ҳисобга олинади;

– товар ва хизматлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари, молиявий бозорлар шаклланиши ва ривожланиши истикболлари аниқланади;

– минтақа ижтимоий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши йўналишлари белгиланади;

– таркибий ва инвестициявий сиёсат йўналишлари шакллантирилади;

– минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муаммолар, тургунлик ва танглик ҳолатлари аниқланиб, уларни ҳал этиш босқичлари ҳамда муддатлари белгиланади;

– вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий муносабатларни самарали ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўналишлари асосланади;

– экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

– ташқи муҳитнинг аҳволини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар асосланади ва ишлаб чиқилади²⁹¹.

Минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзини ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи ва оқилона бошқариладиган ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва терристорналь-маъмурий бирлик сифатида ривожланишига имконият яратади.

²⁹¹ Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону, 2007. С.340-346.

16.4. Ўзбекистонда минтақа (ҳудуд) ни иқтисодий ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий даражаларидаги ва иқтисодий-табiiий салоҳиятидаги фарқларни камайтириш ҳамда иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун ҳудудий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш зарур бўлади.

Ҳудудни иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясини асослашнинг қуйидаги йўналишларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

– ҳудуд ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш; бу босқичда ҳудуднинг эришган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси таҳлил қилинади;

– ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясини асослаш; ривожланиш истикболлари прогноз қилинади; стратегия асосланади, ҳудуд ривожланишини тартибга солиш методлари танланади;

– концепция ишлаб чиқиш ва ҳудуд ривожланишини давлат ва бозор механизмлари орқали тартиблаш методларини танлаш;

– ҳудуднинг молиявий ресурслари ўсишини прогноз қилиш; бюджет даромад қисмини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўллари излаш; бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг янги манбаларини аниқлаш, турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорликдан, хорижий инвесторлардан ва нобюджет жамғармаларидан қўшимча маблағларни жалб этиш²⁹².

²⁹² Қаранг: Регулирование территориального развития в условиях рыночной экономики / Под ред. Б.М.Штульберга. М., 1993. -С.73; Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика – Т: IQTISOD-MOLIYA; 2005. – С. 165.

Давлат томонидан ҳудудларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

1. Саноатни ривожлантириш дастурлари.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларида фойдаланилмоқда.

– ҳудудларда маҳсулот ҳажмини, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ва ҳудудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;

– қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

– қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;

– табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;

– зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини ва самарали фермер хўжаликларини шакллантириш жараёнлари давом эттирилади, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

3. Ҳудудлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишни тартибга солиш.

Эндilikда республика ҳудудларида, айниқса кам ривожланган ҳудудларда қўшма корхоналар ташкил қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида мақсадли дастурлар тузиш ҳамда уларни рағбатлантириш учун солиқ, бож, кредит имтиёзлари механизмини яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш. Худудларда темир йўллар, автомобил йўлларини қуриш ҳудудий сиёсатнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бунинг оқибатида худудларнинг вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий алоқалари кучаяди. тадбиркорлик ва бизнес ривожланиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратилади.

5. Худудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузишда маълум тамойилларга асосланиш керак бўлади. Бу тамойиллар минтақавий иқтисодий фани нуқтаи-назаридан қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

– худудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мақсадлилиги;

– худудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ресурсларни тўплаш ва йўналтириш;

– белгиланган ҳаракатни назорат қилиш ва тартиблаш имкониятларининг очиклиги;

– худудни ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг индивидуаллиги;

– қўллаб-қувватлаш механизмнинг таъсирчанлиги;

– республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамкорлиги ва улар фаолиятининг уйғунлиги.

Худудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Худудий дастурларни бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ва омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Худудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган дастурларнинг бажарилишига қўпгина ҳолларда қуйидаги омиллар тўсқинлик қилиши мумкин:

– республика ва худудий мақсадли дастурларни танлашнинг синалган тизимларининг мавжуд эмаслиги, уларни

амалга оширишнинг ва бажариш кетма-кетлигининг етарли даражада асосланмаганлиги:

- республика тармоқ дастурларининг ҳудудий жиҳатларининг етарли даражада ишланмаганлиги;

- тармоқ дастурлари ҳудудий жиҳатлари мониторингининг йўқлиги;

- республика ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш механизмининг мустаҳкам эмаслиги.

Республика ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда мақсадли-дастурлаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб пировард натижага эришиш учун иқтисодий ресурсларни йўналтиришни таъминлашни ифодалайди. Унинг ёрдамида энг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий ривожланиш муаммолари ҳал этилади. Бу муаммолар амалда тармоқлараро ёки ҳудудлараро тавсифга эга бўлиб, халқ ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлади.

Мақсадли дастурлар ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб корхона, мамлакат ва халқаро миқёсда тузилади. Дастурлар ўз ичига пировард ва оралик мақсадларни, вазифаларни, уларни амалга ошириш чора-тадбирларни, ресурслар таъминотини олиши керак.

Дастур мақсади ўлчамга эга бўлиши, чора-тадбирлар тизими эса пировард ва оралик мақсадларни амалга ошириш нуқтан-назаридан ишлаб чиқилиши лозим.

Мақсадли ҳудудий дастурлар ҳудудларнинг ривожланишини тартибга солишнинг самарали методи сифатида давлат, маҳаллий, жамоавий, шахсий манфаатларни уйғунлаштириши ҳамда жамиятнинг барча аҳоли табақаларини давлатнинг ҳудудий сиёсатини амалга оширишга даъват этадиган, йўналтирадиган бўлиши керак. Шунингдек, ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари мамлакатда амал қилаётган қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилиши лозим.

Ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан қўзланган

асосий мақсад ҳудудий иқтисодиётни унинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташқи манбаларни жалб этиш йўли билан мутаносиб ва оқилона ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбулардан келиб чиқиб, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қўйидаги вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

– ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни умумий баҳолаш ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденцияларини, иқтисодий ўсиш муаммоларини ва резервларини аниқлаш;

– ҳудуднинг маҳаллий минерал-хомашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат даражаларини таҳлил қилиш;

– ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудуднинг ихтисослашиш соҳасини, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;

– маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёлардан самарали фойдаланишга асосланган янги экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаш, жаҳон даражасидаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кам чиқиндилли ва чиқиндисиз технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни вужудга келтириш;

– ҳудудда қулай, жозибадор инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвесторлар, маҳаллий корхоналар, тадбиркорлар, аҳоли маблағлари ва ресурсларини кенгроқ жалб этиш;

– аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашнинг механизминини ишлаб чиқиш;

– хўжалик субъектлари ўртасида ракобат шароитини ва тўлақонли бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

– худудни озик-овкат маҳсулотлари ва бошка оммавий истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини ошириш;

– кишлок аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириши учун қулай шароитларни шакллантириш. Бунинг учун худудга маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали унинг худуд ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш;

– худуднинг ташки иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, экспорт ва импорт таркибини оқиланалаштириш, худудда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини янада яхшилаш ва янги қўшма корхоналарни ташкил этиш.

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш учун аввалом бор худуддаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни умумий баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўтган даврдаги худуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши тавсифи берилди. Бунда худуднинг саноат, кишлок хўжалиги ва ижтимоий салоҳиятини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

2. Худуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражаси ва аҳоли тўғрисидаги таҳлилга асосланиб, унинг ривожланишидаги ижобий ва салбий тенденциялари, иқтисодий ривожланиш резервлари ва фойдаланилмаган имкониятлари аниқланади. Шунингдек, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолари аниқланади.

3. Амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижалари, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши, шунингдек, худудий бозор инфратузилмаси аҳоли баҳоланади.

4. Худуддаги тармоқлар ва йирик саноат корхоналарининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил қилинади, уларнинг иш натижалари ёки орқада қолишининг сабаблари ва омиллари аниқланади.

5. Саноат ривожланиши, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши даражаси белгиланади, ишлаб чиқариш қувватларини экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш ва кенгайтириш учун қўшимча захиралар ва ресурслар аниқланади. Худуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда устувор аҳамиятли тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар аниқланади.

6. Худуд аҳолисини ўзида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлиги, уларни худуддан чиқариш ва киритиш баланси, агроресурс саноатидан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ва чорва моллари маҳсулдорлигининг ўсиши (пасайиши) омиллари ва сабаблари баҳоланади.

Худуднинг табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Худуднинг меҳнат, ер-сув ва минерал хомашё ресурслари билан таъминланганлиги миқдорий ва сифат баҳоси берялади.

2. Худуддаги демографик вазият, аҳолининг иш билан бандлиги кейинги ўн йиллик давр бўйича баҳоланади. Ишсизлик даражаси, шу жумладан унинг яширин шакллари баҳоланиб, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони прогноз қилинади.

3. Фойдали қазилма бойликлари захиралари, уларнинг ўзлаштирилган аҳоли таҳлил қилинади. Худуд минерал-хомашё базаси имкониятлари, қўшимча молиявий ресурсларни жалб этишни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Шунингдек, қазиб чиқарувчи корхоналарнинг фойдали қазилма бойликлари билан таъминлангани, уларнинг конларни ўзлаштириш харажатлари ўрганилади.

4. Худуднинг ер-сув ресурслари билан таъминлангани, ерларнинг мелиоратив аҳволи, ер бонитетлари ўрганилиб, мелиоратив яхшилаш истикболлари ўрганилади.

5. Худуднинг ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа инфратузилма салоҳияти ўрганилади. Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари ва хизматлари билан таъминланганлиги даражаси баҳоланади.

6. Худудда ишлаб чиқарувчи кучларини, янги корхоналарни жойлаштириш учун истикболли туман, шаҳар, йирик аҳоли яшаш пунктлари тавланади.

Худудни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўналишлари белгиланади. Ривожлантириш дастурларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Дастурда худудни иқтисодий ва ижтимоий истикболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари баён қилинади. Бунда асосий эътибор янги ишчи ўринлари, табиий, молиявий, меҳнат ресурсларини, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилади.

Бу йўналишлар қуйидагиларни ифодалаш лозим:

1. Худуднинг истикболдаги эҳтиёжлари ва худудлараро айрибошлаш имкониятларини кенгайтириш асосида иқтисодий мақбул тармоқ ва ишлаб чиқаришлар аниқланади. Истикболда тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқ таркибининг ўзгариши, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми прогноз қилинади. Бунда амалдаги корхоналарни техник, технологик ва ташкилий жиҳатдан янгилаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш янада чуқурлаштирилади, нисбатан кичик корхоналар ривожлантирилади. Бу корхоналарда маҳаллий минерал-ҳомашё ва кишлоқ хўжалик ресурсларидан фойдаланилади.

2. Худудда янги корхоналарни қуриш, фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш, ихтисослигини

Ўзгартириш зарурлиги асосланади. Йирик объектларга қўшимча маблағлар жалб қилиш ҳисоб-китоблари амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, экин майдонлари таркибининг ўзгариши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг нагурал ҳажми прогноз қилинади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ва манбалари белгиланади. Янги технологияларни жорий этиш кўзда тутилади.

4. Худудда хомашёларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган тугалланган циклдаги ишлаб чиқариш тармоқларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш шахобчаларини вужудга келтириш, хорижий инвестицияли қўшма корхоналарни вужудга келтириш орқали янги замонавий технологияларни, хўжалик юритиш шаклларини ва бошқариш усулларини жорий этиш.

5. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида транспорт тизими ва коммуникацияларини ривожлантириш истиқболларини асослаш.

6. Мулкдорлар синфини вужудга келтириш бўйича вазифаларни ҳал этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиётдаги улуғини кўпайтириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш қўламлари, параметрлари белгиланади. Бунда ташқи савдо таркибий тузилишини такомиллаштиришга, маҳаллий хомашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

8. Дастурда табиий ташқи муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбирлари ишлаб чиқилади.

9. Худуддаги корхона ва ташкилотлар учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳар бир ҳудудий дастурда уни амалга ошириш механизми кўзда тутилиши керак. Бу механизмда дастурни молиявий, иқтисодий ресурслар билан таъминланиши муҳим ўрин тутади.

Дастурни ишлаб чиқишда ҳар бир тадбир ва тармоқ бўйича турли ресурсларга бўлган талаб, эҳтиёж ҳисоб-китоб қилинади. Шундан сўнг дастур бўйича унинг ресурслар билан таъминланиш манбалари аниқланади. Дастурларда ресурслар баланслаштирилади. Мақсадлар ва ресурслар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади.

Дастурларни молиялаштириш манбаларини аниқлаштиришда аввалом бор маҳаллий ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинади.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органи маҳаллий бюджет, тадбиркорлар ва корхоналар ўз маблағлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли маблағларини, жалб қилинадиган хорижий инвесторлар ва худуддан ташқаридаги ташкилот, корхоналар маблағларини ҳамда банк кредитларини ҳудудий дастурни амалга оширишга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим бўлади.

Шунингдек, ҳудудий дастурларни амалга оширишда республика бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини ҳам жалб этилиши мумкин.

Дастурларни ишлаб чиқишда ундан кутилаётган натижалар қандай бўлиши олдиндан белгиланиши лозим. Дастурларни амалга оширишнинг иқтисодий-иқтисодий натижалари сифатида ҳудудий ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, уларнинг умумий ҳажми, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатлари олинади. Шунингдек, аҳоли

турмуш даражаси ва унинг иш билан бандлиги, аҳоли жон бошига даромадларининг ўсиши, ҳудуд аҳолисининг газ, электр энергия, тоза ичимлик суви, уй-жой билан таъминланишининг яхшиланиши, ҳудуднинг ўзини-ўзи озик-овқат, бошқа истеъмол товарлари билан таъминланишининг яхшиланиши кўрсаткичлари дастурларнинг бажарилиши натижалари ҳисобланади.

Дастурларнинг бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Дастурларни амалга оширишда бутун масъулият жойлардаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари зиммасига юклатилади. Мақсадли ҳудудий дастурни эксперт баҳолаш, умумий назорат қилишни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бошқарма ва бўлинмалари амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 2017 йил 8 август, ПҚ-3182-сон қарорига биноан ҳудудлар секторларга бўлиниб, уларга раҳбарлар белгиланди, секторлар раҳбарларига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан жавобгарлик юкланди ҳамда ваколатлар берилди. Бунда республика ҳукумати ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, амалга оширишдаги ваколатлари ва вазифалари аниқ белгиланиши лозим бўлади.

Ҳудудий дастурларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– етарли даражада ривожланмаган, умумреспублика даражасидан орқада қолаётган ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишнинг ягона методикасини тасдиқлаш;

– республика шаҳар ва кишлоқ туманларидаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволни мониторинг қилиш, уларнинг ривожланиш даражаларига кўра типологиясини ишлаб чиқиш;

– ҳудудий дастурларни, орқада қолган туман ва шаҳарларни кўллаб-қувватлаш дастурларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш.

Жойларда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини самарали бошқариш мақсадида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқ бўлади:

– ҳудудий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, ҳудудий дастурни тузиш бўйича таклифлар бериш;

– дастур асосида кўллаб-қувватлашга муҳтож, муаммоли шаҳар, туман, аҳоли пунктларини ажратиш ва белгилаш;

– улар асосида маҳаллий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш, уларни республиканинг ҳудудий сифёти устуворликлари ва тамойилларига мувофиқлаштириш;

– маҳаллий дастурлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва улар асосида ягона ҳудудий дастурларни шакллантириш ҳамда уларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун ҳудудий ривожлантириш бўйича Республика комиссиясига тақдим этиш;

– маҳаллий дастурларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш ва бажарилишини назорат қилиш, дастур бўйича жорий ахборотларни, ҳисоботларни мунтазам бериб бориш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-ҳомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, минтакалар ижтимо-

ий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камай-тириш;

– янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

– субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

– ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозимлиги** ҳақидаги масалага тўхталиб ўтар экан “Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилда 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда. Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Оқибатда, республиканинг 27 та туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак. Бу масалани, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари алоҳида назоратга олиши керак”²⁹³, -деб таъкидлаган. Давлатимиз раҳбари ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг қуйидаги тадбирларини белгилаб берди:

– 2019 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш;

²⁹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи. 2019 йил 29 декабр.

– бугунги кундаги мамлакатимизнинг урбанизация даражасини 35,5 фоиздан 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқиш. Бу борада факат пойтахт ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларни эмас, аввало, ҳудудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантириш эътибор марказида туриши керак;

– қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш дастурларидан босқичма-босқич шаҳар ва посёлкаларда кўп қаватли уйлар қуришга ўтиш. Мухандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳам уй-жойларни қуриш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш.

– шу билан бирга, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун махсус жамғарма тузилади. Бинолар ва иншоотлар жойлашган ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ана шу жамғармада тўпланади.

– бу янги тизим орқали ҳудудларимиз қиёфасини янада обод қилишга ва аҳоли фаровонлигини оширишга эришиш²⁹⁴.

Асосий таянч тушунчалар

Минтақа, ҳудуд, минтақа иқтисодиёти, минтақавий сиёсат, минтақа иқтисодий хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий индикаторлар, кўрсаткичлар, минтақа иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар, ҳудудлар ривожланишидаги тенгсизлик, минтақа рақобатбардошлиги, минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси, территориял-тармоқ кластери, минтақа хавфсизлигини бошқариш тизими.

Такрорлаш учун саволлар

1. Минтақа иқтисодиёти тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?

2. Қандай омиллар минтақавий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади?

²⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2019 йил 29 декабр.

3. Минтақавий сиёсат тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?

4. Минтақавий сиёсатнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари нималардан иборат?

5. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг мақсади ва вазифалари нималарда ўз ифодасини топади?

6. Минтақа иқтисодий хавфсизлигининг мазмунини тушунтириб беринг?

7. Минтақа иқтисодий хавфсизлигига қандай таҳдидлар мавжуд?

8. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни қандай кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин?

9. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини қандай кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин?

10. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак?

11. Территориал-тармоқ кластери нима?

12. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қандай дастурлар ишлаб чиқиш мумкин?

13. Минтақаларнинг ривожланиш даражаларидаги тафовутларни камайтириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак?

17-БОБ. ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

17.1. Хуфёна иқтисодиёт мазмуни ва вужудга келиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хуфёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чора-тадбирлар муҳим ўрин тутди. Қриминал элементларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий муассасаларга, соҳаларга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига кириб бориши оқибатида миллий бойлик, давлат бюджети даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда иштирокининг кенгайиб бориши миллий ва шу жумладан иқтисодий хавфсизликка жиддий хавф солади.

Хуфёна иқтисодиёт, коррупция, уюшган жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Иқтисодий адабиётларда хуфёна иқтисодиётга турли таърифлар берилган:

1. Хуфёна иқтисодиёт қонун асосида ман қилинган фаолият турлари деб таърифланади.
2. Хуфёна иқтисодиёт иқтисодий фаолиятнинг кузатилмаган ва яширин фаолият тури.
3. Хуфёна иқтисодиёт расмий статистикада у ёки бу сабабларга кўра ҳисобга олинмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ялпи ички маҳсулот таркибига киритилмайди ҳамда солиққа тортишдан четда қолади.

Хуфёналик – шахсларнинг кундалик фаолиятни ташкил қилишда мавжуд ҳуқуқ (қонун) нормаларидан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуққа, яъни анъаналар ва урф-одатларда қайд этилган нормаларга ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқ доирасидан четга чиқувчи механизмларига муурожаат этишидан иборат.

Иқтисодий фаолиятни хуфёна амалга ошириш, биринчи навбатда, қонун доирасидаги ҳаракат билан, яъни юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва учинчи шахслардан химоялаш харажатлари назарда тутилади. Де Сото ушбу харажатларни «қонунга бўйсунмиш баҳоси», дея таърифлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

– қонундан фойдаланиш харажатлари (юримдик шахсни рўйхатга олиш, лицензия олиш, банкда ҳисобварақлар очилиш, юримдик манзилга эга бўлиш ва бошқа расмиятчиликларни бажариш харажатлари);

– қонун доирасида фаолиятни давом эттириш зарурати билан боғлиқ харажатлар (соликларни тўлаш); меҳнат муносабатлари соҳасида қонун талабларини бажариш (иш кунининг узунлиги, энг кам иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар); ошқора суд тизими доирасида низоларни ҳал этишда суд харажатларини тўлаш²⁹⁵.

Маъшхур иқтисодчи Э.Файг хуфёна иқтисодий ҳаракатларнинг тўртта хилини ажратади: нолегал (маъфий, яширинча), ҳисобга олинмаган, рўйхатга олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият.

1. Нолегал иқтисодиёт. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг қонуний шакллари соҳасини белгилаб берувчи, юримдик нормативларни бузувчи иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромаднинг синоними сифатида иштирок этади. Нолегал тадбиркорлар таъқиқланган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ва уларни тақсимлашда иштирок этади (ғиёҳвондлик моддаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, чайковчилар томонидан валюта айирбошланиши ва ҳ.к.).

²⁹⁵ Қаранг: Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: ўқув қўлланма / Б.Б. Беркинов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти, Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 61-62-бетлар.

2. Ҳисобга олинмаган иктисодиёт. Ҳисобга олинмаган иктисодиёт институционал жиҳатдан ўрнатилган, солиқ кодексида қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иктисодий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисобга олинмаган иктисодиётдан олинган даромадлар солиқ органларига хабар қилинмайди. Бунда “солиқ бўшлиғи” – солиқ тушумларини назарда тутувчи сумма билан амалда олинган даромад ўртасидаги фарқ юзага келади.

3. Рўйхатга олинмаган иктисодиёт. Рўйхатга олинмаган иктисодиёт ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иктисодий фаолият туридан таркиб топган. Бу ерда давлат миллий статистика тизимида рўйхатга олинмаган даромад суммаси асосий кўрсаткич ҳисобланади. Э.Файгнинг фикрига кўра, рўйхатга олинмаган даромад – бу амалдаги умумий даромад билан статистика тизими томонидан қайд этиладиган даромад ўртасидаги фарқдир. Ривожланаётган мамлакатларда уйда ишлаб чиқариш рўйхатга олинмаган иктисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

4. Норасмий иктисодиёт. Норасмий иктисодиёт жамият фойдасини ҳамда мулкчилик муносабатларини, лицензиялашни, меҳнат шартномаларини, молиявий кредитлаш ва ижтимоий суғурталаш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва маъмурий қоидалар билан белгиланган ҳуқуқларни бузган ҳолда алоҳида харажатларни тежовчи иктисодий фаолиятни ўз ичига олади. У норасмий фаолият юритувчи иктисодий агентлар томонидан олинмаган даромадлар билан ўлчанади²⁹⁶.

²⁹⁶ Қаранг: Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: нео-институциональный подход. – М.: РГГУ, 2000. – С.147-148; Беркинов Б.Б. Институционал иктисодиёт: ўқув қўлланма / Б.Б. Беркинов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент давлат иктисодиёт ун-ти. Институционал ва иктисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 64-65-бетлар.

Хуфёна иқтисодиёт миллий хавфсизликка таҳдид сифатида алоҳида шахслар, шахслар гуруҳи, институционал субъектлари ўртасидаги моддий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш юзасидан бўладиган муносабатлар йиғиндиси бўлиб, унинг натижалари расмий статистикада ҳисобга олинмайди ва солиққа тортилмайди.

Хуфёна иқтисодиёт амал қилиши давлат иқтисодий хавфсизлигига потенциал ва реал хавф, таҳдид солади. У нормал иқтисодий жараёнларга, расмий иқтисодиётда содир бўладиган даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланиши, халқаро савдо, инвестициялаш, иқтисодий ўсиш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Иқтисодий фанда иқтисодиётнинг қайси секторга, яъни норасмий, криминал, фиктив, хуфёна ёки очиқ, расмий иқтисодиётга тегишли эканлигини аниқлашда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

- давлатнинг фискал (солиқ) манфаатлари;
- ЯИМнинг реал ҳажми;
- ҳуқуқий параметрлар;
- ҳўжалик субъектлари ўзаро ҳаракати тавсифи.

Хуфёна иқтисодиёт даромадларни солиққа тортишдан яширишда намоён бўлади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

– турли банкларда бир неча ҳисоб рақамларини очиб, улар орқали бухгалтерия ҳисобида тўлиқ кўрсатилмаган ҳолда пул операцияларини амалга ошириш;

– траст, вексел ва бошқа ҳисоблардан фойдаланиш;

– “иккиёқлама бухгалтерия” юритиш, нақд пуллар билан муомала қилиш, шу орқали даромад ва пул тушумларини солиқдан яшириш;

– корхонани бир шаҳар, туманда рўйхатдан ўтказиш, аммо ҳисоб рақамини бошқа шаҳар, тумандаги банкларда очиб орқали солиқ тўлашдан корхона рўйхатга олинган жойда ва фаолият юритган жойда ҳам қочади, яъни бўйин товлашади;

– ҳисобга олинмаган харажатлар ҳисобига сотилаётган маҳсулот (хизмат, ишлар) нинг таннархини ошириб кўрсатиш;

– расмий ҳисоб ва тўлов ҳужжатларида томонларнинг келишувига асосан бажарилган иш (кўрсатилган хизматлар) қиймати паст нархларда кўрсатилади, унинг қолган қисмини нақд пул шаклида ўзаро таксимлаб оладилар. Нақд пуллардаги даромад солиққа тортишдан яширилади.

Хуфёна иқтисодиёт диорасида амалга ошириладиган операцияларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

– тўлик бухгалтерлик ҳисобидан чиқарилган, ҳеч қаерда ҳисобга олинмайдиган хўжалик-молия операциялари. Бундай операцияларни ҳуқуқий жиҳатдан рўйхатга олинган ва умуман рўйхатга олинмаган корхоналар томонидан амалга оширилади;

– қисман яширилган операциялар. Бунда корхоналар томонидан амалга оширилган операцияларнинг бир қисми, яъни олинган даромаднинг бир қисми бухгалтерия ҳисобга олинмайди, солиққа тортишдан яширилади.

Хуфёна иқтисодиёт амалдаги қонунчиликка зид келиши ёки зид келмаслиги нуқтаи назаридан криминал, жиноий ёки кузатилмаган хуфёна иқтисодиёт секторларига ажратилади. Криминал, яъни жиноий, қора хуфёна иқтисодиётда умуман иқтисодий фаолият яширилади. Кузатилмаган, норасмий иқтисодиёт секторида сарф харажат ёки даромад яширилади ёки умуман ҳисобга олинмайди²⁹⁷.

Криминал, жиноий хуфёна иқтисодиётни ноқонуний ишлаб чиқариш, яширин ишлаб чиқариш ва онгли равишда олдиндан режалаштириб, ғаразли мақсадларни кўзлаб килинган жиноятлар ташкил этади.

Ноқонуний ишлаб чиқаришга бизнес ва тадбиркорлик шаклида ташкил этилган қонунчиликда қатъиян ман қилин-

²⁹⁷ Қаранг: Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб.: Питер 2007. Глава 12; Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства: Учебник. –М.: Дело, 2005. –С 11-43.

ган фаолият турлари киради. Бундай фаолият турларига қуйидагилар киради:

- курол-яроғлар ишлаб чиқариш ва сотиш;
- нарқобизнес;
- конгтрабанда;
- киморхона, кимор ўйинларини ташкил этиш;
- одам савдоси;
- фоҳишалик ва ҳ.к.

Ушбу фаолият турлари яширин, нолегал корхона, цех, яширин бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ёки расмий равишда фаолият юритаётган корхоналар (фирмалар) шаклида ташкил этилади.

Яширин, жинорий хуфёна иқтисодиёт доирасида уюшган жиноятчилик вужудга келиб ривожланади. Уюшган жиноятчиликка асосланган жинорий хуфёна иқтисодиёт кўпгина ҳолатларда юкорида баён қилинган конунчиликда ман қилинган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Яширин ишлаб чиқаришдан кўзланган мақсад ҳаддан ташқари юкори даромад олиш, солиқ тўламаслик, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси коидаларини бузиш йўли билан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юкори трансакция хоражатларининг мавжудлигидир. Хуфёна ишлаб чиқариш ташкиллаштирилган, уюшган жиноятчилик асосида ёки мустақил якка тартибдаги жиноятчилик асосида амалга оширилади.

Жинорий уюшган иқтисодий фаолият шаклларида бири рэкетдир. Рэкет одамларни кўрқитиш, шантаж қилишга асосланган бизнес деб ҳисобланади. Рэкет таъмагирлик ва криминал монополия шаклларида намоён бўлади. Таъмагирлик зўравонлик ёки криминал рақобат усуллари орқали бизнес субъектларига таҳдид килиб, улардан пул ундириш ҳисобланади. Криминал монополия жинорий воситалардан фойдаланиб рақобатчини курқитиш ёки йўқ қилишдир.

Яширин, рўйхатга олинмаган корхона ва ишлаб чиқаришларни, цехларни ташкил этишнинг асосий сабаблари кичик

ёки ўрта бизнес ва тадбиркорликни ташкил қилишда юқори технологик харажатлар қилишнинг қийинлиги, оғирлиги, яширин ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга юқори монополь нархларни белгилаш, шу билан юқори даромад олиш имкониятининг юқорилиги.

Яширин ишлаб чиқариш қонунчилиқда рухсат этилган фаолият доирасида лицензия олмасдан, рухсатсиз ёки фаолият учун ҳуқуқи бўла туриб, солиқдан қочиш, даромадни солиққа тортишдан яшириб фаолият юритишда намоён бўлади.

Норасмий, қузатилмаган иқтисодий сектори қонунчилиқда ман қилинмаган фаолиятлар доирасида ноформал иш билан бандлик, ҳеч қандай ҳуқуқий ҳужжатларсиз фаолият юритадиган хўжалик субъектларидир. Унга ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган, ноформал тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчилар қиради. Ушбу фаолият натижасида олинган даромадлар солиққа тортилмайди. Шу билан бирга улар ижтимоий тўловлар ҳам тўламаганликлари учун ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этишда иштирок этмайдилар.

Хуфёна иқтисодий иқтисодий фаолият натижаларига кўра маҳсулдор ёки фиктив шаклларда ҳам намоён бўлади. Маҳсулдор хуфёна иқтисодий одатдаги товар ва хизматлар ёки кишиларнинг деструктив эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда ифодаланлади. Фиктив иқтисодий расмий иқтисодий доирасида қўшиб ёзиш, ўзлаштириш, порахўрлик, товламачилик, харидорларни алдаш, сифатсиз, ностандарт маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида даромадлар олишда намоён бўлади.

Фиктив иқтисодийда хўжалик субъекти норасмий иқтисодий алоқалар, фаолият муҳити, шароитига эга бўлиш орқали қўшимча сунъий равишда даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Сунъий шароитлар орқали қўшимча даромад олиш имконияти, шароитлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– айрим корхоналарга асосли бўлмаган ҳолда фаолият имтиёзларининг берилиши;

– давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида айрим хўжалик субъектларига асоссиз равишда устунлик, имтиёз бериш;

– мулк муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан етарли даражада тартибга солинмаганлиги;

– мулк, даромад, моддий неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларига маъмурий бошқарув органларининг таъсир кўрсатиш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Хуфёна иқтисодиёт ижтимоий ишлаб чиқариш босқичларига кўра хуфёна ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол шаклларида намоён бўлади. Хуфёна ишлаб чиқариш ноқонуний, ҳисобга олинмаган, яширин, майда ишлаб чиқариш, сифатсиз маҳсулотлар чиқариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан нораціонал фойдаланишда намоён бўлади.

Хуфёна тақсимлаш даромадларни ноқонуний тақсимлаш, махсус тақсимот, давлат мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, фуқаролар хусусий мулкига тажовуз қилиш ва унга нисбатан жиноятларда ифодаланади.

Хуфёна айирбошлаш ноқонуний савдо, харидорларни алдаш, ноқонуний тарзда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш шаклларида юз беради.

Хуфёна истеъмол ноқонуний йўл билан топилган неъматларни истеъмол қилиш, хизматлардан ноқонуний фойдаланиш, жамиятда қабул қилинмаган, кишиларнинг деструктив эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳамда ана шундай характердаги хизматлардан фойдаланиш.

Хуфёна иқтисодиёт барча товарлар ва хизматлар, ресурслар бозорини ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларини камраб олади. Шунингдек, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган, расмий рўйхатга олинмаган ва ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар хуфёна иқтисодиёт субъектлари бўлиши мумкин.

Хуқукий шахс мақомига эга бўлган хўжалик субъектлари яширин ишлаб чиқариш ва айирбошлаш билан шуғулланадилар. Расмий рўйхатга олинмаган хўжалик субъектларига қуйидагилар киради:

– уй хўжалиги ва корхоналарга нақд пулга ёки натура шаклидаги тўловлар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркор сифатида расмий рўйхатга олинмаган жисмоний шахслар;

– аҳолиги пуллик уй ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

– легал товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи яширин корхоналар, цехлар. Уларнинг фаолияти статистика ва бухгалтерияда ҳисобга олинмайди.

Хуфёна иқтисодиёт микро, мезо, макро ва мегаиктисодиёт даражаларида фаолият юритади. Жаҳон микёсида хуфёна иқтисодиёт банк ва корпоратив соҳаларида молиявий-иқтисодий жиноятлар, нарқобизнес, фохишабозлик, одам савдоси, порнабизнес, яширин қурол савдоси, “харом пулларни оқлаш”, яъни жиноятчилик орқали топилган пулларни легаллаштириш ҳамда коррупция шаклларида намоён бўлади.

17.2. Коррупция ва унинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари

Коррупция ва жиноятчилик ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “жамиятда жиноий” “хуфёна иқтисодиёт”нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаришини, давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолишини баён этиб “Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мадақдор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятта келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига

тўғридан-тўғри таҳдидир”²⁹⁸, – деб таъкидлаган.

Коррупция иқтисодиёт соҳасида давлат ҳокимияти тузилмалари билан жиноятчилик тузилмаларининг бирикиб, кўшилиб кетиши, сиёсий ва жамоат арбобларининг ҳоинлиги ва сотқинлигидир. Шунингдек, коррупция жиноятчилигининг бир тури бўлиб, мансабдор шахслар, сиёсий жамоат арбобларидан айримларининг ўз хизмат, мансаб ҳуқуқлари, ваколатларидан давлат ва жамиятга зарар келтирган ҳолда бойиш, ўз шахсий бойлигини орттириш мақсадида фойдаланиш ҳисобланади.

Коррупция (лат.*corruptio* – айниш, порага сотилиш) – мамлакат иқтисодий ресурсларига, давлат мулкани тақсимлаш жараёнларида унинг бир қисмига эга бўлиш мақсадида уюшган жиноий гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун кўювчи давлат хизмати амалдорларини ўз домига илнтириб, улардан фойдаланиши ва улар билан бирикиб, кўшилиб кетишидир. Коррупция – хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфёна иқтисодиётнинг кўринишидир.

Халқаро ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчасига БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да тўхталинган бўлиб, унда коррупция деганда “... мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги” тушунилади дейилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақалараро семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор ко-

²⁹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.- 87-88-бетлар.

дексида “коррупция – бу мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб мансабини суниистъмом қилиш, шунингдек, давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан ғайриконуний фойдаланиш кўринишларидир”, дейилади.

Европа Кенгаши гуруҳининг коррупция муаммолари бўйича 1995 йил 22-24 февралда Страсбургда ўтказилган биринчи сессиясида “коррупция – давлат ёки хусусий тизим мансабдор шахсларини уларнинг мансаб ваколатлари доирасида ўзларининг вазифаларини бузиб бажаришлари учун уларни пора эвазига оғдириб олинishiдир”, деб таъриф берилган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупцияга энг қисқа, лекин кенг қамровли таъриф куйидагича берилган: “Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суниистъмом қилишдир”. Коррупция – мансабдор шахсларнинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларини шахсий бойлик орттириш мақсадларида бевосита суниистъмом қилишидан иборат жиноят. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади. Коррупция давлат аппарати ва парламент фаолиятида авж олади. Сайланадиган лавозимларга ва депутатликка номзодлар сайлов компаниясини ўтказишда харажатларни тўлаш коррупция кўринишларидан биридир. Кейинчалик сайланган киши турли имтиёзлар, ёрдам, хизматлар кўрсатиб “ўз қарзини” қайтаради, узади. Аксарият коррупция лоббизм (монополияларнинг қонунчилик органлари ва амалдорларга тазйиқ ўтказиш билан шуғулланадиган муассаса ва агентлари тизими) билан боғланган²⁹⁹.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига биноан коррупция – шахсларнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд

²⁹⁹ Қаранг: Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодийга оид аъма ва гуруҳчаларнинг изоҳли дугали.-Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”,2017.-292-293-бетлар.

Ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш; манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият³⁰⁰.

Порахўрлик хуфёна иқтисодийнинг бир тури бўлиб, турли консультантлар, агент, воситачиларга, расмий шахсларга хизматларига ҳақ тўлаш ҳам ҳисобланади. Бунда пора берувчи наф ёки фойда олиш каби мақсадларини амалга ошириш мақсадида унга шароит яратиб берувчи мансабдор, ваколатли шахсларга пора беради³⁰¹.

Порахўрликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

- бизнесни бошлаш учун руҳсат олиш, рўйхатдан ўтиш, қулай шароит яратишга интилиш;
- корхона рақобатчиларини йўлдан олиб ташлаш, уларни бозордан, фаолият соҳасидан суриб чиқариш;
- давлат хизматларига, давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эришиш, бу йўлда мансабдор шахслар тазйики, қаршилигини енгитиш;
- солиқ тўловлари бўйича қарздорликни камайтиришга интилиш;
- тартибга солинувчи нархни ошириш учун руҳсат олиш;

³⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.

³⁰¹ Маънавийат: изоҳли лугат. –Т.: Гафур Фулом НМИУ, 2009. 476-477-бет.

– ўз ходимлари, ўзининг ва оиласининг, бизнесининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пора беришга мажбур бўлиш³⁰².

Коррупциянинг вужудга келишига сабаб бўладиган омил ва шароитлар қуйидагиларда намоён бўлади:

– амалдаги қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги, ундаги зиддиятлар, қонуи ва қонуи ости меъёрий ҳужжатларнинг бир-бирига зидлиги, қонунларни амалиётга жорий қилиш механизмнинг ишламаслиги;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳужжатик бошқарувида бюрократия, маъмуриятчиликнинг ривожланганлиги, бошқарув тизимида мансабдор шахсларнинг ҳаддан ташқари қўпайиб кетиши, бошқарув тизимида бир-бирининг функцияларини такрорлашларнинг кўплиги;

– бизнес ва тадбиркорликни рўйхатга олиш, рухсат бериш ва уларни тугатиш процедураларининг ҳаддан ташқари чигаллиги, қўп босқичли эканлиги, мураккаблиги;

– ишбилармон ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятининг йўқлиги ёки саёзлиги;

– давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, ишбилармон, тадбиркорларнинг ахлоқи-маънавиятининг саёзлиги ва бошқалар.

Жиноий ҳуфёна иқтисодиётнинг бир шакли жиноятчилик йўли билан топилган, ҳаром пулларни, даромадларни оқлашга, легаллаштиришга интилишдир.

Жиноятчиликдан олинган даромадларнинг келиб чиқиш манбаларини яшириш, келажакда жиноятнинг очилиб қолишининг, жиноий жавобгарликка тортилишнинг олдини олиш мақсадида, уларни легаллаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– банкларда йирик пул маблағлари ҳисоб варақасини очиш ва кейинчалик бошқа хорижий банкларга пулни кўчириш;

³⁰² Қаранг: Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов Н/Дону: Феникс, 2007. С164-165.

- кам миқдорли маблағларни депозитларга қўйиш;
- қариндошлар, ёрдамчиларга, бошқа шахслар номига банкларда ҳисоб варақаларини очиш;
- бир ҳисоб варақасидан бошқасига ўтказиш усулидан кенг фойдаланиш;
- фиктив корхоналардан, оффшор зоналардаги корхоналардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Жиноий хуфёна иқтисодиётнинг яна бир кўриниши наркобизнес бўлиб, наркотик моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш, улар билан савдо қилиш билан шугулланадилар. Хуфёна иқтисодиёт мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигига жиддий таҳдид солгани учун ҳам унга қарши кураш механизмини шакллантириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

17.3. Хуфёна иқтисодиётга қарши кураш усуллари

Хуфёна иқтисодиётга қарши кураш усулларини ва воситаларини белгилаш учун аввалом бор, унинг кўламини ва динамикасини аниқлаш лозим бўлади.

Ривожланган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт кўламинини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Индикаторлар услуги. Уларнинг таркибида тўғридан-тўғри ва билвосита (эгри) услублар мавжуд. Тўғридан-тўғри услублар ўз ичига маҳсус кузатув, сўровлар ўтказиш, айрим солиқ тўловчилар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номувофикликларни аниқлаш мақсадида текширишлар, таҳлиллар ўтказишни ўз ичига олади. Билвосита (эгри) услублар ўз ичига бандлик кўрсаткичлари бўйича, монетар услубларини ўз ичига олади.

2. Енгил моделлаштириш услуги, яъни детерминантларни баҳолаш. Ушбу услубда хуфёна иқтисодиётни аниқлаштирувчи жами кўрсаткичлар танлаб олиниб, унинг нисбий ҳажмлари ҳисобланади.

3. Структуравий таркибий услубларда турли ишлаб чиқариш тармоқларида хуфёна иктисодиёт ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, ахборотлардан фойдаланилади.

4. Аралаш услубларда хуфёна иктисодиёт ҳажмларига боғлиқ ўлчовлардан яъни детерминант ва индикаторларни ҳисобга олган ҳолда моделлар яратилади.

5. Хуфёна иктисодиётни баҳолашда макроиктисодий кўрсаткичларни интеграл баҳолаш.

6. Расмий статистика кўрсаткичларини турли қайта ва қўшимча ҳисоблашлар асосида хуфёна иктисодиётни ва унинг алоҳида элементларини баҳолаш³⁰³.

Хуфёна хўжалик айланмаси, табиийки, расмий статистикага киритилмаслиги боис, хуфёна иктисодиёт ўлчамларини баҳолаш муаммоси ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу мақсад учун қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилади:

– монетар усул, у хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотеза асосида қурилади (нақд пул массаси ҳаракатининг динамикаси хуфёна иктисодиётнинг ўлчамлари ҳақида фикр юритиш имконини беради):

– харажатлар ва даромадлар баланслари усули, унда декларация қилинадиган даромадлар ва харажатлар суммаси, товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади:

– бандликни таҳлил қилиш, у шуни назарда тутадикки, узоқ вақт мобайнида сақланиб келаётган рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юкори даражаси хуфёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради (рўйхатга олинмаган ишсизлар сони хуфёна иктисодиётнинг ўлчамларидан билвосита далолат беради);

– технологик коэффициентлар усули, у харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳақидаги маълумотларни

³⁰³ Қаранг: Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону: Феникс, 2007. С-171.

олиш имконини беради (масалан, истеъмол қилинадиган электр энергиясининг динамикаси ва декларация қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар таққосланади);

– уй хўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш усули, у хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамига эксперт баҳоларини беради;

– социологик усул, у хуфёна битимлар амалга ошириладиган алоҳида меъёрларни, уларнинг жамиятда тарқалганлигини, битимларни тузишда қанчалик қўлланишини таҳлил қилишдан иборат³⁰⁴.

Хуфёна иқтисодиётга қарши курашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– радикал-либерал, яъни дастлабки жамғарилган капитал энг юқори суръатларига мақсадли чекловлар белгилаш йўли;

– репрессив усуллар хуфёна иқтисодий фаолиятга қарши ҳуқуқ-тартиб, хавфсизлик органлари фаолиятини кенгайтириш ва кучайтиришни тақозо этади;

– бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни таъминлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш билан ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи.

Хуфёна иқтисодиётга нисбатан ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш қуйидагиларга йўналтирилади:

– жиноий хуфёна иқтисодиёт ва қузатилмаган, норасмий хўжалик фаолият билан шуғулланувчилар капиталини аниқ фарқ қилиш, бир-биридан ажратиш ҳамда бу фарқни қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш;

– бизнес ва тадбиркорлик учун қулай ҳуқуқий ва хўжалик муҳитини яратиш ҳамда бу муҳитни барқарорлаштириш;

– аҳоли жамғармалари, капиталини, хусусий мулкни давлат томонидан ҳимоя қилишни кафолатлаш, аҳолини тур-

³⁰⁴ Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: ўқув қўлланма / Б.Б. Беркинов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти. Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 65-66-бетлар.

ли хил товламачиликлардан давлат томонидан ҳимоялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– расмий иктисодиёт соҳаларига йўналтирилладиган пул маблағларини легаллигини, қалоллигини текширувчи, тасдиқловчи ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи муассасалар фаолияти механизмини яратиш ва такомиллаштириб бориш;

– давлат ва хўжалик бошқаруви тизими раҳбар ва масъул ходимларининг даромадларининг манбаларини, улар харажатларининг даромадларига мувофиқлиги, мулкӣ аҳволини текшириш механизмини такомиллаштириш, молиявий назорат қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш, хуфёна иктисодиёт субъектлари фаолиятига маъмурий, жамоат ва жиноий-ҳуқуқӣ таъсир чораларини такомиллаштириш зарур бўлади.

Хуфёна иктисодӣ фаолиятга қарши курашнинг энг муҳим йўналишлари куйидагилардан иборат:

1. Ноқонунӣ бизнес ва тадбиркорликнинг олдини олиш ва барҳам бериш.

2. Ёлғон, сохта тадбиркорликка қарши кураш. Бунда ёлғон, сохта тадбиркорлик ноқонунӣ фаолиятни яшириш, кредит олиш, солиқдан озод бўлиш ва бошқа мулкӣ наф ва фойда олиш учун тадбиркорлик фаолиятини юритишни ният қилмасдан сохта тадбиркорлик, бизнес корхонасини номигагина очишади. Бундай корхонада ҳеч қандай фаолият юритилмайди. Ундан банк кредитини олиш, жиноят йўли билан топилган даромадни легаллаштириш учун фойдаланиш мақсадида номигагина, ёлғондакам очишади. Улар ўз мақсадларига эришганларидан кейин бу корхонани тезда ёпишади. Шу боисдан бундай ёлғон тадбиркорликка қарши қатъӣ ҳуқуқӣ жавобгарлик чораларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

3. Тижорат мақсадида сотиб олиш-давлат ва хўжалик бошқарувида фаолият кўрсатаётган мансабдор шахсларга ноқонунӣ тарзда пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулкӣ

қийматларни ўз хизмат мавқеидан келиб чиққан ҳолда кўрсатган хизмати, яъни тижорат ёки банк сирини ошкор қилгани, пора берувчига ноқонуний ҳатти-ҳаракати учун шароит яратиб бергани учун пул ўтказиш, бериш ҳисобланади. Қонунчиликда тижорат, банк сирлари бўлган маълумотларни, ҳужжатларни ўғирлаш, сотиб олиш, қўрқитиш, таҳдид қилиш каби ноқонуний тарзда йиғишга интилишнинг олдини олиш, жавобгарликка тартишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни кучайтириш ва амалда қўллаш керак бўлади.

4. Жиноий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши таъсирчан механизмни яратиш.

5. Сохта банкротликка қарши қонунчиликда белгиланган жавобгарликни янада ошириш.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашларига қарши чора-тадбирларни, жазо чораларини қўллаш.

7. Контрабандага, мамлакатга товарларни ноқонуний тарзда олиб кириш ва ташқарига ноқонуний тарзда товарларни олиб чиқиб кетишга қарши таъсирчан тизимни қарор топтириш⁵⁰⁵.

Жиноий хуфёна иқтисодиёт ва коррупция ҳамда уюшган иқтисодий жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида миллий, минтақавий, тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, бизнес ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини яратиш, улар учун қулай муҳитни вужудга келтириш, шунингдек, молиявий-хўжалик назорат тизимларини муттасил такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

⁵⁰⁵ Қаранг: Ланд П. Организованная преступность тайная история самого прибыльного бизнеса в мире: пер с англ. –М.: АСТ: Астрель, 2005 –С 11-43; Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2006. 27-38-бетлар.

17.4. Ўтиш иқтисодиёти шароитида коррупция ва жиноий хуфёна иқтисодиётга қарши кураш

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афеуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсик, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид тугдиради”³⁰⁶, – деб таъкидлаган.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида жиноий хуфёна иқтисодиётнинг вужудга келишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

– тоталитар, қўмондонлик-буйруқбозликка асосланган тизимдан унга ракобатчи сифатида вужудга келган жиноий хуфёна иқтисодиётнинг мерос бўлиб қолганлиги;

– иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган шароитда мулкни қайта таксимлаш жараёнида аҳолининг асосий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлиги, ҳали бу борада тажрибаси йўқлигидан фойдаланиб қолишга интилиш;

– янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши;

– бозор инфраструктураси, банк-молия, солиққа тортиш тизимининг эндигина қарор топаётганлиги, унда жиноий ҳатти-ҳаракатларга қарши механизмнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

– назорат органлари, жу жумладан божхона, молиявий назорат органлари тизимининг эндигина ривожланаётганлиги;

– иқтисодий ноқонуний ҳатти-ҳаракатлардан ҳимояланишнинг ҳуқуқий механизмнинг шаклланиш ва қарор топиш босқичида эканлиги;

³⁰⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 85-бет.

– бизнес ва хусусий талбиркорликни рўйхатга олиш, қўллаш тизимининг етарли даражада такомиллашмаганлиги;

– бизнес ва хусусий талбиркорлик, ҳўжалик фаолиятига турли давлат ва назорат органлари томонидан ноўрин ара-лашувининг сақланиб қолганлиги, уларнинг ривожланишига маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Буларнинг натижасида ўтиш иқтисодиёти шароитида жинойий хуфёна иқтисодиётнинг мавжудлиги бир томондан уюшган жиноятчиликни, иккинчи томондан унга мададкор бўлган коррупцияни келтириб чикарди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов тарихий тажриба, ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи янги мустақил давлатлардаги воқелик коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка соладиган қуйидаги тахдидларни кўрсатиб берган.

Биринчидан, шаклланаётган янги иқтисодий муносабатларга қаршилиқ қилиш учун ҳаракат қиладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан “хуфёна” иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупция янги бозор иқтисодий муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни йўлини тўсиб қўйишга интилади, чунки у бундай имконга эга.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади, ижтимоий бекарорлик ва одамларда қўрқув ҳисси кучаяди.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириб, жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантиради, бошболдоқлик туғдиради ҳамда эски замонларни, “қудратли кучли кўл”ни кумсаш ҳиссини туғдиради.

Тўртинчидан, жинойий йўл билан нопок дарамад, пул тошган кишилар ҳокимиятга интиладилар. Агар улар ҳокими-

ят тузилмаларига чиқиб олиб, бошқариш тизгинини ўз қўлларига олсалар нималар бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Жинорий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чапишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фукараларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Мамлакат ичкарисиди ҳам, ташкарисиди ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутилиб қолишга, жинорий сармояларини ҳимоя қилиш учун интилаётган кимсалар вазиятни бекарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга, ҳар қандай жирканч ишларни қилишга шай турадилар.

Олтинчидан, жинорий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилиши.

Еттинчидан, жиноятчилик ва коррупция мамлакат иктисодиётига хорижий инвестицияларни киритишни истаган чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади ва уларни қўчи-тиб қўяди. Бунинг оқибатида мамлакат капитал маблағлари манбидан, замонавий техника ва технологиялардан, менежментдан, жаҳон хўжалик тизимига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи вужудга келади³⁰⁷.

Ўзбекистонда жинорий ҳуфёна иктисодиётга, коррупцияга қарши курашнинг узок муддатли стратегияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу стратегия доврасидаги жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Иктисодиётни эркинлаштириш, иктисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил бориш.

³⁰⁷ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 92-93-бетлар; Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (глобал контекст). –Т.: Академия, 2007. -218-230-бетлар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало, кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим:

– очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– “яшириқ” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш³⁰⁸-деб таъкидлаган.

2.Халол тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **“Бешикчидан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар жадал давом эттирилади.** Буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари **“Муваффақиятни–саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса–лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим”**, деб бежиз айтмаганлар. Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз. Жаҳон банкининг бизнес юритиш соҳасидаги рейтингда мамлакатимиз қурилиш бўйича 134-ўринни эгаллаган. Бу эса соҳада кўплаб му-

³⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр./Халқ сўзи, 2018йил 29 декабр.

аммолар борлигидан далолат беради. Мисол учун, қурилиш соҳасида руҳсат беришга оид 17 та тартиб мавжуд бўлиб, уларни олиш учун ўртача 246 кун сарфланади. Бу адолатсизлик эмасми? Вазирлар Маҳкамаси зудлик билан ушбу соҳага доир норма ва қоидаларни такомиллаштириш чораларини кўриб чиқиши керак¹⁰⁹, -деб таъкидлаган.

3.Иқтисодийётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш лозим. Бу борада Президент Ш.М. Мирзиёев “Бугунги кунда мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486 тасида давлат улуши 52 триллион сўмни ташкил этмоқда. Ёқилги-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштироки юкори даражада сақланиб қолаётгани уларни бозор механизмлари асосида ривожлантириш, инвестициялар жалб этишга тўсқинлик қилмоқда. Айрим вазирликлар ўзи назорат қиладиган соҳадаги корхоналарда таъсисчи экани эркин ва соғлом рақобатга йўл бермаяпти, буням бугун очик айтиш керак. Бундай тизимни энди ўзгартирмасак, ушбу тармоқларда ҳам ва умуман, иқтисодийётда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди.

Давлат активлари тартибсиз бошқарилаётгани ҳам самарадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда 972 та давлат корхонаси активларининг атиги 21 фоизи Давлат рақобат қўмитаси томонидан, қолган 79 фоизи вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан бошқарилмоқда. Бундай ёндашув сўнгги 27 йил давомида давлат корхоналарини қандай аҳволга олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Авиасозлик саноати каби бутун бир соҳа йўқ бўлиб кетди. Мавжуд тизимни тартибга солиш мақсадида Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни мустақил агентлик этиб қайта ташкил қилиш лозим. Бу Агентлик давлат мулкни бошқариш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, акция ва облигациялар чиқариш йўли билан уларни молиявий соғломлаштириш, ху-

¹⁰⁹ Ўшн ерда.

сусийлаштириш жараёнларига бош-қош бўлади³¹⁰-деб бу борадаги муаммоларни ҳал этиш вазифасини белгилаб берди.

4.Ўзбекистонда ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш. Бу суд ҳуқуқ тизимини, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилишни таъминлаш, мамлакатимизда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга иттиқорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди. Ўзбекистон Бош прокуратураси 2018 йил давомида мамлакат бўйлаб жами 1561 мансабдор шахс жиний жавобгарликка тортилганини маълум қилди. Бош прокуратура матбуот хизмати берган хабарга кўра, мулозимларнинг 580 нафари хўжалик юритувчи субъект раҳбари, 257 нафари таълим соҳаси ва 83 нафари соғлиқни сақлаш тизими раҳбари бўлган. Шунингдек, жиний жавобгарликка тортилган амалдорларнинг 39 нафари давлат идораларида раҳбарлик қилган. Прокуратура берган маълумотга кўра, амалдорларнинг 821 нафари мулкни ўзлаштириш ёки талон-торож, 138 нафари эса порада айбланиб, жазога тортилган³¹¹.

Шу боисдан давлат раҳбари куйидаги вазифаларни белгилаб берди:

Биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Иккинчидан, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш талаб этилади.

³¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.//Халқ сўзи, 2018йил 29 декабр.

³¹¹ Рузихонов А. Ўзбекистонда қанча амалдор коррупцияга қўл урди? // <https://kun.uz/news/2019/02/13/ozbekistonda-qancha-amaldor-korrupsiyaga-qol-urdi>

Учинчидан, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим³¹².

5. Фуқароларнинг турли, шу жумладан иқтисодий ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг яхши ҳимоя ҳисобланади. Одамларда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантириш.

6. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши мурасасизлик ва умумий қоралаш муҳитини вужудга келтириш. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очиклик ва шаффофлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги³¹³.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, улар-

³¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

³¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни, 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон, 4-модда.

га имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш³¹⁴.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

– давлат органлари фаолиятининг очиклигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан маъсулиятини кучайтириш;

– коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

– давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

– давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

– давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

– давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиклик, бегаразлик, адолатлилик ва ҳолислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда қўтарилиш тизимини жорий этиш;

³¹⁴ Уша ерда, 5-модда.

– давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

– давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

– давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, ҳолисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт³¹⁵.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

³¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. 2017 йил 3 январь. ЎРК-419-сон.19-модда.

– маъмурий ва бюрократик тўсикларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, руҳсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш;

– давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашинишга йўл қўймаслик;

– давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шакллари кенг жорий этиш;

– тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик;

– давлат харидларининг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, шаффофликни таъминлаш ҳамда рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;

– таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

– нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашининг самарали механизмларини жорий этиш.

Қонун ҳужжатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин³¹⁶.

Асосий таянч тушунчалар

Хуфёна иқтисодиёт, кузатилмаган иқтисод, хуфёна иқтисодиётнинг вужудга келиши сабаблари ва ривожланиш оқи-

³¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. 2017 йил 3 январь. ЎРҚ-419-сон.20-модда.

батлари, коррупция, солиқдан қочиш, нарқобизнес, терроризм иқтисодиёти, хуфёна иқтисодиётнинг намоён бўлиш шакллари, иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш йўналишлари ҳамда услублари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хуфёна, норасмий, расмий иқтисодиёт тушунчаларининг мазмуни ва фаркли хусусиятларини тушунтириб беринг.

2. Хуфёна иқтисодиётнинг намоён шакллари нималардан иборат?

3. Хуфёна иқтисодиёт ва коррупциянинг миллий иқтисодиётга қандай таъдирлари мавжуд?

4. Хуфёна иқтисодиёт ҳажми ва динамикаси қандай ўлчанади?

5. Хуфёна иқтисодиётга қарши кураш қандай усулларда олиб борилади?

6. Ўтиш иқтисодиётида жиноий хуфёна иқтисодиёт қандай хусусиятларга эга?

7. Янги давлат шароитида жиноий хуфёна ва коррупцияга қарши қандай тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади?

8. Коррупция нима ва унинг намоён бўлиш шакллари нималардан иборат?

9. Коррупциянинг келиб чиқиши сабабаларини тушунтириб беринг.

10. Ўзбекистонда коррупцияга қарши қандай чоралар кўрилмоқда?

11. Давлат бошқаруви тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари нималардан иборат?

12. Ижтимоий-иқтисодий ва тадбиркорлик соҳаларида коррупциянинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?

18-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ


18.1. Давлатнинг миллий иқтисодий хавфсизлиги ва унинг таркибий элементлари

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги – мамлакат иқтисодиётининг ҳар қандай нохуш вазиятларда ҳам жамиятнинг узлуксиз ва барқарор ривожланишини, унинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашга қодир бўлган ҳамда ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг миллий манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ишончли тарзда ҳимояланган ҳолати ҳисобланади.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳамда ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси, фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан миллий иқтисодиётда фойдаланиш ҳамда ҳозирги вақтда инновацион ривожланиш йўлига қай даражада ва қўламда ўтганлиги билан белгиланади. Шу боисдан давлат иқтисодий хавфсизлигининг моддий асоси кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни, барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириб боришни, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлашга қодир бўлган ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар ташкил этади.

Бизнингча, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор равишда ички имкониятлар ва манбалар асосида ҳар қандай ҳолатларда, шу жумладан, нохуш ҳолатларда ҳам ўз-ўзидан ривожланишга ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга қодирлигини ҳамда зарар ва йўқотишларни қоплайдиган компенсацион салоҳиятга эгаллигини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси кенг камровли ва мураккаб жиҳатларга эга бўлганлиги туфайли иқтисодий адабиётларда турли ёндашувлар асосида таърифланади (қаранг: 18.1.1-расм).



18.1.1-расм. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги тушунчаларининг мазмуни³¹⁷.

Давлат иқтисодий хавфсизлигининг объекти давлат, мамлакатнинг табиий ва миллий бойлиги, жамиятнинг барча институтлари, аҳоли, шахс, мамлакат иқтисодиётининг бар-

³¹⁷ Сущность экономической безопасности государства // implehomebusinesssystem.com/sushhnost-ekonomicheskoy-bezopasnosti-gosudarstva/; Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.-М., 2009.-С.7 асосида муаллиф томонидан тузилган.

ча даражаларидаги хўжалик субъектлари, шунингдек, унинг муҳим иқтисодий манфаатлари ҳисобланади

Давлат иқтисодий хавфсизлигининг субъектларини қонунчилик, ижро, суд ҳокимияти органлари орқали ўзининг вазифаларини амалга оширувчи давлат ва у билан ўзаро алоқадорликда фаолият юритувчи фуқаролик жамияти институтлари бўлган жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, иқтисодиётнинг барча даражаларидаги хўжалик субъектлари, уй хўжаликлари ҳамда алоҳида шахслар ташкил этади. Давлат мамлакат микёсида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий субъекти ҳисобланади. У барча хавфсизлик субъектлари фаолиятини умуммиллий мақсадларга эришишга йўналтирувчи, тартибга солувчи ва бошқарувчи вазифасини бажаради.

Давлат иқтисодий хавфсизлиги тизими ишлаб чиқаришнинг моддий таъминлаш, ишчи кучининг ҳолати, асосий ишлаб чиқариш капиталининг (фондининг) замонавийлиги, илмий тадқиқотлар, технологик янгиликлар ва инновацион ишланмалар соҳасининг ривожланганлиги, ички ва ташқи бозорларда миллий товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ҳамда сотилиши имкониятлари каби таркибий элементларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Умуман, давлат иқтисодий хавфсизлигининг асосий компонентлари қуйидагилардан иборат:

- соноатнинг салоҳияти;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси;
- табиий ресурсларнинг заҳиралари;
- мамлакатнинг географик жойлашуви;
- ижтимоий-демографик ривожланиш даражаси;
- давлатнинг иқтисодиётни бошқариш, тартибга солиш даражаси ва самарадорлиги³¹⁸.

Давлат иқтисодий хавфсизлигининг таркибий элементларига технологик, техник-ишлаб чиқариш, валюта-кредит,

³¹⁸ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.-М., 2009.-С.7.

хомашёвий, энергетик, экологик, ахборот хавфсизликлари киради.

Давлат иктисодий хавфсизлигининг технологик таркибий қисми мамлакатнинг илмий-технологик ҳолатини ифодалайди. Мамлакатнинг илмий-технологик салоҳияти фуқаролик ва ҳарбий-мудофаавий ишлаб чиқариш соҳаларида қисқа давр мобайнида энг янги технологик ишланмаларни мустақил равишда яратиш имкониятига эга бўлишини ифодалайди.

Давлатнинг иктисодий хавфсизлигини таъминлашнинг техник — ишлаб чиқариш таркибий қисми ташки иктисодий алоқалар бузилганда ва ички ижтимоий-иктисодий вазият ёмонлашгандаги салбий оқибатлар, зарар ва йўқотишларнинг ўрнини қоплаш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, ижтимоий, шу жумладан мудофаавий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлган индустрия, яъни саноат ва қурилиш-тиклаш салоҳиятини ифодалайди.

Валюта-кредит таркибий қисми давлатнинг хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш ҳамда уларни қайтара олиш, ўзининг молия ва миллий валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда ноҳуш ташки ва ички иктисодий вазиятларда ҳам молия ва пул ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжларни қондира олиш имкониятидир.

Озиқ-овқат ва хомашёвий таркибий қисми мамлакат иктисодиётининг самарали фаолиятини ташкил этиш ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур ҳажмларда озиқ-овқат ва хомашё билан таъминланганлигини ифодалайди. Мамлакатнинг озиқ-овқат ва хомашё ресурслари импортига ўта даражада боғлиқ эмаслиги, ўзини-ўзи таъминлаш имкониятига эгаллиги, бу борада мустақиллигини ва иктисодий жиҳатдан хавфсизлигини ифодалайди.

Давлат иктисодий хавфсизлигининг энергетик таркибий қисми иктисодиётнинг энергия ташувчилари билан ички истеъмолнинг ўзи қондира олишини, миллий иктисодиётнинг энергия ресурсларига жаҳон нархлари ўзгаришларига мослаша олишини таъминлайди.

Экологик таркибий қисм миллий иқтисодиётнинг шундай ҳолатида, унда давлатнинг иқтисодий салоҳияти экологик муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, ташқи атроф муҳитнинг салбий таъсирини юмшатиш, экологик назоратнинг самарали тизимини шакллантириш ва амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Давлат иқтисодий хавфсизлигининг ахборот таркибий қисми мамлакат миллий иқтисодиёти ва хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, тижорат маълумотларини алмашиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг технологик ва тижорат сирларини ҳимоялашнинг самарали тизимининг шаклланишини англатади.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг ҳарбий-иқтисодий хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир. Давлатнинг ҳарбий иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатда ҳарбий иқтисодиёт ва ҳарбий иқтисодий ресурслар ҳам ташкил этилади. **Ҳарбий иқтисодиёт** – 1) давлат мудофааси эҳтиёжини таъминловчи халқ хўжалигининг маҳсул қисми; 2) ушбу таъминотнинг қонуниятлари тўғрисидаги назарий фанлар тизими. **Ҳарбий-иқтисодий ресурслар** – мамлакатни ташқи таъжовузкор кучлардан мудофаа қилиш манфаатларида қўлланиладиган моддий, меҳнат, ижтимоий ва молиявий ресурслар бўлиб, улардан ҳарбий иқтисодиёт доирасида амалда фойдаланилади. Ҳар бир давлат ресурслари чекланганлигидан ҳарбий иқтисодий ресурсларни тақсимлаш илмий асосланган бўлиши шарт, баъзан муайян чегарадан чиқиши, тарқалиши акс натижага олиб келиши мумкин (мамлакат иқтисодиётининг бутунлай кучсизланиши). Ҳарбий иқтисодий ресурсларни самарали қўллашда унинг тақсимланиши бўйича илмий асосланган қарорнинг мавжудлиги муҳим воситадир.

Ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик – иқтисодий хавфсизликнинг давлат мудофаасини таъминлаш муоммолари билан боғлиқ қисми. Ҳарбий иқтисодий хавфсизлик кенг маънода – давлатнинг миллий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш ва

иктисодий, ҳарбий агрессия шароитида халқ хўжалигининг барқарор фаолиятини таъминлаш даражасида миллий хавфсизликнинг иктисодий ва ҳарбий соҳалари ўртасида муайян мувозанатни ушлаб туришдир. Тор маънода – ҳарбий-иктисодий карама-каршилиқ шароитида барқарор фаолият ва унинг мустақиллигини кафолатловчи ҳамда ҳарбий иктисодий эҳтиёжларни кондиритиш мақсадида муҳофаза-хўжалиқ мажмуасининг ривожланишини англатади. Ҳарбий иктисодий хавфсизликни таъминлаш ўзаро боғлиқ икки жиҳат – ҳимоя ва ҳужумкорликни қамраб олиши зарур. Улар ҳарбий иктисодий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим омил ҳисобланади³¹⁹.

Ҳарбий-иктисодий хавфсизликни таъминлашдаги ҳимоя жиҳати – миллий иктисодиётнинг асосий йўналишларида импорт товарларнинг ўрнига маҳаллий маҳсулот билан таъминлашни йўлга қўйиш ва шу орқали, чет эл маҳсулотларига тобелиқ даражасини пасайтириш ҳисобланади. Ҳарбий-иктисодий хавфсизликни таъминлашда ҳужумкорлик жиҳати – давлатнинг экспорт потенциали сифатини яхшилаш ва ошириш, баъзи соҳаларда бошқа давлатларга нисбатан ҳарбий иктисодий жиҳатдан устунлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, бошқа давлатлар томонидан ташқи иктисодий алоқалардан тазйиқ усули сифатида фойдаланишни тўхтатувчи омил бўлиб хизмат қилади³²⁰.

Ҳарбий иктисодий хавфсизлик қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

– ҳарбий иктисодий ўзига етарлилик, яъни давлатнинг тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар шароитида асосий ҳарбий эҳтиёжларини ўзи кондиритишга қодирлиги;

³¹⁹ Қараанг: Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иктисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати.- Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.- 617-618-бетлар.

³²⁰ Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иктисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати.- Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.- 618-бет.

– иқтисодиёт ҳарбий сектори фаолиятининг ишончлиги ва барқарорлиги;

– ҳарбий иқтисодиётнинг илмий-техник имкониятларини барча турдаги ресурслардан минимал харажат қилиш асосида жорий ва истикболли даврда ҳарбий иқтисодий эҳтиёжларини қондирадиган даражада ривожлантириш;

– ҳарбий ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мобилизация (сафарбарлик) имкониятларининг мавжудлиги³²¹.

Саноатни мобилазация (сафарбарлигини) кенгайтириш имкониятларини вужудга келтириш учун қуйидаги ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилади:

– саноат корхоналарининг бўшаган ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисмини консервация қилиш;

– консервация қилинган корхона омборларида қурол ва ҳарбий техника ишлаб чиқаришга яроқли бўш турган маҳсул асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни сақлашни ташкил этиш;

– саноат корхоналарида “иккиёқлама” технологияларни, яъни фуқаролик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳамда ҳавф туғилган шароитда ҳарбий техника ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш мумкин бўлган техника ва технологияларни жорий этиш;

– ҳарбий ва фуқаролик ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий этиш ва бошқалар³²².

Ҳарбий иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳарбий контрабанданинг олдини олиш ва унга қарши самарали чораларни қўллаш ҳисобланади. Ҳарбий контрабанда – бетараф давлат ёки унинг фуқаролари томонидан жанг қилаётган тараф олиб ўтилиши таъқиқланган материал ва предметлар билан қарама-қарши жанг қилаётган тарафнинг таъминланиши. Халқаро ҳуқуққа

³²¹ Қаранг: Гордиенко Д.В. *Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.*–М., 2009.–С.14-15.

³²² Қаранг: Гордиенко Д.В. *Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.*–М., 2009.–С.15.

мувофиқ, у мутлак ва нисбий бўлади. Мутлак ҳарбий контрабандани фақат ҳарбий мақсадда қўлланиладиган материал ва предметлар ташкил этади: куруллар, ўк-дорилар, портловчи моддалар, ҳарбий аслаҳа-анжомлар ва унинг қисмлари, курул-яроғларни ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва бошқалар. Нисбий ҳарбий контрабандага нафақат ҳарбий, балки тинч мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган материал ва предметлар ҳам киради: кийим-кечаклар, пойафзал ва материаллар; олтин, кумуш, қоғоз пуллар, кема, қайиқ ва унинг қисмлари; темир йўллар, алоқа воситалари учун материаллар; ҳавода учувчи аппаратлар ва унинг эҳтиёт қисмлари; ёнилғи, мойлаш материаллар ва бошқалар. Ҳарбий мақсадда ишлатилмайдиган материал ва предметларни ҳарбий контрабанда дейиш таъқиқланган бўлиб, бунга аввало, ярадор ва касаллар парвариши учунгина зарур бўлган тиббий ёрдам воситалари киради. Ҳарбий котрабанда предметлари мусодара қилинади³²³.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини, давлат ва унинг сарҳадлари бутунлигини, ички ва ташқи таҳдидларга қарши туриш имкониятларини ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

18.2. Давлат иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлар ва омиллар

Давлат иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлар ички ва ташқи таҳдидлар гуруҳига ажратилади. Давлат иқтисодий хавфсизлигига ташқи таҳдидларга қуйидагилар киради:

– миллий иқтисодиёт ва унинг энг муҳим соҳаларининг глобал ташқи иқтисодий конъюнктура ўзгаришларига, халқа-

³²³ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид тама ва тушунчаларнинг изоҳли дугати.- Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT".2017.- 619-бет.

ро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг интеграцион гуруҳлари томонидан қабул қилинган қарорларга ўта даражада боғлиқлиги;

– хорижий мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий тазйиклари;

– мамлакатнинг асосий турдаги истеъмол ва озиқ-овқат, машинасозлик маҳсулотлари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари импортига боғлиқлиги;

– хорижий корхоналарнинг мамлакат миллий корхоналарини ички ва ташқи бозорлардан сиқиб чиқаришга уринишлари;

– ривожланган мамлакатлар ва уларни уюшмаларининг ташқи иқтисодий муносабатларда мамлакатга нисбатан дискриминацион чораларни қўллашлари;

– ташқи қарз миқдорининг ошиб бориши;

– мамлакатда экспорт-импорт, валюта ва божхона назоратининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

– экспорт-импорт операцияларининг транспорт инфра-тузилмасининг ривожланмаганлиги³²⁴.

Давлат иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи ички таҳдидлар биринчи навбатда фуқаролик жамиятига таъсир этувчи омиллар, яъни аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг пасайиши, иқтисодий ва молиявий инкирозлар, жиноятчилик даражасининг ўсиши, миллатлараро низолар сабабли вужудга келади. Бизнинг фикримизча, давлат иқтисодий хавфсизлигига ички таҳдидларни қуйидагилар ташкил этади:

– иқтисодий ўсиш суръатлари ва ривожланишнинг пасайиши;

– иқтисодиёт таркибий тузилишининг деформациялашуви;

– иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун бюджет-молиявий салоҳиятнинг етарли эмаслиги;

³²⁴ Қараиш: Экономическая безопасность: учебник для вузов/под общ. ред. Л.П. Гончаренко.-2-е изд., перераб.и доп.-М.: Издательство Юрайт, 2018.-С.23.

– молия-банк тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

– аҳолининг банк тизмига ишончининг пасайиши;

– инвестициявий ва инновациявий фаолликнинг пасайиши, елмий-техника салоҳиятининг паст даражадалиги;

– мамлакатдан валюта ресурсларининг чиқиб кетишининг кучайиши;

– инфляциянинг юкори суръатларда ўсиши;

– иктисодиёт рақобатбардошлигининг пасайиши;

– иктисодиётнинг ҳаддан ташқари очиклиги;

– иктисодиётнинг криминаллашуви, коррупция, иктисодий жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг кучайиши;

– жамиятда аҳоли мулкий табақаланишининг кучайиши;

– аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг қисқариши, аҳоли таркибида қария ва пенсионерлар улущининг катталиги, демографик юкломанинг ўсиб бориши;

– ижтимоий соҳа ривожланиши суръатларининг пасайиши, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари сифатининг ёмонлиги;

– уй-жой шароитларининг ёмонлашуви, озиқ-овқат билан таъминланишнинг етарли эмаслиги;

– ҳуқуқий, меҳнат, молиявий, шартномавий интизомнинг пастлиги;

– солиқ юкининг юқорилиги туфайли аҳоли ўртасида даромадларни яшириш ва солиқларни тўлашдан бўйин товланишнинг кучайиши ва ҳ.к.

Давлат иктисодий хавфсизлигини ички омиллари иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар гуруҳларига ажратилади (қаранг: 18.2.1-расм).

Омиллар гурухи	Омиллар мазмуни
Иқтисодий омиллар	миллий иқтисодиёт таркиби
	иқтисодиётнинг монополашув даражаси
	ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги
	иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги
	саноат ишлаб чиқаришининг теҳнологик базаси
	молиявий тизимнинг ҳолати
Ташкилий омиллар	давлатнинг инвестиция сиёсати
	миллий иқтисодиёни бошқариш тизими ҳолати ва самарадорлиги
	инфратузилма объектларининг ҳолати
	иқтисодий ресурсларни ҳўжалик оборотига жал этиш самарадорлиги
	минерал хомашё базасини разведка-қидирувни ташкил этиш даражаси
	илмий-техника тараққиётини истиқболли йўналишларда ривожлантиришни ташкил этиш
	оқилона бошқариш қарорларини қабул қилиш
Ҳуқуқий омиллар	ҳуқуқий-меъёрий қонунчиликни такомиллаштириш
	иқтисодиётдаги моног олизмга барҳам бериш, тартибга солиш
	ҳуқуқий ва ижрочилик интизом
	иқтисодиётдаги коррупцияга ва жиноятчиликка қарши кураш ҳолати
	молиявий маблағлар ҳаракатини назорат қилиш ва бошқалар
Ижтимоий омиллар	аҳолининг катта қисми учун мақбул ҳаёт ва инсон шахсини ривожлантириш
	шароитларини таъминлаш
	фуқароларнинг даромадлар бўйича ҳаддан ташқари табакаланишининг олдини олиш
	даромадларни яшириш ва солиқлардан бўйин тозлашга йўл қўймаслик
	ижтимоий зиддиётларнинг вужудга келишининг потенциал таҳдидларини бартараф этиш
	терроризмга қарши кураш

18 2.1-расм. Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ички омиллари³²⁵

³²⁵ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.-М., 2009.-С.11-12 фикрлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Давлат ички хавфсизлигига таҳдидлар жумласига яна куйидагиларни киритиш мумкин:

– аҳоли, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли, меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръатларининг асосий фондлар, яратилаётган янги иш ўринларининг ўсиш суръатларига нисбатан юқори даражада бўлиши келгусида ишсизлар, даромад олиш имкониятига эга бўлмаган кишилар сонининг ўсишига олиб келиши мумкин;

– иш ҳақининг аҳоли, шу жумладан, ёлланма ишчи ва хизматчиларнинг оила даромадларидаги улушининг камайиши, иш ҳақининг рағбатлантирувчанлик аҳамиятининг пасайиши;

– аҳоли таркибида кекса нафақа ёшдаги кишилар улушининг кўпайиши келгусида уларнинг ижтимоий таъминоти масалаларида муаамоларни тугдиради;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларнинг кўпайиши;

– солиқ юкининг оғирлиги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланади.

Бу омиллар ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиб, ижтимоий зиддиятларни ва таҳдидларни вужудга келтиришга имконият яратади.

Солиқ юкининг оғирлиги турли ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларни вужудга келтирувчи сабабларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

– конунчилик нормаларининг такомиллашмаганлиги. Бунда тез-тез ўзгартириш ва тузатишлар киритилиши;

– солиқ ставкаларининг аҳоли ва корхона даромадлари даражаси ҳамда реал ҳолатни ҳисобга олмасдан юқори қилиб белгиланганлиги;

– маънавий-ахлоқий сабаблар. Бу сабаблар солиқ тўловчи шахслар, ишлаб чиқариш, молиявий корхона ва ташкилотларнинг маданий хулқ-атвори, хусусий манфаатларини устун қўйиш.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

– солиқ тури қандай бўлишидан қатъий назар даромадларни, солиққа тортиш объектини яшириш, солиқ ҳажмини камайтириш, солиқ имтиёзларидан ноқонуний фойдаланиш;

– жорий солиқларни тўламаслик мақсадида ёки солиқдан қарз бўла туриб маблағларни солиқ тўлашдан яшириш;

– фойда солиғини камайтириб кўрсатиш, кўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаш, жисмоний шахслар даромад солиғи тўлашдан бўйин товлаш.

Солиқ қонунчилиги соҳасидаги камчиликлар сабабли солиқларнинг йиғилишида камайиш содир бўлади. Бу ҳол иқтисодиётнинг хуфёна сектори билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Хуфёна иқтисодиёт билан боғлиқ солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бухгалтерия ҳисобида даромадларни солиққа тортиш объектларидан тўлиқ равишда чиқариш, айланма маблағларни бир қисмини яширишда ўз ифодасини топади. Ушбу салбий жараёнлар, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун солиқ ва фуқаролик жиноят-процессуал кодексларини такомиллаштириш лозим бўлади.

Давлат иқтисодий ҳавфсизлигига кишилар ўртасидаги ноформал, иқтисодий алоқа ва муносабатлар ҳам таҳдид солади. Бу таҳдидга сабаб бўлувчи ҳолатларни касса назоратидан ташқаридаги ҳисоб-китоблар, маиший хизматлар кўрсатиш, уй жойларни ижарага беришда, нақд пул айланмасидаги ноформал муносабат ва алоқаларда кўриш мумкин.

Хуфёна иқтисодиёт секторининг мавжудлиги мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Хуфёна иқтисодиётнинг энг хавfli фаолият соҳаларига нарқобизнес киритилади. Хуфёна иқтисодиёт иқтисодий қонунбузарликлар, террористик жиноятлар билан ҳам қўшилиб кетмоқда.

Давлат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар гуруҳига савдо-иқтисодий, валюта-молиявий ва маркетинг омиллари қиради (қаранг: 18.2.2-расм).

Омиллар гуруҳи	Омиллар мазмуни
Савдо-иқтисодий омиллар	импорт таркиби (озик-овқат ва юқори технологик товарлар улуши)
	мамлакатнинг стратегик товарлар импортига боғлиқлик даражаси
	экспорт таркиби (рақобатдош товарлар улуши)
	мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш бозорларини назорат қилиш, экспорт-импорт операцияларини боғжона назорати
Валюта-молиявий омиллар	молия ва қимматли қоғозлар бозорларининг ҳолати
	молиявий оқимларнинг асосий йўналишлари ва ҳисоб-китоб муносабатларининг характери
	давлат бюджети камомати даражаси
	миллий валютани конвертация қилиш даражаси
	банк тизимининг ҳолати
	ички ва ташқи қарз даражаси
	мамлакатнинг олтин-валюта захираси
	давлатнинг боғжона чегараларида валюта назорати
Маркетинг омиллари	жаҳон бозорларига экспорт товарларини йўналтириш
	ушбу товарларнинг рақобатдошлиги
	Миллий товарларни сотиш бозорларини эгаллаш имкониятлари

18.2.2-расм. Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи омиллари³²⁶

Ушбулардан келиб чиққан ҳолда давлат иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишларини, дастак ва воситаларини ўз ичига олган механизмни шакллантиради ва амалга оширади.

³²⁶ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.-М., 2009.-С.13 фикрлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

18.3. Мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш

Мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлашда давлат марказий ролни ўйнайди. Бу борадаги давлатнинг вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– давлатнинг микро ва макроиқтисодиёт даражаларида иқтисодий тартиблаш қўламларини ўз ичига оладиган тактик ва стратегик қарорларни асослаш ва қабул қилиш учун дастаклар билан таъминлаш;

– иқтисодий ва маъмурий дастак ҳамда воситалари, усуллари ёрдамида иқтисодий стратегия ва жорий дастурларни амалга ошириш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд шароитларга мос равишда кўрилаётган чора-тадбирларга тузатишлар киритиш;

– бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалар тизимида ҳимояланишни рағбатлантириш режимларини кўзда тутадиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий суверенитетини ҳуқуқий ва сиёсий ҳимоялашни таъминлаш;

– иқтисодиётда юзага келадиган муаммоли вазиятларни тезликда ҳал қилиш учун давлат бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, вазифалари масъулиятини оқилона тақсимлаш ва уларнинг ўзаро бир ўлчамдаги фаолиятларини уйғунлаштириш.

Давлат хавфсизлигини таъминлашни бошқариш тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ташкилий тузилмалар;
- коммуникациялар ва ўзаро алоқалар тизими;
- ахборотлар;
- ҳар томонлама тайёрланган кадрлар.

Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бошқарув ишлари икки, ўзаро боғлиқ йўналишда олиб борилади:

– иқтисодий ҳуқуқбузарликларнинг манбаларига ва уларнинг субъектларига қарши курашиш:

– барча қонун, меъёрий ҳужжатлар ҳамда бошқарув қарорларини иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш талабларига мослигини аниқлаш учун экспертизадан ўтказиш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарт ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг, бозор иқтисодиётини давлат томонидан тарғибга солишнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Зеро мамлакат иқтисодий хавфсизлиги даражаси унинг иқтисодий салоҳияти билан белгиланади. Бу салоҳият миллий иқтисодиёт ресурслари, заҳиралари, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, бозор структураси, бошқариш тизими, саноатни ташкил этиш ҳамда ташки бозор конъюнктурасининг ўзгаришларга мослашувчанлиги, бошқа мамлакатларнинг қўллаб қувватлаши, халқаро уюшма ва ташкилотларда иштирок эта олиши билан ифодаланади.

Мамлакатнинг иқтисодий мустаҳкамлиги, унга нисбатан қўлланилаётган блокада, санкция ва таҳдидлар кучи билан таъсир қилишга қаршилиқ кўрсатишга қодирлигини ўзида мужассамлаштиради. Уни таъминлаш учун миллий манфатларни келиштириш, мувофиқлаштиришнинг сиёсий механизмларини қиёсий таҳлил қилиш лозим.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамияти билан такрор ишлаб чиқариш жараёнларига тўсқинлик қилмайдиган ҳамда таҳдидлар хавфини кескин камайтиришга имконият берадиган ўзаро уйғунлашиш шароитларини яратишга интилади.

Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун асосий маҳсулотлар бўйича импортга боғлиқликка барҳам бериш, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишни кучайтириш лозим бўлади. Бунинг учун мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хом ашё, оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётни маҳ-

сулотларни экспорт қилишга йўналтирилган иқтисодиётга айлантириш мақсадга мувофиқдир. Шундагина мамлакатнинг иқтисодий аҳволи жаҳон бозорларидаги конъюнктура ўзгаришларига, ресурс баҳоларининг ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Шу босидан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат стратегияси иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартиришлар қилишга, саноат, молия ва банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилади. Бунинг учун, технологик жиҳатдан орқада қолишга барҳам бериш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лозим бўлади. Шунингдек, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ички ва ташқи бозорда ҳимоя қилишга қаратилган оқилона протекционизм сиёсатини амалга ошириш лозим. Бу сиёсат қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

- монополистик фаолиятни чеклаш;
- тайёр ишлаб берувчи саноат маҳсулотларини, асосан машина ва асбоб-ускуналарини экспорт қилишни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларини, имтиёзли кредитлаш усулларини қўллаш;
- турли ишлаб чиқариш тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, янги ташкил топган хўжалик субъектларини қўллаб қувватлаш, улар учун қулай шароитлар яратиш;
- ички бозорга ноқонуний йўллар билан арзон, истеъмолчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи товарларни кириб келишининг олдини олиш;
- ички бозорда миллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатини қўллаш, уларнинг ташқи бозорга чиқишларини қўллаб қувватлаш;
- йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини қўллаб-қувватлашнинг оқилона тизимини яратиш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг самарали тизими шакллантирилади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

– барча турдаги корхона ва ташкилотлар хўжалик юри-
тишининг умумий коидаларини ўрнатовчи макроиқтисодий
тартиблаш;

– иқтисодий ривожланишни прогноزلаштириш ва инди-
катив режалаштириш;

– давлат ва хўжалик бошқаруви салоҳиятини муво-
фиклаштириш ҳамда давлат мулкани бошқаришнинг самара-
рали методларини қўллаш.

Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун иқти-
содиётнинг криминаллашувига қарши курашиш керак. Жи-
ноий гуруҳларнинг иқтисодиётга кириб келишининг олдини
олиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– даромадларни декларация қилиш тизимини такомил-
лаштириш;

– нодавлат хўжалик субъектларининг айрим фаолият
турларини қонуни йўли билан чеклаш;

– рўйхатга олинмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти
билан шугулланишни ман қилиш;

– истеъмолчилар саломатлигига зарар етказувчи маҳсу-
лотларни ва лицензиясиз, сифат сертификатисиз товар со-
тишни ман қилиш;

– банкротлик қонунни талабларини қатъий ҳаётга татбиқ
этиш;

– ҳуқуқ-тартибот органларида иқтисодий қонунбузарли-
қларга қарши курашиш бўлимлари фаолиятини кучайтириш;

– иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида турли назор-
рат ва давлат органларининг тадбиркорлар хўжалик фаоли-
ятига ноқонуний аралашиларини чеклаш ва бунга қарши
курашиш;

– иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмла-
рининг эркин амал қилишини таъминлаш билан бир қаторда,
давлат органларининг иқтисодиётни тартибга солиш фаоли-
яти самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадга
мувофиқдир.

Асосий таянч тушунчалар:

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари, ички ва ташқи таҳдидлар, ҳарбий иқтисодиёт, ҳарбий иқтисодий хавфсизлик, ҳарбий контрабанда, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таъсир этувчи омиллар, давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари, иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Давлат иқтисодий хавфсизлиги тушунчасининг моҳияти нима?
2. Давлат иқтисодий хавфсизлиги қандай компонентлардан иборат?
3. Давлат иқтисодий хавфсизлиги таркибий қисмлари нималардан иборат?
4. Давлат иқтисодий хавфсизлиги ҳарбий иқтисодий хавфсизлик билан қандай алоқадорликка эга?
5. Ҳарбий иқтисодий хавфсизлик деганда нималарни тушунасиз?
6. Миллий иқтисодий манфаатларга нималар таҳдид солади?
7. Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги вазифалари нималардан иборат?
8. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига қандай ички ва ташқи таҳдидлар мавжуд?
9. Ички таҳдидларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?
10. Ташқи таҳдидларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?
11. Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

12. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ўрни қандай?

13. Солик тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

19-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ВА МАМЛАКАТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

19.1. Ташқи иқтисодий фаоллият ва миллий манфаатларга таҳдидлар

Замонавий жаҳон иқтисодиёти халқаро меҳнат тақсимо-ти асосида миллий иқтисодиётлар ўртасида барқарор, ҳар томонлама ўзаро алоқадорликнинг шаклланиши оқибатида хўжалик ҳаётининг халқаро миқёсида интернационаллашувини ифодалайди. Бунинг оқибатида замонавий иқтисодий макон вужудга келмоқда. Ушбу маконда халқаро товарлар, хизматлар, ҳам ашё ресурслари, молиявий маблағлар, капитал, ишчи кучи бозорлари вужудга келиб, улар ўртасида ўзаро алоқадорлик ҳамда боғлиқлик кучаймоқда. Жаҳон миқёсида глобал-технологик, молиявий, ахборот, маданий тизимлар интенсив равишда ривожланмоқда.

Миллий иқтисодиёт халқаро меҳнат тақсимотига кўра ихтисослашуви, ўзининг фойдали қазилма бойликлари, географик жойлашуви, фан-техника тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, халқаро савдо, халқаро иқтисодий фаолиятининг фаоллигига мувофиқ жаҳон иқтисодий тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш учун миллий иқтисодиёт халқаро ҳамкорлик учун очик бўлиши, яъни очик иқтисодиёт тавсифига эга бўлиши лозим. Очик иқтисодиётнинг хусусиятлари ва потенциал имкониятларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

– ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатда бозор механизми ва унсурлари, рақобат муҳити шаклланишининг жадаллашуви;

– жаҳон хўжалиги билан ўзаро алоқада миллий иқтисодий аниқланган товар айирбошлашдан ташқари, капитални четга чиқариш ва четдан киритиш, илмий-техниканинг кооперациялашуви, ишлаб чиқариш интеграцияси каби шаклларда интеграллашади;

– халқаро ресурслар айланмаси ва унинг самарадорлигини оширишга асосланган ҳолда ички ишлаб чиқариш ҳажмларига нисбатан миллий даромаднинг ўсиши;

– халқаро айирбошлашнинг мутаносиб иқтисодий ўсиш омилли сифатидаги ролнинг ортиши;

– халқаро ресурслар айланмаси ва унинг самарадорлигини ошириш ҳисобига ички ишлаб чиқариш кўламига нисбатан миллий даромаднинг кўпроқ ўсиши.

Ўзбекистон мустиқликка эришганидан сўнг, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш йўли билан очик турдаги бозор иқтисодиётини вужудга келтирмоқда. Мамлакатимизда очик иқтисодиётни шакллантириш ва уни ривожлантириш истиқболлари устун даражада жаҳон хўжалиги тизимига кириб боришига боғлиқдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан республикамиз ташқи иқтисодий сиёсатининг қуйидаги тамойилларга асосланиши белгилаб берилган:

– мафкуравий курашлардан қатъий назар ташқи муносабатларда ошқоралик;

– тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

– ўзининг миллий давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

– тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

– умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва халқаро тартибларга изчиллик билан ўтиш.

Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини кучайтиришга ва хорижий инвестиция учун қулай муҳитни вужудга келтиришга қаратилгандир.

Иқтисодиётнинг очиклигини таъминлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оқибатида мамлакатга хорижий инвестициялар кириб кела бошлади, қўшма корхоналар кўпая борди, ички бозор товарлар билан тўла бошлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Халқаро муносабатларда очик ва амалий, фаол ташқи сиёсат олиб борилаётгани туфайли ишончли ҳамкор сифатида мамлакатимизнинг халқаро обрўси тобора ортиб бормоқда. Барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бирига айланди. 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий таърифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиха бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиха амалга оширилмоқда”³²⁷, деб таъкидлаган.

Шу билан бирга бунинг мамлакат манфаатларига зид ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ҳолатлар қуйидагиларда намоён бўлди:

- республиканинг илғор технологияларга эга бўлишига чекловларнинг мавжудлиги;
- мамлакатга маънавий ва моддий эскирган техника ва технологияларни олиб киришга уриниш;
- миллий рақобатбардош маҳсулотларни хорижий бо-

³²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста муурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

зорларга чиқаришга тўсқинлик қилиш, илгари ўзлаштирилган бозорлардан сиқиб чиқаришга уриниш;

– миллий бўйликнинг бир қисмини хорижий капитал томонидан қўлга киритишга интилиш;

– муҳим хом ашё товарлари ва капитални четга чиқариш устидан назорат қилиш механизмнинг етарли даражада шаклланмаганлиги.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлаштирилиши шароитида хўжалик субъектлари фаолиятини назорат қилиш механизмнинг такомиллашмаганлиги туфайли, бу соҳада жиноий гуруҳлар, коррупция, хуфёна иқтисодиёт, нарқобизнес, иқтисодий қароқчилик ҳам жонлана бошлади. Шунингдек, айрим ҳолатларда жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашув мақсадлари билан миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ўртасида зиддиятнинг вужудга келганлиги туфайли, асосий энергия ва хом ашё маҳсулотларининг жаҳон ва ички нархлари ўртасида номутаносибликлар вужудга келади.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда иқтисодиётни тезда очик қилиб қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни жадал эркинлаштириш мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг кучайишига олиб келди. Бу ҳолат эса миллий ишлаб чиқарувчилар фаоллигининг чеклаб қўйилишига, молиявий пул тизимининг нормал фаолиятига хавф туғилишига, импортга, халқаро иқтисодий ташкилотларга ўта қарам бўлиб қолишга олиб келиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқаро меҳнат тақсимотида фаол катнашиш, фан-техника соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўли билангина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш мумкин. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда жаҳон иқтисодий тизимидаги рақобатнинг кучайиши, ўзаро ҳисоб-китоб ва транспорт алоқаларининг мураккаблашуви, керакли тажрибанинг камлиги, юқори малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги асосий вазифа чет эл мамлакатлари билан савдо, илм-фан, техника, таълим, инвестиция ва шу сингари соҳаларда ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни таъминлаш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдан иборатдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим йўналиши халқаро савдо бўлиб, бунда мамлакат чегарасидан ташқарида амалга ошириладиган товар ва хизматлар алмашуви тушунилади. Халқаро савдонинг вужудга келиши мутлақ харажатлардаги тафовутлар ва қийсий харажатлардаги тавофутлар билан тавсифланади. Шунга кўра корхоналар (ёки мамлакатлар) ташқи савдони амалга ошираётганида, ўзлари ишлаб чиқармаган (ёки бу улар учун четдан сотиб олиш арзонга тушадиган) маҳсулотларни сотиб оладилар ҳамда ўзлари фойдаланмайдиган (ёки фойдаланишдан ортиб қоладиган) маҳсулотларни чет эл мамлакатлари ёки корхоналарига сотадилар. Бу ҳол уларнинг маълум товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишини билдиради. Бундай ихтисослашув савдода устуникни вужудга келтириб, уларга фойда келтиради. Мамлакат ва хориж ўргасида маълум вақт оралиғида амалга оширилган трансоперациялар статистикада тўлов балансида акс эттирилади (қаранг: 19.1.1-расм).

A. Жорий моддалар баланси

I. Савдо баланси

- товарлар экспорти (+)
- товарлар импорти (-)

II. Хизматлар баланси (туризм, юк ташиш, кредит фсизлари, лицензион йиғимлар, кўшинлар жойи учун тўловлар)

- хизматлар экспорти (+)
- хизматлар импорти (-)

III. Ўтказиладиган баланс (хадя қилиш, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам, ишчи-иммигрантларнинг пул ўтказишлари ва ҳоказо)

- ўтказиладиган экспорт (+)
- ўтказиладиган импорт (-)

B. Капитал ҳаракати баланси.

I. Капиталнинг узок муддатли айланиши.

II. Капиталнинг қисқа муддатли айланиши.

B. Тўғриловчи ва компенсацияловчи позициялар.

Г. Олтин ва валюта захиралари балансининг сальдоси.

19.1.1.-расм. Тўлов баланси бўлимлари³²⁸

Тўлов баланси жорий моддалар, яъни савдо баланси, хизматлар ва ўтказиладиган баланслар, шунингдек, капитал ҳаракати балансини ўз ичига олади.

³²⁸ Бозор иктисодиёти назарияси ва амалиёти: Олий ўқув юрглари магистрантлари учун дарслик - Т: Ўқитувчи, 2000. - 154-бет.

19.2. Ташқи иқтисодий фаолият хавфсизлигини таъминлаш йўллари

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига, манфаатларига таҳдидлардан ҳимояланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- тақлиф этилаётган инвестицион лойиҳа ва хорижий ҳамкорлар билан тузилган йирик битимларни иқтисодий хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, дастлабки мустақил экспертизадан ўтказиш;
- хорижий капитал учун устувор соҳа ва тармоқлар билан бир қаторда уларнинг киритилиши ман қилинадиган соҳа ва тармоқлар ҳам қонуний асосда белгилаб қўйилиши керак;
- хорижий инвесторлар томонидан айрим соҳаларда акцияларни харид қилиш процедураларини катъийлаштириш;
- хорижий инвесторларнинг стратегик тармоқларда миллий бойликларимизнинг катта қисмини қўлга киритишларига йўл қўймаслик;
- мамлакат банк тизимининг ишончлигини ҳимоялаш;
- ташқи фаолият билан шугулланувчи хўжалик субъектларидаги раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш;
- ички бозорни, миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатчилар таъжовузидан ҳимоя қилиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар инфратузилмасини ривожлантириш;
- ташқи бозорларда миллий экспортчилар ва ишлаб чиқарувчиларимизнинг дискриминация қилинишидан, камситилишидан ҳимоя қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги низо ва келишмовчиликларни кўп томонлама тартибга солиш механизмлари, тенг ҳуқуқли шартномалар тузиш орқали ҳал қилишга интилиш лозим бўлади. Бунда асосий эътибор мамлакат товар ишлаб чиқарувчилари ва фуқароларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади.¹_{SEP} чет эллардаги республика

мулкани ҳимоя қилиш;

– ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдодан юқори фойда, иқтисодий самара олишга интилиш билан бир вақтда, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиёти тизимида ўзига мос нуфузли ўринни эгаллашига интилиши кабиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Очиқ иқтисодиётга эга мамлакатларда ташқи савдо фаолияти анча эркинлаштирилган. Аммо барча мамлакатларда ҳукуматлар таъсирида чекланган, тартибга солинадиган ташқи савдо амалга оширилади. Унинг асосий воситаси тариф баръери деб аталадиган божхона божи (пошлинаси) ҳисобланади. Шунингдек, тарифсиз чеклашлар ҳам мавжуд бўлиб, у импорт ва экспорт квоталарини белгилашни ҳамда ўзини-ўзи чеклаш усулини ўз ичига олади. Ўзини-ўзи чеклаш усули экспорт қилувчи мамлакат ҳукумати ўзининг экспорт қилувчи корхоналаридан ташқи савдо бозорига чиқариладиган товарларининг маълум йиллик ҳажмидан (қийматидан) ошиб кетмасликни талаб қилган ҳолда намоён бўлади. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланиш лимитини белгилаш ҳам ташқи савдони чеклашнинг ўзига хос тури ҳисобланади.

Ҳукумат томонидан тарифли ва тарифсиз чеклашлардан мақсад мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозорда сотилишини ошириш йўли билан тўлов ва ташқи савдо балансининг мусбат самарасини олиш, шунингдек, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатчилар таъжовузидан ҳимоя қилишдан иборат.

Жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашув шароитида мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– экспортнинг оптимал таркибини шакллантириш. Унинг таркибида тайёр юқори технологик, илмталаб маҳсулотлар ва юқори сифатли хизматларнинг улушини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади;

– мамлакатнинг mavjud рақобат устунлиги имкониятларидан фойдаланиб, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги, истиқболли бозорларини ўзлаштириш;

– уларда муваффақият қозониш учун халқаро маркетинг стратегияларини амалга ошириш;

– ишлаб чиқариш кооперациясини, инжиниринг, лизингни ривожлантириш;

– чет эл мамлакатлари, уларнинг савдо-иқтисодий ташкилотлари, уюшма ва иттифоклари билан ўзаро муносабатларда қулай имтиёзли савдо режимларига эришиш;

– мамлакат корхоналарига экспорт ва импорт қилувчи сифатида халқаро замонавий машина, техника ва технологиялар, асбоб-ускуналар, ахборот ва капитал бозорларига чиқишлари, транспорт коммуникацияларидан фойдаланишлари учун шароитлар яратишга кўмаклашиш;

– кредитор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамда қарздор давлатлар билан бўладиган ўзаро валюта, молиявий муаммоларни тартибга солиш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда белгиланган ҳуқуқий меъёр ва нормалар асос бўлиб хизмат қилади. Бу нормалар ўз навбатида товар ва хизматлар, интеллектуал меҳнат натижалари, шунингдек, жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахсларнинг мамлакатлараро ҳаракат йўналишлари, шакллари, усуллари, шартларини белгилаб беради.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш учун давлат ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиди. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш механизми иқтисодий ва ҳуқуқий-маъмурий усулларни ўз ичига олади.

Иқтисодий тартибга солиш усуллари божхона бож (пошлина) лари, йиғимлари, қўшилган қиймат солиғи, акцизлардан иборат.

Ҳуқуқий-маъмурий усуллар лицензиялаш, квоталаш, товар сифатини сертификациялаш, айрим товарлар экспорти

ва импортига давлат монополиясини ўрнатиш, шунингдек, божхона чегаралари орқали товарлар, капиталлар ва хизматларнинг ўтиб туриши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Мамлакатнинг экспорт ва импорт қилиш билан боғлиқ миллий манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун самарали ва мослашувчан экспорт назорати тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Экспорт назорати асосида экспорт шартномаларининг халқаро мажбуриятларга, мамлакат иқтисодий хавфсизлиги талабларига мослиги таъминланади.

Шунингдек, мамлакат иқтисодий хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган товар ва технологиялар экспорти лицензиялантирилади. Ушбу назорат асосида бирон-бир стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотни экспорт қилиш ман қилинса, ундан мамлакат ичида фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак.

Бозор қонунлари асосида ривожланаётган ва давлат аралашуви юқори бўлган мамлакатларнинг барчасида давлат эркин халқаро айирбошлаш йўлига маълум тўсиқлар қўяди ва бундай ҳолат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурлиги билан тушунтирилади. Буларга мамлакат истеъмол бозорларини ҳимоялаш, ички бандликни ошириш, янги тармоқларни ривожлантириш ва ҳоказолар киради.

Иқтисодий рақобатга бардошли бўлган давлатлар ҳам, бундай рақобатга чидамсиз давлатлар ҳам лицензиялаш ва квоталарни ўрнатиш, божхона божлари ва тарифларни киритиш, маҳсулот сифати ва унинг хавфсизлигини таъминловчи стандартларни ўрнатиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятга таъсир этувчи бошқа бир қатор воситалардан кенг фойдаланадилар, шу орқали ўз ташқи иқтисодий сиёсатларини юргизадилар.

Давлат томонидан амалга ошириладиган мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти кундалик ва стратегик мақсадларга мувофиқ унинг ташқи иқтисодий сиёсатига асослан-

ган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати деганда, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишга қаратилган фаолият тушунилади.

Давлатни халқаро савдо жараёнларига аралашуви даражасига кўра халқаро савдо сиёсати протекционистик савдо сиёсатига ҳамда эркин савдо сиёсатига бўлинади.

Эркин савдо – давлатни ташқи савдо жараёнларига аралашувини камайити, яъни ташқи савдонини эркин бозор талаби ва таклифига асосан ривожлантиришидир.

Протекционизм – тариф ва нетариф усулларини қўллаш орқали ички бозорни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати.

Эркинлаштириш ва протекционизм сиёсати дунёдаги ҳар қандай давлат учун хос. Ҳозирги пайтда ташқи савдонини эркинлаштиришга мойиллик кузатиляпти. Бу жараён уч хил кўринишда амалга ошириляпти:

– алоҳида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдода;

– ягона божхона иттифоқига кирувчи алоҳида давлатлар ўртасида;

– Жаҳон савдо ташкилоти, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТнинг конференциялари (ЮНКТАД), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) доирасида кўп томонлама келишувлар асосида амалга оширилади.


Ташқи иқтисодий сиёсат – бу миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Ташқи иқтисодий сиёсатнинг макон жиҳати жаҳон ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг асосий йўналишлари бўйича давлатнинг ҳаракатларини белгилайди. Ушбу белгига биноан, давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати таркибига ташқи савдо сиёсати, ташқи инвестиция сиёсати, валюта сиёсати, божхона сиёсати қиради. (19.2.1.-расм.)

Давлатнинг ташқи савдо сиёсати халқаро даражада товарлар, ишлар, хизматлар, ахборотлар, интеллектуал фаоли-

ят натижалари билан амалга ошириладиган айирбошлашни қамраб олади. Давлатнинг экспорт ҳамда импорт сиёсатлари биргаликда ташқи савдо сиёсатини ташкил этади.

Ташқи савдо бўйича давлатнинг экспорт сиёсати деганда мамлакатнинг рақобатбардош товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулкларни жаҳон бозорида сотишга ва ушбу товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришда давлат буюртмалари, бюджетдан молиялаш, имтиёзли кредитлар бериш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаш ва ҳоказолардан фойдаланилади.



19.2.1-расм. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий шакллари.

Ташқи савдо бўйича давлатнинг импорт сиёсати деганда мамлакатга хориждан товарлар, ишлар, хизматлар ва интел-

лектуал мулкларнинг келишини тартибга солишга йўналтирилган чора-тадбирлар тушунилади. Бундай тартибга солишнинг воситаси сифатида мамлакат иқтисодиётини ҳимоя қилиш мақсадида импортни тўғридан-тўғри чеклаш ҳисобланади. Бунда лицензиялаш ва контингентлаш, импортга оид антидемпинг ва компенсация божлари, энг кам импорт нархлари тизими ва ҳоказолар қўлланилади.

Ташқи инвестиция сиёсати хорижий инвестицияларини мамлакат худудига жалб этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда миллий инвестицияларини хорижга олиб чиқишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Валюта сиёсати давлат ва халқаро валюта-молия ташкилотлари тамонидан амалга ошириладиган валюта муносабатлари соҳасидаги иқтисодий чоралар ҳамда ташкилий шакл вусуллар йиғиндисини ташкил этади. Валюта сиёсати давлатнинг валюта маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўлиб, ўз ичига валюта маблағларини шакллантириш ва ишлатишнинг асосий йўналишларини ҳамда бундай маблағлардан самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни олади.

Валюта сиёсатининг амал қилиш соҳаси бўлиб валюта бозори, қимматбаҳо металллар ва тошлар бозори ҳисобланади. Давлатнинг валюта сиёсати дисконт ва девиз сиёсатларига бўлиниб, молия тизимининг бир маромли фаолиятини ва мамлакат тўлов баланси мувозанатини таъминлаш каби вазифаларни қамраб олади.

Дисконт сиёсати инвестициялар ҳаракатларини тартибга солиш ва тўлов мажбуриятларини мувозанатлаштириш, валюта курсини тахминий тузатиш учун фоизнинг ҳисоб ставкасидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Ушбу сиёсат пул талаби ҳолатига, нарх динамикаси ва даражасига, пул массаси ҳажмига, қисқа муддатли инвестициялар миграциясига таъсир кўрсатишда намоён бўлади. Девиз сиёсати- валюта интервенцияси ва валюта чеклашлари ёрдамида валютани харид қилиш ва сотиш би-

дан валюта курсини тартибга солиш тизимидир.

Валюта интервенцияси Марказий банкнинг хорижий валютанинг олди-сотдиси бўйича мақсадли операциялари бўлиб, у миллий валюта курси динамикасини уни ошириш ёки пасайтиришнинг муайян чегаралари билан чеклаш мақсадини кўзлайди. Валюта чеклашлари миллий ва хорижий валюта, олтин ва хоказоларга доир операцияларни тартибга соладиган иктисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Ишчи кучининг ташқи миграция сиёсати ишчи кучи экспорти сиёсати ва ишчи кучи импорти сиёсатларига бўлинади. Ишчи кучи экспорти сиёсати деганда бир мамлакат ҳудудидан иккинчи бир мамлакатга ишчи кучининг кўчиши учун қулай шароит яратиш ёки таъқиқлаш борасидаги давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Ишчи кучини экспорт қилиш натижасида мамлакатда ишсизлик даражасини камайтириш ва мамлакатга қўшимча валюта даромадларини пайдо қилиш имконияти юзага келади. Ишчи кучини импорт сиёсати деганда мамлакатга хориждан ишчи кучининг кириб келиши учун қулай шароит яратиш ёки тўсиклар қўйиш борасидаги давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида ташқи иктисодий сиёсатни юритишда юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ташқи иктисодий фаолиятни тартибга солиш тизимидан самарали фойдаланилмоқда ва унинг таркибига кирган ташкилот ва муассасалар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимизда иктисодиётни модернизациялаш шароитида ташқи иктисодий фаолиятни бошқариш тизимининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– республика миллий манфаатларига жавоб берувчи ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини таъминловчи ташқи иктисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг конуний асосларини такомиллаштириш ва янада эркинлаштириш;

– мулкчилик кўринишининг турли шаклларида қатъий назар, ташқи иқтисодий фаолиятни барча иштирокчилари учун энг юқори самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолияти ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

– миллий иқтисодиётнинг таркибий бўғинларини модернизациялашда ташқи иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солишда ва эркинлаштиришда умумэтироф этилган **билвосита ва бевосита усулларидан** фойдаланилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усуллари бўлиб ташқи иқтисодий алоқаларда қатнашувчиларнинг иқтисодий манфаатлари, уларнинг даромадини тақсимлашга, битим шартларини бажаришга таъсир этувчи, божхона тарифлари ва бождари, турли солиқлар, валютадан тушган пулдан ажратмалар меъёри, халқаро операцияларни кредитлаш ва суғурталашнинг фоиз ставкалари кабилар ҳисобланиб, хўжалик субъектларига у ёки бу ҳаракатни танлаш имконини беради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда бевосита усулларидан кенгрок фойдаланилади. Бевосита усуллар ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин. **Бевосита усулларига** лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

19.3. Ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлашда божхона органларининг ўрни ва роли.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг божхона органлари муҳим роль ўйнайди. Божхона органлари четга рухсатсиз, ноқонуний равишда капитал, миллий ва маданий бойликлар, интеллектуал маҳсулотларнинг олиб кетилиши, ноқонуний валюта операциялари, курул-яроғ, стратегик материал ва наркотик моддалар контрабандасининг олдини олишга қаратилган фаолият юри тадилар.

Божхона сиёсати – давлат ташқи савдо фаолиятининг бир қисми бўлиб, товарларни экспорт ва импорт қилишнинг шарт-шароитлари, ҳажми ва таркибини тартибга солиб туради. Божхона сиёсатининг моҳияти божхона – тариф қонунчилигида, божхона иттифоқлари ва конвенциялари, эркин зоналар, тариф блокадалари ва бошқаларни ташкил этишда намоён бўлади. Товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши ёки чегараланишига боғлиқ ҳолда иқтисодий ва божхона сиёсатининг қуйидаги тўрт асосий турини ажратиш мумкин:

1. *Қисман чеклаш сиёсати.* Бу сиёсат ички бозорга баъзи товарларни, масалан, мамлакат миллий мафқурасига ҳамда аҳоли турмуш тарзига ва маънавиятига салбий таъсир қиладиган кино – видео маҳсулотлари ва турли нашрларни киритмаслик мақсадида қўлланилади.

2. Протекционизм сиёсати. Бу ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоялашдир.

3. Эркин савдо сиёсати – «фритредерлик». Бу ташқи савдодаги чеклашларни энг минимумига туширишдир. Одатда, у ўз товарларининг рақобатбардошлиги юқори бўлган ва бозорларда етакчи мавқега эга мамлакатлар томонидан қўлланилади.

4. Такчил бозорни тўйинтириш – «тескари протекционизм» сиёсати. Бу фақат миллий бозорда чуқур такчиллик

шароити юз берганда ва унда ҳаммага ўрин топиладиган шароитдагина самарали ҳисобланади.

Божхона сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- 1) ташқи савдонинг ривожланишига кўмак бериш;
- 2) давлатнинг иктисодий ўсишини тезлаштириш;
- 3) халқаро меҳнат тақсимотида қатнашишдан фойда олиш;
- 4) мамлакат савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлаш;
- 5) давлат бюджети даромадларини ўстириш;
- 6) хорижий давлатлар ва улар иттифоқларининг дискриминацион чора-тадбирларига қарши ҳаракат олиб бориш;
- 7) давлатнинг савдо – сиёсий позициясини мустаҳкамлаш;
- 8) корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишини таъминлаш;
- 9) миллий иктисодиётнинг таркибий қайта қурилишига кўмак бериш;
- 10) мамлакат халқ хўжалигининг жаҳон иктисодиётига интеграциялашувини чуқурлаштириш;
- 11) бозор фаолиятига шарт – шароит яратиш.

Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатининг асосий тамойиллари Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳужжатларида қайд этилган божхона сиёсатининг халқаро тажрибаларига ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати тамойилларига асосланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормалари олдида устунлигини тан олиш тамойли. Унинг моҳияти шундаки, ўз миллий ҳуқуқ тизимини яратаётган миллий давлатимиз халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормалари олдида устун туришини тан олади. Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ЖСТ ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши божхона иши соҳасидаги умумжаҳон муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишига кенг имкониятлар очиб

берди ва республика зиммасига бир катор мажбуриятларни ҳам юклади.

2. *Ўзбекистонда амалга ошириладиган божхона сиёсатининг ягоналиги таъминли.* Бу Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида ягона божхона сиёсатининг олиб борилишини англатади.

3. *Икки ва кўп томонлама алоқаларни ўрнатилиши ва ривожлантирилиши таъминли.* Бу таъминил Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорлик олиб боришга фаол интилиши орқали амалга оширилади.

4. *Миллий давлат манфаатлари устуңлигини ҳисобга олган ҳолда ўзаро савдо келишувларида ён беришлик таъминли.* Божхона сиёсати ҳамкор мамлакатларнинг жорий манфаатларини ҳисобга олса ҳамда ўзаро муносабатларда маълум бир келишувларни қабул қилса, унинг самарадорлиги янада ошади. Аммо, бунда давлатнинг миллий хавфсизлиги хавф остига қўйилиши мумкин эмас.

5. *Ўзаро камситмаслик таъминли.* Давлат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида божхона сиёсати дастаклари орқали у ёки бу миллий бозорда чегаралаш чоратадбирларини қўллайдди. Уларни қўллаш дискриминацион (камситиш) кўринишда бўлмаслиги, яъни баъзи мамлакатларга нисбатан эмас, балки барча қатнашувчи мамлакатларга нисбатан бирдек қўлланиши лозим.

6. *Бир томонлама ҳаракатларга йўл қўймаслик.* Миллий бозорни ҳимоя қилиш бўйича қарорлар кўп томонлама маслаҳатлашувлардан сўнг қабул қилиниши керак.

7. *Демократизм таъминли.* Демократизм таъминли божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга қўллашда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқароларнинг божхона иши соҳасидаги ҳуқуқларининг ҳимояланишини талаб қиладди.

Давлат божхона органлари божхона назорати вазифаларини бажариш учун халқаро тажрибада кўп қўлланиладиган қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– божхона йиғимлари миқдорини тартибга солиш орқали мамлакатга кириб келаётган товарлар таркибига таъсир кўрсатиш. Бунда товарларнинг мамлакат ҳаёт фаолияти учун қай даражада муҳимлиги эътиборга олинади. Аҳоли ва мамлакат эҳтиёжлари учун муҳим бўлган импорт маҳсулотларига бож тўловлари камайтирилади ёки бекор қилинади. Бошқа товарларга эса бож тўловлари юқори даражада белгиланади:

– мамлакатнинг ҳисоб ва тўлов балансининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тариф қоидаларини тартибга солиш;

– миллий иқтисодий эҳсон бозоридаги маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш харажатларидаги фарқлар ҳамда ички ва ташқи бозорлардаги нарх қайчиси туфайли юзага келадиган салбий омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш. Ички ва жаҳон бозорлари нархларини мувофиқлаштириш учун божхона дастаклари ва воситаларидан фойдаланилади³²⁹.

Божхона органларининг муҳим вазифаларидан бири муҳим стратегик хом-ашёларни, валюталарни ноқонуний тарзда четга олиб чиқиб кетилишига ёки экспорт ва бартер операциялари туфайли олинган валюта тушумларининг қайтмаслигига ҳамда контрабандага йўл қўймаслик ҳисобланади.

Иқтисодий контрабандага қарши кураш муҳим аҳамиятга эга. Ташкилий жинойий гуруҳлар ва айрим тadbиркорлар томонидан мамлакатга ноқонуний тарзда товарларини олиб келиниши ички бозорлардаги товарларнинг рақобатбардошлилигига таъсир кўрсатади. Чунки контрабанда товарлари божхона тўловларини, солиқларни тўламасдан олиб кирилгани учун ички бозордаги миллий товарларга нисбатан арзон бўлади. Натижада улар миллий товарлар бозорини касод қилиб, товар ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлишига олиб келади. Контрабандистларнинг мақсади қисқа муддат-

³²⁹ Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник М., Изд-во РАГС, 2001.- С.400; Кочергина Е.Т. Экономическая безопасность –Ростов н /Д.: Феникс. 2007.- С.365-388.

да товарларини сотиб, фойда олишдан иборат. Иқтисодий контрабандага қарши курашнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

– барча транспорт воситаларидан фойдаланиб, божхона назоратидан яширинча божхона чегаралари орқали товар, бойликлар ва бошқа буюмларни олиб ўтишга бўлган уринишларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

– контрабанда буюмларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни мусодара қилишнинг технологик схемаларини ишлаб чиқиш. Бунинг учун божхона чегара постларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, юқори малакали божхона ходимларини тайёрлаш ва уларни ватанпарвар қилиб тарбиялаш лозим бўлади. Шунингдек, контрабанда билан шуғулланувчи шахсларнинг жавобгарлигини, уларни жазога тортишнинг қонуний-меъёрий асосларини кучайтириш керак;

– ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида профилактика ишларини олиб бориш;

– давлат божхона органларининг хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиб органлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият олиб боришларини таъминлаш;

– контрабандага қарши кураш бўйича чора-тадбирларни тартибга солувчи, уларнинг қонунийлигини таъминловчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

19.4. Хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ хавфсизлик ва мамлакатнинг рақобатбардошлиги

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий капиталнинг кириб келиши Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий қайта қуришни, истикболли, замонавий тармоқларни вужудга келтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, ички бозорни товарлар ва хизматлар

билан тўлдиришга, товарларни экспорт қилишнинг янги бозорларини, хўжалик субъектларини бошқаришни замонавий менежмент асосида қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришга, янги ишчи ўринларини яратишга имкон беради. Капитал киритувчи хорижий инвесторнинг инвестициялардан кутилаётган даромади капитал эвазига олиш мумкин бўлган фойз ставкасидан юқорирок даражада бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасида иктисодиётга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай шароитлар яратилган. Мавжуд қонунчиликка биноан хорижий инвесторлар ўз инвестицияларини республика ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга ошириш имкониятларига эга:

– давлат мулкни хусусийлаштириш орқали янгидан ташкил этилаётган корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларда ўз улушини қўйиши, яъни қўшма корхона ташкил этиш ёки бутунлай корхонани сотиб олиш;

– мулкни, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни харид этиш;

– мустақил ёки миллий хўжалик субъектлари иштирокида хусусийлаштирилаётган давлат объектларига мулкий ҳуқуқни сотиб олиш, яъни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини харид қилиш.

Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб этишда қуйидаги соҳаларга устуворлик берилади:

– замонавий технология асосида истеъмол товарларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;

– ускунаСОЗЛИК, аСБОБ-УСКУНАЛАР ВА РАДИОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, АВТОМОБИЛСОЗЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ;

– хом ашё ва энергоресурсларни тежамли ишлатиш имкониятини берувчи ускуналарни ишлаб чиқариш;

– эҳтиёт қисмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Бу ишлар маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилади;

– замонавий ахборот ва телекоммуникациялар тизимини барпо этиш;

– хом ашё, табиий ресурсларни казиб чиқариш ва экологик жиҳатдан соф усуллар билан уларни қайта ишлаб чиқариш;

– дори-дармон ва замонавий тиббий техникани ишлаб чиқариш.

Мамлакатимизда хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияси тўғрисидаги қонунлари асосида кафолат ва имтиёзлар яратилган. Хорижий инвесторлар баъзи солиқлардан озод қилинган бўлиб, улар солиқ ва божхона тўловларида имтиёзларга эгалар.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни иқтисодийга жалб этиш учун қулай муҳитнинг яратилганлиги сабабли асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркибида хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб бормоқда. Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2000 йилда чет эл инвестиция ва кредитларининг улуши 23,2 фоизни, жумладан, ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 фоизни ташкил қилди. 2017 йилда эса хорижий инвестицияларнинг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 25,1 фоизни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 18,7 фоизни ташкил этди³⁰.

Ўзбекистонда 2017 йилда 17146,5 млрд. сўм (доллар эквивалентида 3348,2 млн. АҚШ доллари) ёки 2016 йилга нисбатан 134,9 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди ҳамда унинг жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши ташкил этди. Асосий капитал-

³⁰ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 53-54-бетлар; Asosiy kapitalga investitsiyalar/https://stat.uz/uploads/docs/investitsiya-yan-dek-2017uz1.pdf

га хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 6,7 %ни ташкил этиб, 2016 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,4 % пунктга кўпайди.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида олиб борилган қатор ислохотлар натижасида ўзлаштирилган тўридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 12768,6 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 2493,3 млн. АҚШ доллари) ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 44,9 % га кўпайди ва жами инвестициялардаги улуши 18,7%ни ташкил этди³³¹.

2018 йилнинг январь-декабрида 31350,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 3,9 млрд. АҚШ доллари) ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 136,6% асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 29,2%ни ташкил этди. 2018 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМга нисбати 7,7%ни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 2,0% пунктга кўпайди. Тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 1816,9 млн. АҚШ долларини ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 46,8%ни ташкил этди. Уларнинг ҳажми 2017 йилга нисбатан 14,2%га камайди³³².

Шуни айтиш жоизки, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш билан бир қаторда ушбу жараёнларда юзага келадиган таҳдидларнинг олдини олиш, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Чунки хорижий инвесторлар томонидан инсофсиз хатти ҳаракатлар содир этилиши мумкин. Бундай инсофсизликлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

– чайқовчилик келишувлари. Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиб, бирон-бир корхо-

³³¹ Asosiy kapitalga investitsiyalar/<https://stat.uz/uploads/docs/investitsiya-yan-dek-2017/uz1.pdf>

³³² Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. -Т. ДСҚ, 2019.-112,113,114-бетлар.

нани қўлга киритади. Сўнгра уни ёки ундаги ноёб техника, асбоб-ускуналарни юкори баҳода сотади;

– киска муддатда юкори фойда олиш учун капитал кири- тади. Фойда олгач, ўз фаолиятини тўхтатиб қўяди;

– хориждаги корхоналар учун ракобатлаша оладиган миллий корхонани қўлга киритиб, унда ишлаб чиқариш жа- раёнларини тўхтатиб қўяди, иложи борича, ишлаб чиқариш- ни хорижга қўчиришга ҳаракат қилади;

– корхонадаги илмий-техникавий ва тажриба-конструк- торлик ишларини тўхтатиб қўяди, охир-окибатда хорижий компаниянинг ўзини мустақил ривожлантира олмайдиган бир бўлимига айлантириб қўяди;

– қўлга киритилган мулкдан ноиктисодий мақсадларда фойдаланиш³³³;

– стратегик аҳамиятга молик соҳаларга кириб олиб, мамлакатнинг мудрофаа қобилиятини пасайтиришга уриниш; стратегик хом ашё ресурсларини арзон нархларда четга та- шиб кетиш;

– табиий ресурсларни казиб чиқариш ва қайта ишлаш ҳамда экологик жиҳатдан хавфли ишлаб чиқаришларга сар- моя киритиб, иқтисодий ва экологик талабларга риоя этмас- ликка уринадилар;

– ҳамкорларнинг ҳудудларига ривожланган мамлакат- ларда фойдаланиш ман этилган технологияларни, зарарли ишлаб чиқариш чиқиндиларини олиб киришга ҳаракат қи- ладилар;

– инвестицион лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, инвестицион муҳитни ўрганиш баҳонасида давлатнинг сиё- сий ва иқтисодий сирларини билиб олишга, кўпроқ ўзлари- нинг бошқа ноҳалис мақсадлари учун ахборотлари тўплашга ҳаракат қиладилар. Бунда турли соҳаларни ислоҳ қилишга бағишланган, давлат бошқарув органлари ҳамда илмий жа-

³³³ Қараи: Основы экономического безопасти. Под ред. Олесникова Е.А. – М., ЗАО “Бизнес школа”, “Интел Синтез”, 1987.- С.67-81. Экономическая безопасть- ность хозяйственных систем. Учебник. – М., Изд-во РАГС, 2001.-С.409-410.

моатчилик иштирокидаги илмий-амалий анжуманларни ташкил этишни молиялаштириш усулларидан фойдаланилади.

Давлат хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш жараёнларини тартибга солиш орқали юқорида келтирилган нохуш-салбий хатти-харакатларга қарши ўз механизмини яратди. Давлатнинг инвестицион сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

– иқтисодий ва сиёсий манфаатлардан келиб чиқиб, ички ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириб бориш;

– хорижий капиталнинг стратегик аҳамиятга молик соҳа, тармоқ ва корхоналар фаолиятига бўлган таъсирининг олдини олиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жойлаштирилишини тартибга солиш;

– самарали фаолият юритаётган миллий компания ва корхоналарни хорижий инвесторлар ва трансмиллий компаниялар томонидан бутунлай сотиб олинишига ёки қўшиб олишларига йўл қўймаслик.

Мамлакатимизнинг халқаро капитал бозорларидаги рақобатбардошлилигини мустаҳкамлаш инвестицион жараёнлар самарадорлиги билан узвий алоқадорликда бўлган қуйидаги учта асосий омилга боғлиқ бўлади:

– давлат бошқарувининг рақобатбардошлигини кучайтириш. Бунинг учун давлатчилик функцияларининг оптимал ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан янада самарали ташкил қилишга имконият берувчи тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш керак. Шунингдек, амалдаги ва янги қонунларни халқаро талаблар асосида унификациялаш, уларни мақсадли қўлланишини таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий эркинликларни таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш зарур;

– маҳаллий бизнес ва тадбиркорликнинг рақобатбардошлилигини кучайтириш. Бунинг учун молиявий секторни ислоҳ қилиш, унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-

ни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш лозим бўлади:

– инсон капиталининг, фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ва даромад олиш имкониятлари, бизнесдаги юқори рақобат муҳити шароитида фаолият юрита олиш қобилиятлари билан белгиланади³³⁴.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишни жадаллаштириш орқали мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги рақобатбардошлилигини янада ошириш учун имкониятлар яратилади.

19.5. Халқаро иқтисодий ташкилотларда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари

Мамлакатимизда очиқ иқтисодиётини шаклланиши ва унинг ривожланиш истиқболлари устувор даражада жаҳон ҳўжалиги тизимига кириб боришига боғлиқдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида дунёдаги 150 дан ортиқ давлат тан олди. Ўзбекистон халқаро иқтисодий ташкилотларда фаол иштирок эта бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Умумжаҳон Банк гуруҳи, Халқаро Валюта фонди, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлган. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва мазкур ташкилот доирасида дунё денгиз портлари, мамлакатлараро транспорт тармоқлари, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиш имконини берадиган халқаро йўллارни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

³³⁴ Юлдашев Ш. *Инвестиция жараёфлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш муаммолари // Эркин иқтисодиёт тамойиллари* (Х.П.Абдуқосимов ва б.) – Т. Академия, 2005. – 39-40-бет.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлиги узоқ ва қисқа муддагли муҳим вазифаларни ўзвий бирга қўшиш нуқтаи назаридан амалга оширилмоқда. Бу борадаги вазифаларни белгилаб берар экан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов, шундай деб таъкидлаган эди: “Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа – Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади. Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этиш бевосита кўмаклашиш, мавжуд халқаро иқтисодий тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган масалалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда”³³⁵.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти фаолиятида иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши мазкур кўп томонлама шартномага аъзо бўлган 130 дан ортиқ мамлакат билан савдо тўсиқларисиз паст божхона поштиналари тўлаган ҳолда савдо – сотик қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёزلарга эга бўлиш имконини беради.

Мамлакатимизни халқаро савдо тизимига интеграциялашувининг қуйидаги шарт-шароитларини яратиш лозим бўлади:

– иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;

– ривожланиш стратегиясини шакллантириш; халқаро маркетингни йўлга қўйиш;

³³⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.,Ўзбекистон, 1995. – 108-бет.

– ташқи иқтисодий фаолиятни шу жумладан халқаро савдони тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш;

– халқаро савдони молиялаштириш ва инфратузилмани шакллантириш;

– малакали кадрларни тайёрлаш.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилоти фаолиятида 1994 йилдан буён кузатувчи мақомида иштирок этмоқда. Эндиликда ЖСТга аъзо бўлиб киришга тайёрланмоқда. Бунда республиканинг ЖСТга аъзо бўлишининг ижобий ва салбий оқибатларини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки мазкур ташкилотга аъзо бўлиб кириш билан боғлиқ ижобий имкониятларни ва хавф-хатарни тўғри баҳолаш лозим бўлади. Бунинг учун ЖСТнинг мажбуриятларини чуқур ўрганиш, бошқа мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш, аъзо бўлиб кириш оқибатларини баҳолаш учун ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг таъсирчанлигини таҳлил қилиш ва оқибатларни миқдорий баҳолаш керак. Ушбу ишларни амалга ошириш асосида ЖСТ талабларига мослашиш бўйича таклифлар тайёрланади.

Проф. Д. Қ. Ахмедовнинг Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши натижасида қутилаётган ижобий ва салбий оқибатлар тўғрисидаги фикрлари эътиборга сазовардир. Унинг фикрича, Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиши натижасида қутилаётган ижобий оқибатлар қуйидагилардан иборат:

– ЖСТнинг бошқа аъзолари билан савдо қилишда мумкин қадар қулай режимга эга мамлакат мақомини олиш;

– тариф ва нотариф тўсикларнинг бекор қилиниши натижасида ташқи бозорга, энг аввало ривожланган мамлакатлар бозорига кириш имкониятларининг кенгайиши (айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери, тўқимачилик маҳсулотлари, кимё ва саноат маҳсулотларига нисбатан);

– савдо муносабатларида дискриминацияни бартараф этиш, ўзбек экспортёрлари манфаатларини хорижда химоя қилиш, бунинг натижасида мамлакат экспорти учун преференциал режимнинг барпо бўлишига имкон яратилади;

– хорижий сармоядорларнинг ишончи мустахкамланади, республика иқтисодиётига хорижий сармояларнинг оқими ортади, Ўзбекистоннинг халқаро капитал бозоридаги ўрни мустахкамланади;

– юрларни ЖСТга аъзо давлатлар ҳудуди орқали эркин транзит қилиш ҳуқуқидан фойдаланилади;

– стандартлаштириш ва сертификациялаш тизими асосида савдода нотариф чекловлардан, шу билан бирга ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича тариф чора-тадбирлари аҳамиятини камайитиришда санитар ва фитосанитар чора-тадбирлардан компенсацион механизмлар сифатида кенг қамровли фойдаланиш имконияти яратилади;

– савдо шериклари билан юзага келадиган тушунмовчилик ва баҳсларни ЖСТ томонидан белгиланган механизмлар ва қоидалар ёрдамида ҳал қилиш;

– савдода вужудга келган муаммолар юзасидан ЖСТ аъзоларидан маслаҳатлар олиш, ташқи иқтисодий сиёсат ҳамда ҳукуматлар ва иштиракчи мамлакатларнинг мақсадлари бўйича тезкор маълумотларга эга бўлиш;

– экспорт, импорт, хорижий ва маҳаллий сармоялар салоҳиятининг ортиши натижасида давлатнинг фискал даромадлари ошади;

– ишлаб чиқариш жараёнида импорт хом ашёсидан, яримфабрикатлардан фойдаланадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш харажатлари қисқаради³³⁶.

ЖСТга аъзо бўлиш натижасида қутилаётган салбий оқибатлар, яъни хавф-хатарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар проф. Д.Қ.Ахмедовнинг хулосаларига кўра қуйидагиларда намоён бўлади:

– мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ортади, миллий иқтисодиётнинг кўп жиҳатдан очиклиги натижасида айрим тармоқларнинг барқарор ривожланиши хавф остида қолиши мумкин;

³³⁶ Проф. Д.Қ.Ахмедовнинг Давлат ва жамият қурилиши академияси таълиқчиларига ўқиган маъруза матни.

– ташқи шокларга нисбатан мамлакат иктисодиётининг заифлиги ортада ҳамда жаҳон бозоридаги нархларнинг тебраниши республика тўлов балансига таъсир этиши мумкин;

– Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга айнан ўхшаш бўлган маҳсулотларни нисбатан арзон нархларда импорт қилиш (товар интервенцияси) натижасида саноат тармоғининг айрим базавий тармоқларида рақобатбардошлик пасайиши мумкин;

– музокаралар жараёнида ЖСТга аъзо мамлакатлар босими остида амалиётга жорий қилиниши лозим бўлган божхона тарифлари ва бождарининг камайтирилиши натижасида илк босқичларда давлат бюджетининг даромадлар қисми қисқариши мумкин;

– иктисодиётнинг айрим стратегик тармоқларини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат имкониятларининг камайиши;

– трансмиллий корпорациялар ва хорижий фирмаларнинг мамлакатдаги мавқеи ошиши натижасида улар миллий иктисодиётнинг асосий тармоқларини тартибга солиш жараёнига аралаштирилиши мумкин;

– ички бозор нархлари, монополиялар тарифлари, техник нормалар ва стандартлар, интеллектуал мулкдан фойдаланиш қоидалари каби амалиётда мавжуд бўлган тартибга солиш усуллари ўзгармаган ҳолда сақлаб қолиш имконияти камайд³³⁷.

Мамлакатнинг жаҳон ҳўжалик тизимига кириб бориши ва халқаро иктисодий ташкилотларга, шу жумладан Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнларида хавфсизликни таъминлаш учун ватанимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтириш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Охириги йилларда саноат тармоғининг ривожланиш натижалари қўллаб ишлаб чиқариш корхоналарининг бозор

³³⁷ Проф. Д.К.Ахмедовнинг Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларига ўқиган маърузаси мағни.

шаронтига мослашганлиги ва давлат кўмаги ёрдамида юкори самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, саноатда кузатилаётган ўсиш омиллари ва манбаларининг нобарқарор характерини кўрсатувчи муаммолар ҳам юзага келган. Бу ҳол эса ўзбек товарларининг жаҳон бозорига чиқишига тўскинлик қилиш билан бир қаторда мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин дир.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш ва маҳсулотларнинг жаҳон бозорига рақобатбардошлилигини ошириш учун иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, унинг экспортга йўналтирилган таркибини шакллантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари кўрилади.

Жаҳон хўжалик тизимида ўзига муносиб ўринни эгаллаш, иқтисодий хавфсизлик ва юкори рақобатбардошлиликни таъминлаш учун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш орқали ЯИМ ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик ўсиш суръатларини янада ошириш кўзда тутилмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда жаҳон хўжалик тизимида мамлакатнинг рақобатбардошлилигини ошириш учун қуйидаги макроиқтисодий шарт-шароитлар яратилиши лозим бўлади;

- йиллик инфляция даражасини 3-4%га тушириш;
- иқтисодиётдаги солиқ юкнини янада пасайтиришга эришиш;
- миллий валюта барқарорлигини таъминлаш;
- банк тизими ва иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни давом эттириш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш асосида иқтисодиётда давлат улушини оқилона ва мақбул даражагача камайтириш,

хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 60%га етказиш;

– эркин иқтисодиёт тамойилларини жароий этиш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

– давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириб бориш орқали иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини уйғунлаштириш;

– институционал ислохотларни амалга ошириш орқали иқтисодиётни маъмурий асосда бошқаришдан воз кечиб, уни иқтисодий восита ва дастаклар орқали тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш;

– миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимида мустаҳкам ўрин тутишига эришиш, миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш;

– мамлакат экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш³³⁸.

19.6. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва такомиллаштириш йўналишлари

Мустақилликнинг дастлабки босқичида Ўзбекистонда давлатнинг ташқи иқтисодий соҳадаги сиёсатини шакллантиришда режали иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган иқтисодий алоқаларнинг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Унга кўра, аъъанавий товарлар савдоси билан чекланиб қолиши, халқаро иқтисодий муносабатларнинг хизматлар ва ахборотлар, молня капитали ва ишчи кучи билан айирбошлаш каби турларини деярли ривожланмаганлигини, импортнинг экспортдан устунлигини, экспорт ва импорт структурасининг самарасизлиги, четга асосан хом ашё чиқарилиб, четдан ис-

³³⁸ Қаранг: Абулқосимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. –Т.: Akademiya, 2011. 165-177-бетлар.

теъмоли товарлари келтирилганлиги каби салбий жихатларини санаш мумкин.

Бундай ҳолат республика иқтисодиётидаги номутаносибликни янада чуқурлаштирди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши республиканинг мавжуд имкониятларини объектив баҳолашни ва улардан миллий манфаатлар йўлида имкони борича тўлиқ фойдаланишни талаб қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларини эркинлаштириш борасида изчил ислохотлар олиб борилди. Унга кўра, ислохотларнинг тадрижий ривожланиш босқичида дастлаб ташқи савдони тартибга солишнинг институционал ва ҳуқуқий базаси яратилиб, ташқи савдони тартибга солишда билвосита маъмурий усуллардан кенг фойдаланилган бўлса, кейинги босқичларда ташқи савдони тартибга солишнинг халқаро амалиётга мос келадиган бевосита иқтисодий усуллари жорий этилиб, экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсати олиб борилди. Ташқи савдони босқичма-босқич эркинлаштирилиши натижасида миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертациялашувига эришилди (19.6.1- жадвал).

19.6.1- жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини эркинлаштириш босқичлари

Биринчи босқич – 1991-1994 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсатининг юритилиши. Ташқи савдони тартибга солишнинг институционал ва ҳуқуқий базаси яратилди. Ташқи савдо сиёсатида <i>нотариф</i> усуллари <i>етақчилик</i> қилди.
Иккинчи босқич – 1995-1997 йй.	Ташқи савдони тартибга солишнинг халқаро амалиётига мос келадиган дастлавлари жорий қилинди. Бу давр миқдорий чекловларининг қисқариши ҳамда кенг миқёсда экспорт ва импорт божларини фаол қўллаш даври ҳисобланади.

Учинчи боскич – 1997-1999 йй.	Бу давр ташки савдони эркинлаштиришни чуқурлаштириш, тариф ва нотариф усулларини соддалаштириш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган савдо сиёсатининг юритилиши, экспорт божларининг бекор қилиниши, экспортга йўналтирилган сиёсатнинг олиб брилиши билан изоҳланади.
Тўртинчи боскич – 2000-2003 йй.	Ташки савдони ва валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган янги давр ҳисобланади. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб импорт тарифининг уч поғанали ставкалари (0; 10; 30) жорий этилди.
Бешинчи боскич – 2003 йилдан 2016 йилга қадар	Ўзбекистон ташки савдосини эркинлаштириш боскичи. Ташки савдони босқичма-босқич эркинлаштириш натижасида миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациялашувига эришилди. Бу, ўз навбатида, экспортга йўналтирилган иктисодий ривожлантириш учун қучли рағбатлантириш бўлди.
Олтинчи боскич-2017 йилдан бошланди.	Ташки иктисодий фаолиятни янада эркинлаштиришнинг янги боскичи. Валюта бозори ва ташки иктисодий фаолиятни эркинлаштириш, хусусан қўшни давлатлар билан иктисодий алоқаларни ривожлантириш. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш.

Республикамызда ҳам экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида миллий ишлаб чиқарувчиларга ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат) ларни экспорт қилганида бир қатор солиқ имтиёзлари қўзда тутилган. Жумладан:

Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

товарларни эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига нол даражали ставка бўйича солиқ солинади, яъни экспорт фаолияти тўлиқлигича қўшилган қиймат солиғидан озод этилган.

Акциз солиғи бўйича:

товарларни эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига акциз солиғи солинмайди (Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамари томонидан белгиланадиган айрим товарлардан ташқари).

Даромад (фойда) солиғи бўйича:

экспортчи корхоналар учун реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортининг эркин конвертацияланадиган валютага экспорт қилиш улушига боғлиқ ҳолда даромадга солиқ солишнинг регрессив шкаласи амал қилади.

Экспорт улуши:

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизга қадар бўлганида – белгиланган ставка 30 фоизга камаяди;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганида – белгиланган ставка 2 бараварга камаяди.

Мол-мулк солиғи бўйича:

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизга қадар бўлганида – белгиланган ставка 30 фоизга камаяди;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганида – белгиланган ставка 2 бараварга камаяди.

Шунингдек, мамлакат миллий хўжалиги учун зарур бўлган товарлар билан ички бозор эҳтиёжларини тўлиқроқ даражада таъминлаш мақсадида кўпгина импорт товарларини олиб кириш бўйича ҳам қатор энгилликлар яратилган. Бу борадаги энгилликларнинг хусусиятли жиҳати сифатида, таъкидлаш лозимки, мамлакат инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган хориждан келтирилаётган янги техника ва технологиялар ва истеъмол учун бирламчи даражада зарур бўлган ун, ёғоч ва ёғоч материаллари каби товарларга кўпроқ устуворлик берилган.

Юқорида санаб ўтилган усул ва воситалар асосида мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ташқи савдо балансида кескин ўзгаришлар содир бўлди. 2018 йилда 2000 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 5,4 мартага, экспорт ҳажми 4,3 мартага, импорт 6,6 мартага ўсди. 2018 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 33,8 миллиард долларни

ташқил этди, яъни 2017 йилга нисбатан 27,3%га ўсди. (каранг: 19.6.2-жадвал).

19.6.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг 2000-2018 йиллардаги ташқи савдо айланмаси³³⁹ (млн.АҚШ доллари)

	2000 й.	2016 й.	2017й	2018 й
Ташқи савдо айланмаси	6212,1	24309,4	26907,0	33809,1
МДХ мамлакатлари	2297,8	8461,5	9737,7	12431,5
Бошқа хорижий давлатлар	3914,3	15847,9	17169,3	21377,6
Экспорт	3264,7	12178,7	13893,6	14253,9
МДХ мамлакатлари	1172,2	4415,3	5233,5	5292,5
Бошқа хорижий давлатлар	2092,5	7763,4	8660,1	8961,4
Импорт	2947,4	12130,7	13013,4	19555,2
МДХ мамлакатлари	1125,6	4046,2	4504,2	7139,0
Бошқа хорижий давлатлар	1821,8	8084,5	8509,2	12416,2
Сальдо	317,3	48,0	880,2	-5301,2
МДХ мамлакатлари	46,6	369,1	729,3	-1846,5
Бошқа хорижий давлатлар	270,7	-321,1	150,9	-3454,8

Мамлакатимизда экспорт фаолиятини энгиллаштириш ва кўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида 2018 йили экспорт ҳажми 14253,9миллион долларни ташқил этиб, 2017йилга нисбатан 13,6 фоизга ўсган. Кейинги икки йилда экспорт географияси 50та давлатга кенгайиб, 140тага етган. Экспортга 120та янги турдаги маҳсулот чиқарилган. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 56 фоизни ташқил этиб, ҳудудий саноат экспорти қарийб 1,7баробар ўсган. **Бирок, ҳали ҳам мамлакатимизнинг экспорт салоҳи-**
 339 «Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг.: Стат.сб. –Т.: Узбекистан,2011. –С.58; Статистика внешней торговли// www.stat.uz.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. –Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.142; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСҚ, 2019.-227-бет маълумотлари асосида тузилди.

ятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Экспорт таркибида пахта толасининг улуши 1990 йилдаги 59,7% дан 2018 йилда 1,6% га камайди. Шунинг билан бирга кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар улуши 2,3%дан 6,3%га, яъни 2 мартадан зиёда, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 1,3% дан 21,3%га ошди (қаранг: 19.6.3-жадвал).

Жадвалдаги маълумотларидан кўринадики, импорт таркибида машина ва ишлаб чиқариш ускуналари улуши 2018 йилда 42,5 фоизни ташкил қилиб, бу 1990 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,5 баравар кўпроқдир. Мазкур ҳолат республикада иқтисодийни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш жараёнларини амалга оширишда замонавий ва юқори технологияларга асосланган машина ва ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган эҳтиёжнинг ошганлиги билан изоҳланади.

19.6.3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо таркибидаги ўзгаришлар³⁴⁰

Кўрсаткичлар	1990 й.	2010й.	2016й.	2017й.	2018й.
Ташқи савдо айланмаси, млн. долл.	805,6	21844,2	24309,4	26907,0	33809,1
Экспорт, млн. долл.	442,7	13044,5	12178,7	13893,6	14253,9
Импорт, млн. долл.	362,9	8799,7	12130,7	13013,4	19555,2
Сальдо (+, -) млн. долл.	79,8	4244,8	48,0	880,2	-5301,2
Экспорт (%)	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Пахта толаси	59,7	11,3	5,2	3,4	1,6

³⁴⁰ «Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг.: Стат.сб. –Т.: Узбекистан, 2011. –С.58; Статистика внешней торговли// www.stat.uz.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. – Т., Госкомстат РУ. 2018.- С.142; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСҚ, 2019.-227-бет маълумотлари сасосида муаллиф томонидан тузилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	9,7	5,7	6,3	7,7
Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	5,1	6,9	6,4	6,3
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	17,1	24,8	14,1	13,8	18,7
Қора ва рангли металллар	4,6	6,8	5,8	6,6	8,2
Машина ва асбоб-ускуналар	1,7	5,5	1,8	2,6	1,5
Хизматлар	1,3	9,1	26,3	25,2	21,3
Бошқалар	9,7	27,7	34,2	35,7	34,7
Импорт (%)	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Машина ва асбоб-ускуналар	12,1	44,1	41,4	38,9	42,5
Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	9,7	14,3	17,0	16,5	13,1
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,1	6,0	4,8	5,7	4,5
Қора ва рангли металллар	10,2	8,4	7,6	9,8	9,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	10,9	11,9	9,8	8,1
Хизматлар	1,5	4,7	6,6	7,5	11,5
Бошқалар	14,5	11,6	10,2	11,8	11,2

Озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши 1990 йилда 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 8,1 фоизга қадар, яъни деярли 6 баравар қисқарди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосларининг тобора ривожлантириб ва мустахкамлаб борилаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, ушбу даврда хизматлар импорти улушининг 5 баравардан кўпроқ ўсиши мамлакатимизда замонавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Ташки иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу борада биз Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттирамиз”³⁴¹,-деб таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, ташки иқтисодий фаолиятни, шу жумладан, ташки савдо алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди:

– Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо юкларини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлақларини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

– логистик маршрутларни диверсификация қилиш, бу борада қўшниларимиз билан амалий музокаралар ўтказиш;

– Хитой давлатининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги имкониятларини ошириш;

– транзит давлатлар, хусусан, Туркменистон, Эрон, Қозғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш;

– хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантириш;

– миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида **“Миллий логистика портали”**ни ташкил этиш;

³⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

– Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаш;

– экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш;

– асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “Ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат³⁴².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодийликнинг жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифасини белгилаб берди. Шунга мувофиқ қуйидагиларнинг амалга оширилиши мўлжалланмоқда:

– 2019 йили экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказиш;

– экспортга йўналтирилган иқтисодийликка ўтиш, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантириш;

– транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш. Бунинг учун “Ўзбекистон Эйрвейс” ва “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари товарларимизни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишларини яратиш;

– Вазирлар Маҳкамаси экспорт юкларини қўшни давлатлардан темир йўл орқали имтиёзли нархларда ўтказиш бўйича музокаралар олиб бориши керак. Шу билан бирга, Жаҳон банкнинг “Логистика самарадорлиги индекси” даги мамлакатимиз ўрнини юқори позицияга кўтариш чораларини кўриш;

– 2019 йилда божхона тартибларини кескин соддалаштириш, божхона назорати пунктлари ҳамда юкларни расмийлаштириш постларини тубдан ислоҳ қилиш;

– Юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий талабларга жавоб берадиган, “ягона дарча” тамойили асосида фаолият кўрсатадиган божхона комплексларини барпо этиш;

³⁴² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

– қайд этилган масалалар бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш³⁴³.

2019 йил 6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмларини ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Президент экспортбоп маҳсулотлар таркибини диверсификация қилиш, экспортда хомашё бўлмаган маҳсулотлар улушини камида 60 фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Миллий экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Мазкур стратегия экспортёрларга кўрсатилаётган давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, «Doing Business» рейтингда «ташқи савдо» кўрсаткичи бўйича юқори 50 мамлакат каторига киритиш масалаларини қамраб олади. Хориж тажбирасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон экспортёрлар ассамблеяси ташкил этилади³⁴⁴.

Асосий таянч тушунчалар:

Жаҳон хўжалик тизими, халқаро меҳнат тақсироти, ташқи иқтисодий фаолият, ташқи иқтисодий хавфсизлик, таҳдидлар, ташқи савдо, савдо баланси, тўлов баланси, экспорт, импорт, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, божхона, божхона божлари, божхона тарифлари, тарифли ва тарифсиз чеклашлар, иқтисодий рақобатбардошлик, мамлакатнинг экспорт салоҳияти, иқтисодий контрабанда.

³⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

³⁴⁴ Ўзбекистонда 2019 йилги экспорт прогнози ўтган йилга нисбатан 30 фоизга кўп этиб белгиланди.//<https://kun.uz/news/2019/02/06/ozbekistonda-2019-yilgi-eksport-prognozi-otgan-yilga-nisbatan-30-foizga-kop-etib-belgilandi>

Такрорлаш учун саволлар:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти ва савдода миллий манфаатлар нималарда намоён бўлади?
2. Турли мамлакатлар учун “Эркин халқаро савдо” принципи қандай аҳамиятга эга?
3. Қулай савдо ва иқтисодий алоқалар режими нимани англатади?
4. Ташқи иқтисодий хавфсизлик деганда нимани тушунасиш?
5. Ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш деганда нимани тушунасиш?
6. Ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қандай таҳдидлар таъсир қилади?
7. Ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун нималар қилиш керак?
8. Иқтисодий очикликнинг қандай чегаралари бўлиши керак?
9. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш деганда нимани тушунасиш?
10. Ўзбекистоннинг Халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши қандай салбий ва ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин?
11. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги деганда нимани тушунасиш?
12. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун нималар қилиш керак?
13. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий хавфсизликка қандай таҳдидлар мавжуд?
14. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?

ХУЛОСА

Миллий хавфсизлик фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳаётини муҳим манфаатлари, шунингдек, миллий кадрлар ва ҳаёт тарзининг кенг қўламдаги, турли-туман ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганликни ифодалайди. Миллий хавфсизлик фуқаролар, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, инфор­мацион ва бошқа омиллар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шу боисдан миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий-мудо­фаа, ғоявий, иқтисодий, экологик, инфор­мацион хавфсизликларни ўз ичига олади.

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шартини ёқиб олиши, кўрсаткич­чи иқтисодий хавфсизликдир. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси энг умумий тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳиятини ифода­лайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун хавфсизлик тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу тизим ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

– тадбиркорлик субъектига тегишли ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик объектларини, бошқарувчи раҳбарларнинг шахсий дахлсизлигини ҳамда пул маблағларини сақлаш учун кўриқчи-қоровуллик хизматини ташкил этиш;

– тадбиркорлик субъектининг инфор­мацион ва ижтимоий жихатдан ҳимояланишини таъминлайдиган аналитик хизматни ташкил этиш. Унинг вазифалари ичида разведка ва контрразведка билан шуғулланишни ташкил этиш учун стратегик муҳим субъектлар билан ишлаш ҳам муҳим ўрин тутди;

– ташқи экспертлар ва ички консультантлар гуруҳининг стратегик муҳим масалалар бўйича таклифларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича фаолиятини ташкил этиш.

– корхонанинг мол-мулки ва интеллектуал мулкига килинган тажовузкорона таҳдид ёки улардан нораціонал фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш;

– ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги технологик жараёнлар мунтазамлигининг бузилишига ҳамда малакали кадрларнинг кетиб қолишига олиб келувчи нохуш, салбий тенденцияларнинг олдини олиш;

– иқтисодий дастурлар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсирини камайтириш чораларини амалга ошириш. Бундай омиллар маҳсулотнинг сифат ва рақобатбардошлилиги кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

– ҳамкорлар ва рақобатчиларнинг молиявий аҳволи, ишбилармонлар доирасидаги нуфузи тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида уларга муносабат масалаларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасида озик- овқат хавфсизлигини ишончли тарзда, барқарор таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

– қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда илғор технологияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини янада ошириш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш, ердан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўриш ҳамда ерлардан ёмон фойдаланиш оқибатида унм яроқсиз ҳолатга келтирган субъектларга нисбатан қатъий чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

– қишлоқ хўжалиги озиқавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга нест-нобуд қилмасдан етказиб бериш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш лозим бўлади;

– қишлоқ хўжалиги экинлари навларини республика минтақалари ва ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилова жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш;

– қишлоқ хўжалиги экинларини аямашлаб экишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш;

– мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва бунинг асосида тармокни ўрта ва узок муддатли истикболда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

– юқори қўшилган қийматга эга, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида тармок корхоналарида қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хом ашёсини янада чуқур қайта ишлаш замонавий технологик циклни ташкил этиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш корхоналари, тайёрлаш ва сотиш ташкилотлари ўртасида бозор муносабатлари асосида, унинг тайёрланиши, сақланиши, янада чуқурроқ қайта ишланиши ва сотилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хом ашёси ҳаракатининг замонавий логистикасини кенг жорий этиш;

– мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш бўйича юқори унумли замонавий инновация технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ушбу мақсадлар учун, авваламбор, стратегик хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

– қайта ишланган мева-сабзавот, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортини ташкиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий халқаро тизимини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жаҳон хўжалик тизимида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади;

– инфляцияга қарши сиёсат дастакларидан самарали фойдаланиш асосида йиллик инфляция даражасини мақбул даражага тушириш;

– иқтисодиётдаги солиқ юкини янада пасайтиришга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, солиқларнинг рағбатлантирувчилик вазифасини кучайтириш ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш;

– мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш асосида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш;

– давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириб бориш орқали иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини уйғунлаштириш негизида эркин иқтисодиёт тамойилларини жароний этиш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

– институционал ислохотларни амалга ошириш орқали иқтисодиётни маъмурий асосда бошқаришдан воз кечиб, уни иқтисодий восита ва дастаклар орқали тартибга солиш механизминини шакллантириш;

– миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимида мустақкам ўрин тутишига эришиш, миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва мустақкамлаш;

– айрим хорижий инвесторлар томонидан ноҳолис ҳатти-ҳаракатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш ва улардан ҳимояланиш тизимини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш;

– Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш билан боғлиқ равишда келиб чиқиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни чуқур ўрганиш ҳамда мамлакат иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоялаш тизимини шакллантириш.

Изоҳли лугат (глоссарий) ³⁴⁵

Авизо – банк, тижорат, бухгалтерлик амалиётидаги ҳисоб-китоб операцияларининг амалга оширилганлиги тўғрисида бир контрагентнинг бошқасига йўллаган расмий хабарномаси.

Аккредитив – (лат. *accedo*) ишончноманинг пул ҳисоб-китоб ҳужжати; маҳсулот ёки бажарилган иш ҳақини нақд пулсиз тўлаш шакли. Маҳсулот етказиб берганлиги ёки бажарилган иш ва хизматларнинг аккредитив топширигида кўрсатилган суммани тезкорлик билан олиш имкониятини тугдирадиган банк ҳисоб-китобининг бир шакли. Шахсий қимматбаҳо коғоз бўлиб, унда номи ёзилган шахс А. да кўрсатилган суммани ҳар қандай банк ёки омонат кассасидан олиши мумкин.

Акт (савдо-сотик, тижорат) – (лот. ҳаракат, ҳужжат) ташилаётган юклардаги камомад, бузилиш, ўғирланишларни аниқловчи, шунингдек, юкнинг бузилишига йўл қўйган томонга даъво қилиш учун асос бўладиган ҳужжат. Бош асосий акт чет элдан олинаётган юкларни портларда таъминотчилар кемаларидан қабул қилишда уларнинг банд қилган жойи, оғирлиги ва сифатини аниқлайдиган ҳужжатлар.

Арбитраж – ҳакамлар суди – мунозарали ишларни битиштирувчи ёрдамида кўриб чиқиш усули, яъни томонлар ўзаро келишиб судга мурожаат қилишган вақтда уларнинг мунозарасини ҳал қилиб берувчи томондир. Ташқи савдо арбитражи ташқи савдо бўйича вужудга келадиган мунозараларни ҳал қилади.

³⁴⁵ Солиев А, Усмонов А, Жўраев Н. Гадбиркор йўлдоши. – Т., Университет, 1994; Ўлмасов А, Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача лугат-маълумотнома. – Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991; Справочник делового человека. – Т., Фонд дизайна Узбекистана, 1992; “Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., Из-во РАГС, 2001; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 1-6. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти. 2002-2005йй; Язык бизнеса. Под ред. В. Чжена. – Т., 1996; Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиёт: қисқача изоҳли лугат.-Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2015; Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати.-Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2017 асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аудитор (шахс, фирма) – корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иктисодий экспертизасини ўтказувчи (шахс, фирма). А. тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам эмас, ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қоидаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, эълон этилмайди.

Афера – қаллоблик, муттаҳамлик, виждонсиз ҳаракат ёки иш.

Аферист – қаллоблик, фирибгарлик қилувчи ва бундан даромад олувчи киши; товламачи, муттаҳам.

Баланс, мувозанат – муттасил ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Иктисодиёт соҳалари, моддий, тармоқлараро тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёкилғи-энергетика, фойда, асосий фондлар, ташқи савдо, тўлов, аҳоли пул даромадлари ва ҳаражатлари ва бошқа баланслар мавжуд.

Банк – кредит-молия муассасаси бўлиб, вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга маълум ҳақ (фоиз) эвазига қарз бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олгин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни бажариш ва бошқалар билан шугулланади.

Банкротлик (итал. bancotto – айнан синган курси) – си-ниш: фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги.

Бож, бож пули – (араб. ўлпон, солиқ) – божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан ундириладиган пул йиғимлари. У билвосита солиқ бўлиб, унинг мол чиқариш, мол киритиш ва мамлакат ҳудуди орқали ташиб ўтказиш учун (транзит) ундириладиган турлари мавжуд.

Божхона – чегара оркали ўтказиладиган жами юкларни назорат қиладиган давлат муассасаси. У бож назоратини ўрнатиш ва белгиланган бож тўловларини ушлаб қолиш билан шуғулланади. Божхона муассасалари ташқи савдода мамлакат манфаати таъминланишини назорат қилади, божхона харажатларини бажаради ҳамда божхона қоидалари бузилишига ва контрабандага қарши кураш олиб боради. Божхоналар денгиз ва дарё портларида, темир йўл станциялари ва автомобиль йўлларининг чегара пунктларида, халқаро аэропортларда ва йирик шаҳарларда жойлашади.

Божхона тарифи – мамлакатга киритилаётган импорт моллар ва баъзи ҳолларда экспортга чиқарилаётган моллардан ушланиши лозим бўлган бож тўловларининг системалаштирилган рўйхати (номи). Б.Т. товарлар классификаторлари асосида ташкил топади. Товарларни гуруҳларга, гуруҳлар ичида кичик гуруҳларга (маълум бир хил белгилари бўйича белгиланиши товар классификацияси дейилади. Ҳозирги вақтда халқаро савдо алоқаларида энг кўп қўлланиладиган товар классификаторларида улар хенг кўламда системалаштирилган ва кадрлаштирилгандир.

Божхона йиғими – товарларни божхона омборида сақланганлиги, божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилганлиги ва унинг бир неча нусхада тайёрлаб берилганлиги учун ундириладиган пул йиғимлари.

Бож иттифоқи – икки ёки бир неча давлатларнинг бошлар бўйича ўзаро чегараларини бекор қилиш ва ягона бож тарифи жорий этиш юзасидан ўзаро келишуви.

Бозор интервенцияси – миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва уни тобе этиш. Хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари билан муайян мамлакат ёки ҳудуд бозорини химоя қиладиган тўсикларни баргараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товар ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қилади. Бунинг учун улар ҳар хил воситалардан фойдаланадилар: демпинг экспорт (ички бозорлардан ҳам паст баҳоларда экспорт) ишлатиш, юқори

бож тўловларига ҳам рози бўлиш, бозори чаккон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш, импорт қилувчи мамлакат ёки худудга моддий ёрдам кўрсатиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

Бозор муҳофазаси – миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг, давлатнинг экспорт-импортини тартибга солувчи тадбирлар воситасида химоя қилиниши. Б.М. четдан товар келтиришни чеклаш, таъқиқлаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади.

Бойкот (инг. boycott) – норозилик билдириш учун бирон-бир иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан бош тортиш. Иқтисодий алоқа қилувчи томонларнинг манфаати ўзаро зид келиб қолганда уларнинг бири бойкот эълон қилади, келишилган шартномани бажариш тўхтатилади. Савдо-сотиқ ишларида бойкот товарларни етказиб туришдан бош тортиш, олдин белгиланган нархдан воз кечиш кўринишларида юз беради.

Валюта (итал. valuta, лат. valere) – кадрламок, кийматлар – мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, қумуш, қоғоз): пулга тенглаштирилган тўлов воситалари; пул ҳисоб-китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашади.

Валюта аукцион – чет эл валютасининг миллий валютага қим ошди савдоси орқали келишилган нархларда сотилиши.

Валюта бозори – чет эл валютаси, чек, вексель, перевод (ўтказмалар), аккредитив ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиш, сотиб олиш ва алмаштириш.

Валюта муносабатлари – валюта ва пул бозорларида халқаро ҳисоб-китоблар, кредит ва валюта харажатларини амалга ошириш йўлида давлат муассасалари, хусусий ташкилотлар, фирмалар, корхоналар ўртасидаги жорий алоқалар; мамлакатлар ўртасидаги турли хил хўжалик алоқаларига хизмат қиладиган иқтисодий муносабатлар.

Валюта интервенцияси – йирик давлатлар, молиявий гуруҳлар томонидан валюта бозоридаги муомалаларга мил-

лий ёки чет эл валюталарининг курсини ошириш ёки тушириш мақсадида чет эл валютасининг катта суммасини ёки олтинни сотиб олиш ёки сотиш орқали аралашуви. Мамлакат ўз валютаси курсини оширишдан манфаатдор бўлса, банк ва хазинадаги ўз ихтиёридаги чет эл валютасини сотиб, миллий валютани харид қилади; ўз валютаси курсини камайтириш учун эса, чет эл валютасини кўп миқдорда сотиб олади, миллий валютани сота бошлайди. В.И.ни марказий банклар амалга оширади.

Валюта сиёсати – давлат ва марказий банклар томонидан пул ва валюта муомаласи доирасида пулнинг харид қувватига ҳамда мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатиш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик ҳисоби, мажмуи.

Давлат қарзи – давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, хорижий мамлакатлардан қарзи. Давлат ўз харажатларини даромади билан қоплай олмай қарз олади, қарз ҳисобидан ўз бюджетининг камомадини вақтинча қоплайди. Давлат заёмлар чиқариб, уларни аҳолига, корхона ва ташкилотларга сотади. Улар давлат қарзининг гувоҳномаси бўлади.

Даромадларни индекслаш – истеъмол буюмлари нархлар индексининг ошишига мувофиқ равишда аҳолига тўланадиган иш ҳақи, нафақа, пенсия, стипендия ва бошқа тўловлар миқдорларининг оширилиши.

Даромадларни музлатиш – аҳоли пул даромадларининг ўсишини секинлаштириш ёки тўхтатиб қўйишга қаратилган сиёсат ҳамда қўлланиладиган чора-тадбирлар мажмуи. Бунда икки мақсад кўзланади: 1) пулнинг бозор муомаласига тушишини сусайтириш орқали инфляцияга қарши туриш; 2) аҳоли даромадини ўстирмай давлат, корхоналар даромадларини ошириб, қўшимча жамғарма ҳосил қилиш ва шу йўл билан инвестиция учун имкон бериб, иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Девальвация – мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши, халқаро валюта бозорларида миллий валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ равишда миллий пул бирлиги кийма-тининг расмий тартибда пасайтирилиши.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш, иқтисодий юксалишни, халқ турмуш даражасининг ўсишини ва турмуш шароитларининг яхшиланишини таъминлашга қаратилган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуасидан иборат.

Жаҳон бозори – халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатлари.

Импорт (лот. *importo* – киритаман) – ички бозорда со-тиш учун чет эллардан келтирилган товар ва хизматлар.

Инвестиция (лот. кийинтирмоқ) – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига капитал киритиш (қўйиш). Молиявий инвестиция, акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; реал инвестиция мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқаришга капитал киритиш (қўйиш), шунингдек, ёш мустақил давлатларга қарз ва субсидиялар бериш шаклларида амалга оширилади.

Инфляция (лот. *inflatio* – шишиш, кўчиш, кўтарилиш) – пулнинг қадрсизланиши; муомаладаги пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши.

Информацион хавфсизлик – шахс, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим манфаатларининг ахборот уруши, интервенция ҳамда дезинформация таъйиқларидан ҳимояланганлигидир. Информацион хавфсизликнинг моҳияти давлатнинг информацион ресурсларини сақлаш, ахборот соҳасида шахс ва жамиятнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялашдан иборатдир.

Информацион хавфсизлик объектлари – ахборот ресурслари, уларнинг шаклланиш, тарқалиш ва фойдаланиш тизими, инфраструктураси, тизим фаолиятини таъминловчи ташкилий ва иқтисодий механизмлар.

Информацион хавфсизлик ресурслари – давлат ва корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳужжатлар шаклидаги (кутубхона, архив, фонд) ахборотлар, компьютер дастурлари, билим ва ахборот базалари ҳамда бошқа ташкилот турларидан иборат.

Ишсизлик – аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши. Мехнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш мақсади – ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгартириб турувчи шароитга мослаштиришга қаратилади.

Иқтисодий жиноятлар – миллий иқтисодиётга, унинг тармоқлари ёки соҳаларига, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқароларга зиён етказадиган ёинки зиён етказиши мумкин бўлган, жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) дир. Бундай жиноятларнинг содир этилиши натижасида жамият, давлат, хўжалик субъектларига, айрим фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади. Уларга: 1) ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш; 2) ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар; 3) иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар; 4) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар киради.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларга мамлакат манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш, қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, валюта билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, чет эл валютасини яшириш, сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, банкротликни яшириш, божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш, рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқитларини гай-

ёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда сотиш қоидаларини бузиш қабила қиради.

Иқтисодий ислохотлар – хўжалиқ юритиш тизимида, иқтисодиётни бошқаришда, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва усулларида йирик қайта қуришлар, ўзгартиришлар, иқтисодий тизимни такомиллаштириш ёки эски тизимлардан янгисига ўтиш мақсадида амалга оширилади. Ислохотлар иқтисодий тизимнинг самарадорлиги қониқарсиз бўлган, иқтисодий инкироз ва тангликлар юз берган, қишлоқларнинг эҳтиёжларини етарли даражада қондирмаган ҳолларда, мамлакат ўз тараққиётида бошқа мамлакатлардан орқада қолган шароитларда ўтказилади. Иқтисодий ислохотлар парзаларсиз, аниқ мақсадлар кўзланган ҳолда, парламент қабул қилган қонунларга биноан ва давлат раҳбарлигида амалга оширилади.

Иқтисодий манфаатлар – иқтисодий фаолият иштирокчилари (субъектлари) нинг ўзлари томонидан аниқланган ва уларни фаолиятга ундовчи ҳаётий эҳтиёжлари, иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи қуч. Амал қилиш даражасига кўра яққа шахс, гуруҳий ёки корпоратив, миллий ёки умумдавлат миқёсидаги иқтисодий манфаатлар мавжуд.

Иқтисодий мустақиллик – миллий иқтисодиётнинг чет давлатларга боғлиқлигини қамайтириш ва миллий манфаатларга хизмат қилиши учун шарт-шароитларнинг таъминланиши. Унинг қуйидаги мезонлари мавжуд:

Иқтисодиётнинг очиқлиги – мамлакат иқтисодиётининг чет эл товарлари, капитал, ишчи қучи миграцияси учун муайян даражада очиқ бўлишини тақозо этади. Мамлакат чет эл билан иқтисодий алоқаларини ўз миллий манфаатларидан қелиб чиққан ҳолда ва эркин юритади;

Иқтисодий тараққиёт йўлини мустақил танлаш – ҳар бир мамлакат ўз келажагини ўз имкониятлари ва миллий хусусиятларига қараб белгилайди ва унга эришиш воситаларини эркин танлайди.

Иқтисодий сиёсат – мамлакат мақсадлари, вазифалари, манфаатларига мувофиқ ҳолда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга муайян йўналиш бериш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги давлат, ҳукумат фаолиятининг бош йўналиши, тадбирлари тизими. И.С. аграр, таркибий, инвестиция, молия-кредит, ижтимоий, ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техника, инновация, ҳудудлар, солиқ, бюджет соҳаларидаги сиёсатни ўз ичига олади.

Иқтисодий хавфсизлик – миллий иқтисодиёт мустақиллигининг, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янги-ланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндисиدير. И.Х.иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг шундай ҳолати, бундай ҳолатда мамлакат миллий манфаатларининг қафолатли ҳимоя қилинганлиги, мамлакат иқтисодий ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ички ва ташқи жараёнларининг энг ноқулай шароитларида ҳам мудофаа салоҳияти етарли даражада таъминланган бўлади.

Ички иқтисодий хавфсизлик – табиий, техникавий, иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макро иқтисодий ривожланишининг ҳамда турли беқарорликни, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир.

Иқтисодий разведка – хорижий давлатларнинг, рақобатчи корхона (фирма) ларнинг иқтисодий салоҳияти, иқтисодий сиёсати ва иқтисодий ҳолатига, доираларига оид муҳим махфий маълумотларни яширинча тўплаш.

Иқтисодий таҳдид – жамият, давлат ва уларнинг субъектлари алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи, уларга зиён, зарар-заҳмат келтирувчи, хавф-хатар тугдирувчи омиллар, шарт-шароитлар ва воқеликларни ифодалайди.

Иқтисодий шпionaж – рақибига зарба бериш, рақобат курашида енгиш, хўжалик фаолиятида ўзиб кетиш мақсади-

да тижорат сири ҳисобланган маълумотларни яширинча тўплашга қаратилган хуфёна фаолият.

Иқтисодий қонуибузарлик – хўжалик юритиш амалиётида белгиланган ва қарор топган қонун-қондалар ва мезонларга зид хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Компенсация – кўрилган зарарни, харажатларни қоплаш, қарзни қайтариш, ўрнини қоплаш, товон тўловлари мажмуи.

Контрабанда (итал. contrabando) – давлат чегарасидан моллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа нарсаларни қонунга хилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, таъқиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш.

Коррупция – мамлакат иқтисодий ресурсларига, давлат мулкани тақсимлаш жараёнларида унинг бир қисмига эга бўлиш мақсадида уюшган жиноий гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун кўювчи давлат хизмати амалдорларини ўз домига илинтириб, улардан фойдаланиши ва улар билан бирикиб, қўшилиб кетишидир.

Корхона (фирма) нинг иқтисодий хавфсизлиги – унинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф солувчи ички ва ташқи таҳдид, тажовузлардан маъмурият ва персонал томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, инженерлик-техника тавсифдаги чора-тадбирлар туфайли вужудга келтирилган ҳимояланганлик ҳолатидир.

Лицензия (лот. licentia – эркинлик, ҳуқуқ) – техникавий, иқтисодий, илмий янгиликлар эгасини уларни ишлатиш учун берадиган руҳсати; давлат ёки қорхона, ташкилотлар томонидан бирон-бир иқтисодий фаолиятни бажаришга розилик бериш; ихтироларга, техник янгиликларга, ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш сирлари, тижорат ахборотларидан маълум вақтгача фойдаланиш учун берилади. Лицензия ташқи савдо, қорхона очиш, қазилма бойликлардан фойдаланиш учун ҳам давлат томонидан берилади.

Миллий мулкнинг қарор топиши — муайян мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликларининг шу мамлакатдаги турли мулк соҳиблари эгаллигида бўлиши, уларнинг бу мулкка мустақил эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва эркин, чет эл таъйиқисиз тасарруф этиш ҳуқуқи таъминланиши керак; миллий корхоналар ва ташкилотларнинг мамлакат иқтисодийотидаги салмоғи ундаги чет эл мулкчи салмоғидан катта бўлишини таъминлаш:

Миллий манфаатларнинг устуворлиги — мамлакат иқтисодийоти миллий манфаатга хизмат қилиши, яратилган даромадлар катта қисмининг мамлакатда қолиши, унинг катта қисмини чет элга репатриация йўли билан олиб чиқиб кетилмаслиги, ишлаб чиқариш тузилмаси миллий доирадаги такрор ишлаб чиқаришни таъминлай олиши ҳамда ишлаб чиқариш натижалари мамлакат аҳолиси фаровонлигига хизмат қилиши керак.

Миллий давлат чегараларининг мавжудлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилишда миллий валюта ва божхона хизматидан фойдаланиш. Миллий пул бирлиги мамлакатдаги ягона тўлов воситаси ҳисобланади. Товар ва хизматларни фақат шу пулга сотиб олиш ва сотиш билан мамлакат товарларининг четга тартибсиз чиқиб кетишига йўл қўйилмайди. Божхона тўловлари, лицензиялар ва квоталар орқали экспорт ва импорт тартибга солинади:

Мамлакатнинг чет эллардан олган қарзини меъёрида бўлиши — четдан олинган қарзнинг меъёридан ошиб кетишига, молиявий қарамликнинг вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида қарздорлик меъёрини назорат қилиш. Одатда қарз миқдори ЯИМнинг 50%идан ортмаслиги, шунингдек, қарзни экспортдан тушган валюта ҳисобидан қоплаш имкониятининг мавжудлиги шартдир.

Мамлакатнинг (товарнинг) рақобатчилик қобилиятини, рақобатбардошлилигини баҳолаш — бошқариш муаммолари бўйича Европа Форуми халқаро ташкилоти доимий равишда мамлакатларнинг рақобатчилик қобилиятини

(ракобатга бардошлилигини) белгилаш юзасидан кузатишлар олиб боради. Бунда 340га яқин кўрсаткичлар ва 100 дан ортик баҳолардан фойдаланилади. Таҳлил маълумотлари 10 та омил бўйича гуруҳлаштирилади:

- 1) иқтисодий имконияти, салоҳияти (потенциали) ва иқтисодий ўсиш суръати тезлиги;
- 2) саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлиги;
- 3) илмий-техникавий ривожланиш даражаси, илмий-техника ютуқларини ўзлаштириш суръати;
- 4) халқаро меҳнат тақсимотида катнашиш;
- 5) молиявий пул тизимининг барқарорлиги;
- 6) иқтисодиётни тартибга солишда давлат таъсири;
- 7) ишлаб чиқарувчиларнинг ихтисос ва малака даражаси;
- 8) меҳнат, иқтисодий ресурслари, манбалари билан таъминланганлиги;
- 9) иқтисодий, молиявий вазиятнинг барқарорлиги;
- 10) ички сийёсий вазиятнинг барқарорлиги.

Наркобизнес – соф наркотик моддалар ва таркибида шундай моддалар бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали даромад топиш.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қондаларига мослиги.

Озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш – озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб ўзгартириш ёки уларни алмаштириб қўйиш.

Озиқ-овқат хавфсизлиги – миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти. Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади.

Оч пуллар, “қайноқ пуллар” – 1) қўйилмаларнинг янада ишончлироқ бўлиши ҳамда кўпроқ фойда олиш мақсадида

кисқа муддатли асосли чайков капиталининг мамлакатлараро кўчиб юриши. Сиёсий, иқтисодий бекарорликлар, сабаблар, девальвация, ревальвация хавфи, валютани чеклаш оч пуллар кўчишига сабаб бўлади. Бирор мамлакатга “оч пул”-нинг ёпирилиб келиши унинг хўжалик ва молиявий ахволини кескинлаштиради ҳамда ёмонлаштиради.

Преференциал (ямтиёзли) бож тўлови – ривожланаётган мамлакатлардан келтирилган импорт молларига қўйиладиган бож тўлови. Божхона тарифларига қайд қилинадиган бож тўловлари қуйидаги уч кўринишда бўлади: 1) Адвалер бож тўлови – молнинг баҳосига нисбатан фоизда белгиланадиган ва ундириб олиннадиган бож пули; 2) Специфик (ўзига хос) бож тўлови – молнинг оғирлиги, ҳажми ёки донасидан маълум бир сумма кўринишида ундириладиган бож пули; 3) Аралаш бож тўлови – моллардан бир вақтнинг ўзида ҳам адвалер ҳам специфик бож тўлови кўринишида ундириладиган бож тўлови.

Протекционизм (фран. protectionnisme, лот. protectio – ҳимоя) – давлатнинг миллий иқтисодиётининг чет эл рақобатидан, ички бозорни чет эл товарларининг кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати. Протекционизм экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш, импорт молларидан бож ҳақларини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларида ўз ифодасини топади.

Рақобат, конкуренция – бозор субъектларини иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш, ўз мавқейини мустаҳкамлаш учун курашни англатади.

Рақобатчилик қобилияти, рақобатга бардошлилик (конкурентоспособность) – товарнинг бозордаги шунга ўхшаш товарларга нисбатан барча сифат ва иқтисодий кўрсаткичларини таққословчи тавсифи. Агар товарнинг иқтисодий кўрсаткичлар бўйича устунлиги сезилса, унинг рақобатчилик қобилияти юқори бўлади. Унинг рақобатчилик қобилияти уни ишлаб чиқарган корхона ва мамлакатнинг нуфузини,

обрў-эътиборини билдиради, уларга бозорнинг ишончини оширади.

Саботаж – ишни бузиш, ўзини ишлаган қилиб кўрсатиш ва шу йўл билан ишга тўсқинлик қилиш. Давлат ёки жамият муассасаси, корхона ва ташкилотларида меъёридаги ишга олдиндан ўйлаб қўйилган ва яширин характерга эга бўлган қарши ҳаракат.

Сохта банкротлик – хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жihatдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга зарар етказишига сабаб бўладиган иқтисодий ҳодиса (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 180-моддаси).

Сохта ишбилармонлик (тадбиркорлик) – кредит олиш, солиқлардан озод бўлиш, фойда кўриш ёки тақикланган фаолиятни яшириш мақсадида ҳеч қандай ишбилармонлик ёки банк фаолиятини олиб боришни мўлжалламаган коммерция ташкилотини тузиш. Фуқароларга, ташкилот ёки давлатга катта зарар келтирувчи иқтисодий, сиёсий-ижтимоий фаолият соҳасидаги жиноятчилик ҳисобланади. Сохта тадбиркорлик – уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини тузиш. (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 179-модда).

Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва инженер-техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларининг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Ташқи савдо баланси – экспорт ва импорт ўртасида пул шаклида ифодаланган нисбат бўлиб, ташқи савдо ҳолатини

ифодалайди. Савдо баланси икки турга бўлинади: Актив баланс – экспорт-импортдан ортиқ ва мамлакатга ташқаридан валюта оқиб келиб, молиявий аҳвол фаоллашади; Пассив баланс – экспорт-импортдан устун, мамлакатдан валюта чиқиб кета бошлайди, молиявий аҳвол заифлашади, мамлакатнинг четга қарздор бўлиб қолиш хавфи юзага келади.

Ташқи иқтисодий соҳада хавфсизлик – мамлакатнинг жаҳон бозорларидаги рақобатга бардошлилиги, миллий валютанинг барқарорлиги, давлатнинг молиявий аҳолининг барқарорлиги билан тавсифланади.

Тижорат сир – ишлаб чиқариш ва савдо-сотикнинг бевосита иштирокчиларигагина маълум бўлган ва бошқаларга эълон қилинмайдиган маълумотлар. Янги техника-технология, ишлаб чиқаришни янгичасига ташкил этиш, янги материалларни қўллаш, бошқаларда бўлмаган, хаётий цикли узун бўлган товарларни ўзлаштириш сир тугилади.

Товар (иш, хизмат) нинг хавфсизлиги – товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф хатарнинг йўқлиги.

Товарлар рақобатчилик қобилиятини (рақобатбардошлилигини) оширишнинг усул ва йўллари – маҳсулотларнинг сифат ва иқтисодий кўрсаткичларини такомиллаштириш учун 5 та босқичдан иборат йўналишлар амалга оширилади. Биринчи босқичда, маркетинг хизмати ва сифат бўлими ходимларидан иборат гуруҳ “фикрли хужум” усули билан маҳсулот сифатини оширишнинг самарали йўналишларини ишлаб чиқади. Иккинчи босқичда, бозор ҳақида аниқ маълумотларга ва бозор ишлари бўйича бой тажрибага эга бўлган эксперт гуруҳи томонидан харидорлар учун энг мақбул йўл танила болинади. Учинчи босқичда, маҳсулотни такомиллаштириш йўллари кузатилади ҳамда энг ноқулай ва қийин шароитда рақобатга муваффақиятли бардош берган маҳсулотлар тан-

лаб олинади. Тўртинчи босқичда, молнинг тавсифини ошириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширишлади. Бешинчи босқичда, маҳсулотни такомиллаштириш йўналишлари, уларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тегишли жадвалда кўрсатилади.

Тўлов баланси – мамлакатнинг чет элга тўлайдиган пули билан унга чет элдан тушадиган пул ўртасидаги нисбат. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товар ва хизматлар ҳақи, хориж инвестицияси, хорижда дипломатик ишларни ва иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқароларнинг чет элга пул ўтказишлари. Четдан келадиган тушумлар, бошқа давлатлар қайтарган қарзлар, уларнинг фоизлари, хориждаги корхонлар ва ташкилотлардан ўтказилган фойда, экспорт қилинган товарлар ва хизматлар ҳақи, чет эл фуқаролари, корхона ва ташкилотлар ўтказган пулдан иборат бўлади.

Фирибгар – фириб берувчи, хийлагар, алдоқчи; алдамчилик, товламачилик, макру хийла билан шуғулланувчи кимса.

Фирибгарлик – алдамчилик, хийлагарлик. Фирибгарлик – алдов ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан бегона мулк ёки мулкка нисбатан ҳуқуқни қўлга киритиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-модда). Фирибгарлик – корхона раҳбарияти ёки хизматчилари орасидан бир ёки бир нечта шахснинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини атайлаб нотўғри аке эттириши ва тақдим этишини, шу жумладан, ҳисоб ёзувларини қалбакилаштириш ва бошланғич ҳужжатларни сохталаштириш, ҳисоб ёзувларини касддан ўзгартириш, хўжалик операциялари мазмунини ўзгартириш ва қонунчилик ҳамда корхона сиёсатида ўрнатилган қоидаларни бузиш.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги иқтисодий жиноятлар – сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш, этил спиртли, алкаголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда

шуғулланиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш ва бундай фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчиликни обрўсизлантириш кабилардан иборат.

Хориж капитали устидан самарали назорат – хориж капитали томонидан миллий табиий бойликларнинг талон-тарож қилинишига, экологияга зарар етказишга, иш ўринларини қискартиришга, миллий капитални сиқиб қўйишга йўл бермаслик мақсадида қўлланиладиган назорат воситалари ва усуллари мажмуаси.

Хавфсизлик – ҳар қандай хавф-хатардан ўзини ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолати; инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатар, таҳдидлардан ҳимояланганлик, кафолатланган.

Хавф-хатар – жамият, давлат, хўжалик субъекти, шахс ҳаёт фаолиятига, ривожланишга таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил, шарт-шароит, вазият.

Хуфёна (яширин) иқтисодиёт – давлат статистика органларида ҳисобга олинмаган, гайриқонуний ва иқтисодий фаолиятга тескари бўлган ҳаракатлар йиғиндиси.

Чайқовчилик – турли молларни арзон олиб, қиммат сойтиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият, ман этилган тижорат иши; хуфёна иқтисодиётнинг бир қисми. Чайқовчилик объекти тақчил (дефицит) товарлардир.

Чегара олди савдоси – давлат чегараларидаги махсус жойларда мамлакатлар ўртасида ташкил қилинган ўзаро олди-берди савдоси; савдо ва тўлов битимлари, йиллик протоколлар асосида қўшни давлатлар чегара олди музофотларининг савдо ташкилотлари ва фирмалари томонидан амалга ошириладиган халқаро товар айирбошлаш тури.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги – унинг ҳаётий манфаатларининг, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётий истеъмол эҳтиёжларини қондириш,

саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг ҳимояланганлигини ифодалайди.

Энг юқори бож тўлови – ўзаро савдо шартномалари ва келишувлари бўлмаган мамлакат молларига қўйиладиган бож тўлови.

Энг паст бож тўлови – ўзаро савдо шартномалари ва келишувлари асосида узок йиллардан буён савдо-сотиқ қилиб келаётган мамлакатлар молларига қўйиладиган бож пули.

Экспорт (инг. export, лот. exportare – четга чиқариш) – товарлар, хизматлар ва капитални, ишчи кучини мамлакат ташқарисига чиқариш.

Экспорт потенциали (салоҳияти) – чет элга товар ишлаб чиқариб сотиш имконияти; корхоналар, тармоқлар ва айрим мамлакатларнинг хорижга товар чиқариб, чет эл бозорида рақобат қила билиш қобилиятини, шу ҳисобига валюта тўплай олиши, даромад ола билишини англатади.

Эмбарго (исп. таъқиқлаб қўйиш) – мамлакат ташқарисига товар, олтин, валюта ва бошқаларни чиқариш ёки киритишни таъқиқлаб қўйиш, чет мамлакатга қарашли кемалар, юклар ва жиҳозларни ушлаб қолиш; бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқни бузиш ҳаракатларига жавобан ҳукумат томонидан бошқа мамлакат ёки ўз кемаларининг мамлакат портидан чиқиб кетишини талаб этиши. Эмбарго иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра ҳукумат томонидан жорий этилади.

Ўзгалар мулкни талон-тароғ қилиш билан боғлиқ иқтисодий жиноятларга – моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва меҳнат маҳсулоти бўлган бойликларни тақсимлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга таъовуз қилувчи жиноятлардан энг хавфлиси ҳисобланади. Ўзгалар мулкни ўзлаштириш усулига Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида талон-тароғ қилишнинг: босқинчилик, товламачилик, ўзлаштириш (растрата) фирибгарлик, ўғрилиқ каби шакллари киритилган. (164-169-моддалар). Талон-тароғнинг предмети

моддий қиймати, пул баҳосига эга бўлган ва ўзгалар мулки ҳисобланган пул, қимматбаҳо қоғозлар ва шакллардир.

Ўзгалар мулкни талон-тароҷ қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларга – алдаш ёки ишонччи суниестемол қилиш йўли билан мулкний зарар етказиш, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш каби қилмишлар қиради. ЎзР. Жиноят Кодексининг 170-174-моддалари).

Ҳарбий иқтисодиёт – 1) давлат мудофааси эҳтиёжини таъминловчи халқ хўжалигининг махсус қисми; 2) ушбу таъминотнинг қонуниятлари тўғрисидаги назарий фанлар тизими.

Ҳарбий-иқтисодий ресурслар – урушнинг тайёргарлиги ва олиб борилиши манфаатларида қўлланиладиган моддий, ижтимоий ва молиявий ресурслар ҳарбий иқтисод доирасида амалга оширилади. Ҳар бир давлат ресурслари чекланганлигидан ҳарбий иқтисодий ресурсларни тақсимлаш илмий асосланган бўлиши шарт, баъзан муайян чегарадан чиқиши, тарқалиши ақс натижага олиб келиши мумкин (мамлакат иқтисодининг бутунлай кучсизланиши).

Ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик – иқтисодий хавфсизликнинг давлат мудофаасини таъминлаш муоммолари билан боғлиқ қисми. Ҳарбий иқтисодий хавфсизлик кенг маънода – давлатнинг миллий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш ва иқтисодий, ҳарбий таъжовуз шароитида халқ хўжалигининг барқарор фаолиятини таъминлаш даражасида миллий хавфсизликнинг иқтисодий ва ҳарбий соҳалари ўртасида муайян мувозанатни ушлаб туришдир. Тор маънода – ҳарбий-иқтисодий қарама-қаршилиқ шароитида барқарор фаолият ва унинг мустақиллигини кафолатловчи ҳамда ҳарбий иқтисодий эҳтиёжларнинг онгли мудофаа-хўжалиқ мажмуининг ривожланишини аниқлатади. Ҳарбий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ўзаро боғлиқ икки жиҳат – ҳимоя ва

ҳужумкорликни камраб олиши зарур. Улар ҳарбий иқтисодий ҳавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳарбий-иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашдаги химоя жиҳати – халқ ҳўжалигининг асосий йўналишларида импорт товарларнинг ўрнига маҳаллий маҳсулот билан таъминлашни йўлга қўйиш ва шу орқали, чет эл маҳсулотларидан тобелик даражасини пасайтириш ҳисобланади.

Ҳарбий-иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашда ҳужумкорлик жиҳати – давлатнинг экспорт потенциали сифатини яхшилаш ва ошириш, давлатга нисбатан баъзи соҳаларда бошқа давлатлар муносабатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, у бошқа давлатлар билан тенг иқтисодий тобеликнинг юзага келиши давлатлар ўртасида ташки иқтисодий алоқалардан тазйик, усули сифатида фойдаланишни тўхтатувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳарбий контрабанда – бетараф давлат ёки унинг фуқаролари томонидан жанг қилаётган тараф олиб ўтилиши тақиқланган материал ва предметлар билан қарама-қарши жанг қилаётган тарафнинг таъминланиши. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, у мутлақ ва нисбий бўлади. Мутлақ ҳарбий контрабандани фақат ҳарбий мақсадда қўлланиладиган материал ва предметлар ташкил этади: қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, ҳарбий аслаҳа-анжомлар ва унинг қисмлари, қурол-яроғларни ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва бошқалар. Нисбий ҳарбий контрабандага нафақат ҳарбий, балки тинч мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган материал ва предметлар ҳам қиради: кийим-кечаклар, пойафзал ва материаллар; олтин, қумуш, қоғоз пуллар, кема, қайик ва унинг қисмлари; темир йўллар, алоқа воситалари учун материаллар; ҳавода учувчи аппаратлар ва унинг эҳтиёт қисмлари; ёнилғи, мойлаш материаллар ва бошқалар. Ҳарбий мақсадда ишлатилмайдиган материал ва предметларни ҳарбий контрабанда дейиш тақиқланган бўлиб, бунга аввало, ярадор ва касаллар парвариши учунги-

на зарур бўлган тиббий ёрдам воситалари киради. Ҳарбий котрабанда предметлари мусодара қилинади.

Ҳарбий–саноат комплекси – иттифок, империалистик мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ давлат аппаратида энг йирик ҳарбий – саноат монополияларининг ҳарбийлар билан қўшилиб кетиши, бу ҳарбий экономика асосида вужудга келади. Бу терминни АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр 1961 йил январда биринчи марта қўллаган эди. “ Биз ҳарбий – саноат комплексининг, – деган эди у, – онгли равишда ёки беихтиёр ниҳоятда катта таъсирга эга бўлиб олишига йўл қўймаслигимиз керак... Бу жуда катта ҳарбий машина билан катта ҳарбий саноатнинг бирлашиб кетиши – Американинг янгилигидир. Ҳар бир шаҳарда, штатнинг ҳар бир қонун чиқарувчи мажлисида, федерал ҳукуматнинг ҳар бир муассасасида унинг иқтисодий, сиёсий ва ҳатто маънавий таъсири сезилиб турипти...”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий, сиёсий, расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., Ўзбекистон, 2017.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 24 январь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 20 июнь.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 14 июнь.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2007 йил 29 октябрь.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сугориладиган ерларни 2008-2012 йилларда мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 29.12.2016 й. ПҚ-2707

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 17.01.2017 й. ПФ-4933

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори. 18.04.2017 й. ПҚ-2895.

1.17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг” Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони. 25.05.2017 й.ПФ-5057

1.18.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги Қарори. 04.09.2017 й.ПҚ-3254

1.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПФ-5590-сонли Фармони. 2018 йил 7 декабрь.//Халқ сўзи, 2018 йил 7 декабрь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асар ва маърузалари

2.1. Мирзиёев Ш.М.Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик -- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

2.2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

2.4. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр. // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

III. Китоб ва рисолалар

3.1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик.-Т.: “Mechnat”, 2004.-670 б.

3.2. Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик.-Т.: “Fan va texnologiya”, 2013 й.-476 б.

3.3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Fan” нашриёт давлат корхонаси, 2018.-592 б.

3.4. Абдурахмонов Қ.Х., Абдуллаев А.М., Дадабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление. Учебник. / Под ред. Акад. С.С. Гулямова – Т.: Изд-во “Fan va texnologiya”, 2007.-472 с.

3.5. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия, 2006.- 224 б.

3.6. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.- Т.: Akademiya, 2012.- 320б.

3.7. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Монография.- Т.: Ilmiy-Tehnika Axboroti-Press, 2017. – 208 б.

3.8. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодийётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Noshirlik yogʻdusi”, 2018. – 520 б.

3.9. Абулқосимов Ҳ.П., Фармонов Қ.З., Содиков А.Х. Божхона ва иқтисодий хавфсизлик.Т.: ” Iqtisod-Moliya“, 2009.-134б.

3.10.Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. – Т.,”Fan va texnologiya”, 2015.-88б.

3.11. Абулкасимов Х.П., Саидахмедова Н.И., Абулкасимов М.Х. Экономическая безопасность предпринимательской деятельности. Учебное пособие.- Т.: Iltiyu-TexnikaAxboroti-Press, 2016. – 168 с.

3.12.Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. Т.: “ Fan va texnologiya”, 2017. – 152 б.

3.13. Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. Учебное пособие.-Т.: ТашГИВ, 2017.-380с.

3.14. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодийётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати.- Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”,2017.- 628б.

3.15.Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари. Монография.-Т.: LESSON PRESS, 2018. 156б.

3.16. Вечканов Г.С. Экономическая безопасность.- СПб: Изд. “Вектор”, 2007.

3.17. *Гафнер В.В., Петров С.В., Забара Л.И.* Опасности социального характера и защита от них: учеб. пособие. – М.: Флинта: Наука, 2012. – 320 с. – ISBN 978-5-02-037755-4 (Наука); ISBN 978-5-9765-1401-0 (ФЛИНТА)

3.18. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие.- М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М., 2012.

3.19. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государств. Аналитический доклад.-М., 2009 //www.csef.ru

3.20. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари.-Т.: “Ўзбекистон”,1997.

3.21.Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон,2011.

3.22. Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов на Дону: Феникс, 2007.

3.23.Кунцман М.В. Экономическая безопасность: учебное пособие./М.В.Кунцман.-М.: МАДИ, 2016.-152с.

3.24.Мельников А.Б., Маханько Г.В. Экономическая безопасность: учебное пособие: А.Б.Мельников, Г.В.Маханько. – Краснодарь, КубГУ. 2015.-171с.

3.25. Общая теория национальной безопасности. Учебник. – М., РАГС, 2003.

3.26. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика – Т: IQTISOD-MOLIYA; 2005.

3.27.Экономическая безопасность: учебник для вузов/ под общ.ред.ЛП.Гончаренко.-2-е изд., перераб.и доп.-М.: Издательство Юрайт, 2018.-340с.

3.28.Экономическая безопасность: учебное пособие для вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления /В.А. Богомолов и др.; допред.В.А.Богомолова.-2-е изд., перераб. и доп.-М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009.-295с.

3.29.Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник/Под ред.В.К.Сенчагова.2-изд.-М.: Дело, 2005.-895с.

3.30.Экономическая безопасность: теория, методология, практика/под науч. ред.Никитенко П.Г., Булавко В.Г.; Инсти-

тут экономикаси НАН Беларусии.-Минск: Прво и экономика, 2009.-394с.

3.31. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов, 2-е изд – СПб.: Питер, 2004.

3.32. Қобилов Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иктисодий муаммолари. –Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006.

3.33. Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. –Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2006.

IV. Журнал ва газеталар, илмий тўпламлардаги мақолалар ва тезислар.

4.1. Абдуғаниев О.А. Минтақанинг озиқ-овқат билан таъминланганлигини баҳолаш усуллари ва мезонлари. // “Иктисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №3, май-июнь 2018 йил. /www. iqtisodiyot.uz

4.2. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари. // Ж.Иктисод ва молия, 2015й. 8-сон. 44-51-бетлар.

4.3. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари. // Ўзбекистон иктисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар ва маърузалар тезислари тўплами. 1-қисм. 2016 йил 12 март.-Т.: Fan va texnologiya, 2016.- 32-35-бетлар.

4.4. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С., Мамарахимов Б.Э., Шарипов К.Б. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш истиқболлари. // Ж. Ученый XXI века • 2016 • № 5-4 (18). – С. 77-83.

4.5. Абулқосимов Ҳ.П. Тадбиркорлик фаолияти иктисодий хавфсизлигига таҳдид ва уни бартараф этиш йўллари. // Ж. “Молия”, 2016 йил. 4-сон. 137-142-бетлар.

4.6. Abulkasimov Kh. P., Saidaxmedova N. I. Supplying food safety issues in Uzbekistan // Ж. European journal of economics and management sciences, Austria, Vienna, 2017, № 1, p17-21

4.7. Абулқосимов Ҳ.П. Фирибгарлик-тадбиркорлик иктисодий хавфсизлигига таҳдид // Ж. Иктисод ва молия / Экономика и финансы, 2017 йил, 3-сон, 33-37-бетлар.

4.8. Абулқосимов Ҳ.П. Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари // Ж. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар: Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал. 2018 йил. №2 январь-июнь. -25-32-бетлар.

4.9. Абулқосимов М.Х. Бозор иктисодиёти шароитида шахсининг иктисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўллари // Ж. Иктисод ва молия / Экономика и финансы, 2017 й. 5-сон 46-53-бетлар.

4.10. Абулқосимов М.Х. Шахсининг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари // Ж. Biznes-эксперт, 2017 йил. 11-сон. Б.47-50.

4.11. Абулқосимов М.Х. Шахс иктисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари // Ж. Иктисод ва молия / Экономика и финансы, 2017 й. 12-сон. 19-25-бетлар.

4.12. Абулқосимов М.Х. Ўзбекистонда барқарор иктисодий ўсиш-шахс иктисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартлари // Ж. Иктисод ва молия / Экономика и финансы, 2018 й. 4-сон. 56-61-бетлар.

4.13. Борисова Д. И., Тимошенко К. В. Экономическая безопасность в социальной сфере: проблемы или возможности? // Молодой ученый. – 2016. – №6.3. – С. 10-13. – URL: <https://moluch.ru/archive/110/27147/> (дата обращения: 24.11.2018).

4.14. Гуреева М.А. Экономическая безопасность личности в России // Международный научный журнал "Символ науки". №4 2016 год. -С.57-63.

4.15. Дронов Р. Подходы к обеспечению экономической безопасности // Экономист №2, 2001.

4.16. Значение транспорта в обеспечение национальной экономической безопасности // Transport Business in Russia, №6, 2016 г. - С.10-13.

4.17. Исажонов А.А. Конкурентоспособность национальной экономики: мировой опыт и современные тенденции развития // Экономический вестник Узбекистана, 1999, №6.

4.18. Маглакелидзе Т. Экономическая и экологическая безопасность: взаимосвязь и влияние на экономический рост. // Экономист, №6, 2002.

4.19. Макроэкономические и региональные аспекты моделирования устойчивого экономического роста. форум экономистов Узбекистана: [материалы], 14 декабря 2010 г, Ташкент/ под ред. д.э.н. А.М.Садыкова; Ин-т прогнозирования и макроэкономических исследований, Программа Развития ООН.

4.20. Мамарахимов Б.Э. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва sanoatни rivojlanтириш // "Иқтисодий ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь 2016 йил. /www.iqtisodiyot.uz

4.21. Прохожев А., Корнилов М. О проблеме критериев оценок экономической безопасности // Общество и экономика, № 4-5, 2003.

4.22. Посткризисного развития: (на примере Узбекистана): Междунар. науч.- прокт. конф.: [материалы]. 12 апр. 2010. -Т.: Узбекистан, 2010. Ч. I и II.

4.23. Жонихонов М., Рахмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодий барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси. // Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

V. Хорижий нашрлардаги китоб ва мақолалар.

5.1. Arcudi G. (англ.) русск.. La sécurité entre permanence et changement // Relations Internationales (фр.) русск.. – 2006. – № 125. – С. 97–109.

5.2. Bilgin P. Individual and Societal Dimensions of Security // International Studies Review (англ.) русск.. – 2003. – Vol. 5, № 2. – P. 203–222. – DOI: 10.1111/1521-9488.502002.

5.3. Buzan B., Kelstrup M., Lemaitre P., Tromer E., Waever O. (англ.) русск.. Identity, Migration and the New Security Agenda in Europe (англ.) русск.. – Pinter, 1993. – 221 p.

5.4. Buzan B., Waever O. (англ.) русск., Wilde J. de (англ.) русск.. Security: A New Framework for Analysis (англ.) русск.. – Boulder, London: Lynne Rienner Publishers (англ.) русск., 1998. – 240 p.

5.5. McSweeney B. (англ.) русск.. Identity and Security: Buzan and the Copenhagen School // Review of International Studies (англ.) русск.. – 1996. – № 22. – С. 81–96.

VI. Статистик тўплам ва мабдалар

6.1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий- ижтимоий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. Т.: Ўзбекистон, 2011.

6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-тахлилий бюллетень. 2011 йил.-Т., ИТМ, 2012.

6.3. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам 2016 йил. – Тошкент, 2016.

6.4. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам 2016 йил. – Тошкент, 2016.

6.5. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2016 год.-Т., ЦЭИ, 2017.

6.6. Монетар сисётнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари //Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

6.7.Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳисоботи.

6.8.Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.

6.9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маълумотлари.

VII.Интернет сайтлари

7.1.«Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси қуйидаги веб-саҳифада берилган: www.cer.uz.

7.2.<http://www.uzland.uz>.

7.3.www.economyta-culty.uz. – Экономика Узбекистана

7.4.<http://www.imf.org>.

7.5. <http://www.bank.uz>.

7.6. <http://www.Stat.uz>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ МОҲИАТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. “Хавфсизлик” тушунчасининг моҳияти	9
1.2. Миллий хавфсизлик ва унинг таркиби	13
1.3. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти ва таркибий элементлари	19

2-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ШАКЛЛАРИ ВА АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2.1. Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари	32
2.2. Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари	41

3-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАР

3.1. Иқтисодий манфаатлар ва таҳдидлар	51
3.2. Иқтисодий хавфсизликка ички таҳдидлар	57
3.3. Иқтисодий хавфсизликка ташқи таҳдидлар	65

4-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ

4.1. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсади ва унинг институционал шароитларининг яратилиши	72
4.2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг тартибга солувчилик вазифалари	77
4.3. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари	82

5-БОБ. ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

5.1. Шахснинг эркинликлари ва иқтисодий мустақиллиги	89
5.2. Шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари ва унинг хавфсизлигига таҳдидлар	94
5.3. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари ва воситалари	106

6-БОБ. КОРХОНА (ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ) НИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

6.1. Корхонанинг иқтисодий манфаатлари ва фаолияти қондалари	116
6.2. Корхонанинг иқтисодий манфаатлари ва хавфсизлиги	122
6.3. Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг турлари	127

6.4. Фирибгарлик-тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдид	138
6.5. Тадбиркорлик корхона (фирма) си иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси	146
6.6. Тадбиркорлик корхонасида хавфсизлик хизматини шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари ..	156

7-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

7.1. Иқтисодиёт реал сектори ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	168
7.2. Иқтисодиёт реал сектори иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий методологияси	176
7.3. Реал сектор хавфсизлиги тизимининг концептуал асослари ва таҳдидлар	176
7.4. Ўзбекистонда реал сектор иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари	183

8-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТИШИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ШАРТЛАРИ

8.1. Инновация ва инновацион иқтисодиёт тушунчаларининг моҳияти	195
8.2. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шариоотида инвестицион хавфсизликни таъминлаш йўллари	200
8.3. Инновацион хавфсизликни таъминлаш йўналишлари	208
8.4. Ўзбекистонда инвестицион ва инновацион хавфсизликни таъминлаш йўллари	213

**9-БОБ. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПУЛ
МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИК**

9.1. Молия муассасаларининг иқтисодий манфаатлари, молиявий оқимларга таҳдидлар	226
9.2. Пул муомаласи соҳасидаги иқтисодий таҳдидлар	232
9.3. Молия, пул-кредит тизимида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш дастаклари	237
9.4. Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва банклар фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари	240
9.5. Ўзбекистонда пул-кредит тизимини такомиллаштириш йўналишлари	250

**10-БОБ. ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

10.1. Энергетика ва энергия ташувчиларнинг иқтисодий ресурс сифатидаги моҳияти ва аҳамияти	256
10.2. Энергетика хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти	264
10.3. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари	270

11-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

11.1. Озиқ-овқат хавфсизлигининг моҳияти ва аҳамияти	283
11.2. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари	290

11.3. Ўзбекистон Республикасининг аграр сийсати ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари	296
11.4. Қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш истикболлари	308
11.5. Озик-овқат маҳсулотлари импорти хавфсизлигини таъминлаш	313

12-БОБ. МАМЛАКАТНИНГ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

12.1. Транспортнинг иқтисодий хавфсизликини таъминлашдаги роли	323
12.2. Мамлакат транспорт тизимида хавфсизликка таҳдидлар	326
12.3. Транспорт тизимида хавфсизликини таъминлаш йўллари	382
12.4. Ўзбекистонда транспорт соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизликини таъминлаш йўллари	333

13-БОБ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

13.1. Экология муаммолар ва экологик хавфсизликка таҳдидлар	345
13.2. Ўзбекистонда экологик вазият ва хавф-хатарлар	348
13.3. Давлатнинг экологик сийсати ва табиатдан фойдаланиш вазифалари	353
13.4. Ўзбекистонда экологик хавфсизликини кучайтиришнинг йўналишлари	360

13.5. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг экологик сиёсатини такомиллаштириш йўллари	366
--	-----

14-БОБ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

14.1. Хизматлар бозори ва унинг хавфсизлигини таъминлаш	373
14.2. Ахборот хавфсизлигининг моҳияти ва унга таҳдидлар	377
14.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизми	385
14.4. Ўзбекистонда ахборотни ҳимоялаш давлат тизими	390

15-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҶАДАГИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

15.1. Ижтимоий хавфсизлик ва таҳдид тушунчаларининг моҳияти	402
15.2. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг мақсади ва вазифалари	409
15.3. Давлатнинг бандлик сиёсати ва ишсизлик таҳдидини камайтириш йўллари	414
15.4. Давлатнинг даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши	421
15.5. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш	428
15.6. Ижтимоий хизматлар соҳаларининг ривожланиши	432

v

16- БОБ. МИНТАҚА (ХУДУД) ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

16.1. Минтақа иқтисодиёти ва минтақавий сиёсат	446
16.2. Минтақа (ҳудуд) иқтисодий хавфсизлиги	455
16.3. Минтақа (ҳудуд) иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми	461
16.4. Ўзбекистонда минтақа (ҳудуд) ни иқтисодий ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш	470

17-БОБ. ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

17.1. Хуфёна иқтисодиёт мазмуни ва вужудга келиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари	485
17.2. Коррупция ва унинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари	493
17.3. Хуфёна иқтисодиётга қарши кураш усуллари	498
17.4. Ўтиш иқтисодиёти шароитида коррупция ва жиноий хуфёна иқтисодиётга қарши кураш	503

18-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

18.1. Давлатнинг миллий иқтисодий хавфсизлиги ва унинг таркибий элементлари	514
18.2. Давлат иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлар ва омиллар	521
18.3. Мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш	528

**19-БОБ. ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ
ВА МАМЛАКАТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ
ЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

19.1. Ташки иқтисодий фаолият ва миллий манфаатларгатахдидлар.....	534
19.2.Ташки иқтисодий фаолият хавфсизлигини таъминлаш йўллари	540
19.3.Ташки иқтисодий хавфсизликни таъминлашда божхона органларининг ўрни ва роли	549
19.4. Хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ хавфсизлик ва мамлакатнинг рақобатбардошлиги	553
19.5. Халқаро иқтисодий ташкилотларда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари	559
19.6. Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва такомиллаштириш йўналишлари	565
Хулоса	576
Изоҳли лугат (глоссарий)	581
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	602

Ҳасан Абулқосимов, Мурод Абулқосимов

**ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

*Муҳаррир Г. Муҳаммадҷон
Саҳифаловчи О. Абдураҳманов*

“Noshirlik yog‘dusi” нашриёти.
100129. Тошкет шаҳри, Чорсу майдони, 3-А.
Лицензия раками А1 № 027, 27.10.2018 й.

Босишга 2019 йил 25 июнда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ «Times New Roman» гарнитураси.
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
36,5 шарт. б.т. 36,0 нашр табағи.
Адади 500 нусха.

“RELIABLE PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар Чорсу майдони, 3-А